


ЭРИХ МАРИЯ РЕМАРК

УЧ ОҒАЙНИ

РОМАН

Русчадан НИЗОМ КОМИЛ таржимаси



ТОШКЕНТ "МАЪНАВИЯТ" 2002

www.ziyouz.com kutubxonasi

XX асрнинг биринчи ярмида ўз асарлари билан адабиёт осмонида яшиндек чақпаган буюк немис ёзувчиси Эрих Мария Ремаркни ўзбек китобхонларининг ҳозирги авлоди яхши билмаслиги табиий. Бунинг мўайян сабаблари бор. 50-йилларда унинг «Уч оғайни» романи рус тилида биринчи марта чоп этилиши биланоқ катта шов-шувга сабаб бўлди, китоб кетма-кет миллионлаб нусхала нашр этилди. Шунда ҳам талабни қондириб бўлмади. Одамлар романни бир-бирларидан сўраб олиб ўқишга киришдилар. Қутилмаганда расмий доиралар, коммунистик мафкура ҳимоятчиларининг пайтавасига қурт тушиб қолди. Улар Ремаркни ғоясизликда айблаб, унинг ижодига шиддат билан тош ота бошладилар. Ҳатто «ремаркчилик» деган машъум атама ҳам пайдо бўлди. Бу шарпа Ўзбекистонга ҳам етиб келди. Айрим танқидчи ва ёзувчиларимиз, бизга Ремарк асарлари керак эмас, бу асарлар коммунизм қураётган ёшларимизни йўлдан оздиради, деб гафго кўтара бошладилар. Шу туфайли унинг асарларини ўзбек тилига таржима қилишга ҳеч ким журъат этмади. Орадан қирқ йил вақт ўтди. Мана, ниҳоят, шу кунларга ҳам етиб келдик. Тарихнинг қудратли ва қайсар чархпалаги ўз ишини қилди... Энди, сизга тақдим этилаётган «Уч оғайни» романига келсак, асар қаҳрамонлари жамиятда бирор лавозим ёки нуфузга эга бўлмаган «майда» одамлар. Аммо уларнинг ҳам файласуф олимлар ва назарийчиларникига ўхшамайдиган ўз фалсафалари ва ўз мантиқлари бор. Қизиги шундаки, биз уларнинг фикр-мулоҳазалари ёки хатти-ҳаракатларига эътироз билдиrolмаймиз, аксинча, асарни ўқиш жараёнида жамият четга суриб ташлаган бу оддий одамларга ҳурматимиз ортиб боради.

Дарвоқе, бу ёғи ўзингизга ҳавола.

Р 4702620204 - 37 33 — 02
M25(04) — 02

© «Жаҳон адабиёти» журнали,
1998 й.
© «Маънавият», 2002.

I

Хали губор инмаган осмон сарғиш тусда. Айниқса, фабрика томонга қарасангиз, уфқ бамисоли тилла сувига чайилгандай. Ҳадемай куёш чиқади. Соатимга қарасам — саккиз ҳам бўлмапти. Бугун ишга одатдагидан чорак соат барвақт келибман.

Дарвозани очиб, бензоколонка насосини тахт қилиб қўйдим. Чунки бу пайтда бензин қуйдиргани дастлабки мошиналар кела бошлайди.

Бирдан орқа томонимда бировнинг бўғиқ ихраётгани эшитилди — гўё кимдир зўр бериб занглаган мурватни бураётганга ўхшарди. Тўхтаб, қулоқ солдим. Сўнг ҳовли орқали изимга — устaxonага қайтиб, эшикни аста қия очдим. Ним қоронғу бино ичида аллақандай арвоҳ ивирсиб юрарди. Бошида исқирт оқ рўмол, белида кўкимтир пешбоғ, оёғида бесўнақай юмшоқ пойабзал. Ўзининг вазни ҳам тўқсон килодан кам эмас. У фаррошимиз Матильда Штосс эди.

Бир. муддат уни кузатиб турдим. Матильда лапанлаганча узун супурги билан қатор қилиб териб қўйилган автомобиль радиаторлари ён-верини супурар, қандайдир қўшиқни минғирлаб хиргойи қиларди. Дераза ёнига қўйилган столда икки шиша коньяк турарди. Шишаларнинг бири деярли бўшаган. Кечкурун тўла эди.

— Қойилман, фрау Штосс... — дедим мен.

Қўшиқ тинди. Супурги «тап» этиб ерга тушди. Масъуд табасум тош қотди. Гўё энди мен арвоҳга айланган эдим.

— Ё алҳазар, — деб гўдранди Матильда, — бунақа барвақт келасиз деб ўйламагандим.

— Сезиб турибман. Қалай? Мазаси дуруст эканми?

— Чаккимас, лекин кўнглим беҳузур бўляпти. — У оғзини артди. — Алжираб қолдим.

— Йўғ-э, ваҳима қилманг. Андак сархушсиз, ширакайфсиз, холос.

Матильда оёқда зўрға турарди. Оғзи нуқул қийшайар, кўзларини қари бойқушдай очиб-юмиб қўярди. Бир оздан сўнг сал ўзига келди. Олдинга бир қадам ташлади.

— Жаноб Локамп, бекорга бандаи ожиз, дейишмас экан-да. Аввалига ҳидлаб кўрдим, кейин бир қултум ичдим, ошқозоним ўзи чатоқ, сал ўтмай қарабсизки, шайтон йўлдан урди-қўйди. Қари кампирни васвасага соладиган шу шиша ўлгурларни столда қолдириб нима қилардингиз...

Уни шу аҳволда биринчи марта кўраётганим йўқ. Ҳар куни икки соатга устахонани сунуришга келади, даста-даста пулларни қолдириб кетсанг ҳам қайрилиб қарамайди. Аммо ичкиликка келганда...

Мен шишани кўтариб кўрсатдим.

— Мижозларга аталганига тегмабсиз, аммо жаноб Кестер ўзига опқўйганини паққос туширибсиз-да.

Матильда мамнун жилмайди.

— Ҳа энди, ичкиликнинг фарқига бораман-да. Аммо-лекин, жаноб Локамп, шўрпешона бевани сотиб қўймайсиз.

Мен бош чайқадим.

— Бугун сотмайман.

У липпасига қистириб олган юбкасини туширди.

— Бўпти, мен кетдим. Жаноб Кестер кепқолса пўстагимни қоқади.

Мен жавон ёнига бориб, эшигини очдим.

— Матильда!

У чопқиллаб олдимга келди. Тўрт қиррали жигарранг шишани олиб, юқорига кўтардим.

Матильда зўр бериб ўзини оқлашга тушди.

— Ўлай агар, мен текканим йўқ.

— Биламаң, — дедим ва қадаҳни тўлдирдим. — Қандай ичимлик эканлигини биласизми?

— Нега билмас эканман! — У лабларини ялади. — Ром! Узоқ сақланиб, роса етилган ром. Ямайка роми!

— Тўппа-тўғри. Қани, олинг бўлмаса.

— Мен-а? — У орқага тисарилди. — Жаноб Локамп, ортиқчалик қилади. Мени қийнаманг. Коньягингизни ичиб қўйганим ҳам етар, тагин ром билан сийлашингиз нимаси! Ажойиб одамсиз-да! Йўқ, ичмайман.

— Шунақами? — Мен жўрттага қадаҳни бир четга суриб қўймоқчи бўлдим.

— Қўймадингиз-қўймадингиз-да! — У шошиб қадаҳни қўлига олди. — Берганни бетига қарама, деганлар. Ё гапим нотўғрими? Сизнинг соғлигингиз учун! Тўхтанг, туғилган кунингиз бўлмасин тагин?

— Ҳа, топдингиз, Матильда!

— Ростданми? Буни қаранг-а! — У қўлимга ёпишиб, кучининг борича силкий бошлади. — Илойим мингга кириңг! Бойбадавлат бўлинг, жаноб Локамп! — Матильда бир тамшаниб қўйди. — Шундоқ кунда яна битта отмаса хунук бўлар-а? Тилло одамсиз-да. Ўз ўғлимдай яхши кўраман сизни!

— Омон бўлинг!

Мен яна қўйдим. У қадаҳни бир кўтаришда бўшатди-да, мени алқай-алқай устахонадан чиқиб кетди.

Шишаларни олиб қўйиб, стол ёнига ўтирдим. Деразадан офтобнинг заифгина нури тушиб турарди. Гарчи бунга кўпда эътибор бермасанг ҳам, туғилган кунингда ҳар қалай кўнглингда ғалати бир ҳиссиёт ғимирлаб қўяди. Ўттиз ёш... Шундай пайтлар бўлганки, йигирмага кираман, деб ўйламаганман, бир думалаб катта киши бўлиб қолишни орзу қилардим. Кейин...

Ғаладондан бир варақ қоғоз олиб, хаёлга толдим. Болалик, мактаб... Ўҳ-ҳў, орадан шунча вақт ўтипти-я, гўё мен ҳеч қачон бола бўлган эмасман. Ҳақиқий ҳаётим 1916 йилдан бошланди. Ўша йили аскарликка чақирилдим. Чўпдай ориқ, бўйим дароз, ўн саккиз ёшдаман. Мўйловдор унтер-офицер ёт деса — ётаман, тур деса — тураман. Бир куни казармага ойим мени кўргани келди. Лекин дарвоза олдида бир соат кутишга мажбур бўлди. Сафар халтасига нарсаларни жойлашда янглишганим учун ҳожатхонани тозалашни буюришганди. Ойим менга ёрдамлашмоқчи бўлган экан, рухсат беришмапти. Шу қадар чарчабманки, ойим билан гаплашиб ўтириб, ухлаб қолибман.

1917 йил. Фландрия. Мидендорф иккаламиз ертўладаги қаҳвахонадан бир шиша қизил вино сотиб олдик. Бир отамлашмоқчи эдик. Бўлмади. Тонгда инглизлар қаттиқ ўққа тутишди. Тушда Кестер яраланди. Намозгарга яқин Майер билан Петерс ҳалок бўлишди. Тунда шишани очиб, энди бир яйраймиз деб турганимизда газ ҳужуми бошланиб қолди. Блиндажлар заҳарли тутунга тўлди. Ҳартугул, газга қарши ниқобни кийишга улгурдик. Аммо Мидендорфнинг ниқоби йиртилиб кетди. Бунга у кеч пайқади. Бошқасини кийгунча анча-мунча газни ютиб, қон қуса бошлади. Эртасига эрталаб, жон берди; ранги гезариб кетган эди. Бўйни тилка-пора. Шўрлик, нафас оламан деб, тирноғини бўйнига ботираверипти.

1918 йил. Ҳарбий шифохона. Икки кун олдин ярадорларнинг яна бир гуруҳини олиб келишди. Оғир ярадорлар. Яралар қоғоз бинт билан боғланган. Хонани оҳ-воҳ тутиб кетган. Беморлар ёт-қизиладиган узун аравачалар уззукун ноҳага кириб-чиқиб туради. Баъзан улар бўш қайтади. Ёнимда Иозеф Штоль ётипти. Оёғи йўқ, лекин ўзи билмайди. Кўролмайти-да, чунки оёқларининг ўрнида устига чойшаб ёпиб қўйилган темир синч бор, холос. Оёғинг йўқ, десангиз, ишонмаслиги аниқ, сабаби — оғриқни сезяпти-да. Кечаси икки киши нобуд бўлди. Биттаси жуда қийналиб жон берди.

1919. Яна уйдаман. Инқилоб. Очлик. Кўчадан пулемётларнинг тариллаши эшитилиб туради. Аскар аскарга, жўра жўрасига ўқ узяпти.

1920. Исён. Карл Брегерни отиб ташлашди. Кестер билан Ленц қамоққа олинди. Онам касалхонада. Рак.

1921. Эслашга уриняпман-у, эслолмаяпман. Бу йил хаёлимдан буткул кўтарилипти. 1922 йили Тюрингияда йўл қурилишида ишладим. 1923 йили эса резина буюмлар фабрикасида рекла-

ма билан шуғулландим. Пул қадрсизланаётган пайтлар эди. Ойига икки юз миллиард марка олардим. Пулни кунига икки маҳал беришарди, ҳар гал маошни олгандан сўнг ярим соат танаффус қилиб, дўконга югурардик, чунки долларнинг қуввати ўзгармасдан бурун у-бу нарса ҳарид қилишга улгуриш керак эди. Кечга бориб, пул икки баравар қадрсизланиб қоларди.

Кейин нима бўлди? Кейинги йиллар қандоқ кечди? Қаламни бир четга қўйдим. Бу ёғи эслашга арзимайди. Қолаверса, кўрган-кечирганларимни тузук-қуруқ эслолмайман. Бари айқаш-уйқаш бўлиб кетган. Охирги марта туғилган кунимни «Интернациональ» қаҳвахонасида нишонлаганман. У ерда бир йил со-зандалик қилдим. Кейин яна Кестер билан Ленцни топиб олдим. Мана, ҳозир шу ердан, яъни «Аврем»да — Кестер ва К^онинг автомобиллари таъмирлайдиган устахонасидаман. К^о деганда Ленц иккаламиз назарда тугилади, лекин устахона буткул Кестерга тегишли. У билан мактабдошмиз, кейин ротамизга командирлик қилган. Сал ўтмай, учувчи бўлди, оз вақт талаба бўлиб юриди, кейин автомобиль пойгасига қизиқиб қолди ва ниҳоят, мана шу устахонани сотиб олди. Аввалига бир неча йил Жанубий Америкада санқиб юрган Ленц ёнига кирди, кейин мен қўшилдим.

Чўнтагимдан сигарета қутисини олдим. Тақдиримдан ноли-масам бўлади. Турмушим ёмон эмас, ишим аниқ, соғ-саломатман, куч-қувватим бор. Инчунин, ўтмишни эсламаганим маъқул. Айниқса, ёлғиз қолган пайтларимда. Кечқурунлари. Аммо лекин айтишга осонку-я, ўтмиш баъзан шундоқ кўз олдимга келиб, қадалиб туриб олади. Шундай пайтларда арақ асқотади.

Дарвоза гийчиллади. Хотираларим ёзилган қоғозниғижим-лаб, стол остидаги кажавага улоқтирдим. Эшик очилиб, Готтфрид Ленц кириб келди. Баланд бўйли, озғин, малла сочлари хурпайган, бурни... лекин юзига мутлақо бошқа одамнинг бурни ёпиштириб қўйилганга ўхшайди.

— Робби! — деб хитоб қилди у. — Очофат! Қани, тур ўрнингдан! Бошлиқларинг сен билан бир гаплашиб қўйишмоқчи!

— Ё парвардигор, — мен ўрнимдан турдим. — Ўйловдимки, лоақал шу бугун... Раҳм қилинглар, оғайнилар!

— Хомтама бўлма! — У столга қоғоз халта қўйди, ичида бир нима шиқирлаб кетди. Орқама-орқа Кестер кириб келди. Ленц рўпарамга туриб олди.

— Робби! Бугун эрталаб биринчи бўлиб кимга дуч келдинг? Эслай бошладим.

— Рақсга тушаётган кампирга!

— Йўқ. Мусо пайғамбарга дуч келгансан! Бу беҳосият нарса. Лекин мучалиннга тўғри келади. Кеча ҳисоблаб чиқдим. Сен Қавс буржида туғилгансан, шунинг учун ҳам беқарорсан, ҳар мақомга йўрғалайверасан, сенга бошқа буржлар ҳам салбий таъсир ўтқа-

зиб туради. Модомики, Отто иккаламиз сенга ҳам ота, ҳам она ўрнида эканмиз, химоя воситаси сифатида мана бу туморни тақдим этаман. Буни менга инклар авлодидан бўлмиш бир қиз туҳфа қилган эди. Ўзи битлиқи, япасқитовон бўлгани билан аслзода, башоратгўй қиз эди. «Оқтанли муҳожир, — деган эди у. — Буни подшолар бўйинларига осиб юришган, бунда қуёш, ой ва заминнинг қудрати бор. Битта араққа пул бергину бемалол тақиб юравер». Азбаройи бахт занжири узилмаслиги учун шуни сенга топшираман. Бу тумор сени ҳар турли бало-қазою инсу жинслардан асрайди, — шундай деб, Ленц ингичка занжирли қора туморни бўйнимга осиб қўйди. — Буюрсин! Бу юқоридан келадиган офатларга қарши чора. Ер юзидаги ташвишларнинг кушандаси Оттонинг совғаси! Олти шиша ром, буларнинг ёши сеникидан икки баравар ортиқ!

Ленц қоғоз халтани очиб, шишаларни столга териб қўйди. Кун нурида улар қаҳрабодай товланарди.

— Ажойиб манзара! — дедим мен. — Қаёқдан олдинг буларни, Отто?

Кестер кулди.

— Боғини суриштира. Хўш, қалайсан? Ўттиз ёшлига ўхшайсанми, йўқми?

Мен қўл силтадим.

— Э, гапирма. Ҳам ўн олти, ҳам элликка кирганга ўхшайман.

— Зўр-ку! Бундан ортиқ яна нима керак? Демак, сен вақтни тизгинлаб, икки умрни кечираётган экансан.

Кестер менга тикилиб қаради.

— Тинч қўй уни, Готтфрид, — деди у. — Туғилган кунлар киши руҳиятига ёмон таъсир қилади. Айниқса, эрталабдан.

Ленц кўзларини қисди.

— Инсон ўзининг руҳий ҳолати тўғрисида қанча кам ўйласа, демак, у — бутун инсон. Маъқулми гапим?

— Йўқ, — дедим мен, — маъқулмас. Агар бутун инсон бўлса, у ҳайкалга айланиб қолади. Менимча, дунёда бундан бемаъни, бундан зерикарли нарса бўлмаса керак.

— Отто, файласуф бўп кетипти-ку бунинг, — деди Ленц, — демак, қутулипти. Машъум дақиқалар ортда қопти. Бу туғилган куннинг шундай машъум дақиқаларики, киши ўзига четдан қараб, қандай аянчли махлуқ эканини пайқаб қолади. Энди бемалол ишга киришсак бўлади, эски кадиллакнинг ичак-чавоғини мойлаш керак...

Қош қорайгунча роса ишладик. Кейин ювиниб, кийимларимизни алмаштирдик. Ленц терилиб турган шишаларга суқланиб қаради.

— Биттасининг қалласини олмаймизми?

— Робби нима деса — шу, — деди Кестер. — Совға қилиб берилган нарсага кўз олайтириш яхшимас. Готтфрид.

— Совға берган кишиларнинг томоғи тақиллаб, ўлиб кетиши ундан ҳам ёмон, — эътироз билдирди Ленц ва шишалардан бирини шартта олиб, очди.

Хонани хушбўй ҳид тутиб кетди.

— О, Мусо пайғамбар! — деди Готтфрид.

— Отто, ҳидини қара. Буни таърифлаш учун шоҳ сатрларга муружаат қилиш керак.

— Ҳа, бунақа ром хароба кулбамиз учун ортиқча дабдаба! — деди Ленц. — Шаҳар ташқарисига чиқмаймизми? Йўл-йўлакай овқатланамиз, битта шишани олволсак, табиат бағрида секин майдалардик-да.

— Зўр таклиф.

Кун бўйи атрофида айланганимиз кадиллакни бир четга сурдик. Унинг орқасида тўртта ғилдиракка ўрнатилган ғалати нарса турарди. Бу устахонамиз ғурури, Отто Кестернинг пойга мошинаси эди.

Бир куни Кестер кимошди бозоридан арзон-гаровга алми-соқдан қолган бир мошинани сотиб олди. Шу ерда ўралашиб юрган мутахассислар ҳеч иккиланмай, бу машина транспорт тарихи музейига ноёб экспонат бўлади, дейишди. Больвис — аёллар кийими фабрикасининг хўжайини ва ҳаваскор пойгачи — Оттога харид қилган дахмазасини тикув мошинасига айлантиришни маслаҳат берди. Аммо Кестер бу гапларга заррача парво қилмади. У мошинани бамисоли чўнтак соатидай қисмларга ажратиб, бир неча ой кечасию кундузи куймаланди. Бир куни у мошинасини кечқурунлари ўзимиз ўтирадиган қаҳвахонага миниб келганида Больвис кулавериб, ичаклари узилаёзди. Мошина шу даражада тасқара эди. Больвис ҳазиллашиб; ким ўзарга гаров ўйнашни таклиф қилди. Агар Отто унинг янги пойга мошинаси билан мусобақалашишга рози бўлса, йигирма марка эмас, икки юз марка тикишини айтди. Масофа ўн километр. Оттонинг мошинаси учун бир километр чегириб ташланади. Улар қўл олишдилар. Томошаталаб ишқибозлар кула бошлашди. Шунда Кестер ҳаммани баттар ҳайрон қолдирди — у имтиёздан воз кечди, бу ҳам етмагандай, совуққонлик билан мингга мингги таклиф қилди. Анграйиб қолган Больвис ундан: «Жиннихонага обориб кўяйми?» — деб сўради. Бунга жавобан Отто моторни ўт олдирди. Икковлари бараварига жойларидан кўзгалдилар. Ярим соатдан сўнг Больвис сўлжайиб қайтиб келди. Индамай Оттога чек ёзиб берди. Кейин яна битта чек ёза бошлади. У Кестернинг мошинасини шу заҳотиёқ сотиб олмоқчи эди.

Отто уни калака қилиб, мошинани энди миллион маркага ҳам сотмаслигини айтди. Аммо мошинанинг қуввати ҳар қанча зўр бўлгани билан кўриниши ниҳоятда хунук эди. Кундалик юриш-туриш учун унга бўёғи унниқиб кетган эски кузов ўрнатгандик. Қанотлари ҳам дарз кетган. Тепасига қараб бўлмайди.

Тўғри, мошинани бинойидек қилиб олишимиз ҳам мумкин эди, аммо бундай қилмаганимизнинг муайян сабаблари бор эди.

Биз унга «Карл» деб ном қўйгандик. «Карл» — йўлдаги шарпа. Бизнинг «Карл» катта йўлда ўрмалаб борарди.

— Отто, — дедим мен. — Ўлжа яқинлашяпти.

Орқада баҳайбат бьюик сигнал берарди. Мана у бизга етиб олди. Ёнимиздан ўта бошлади. Рулда ўтирган эркак бизга бепи-санд бир қараб қўйди-да, юзини терс бурди, у бизни тамом унут-ганди.

Орадан бир оз вақт ўтгач, «Карл» ҳамон ёнбошида кетаётганини пайқади. Ҳалиги киши рулни маҳкамроқ қисиб, бизга ҳайратомуз яна бир кўз ташлади. «Карл» ортда қолмай, ярқираб турган серҳашам мошина билан ёнма-ён учиб борарди.

Эркак газни қаттикроқ босди. У мошинаси нималарга қодирлигини кўрсатиб қўймоқчи эди. Фойдаси бўлмади. Биздан ўзиб кетолмади.

Шу пайт рўпарада бизга қараб келаётган юк мошинаси кўринди. Бьюик йўл бўшатишга мажбур бўлди. Шу боис орқада қолиб кетди. У бизни энди қувиб етганда олдимизда ўлик ортган, кузови атрофига гулчамбарлар терилган мошина пайдо бўлди. Бьюик тагин орқада қолди. Сал ўтмай у бизга яна етиб олди. Аммо ҳарчанд газга зўр бермасин, «Карл»дан ўзиб кетолмади. Рулда ўтирган эркакнинг бояги такаббурлигидан асар ҳам қолмаганди. У таажжубда эди. Наҳотки шу тошбақа нусха мошинани қувиб ўтол-маса? Эркак асабийлаша бошлади. Уни пойгачиларга хос бир шиддат туйғуси чулғаб олганди. Кўкрагини рулга тираб, газни охиригача босди. Аммо иккала мошина орасидаги масофа ўзгар-мади.

Биз бўлсак — парвойи фалак. Гўё теварак-атрофда тирик жон йўқдай. Кестер мошинани хотиржам ҳайдаб кетяпти. Мен ўзимни зериккан кишидай кўрсатиб, бир нуқтага тикилиб олганман. Ленцнинг асаблари тобора таранглашиб бораётган бўлса ҳам, газетадан бош кўтармайди.

Бир оздан сўнг Кестер бизга кўз қисиб қўйди. «Карл» киши билмас тезликни пасайтирди, бьюик олдинга ўтиб олди. Йигирма метрлар чамаси узоқлашгач, рулдаги одам ойнадан бошини чиқазиб, бизга масхаромуз тиржайди, бу ҳам етмагандай «қани, қўлингдан келса, етвол-чи» дегандай ишора қилди. Биз шуни кутиб турган эдик.

— Отто! — деди Ленц сабри чидамай.

Бу ундовга ҳожат йўқ эди. «Карл» шу заҳоти олдинга отилди. Биз бьюикни қандай қувиб етиб, ундан қандай ўзиб кетганимизни ҳам сезмай қолдик. Орқага қарасам, ҳалиги мошина кўнғиздай кичрайиб, ўрмалаб келаётганга ўхшади.

— Қойил, Отто! — деди Ленц Кестерга мамнун бир қиёфа-да. — Олифтанинг бурнини ерга ишқадик.

Азбаройи мана шунақа дақиқалар учун ҳам биз мошинанинг шаклу шамойилини ўзгартирмасдик. Йўлга чиққаннимизда ҳозиргига ўхшаган воқеалар тез-тез юз бериб турарди. «Карл»нинг ташқи қиёфасини кўрган кексаю ёш шофёрлар бизни масхаралаб ўтишар, аммо унга пойгачи мошиналарнинг қудратли мотори ўрнатилганини хаёлларига ҳам келтиришмасди.

Ленц «Карл»нинг тарбиявий хизмати беқиёс, дерди. Унинг фикрича, бу машина ҳовлиққан одамларнинг ўпкасини босиб турармиш. Кейин, аксарият ҳолларда кўримсиз парда остига яширинган ижод маҳсулига кишиларда эҳтиром туйғусини уйғотармиш. Ленц шундай дегани билан ўзини ашаддий саргузашт ишқибози деб ҳисобларди.

Биз мўъжазгина бир ресторан олдида тўхтаб, мошинадан тушдик.

Оқшом сўлим ва осойишта эди. Эндигина ҳайдалган шудгор эгатлари бинафшаранг, элас-элас кўзга чалинаётган дала этаклари эса сарғиш-жигарранг тусда товланарди. Зангори осмонда вазмин сузаётган пахмоқ булутлар янги ой ўроғини қуршовга олаётганди. Бир туп ёввойи ёнғоқ шоҳлари орасига шом қоронғуси ва унсиз орзулар яширинган. Ёнғоқ новдалари ҳали барг ёзмаган бўлса ҳам куртакларига жо бўлган ёруғ бир илинж билан тебранарди. Жажжи ресторандан қовурилган жигар билан пиёз хиди анқирди. Ҳаммамиз бир энтикиб қўйдик.

Ленц чидаёлмай, ичкарига чопқиллаб кириб кетди. Салдан кейин кўзлари чақнаб қайтиб чиқди.

— Қовурилган картошкани бир татиб кўрганингларда эди! Бўла қолинглар, қуруқ қолмайлик тагин.

Шу пайт яна бир машина шиддат билан келиб тўхтади. Анграйиб қолдик. Бу боя биз қувиб ўтган бьюик эди.

— Бошланади! — деди Ленц.

Бунақа ҳолларда муштлашиш кўп бўлган.

Эркак мошинадан чиқди. У барзанги киши эди. Эғнида туя юнгидан тўқилган мошранг узун камзул. «Карл»га гижиниб бир қаради-да, йўл-йўлакай қўлқопини ечиб, ёнимизга келди.

— Қанақа мошина бу? — деб сўради у Кестердан, афтини буриштириб.

Биз чурқ этмадик. Табиийки, у бизни бировнинг мошинасида дам олгани чиққан автомеханиклар деб ўйлаётганди.

— Бир нима дедингизми? — Оттонинг сўз оҳангида «сал пастроқ тушсангчи» деган маъно бор эди.

Эркак қизариб кетди.

— Мошинанинг маркасини билмоқчи эдим, — деб гудранди у.

Ленц қаддини ростлаб, бурнини жийириб қўйди. У бетакаллуф муомалани ҳазм қилолмасди. Нотаниш кишига бир нима демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди — улгуролмади, кутилмаганда бьюикнинг нариги эшиги очилди. Аввал узун оёқ ва тухумдай

силлиқ тизза кўринди. Бир қиз мошинадан тушиб, биз томон кела бошлади.

Таажжубланиб, бир-биримизга қараб қўйдик. Мошинада яна бошқа одам борлигини боя пайқаман эканмиз. Ленцнинг авзойи дарров ўзгарди. Сепкилдор юзига кулги югурди. Биз ҳам илжая бошладик, сабабини ўзимиз ҳам билмасдик.

Барзанги ҳайрон. У нима дейишини ҳам, нима қилишини ҳам билмасди. Ниҳоят, «Биндинг» деб, ўзини таништирди, гўё бу ном кутқариш чамбараги вазифасини бажарадигандай.

Қиз ёнимизга келди. Биз баттар суюлиб кетдик.

— Мошинани кўрсат буларга, Отто, — деди Ленц Кестерга қараб.

— Жоним билан, — Оттонинг кўзларидан учкун сачради.

— Рост, жа-а қизиқиб қолдим, — Биндингнинг попуги анча пасайган эди. — Ичига шайтон кирволганми дейман, бир зумда кўздан ғойиб бўлди-қолди-я.

Икковлари мошина олдига боришди, Кестер капотни очди.

Қиз биз билан қолди. Хушбичим, камсуқум соҳибжамол шом қоронғусида Ленц икковимизнинг ёнгинамизда турарди. Готтфрид фурсатдан фойдаланиб, қизни аврашга тушармикин, деб ўйлаган эдим. Бунақа ишларга устаси фаранг-да. Аммо ундан садо чиқмасди. Бошқа пайтда булбулигўё бўп кетадиган одам ҳозир негадир, оғзига талқон солволгандай, миқ этмасди.

— Илтмос, кечиринг, — дедим мен ниҳоят. — Мошинада ўтирганингизни кўрмай қолибмиз, акс ҳолда бунақа шўхлик қилмаган бўлардик.

Қиз менга қаради.

— Нега энди? — дея эътироз билдирди у паст, майин товушда. — Бунинг асло ёмон ери йўқ.

— Тўғрику-я, лекин биз ҳар ҳолда чакки иш қилдик. Ахир, мошинамиз соатига тахминан икки юз километр босади.

Қиз хиёл энгашиб, қўллариңи пальтосининг чўнтагига солди.

— Икки юз километр?

— Аниқроғи, 189,2 километр, — деди Ленц виқор билан.

Қиз хахолаб кулди.

— Биз олтмиш-етмишдан ошмаса керак, деб ўйлагандик.

— Ана, кўрдингизми, — дедим мен. — Сизлар билмагансизлар-да.

— Ҳа, — жавоб берди у. — Ростдан ҳам билмаганмиз. Бьюикнинг тезлиги сизларнинг мошинангизникидан икки баравар ортиқ, деб ишонганмиз.

— Тўғри, ортиқликка ортиқ. — Мен оёғим остидаги чўпни четроққа тепдим. — Лекин мошинамизнинг мотори бошқача-да. Жаноб Биндинг роса хафа бўлгандир-а?

Қиз яна кулди.

— Сал-пал. Лекин тез унутди. Мағдубиятга ҳам чидай билиш керак. Акс ҳолда бу дунёда яшаб бўлмайди.

— Албатта...

Орага сукунат чўкди. Мен Ленцга қарадим. Аммо қизларни кўрганда ипакдай эшилиб кетадиган одам ҳозир без бўлиб турар, мени буткул ўз ҳолимага ташлаб қўйган эди.

Қайинлар шовуллар, уй ортида товуқ қақағларди.

— Бугун яхши кун бўлди, а? — дедим жимликни бузиш мақсадида.

— Ҳа, ҳаво бирам майинки! — қиз фикримни қувватлади.

— Зўр! — деб тўнғиллади Ленц.

— Жудаям зўр! — дедим энсам қотиб. Аммо бунни сездирмадим.

Яна жим бўлиб қолдик.

Билиб турибман, қиз бизни қип-қизил галварс деб ўйлапти. Лекин нима қилай, бисотимдаги гапим тугаган эди. Хайрият, Ленцга инсоф бериб қолди.

— Димланган олма! — деди у тўлқинланиб. — Ресторанда жигарнинг ёнига димланган олма ҳам қўйиб беришаркан. Тансиқ таом-да.

— Э, нимасини айтасан, — унинг гапини маъқуллаган бўлдим-у, ичимда иккаламизни ҳам сўқдим.

Кестер билан Биндинг қайтиб келишди. Шу бир неча дақиқа ичида Биндинг бутунлай ўзгариб кетган эди. Автомобиль жинниси бўлса керак-да, бунақалар мошина устасини кўрганда ҳамма нарсани унутворишади.

— Бирга овқатланмаймизми? — деб қолди у кутилмаганда.

— Бажонидил, — жавоб берди Ленц.

Ресторанга қараб юрдик. Готтфрид иккаламиз орқароқда борардик. У қизга ишора қилиб, кўзини қисди.

— Бу жонон рақсга тушаётган кампирнинг ҳиссасини ўн чандон чиқазади.

Мен елкамни қисдим.

— Эҳтимол. Ўласанми гапирсанг!

Ленц кулиб юборди.

— Сен ҳам ўргангин деяпман-да, хумпар!

— Яна бирор нарсани ўрганишга сираям тоқатим йўқ, — дедим мен.

Ресторанга кириб бордик. Шерикларимиз аллақачон стол атрофида ўтиришарди. Ресторан бекаси жигар билан қовурилган картошка опкелди. Иштаҳа учун қўйилган буғдой арағи столда тайёр турарди. Биндинг ўлгудай сергап одам экан, бир зум ҳам чакаги тинмасди. Автомобиллар тўғрисида билмаган нарсаси йўқ! Кестернинг пойгаларда қатнашганини эшитиб, унга бўлган ҳурмати чунонам ошиб кетдики.

Мен Биндингни диққат билан кузата бошладим. Баланд бўйли, тўладан келган, юзи қип-қизил, қошлари қалин; андак мақтанчоқроқ, дали-ғули, афтидан, ҳамма омадли кишилардай, қўнгли очик. Кечқурунлари ётишдан олдин ўзини кўзгуга солиб, бир соат томоша қилса керак.

Қиз Ленц икковимизнинг ўртамизда ўтирарди. Пальтосини ечиб, кулранг инглиз костюмида қолди. Бўйнида оқ шоҳи дуррача. Чироқ ёруғида майин кўнғир сочлари ялтирарди. Теп-текис елкалари олдинга сал туртиб чиққан, қўллари нозик, бармоқлари узун-узун. Катта-катта кўзлари нафис ва рангпар юзидаги жўшқин ҳирсий эҳтирос ифодасини ошкор қилиб турипти. Хуллас, кетворган қиз, аммо назаримда бунинг менга алоқаси йўқдай эди.

Берганда, Ленцга худо берди. У бир зумда бошқа қиёфага кирган эди. Тўхтовсиз гапирар, ҳазил-хузул қилар, Биндинг иккаласи давра султонига айланишганди. Мендан садо чиқмасди, аҳён-аҳён ўзимнинг борлигимни билдириб қўйиш учун ликопча узатар ёки сигарета таклиф қилардим. Дарвоқе, Биндинг билан қадаҳ уриштирдим. Бу иш бир неча бор такрорланди. Кутилмаганда Ленц пешонасига шап этиб уриб қолди.

— Ром-чи, ром! Робби, туғилган кунингга аталган ромни опкелмайсанми?

— Туғилган кун? Кимнинг туғилган куни? — деб сўради қиз.

— Менинг, — жавоб бердим мен. — Туғилмай ўлай, кун бўйи кулоғим тинчимайди.

— Нега унақа дейсиз? Табриклашса ёмонми?

— Йўқ, нега? Табрик — бутунлай бошқа нарса.

— Ундай бўлса, чин қалбимдан табриклайман, бахтли бўлинг.

Қиз қўлини узатди, унинг илиқ кафтини бир лаҳза қисиб турдим. Кейин ром олиб келиш учун ташқарига чиқдим. Гугурт кутисидек бинони улкан соқов тун қуршаб олганди. Мошинамизнинг чарм ўриндиқлари нам тортиб қопти. Уфққа тикилиб, тўхтаб қолдим: шаҳар чироқларининг қизғиш шуъласи кўкнинг бир четини ёритиб турарди. Яна пича турмоқчи эдим-у, Ленцнинг бетоқат бўлишини эслаб, изимга қайтдим.

Ром Биндингга ўткирлик қилди. Иккинчи стакандан кейиноқ кайфи ошди. Гандираклаганча боққа чиқиб кетди. Ленц иккаламиз ўрнимиздан туриб, баланд пештахта олдига бордик. Ленц бир шиша жин буюрди.

— Ажойиб қиз-а, нима дединг? — сўради у.

— Билмадим, Готтфрид, — жавоб бердим мен. — Унчалик эътибор берганим йўқ.

Ленц менга бир муддат тикилиб тургач, бошини сарак-сарак қилди.

— Бу дунёда нима учун яшаб юрибсан?

— Ҳайронман. Ўзим ҳам шуни билмоқчи эдим.

Ленц кулди.

— Чучварани хом санама. Бу илмни ўрганаш осонмас. Олдин мен бу қизнинг анови бақалоқ мошинапарастга нима алоқаси борлигини аниқлашим керак.

Готтфрид Биндингнинг ортидан боққа чиқди. Сал ўтмай, икковлашиб пештахта ёнига қайтиб келишди. Афтидан, Ленц

Биндингдан қизнинг боши очиқлигини билволди шекилли, зўр бериб унга хушомад қила бошлади. Икковлари яна бир шиша жинни паққос тушириб, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, бир-бирларини «сен»лашга ўтишди. Кайфи чоғ пайтларда Ленц теваарак-атрофидагиларни шу қадар сеҳрлаб кўярдики, ҳеч ким унинг гапини икки қилолмасди. Шу тобда Биндинг ҳам буткул унинг домига илинганди. Бир оздан сўнг улар шийпончага ўтирволиб, аскарий кўшиқларни бошлаб юборишди. Ичкарида ўтирган қиз ҳам ашаддий саргузашт ишқибозининг хаёлидан тамом кўтарилганди.

Ресторанда уч киши қолдик. Бирдан орага жимлик чўкди. Қадимий соат бир маромда чиқилларди. Пештахта устини артаётган аёл бизга мулойим нигоҳ билан қараб-қараб кўярди. Печка ёнида тарғил този ит чўзилиб ётипти. У уйкусида ора-сира гиншиб кўяди. Ташқарида шамол дераза ойналарини сийпалайди. Унинг товушини узук-юлуқ аскарий кўшиқлар бўлиб турипти. Назаримда, ресторанининг кичкинагина хонаси биз билан бирга юксакликка кўтарилиб, зим-зиё тун оралаб, йиллар ва кўпдан-кўп хотиралар оралаб, чайқала-чайқала сузиб бораётгандай эди.

Вужудимни аллақандай мубҳам кайфият чулғаб олганди. Гўё вақт тўхтаб қолган; у энди зулумотдан отилиб чиқиб, зулумотга қуйиладиган дарё эмас, бутун борлик сокинлик акс этиб турган денгизга айланганди. Қадахимни баланд кўтардим. Ичидаги ром йилтилларди. Эрталаб устахонада ёзган хотираномамни эсладим. Ўшанда андак дилгир эдим. Ҳозир яхшиман. Энди менга бари бир, яшаши — яшаш! Кестерга қарадим. У қизга бир нималарни гапирарди, эшитиб турардим-у, сўзларини илғай олмасдим. Мен илк сархушликнинг қонимни қиздираётган беозор ёғдусини ҳис қилиб турардим. Бу ёғдуни хуш кўраман, чунки унинг нурида барча ноаниқ, барча номаълум нарсалар сирли-сеҳрли саргузаштга ўхшаб кўринади. Боғда Ленц билан Биндинг Аргон ўрмонидаги сапёр тўғрисидаги кўшиқни айтишарди. Ёнгинамда нотанийш қизнинг товуши қулоғимга чалиниб турипти; у шошмасдан, жудаям майин, жудаям мулойим оҳангда сўзларди. Қадаҳни охиригача сипқордим.

Ленц билан Биндинг қайтиб киришди. Очиқ ҳавода анча ўзларига келиб қолишганди. Йўлга отлана бошладик. Қизга пальтосини кийдириб қўймоқчи бўлдим. У елкасини тутиб, бошини орқага ташлаганча хиёл жилмайди, аммо бу табассум кимга аталганини билиб бўлмасди, қиз шифтга қараб турарди. Қўлларим ҳолсизланиб, беихтиёр пастга оғди. Тавба, шу пайтгача ҳеч нарсани сезмай ўтираверибман-а! Шунчалик ҳам гафлат босадими? Ленц бекорга диконгламаётган экан.

Қиз менга қайрилиб, савол назари билан тикилди. Дарров яна пальтони кўтардим-у, секин Биндингга кўз қирини ташладим. У стол ёнида турар, юзи баттар қизариб кетган, қарашида бирор-бир маъно йўқ эди.

— Мошинани ҳайдолармикин? — деб сўрадим қиздан.

— Ҳайдаса керак.

Ҳамон ундан нигоҳимни узолмасдим.

— Агар хавотирланаётган бўлсангиз, бирортамиз сизларга ҳамроҳ бўлишимиз мумкин.

Қиз сумкасидан упадонини олди.

— Овора бўлишнинг кераги йўқ, — деди у. — Ичганда қай-танга яхши ҳайдайди.

— Эҳтимол, лекин эҳтиёти шарт-да.

У юзига пардоз бераркан, упадон қопқоғига ўрнатилган кичкина кўзгу устидан менга бир қараб қўйди.

— Ишқилиб, эсон-омон етволинглар, — дедим мен.

Ваҳима қилмасам ҳам бўларкан. Биндинг ўзини анча тетик тутарди. Аммо мен иложи борича вақтни чўзишга уринардим.

— Агар рухсат берсангиз, хотиржам бўлиш учун эртага қўнғироқ қилардим.

Қиз жавоб қайтаришга шошмади.

— Ҳар ҳолда шу базми жамшидга биз сабабчи бўлдик, — давом этдим мен, — бунинг устига, менинг туғилган кунимда.

У кулиб юборди.

— Майли, бемалол, телефоним — вестен 27-96.

Ташқарига чиқибоқ рақамларни ёзиб қўйдим. Биндинг йўлга тушди, орқасидан бир муддат қараб турдик. Сўнг «кетар жафоси»га яна бир қадахдан отиб, мошинамизга ўтирдик. «Карл» эрта баҳорнинг энгил тумани оралаб, учиб кетди. Шаҳар, гўё сон-саноксиз чироқлари ёниб турган улкан кемадай ярқираб ва чайқалиб, биз томонга сузиб келарди. Кўп ўтмай, туман бағрида фарқ бўлиб ётган Фредди қаҳвахонаси олдидан чиқдик. «Карл» ни қантариб, ичкарига кирдик. Бу ерда коньяк олтин сувидай жўш урар, жин зумурраддай товланар, ром эса баайни ҳаётнинг тенгсиз тимсоли эди. Биз пештахта олдидаги баланд курсиларга яхшилаб ўтирволдик. Мусиқа янграб турар, ён-атрофимизда шоду хуррамлик ҳукм сурарди. Бу муҳит янги куч-қувват бағишлаётганидан бизни кутаётган ғариб кулбамизни ҳам, ночорлик билан кечаётган турмушимизни ҳам тамом унутгандик. Қаҳвахона пештахтаси бамисоли ҳаёт кемасининг капитан кўприкчасию биз ана шу кемада шовқин-сурон ила истиқбол сари сузиб кетаётган эдик.

II

Эртаси куни якшанба эди. Тўйиб ухлаб, кун тепамага келгандагина уйғондим. Сакраб туриб, деразани очдим. Ҳаво тоза ва беғубор эди. Спиртда ишлайдиган примусни курсига қўйиб, қаҳва қутисини излай бошладим. Хўжайиним — фрау Залевски — хо-нада қаҳва қайнатишимга рухсат берганди. Ўзи қаҳвани сууюқ дамларди. Мен бунақасини ёқтирмасдим, айниқса, ичгандан кейин. Мана, икки йилдирки, фрау Залевскининг пансионидида истиқо-

мат қиламан. Кўчамиз ўзимга ёқади. Бу ерда ҳар доим бирор воқеа содир бўлиб туради, сабаби — қасаба уюшмасининг биноси, «Интернациональ» қаҳвахонаси ва Қутқариш Армиясининг тўпланиш пункти ёнма-ён жойлашган. Бунинг устига, уйимиз рўпарасида кўҳна қабристон бор, кўпдан буён бу ерга марҳумлар дафн қилинмайди. Қабристон, худди истироҳат боғидай, сердарахт — сокин кечаларда ўзингни шаҳар ташқарисида яшаётгандай ҳис этасан. Аммо сукунат анча кеч бошланади, чунки қабристон ёнида ҳар турли чархпалак ва арғимчоқлар ўрнатилган сайилгоҳ бор.

Қабристон билан ҳамсоялик фрау Залевскига жуда қўл келади. Ҳавонинг тозалигини ва манзаранинг кўркамлигини рўкач қилиб, ижара ҳақини кўп сўрайди.

— Қандай жойда яшаётганингларни кўряпсизларми, жаноблар?

У доим шу гапни такрорлайверади.

Шошмасдан кийиндим. Якшанбалигини шунда яхшироқ сезаман. Ювиниб, хонада бир оз айланиб юрдим, газета ўқидим, қаҳва дамладим, дераза олдига турволиб, кўчани юваётганларни томоша қилдим, қабристондаги баланд дарахтларнинг шохларида сайраётган кушларнинг нағмасига қулоқ солдим. Оллоҳ яратган кумушранг, жажжи бу найчиларнинг овози сайилгоҳдаги шарманкаларнинг дилгир минғирлашига омухта бўлиб кетаётганди. Кўйлак ва пайпоқ танладим, шунақа узоқ танладимки, гўё уларнинг сон-саногини йўқдай. Ҳуштак чалганча, чўнтақларимни бўшатдим: қақалар, қаламтарош, калит, сигарета... бирдан кеча ўзим ёзиб кўйган телефон рақами чиқиб қолди. Патриция Хольман. Фалати исм — Патриция. Қоғозни столга кўйдим. Наҳотки кеча юз берганди бу воқеа? Назаримда орадан аллақанча вақт ўтгандай. Ростдан ҳам қизиқ-да: сархушликда ҳаёлинг жойида бўлади, аммо оқшомдан то эрталабгача ўтган вақт бир йилга ўхшаб туюлади.

Қоғозни китоблар орасига яширдим. Кўнғироқ қилсаммикин? Йўқ... Кераги йўқ. Эртасига кайфият бутунлай бошқача бўлади, кечқурунгига ўхшамайди. Аммо-лекин ношукур бўлмаслигим керак. Ҳаётимнинг сўнгги йиллари беҳаловат кечди. «Ҳеч нарсани юрагингга яқин олма, — дерди Кестер. — Яқин олсанг, ўша нарсани асраб қолмоқчи бўласан. Бу дунёда ҳеч нарсани мангу асраб бўлмайди».

Шу пайт кўшни хонада одатдаги ёнди-биди бошланди. Шляпамни қидириб тополмадим, кечқурун йўқотган бўлсам керак. Бейхтиёр жанжалга қулоқ тутдим. Хассе исмли эр-хотин бир-бирининг устидан мағзава тўкарди. Беш йилдан буён улар шу ерда, кичкинагина хонада яшашади. Ўзлари ёмон одамлармас. Агар ошхонаси бор уч хонали уйда яшашганда хотин ўзидан ортмасди, бунинг устига, бирорта фарзанд кўришганда булардан бахтли оила бўлмасди. Аммо бунақа уйга эга бўлиш учун пул

керак. Қолаверса, шундоқ нотинч замонда ким бола кўришни хоҳлайди? Мана шунинг учун ҳам улар бир хонага суқилиб олишган. Хотиннинг асаблари чатоқ, эр эса ишсиз қолишдан кўрқиб, юрак ҳовучлаб яшайди. Агар ишдан ҳайдалса — тамом. Хассе қирқ беш ёшларда эди. Бу ёшдаги одамни ким ишга олади? Илгари бунчаликмасди, қоқилган одам ўзини ўнглаб кетарди, ҳозир эса ишдан бўшасанг — умрбод кўчада қоласан.

Энди чиқиб кетмоқчи бўлиб турувдим, эшик тақиллади. Хассе ичкарига кирди-ю, ўзини стулга ташлади.

— Ортиқ чидаёлмайман!

Табиатан юмшоқ, оққўнгил бу одамга ичим ачиб кетди. Елкалари осилиб тушган, кичкина мўйлови бор. Камтарин, виждонан ишлайдиган хизматчи. Ҳозир бунақаларга кун йўқ. Нафсил-амрини айтганда, ҳамма вақт ҳам шу тоифадаги кишиларга қийин бўлган. Камтарлик билан ҳалоллик фақат романларда рағбатлантирилади. Ҳаётда эса бунақа одамларнинг ширасини сўриб, пўстлогини туфлаб ташлашади. Хассе қўлини кўтарди:

— Ўзингиз ўйланг, яна икки кишини ишдан бўшатишди. Навбат менга келади. Мана кўрасиз, мени ҳам ҳайдашади!

У йил — ўн икки ой мана шундай ҳадик билан яшарди. Хассега арақ қуйиб бердим. Унинг бутун вужуди титраб-қақшарди. Бир кунмас-бир кун йиқилиб қолиши турган гап.

— Бунинг устига, хотинимнинг таъналари! — деди у ижирганиб.

Афтидан, хотини, умримга зомин бўлдинг, деб таъна қилса керак. Аёл қирқ икки ёшда, анча сўлиган, ёшлик тароватини йўқотган, лекин эридан тетик эди. Унга яқинлашиб келаётган кексалик ваҳимаси азоб берарди.

Буларнинг орасига тушиб бўлмасди.

— Менга қаранг, Хассе! — дедим мен. — Сиз бемалол ўтираверинг. Мен кетишим керак. Кийим жавонида коньяк бор. Мана ром. Мана газеталар. Кейин, биласизми? Кечқурун хотинингизни олиб, бу ғурбатхонадан чиқиб кетинг. Лоақал кинога боринг. Бу қаҳвахонада икки соат ўтирганингиздан қимматга тушмайди. Қайтанга кўпроқ лаззат оласиз. Бугун энг муҳими — унутиш! Ҳеч нарсани ўйламаслик! — Мен унинг елкасига қоқиб қўйдим, лекин негадир виждоним қийналаётгандай эди. Ростдан ҳам, кинодан яхшиси йўқ. У ерда ҳар ким хоҳлаганча хаёл суриши мумкин.

Кўшни хонанинг эшиги очиқ эди. Ичкаридан аёл кишининг йиғиси эшитиларди. Тез юриб, ўтиб кетдим. Кейинги эшик қия очиқ. Биров қулоқ соляпти. Бу хонадан доим упа-элик ҳиди анқиб туради. Хона соҳибаси — Эрна Бениг — шахсий котиба. Оладиган маошига нисбатан башанг кийинади, шуниси ҳам борки, ҳафтада бир марта хўжайини кечқурун келиб, эрталаб кетади. Эртасига кун бўйи аёлнинг авзойи бузилиб юради. Рақсга бормаган қуни йўқ. Рақсга тушмасам, яшагим ҳам келмай қолади, дейди.

Иккита дўсти бор. Биттаси буни яхши кўради, доим гул опкелади. Шеригини бу аёл севади, ўзи унга пул бериб туради.

У билан ёнма-ён ротмистр граф Орлов яшайди — рус муҳожирини, ресторани хизматчиси, кинода сўзсиз ролларни ижро этади, рақс ўрганаётганларга шерикликка ёлланади, икки чаккасига оқ тушган олифта. Гитарани яхши чалади. Бош официант бўлиш орзусида худога илтижо қилгани-қилган. Ичганда йиғлоқи бўлиб қолади. Унинг ёнида етимхона ҳамшираси фрау Бендернинг хонаси. Эллик ёшда. Эри урушда ҳалок бўлган. Иккита боласи 1918 йили очликдан ўлган. Тарғил мушуги бор. Шу мушукка суяниб қолган.

Фрау Бендернинг кўшниси — нафақадаги кассир. Почта маркаси ва қоғоз пулларни йиғиб юрадиганлар уюшмасининг котиби. Марка деса жонини беради. Бор-йўқ фазилати шу. Бахтли одам.

Охирги эшикни тақиллатдим.

— Хўш, Георг, бирор янгилик борми?

Георг Блок бош чайқади. У иккинчи курс талабаси. Икки йил маъруза эшитиш учун икки йил конда ишлаган. Йиққан пуллари деярли ишлатиб бўлган, қолгани базўр икки ойга етади. Конга қайтолмайди — у ерда ишсизлар тикилиб ётипти. Бирор ишга жойлашишга роса уринди — фойдаси бўлмади. Бир ҳафта маргарин фабрикасининг реклама варақаларини кўча-кўйда тарқатиб юрди. Аммо фабрика синди. Кейин газета тарқатувчи бўлди. Орадан уч кун ўтгач, эрта тонгда шапка кийган нотаниш йигитлар уни тўхтатиб, газеталарини йиртиб ташлашди ва бировнинг нонига шерик бўлмасликни тайинлашди. Ўзларида ҳам ишсизлар кўп экан. Эртасига эрталаб яна газета сотишга чиқди-ю бошига тагин ўша савдо тушди — йиртиб ташланган газеталарнинг ҳақини ёнидан тўлашга мажбур бўлди. Уни қандайдир велосипед уриб кетди. Газеталар лойга қоришди. Яна икки марказга тушди. Учинчи мартасида калтак еб, уйига устбоши йиртилган ва башараси кўкарган ҳолда қайтди. Ана ўшандан кейин таслим бўлди. Ҳозир Георг уззукун хонадан чиқмай, дарс тайёрлайди. Кошки фойдаси бўлса. Кунига бир марта овқат ейди. Аслида ўқишни тугатадими-йўқми — бари бир. Ҳатто имтиҳонларни топширган тақдирда ҳам ўн йилнинг нари-берисида ишга жойлашолмайди.

Унга бир қути сигарета бердим.

— Кўй шу ишингни, Георг. Мен ҳам бир вақтлар тупурганман ўқишга. Вақт-соати келганда яна бошқатдан бошлайверасан.

У бош чайқади.

— Йўқ. Конда ишлаб билдим: ҳар кун шуғулланмаса бўлмайди. Кейин улдасидан чиқиш қийин.

Мен унинг рангпар юзига, диккайган қулоқларига, ботиқ кўкрагию озгин гавдасига разм солиб чиқдим. Эҳ, бири кам дунё, деб шуни айтадилар-да!

— Хўп, омон бўл, Жоржи. — Кейин ёдимга тушди — унинг ҳам ота-онаси йўқ.

Ошхона. Деворга тулуп — ёввойи чўчқанинг боши илиб қўйилган, марҳум Залевскидан қолган мерос. Даҳлизда телефон. Ним қоронги. Газ ва мой ҳиди анқийди. Кўча эшигига шу ерда истиқомат қилувчиларнинг исм-шарифлари ёзилган. Менинг ҳам номим бор: «Роберт Локамп, фалсафа талабаси. Тугмача икки марта босилсин». Ёзув сарғайиб кетган. Фалсафа талабаси... Чакки эмас! Лекин бунга анча бўлган. Зинадан «Интернациональ» қаҳвахонасига тушдим.

Қаҳвахона ним қоронги, тамаки ҳиди уриб қолган, ичакдай узун, икки ёнида қатор хоналари бор залдан иборат. Рўпарада, пештахта ёнида пианино турипти. Бузуқ, баъзи торлари узилган, клавишлари устидаги суюқ қопламалари ҳам кўчиб кетган, аммо мен бу узоқ йиллар хизмат қилган мусиқа сандиғини яхши кўраман. Созанда бўлиб ишлаганимда қарийб бир йил ёнидан жилмаганман.

Қаҳвахонанинг ён хоналарида молфурушлар йиғинларини ўтказишади; баъзан отўйин ва бошқа сайилгоҳларнинг эгалари ҳам тўпланиб туришади. Залга кираверишда фоҳишалар ўтиришади.

Қаҳвахона ҳозир бўм-бўш эди. Фақат япасқитовон хизматчи Алоис пештахта ёнида турарди. У мени кўриб:

— Ҳар галгидайми? — деб сўради.

Мен бош силкидим. У бир стакан ром қўшилган вино опкелди. Стол ёнига чўкдим. Дераза ойнасига қуёш нури қияламасига тушиб турарди. Бу нур токчаларга қатор терилган шишаларда жилва қиларди.

Алоис стаканларни юварди. Қаҳвахона эгасининг мушуги пианино устига чиқиб олган, ҳар замонда миёвлаб қўяди. Мен бамайлихотир сигарета чекиб ўтирибман. Бу ердаги муҳит одамнинг уйқусини келтиради. Кечаги қизнинг овози галати экан. Сал бўғиқроқ, лекин бирам майин, бирам мулойим...

— Кўришга журнал-пурнал опке, Алоис; — дедим мен.

Эшик гийчиллади. «Темир байтал» лақабли қабристон фоҳишаси Роза кириб келди. Чидамли бўлгани учун унга шундай лақаб қўйишганди. Бир стакан суюқ шоколад сўради. Ҳар якшанба шундай қилади, кейин Бургдорфга боласини кўргани кетади.

— Салом, Роберт!

— Салом, Роза, қизинг катта бўп қолдими?

— Кўргани кетяпман. Қара, унга нима олиб боряпман?

Роза қоғозга ўроғлиқ нарсани очди. Икки юзи қип-қизил кўғирчоқ экан. Қорнини босувди, «о-йи», — деган овоз чиқди. Роза терисига сиғмасди.

— Зўр! — дедим мен.

— Кўриб қўй. — У кўғирчоқни ётқизган эди, қовоқларини юмди.

— Э, қойил, Роза.

У мамнун бўлиб, қўғирчоқни яна ўраб қўйди.

— Бунақа нарсаларнинг фарқига борасан, Роберт! Сен яхши ота бўласан.

— Шуниси етмай турувди!

Роза боласига жуда боғланиб қолган эди. Бир неча ой муқаддам, қизча ҳали йўлга юрмаган пайтда, ўз бағрида эди. Касб-корига қарамай, Роза болани уддаларди, чунки қазноқ бор эди. Кечкурунлари бирорта мижозни бошлаб келса, бир нарсани баҳона қилиб, ундан пича кутиб туришни илтимос қилар, ўзи ичкарига кирарди-да, болани аравачага ётқизиб, қазноққа яшириб чиқарди. Аммо қиш яқинлашгач, болани иссиқ хонадан музлаб ётган қазноққа тез-тез олиб киришга мажбур бўла бошлади. Бир кун бола шамоллаб қолди. Айни мижоз билан ётган пайтида чинқираб йиғлашга тушди. Шундан кейин, ҳар қанча оғир бўлмасин, қизчани нархи қиммат етимхонага топширишга тўғри келди. Ўзини баобрў бева қилиб кўрсатди. Акс ҳолда болани қабул қилишмасди.

Роза ўрнидан турди.

— Жума куни келасанми?

Мен бош силкидим.

У менга тикилиб қаради.

— Нима гаплигини биласан-а?

— Албатта.

Аммо ҳеч нарсани билмасдим, сўраб-суриштиришни хоҳламадим. Бу ерда созандалик қилиб юрган пайтимда шунга ўрганган эдим. Шуниси қулай эди. Ҳамма қизлар билан «сен»лашиб гаплашардим. Бу масканда бошқача бўлиши мумкин эмас.

— Омон бўл, Роберт.

— Омон бўл, Роза.

Яна бир оз ўтирдим. Лекин бу гал унчалик ёпишмади, яъни мириқиб мизғиёлмадим, аслида «Интернациональ»га якшанба кунлари фақат шу ниятда кираман. Яна бир стакан ром ичиб, чиқиб кетдим.

Кун бўйи саланглаб юрдим. Нима қилишни билмасдим, бир ерда узоқ тўхтамасдим. Кечга яқин устахонага бордим. Кестер ўша ерда экан. Кадиллак атрофида куймаланиб юрипти. Яқинда арзон-гаровга сотволган эдик. Қайтадан таъмирладик, Кестер ҳозир унга пардоз бераётганди. Биз уни дурустроқ пулламоқчи эдик. Тўғри, мен бунга кўпам ишонмасдим. Замон оғир, одамлар ихчамроқ мошинани ҳарид қилишади, бунақа дахмазани бошларига уришадими?

— Йўқ, Отто, сотолмаймиз, — дедим мен.

Аммо Кестер иккаланмасди.

— Ўртамиёна мошиналарни сотиш қийин, — деди у. — Одамлар ё арзон, ёки энг қиммат мошиналарни харид қилишади. Пулдор одамлар кўп. Баъзилар мақтаниш учун ҳам олишаверади.

- Готтфрид қани? — сўрадим мен.
- Қандайдир сиёсий мажлисда.
- Эси жойидами? Нима қиларкан мажлисда?
- Кестер кулди.
- Ўзи ҳам билмайди. Баҳор бошини айлантирган-да. Бунақа пайтда тинч ўтиролмади.
- Бўлса бордир. Ке, ёрдамлашворай.
- Қоронғи тушгунча ивирсидик.
- Бўлар, — деди Кестер.
- Ювиндик.
- Ичида нима борлигини биласанми? — деб сўради у ҳамёнини чиқазиб.
- Хўш?
- Боксга иккита чипта. Бирга бормаймизми?
- Ўйланиб қолдим. Кестер менга ажабланиб қаради.
- Стиллинг билан бора қол, — шундай дедим-у, таклифни рад этганимга ўзим ҳам ҳайрон қолдим. Негадир уйга қайтгим келаётганди, нимагалигини билмасдим.
- Бирор мўлжалинг борми? — сўради у.
- Йўқ.
- Кестер менга маъноли қараб кўйди.
- Уйга кетаман. Мактублар ёзаман. Қачонлардир шу иш билан ҳам шуғулланиш керак-ку.
- Иссифинг йўқми ишқилиб? — деди у безовталаниб.
- Йўқ, соппа-соғман. Эҳтимол, баҳор менга ҳам таъсир қилаётгандир-да.
- Майли, ўзинг биласан.
- Уйга жўнадим. Аммо хонамда ўтирарканман, нима қилишимни билмасдим. У ёқдан-бу ёққа юраман. Келишга келдим-у, уйга нима учун талпинганимни идрок қилолмайман. Ниҳоят, Георгдан хабар олиш мақсадида йўлакка чиқдим. Чиқдиму фрау Залевскига рўпара бўлдим.
- Ие, — деди у таажжубланиб, — шу ердამисиз?
- Инкор этолмайман.
- У бошини сарак-сарак қилди.
- Сайр қилгани кетмадингизми? Мўъжиза, мўъжиза!
- Георгникида кўп турмадим. Чорак соатлардан кейин хонамга қайтиб чиқдим. Ичсаммикин? Тортмаяпти. Дераза тоқчасига ўтириб, кўчани томоша қила бошладим.
- Шом қоронғиси қабристон устида кўршапалакдай қанот ёзган. Касаба уюшмалари биносидан нарида осмон гўр олмадай нимтатир. Чироклар ёнди, аммо ҳали тун пардаси ёйилмагани учун улар совуқда дийдираб турганга ўхшарди. Бир муддат китоб титкиладим, кейин телефон рақами ёзилган қоғозни олдим. Кўнғироқ қилсам нима бўпти? Ахир, ўзим ваъда берганман-ку. Балки ҳозир уйида йўқдир.

Йўлакка, телефон олдига чиқдим, гўшакни кўтариб, рақамларни тердим. То жавоб бўлгунча гўшакнинг қора тешикчаларидан бесабр бир ҳовур кўтарилаётгандай туюлди. Қиз уйда экан. Унинг паст, андак бўғиқ овози гўё нариги дунёдан бу ерга, фрау Залевскининг йўлагига сизиб келиб, деворга осилган ёввойи чўчка боши остидан аста сирғалганча, мой ҳиди ва идиш-товоқларнинг шарақ-шуруқига сингиб кетаётгандай эди, — қиз шу қадар аста ва майин гапирарди. Бирдан кўнглим аллақандай қониқиш ҳиссига лиммо-лим бўлди. Кеча қандай етиб олганини сўраш ўрнига, индинга учрашишга келишволдим, ана ўшандан кейингина гўшакни қўйдим. Мени қуршаб олган дунё у қадар маъносиз эмаслигини ҳис этдим. «Ақлдан озяпман», — миямдан шу фикр кечди. Кейин яна гўшакни кўтариб, Кестерга кўнғироқ қилдим.

— Чипталар ёнингдами, Отто?

— Ҳа.

— Жуда соз. Боксга бирга борамиз.

Мусобақадан чиқиб, тун забт этган шаҳарда сайр қилдик. Кўчалар чароғон ва бўм-бўш эди. Бино деворларига қоқилган ёрликлар кўзни қамаштиради. Витрина ичидаги чироқлар беҳуда ёниб ётипти. Бир витринага юзлари бўялган мум кўғирчоқлар терилган. Бошқасида қимматбаҳо тақинчоқлар осибди. Кейин оппоқ нурга ғарқ бўлиб ётган дўкон ёнидан ўтдик. Унинг витриналарига ранг-баранг шоҳи матолар ёйиб қўйилган. Кинотеатр эшиги олдида ранг-рўйи афтода, оч-наҳор одамлар тиз чўкиб ўтиришипти. Рўпарада озиқ-овқат дўкони витринаси ярқирайди. Унда турли-туман консерва банкалари, оппоқ пахтага ўралган счмалар, серёф парранда гўштлари, турли шаклдаги бўрсилдоқ нонлар, дудланган колбасалар ва яна алланима балолар уйиб ташланган.

Ҳиёбондаги узун курсига ўтирдик. Ҳаво салқин эди. Шаҳар тепасида оппоқ коптокдай ой осилиб турипти. Тун яримдан оған. Сал нарида шундоқ кўчанинг ўзига брезент чайла тикилган. Ишчилар трамвай изларини таъмирлашапти. Пайвандлаш асбоблари вишиллер, энгашиб ўтирган қора шарпалар олдидан тепага учкунлар сачрарди. Шу ернинг ўзида, худди дала ошхоналаридаги каби, асфальт қозонларидан тутун чиқиб турипти.

Биз чурқ этмасдик. Ҳар ким ўз хаёли билан банд эди.

— Якшанба ғалати кун-а, Отто, нима дединг?

Кестер бош силкиди.

— Кун тугаётганига одам хурсанд бўлади, — дедим мен ўйчан.

Кестер елкасини қисди.

— Афтидан, ишга ўрганиб қолганинг учун озгина бўш вақт ҳам халақит бераётгандай туюлса керак-да.

Мен ёқамни кўтардим.

— Яшашимизга нима халақит беради, Отто?

У менга жилмайиб қаради.

— Илгари халақит берадиган нарса бор эди, Робби.

— Тўғри. Лекин ҳар ҳолда-да?

Автоген олови асфальтга зангори нур таратарди. Темир излар устидаги чайла ичида чироқ ёниб турганидан у жажжигина шинам уйни эслатарди.

— Сешанбагача кадиллакдан қутулармикинмиз? — деб сўрадим мен.

— Эҳтимол, — деди Кестер. — Нима учун сўраяпсан?

— Шунчаки.

Биз қўзғалдик.

— Бугун сал шаштим пастроқ Отто, — дедим мен.

— Бўп туради, — жавоб берди Кестер. — Хўп, яхши ётиб тур, Робби.

— Эрталабгача, Отто.

Уйга келиб, яна пича ўтирдим. Кулбам кўзимга бирдан хунук кўриниб кетди. Қандил алмисоқдан қолган, креслоларнинг ягири чиққан, линолеумнинг туси ўчган, қўлювгич, каравот ва унинг тепасидаги Ватерлоо жанги акс эттирилган сурат — бирортасига қараб бўлмайди. Бу ерга ўзини билган андишали одамни таклиф этиб бўладими? Айниқса, аёл кишини. Фақат «Интернациональ»-даги фоҳишани чақириш мумкин.

III

Сешанба куни эрталаб устахона ҳовлисида нонушта қилиб ўтирардик. Кадиллак тайёр эди. Ленц бир варақ қоғозни ушлаганча бизга тантанавор назар ташларди. У реклама бўлимининг мудири бўлиб, ҳозиргина Кестер иккаламизга машина сотилиши тўғрисидаги эълон матнини ўқиб берган эди. Эълон шундай сўзлар билан бошланарди: «Дам олиш учун жанубга ҳашамагача лимузинда боришга нима етсин!» Матннинг давоми ҳам лирик шеър билан мадҳия оралиғидаги чучмал гаплардан иборат эди.

Кестер иккаламиздан садо чиқмади. Беадад хаёлнинг шаршарасидан сал ўзимизга келволишимиз керак эди. Ленц бизни лол қолдирдим, деб ўйлади.

— Хўш, қалай? Бунда ҳам шеърят, ҳам ишбилармонлик мужассам, тўғримасми? — сўради у ғурур билан. — Бизнинг тезкор асримизда удадурро бўлиш керак, ҳамма гап мана шунда. Бир-бирига зид нарсалар кишиларни ўзига маҳлиё қилади.

— Пул масаласи бундан мустасно, — эътироз билдирдим мен.

— Автомобилни пул жамғариш учун харид қилишмайди, азизим, — деди Готтфрид. — Уни пул харж қилиш мақсадида сотволишади, саргузашт завқи шундан бошланади, хусусан, ишбилармон кишилар учун. Кўпчиликнинг завқи шу билан тугайди. Нима дединг, Отто?

— Биласанми... — деб ғудранди Кестер.

— Муҳокама қиладиган жойи йўқ буни! — деб унинг гапини бўлдим. — Бунақа реклама билан курортга йўлланма ёки аёлларнинг мойупасини сотиш мумкин, автомобилга тўғри келмайди.

Ленц эътироз билдиришга чоғланди.

— Шошма, — давом этдим мен. — Бизни инжиқ деб ўйлашинг мумкин, Готтфрид. Шунинг учун Юппдан сўраймиз. У нима деса — шу.

Юпп бизнинг яккаю ягона хизматчимиз, ўн беш ёшли ўспирин, тахминан шогирд мақомида. Бензин қуядиган аппаратга қўзқулоқ бўлиб туради, бизга нонушта опкелалди, кечқурунлари у ёқ-бу ёқни супуради. Паст бўйли, сепкилдор, шунақа шалпангқулоқки, бунақасини умримда кўрмаганман. Мабодо самолётдан қуласа ҳам ерга омон-эсон тушади, дейди Кестер. Уни чақирдик. Ленц эълонни ўқиб берди.

— Шунақа мошина сени қизиқтирармиди? — деб сўради Кестер Юппдан.

— Мошинами?

Мен кулиб юбордим.

— Албатта мошина-да, — деб тўнғиллади Готтфрид. — От деб ўйлаяпсанми?

— Ўша мошинанинг тезлиги қанақа? Кулачкали вали қандай бошқарилади? Гидравлик тормозлари борми? — суриштира бошлади Юпп.

— Ўзимизнинг кадиллак устида гап кетяпти, галварс! — деди тутоқиб Ленц.

— Бўлиши мумкинмас, — эътироз билдирди Юпп тиржайиб.

— Ана сенга, Готтфрид, — деди Кестер, — ана сенга саргузашт завқи.

— Жўна, насосинга қара! Йигирманчи асрнинг жинқарчаси!

Зардаси қайнаган Ленц ўз эълонининг бутун шеърий тароватини сақлаб қолиш ва уни айрим техник маълумотлар билан тўлдириш ниятида устахонага қараб кетди.

Орадан сал ўтмай, дарвозадан катта инспектор Барзиг кириб келди. Биз уни иззат-икром билан кутиб олдик. У «Қақнус» сугурта жамиятининг инженери ва инспектори бўлиб, жуда нуфузли одам эди. Шу киши орқали таъмирга буюртма олиб турардик. Муносабатларимиз яхши эди. Инженер сифатида пихини ёрган Барзигни лақиллатиб бўлмасди, аммо капалак хусусида гап кетса, ҳамма нарсани унутворарди. У капалакларни йиғиб юарди. Бир кун у устахонага қамалиб қолган капалакни тутиб, унга совға қилдик. Барзиг бу махлуқни кўргач, ҳаяжондан ранги оқариб, энтикиб кетди. Биз тутган капалак ноёб нусха эмиш, коллекциясида айнан шу нусха етишмай турган экан. У бу яхши-лигимизни сира унутолмасди, бинобарин, бизга қайси гўрлардан буюртмалар топиб келарди. Биз ҳам ўз навбатида, қарда капалак кўрсак, орқасидан қувиб тутмагунча қўймасдик.

— Озгина вино кетадими, жаноб Барзиг? — деб сўради Ленц. У анча ҳовуридан тушиб қолган эди.

— Кундузи бунақа нарсаларни ичмайман, — деди Барзиг. — Бу мен учун қонун.

— Қонуни бузиб туриш керак, бўлмаса ундан нима фойда? — Готтфрид шундай деб, стаканга вино тўлдирди.

— «Товус кўзлари» ва «Садафдор»нинг гуллаб-яшнаши учун ичамиз!

Барзиг кўп таранг қилмади.

— Таклифингизни ерда қолдиришга ҳаддим сиғмайди, — деди у стаканни қўлига олиб. — Бўлмаса, «Бакрайган кўзлар» учун ҳам кўтарамиз. — У ғалати жилмайиб қўйди, бу билан аёл ҳақида гап кетаётганига шама қилган эди. — Яқинда бўгин оёқли жониворларнинг бошларидаги ҳид билиш ва сезиш аъзоларининг янги хислатини кашф этдим.

— Қойил! — хитоб қилди Ленц. — Офарин! Демак, сиз кашшофсиз, номингиз табиатшунослик тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилади!

Биз ҳозир номи тилга олинган ҳайвон учун яна бир стакандан урдик. Барзиг оғзини артди.

— Сизларга хушxabар олиб келдим. Фордни таъмирлайсизлар. Маъмурият рози бўлди.

— Э, яшанг! — деди Кестер. — Зўр иш бўпти. Смета-чи?

— У ҳам тасдиқланди.

— Қисқаришларсизми?

Барзиг кўз қисди.

— Аввалига оёқ тираб туриб олишди, кейин...

— «Қақнус» суғурта жамияти учун яна биттадан отамиз! — деб хитоб қилди Ленц, стаканларни тўлдириб.

Нихоят, Барзиг ўрнидан туриб, кетиш тараддудига тушди.

— Фалокат оёқ остида, деб бежиз айтишмаган экан! — деди у хайрлашаётиб. — Форда ўтирган аёл бари бир ҳаётдан кўз юмди. Лекин жароҳати унча оғир бўлмаган. Кўп қон кетган бўлса керак-да.

— Неча ёшда эди? — сўради Кестер.

— Ўттиз тўртда, — жавоб берди Барзиг. — Қорнида тўрт ойлик ҳомиласи ҳам бўлган. Йигирма минг маркага суғурта қилинган экан.

Биз дарҳол мошинани олиб келиш учун жўнадик. Форд нон дўконининг эгасига тегишли экан. Кайфда рулга ўтириб, деворга бориб урилган. Фақат хотини жароҳатланган, ўзининг бирор ери тирналмаган ҳам. Биз у билан гаражада кўришдик. Новвой бизга бошдан-оёқ разм солиб чиқди. Хомсемиз, елкалари чиққан, бўйни калта, бошини хиёл эгиб турарди. Ҳамма новвойларники сингари юзи заҳил, шунданми, ғира-шира қоронғиликда каттакон ун қургини эслатарди.

У аста ёнимизга келди.

— Қачон тайёр бўлади? — деб сўради у.

— Уч ҳафталардан кейин, — жавоб берди Кестер.

Новвой мошинанинг тепасига ишора қилди.

— Бу ёғи ҳам сметага киритилган, а?

— Нега энди, томи заха емаган-ку?

Бу жавоб новвойга ёқмади.

— Тўғри. Лекин алмаштирса бўлади-ку. Каттагина буюртма бу. У ёғини келишамиз.

— Йўқ, — деди Кестер.

Отто унинг ниятини сезиб турарди. Новвой фурсатдан фойдаланиб, машина кузовини янгилаб олмоқчи эди, бунинг учун суғурта жамияти пул тўламасди, у кузов нархини ҳам таъмир харажатларига киритиб юборишни ўйлаётганди. Новвой билан анча баҳслашдик. Буюртмани сизлардан қайтариб олиб, бошқа устахонага топширтираман, деб пўписа қила бошлади. Ахийри Кестер ён беришга мажбур бўлди. Қўлимизда иш йўқ эди, акс ҳолда Отто сўзидан қайтмасди.

— Ҳа, энди бу бошқа гап, — деди новвой мамнун қиёфада. — Икки-уч кундан кейин кираман. Ранги сарғиш бўлсин, менга нозик ранглар ёқади.

Биз жўнаб кетдик. Йўлда Ленц ўриндиққа ишора қилди. Унда қон доғлари бор эди.

— Хотинининг қони. У бўлса, янги кузов илинжида юрипти-я. Тағин «сарғиш бўлсин, менга нозик ранглар ёқади», — дейди-я! Падарингга лаънат! Иккита ўлик учун пул ундиришдан ҳам тоймайди бу. Ахир, хотин ҳомиладор экан-ку.

Кестер елкасини қисди.

— Бир-бирига алоқаси йўқ, деб ўйласа керак-да.

— Эҳтимол, — деди Ленц, — бошига кулфат тушганда шунақа ишлар билан ўзини овутадиганлар ҳам бўлади. Аммо-лекин у бизни эллик маркага туширди.

Тушдан кейин бир нарсани баҳона қилиб, уйга жўнадим. Соат бешда Патриция Хольман билан учрашиш келишилган эди, лекин устахонада бу ҳақда оғиз очмадим. Яширмоқчи бўлганим учун эмас, қиз учрашувга келадими-йўқми — мана шунга иккиланаётган эдим.

Патриция қаҳвахонани тайин қилган эди. У ерга сира бормаган эдим, кичкина ва шинам қаҳвахона эканлигини билардим, холос. Қаҳвахонага кирдим анқайиб қолдим. Ичкари гала-говур, бунинг устига, фақат аёллар ўтиришарди. Ширинликлар ишлаб чиқарадиган фабрикага кириб қолгандай бўлдим.

Эндигина бўшаган стол ёнига бир амаллаб ўтирволдим. Ўзимни ноқулай сезиб, нуқул атрофга аланглардим. Мендан бошқа яна иккита эркак бор эди, лекин улар ҳам жинимга ёқмади.

— Қаҳвами, чойми, шоколадми? — деб сўради қаҳвахона хизматчиси ва қўлидаги сочиқ билан стол устидаги ушоқларни нақ тиззамга сидирди.

— Бир бокал коньяк, — дедим мен.

Опкелди. Аммо ўзи билан бўш жой излаётган тўртта аёлни ҳам бошлаб келди. Уларнинг сардори шляпа кийган, басавлат, кексароқ аёл эди.

— Марҳамат, ўтиринглар!

— Узр, — дедим мен. — Стол банд. Ҳозир келишади.

— Мумкинмас, жаноб, — деди хизматчи. — Бу пайтда бизда стол банд қилинмайди.

Унга анграйиб қарадим. Кейин стулни орқага тортиб, ўтиришга чоғланаётган басавлат аёлга кўз ташладим. Унинг авзойини кўриб, қаршилик кўрсатишдан воз кечдим. Уни замбарак билан ҳам ўз ниятидан қайтариб бўлмасди.

— Лоақал яна коньяк опкелишнинг иложи борми? — деб гудрандим хизматчига қараб.

— Бажонидил. Яна тўла бўлсинми?

— Ҳа.

— Хўп бўлади. — У таъзим қилди. — Кўнглингизга келмасин, жаноб, бу стол олти кишига мўлжалланган, — қўшиб қўйди узр сўрагандай.

— Майли, коньякни тезлаштиринг.

Басавлат аёл, афтидан, хушёрлар жамоасига мансуб шекилли, коньяк тўла бокалимга худди ўлган балиққа тикилгандай қаради. Унинг жигига тегиш учун яна коньяк буюрдиму мен ҳам бақрайиб қараб туравердим. Кейин қилган ишимдан кулгим қистади. Нима учун келдим бу ерга? Ўша қизнинг менга нима кераги бор? Шу ғала-ғовурда уни танийманми-йўқми? Авзойим бузулиб, коньякни бир кўтаришда бўшатдим.

— Салом! — деган овоз эшитилди орқамдан.

Сакраб туриб кетдим. Қиз жилмайиб турарди.

— Бошлаворибсиз-да?

Бўш бокални столга қўйдим. Кейин негадир саросимага тушиб қолдим. Қиз ўша кунгидан бутунлай бошқача эди. Оғзига ширинлик тўлдириб, кавшаниб ўтирган бўрдоқи бу аёллар орасида у ниҳолдай нозик, бениҳоя гўзал, мағрур ва ёнига йўлаб бўлмайдиган фариштадай кўринарди. «Нима иш қилиб қўйдим!» — деган ўй кечди кўнглимдан. Кейин:

— Қаёқдан кела қолдингиз? Эшикдан кўз узмай ўтирувдим-ку, — деб сўрадим. Қиз қаёққадир, ўнг томонга ишора қилди.

— У ёқда ҳам эшик бор. Сал кечикдим. Анча бўлдим келганингизга?

— Йўқ. Ҳозиргина келдим. Икки-уч минут бўлди.

Столим атрофида ўтирган аёлларнинг нафаси ичига тушиб кетди. Улар қизга синчковлик билан тикилишарди.

— Шу ерда ўтираверамизми? — сўрадим мен.

Қиз стол устига назар ташлади. Хиёл кулимсиради. Сўнг менга қаради.

— Ҳамма жойда ҳам шу-да.

Мен бош чайқадим.

— Йўқ, одам кам жойлар бунақамас. Атрофга қаранг, ит эгасини танймайди. Ресторанга бора қолайлик.

— Ресторанга? Кундузи ресторанлар очиб бўладими?

— Биттасини биламан. Яхши жой. Агар хўп десангиз...

— Бўпти, кетдик.

Хизматчини чақирдим.

— Уч бокал коньяк! — деб бақирди у худди қулоғим гарангдай. — Уч маркаю ўттиз!

Қиз анграйиб қолди.

— Уч минутда уч бокал коньякни ичвордингизми? Тезотар экансиз.

— Икки бокалини кеча ичганман.

— Вой, ёлғончи-ей! — деб тўнғиллади басавлат аёл. Шу пайтагача миқ этмай ўтирган эди.

Мен аёлга қуллуқ қилдим.

— Омон бўлинг, хоним!

Биз столдан тез узоқлашдик.

— Уришиб қолганмидингиз? — деб сўради қиз кўчага чиққанимиздан сўнг.

— Йўқ. Ўзим бунақа девқомат аёлларга ёқмайман.

— Мен ҳам, — деди қиз.

Унга қарадим. У гўё бошқа оламдан келиб қолган паризотга ўхшарди. Ким ўзи у, турмуш тарзи қанақа — тасаввур қилолмасдим.

Ресторанга киришимиз биланоқ кўнглим жойига тушди. Пештахта ортида сотувчи Фред коньяк куйиладиган каттакон бокалларни артаётган экан. У мен билан умрида худди биринчи марта кўраётган кишисидай сўрашди, уч кундан буён уйимга опичлаб олиб бориб кўяётганини сездирмади, албатта. Ана шунақа кўпни кўрган, тажрибали одам эди у.

Ресторан бўм-бўш эди. Фақат битта стол ёнида, олатдагидай, Валентин Гаузер ўтирарди. У билан уруш йилларидан бери танишимиз, бир ротада хизмат қилганмиз. Бир куни ўқ ёмғирдай ёғилиб турган пайтда хат опкеб қолди; ойимдан деб ўйлапти. Хатни интиқлик билан кутаётганимни, ойим операция қилиниши кераклигини у биларди. Аммо Валентин янглишган эди. Хат деб ўйлагани шлем остидан кийиладиган хол-хол чит ҳақидаги реклама варақаси эди. Қайтишда оёғидан яраланипти.

Урушдан кейин Валентин каттагина меросга эга бўлди. Шундан бери ичади. Тирик қолганимни умрбод нишонлашим керак, дейди. Орадан қанча йил ўтиб кетгани билан иши йўқ. Бу бахтни ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди, қанча нишонласанг ҳам оз, дейди. Уруш жароҳати кўнглига қаттиқ ўрнашиб қолган. Биз эса кўп нарсани унутвордик, аммо у уруш йилларининг ҳар бир куни, ҳар бир соатини ёдда сақларди.

Кўп ичиб қўйганини сездим. У бир бурчакда ўйга чўмиб ўтирди. Қўлимни кўтардим:

— Салом, Валентин.

У бошини кўтарди.

— Салом, Робби!

Биз нариги бурчакдаги стол ёнига бориб ўтирдик. Сотувчи ёнимизга келди.

— Нима ичамиз? — сўрадим қиздан.

— Майли, бир қадаҳ мартини ича қолай. Спирт қўшилмаганидан.

— Фред бу соҳанинг билағони, — дедим мен.

Фред жилмайди.

— Менга ҳар галгидай.

Ресторан ним қоронғи ва салқин эди. Тўкилган жин ва коньяк ҳиди анқирди. Бу ҳид қора арча билан ноннинг муаттар исини эслатарди. Шифтда елканли қайиқнинг ёғоч нусхаси осилиб турипти. Пештахта ортидаги деворга мис тунука қоқилган. Биттагина чироқнинг майин шуъласи тунукага қизғиш нур таратаётгани учун деворда аланга гуриллаётгандек туюлади. Залда фақат иккитагина чироқ ёқиғлиқ. Бири Валентиннинг столи тепасида, иккинчиси бизнинг тепамизда. Чироқ қалпоқлари эски жуғрофий хариталардан қирқиб ясалгани учун бошимиз узра дунёнинг бир парчаси осилиб турганга ўхшайди.

Мен хижолатда эдим, бинобарин, гапни нимадан бошлашни билмасдим. Ахир, бу қизни яхши танимасам, тикилганим сари у мендан узоқлашаётгандай. Аёл киши билан яккама-якка ўтирмаганимга қанча бўлди-ю! Мен эркаклар билан муомала қилиб ўрганганман. Боя, қаҳвахонада ғала-ғовурдан безор бўлган эдим, мана энди жимжитликдан нима қиларимни билмайман. Шу сукунат туфайли ҳар бир сўз алоҳида салмоқ касб этар, эмин-эркин гаплашишга қийналардим. Бирдан ҳалиги қаҳвахонага қайтгим келиб кетди.

Фред бокалларни келтирди. Ичдик. Ром ўткир ва беғубор эди. Унинг таъми қуёшни эслатарди. Унда кишига далда берувчи аллақандай куч яширинганди. Бокални бўшатиб, дарров Фредга узатдим.

— Бу ер маъқулми сизга? — сўрадим қиздан.

Қиз бош силкиди.

— Ҳар ҳолда ширинликлар фабрикасидан яхши-да.

— Албатта.

— Бўлмаса, нима учун учрашувга ўша жойни танлагиниз? — дедим мен таажжубланиб.

— Қайдам. — У қалпоқчасини ечди. — Эсимга келгани шу бўлди-да.

— Сизга бу ер ёққанига хурсандман. Биз тез-тез келиб турамиз. Ўз уйимиздай бўлиб қолган.

Қиз кулди.

— Яхшимас-ку, унақа бўлса?

— Йўқ, — дедим мен, — закон руҳига мос.

Фред менга яна ром олиб келди. Унинг ёнига бир ўрам шоколад қўйди.

— Жаноб Гаузердан.

Валентин узоқдан кўз қисиб, қадаҳини қўтарди.

— Ўн еттинчи йилнинг ўттиз биринчи июли, Робби! — деб хитоб қилди у дўриллаган овозда.

Унга жавобан мен ҳам бокалимни юқорига қўтардим.

У албатта ким биландир ичиши керак эди. Аллақандай қишлоқ қаҳватонасида ой ёки гул бутасига шивирлаб, ичиб ўтирганини кўп кўрганман. Шундай пайтларда у окопда кечган оғир кунларидан бирини эслар ва ҳозир мана шу ерда ором олиб ўтирганига худога шукроналар айтарди.

— Бу киши менинг дўстим, — дедим қизга. — Куролдош биродарим. Мен билган одамларнинг орасида катта бахтсизликдан ўзига кичкина бахт ярата олган яккаю ягона инсон шу бўлади. Ҳаётини нимага сарфлашни билмайди, шунинг учун тирик юрганига хурсанд.

Қиз менга ўйчан тикилди. Қия тушган нур унинг юзини ёритди.

— Мен бунга яхши тушунман, — деди у.

— Тушунмайсиз. Ҳали жудаям ёшсиз.

Қиз кулимсиради. Йўқ, фақат кўзлари кулди, холос. Чехраси ўзгармади, лекин ички бир нурдан ёришиб кетди.

— Жудаям ёшсиз? — деди у. — Унақамас. Менимча, жудаям ёш бўлиш мумкин эмас, жудаям қари бўлиш мумкин.

Ўйланиб қолдим.

— Бу узоқ баҳслашадиган масала, — жавоб бердим мен ва бирор нарса келтир, деган маънода Фредга ишора қилдим.

Қиз ўзини эркин ва дадил тутарди. Унинг олдида мен тўнқага ўхшардим. Бемалол, ҳазил-ҳузул қилиб ўтиргим келарди-ю, сира гапим қовушмасди. Учрашувга келишдан олдин анча-мунча гапларни тўқиб қўйган эдим, қасддан кетди — ҳайронман. Аммо лекин Ленц бало-да. Готтфрид мен ҳақимда, суҳбатдош сифатида ундан соқов афзал, дегани деган.

Бахтимга, Фред фаҳм-фаросатли. У кичкина қадаҳ эмас, биратўла каттакон бокал келтирди. Мана энди бўзчининг мокси-дек ҳадеб қатнайвермайди, бундан ташқари, кўп ичаётганим ҳам сезилмайди. Мен ичишим керак, акс ҳолда аммамнинг бузоғига ўхшаб ўтиравераман.

— Яна бир қадаҳ мартини ичасизми? — сўрадим қиздан.

— Сиз нима ичяпсиз?

— Ром.

У бокалимга кўз ташлади.

— Ўтган гал ҳам шундан ичганмидингиз?

— Ҳа, — дедим мен. — Ромни яхши кўраман.

Қиз бош чайқади.

— Таъми яхшилигини тасаввур қилолмайман.

— Ўзим ҳам таъмини унутворганман, — дедим мен.

У менга таажжубланиб қаради.

— Нимага ичасиз бўлмаса?

Мавзу топилганидан суюниб кетдим.

— Таъмининг аҳамияти йўқ. Ром — шунчаки ичимлик эмас, энг аввало, ҳамиша суянчиқ бўладиган дўст. У дунёни ўзгартиради. Ромни шунинг учун ичишади. — Мен бокални нарироқ сурдим. — Мартини буюраверайми?

— Бир бокал ром ича қоламан, — деди у. — Қани, бир татиб кўрай-чи.

— Бўпти, — жавоб бердим мен. — Фақат бунақасидан эмас. Бирданига ўткирлик қилади. Баккарди коктейлидан опке! — деб қичқирдим Фредга.

Фред иккита бокал ҳамда шўрданак билан қовурилган қаҳва уруғини олиб келди.

— Шишани қолдириб кет, — дедим мен.

Аста-секин ўзимни ўнглаб олдим. Бояги журъатсизлик чекиниб, сўзлар куйилиб кела бошлади. Энди нима деяётганим тўғрисида ўйламасдим ҳам. Бетиним ичар ва вужудимда ёқимли бир тўлқин кўзгалаётганини, бўм-бўш оқшом сониялари аллақандай мазмун касб этиб, умрнинг якранг, бесурур осмонида яна орзу каптарлари чарх ураётганини ҳис қилиб ўтирардим. Ресторан деворлари бир четга сурилган, бу энди ресторан эмас — оламнинг сокин, ним қоронғи бир бўлаги эдики, унинг теграсида ҳаётнинг, алғов-далғов замоннинг узлуксиз жанги давом этарди. Биз бўлсак — фалакнинг гардиши билан қовушиб қолган икки жон — мана шу хилват гўшада бир-биримизга термулик, бамайлихотир чақчақлашиб ўтирардик.

Қиз стулда хиёл букчайиб ўтирар, гўё қаердандир ўзга дунёдан келиб қолгандай, ҳамон бегона ва сирли-сеҳрли туюларди. Мен тўхтовсиз гапирар ва ўз овозимни ўзим эшитиб турардим, лекин бу овоз меники эмасдай, менинг ўрнимга бошқа одам — мен ўрнида бўлишни истаган одам гапирётгандай эди. Нуқул ёлғон сўзлардим, бамисоли еттинчи осмонда парвоз қилардим. Бичиб-тўқиётганимни, ҳақ гапни айтмаётганимни ўзим ҳам сезиб турардим, аммо менга бари бир эди — ахир, ҳақиқат мубҳам ва зим-зиё бўлса, нима қилай! Чин ҳаёт фақат орзу-хаёлларда, унинг шуълаларидагина мавжуд.

Ресторан деворига қоқилган мис тунукада аланга ловуллайдиларди. Валентин аҳён-аҳён қадаҳини кўтариб, қайсидир бир кунни эсга олиб, гўлдираб қўяди. Ташқаридан кўча шовқини, автомобилларнинг худди йиртқич қушларнинг овозига ўхшаган сигнали эшитилиб турипти. Бирорта мижоз эшикни очса, кўча бизга қараб қичқириб қўяди. Гўё мижғов, ичи қора ялмоғиздай қичқиради.

Патриция Хольманни кузатиб кўйганимда қоронғи тушиб қолган эди. Аста изимга қайтдим. Бирдан ўзимни ёлғиз ва ночор ҳис эта бошладим. Ёмғир шивалаб ёғарди. Витрина олдида тўхтадим. Шундагина кўп ичиб кўйганимни пайқадим. Чайқалмасдим-у, аммо оёқда зўрға турардим.

Бирдан исиб кетдим. Пальтомнинг тугмаларини ечиб, шляпамни гарданнимга сурдим.

— Тавба, нималарни гапирмадим унга!

Хатто эслашга ҳам юрагим дов бермасди. Тўғриси, эслолмасдим, мана шуниси чатоқ эди. Мана энди, ёлғиз қолганимда, рутубатли кўчада ҳаммаси ним қоронғи ресторандагига нисбатан бошқача кўринарди. Ўзимни қойий бошладим. Қизда яхши таассурот қолдиришим керак эди-ку. Нима бўлди бу ёғи? Мени ким деб ўйладийкин? Ахир ўзи деярли ичмади-ку. Хайрлаша туриб, ғалати қараш қилди.

— Оббо палакат-ей! — шундай деб, бурилиб қарадим. Паст бўйли, бақалоқ бир кишига урилиб кетган эдим.

— Кўзми, пўстакнинг йиртигимиз? — деб ўшқирди бақалоқ. Унга тикилиб қарадим.

— Ҳа-а, одам зотини кўрмаганмисиз?! — деди у паст тушмай. Менга шуниси керак эди.

— Одам зотини-ку кўрганман, — жавоб бердим мен. — Аммо кўчада сайр қилиб юрадиган пиво бочкасини биринчи кўришим.

Бақалоқ пинагини бузмади.

— Биласизми, — деди у, — ҳозироқ ҳайвонот боғига жўнанг, кенгуруларнинг жойи эмас бу ер!

Рўпарамда учига чиққан сўконғич турганига ишонч ҳосил қилдим. Кайфиятим чатоқ бўлишига қарамай, ориятни бой бермаслик керак эди.

— Йўлингдан қолма, чала туғилган овсар!

Бақалоқ жойидан жилмади.

— Ўзингни бир ўқитвор, иттумшуқ маймун!

Мен уни «япасқитовон айиқ» дедим. У мени «тўтиқуш» деди. Мен «ишсиз қолган мурдашўй» дедим. У ҳурматимни жойига кўйиб: «Ит ғажиган хум калла», — деб таърифлади. Мусобақага яқун ясамоқчи бўлдим: «Илон ютган типратикан!»

Бақалоқнинг чехраси ёришиб кетди.

— Шошманг, шошманг. Илон юткан типратикан? Зўр! — хитоб қилди у. — Бунақасини эшитмаганман. Ён дафтарга ёзиб кўяман. Хўп, хайр! — У шляпасини кўтарди, биз қадрдон дўстлардай хайрлашдик.

Даҳанаки жангдан сўнг сал енгил тортдим. Аммо кўнглим бари бир ғаш эди. Кайфим тарқаган сайин бу ғашлик кучая борарди. Ўзимни ёмон кўриб кетдим. Кейин бутун дунё, шу жумладан, қиз ҳам кўзимга хунук кўрина бошлади. Ахир, шу қизни деб бўкиб ичдим-да. Ёқамни кўтарволдим. Майли, нима деб ўйласа,

уйлайверсин. Менга бари бир. Қанақа одамга дуч келганини дарров пайқади-ку. Бўлар иш бўлди. Энди ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди. Қайтанга яхши.

Ресторанга қайтиб, яна босиб-босиб ичдим.

IV

Кунлар илиб, бир ҳафтача сурункасига ёмғир ёғди. Кейин ҳаво очилиб, офтоб чарақлаб кетди. Жума куни эрталаб устахона ҳовлисида Матильда Штоссга дуч келдим. У супургисини қўлтиғига қистирганча нимадандир ҳаяжонланиб турарди.

— Мана бунга бир қаранг, жаноб Локамп, қандай чиройли-я! Бориб турган мўъжиза!

Тўхтаб, донг қотиб қолдим. Бензоколонка ёнидаги бир туп қари олхўри қийғос гуллаб ётарди.

Бутун қиш бўйи қоп-қорайиб, дийдираб турган эди. Биз унинг шоҳларига эски покришкалар, мойдан бўшаган банкалар, машина капотлари, увадаси чиққан латта-путталарни осиб қўярдик. Яқингинада олхўри шоҳларида бизнинг ювилган, ишда киядиган кўк иштонларимиз ҳилпираб турарди. Кеча ҳам ҳеч нарса сезмаган эдик. Бирдан, бир кечача мана бунақа мўъжиза: олхўри тупи оқ-пуштиранг булутга бурканвопти: гўё минглаб капалаклар бир ерга жам бўлиб, исқирт ҳовлимизга адашиб кириб қолгандай...

— Ҳидини қаранг, ҳидини! — деди Матильда кўзларини сузиб. — Ажойиб-а! Худди сиз ичадиган ромнинг ҳидига ўхшайди.

Мен ҳеч қанақа ҳидни сезмаётган эдим. Дарров ниятини пайқадим.

— Йўқ, Матильда, мижозларга мўлжалланган коньякнинг ҳидига ўхшайди.

У куйиб-пишиб эътироз билдирди:

— Жаноб Локамп, сиз шамоллабсиз. Ёки димоғингиз битиб қолган. Ҳозир бунақа дардга чалинганлар кўп. Мен ҳидни искович итдан ҳам яхши ажратаман. Ишонаверинг. Ромнинг ҳиди бу, узоқ сақланиб, роса етилган ромнинг ҳиди.

— Қўймадингиз қўймадингиз-да.

Матильдага бир қадаҳ ром қуйиб бериб, бензоколонка томонга қараб кетдим. Юпп ўша ерда экан. Олдида эски консерва банкасига солинган олхўри шоҳчалари.

— Бунга нимага олиб ўтирибсан? — сўрадим ҳайрон бўлиб.

— Аёлларга бу, — деди у. — Бензин қуйдиргани келганларга биттадан шоҳчани текинга бераман. Бугун ҳар кунгидан тўқсон литр ортиқча сотдим. Олтин дарахт бу, жаноб Локамп.

— Ҳа-а, боқса одам бўласан.

У кулди. Қуёш нури қулоғини тешиб ўтаётгани учун шолғомдай қип-қизариб турарди.

- Мени дарахт ёнида икки марта суратга туширишди.
- Кино юлдузи бўпкетасан ҳали, — дедим мен ва мошиналарнинг остки қисми текшириладиган зовур ёнига бордим. Зовурдан, форд остидан Ленц чиқиб келди.
- Робби, — деди у. — Эсимга тушиб қолди, анави, Биндингни ёнидаги қиздан бир хабар олиб қўйсақ бўларди.
- Унга тикилиб қарадим.
- Нима демоқчисан?
- Айтяпман-ку. Намунча тикилиб қолдинг?
- Тикилаётганим йўқ.
- Товба. Исми нима эди? Пат... у ёғи нима?
- Билмайман.
- Энди у менга тикилди.
- Нега билмайсан? Телефонини ёзиб олувдинг-ку. Кўриб турувдим-ку.
- Йўқотиб қўйдим.
- Ҳе, ўл-э! — У иккала қўли билан бошини чангаллади. — Шунинг учун Биндингни боғда бир соат алахситиб ўтирганмидим! Йўқотипти-я! Балки Отто эслар?
- Эслолмайди.
- Галварс! Қанақа қизлигини наҳотки сезмаган бўлсанг?! Ё парвардигор! — У осмонга қаради. — Олло-таоло шундоқ қизга йўлиқтирса-ю, бу тўнка телефон рақамини йўқотиб ўтирса-я!
- Ҳамма қизларга ўхшаган битта қиз-да.
- Эш-шаксан! — деди у жиғи-бийрон бўлиб. — «Интернациональ»даги бузуқ хотинлардан бошқасини билмайдиган каллаварамсан! Бахт қуши эди у! Сен, албатта, бунақа нарсаларнинг фарқига бормайсан. Кўзларини кўрдингми? Кўрмагансан. Сен фақат қадаҳга тикилгансан.
- Бас қил! — дедим, чунки қадаҳни эслатиб, кечагги ярамни тирнаган эди.
- Қўллари-чи! — давом этди у энди менга эътибор бермай. — Нозик, бармоқлари узун-узун. Бунақа нарсани мен тушунаман, ишонавер! Бунақа гўзал, соддадил, энг муҳими, атмосфера яратадиган ҳақиқий қизлар камдан-кам топилади. — У тўхтаб, менга қаради. — Атмосфера нималигини биласанми ўзи?
- Баллонга пуфланадиган ҳаво-да, — жавоб бердим мен.
- Қойил! — деди Готтфрид энсаси қотиб. — Шунақа дейишингни билувдим. Атмосфера, бу — ёруғлик! Нур! Ҳарорат! Сирсиноат! Аёл хуснига мана шу нарсалар жон бағишлаб туради. Эҳ, кимга гапиряпман бу гапларни! Сенинг атмосферанг — ромнинг ҳовури!
- Бўлди энди! Ҳозир бошингни ёриб қўяман!
- Аммо Готтфриднинг чакаги тинмади, мен ҳам унинг бошини ёрганим йўқ. Ахир у кеча нима бўлганини, унинг ҳар бир

сўзи юрагимни тешиб ўтаётганини билмайди-ку. Айниқса, ичкилик ҳақидаги гаплари. Ўзи эндигина кайфим тарқаб, сал енгил тортиб турганимда яна дардимни янгилаб ўтирипти-я. У қизни шунақа мақтардики, аста-секин ўзим ҳам бебаҳо бир нарсадан жудо бўлганимни ҳис қила бошладим.

Кайфиятим бузилиб, соат олтида «Интернациональ» қаҳвахонасига қараб кетдим. Менинг эски бошпанам ўша ер. Ленц буни яна бир карра тасдиқлади. Буни қарангки, каттақон зиёфат устидан чиқиб қолдим. Пештахтада ҳар турли нозу неъматлар уйилиб ётар, япасқитовон Алоис қаҳва чойнаклари қўйилган патнисни кўтариб, орқадаги хонага кириб-чиқиб турарди.

Қотиб қолдим. Чойнақлаб қаҳва ичишяптими? Демак, меҳмонлар бисёр, кайфи ошганлари аллақачон стол остида думалаб ётгандир.

Аммо қаҳвахона соҳиби базми жамшид сабабини тушунтириб берди. Маълум бўлишича, орқадаги хонада Розанинг дугонаси Лиллини тантана билан кузатишаётган экан. Пешонамга шапатиладим. Ахир мен ҳам таклиф этилган эдим-ку. Роза тагдор қилиб айтганидай, яккаю ягона эркак сифатида таклиф этилган эдим; баччавоз Кики ҳисобмас, у сонда бор-у, санокда йўқ. Орқамга қайтиб, бир даста гул, ананас, шақилдоқ ва бир бўлак шоколад харид қилдим.

Роза менга оқсуяк аёлларга хос ним табассум билан бош эгиб кўйди. У кўкси очиқ қора кўйлақда, тилла тишларини ялтираптиб, стол тўрида ўтирарди. Боласининг соғлиғини сўраб, шақилдоқ билан шоколадни бердим. Роза яйраб кетди.

Ананас билан гулдастани Лиллига тақдим этдим.

— Чин қалбимдан бахт тилайман.

— У ҳақиқий эркак эди ва шундай бўлиб қолади, — деди Роза. — Энди, Робби, ўтир биз билан.

Лилли Розанинг яқин дугонаси. У юксак мартабага эришган аёл. Ёш фоҳишалар унга ҳавас қилишади, чунки Лилли меҳмонхонада яшайди. Бунақа аёллар «ов»га чиқишмайди, меҳмонхонада яшаб, мижозни ҳам ўша ердан топишади. Аксарият фоҳишалар учун бу фақат орзу. Чунки бунга эришиш учун яхши кийиниш керак, то мижоз топилгунча меҳмонхонада яшашга тўғри келади. Бу ишлар муллажирингсиз бўлмайди. Лилли кўпинча мундоғроқ меҳмонхоналарда яшаса ҳам, бир неча йил ичида қарийб тўрт минг марка пул жамғарган. Энди эрга тегмоқчи. Бўлажак қаллиғининг кичкина таъмирлаш устахонаси бор эмиш, у Лиллининг ўтмишини билади, лекин унга бари бир. Келажак ҳақида қайғурмаса ҳам бўлади. Чунки шунақа қизлардан бири турмушга чиқиб, ўзидан тинчиб кетган. Саёқ кун кечириш жонига теккан-да. Бунақалар вафодор хотин бўлишди.

Лиллининг тўйи душанбага белгиланган эди. Бугун Роза кузатув дастурхони ёзганди. Лилли билан сўнги бор ўтириш учун ҳамма жам бўлган. Тўйдан кейин у бу ерга келолмайди.

Роза менга қаҳва қуйиб берди. Алоис устига майиз, бодом мағзи ва бошқа ҳар турли кўк мевалар сепилган каттакон торт кўтариб келди. Роза унинг бир четидан кесиб, менга узатди.

Бундай пайтда нима дейишни биламан. Тортдан бир тишладиму:

— Оҳ-оҳ! — дедим. — Дўқонникимас, албатта.

— Ўзим тайёрладим, — деди Роза ғурур билан. Ростдан ҳам у қўли гул пазанда эди, буни ҳамма тан оларди.

Стол атрофида ўтирганларга кўз югуртириб чиқдим. Мана улар — қадимий касб заҳматкашлари, одамларга беҳато қармоқ отадиган муҳаббат сипоҳийлари: соҳибжамол Валли, яқинда, кечаси автомобилда сайр қилиб юрганида оқ мўйна ёқасини ўғирлаб қўйишти; бир оёғи йўқ Лина, ҳозирча ови бароридан келиб турипти; жиззакон Фрицци, япасқитовон Алоисни яхши кўради, лекин алақачон уй-жой қилиб, бирорта бадавлат ўйнашнинг ҳисобидан айшини суриб юрса бўлаверарди; икки юзи қипқизил Марго, ҳар доим меҳмонхона ходимининг кўйлагини кийиб олиб, башанг мижозларни илинтириб юради; энг ёши — Марион, ҳали ҳеч нарсанинг фарқига бормади; Кики — уни эркак қаторига қўшиб бўлмайди, чунки нуқул аёлларнинг кўйлагига, лабини бўяб, юзига упу сурғиб юради; шўрлик Мими, овга чиқишга қийналади, ёши қирқ бешда, болдирларининг томири кўкариб, бўртиб чиққан. Булардан ташқари, турли ресторан ва қаҳвахоналарга танда қўйган қизлар ҳам ўтиришарди, мен уларни танимайман. Ва, ниҳоят, иккинчи фахрли меҳмон — ушоққина, сочлари оппоқ маспир — «онахон», барча тунги дарбадарларнинг сирлоши, маслаҳатгўйи ва суйанган тоғи. У Николой-штрассенинг муюлишида сосиска сотади, тунги буфет ҳам ўзи, пул майдаловчи сарроф ҳам ўзи. Сосискадан ташқари, яшириқча сигарета ва эркаклар ишлатадиган, номини айтишга ҳам киши уяладиган юпқа резина халтачаларни пуллайди, бировларга қарз беради.

Бунақа даврада ўзимни қанақа тутишни биламан. Иш ҳақида гапириш у ёқда турсин, ҳатто унга шама қилиш ҳам мумкинмас: «Темир байтал» лақабига мушарраф бўлган Розанинг фавқулодда қобилиятини унутиш керак. Фриццининг молфуруш Стефан Григоляйт билан қилган хуфиёна суҳбатларини, Кикининг эрта тонгда булочка тўла кажава атрофида рақсга тушишларини — бари-барини унутиш керак. Ҳозир бу ерда бўлаётган гурунлар ҳар қандай аёллар йиғинига зеб бериши мумкин.

— Ҳамма нарсанг тайёрми? — деб сўрадим Лиллидан.

У бош силкиди.

— Аллақачон тайёрлаб қўйганман.

— Сепини бир кўрганингда эди! — деди Роза. — Тўр чойшабигача тахт қилиб қўйган.

— Тўр чойшабнинг нима кераги бор?

— Қизиқмисан, Робби! — Роза менга таажжубланиб қаради, шундагина ёдимга тушди. Қўлда тўқилган ва диван ҳамда креслолар устига ёпиладиган тўр чойшаблар — саранжом-сарихталикнинг, никоҳнинг, воз кечилган жаннатнинг муқаддас тимсолику. Ахир, бу қизларнинг бирортаси табиатан фоҳиша эмас; улар осойишта ва фақирона турмушлари издан чиққанидан сўнг шу кўйга тушишган. Уларнинг пинҳона орзуси бузуқилик эмас, оила куриш. Аммо буни бўйинларига олишмайди.

Пианино ёнига ўтдим. Роза боядан бери шуни кутаётган эди. У ўзига ўхшаган ҳамма қизлар каби мусиқани севарди. Аввал Роза билан Лилли ёқтирадиган куйлардан бошладим. Кейин «Қушчанинг тунги қўшиғи», «Альп тонги», «Сўнаётган муҳаббат», «Арлекиннинг миллионлари» ва пировардида «Ватанга қайтмоқ истайман» куйларини чалдим. Сўнгги қўшиқни Роза жуда ёқтирарди. Фоҳишалар — энг тошбағир ва, айни пайтда, энг кўнгли бўш инсонлар. Ҳаммалари биргаликда куйлашди, Кики жўр бўлди.

Лилли йўлга отлана бошлади. Қаллиғининг олдига кириши керак экан. Роза унинг иккала юзидан чўлпиллатиб ўпди.

— Омон бўл, Лилли. Унутворма, кириб тур.

У совға-саломларини кўтариб, жўнади. Улай агар, чеҳраси бутунлай ўзгариб кетган эди. Қабихликка дучор бўлган ҳар бир инсон афтида манаман деб турадиган нуқс унинг юзидан го-йиб бўлиб, бир соатнинг ичида бамисоли ҳур қизга айланиб қолганди.

Ҳаммамиз кўчага чиқиб, Лиллининг орқасидан қўл силкиб қолдик. Бирдан Мими хўнграб юборди. Қачонлардир унинг ҳам оиласи бўлган. Эри уруш йилларида зотилжамдан вафот этган. Агар фронтда ҳалок бўлганида ҳозир у озгина нафақа олиб, бузуқ йўлга кирмасдан, бир кунини кўриб юрган бўларди.

Роза унинг елкасига қоқди.

— Қўй, Мими, обидийда қилаверма! Юр, қаҳва ичамиз.

Худди товуқлар галаси катагига киргандай, яна «Интернациональ»га қайтиб кирдик. Аммо бояги хуш кайфиятдан асар ҳам қолмаганди.

— Хайрлашиш олдидан бирор нарса чалиб бер, — деди Роза. — Сал ўзимизга келволайлик.

— Бажонидил. Келинлар, биргалашиб «Эски дўстлар марши»ни айтамыз.

Кейин мен ҳам хайрлашдим. Роза пишириқлардан апил-тапил қоғозга ўраб берди. Уни «онахон»нинг кўчада сосиска солинган қозончани ўрнатаётган ўғлига бердим.

Энди нима қилсамикин? Ресторанга боргим йўқ, бугунга етади. Кино ҳам юракка сиғмайди. Энг маъқули, устахона. Соатга қарайдим. Саккиз бўпти. Кестер қайтган бўлса керак. Лени унинг

олдида анави қиз ҳақида соатлаб гапиролмайди. Устахонага қараб кетдим.

Чироқ ёниб турипти. Фақат бино ичи эмас, ҳовли ҳам ёп-ёруғ. Кестердан бошқа ҳеч ким йўқ эди.

— Нима бўляпти ўзи, Отто? — сўрадим ундан. — Наҳотки кадиллакни пуллаган бўлсанг?

— Йўқ. Ленцнинг бир чароғбонлик қилгиси кеп қолди-да.

Кадиллакнинг иккала чироғи ҳам ёқиб қўйилган, сутранг нур деразадан гуллаб ётган олхўрига тушиб турарди. Тун мўъжизага айланган дарахт атрофида денгиз мавжлари янглиғ шовулларди.

— Гўзал! — дедим мен. — Ўзи қани?

— Егулик бирор нарса топиб келгани кетди.

— Яхши бўпти. Бошим сал айланяпти. Очликдан бўлса керак.

Кестер бош силкиди.

— Овқат ейиш ҳамиша фойдали. Тажрибали жангчиларнинг асосий қонуни шу. Бугун мен ҳам бош айланадиган бир иш қилиб келдим. «Карл»ни пойгачилар рўйхатига ёздириб қўйдим.

— Йўғ-э. Ахир, у ерда бир талай абжир пойгачилар иштирок этади-ку?

— Спорт мошиналари тоифасидан Браумюллер қатнашади, — деди Кестер.

Мен энг шимаришга тушдим.

— Ундай бўлса, ишга киришамиз, Отто. Мошинани яхшилаб мойлаш керак.

— Шошма! — деб ўшқирди шу пайт устахонага кириб келган ашаддий саргузашт ишқибози. — Олдин ўзимизни мойлаволайлик.

У ўроғлиқ нарсани очиб, столга нон, пишлоқ, дудланган колбаса ва қоқ балиқ қўйди. Иштаҳа билан тамадди қилдик, орқасидан муздай пиво ичдик. Кейин икки соатча «Карл»ни кавлаштирдик, зарур қисмларини мойладик.

Готтфрид форднинг чироғини ҳам ёқди. Автомобиль фалока-ти пайтида тасодифан шу битта чироғи лат емаган эди, лекин у ҳам зарба таъсирида тепага қараб қолганди.

Ленц хурсанд эди.

— Мана энди, Робби, шишаларни опкелавер, «гуллаган дарахт байрами»ни нишонлаймиз.

Столга коньяк, жин ва иккита стакан келтириб қўйдим.

— Ўзингга-чи? — сўради Готтфрид.

— Ичмайман.

— Янгилик-ку! Нима бўлди?

— Жонимга тегди ичкилик.

Ленц менга бошдан-оёқ разм солиб чиқди.

— Оғайнимизнинг эси кирди-чиқди бўп қопти, Отто, — деди у бир оз суқунатдан сўнг.

— Қўй, ичмаса ичмас, — жавоб берди Кестер.

Ленц стаканига тўлдириб қўйди.

— Кейинги пайтларда бу йигит ақлдан озяпти.

— Бу ҳали ҳолва, — дедим мен.

Каттакон қизғиш ой рўпарамиздаги фабрика тепасига ўрнаш-волди. Бир оз индамай ўтирдик, кейин Готтфриддан сўрадим:

— Менга қара, сен севги илмини сув қилиб ичворгансан-ку, тўғрими?

— Бу соҳанинг гроссмейстериман.

— Баракалла. Қани, менга айт-чи: севиб қолган одам ўзини аҳмоқона тутиши мумкинми?

— У нима деганинг?

— Масалан, ўзини мастликка солиши, ҳазил-хузул қилиши, бу ҳам етмагандай, ёлғон гапириши... мумкинми?

Ленц хохолаб кулди.

— Вой, болагинам-ей! Севги дегани — алдовдан иборат-да. Она табиат томонидан ўйлаб топилган гўзал алдов. Манови ол-хўрига бир қара. У ҳам алдаяпти. Ўзини гўзалликка соляпти. Му-ҳаббатнинг ҳақиқатга бирор-бир алоқаси борлигини тасаввур ҳам қилолмайман. Хайриятки, насиҳатгўйлар ҳамма нарсани изнла-рига сололмайдилар.

Ўрнимдан турдим.

— Демак, сенингча, севгига озгина бўлса ҳам ёлғон арала-шади?

— Албатта.

— Лекин одам кулгили аҳволга тушиб қолиши ҳам мумкин-да.

Ленц кулди.

— Яхшилаб қулоғингга қуйвол, жигарим: агар азбаройи ўша аёлни деб, астойдил бир нарса қилаётган бўлсанг, ҳеч қачон кулгили аҳволга тушмайсан. Хоҳлаганингни қилавер: хоҳла — ўмбалоқ ош, хоҳла — аравани қуруқ опқоч, хоҳла — деразаси-нинг тагида ашула айт, фақат ўзингни жиддий ва ақлли қилиб кўрсатишга уринма!

Елкамдан тоғ ағдарилгандай бўлди.

— Сен нима дейсан, Отто?

— Тўғри гапиряпти.

У «Карл»нинг олдига бориб, капотини кўтарди. Мен бир шиша ром билан битта стакан олиб, столга қўйдим. Отто мо-шинани ўт олдирди. Мотор бир маромда ишларди. Ленц дераза тоқчасида ҳовлини томоша қилиб ўтирарди. Мен унинг ёнига жойлашдим.

— Менга қара, Готтфрид, аёл киши билан ўтирганингда бўкиб ичган пайтларинг бўлганми?

— Кўп бўлган, — деди у пинагини бузмай.

— Хўш?

У менга кўз қирини ташлади.

— Бирор ишкал чиқазмаганмисан, демоқчисан-да? Мабодо шундай бўлган тақдирда ҳам кечирим сўрашни зинҳор хаёлинг-га келтира кўрма, азизим. Гаплашма. Фақат гул жўнатавер. Хат-

патсиз. Фақат гул. Гул ҳамма айбни бекитади. Қабрларни ҳам гул кўздан яшириб туради-ку, тўғримми?

Анграйиб қолдим. Готтфриднинг бир туки ўзгармади. Ховли-мизни тўлдирган оппоқ нурдан кўзлари йилтирарди. Мотор ҳамон ишлаб турарди, шунданми, оёғимиз остида ер титраётганга ўхшарди.

— Мана энди бемалол ичаверсам бўлади, — шундай деб, ишиша тиқинини очдим.

Кестер моторини ўчириб, Ленцга юзланди:

— Қадаҳни кўришга ойнинг ёруғи ҳам етади. Мошина чироқларини ўчир, Готтфрид. Айниқса, форднинг чироғини. У менга прожекторни, урушни эслатяпти. Тунги парвоз пайтида, айниқса, мана шу прожекторлардан кўрқардик.

Ленц ўрнидан туриб, чироқларни ўчириб келди.

Ой фабрика тепасидан кўзғалиб, энди олхўри устида олтин лагандай ярқирарди. Дарахт шоҳлари енгил шабадада майин чайқалиб турипти.

— Ажабо! — деб қолди тўсатдан Ленц. — Нима учун ҳар хил одамларга ёдгорлик ўрнатишади-ю, ойга ёки гуллаган дарахтга ҳайкал қўйишмайди?

Уйга барвақт қайтдим. Йўлак эшигини очганимда қулоғимга мусиқа садолари эшитилди. Котиба Эрна Бенигнинг патефони айланарди. Бир аёл тиниқ ва майин овозда кўшиқ айтарди. Сўзларини илғаш учун астойдил қулоқ сола бошладим. Аёлнинг мулоим товуши фрау Бендернинг тикув мошинаси ва Хасселар оиласининг сандиқлари устида сузиб юрар, кўнгилни жунбушга келтирарди.

Ошхона деворидаги ёввойи чўчқа тулупига нигоҳ ташладим, хизматчи аёл шарақ-шуруқ қилиб, идиш-товоқларни юварди.

«Сенсиз қандоқ яшайман?» — икки қадам нарида, эшик ортида ана шу сўзлар янграрди.

Елкамни қисиб, хонамга равона бўлдим.

Кўшнимникида, одатдагидай, жанжал бўлаётганди. Ҳаял ўтмай, эшик тиқиллаб, Хассе кириб келди.

— Халақит бермайманми?

— Асло, — дедим мен. — Ичасизми?

— Йўқ. Бирпас ўтирсам бас.

У рўпарасидаги бўшлиққа бефарқ тикилди.

— Сизга яхши, — деди у. — Ўзингизга хон, ўзингизга бексиз.

— Э-э, нимаси яхши! — эътироз билдирдим мен. — Ёлғизлик ҳам жонга тегади. Гапимга ишонаверинг.

У стулда букчайиб ўтирарди. Кифтлари салқиган. Кўча чироқларининг ним қоронғи хонага тушиб турган нури унинг маънисиз кўзларига сингиб кетаётганди.

— Ҳаётни бошқача тасаввур қилардим, — деди у андак сукутдан сўнг.

— Ҳаммамиз ҳам шу.

Ярим соатлардан кейин Ҳассе хотини билан ярашгани чиқиб кетди. Бир нечта газета ва кўпдан бўён жавонда чанг босиб ётган ярим шиша ликёрни қўлига тутқаздим. Ўзим ликёр ичмайман — ўлгудай ширин, қуюк нарса, лекин унга бўлаверади, Ҳассе ичкиликнинг фарқига бормади.

У бебилиска, шарпадай сирғалиб чиқиб кетди. Орқасидан эшикни ёпаётган пайтимда йўлакда янграётган қўшиқнинг бир тутами лип этиб хонамга кирволди — «Сенсиз қандоқ яшайман?»

Дераза ёнига ўтирдим. Қабристон ой нурига фарқ бўлиб ётарди. Ранг-баранг реклама чироқлари дарахт учларида илиниб тургандай. Пастда қабрлар устига ўрнатилган мрамар ёдгорликлар совуқ йилтирайди, лекин қўрқинчли эмас. Қабристон ёнидан қатнаётган мошиналарнинг чироқлари қабр тошидаги ёзувларни сийпалаб ўтади.

Анчагача хаёл суриб ўтирдим. Урушдан қайтган пайтларимизни эсладим — ҳаммамиз ёшмиз, қалбимиздаги умид учкунлари буткул сўнган. Биз ўтмишимизга дахлдор барча нарсага қарши — сохталик ва худбинлик, очкўзлик ва шафқатсизликка қарши курашмоқчи эдик; биз бағритош бўлиб қолдик ва яқин ўртоғимиздан бошқа ҳеч кимга, бизни ҳеч қачон алдамаган осмон, тамаки, дарахтлар, нон ва заминдан бўлак ҳеч нарсага ишонмай қўйдик. Хўш, оқибати нима бўлди? Бари емирилди, қалбакилашди ва унутилди. Унута олмаганларнинг улуши эса фақат ночорлик, ноумидлик, лоқайдлик ва ичкилик бўлди. Буюк инсоний ва мардона талпинишлар даври ўтди. Корчалонлик, сотқинлик ва қашшоқлик тантана қилди.

«Ўзингизга хон, ўзингизга бексиз», — деди Ҳассе. Бир ҳисобда тўғри — ёлғиз одамни ҳеч ким ташлаб кетмайди. Аммо баъзан, кечқурунлари, бу сунъий фароғат шунақаям силлани қуритадики, ўзингни қаерга қўйишни билмай қоласан. Вужудингни аллақандай паришонлик, армон ва ғам-ғусса чулғаб олади. Қанийди бу беъмани ҳаётдан, анови шарманканинг бетўхтов ғинғиллашидан бир ёқларга қочиб кетсанг — қаёққа бўлса ҳам майли эди. Қанийди жиндайгина оилавий ҳаловат тўғрисидаги дардманд орзу — меҳрибон қўллар ва кўксингга босилган юзларда мужассам бўлса. О, қанийди! Ёки бу ҳам ўз-ўзидан тониш, чекиниш ва хомхаёлмикин? Ёлғизликдан бошқа яна нима бор ўзи?

Деразани беркитдим. Йўқ, бошқа нарса бўлиши мумкин эмас. Бошқа нарсага қўл калталик қилади.

Шунга қарамай, эртасига барвақт туриб, устахонага жўнадим, йўл-йўлакай кичкина гул дўконининг эгасини уйғотдим. Бир даста атиргул ташлаб, дарҳол жўнатишни буюрдим. Бир парча қоғозга адресни ёзаётган пайтимда ғалати бўлиб кетим: Патриция Хольман.

Кестер эски кийимларини кийиб, молия бошқармасига кетди. Солиқни камайтиришларини сўрамоқчи эди. Ленц билан устахонада қолдик.

— Энди жангга, Готтфрид — дедим мен. — Кадиллакка ҳужум бошлаймиз.

Кеча кечқурун газетада эълонимиз чоп этилган эди. Демак, харидорлар кеп қолиши мумкин — агар бўлса. Мошинани сотувга тайёрлаш керак.

Аввал бўялган устки қисмларини ювдик. Мошина ярақлаб, нархи камида юз маркага кўтарилгандай бўлди. Кейин моторга қуюқ мой қўйдик. Цилиндрлар шақиллаб қолган эди. Мой қўйилгандан кейин моторнинг овози майинлашди. Тезлик қутиси билан диферга ҳам қуюқ мой урдик, уларнинг ҳам товуши чиқмайдиган бўлди.

Сўнг мошинани ҳайдаб чиқдик. Ёнгинамизда ўйдим-чуқур эски йўл бор эди. Шу йўлдан эллик километр тезликда юрдик. Ғилдираклар сакрай бошлади. Баллонлардаги ҳавонинг тўртдан бирини чиқариб ташлаб, яна юрдик. Сал тузук бўлди. Кейин ҳавонинг яна чорак қисмини чиқазиб ташладик. Энди мошина сувда сузгандай силлиқ юра бошлади.

Устахонага қайтиб, ғийчиллаётган капотни мойлагандан сўнг унга бир нечта резина қистирмалар қўйдик, мотор тез ўт олиши учун радиаторга иссиқ сув қўйдик, мошина тагига керосин сепдик — ости ҳам ялтираб турсин, дедик-да. Ана шундан кейин Готтфрид Ленц қўлларини тепага кўтариб, хитоб қилди:

— Келавер, муҳтарам харидор! Кела қолсанг-чи, очикқўл пулдор! Куёв келини кутгандай, йўлингга интизормиз!

Аммо келиндан дарак йўқ эди. Шунинг учун новвойнинг мошинасини зовур тепасига чиқазиб, олдинги ғилдираклар ўқини еча бошладик. Бир неча соат чурқ этмай ишладик. Бир маҳал бензоколонка томондан Юппнинг машҳур бир қўшиқ қуйини хуштакда чалаётгани эшитилди: «Ҳовлига кирган ким бўлди?»

Зовурдан чиқиб, деразадан қарадим. Паст бўйли, чорпахил бир одам кадиллак атрофида айланарди. Кўринишидан бадавлат кишига ўхшайди.

— Қарагин-а, Готтфрид, — дсб пичирладим мен. — Келин келди-ёв.

— Албатта. — жавоб берди у ҳеч иккиланмай. — Афтидан кўриниб турипти. Янги келиндай тортинчоқ. Ҳужумга ўт! Мен резервда қоламан. Эпполмасанг, ёрдамга бораман. Усулларимни ёдингда тут.

— Ҳўп.

Мен ҳовлига чиқдим.

Ҳалиги одам менга қоп-қора, ақлли кўзларини тикди. Ўзимни таништирдим:

— Локамп.

— Блюменталь.

Ўзини таништириш — Готтфриднинг биринчи усули. Шундай қилганда ўзаро яқинлик пайдо бўлармиш. Иккинчиси, суҳбат бошида ниҳоятда камгап бўлиш — олдин харидорнинг сўзларини эшитиш ва зарур пайтда гапни илиб кетиш.

— Кадиллак масаласида келдингизми, жаноб Блюменталь? — сўрадим мен. У бош силкиди.

— Ана у! — дедим мошинага ишора қилиб.

— Кўриб турибман.

Унга тезгина бошдан-оёқ разм солиб чиқдим. «Пихини ёрган одамга ўхшайди».

Мошина олдига бордик. Эшикни очиб, моторни юргиздим. Блюменталга мошинани кўздан кечириш учун имкон бериш мақсадида жим туравердим. Албатта, у айб қидиради, шунда хужумга ўтаман.

Аммо Блюменталь мошинани текширмади. Айб ҳам қидирмади. Миқ этмай тураверди. Ноилож ўзим сайрашга тушдим.

Аввал, худди она ўз боласини мақтагандай, кадиллакни шошмасдан ва бафуржа таърифлай бошладим, мақсадим: мошинага ақли етадими-йўқми, шунга аниқлаш эди. Агар ақли етса, кўпроқ мотор билан шасси ҳақида, мабодо бунинг акси бўлса, мошинанинг қулайлиги тўғрисида оғиз кўпиртиравериш керак.

Блюменталь ҳамон сир бой бермасди. Мен тўхтовсиз гапирар, у эса жимгина қулоқ соларди.

— Сизга қанақа мошина керак ўзи? Шаҳарда миниш учунми ёки узоқ жойларга бориш учунми? — деб сўрадим, унинг жавобидан таянч нуқтасини топиб олиш мақсадида.

— Униси ҳам, буниси ҳам.

— Шунақа денг! Ўзингиз ҳайдайсизми ёки шофёрингиз борми?

— Вазиятга қараб.

Вазиятга қараб. Қанақа одам бу! Тўтикушга ўхшайди-я.

Уни сал жонлаштириш ниятида, мошинанинг у ер-бу ерига қўл уриб кўришга ундай бошладим, шунда харидорлар одамга анча эл бўлиб қолади.

— Тепаси жудаям энгил очилиб-ёпилади, — дедим мен. — Ўзингиз бир синаб кўринг-а. Бир қўл билан бажарасиз бу ишни.

Аммо Блюменталь, ҳожати йўқ, деди. Шундоқ ҳам кўриниб турганмиш. Эшикни қарсиллатиб ёпиб, қабзасидан тортдим.

— Кўряпсизми, қилт этмайди. Мустаҳкам. Ишонмасангиз, текшириб кўринг...

Блюменталь текширмади. Худди ўзи шундай бўлиши керакдай. Тошёнгоқ экан бу одам.

Ён ойналарни кўрсатдим.

— Ниҳоятда энгил чиқиб-тушади. Хоҳлаган жойингизга қотириб қўйишингиз мумкин.

У ҳатто қайрилиб ҳам қарамади.

— Бунинг устига, синмайдиган, — кўшиб қўйдим мен. — Беқийёс афзаллик бу! Устахонамизда ҳозир бир фордни таъмир-ляяпмиз... Шундай деб, новвойнинг хотини қандай побуд бўлганини гапириб бердим, сал таъсир қилармикин деб, хотиннинг қорнидаги бола ҳам ўлиб кетганини қистириб қўйдим.

Аммо Блюменталнинг кўнгли заррача юмшамади.

— Ҳозир ҳамма мошиналарга синмайдиган ойна қўйилган, — деди у. — Бунинг кўз-кўз қиладиган ери йўқ.

— Ялли чиқарилаётган бирорта мошинада бунақа ойна йўқ, — эътироз билдирдим мулоқимлик билан. — Олд ойнаси бўлиши мумкин, лекин ён ойналари эмас.

Кейин сигнални бир чалиб қўйиб, ички қулайликларни таърифлашга ўтдим — юкхона, ўриндиқлар, эшик чўнтаклари — бирортаси қолмади, ҳатто зажигалкани ҳам ёқдим, чекиш баҳонасида гапимиз сал қовушармикин, деб умид қилган эдим, лекин у буни ҳам рад этди.

— Раҳмат, чекмайман. — Шундай деб, сигир қараш қилиб тураверди.

Бирдан шубҳага тушиб қолдим — балки бу одам адашиб келиб қолгандир, балки тикув мошинаси ёки радиоприёмник излаб юргандиру бу ерга киришга кириб қолиб, шошиб чиқиб кетишга ийманаётгандир.

— Мен ёнингизда ўтирай, мошинани бир ҳайдаб кўринг, жаноб Блюменталь, — дедим ниҳоят. Чиқмаган жондан умид, дейишадик-ку.

— Ҳайдаб нима қиламан? — деб жавоб берди у, худди мен чўмилишни таклиф қилаётгандай.

— Ҳа-да, бир айланиб келайлик. Мошинанинг зўрлигига ўзингиз ишонч ҳосил қилишингиз керак-ку. Юрганда ерга қапишиб олади, худди темир йўлда кетаётгандай. Моторини айтмайсизми! Оғир кузов ҳам товукнинг парига ўхшаб қолади.

— Ҳайдаб кўрармишман, — деб тўнғиллади у энсаси қотиб. — Ҳозир ҳайдаган билан ҳеч нарсани билиб бўлмайди. Мошинанинг ишкали кейин чиқади.

«Албатта-да, — дедим ичимда гижиниб, — нима, сенга ишқал жойини кўрсатишим керакми? Мингта унақа жойи!»

— Ихтиёрингиз, — жавоб бердим, сўнги умидим ҳам сўниб. Бу одамдан иш чиқадиганга ўхшамайди.

Кутилмаганда у менга бурилиб қараб, кўзларимга тикилди ва:

— Нархи қанча? — деб сўради жиддий оҳангда.

— Етти минг марка, — дедим ҳеч иккиланмай. Биламан-да: сал ўйлансанг, тамом — савдолашишни бошлайди, нархни пасайтиришга ҳаракат қилади, ўйланишининг ҳар дақиқаси минг маркага тушиши ҳеч гапмас. — Етти минг марка, жаноб, — такрорладим мен ҳам қатъий оҳангда, лекин ичимда: «Бешта берсанг-ку, мошина сеники бўларди-я», — деб турибман.

Аммо Блюменталь кўнглидаги нархни айтмай, тўнғиллаб қўя қолди:

— Қиммат.

— Албатта, — дедим. Энди менда ҳеч қандай илинж қолмаган эди.

— Нега «албатта» бўларкан? — деб сўради Блюменталь ҳайрон бўлиб.

— Жаноб Блюменталь, — дедим мен. — Сотувчи молининг нархини айтганида, «Э, арзон-ку» деган харидорни кўрганмисиз?

У менга тикилиб қаради. Кейин юзига табассум ёйилди.

— Галингиз тўғри. Лекин мошина бари бир қиммат.

Қулоқларимга ишонмасдим. Мана бу ўғил бола гап! Ҳақиқий харидорнинг гапи! Тўхта, яна найранг қилаётган бўлмасин?

Шу пайт дарвоза олдида башанг кийинган бир олифта кўринди. У чўнтагидан газета чиқазиб, бир нималарни ўқигач, деворга қоқилган рақамга қаради, кейин тўппа-тўғри менинг олдимга келди.

— Сотиладиган кадиллак шу ердами?

Мен бош силкидим у олифтанинг қўлидаги сарғиш ғаров ҳасса билан чарм қўлқопга тикилиб қолдим.

— Кўрсак бўладими? — деди у бир туки ўзгармай.

— Мошина шу ерда, — жавоб бердим мен. — Лекин бир оз кутасиз, ҳозир бандман. Илтимос, ичкарига кириб туринг.

Олифта бир муддат моторнинг ишлашига қулоқ солиб турди. Олдин афтини буриштирди, кейин бирдан чехраси ёришиб кетди. Уни тирсагидан ушлаб, устахонага олиб кирдим.

— Аҳмоқ! — деб бақирдим у дарров изимга қайтдим.

— Мошинани бир ҳайдаб кўрганингизда нархи тўғрисида бунақа демасдингиз, — дедим мен. — Майли, хоҳлаганингизча синаб кўринг. Агар ижозат берсангиз, кечкурун уйингиздан ўзим олиб келаман, кадиллакни эрталабгача миниб юришингиз мумкин.

Аммо Блюменталь яна аввалги ҳолатига қайтди — тош ҳайкалга айланди-қолди.

— Бўпти, — деди у. — Мен борай. Мошина ҳайдагим келиб қолса, кўнғироқ қиламан.

Бозорим касод бўлганини тушундим. Бу одамни гап билан эритиш мушкул экан.

— Яхши, — дедим мен. — Телефон рақамингизни қолдириб кетолмайсизми? Бирорта одам мошинага қизиқиб қолиши мумкин-да, овора бўлмаслигингиз учун... кўнғироқ қилиб қўярдим.

Блюменталь менга ғалати қараш қилди.

— Қизиққан одам ҳали харидор дегани эмас.

У чўнтагидан каттакон сигарета қутисини чиқазиб, менга узатди. Чекаркансан-ку, номард! Сигарета бўлгандаям — «Корона-корона», демак, пулнинг сассиғига ухлаёлмайди. Энди менга бари бир эди. Сигаретасидан бир дона олдим. У қўлимни маҳкам

қисди-ю чиқди-кетди. Орқасидан роса гүрига фишт қаладим. Кейин устахонага қайтиб кирдим.

— Хўш, қалай? — деди олифта — унинг ўзи Готтфрид Ленц. — Қотирдимми? Қарасам — қийналяпсан, ёрдамга шошилдим-да. Яхшиям, Отто молия бошқармасига эски кийимида кетган экан. Осиглиқ турган яп-янги костюмини шартта кийдим-да, деразадан тушиб, харидор қиёфасида дарвозадан кирдим. Зўр бўлди, а?

— Расво бўлди! — дедим энсам қотиб. — У иккаламиздан ҳам айёрроқ-ку. Манови сигаретани кўриб қўй. Бир донаси бир ярим марка туради. Миллиардерни қочирвординг!

— Йўқ, фирибгарни қочирдим. Миллиардерлар бунақа қиммат сигарета чекишмайди. Улар донаси сариқ чақа турадиганини харид қилишади.

У қўлимдан сигаретани олиб, ҳидлаб кўрди, менга қайтармай, ўзи тутатди.

— Бекор айтибсан, — дедим мен. — Фирибгар ўзини Блюменталь деб таништирмайди. Ҳеч бўлмаса граф Блюменау ёки шунга ўхшаш бир исмни айтади.

— Қайтиб келади, — деди Ленц, ҳар галгидай қатъий ишонч билан, кейин юзимга сигарета тутунини пуфлади.

— Келмайди, — жавоб бердим мен ҳам ўшандай ишонч билан. — Майли, уни қўявер, лекин фаров ҳасса билан қўлқопни қаердан олдинг?

— Ижарага олдим. Рўпарамиздаги «Бен ва компания» дўконидан. Сотувчи қиз таниш. Аммо ҳассани қайтариб бермайман. Менга ёқиб қолди. — Шундай деб, ҳассани қўлида айлантира бошлади.

— Готтфрид, — дедим мен, — умрингни бу ерда беҳуда ўтказяпсан. Циркка бор. Сенинг жойинг — эстрада ёки цирк.

Кундузи бир зумга уйга келсам:

— Сизга кўнғироқ қилишди, — деди фрау Залевскининг ғилай хизматчиси Фрида.

— Қачон?

— Ярим соат олдин. Аёл киши.

— Нима деди?

— Кечқурун яна кўнғироқ қилармиш. Овора бўласиз, у киши кечқурунлари уйда бўлмайдилар, дедим.

Анграйиб қолдим.

— Нима? Нега унақа дейсиз? Телефонда гаплашишни қачон ўрганасиз?

— Телефонда гаплашишни биламан, — деди у без бўлиб. — Кечқурунлари ростдан ҳам уйда ўтирмайсиз-ку.

— Нима ишингиз бор! — жоним ҳалқумимга келди. — Яна кўнғироқ қилса, бу одамнинг пайпоғи йиртиқ ҳам дерсиз!

— Нима қипти, айтсам айтавераман, — деди у қизариб кетган кўзларини лўқ қилиб. Фрида билан азалдан чиқишмасдик.

Бошига шўрва қайнаб турган кастрюль билан солгим келдию, ўзимни тийдим, чўнтагимдан бир марка чиқазиб, қўлига тутқаздим. Кейин:

— Исмини айтмадими? — деб сўрадим жаҳлимни ичимга ютиб.

— Йўқ, — деди Фрида.

— Овози қанақа эди? Сал бўғиқроқ, мулойим. Шунақамиди?

— Эсимда йўқ, — деди Фрида лоқайдлик билан, гўё бир маркани олмагандай.

— Узугингиз жудаям чиройли экан, бунақаси ҳеч кимда йўқ, — дедим мен. — Яхшилаб эслаб кўринг-чи, балки ёдингизга тушар.

— Йўқ, — деди Фрида чўрт кесиб.

— Падарингга лаънат! — тишимни гичирлатиб шундай дедимундан тез узоқлашдим.

Кечқурун роппа-роса олтида уйга келдим. Эшикни очиб, ғалати манзаранинг гувоҳи бўлдим. Йўлакда етимхона ҳамшираси фрау Бендер турар, уни уйимиздаги барча аёллар қуршаб олишганди.

— Бу ёққа келинг, — деб чақирди мени фрау Залевски.

Маълум бўлишича, йиғиннинг сабабчиси ҳар турли ипак жиякларга буркаб ташланган чақалоқ экан. Фрау Бендер уни арава-чада олиб келганди. Ҳамма чақалоқларга ўхшаган бир чақалоқ, аммо аёллар гўё у ёруғ дунёга келган биринчи одамзот зурриётидай, аравача устига ёппасига энгашиб олишганди. Улар бир нималар деб вижиллашар, кўзлари косасидан чиққудай бўлиб, бир-бирларига гап маъқуллашарди. Ҳатто рўдапога ўхшаб кийиниб олган Эрна Бениг ҳам бу мажозий оналик базмидан четда қолмаганди.

— Зўр бола, а? — деб сўради фрау Залевски меҳри товланиб.

— Бу ҳақда йигирма-ўттиз йилдан кейин бир нарса дейиш мумкин, — жавоб бердим мен, телефонга кўз қирини ташлаб. Ишқилиб, ҳамма шу ердалигида чақириб қолишмаса гўрға эди.

— Олдин сиз яхшилаб бир қаранг, — деди фрау Хассе.

Қарадим. Чақалоқдақа чақалоқ. Ҳеч бир ортиқча ери йўқ. Фақат қўллари жудаям кичкина, ахир, ўзим ҳам бир маҳаллар шунақа бўлганман-да.

— Шўрлик чувалчанг, — дедим мен. — Келажакда ўзини нималар кутаётганини билмайди. Улғайганда бу қатнашадиган уруш қанақа бўларкин?

— Тошбағир одамсиз! — деди фрау Залевски. — Наҳотки заррача ҳис-туйғунгиз бўлмаса?

— Ҳис-туйғу кўплигидан шунақа деярман-да. Акс ҳолда бунақа фикрлар миямга келмасди. — Шундай деб, хонамга кириб кетдим.

Ўн минутлардан сўнг телефон жиринглаб қолди. Мени чақир-ишаётганини эшитиб, чопиб чиқдим. Аёллар ҳали тарқалмаган эди. Гўшакни олсам — Патриция Хольман. Гул учун раҳмат айтди. Хайрият, оломоннинг ичида энг ақллиги шу чақалоқ экан, катталарнинг бемаъни қилиқлари жонига тегди шекилли, бирдан йиғини бошлаб юборди.

— Кечирасиз, — дедим мен гўшакка. — Гапингизни эшитма-
япман, чақалоқ йиғлаб қолди... Йўқ, меники эмас.

Аёллар бараварига гўдакни юпатишга тушиб кетишди, аммо
қўлларидан ҳеч нарса келмади — йиғи баттар авжга чикди. Шун-
дагина бу боланинг зўрлигига тан бердим: афтидан, ўпкаси кин-
дигигача тушса керак-да, бўлмаса, овози шунақа ўткир бўлар-
миди! Жуда танг аҳволга тушиб қолдим, кўзларим ҳамон чақа-
лоқнинг тепасида куймаланаётган аёлларга қаҳр ўтини сочар,
оғзимдан эса бол томарди — гўё пёшонамдан бурнимгача яшин
чақнаётган тун, бурнимдан иягимгача офтоб чарақлаб турган кун
— қиёфам ана шундай эди. Шу ғала-ғовурда қиз билан эртасига
кечқурун учрашишга қандай келишволдим, ўзим ҳам ҳайрон-
ман.

— Телефонни овоз ўтказмайдиган нарса билан ўраб қўйсан-
гиз бўларди, — дедим фрау Залевскига.

Бу аёл сўзни бировлардан қарзга олмайди.

— Нега энди? — жавоб берди у кўзларидан учкун сачратиб. —
Биздан яширадиган сирингиз шунақа кўпми?

Индамай хонамга кириб кетдим. Оналик туйғуси жунбушга
келиб турган аёллар билан баҳслашишдан фойда йўқ. Дунёнинг
жамики насихатгўйлари шулар томонида.

Учрашув Готтфридникига тайин қилинган эди. Кичкина бир
ресторанда овқатланиб, Ленцникига қараб жўнадим. Йўл-йўла-
кай эркаклар кийими сотиладиган ҳашаматли дўкондан бўлажак
учрашув шарафига антиқа галстук харид қилдим. Ўтган галги
учрашувда қовун туширганимни эслаб, эртага, дафн идораси-
нинг бошлиғидай, жиддий бўлишни кўнглимга тугиб қўйдим.

Готтфриднинг уяси чиндан ҳам диққатга сазовор жой. Уй
Жанубий Америкадан келтирилган ёдгорликлар билан тўла. Де-
ворга ранг-баранг бўйралар, ниқоблар, қуритилган одам калла-
си, ғаройиб сопол кўзалар, найзалар осиб қўйилган, энг асосий
ҳазина — бутун бир деворни эгаллаган суратлар кўргазмаси; ҳин-
дулар ва европаликлар, бири бирига ўхшамайдиган ғадати жо-
ниворлар.

Ленцникида Кестердан ташқари Браумюллер билан Грау ҳам
ўтиришган экан.

Боши тап-тақир Тео Браумюллер диванга ястанганча девор-
даги суратларни томоша қиларди. Тео автомобиль фабрикасида
пайчи, Кестернинг эски ошнаси. Отто ёзилиб келган пойгада у
ҳам қатнашиши керак.

Вазмин гавдали, юзи шишиб кетган, кайфи анча ошган Фер-
динанд Грау стол ёнида ўтирарди. Мени кўриб, олдига чақирди.

— Робби, — деди у хириллаган товушда. — Нега келдинг мур-
даларнинг олдига? Бу ерда қиладиган ишинг йўқ. Тез жўна. Ўзинг-
ни қутқар. Улгурасан ҳали!

Ленцга қарадим. У кўзини қисди.

— Кайфи ошиб қолди. Икки кундан бери мархума бир аёл хотирасига бетўхтов ичяпти. Суратини чизиб бериб, пулини нақд олган экан.

Фердинанд Грау рассом. Лекин бир соҳага ихтисослашмаганда аллақачон очликдан ўларди. У вафот этганларнинг расмига қараб, қариндош-уруғларининг буюртмасига кўра, уларнинг суратини чизади. Шундан тузуккина пул топади. Табиат манзараларини ҳам зўр чизади-ю, аммо уларни ҳеч ким харид қилмайди. Шу боис, у анча дилгир бўлиб қолган.

— Бу гал бир ресторан эгаси буюртма берди, — деди у. — Сирка ва ҳар хил мойлар билан савдо қиладиган холаси ўлган экан. — У бир сесканиб олди. — Даҳшат!

— Менга қара, Фердинанд, — деди Ленц. — Нега унақа дейсан? Ахир, сени инсоннинг энг яхши хислатларидан бири — иззат-икромга мойиллик туйғуси боқяпти-ку.

— Бўлмаган гап! — эътироз билдирди Грау. — Мени айбни ҳис этиш туйғуси боқяпти. Ўлганларнинг хотирасига иззат-икром — уларнинг олдидаги гуноҳни англашдан бошқа нарса эмас. Одамлар марҳумлар тириклигида уларга етказган озорларини ювмоқчи бўладилар. — Грау асабийлашиб, юзини ишқалади. — Анови ресторан эгаси холасининг ўлимини қанча кутдийкин? Мана энди суратини ишлатиб, диваннинг тепасига осиб қўяди. Унга шуни си маъқул. Иззат-икром! Одамзот ўзининг бир чимдимгина яхшилигини кўпинча вақт ўтгандан кейин эслайди. Сўнгра нақадар олижаноб бўлиши мумкинлигидан тўлқинланиб, ўзини олиқиммат кишилар қаторига қўшиб юради. Яхши фазилат, поклик, олижаноблик... — У қўл силтади. — Бу хислатларни ҳамма вақт бошқалардан қидирасан, азбаройи уларнинг ўзларини чув тушириш учун қидирасан.

Ленц кулди.

— Сен кишилик жамиятининг илдиэларига болта уряпсан, Фердинанд.

— Кишилик жамиятининг илдиэлари очкўзлик, кўрқоқлик ва сотқинликдан иборат, — эътироз билдирди Грау. — Одамзот ёвуз, лекин эзгуликни яхши кўради... фақат бировлардан чиқадиган эзгуликни яхши кўради. — У қадаҳини Ленцга узатди. — Энди қуй, кейин ҳадеб ўзинг сайрайверма, бошқалар ҳам гапирсин.

Кестернинг ёнига бориш учун дивандан ошиб ўтдим. Миямда бирдан ғалати фикр туғилганди.

— Отто, эртага кечқурун кадиллакни бериб тур.

Ярим яланғоч раққосанинг расмига тикилиб ўтирган Браумюллер менга юзланди.

— Мошинани қайилтиришни ўрганволдингми? — деди у масхараомуз оҳангда.

— Фақат тўғри йўлда юрардинг-ку, шунда ҳам рулни сен учун бошқа одам ушлаши керак эди.

— Ўчир, Тсо, — дедим мен. — Олтинчи куни пойгада абжа-фингни чиқазамиз.

Браумюллер қотиб-қотиб кулди.

— Бўптими, Отто? — сўрадим тоқатсизланиб.

— Мошина сугурта қилинмаган, Робби.

— Секин ҳайдайман, ўрмалагандай юраман. Озгина шаҳар айланаман, холос.

Кестер кўзларини қисиб, жилмайди.

— Майли.

— Мошина нима учун керак бўп қолди, янги галстугинггами? — деди ёнимизга келган Ленц.

— Ишинг бўлмасин, — шундай деб, уни бир четга итардим.

Аммо Готтфрид хиралигини қўймади.

— Вой-бўй! — у галстугимни ушлаб кўрди. — Жа-а пўрим бўп кетибсан-ку! Ўзингни келинга кўз-кўз қилмоқчисан, шекилли.

— Бугун жаҳлимни чиқазолмайсан, найрангбоз!

— Келин дейсанми? — Фердинанд Грау бошини кўтарди. — Жуда соз. Нима учун келин изламаслиги керак? — У жонланиб, менга гапира бошлади. — Шаштингдан қайтма, Робби. Муҳаббат учун соддалик ярашади. Сенда бу нарса бор. Шуни асраб қол. Оллонинг туҳфаси бу. Бир йўқотсанг, қайтиб тополмайсан.

— Бу гапларга эътибор берма, — деди Ленц тиржайиб. — Аҳмоқ бўлиб туғилиш уятмас, аҳмоқ бўлиб ўлиб кетган ёмон.

— Бас қил, Готтфрид. — Грау уни кетмондай кафти билан нари итарди. — Сен ҳақингда гап кетаётгани йўқ, хотинбоз. Сенга ҳеч ким ачинмайди.

— Опқочавер, Фердинанд, кўнглингни бўшатвол, — деди Ленц. — Гапирсанг энгил тортасан.

— Сен муғомбирсан, — жавоб берди Грау. — Уччига чиққан муғомбирсан.

— Ҳаммамиз шунақамиз, — кулди Ленц. — Ҳаммамиз ҳам хом хаёллар ва бўйиндаги қарзлар билан яшаб юрибмиз.

— Ҳақ гап, — деди Грау ва қалин, тиканак қошларини кўтариб, учовимизга бир-бир қараб чиқди. — Хом хаёллар ўтмишдан қолган, қарзлар эса келажак ҳисобидан. — Кейин у яна менга мурожат қилди. — Соддалик улуғ нарса, Робби. Фақат ҳасадгўйлар уни аҳмоқлик дейишади. Хафа бўлма. Соддалик қусур эмас, аксинча, истеъдод белгиси.

Ленц бир нима демоқчи бўлган эди, Фердинанд яна сўзида давом этди:

— Нимани назарда тутаётганимни биласан-ку: ҳар хил шубҳа-гумон ва ўта зиёилик булғамаган соддадилликни назарда тутяпман. Парцифаль аҳмоқ эди. Агар ақлли бўлганда, ҳеч қачон авлиё Грааль кубогини қўлга киритмасди. Фақат аҳмоқларгина ҳаётда ғалаба қозонишади, ақлли одам кўпдан-кўп тўсиқларга дуч келиб, бир ишни бошламасданоқ ҳафсаласи пир бўлади. Оғир пайтларда соддалик — бебаҳо хазина, инсонни турли хавф-хатарлар-

дан асраб қолгувчи сеҳрли ниқоб. — У арақдан бир хўплаб, менга буришган юзига жон бахш этиб турган катта-катта мовий кўзларини тикди. — Ҳеч қачон кўп нарса билишга уринма, Робби! Қанча кам билсанг, ҳаётинг шунча енгил бўлади. Билим одамни дахлсиз, айна пайтда, бебахт қилади. Келинлар, яхшиси соддалик ва аҳмоқлик учун ичамиз; шулар билан боғлиқ ҳамма нарса — муҳаббат учун, келажакка ишонч ва бахт ҳақидаги орзуларимиз учун ичамиз; антиқа аҳмоқлик ва ғойиб бўлган жаннат учун ичамиз!

У ҳорғин қиёфада, ўз хаёллари ва сархушликка фарқ бир алфозда буткул ғам-андухдан яралган гумбаздай бўлиб ўтирарди. Унинг ҳаёти чил-парчин бўлган эди, олдинги турмушни қайта тиклаб бўлмаслигини у биларди... Грау ўзининг каттақон устахонасида рўзгорига қараб турадиган аёл билан истиқомат қиларди.

Бу аёл қанчалик қўпол, баджаҳл бўлса, Грау унинг акси, баҳайбат қоматига қарамай, жудаям таъсирчан ва ювош одам эди. У аёлдан сира кўнгили узолмасди, афтидан, энди унга барибир эди. Грау қирқ икки ёшга тўлганди.

Гарчи унинг ҳозирги ҳолати ичкилик билан боғлиқ эканини билсам-да, кўнглим бузилиб кетди. У биз билан кам кўришарди, бир ўзи устахонасида ичиб ўтираверарди. Бундай ҳаёт кишини тез нобуд қилади.

Бирдан Граунинг чеҳрасига табассум ёйилди. У қўлимга бокал тутқазди.

— Ич, Робби. Ўзингни эҳтиёт қил. Гапларим ёдингда турсин.

— Хўп бўлади, Фердинанд.

Ленц патефон қопқоғини очди. Негрча куйлар ёзилган пластинкалари бир талай эди. У бизга Миссисипи ҳақидаги, пахтакорлар, илиқ тун ва мовий тропик дарёлар тўғрисидаги қўшиқлардан анча-мунчасини қўйиб берди.

VI

Патриция Хольман катта кўчани энсизгина, узун майсазор ажратиб турган кўп қаватли сарғиш бинода яшарди. Йўлак қаршисида осма чироқ ёниб турипти. Кадиллакни тўхтатдим. Қора мойга бўялган мошина чироқ ёруғида ярқирар, худди қоп-қора улкан филга ўхшарди.

Ясанволгандим: галстукдан ташқари янги шляпа билан қўлқоп сотволдим. Эгнимда Ленцнинг узун пальтоси — нозик шотланд матосидан тикилган қулинг ўргилсин кулранг пальто. Мана шу қиёфа билан кайфим ошиб қолган биринчи учрашув таассуротини тарқатиб юбормоқчи эдим.

Сигнал бердим. Бешала қават йўлагидаги чироқлар барава-рига ёнди. Лифтнинг гувиллагани эшитилди. Ҳаял ўтмай, Патриция Хольман эшикни очиб, зинапоядан чопқиллаб тушиб келди. Эгнида жигарранг мўйна камзул, шу рангдаги юбка.

— Салом! — у қўлини узатди. — Келганингиз яхши бўлди. Кун бўйи уйда ўтириб, сиқилиб кетдим.

Қўлимни кутилганидан кўра маҳкамроқ қисгани маъқул бўлди. Кафти ўлган балиқнинг қорнидай илвиллаган одамларни жинимдан баттар ёмон кўраман.

— Нега илгарироқ айтмадингиз? Кундузи келардим.

— Бўш вақтингиз шунақа кўпми?

— Кўпмас-у, бир йўлини қилардим-да.

У энтикиб нафас олди.

— Ҳаво ажойиб-а! Кўкламнинг ҳиди келяпти.

— Агар хоҳласангиз, бундан ҳам ажойиб ҳаводан нафас олишимиз мумкин, — дедим мен. — Шаҳар четига, ўрмонга борамиз — ана мошина. — Мен кадиллакка беписанд ишора қилдим.

— Кадиллакми? — сўради у таажжубланиб. — Ўзингизникими?

— Бугун ўзимники. Умуман устахонамизга тегишли. Таъмирлаб, яп-янги қилиб қўйдик. Сотмоқчимиз. Яхшигина пулласак керак.

Мошина эшигини очдим.

— Олдин «Лоза»га кириб ўтмаймизми? Тамадди қилволардик.

— Тамадди қиламиз, лекин нима учун айнан «Лоза»га?

Қизга гарангсиб қарадим. Мен билган бирдан-бир тузук ресторан шу эди.

— Ростини айтсам, — дедим мен, — бундан яхшисини билмайман. Кейин, кадиллакка ҳам муносиб бўлиш керак-да.

Қиз кулди.

— «Лоза»да нукул жиддий, расмиятпараст одамлар ўтиришади. Бошқа жойга бора қолайлик.

Иккиланиб қолдим. Ўзимни басавлат кўрсатиш орзуси тутундай тўзғиб кетди.

— Ихтиёрингиз. Лекин баъзан мен кириб турадиган ресторанларга кўполроқ мижозлар тўпланишади. Сизга маъқул бўлармикин?

— Нега унақа дейсиз? — Қиз менга ялт этиб қаради. — Бориб кўрайлик.

— Бўпти. — Мен режани кескин ўзгартирдим. — Агар қўрқмасангиз, Альфонснинг олдига борамиз.

— Альфонс! Бу ном кулоққа ёқимлироқ эшитилади, — деди қиз. — Бугун оқшом ҳеч нарсадан кўрқмайман.

— Альфонс — пивохона эгаси. Ленцнинг қадрдон дўсти.

Қиз кулиб юборди.

— Менмча, унинг дўстлари кўп бўлса керак.

Мен бош силкидим.

— Жуда илашимлик. Биндинг билан ҳам дарров тил топишиб кетди-ку.

— Рост, — деди қиз. — Бир зумда апоқ-чапоқ бўп кетишди.

Биз йўлга тушдик.

Альфонс барваста, оғир-вазмин киши эди. Ёноқ суяклари чиққан. Кўзлари кичкина. Кўйлак енглари доим шимарилган. Қўллари одамсимон маймунни эслатади. Фашига теккан мижозни бировнинг ёрдамисиз, бир ўзи пивоходанан кўчага чиқариб ташларди, ҳатто «Ватанга садоқат» спорт уюшмасининг аъзоларидан ҳам тап тортмасди.

Ҳаддан ташқари қайсар меҳмонлар учун пештахта остида болғача сақларди. Пивоходона жуда қулай ерда — касалхона ёнида жойлашганди, бинобарин, боши ёрилган мижозларга йўлкира сарфлаб ўтирмасди.

Альфонс жундор кафти билан очранг қарағай стол устини сидириб ташлади.

— Пивоми?

— Арақ билан сгулик бир нарса, — дедим мен.

— Хонимга-чи?

— Хоним ҳам арақ ичмоқчи, — жавоб берди Патриция Хольманнинг ўзи.

— Арақ жудаям ўткир, — деди Альфонс. — Ейишга тўқмоқланган чўчқа гўшти билан тузланган карам бор.

— Чўчқани ўзинг сўйганмисан? — сўрадим мен.

— Албатта.

— Хонимга балки енгилроқ таом таклиф қиларсан?

— Бекорга бунақа деяпсиз, — эътироз билдирди Альфонс. — Олдин бир татиб кўринлар.

У хизматчига бир ликопча гўшт келтиришни буюрди.

— Ажойиб жонивор эди, — деди у. — Медаль олганди. Иккита соврини бор эди.

— Ундай бўлса, бош тортмаймиз! — хитоб қилди Патриция Хольман. Унинг дадиллигига қойил қолдим; ўзини гўё ҳар куни бу ерга келиб турадигандай тутарди.

— Демак, икки ликопча? — сўради Альфонс.

Қиз бош силкиди.

— Бу бошқа гап! Ўзим опкеламан.

У ошхонага қараб кетди.

— Сизга бу ер ёқмайди, деб бекор ташвишланган эканман, — дедим мен. — Альфонсни бир зумда ром қилдингиз-қўйдингиз. Овқат опкелишга ўзи кетди. Одатда фақат доимий мижозларга ўзи хизмат қилади.

Альфонс қайтиб келди.

— Янги колбаса ҳам қўшдим.

— Яхши бўпти.

Альфонс бизга хайрихоҳлик билан тикилиб турарди. Арақ билан учта қадаҳ келтиришди. Биттаси Альфонсга мўлжалланган эди.

— Қани, олдик, — деди у. — Фарзандларимизнинг ота-оналари бой-бадавлат бўлишсин!

Қадаҳларни бир кўтаришда бўшатдик. Патриция ҳам шундай қилди.

— Ўткир, ўткир, — деб қўйди Альфонс ва пештахта томонга қараб кетди.

— Қалай, арақ маъқулми? — сўрадим қиздан.

У елкасини қисди.

— Сал ўткирроқ. Лекин Альфонснинг олдида хижолат бўлишни хоҳламадим-да.

Гўшт ростдан ҳам зўр эди. Икки ликопчасини паққос туширдим. Патриция ҳам иштаҳа билан еди. Менга унинг ўзини табиий ва оддий тутиши ёқарди. У ҳеч қандай ноз-карашмасиз Альфонс билан уриштириб, иккинчи қадаҳни ҳам бўшатди.

Альфонс сездирмай кўз қисиб қўйди, бу — яхши қиз экан, дегани. У одам танлашни биларди. Инсоннинг ҳусни ёки маданиятига ақли етмаса ҳам, унинг моҳиятига беҳато баҳо берарди.

— Агар омадингиз келса, ҳозир Альфонснинг табиатидаги заиф жойини билволасиз, — дедим мен.

— Қизиқ. Заиф жойи борга ўхшамайди.

— Бор! — Мен пештахта ёнига қўйилган столчага ишора қилдим. — Ана...

— Ҳа-а, патефонми?

— Йўқ, патефон эмас. У хор қўшиқларининг жинниси. Рақс-пақс, ҳеч қанақа мумтоз куйларни тан олмайди. Унга хор бўлса бас. Пластинкаларини кўряпсизми? Ҳаммаси хор қўшиқлари. Ана, яна қайтиб келяпти.

— Қалай, овқат ёқдимиз? — деб сўради Альфонс.

— Уйда ойим пиширгандай, — жавоб бердим мен.

— Хонимга-чи?

— Бунақасини умримда емаганман, — деди қиз ҳам дангал.

Альфонс мамнун бўлди.

— Ҳозир янги пластинка қўйиб бераман. Маза қиласизлар!

У патефон ёнига борди. Олдин игнанинг шиғиллагани эшитилди, сўнг хона эркаклар хорининг қудратли овозига тўлиб кетди. Хор жамоаси «Ўрмон сукунати» қўшиғини ижро этарди. Бу чинакам баланд сукунат эди.

Ҳамма жим бўлиб қолди. Агар биров хор куйларига беписанд қараса, Альфонснинг жаҳли чиқиб кетарди. Мана у пештахтага серюнг тирсагини қўйганча, тошдай қотиб турипти. Чехраси ўзга-риб кетган. Хор қўшиғи унга ниҳоятда таъсир қилган эди. Қўшиқ тинглаётганда у эндигина туғилган кийик боласидай ювош бўлиб қоларди. Агар пивҳонада бирор жанжал бўлиб турган пайтда бирдан эркаклар хорининг овози янграб қолса, Альфонс шу заҳоти ёқалашишни тўхтатиб, рақиблари билан ярашиш йўлини изларди. Илгари, қони қайноқ пайтларда, хотини ҳар доим у севган пластинкани кўзга кўринадиган жойда сақларди. Мабодо воқеа хавфли тус олиб, эри пештахта ортидан болға кўтариб чиққудай бўлса, дарров ҳалиги пластинкани айлантириб юбо-

рарди. Қарабсизки, Альфонс қўйдаи ювош тортиб, қўллари шал-
вирарди-қоларди. Ҳозир бунга эҳтиёж йўқ — Альфонс кекса-
йиб, эҳтирослари анча сўнган, хотини эса оламдан ўтган. Аёли-
нинг Фердинанд Грау пивоҳонада текин овқатланиши эвазига
тақдим этган сурати пештахта тепасида осифлиқ турипти.

Пластинка тўхтади. Альфонс ёнимизга келди.

— Зўр! — дедим мен.

— Айниқса биринчи овоз, — қўшиб қўйди Патриция.

— Тўппа-тўғри, — деди Альфонс кўзлари чақнаб, — фарқиға
бораркансиз! Биринчи овозга етадигани йўқ!

Биз у билан хайрлашдик.

— Готтфридга салом айтиб қўйинг, — деди у. — Қорасини
бир кўрсатсин.

Кўчада турибмиз. Бино олдидаги чироқлар тарвақайлаб кет-
ган қари дарахтга титроқ нур сочяпти. Новдалар майин барг ёза
бошлаган. Ола-чалпоқ нур орасидан дарахт бениҳоя улкан ва дар-
роз кўринади. Тепа шохлари сурмаранг осмонга илтижо билан
қўл чўзиб тургандай.

Патриция андак қунишди.

— Совқотдингизми?

У елкасини хиёл кўтариб, қўлларини камзулининг чўнтагига
солди.

— Ҳозир ўтиб кетади. Ичкари жуда иссиқ экан.

— Енгил кийинибсиз-да, — дедим мен. — Кечкурунлари ҳали
совуқ.

— Оғир кийимни ёқтирмайман. Кунлар тезроқ илий қолсай-
ди. Совуққа тоқатим йўқ. Айниқса, шаҳарда.

— Кадиллакнинг ичи иссиқ, — дедим мен. — Ҳар эҳтимолга
жун рўмол ҳам ташлаб қўйганман.

Патрицияни мошинага ўтқазиб, тиззасига рўмолни ёпдим. У
рўмолни юқорироқ тортди.

— Яхши бўлди, зўр бўлди! Совуқда одам сиқилади.

— Фақат совуқда эмас. — Рулга ўтирдим. — Бир оз айлана-
мизми?

Қиз бош ирғади.

— Жоним билан.

— Қасққа борамиз?

— Фарқи йўқ, шошмасдан шаҳар кўчаларини томоша қила-
миз.

— Майли.

Моторни юргиздим. Биз бемўлжал, бемақсад йўлга тушдик.
Ҳаракат тифиз пайт эди. Мошиналар оқимиға қўшилволдик. Мотор
бир маромда ишлар, кадиллак гўё ҳаётнинг турли-туман дарёла-
рида сузиб бораётган кемаға ўхшарди. Кўчалар, хиёбонлар, ёп-
ёруғ йўлақлар, хонадонларнинг чироқлари, тунги ҳаётнинг ён-
гил ҳаяжонию ширин титроғи, ўнгу сўлдаги бино томлари ора-

лигидан шаҳар шуъласи тушиб турган барқут осмон — бари-бари икки ёнимиздан вазмин сузиб ўтарди.

Қиз ёнимда индамай ўтирипти. Ойнадан тушаётган нур ва соялар унинг юзини сийпалаб ўтади. Аҳён-аҳён қизга қараб кўяман; уни биринчи бор кўрганим ўша оқшомни эсладим. Чехраси янада жиддийроқ, мен учун бегонароқ бўп қопти, аммо жуда очилиб кетипти; бу чехра ўшандаёқ мени ром этган ва ҳанузгача тинчлик бермасди. Қизнинг юзида табиатга — дарахтларга, булутларга, жонзотларга, баъзан аёлларга хос бўлган аллақандай сеҳрли сукунат бор эди.

Биз шаҳар четидаги кўчалардан кетиб борардик. Шамол зўрайиб, тунни олдига солиб қува бошлади. Кенг бир майдон атрофида дарахтлар билан қуршалган ихчам-ихчам уйлар кўринди. Мошинани тўхтатдим.

Патриция Хольман, худди уйқудан уйғонгандай, керишди.

— Қандай ажойиб, — деди у. — Мошинам бўлганда ҳар оқшом сайрга чиқардим. Кўчалардан шошмасдан ўтиб бораётганингда ҳамма нарса бошқача кўринади. Бир ўнгга, бир тушга ўхшайди. Бундай пайтда ҳамроҳнинг ҳам кераги бўлмай қолади.

Мен сигарета қутисини олдим.

— Умуман, кечқурунлари ёнингда биров бўлгани маъқул, шундай эмасми?

— Кечқурунлари — ҳа... Аммо қоронғи тушганда... Ғалати ҳолат.

Қутини очдим.

— Америка сигаретаси. Сизга ёқадими?

— Ҳа, бошқаларникидан тузук.

Олов тутдим. Гугурт чўпининг илиқ алангаси бир лаҳзага қизнинг юзи ва қафтимни ёритди, шунда миямга, биз кўпдан буён бир-биримизга дахлдормиз, деган бемаъни фикр келди.

Тутун чиқиб кетиши учун ойнани туширдим.

— Бир ҳайдаб кўрасизми? Буниям гашти бор.

Қиз менга қаради.

— Қанийди, лекин билмайман-да.

— Бутунлай-а?

— Йўқ. Менга ўргатишмаган.

Мана энди хонаси келди, дедим ичимда.

— Биндинг ўргатмадими?

Қиз кулиб юборди.

— Биндинг мошинасини шунақа яхши кўрадики, бировни яқин йўлатмайди.

— Аҳмоқ экан-ку, — фурсатдан фойдаланиб, бақалоққа бир ниш урдим. — Қийин жойи йўқ буни. Келинг, бир уриниб кўрамиз.

Кестернинг барча огоҳлантиришлари ҳавога учиб кетди. Эшикни очиб, қизни рулга ўтқозиш учун мошинадан тушдим. Патриция шошиб қолди:

- Ростдан ҳам ҳайдашни билмайман.
- Биласиз, — дедим мен. — Фақат журъат этмаяпсиз.

Қандай қилиб тезликка солиш ва лаппакни босишни кўрсатдим.

- Бўлди. Энди оёқни секин бўшатиинг.

— Ҳозир, ҳозир! — деди у олисадаги бир автобусни кўрсатиб. — Ўтқазворайми?

- Кераги йўқ!

Мен дарҳол тезликка солиб, лаппакни қўйиб юбордим. Патриция жон ҳолатда рулга ёпишиб олди.

- Жуда тез кетяпмиз-ку!

Тезликни кўрсатадиган асбобга қарадим.

— Соатига йигирма беш километр. Аслида йигирма. Узоққа югурадиган спортчининг тезлиги билан барабар.

- Назаримда саксон километрга ўхшайди.

Орадан бир неча минут ўтгандан кейин дастлабки кўркүв тарқалди. Биз кенг, тўппа-тўғри кўчадан пастга қараб борардик. Кадиллак худди унга бензин эмас, коньяк қуйилгандай у ёқдан-бу ёққа чайқаларди. Баъзан гилдирак йўлгага чиқиб кетгудай бўлади. Лекин аста-секин мошина бир изга тушволди. Мен шуни кутган эдим: гўё кадиллакда устоз билан шогирд ўтиргандай. Мен шу устунлигимдан фойдаланмоқчи бўлдим:

- Диққат! Полициячи!

- Тўхтатайми?

- Энди кеч.

- Қўлга тушсам нима бўлади? Гувоҳномам йўқ-ку.

- Унда иккаламиз ҳам турмага равона бўламиз.

— Худо кўрсатмасин! — У оёғи билан тормозни қидира бошлади.

— Газни босинг! — деб буюрдим мен. — Газ! Қаттиқроқ босинг! Унинг ёнидан тез ва беларво ўтиб кетиш керак. Қонунга қарши курашда сурбетлик энг яхши восита.

Полициячи бизга эътибор бермади. Қиз енгил уҳ тортиб қўйди.

— Йўл назорати ходимлари оғзидан олов пуркаётган аждаҳога ўхшашини билмас эдим, — деди у анча ўтганимиздан сўнг.

— Уларни мошина билан туртиб юборилганда шунақа кўринишади. — Мен аста қўл тормозини тортдим. — Анови кўча бўмбўш экан, ўша ёққа буриламиз. Хоҳлаганча машқ қилишимиз мумкин. Аввалига ўриндан қўзғалишни ва тўхташни ўрганамиз.

Патриция биринчи тезликда мошинани ўрнидан жилдираётган пайтда бир неча бор моторни ўчириб қўйди. У камзулининг тугмаларини ечди.

- Исиб кетдим! Лекин ўрганмагунча қўймайман!

У айтганларимни эътибор билан, пишиқ-пухта бажара бошлади. Кейин мошинани ўнгга ва сўлга қайилтириб кўрди, уддалай олганидан қувониб, ҳар қайирганда қийқириб қўярди. Рўпара-

дан келаётган мошиналар чирогини кўрганда капалаги учиб кетар, улар ўтиб кетгандан кейин эса вужудини ғурур ҳисси чулғаб оларди. Шундай қилиб, машина ичидаги чироқлар хира ёритиб турган кичкина масканда ўзаро яқинлик пайдо бўлди, орадан бир муддат ўтгач, қизни элтиб қўйиш учун рулга яна ўзим ўтирган пайтимда эса биз гўё бир-биримизни минг йилдан буён биладиган қадрдонларга айланиб қолган эдик.

Николайштрассе яқинида яна тўхтадим. Тепамизда кинорежиссернинг қизил чироқлари ярқираб турарди. Унинг шуъласидан асфальт йўл ранги унниқиб кетган қизил матога ўхшаб кўринадди. Йўлка олдида бир парча доғ йилтиллади — қайсидир мошинанинг мойи тўкилипти.

— Хўш, — дедим мен, — энди бир қадахдан ичишга юз фоиз ҳаққимиз бор. Қаёққа борамиз?

Патриция Хольман пича ўйланиб турди.

— Келинг, яна ўша елканли қайиқ осиб қўйилган қаҳвахонага бора қалайлик, — деди у кейин.

Юрагимга шу заҳоти гулгула тушди. Ўлай агар, ҳозир у ерда ашаддий саргузашт ишқибози ўтирипти. Бизни кўриб, афт-ангори қай аҳволга тушишини кўз олдимга келтирдим.

— Э-э, — дедим шоша-пиша, — у ернинг нима қизиғи бор? Яхши жойлар кўп-ку.

— Қайдам... Менга жуда ёққан эди.

— Ростданми? — сўрадим таажжубланиб. — Маъкул бўлганмиди ўша қаҳвахона?

— Ҳа, — деди у кулиб. — Жудаям...

«Ана холос! — ўйладим ичимда. — Мен бўлсам ўзимни койиб юрибман».

Қизни фикридан қайтаришга уриндим:

— Бориб кўрайлик-чи.

— Шунақами... Майли, майли.

Қаҳвахона олдида келганда мошинадан шошиб тушдим.

— Мен қараб келаман. Тез чиқаман.

Қаҳвахонада Валентиндан бўлак бирорта таниш йўқ эди.

— Готтфрид келмадими?

— Отто билан чиқиб кетишди. Ярим соатча бўлди, — деди Валентин.

— Э, аттанг, — елкамдан тоғ ағдарилгандай бўлди. — Кўришим керак эди-да.

Мошина олдида қайтиб чиқдим.

— Таваккал, кираверамиз. Бугун одам камроқ.

Ҳар эҳтимолга мошинани муюлишдан нарига, энг қоронғи жойга элтиб қўйдим.

Ўтирганимизга ўн минут бўлмасдан пештахта олдида Ленц сочини ҳурпайтириб турибди-да, «Ҳа, палакат! — дедим ичимда, — шу пайтда келасанми!»

Назаримда, Ленц кетишга тараддуланиб турган эди. Бир маҳал қарасам, Валентин мени кўрсатяпти. Оббо, худо урди — чаккига дакки, деганлари шуда. Готтфриднинг бизни кўрган пайтдаги башараси ҳар қандай актёр учун мимиканинг ноёб намунаси бўлиб хизмат қилиши мумкин эди. Кўзлари товага солинган тухум саригидай бўртиб чиқди, жағи узилиб тушмасайди, деб кўрқиб турибман. Афсус, қаҳвахонада режиссёр йўқ эди-да. Қасам ичиб айтаманки, уни ҳозирнинг ўзидаёқ кинога таклиф қилган бўларди. Мана, масалан, кема ҳалокатга учради, сув сатҳида қалқиб турган денгизчининг бурни остидан лоп этиб сувилон отилиб чиқади — Готтфридга кинонинг худди мана шу жойини ўйнашни топширишарди.

Хайрият, Ленц ўзини тез ўнглаб олди. Мен унга йўқол, дегандай назар ташладим. Аммо у ишшайганча ёнимизга келди.

Вақтни бой бермай, ҳужумга ўтдим.

— Бомблат хонимни уйига кузатиб қўйдингми? — деб сўрадим уни қуролсизлантириш мақсадида.

— Ҳа, — Ленц пинагини бузмади, бунақа исмни биринчи марта эшитаётганини ҳам сездирмади. — Сенга салом айтди, эрталаб қўнғироқ қиларкансан.

Жавоб зарбаси чакки бўлмади. Ноилож бош силкидим:

— Бўпти, қўнғироқ қиламан. Ҳар ҳолда мошинани олса керак.

Ленц яна бир нима демоқчи бўлиб оғиз очган эди, оёғига тепдим, ҳартугул у инсофга келиб, дамани ичига ютди.

Биргалашиб ичдик. Мен кайфим ошиб қолишидан кўрқиб, лимонли шарбат ичиб ўтирдим..

Готтфриднинг кайфияти яхши эди.

— Олдинга кирсам, йўқ экансан, — деди у. — Бир айланамиз, деб ўйловдим. Кейин ўзим сайилгоҳга кирдим. Антика чархпалак билан Америкадан келтирилган ажойибхона ўрнатишти. Ўша ёққа бормаймизми? — У Патрицияга қаради.

— Ҳозироқ борамиз! — деб хитоб қилди қиз. — Дунёда энг яхши кўрган нарсам — чархпалак!

— Кетдик, — дедим мен. Тезроқ шу ердан жилворсак бас. Очиқ ҳавода одам сал энгил тортади.

Шарманкачилар — сайилгоҳнинг асосий истеҳкомлари. Бир хил, дилгир оҳанг. Шарманкаларнинг сийқаси чиққан духоба гилофлари устида тўтиқуш ёки мовут камзул кийдирилган кичкина маймунларни кўриш мумкин. Савдо-сотик қилаётганларнинг жағи жағига тегмайди. Улар чинни елимлари, ойна кесадиған олмослар, турк асали. пуфланадиган шарлар ва кийимбоп матолар сотишади. Ромчилар, фолбинлар, ширинлик дўкончалари, арғимчоқлар, турли-туман кўнгилоҷар анжомлар ўрнатиған чодирлар. Ва ниҳоят, кучли мусиқа садолари остида айланиб турган, чироқлари кўзни қамаштирувчи чархпалак.

— Олға! — деди шамолда сочлари түзғиб кетган Ленц ва Америка ажойибхоналари томон отилди — энг катта оркестр шу ерда эди. Олтита ялтир-юлтир чодирдан бараварига олтита сурнайчи отилиб чиқиб, кулоқни қоматга келтиришади-да, у ёқ-бу ёққа алаңглаб, яна қайтиб кириб кетишади. Бу манзара дам-бадам так-рорланаверади.

Биз оққуш бошли каттакон кажавага ўтириб, гоҳ тепага, гоҳ пастга чиқиб туша бошладик. Борлиқ гоҳ чайқалар, гоҳ қийшаяр, гоҳо қоп-қоронғи жаҳаннамга тушиб кетарди. Ер остида учиб кетаётганимизда ноғоралар гумбурлаб турар, тепага чиққанимизда эса бизни сурнай садолари қарши оларди.

— Энди бу ёққа! — Готтфрид дирижабль ва самолётлар ўрна-тилган чархпалак томон югурди. Чархпалакда ҳам уч марта ай-ландик.

Ниҳоят, ҳарсиллаб ерга тушдик.

— Навбат шайтон лаганчага! — деди Ленц.

Бу айланиб турадиган ва тезлиги тобора ошиб борадиган кат-такон, сип-силлиқ доира эди. Шунинг устида мувозанатни сақ-лаб туриш керак. Унга йиғирма киши сигади. Готтфрид ҳам лип этиб чиқволди. У тинч турмай, оёғини кўтарганча ўзини минг кўйга солар, томошабинлар қарсак чалишарди. Кўп ўтмай, дои-радан ҳамма учиб кетди. Фақат қандайдир ошпаз аёл билан Готт-фрид қолди. Доира роса тезлашганда аёл муғомбирлик қилиб, ўртага ўтирволди, Готтфрид эса унинг атрофида тик турганча айланаверди. Пировардида ашаддий саргузашт ишқибозининг ҳам силласи қуриб, ошпазнинг устига кулаб тушди, икковлари ҳам доирадан чирпирак бўлиб учиб кетишди. У аёлни тирсагидан ушлаб, ёнимизга бошлаб келди ва Лина деб таништирди. Аёл хижолатомуз жилмайди. Ленц ундан, бирор нарса ичасизми, деб сўради. Аёл пиво чанқоқни босади, деди. Икковлашиб бир чо-дирга кириб кетишди.

— Биз нима қиламиз? — Патриция менга жовдираб қаради.

— Арвоҳлар қасрига борамиз, — дедим маҳобатли чодирни кўрсатиб.

Бу ер тасодифларга тўла эди. Уч-тўрт қадам қўймасимиздан ер тебраниб, кимнингдир қўллари қоронғида оёқларимизни сий-палай бошлади, бурчак-бурчакдан тасқара башаралар тикилиб турар, арвоҳлар увилларди; биз кулардик, аммо Патриция зан-гори нур тушиб турган бош суягидан кўрқиб кетиб, ўзини орқа-га ташлади. Уни елкасидан кучоқлаб олдим, ипақдай майин соч-лари лабларимга тегди, зум ўтмай қиз яна кула бошлаганда бағ-римдан бўшатдим.

Бўшатдим-у, аммо вужудимда ундан бир нима қолди. Биз аллақачон чодирдан чиққан бўлсак-да, унинг елкалари, майин сочлари, шафтоли ҳиди анқиб турган баданини ҳамон ҳис қилиб турардим... Қизга қарамасдим. У мен учун бошқа одам бўлиб қол-ган эди.

Ленц бизни кутарди. У ёлғиз эди.

— Лина қани? — сўрадим мен.

— Пиво симиряпти, — жавоб берди у чодирга ишора қилиб. — Қандайдир темирчи билан.

— Ҳамдардлик билдираман.

— Арзимайди. Яхшиси, эркакча иш қилайлик.

Биз илмоққа резина ҳалқа отиладиган чодирга қараб кетдик.

— Ҳўш, — деди у Патрицияга ва шляпасини қаншарига сурди. — Ҳозир сизга сеп йиғамиз...

У биринчи бўлиб бошлаб, қўнғироқли соат ютди. Кейин мен ҳалқа отиб, духоба айиқчани қўлга киритдим. Чодир эгаси янги мижозларни жалб қилиш мақсадида ютуқларни бизга шанғиллаб, тантанали равишда топширди.

— Ҳозир попугинг пасаяди, — деди Ленц ва шу заҳоти товага эга бўлди. Менга яна айиқча насиб этди.

— Омадинглар кеп қолди! — деди чодир эгаси ютуқларни бера туриб.

Шўрлик ўзини нималар қутаётганини ҳали билмасди. Ленц ротада қўл гранатаси отиш бўйича биринчи ўринда эди. Қиш пайтлари иш кам бўлгани учун биз ойлаб шляпани илмоққа отишни машқ қилардик. Ҳалқа отиш нима бўпти! Готтфрид осонгина биллур гулдонни қўлга киритди. Мен олтита пластинка ютдим. Чодир эгаси бу гал ўлжани миқ этмай топширди-да, илмоқларни текшириб кўрди. Ленц мўлжаллаб туриб ҳалқани яна отди ва баҳоси бўйича иккинчи ўринда турадиган қаҳва идишлари йиғмасига эга бўлди. Атрофимизга одам йиғилди. Мен апил-тапил битта илмоққа учта ҳалқа отдим. Натижаси: тазарру қилаётган Магдалинининг зарҳал рамкага солинган сурати.

Чодир эгасининг башараси тиш дўхтирга борган беморникига ўхшаб кетди. У бизга ҳалқа беришдан бош тортди. Уйинни тўхтатишга рози бўлиб турган эдик, аммо томошабинлар тўполон кўтаришди. Улар чодир эгасининг хонавайрон бўлишини исташарди. Ҳаммадан ҳам қаёқдандир темирчи билан бирга пайдо бўлиб қолган Лина шовқин соларди.

— Нима, ютқазиш мумкин-у, ютиш мумкин эмасми?!

Темирчи маъқуллаб, нуқул бош силкирди.

— Бўпти, — деди Ленц. — Яна бир мартадан отамиз.

Мен бошладим. Ювинадиган тос, ёнида областаси ва совундони билан. Кейин Ленц тайёрлана бошлади. У бешта ҳалқа олди. Тўрттасини ҳаш-паш дегунча битта илмоққа илиб қўйди. Бешинчисига шошмади, атайлаб пайсалга солиб, чўнтагидан сигарета чиқазди. Уч эркак бараварига унга гугурт тутишди. Темирчи елкасига қоқиб қўйди. Лина ҳаяжонланганидан рўмолчасини чайнади. Ленц мўлжаллаб туриб, чапдастлик билан охириги ҳалқани ҳам олдинги тўрттасининг устига туширди. Оломон ўкириб юборди. Ленц энг катта ютуқ — пуштиранг адёлчаши ва тўр ёпинғичи бор болалар аравачасини қўлга киритган эди.

Хўжайин сўкина-сўкина аравачани филдиратиб чиқди. Биз ҳамма ўлжани унга солиб, навбатдаги чодирга равона бўлдик. Аравачани Лина итариб борарди. Темирчи унга уят-уят ҳазил қилавергани учун Патриция икковимиз сал орқада қолдик. Кейинги чодирда вино шишасига ҳалқа отдик. Олти шиша ютдик. Ленц винонинг ёрлиғига қараб, биттасини темирчига совға қилди.

Яна битта шунақа чодир бор эди. Аммо хўжайин сезиб қолдим, яқин борганимизда ишламайди, деб турволди. Темирчи ичкарида пиво шишалари турганини кўриб қолиб, жанжал қила бошлаган эди, биз уни шаштидан қайтардик: чодир эгасининг бир кўли йўқ экан.

Кўпчилик кузатувида кадиллак ёнига келдик.

— Энди нима қиламиз? — деди Ленц бошини қашлаб. — Энг қулайи — аравачани мошина орқасига тиркаймиз.

— Албатта. Фақат аравачага ўзинг ўтирволасан, бўлмаса ағдарилиб кетади.

Патриция Хольман эътироз билдирди. У ростдан ҳам Готтфрид аравачага ўтиради, деб ўйлаётганди.

— Хўп, — деди Ленц, — ундай бўлса, нарсаларни тақсимлаймиз. Иккала айиқча ўзингизда қолсин. Пластинкалар ҳам. Товани нима қиламиз?

Қиз бош чайқади.

— Унда устахона тасарруфига ўтказамиз. Ол уни, Робби, қуймоқ пиширишга устасан-ку. Қаҳва идишларини-чи?

Патриция Линага ишора қилди. Ошпаз қизариб кетди. Готтфрид идишлар йиғмасини бўлиб-бўлиб, худди мукофотлагандай тақдим этди. Кейин аравачадан ювинадиган тосни олди.

— Сополдан ишланган! Буни жаноб темирчига берсак, майлими? Керак бўп қолади. Кўнғироқли соатни ҳам. Темирчиларнинг уйқуси қаттиқ бўлади.

Мен Готтфридга гулдонни узатдим. У буни ҳам Линага илинди. Лина ҳаяжондан дудуқланиб, рад эта бошлади. У Магдалинадан кўз узолмасди. Агар гулдонни олса, сурат темирчига тегишидан ғашланаётганди.

— Санъатни жуда яхши кўраман. — У рўпарамизда қип-қизил бармоқларини тишлаб, очкўзликнинг ажойиб тимсоли бўлиб турарди.

— Сиз нима дейсиз, ҳурматли хоним? — Ленц Патриция Хольманга виқор билан қаради.

Патриция суратни олиб, Линага узатди.

— Бу жудаям чиройли сурат, — деди у.

— Каравотнинг тепасига осиб кўйиб, илҳомланиб юр, — кўшиб кўйди Ленц.

Ошпаз суратга ёпишди. Кўзлари намланди. Қаттиқ севинганидан ҳиқичоқ тутди.

— Энди навбат сенга келди, — деди Ленц болалар аравачасига қараб.

Линанинг кўзлари яна чақнаб кетди.

— Келгусида нима керак бўлишини одамзот ҳеч қачон олдиндан билмайди, — деди темирчи. Шундай деб, хохолаб кулган эди, кўлидан вино шишаси тушиб кетиб, чил-чил синди.

— Шошмай туринглар. — Ленц бир ёққа қараб чопиб кетди. Салдан кейин қайтиб келиб, аравагани гилдирашиб кетди. — Ҳаммаси жойида, — деди у аравачасиз қайтиб келиб.

Биз кадиллакка ўтирдик.

— Совға-саломга кўмиб ташладинглар! — деди Лина хайрлашиш учун қип-қизил кафтини узатиб. У олган буюмлари орасида турар, юзи бахтдан ял-ял ёнарди.

Темирчи Готтфрид иккаламизни бир четга чақириб олди.

— Менга қаранглар! — деди у. — Яна бирортасини бопламоқчи бўлсаларинг, — яшаш жойим: Лейбништрассе, ўн олти, орқа ҳовли, иккинчи қават, чап кўлдаги эшик. Сизларга биров қаршилиқ қилса, йигитларимни бошлаб келаман.

— Келишдик! — шундай деб, биз жўнаб кетдик.

Сайилгоҳдан ўтиб, чапга бурилганимизда ҳақиқий чақалоқ ётган аравачамизни кўрдик. Аравача ёнида рангпар, хижолатдан ҳали ўзига келмаган аёл турарди.

— Зўр бўлди, а? — деди Готтфрид.

— Айиқчаларни ҳам берайлик, — деб қолди бирдан Патриция. — Болага овунчоқ бўлади.

— Биттасини берамиз, — деди Ленц. — Биттаси ўзингизда қолсин.

— Йўқ, иккаласини ҳам берамиз.

— Бўпти, — Ленц мошинадан сакраб тушди-да, айиқчаларни аёлнинг кўлига тутқазиб, у эс-ҳушини йиғиб олмасдан, худди ёв қувгандай, чопиб изига қайтди. — Бўлди, — деди у нафасини ростлаб, — олижанобликдан чарчаб кетдим. Мени «Интернациональ»да қолдириб кет. Озгина коньяк ичмасам бўлмайди.

Ленцни айтган жойида тушириб, Патрицияни уйига олиб кетдим. Бу гал ўтган сафаргидан бошқача бўлди. У эшик олдида тураркан, тебранаётган чироқ нури юзини лип-лип ёритарди. Патриция гўзал эди. У билан жудаям қолгим келди.

— Яхши ётиб туринг, — дедим мен, — яхши тушлар кўринг.

— Ўзингиз ҳам.

Зинапоядаги чироқ ўчмагунча орқасидан қараб турдим. Кейин кадиллакка ўтириб, йўлга тушдим. Мени ғалати ҳислар чулғаб олганди. Бу оқшом бирорта қизни кўриб, савдойи бўла бошлаганим бошқа тунларга ўхшамасди. Ҳаммаси ўхшаши йўқ аллақандай назокатга йўғрилгандай. Бир кечада бағрим бутун бўлиб қолгандайми-ей. Қани энди кетаверсанг... Ҳеч тўхтамай, кетаверсанг... кетаверсанг...

Ленцнинг олдига, «Интернациональ»га қайтиб келдим. Қаҳвахона деярли бўм-бўш эди. Бир бурчакда Фрицци дўсти Алоис билан ўтирипти. Улар нима ҳақдадир баҳслашишяпти. Готтфрид

Мими ва Валли билан пештахта ёнидаги диванда суҳбатлашяпти. Ленц улар олдида, ҳатто бахтиқаро Мими олдида ҳам ўзини жуда сипо тутарди.

Бир оздан сўнг қизлар тарқалишди. Уларнинг ишлайдиган вақти бўлган эди. Мими нуқул қон томирларидан зорланиб, оҳвоҳ қиларди. Готтфриднинг ёнига ўтирдим.

— Гапира қол, — дедим сабрим чидамай.

— Нима кераги бор? Сен тўғри қилиясан, — жавоб берди у, мени таажжубга солиб.

Анча енгил торгдим.

— Нега шуни олдинроқ айтмадинг? — дедим мен.

У қўлини силтади.

— Ҳечқиси йўқ!

Ром буюрдим. Кейин Ленцга тўғриси айтдим:

— Биласанми, у қиз ким, нима хислати бор — бутунлай бе-хабарман. Биндинг билан муносабати ҳам менга қоронғи. Дарвоқе, ўшанда бақалоқ сенга ҳеч нарса демаганмиди?

У менга тикилиб қаради.

— Нима фарқи бор?

— Фарқи йўқ.

— Ҳа, баракалла. Аммо-лекин пальто ярашипти.

Мен қизариб кетдим.

— Қизарма. Сен ҳақсан. Қанийди мен ҳам шундай бўлсам...

Бир оз жим ўтирдим.

— Готтфрид, нега бунақа, а? — дедим ниҳоят.

— Чунки бошқа ҳамма нарса бир тийин, Робби. Бизнинг замонамизда арзийдиган нарсанинг ўзи йўқ. Кеча Фердинанд нималар деганини бир эсла. Марҳумларнинг ҳомийси тўғри гапирди. Энди анови пианино ёнига ўтириб, қадимий аскаррий қўшиқлардан айтиб бер.

Мен «Уч нилуфар» ва «Аргон ўрмони»ни ижро этдим. Кейин бу қўшиқларни қаерда айтганимизни эсладим, назаримда, улар бу ерда, бўм-бўш қаҳвахонада бошқачароқ жаранглагандай туюлди.

VII

Орадан икки кун ўтгач, Кестер устахонадан ҳарсиллаб чиқиб келди.

— Робби, Блюменталь қўнғироқ қилди. Соат ўн бирга кадиллакни олиб боришинг керак. Синаб кўрмоқчи. Ажабмас, ишимиз юришиб кетса!

— Мен нима деган эдим? — устида форд турган зовур ичидан Ленцнинг овози эшитилди. — Яна қайтиб келади, демаганмидим? Готтфридни гапига ҳамма вақт қулоқ солинглар!

— Э, ўчирсанг-чи, вазият жиддий! — бақриб бердим унга. — Отто, қанчага ён босай?

— Узоғи билан — икки мингга. Бор, ана — икки минг икки юз. Сира иложи бўлмаса — икки минг беш юз. Шундаям оёқ тираб туриб олса, майли — икки минг олти юзга рози бўлавер, лекин умрбод қарғаб ўтамиз, деб писанда қилиб қўй.

— Бўпти.

Мошинани ярқиратиб артдик. Мен рулга ўтирдим. Кестер елкамга қўлини қўйди.

— Робби, ёдингда тут — сен жангчи бўлгансан, қийинчиликни кўп кўргансан. Сўнгги томчи қонинг қолгунча устахонамиз шарафини ҳимоя қил. Ўлсанг ўлки, Блюменталнинг пулини олмай қайтма.

— Бажарамиз! — дедим кулиб.

Ленц чўнтагидан қандайдир бир нишонни чиқазди.

— Манави туморга қўл теккизиб қўй, Робби!

— Хўп бўлади.

Мен туморга бармоқларимни теккиздим.

Готтфрид фотиҳа берди:

— Абракадабра, улуғ Шива, манови қўрқоққа журъат ато эт! Энг яхшиси — туморни ёнингга солвол. Энди уч марта тупур!

— Яхши бўлди, — шундай деб, оёғининг остига тупурдимда, жўнаб кетдим. Юпп қўлини силкитиб қолди.

Йўл-йўлакай бир неча боғлам чиннигул харид қилиб, уларни кузов атрофидаги кичкина биллур гулдонларга ҳафсала билан териб чиқдим. Бу гуллар фрау Блюменталга аталган эди.

Бахтга қарши, Блюменталь мени уйида эмас, идорасида қабул қилди. Чорак соат кутишга тўғри келди. «Ниятингни билиб турибман, — дедим ичимда. — Мени ийдирмоқчисан». Қабулхонада котиба қиз билан гаплашиб қолдим, бир дона чиннигул тақдим этиб, хўжайинининг фирмаси тўғрисида сўраб-суриштира бошладим. Маълум бўлишича, фирма трикотаж кийимлар ишлаб чиқараркан, савдоси ёмон эмас, идорада тўққиз киши ишлайди. «Мейер ва ўғли» фирмаси билан қаттиқ рақобатда, Мейернинг ўғли икки ўринли қизил автомобилда харидор қидириб, шаҳарма-шаҳар юради — билганларим шу бўлди. Ниҳоят, Блюменталь хонасига чақиртирди.

У дарров ҳужумга ўтди:

— Йигитча, — деди у. — Вақтим зиқ. Сиз айтган нарх хомхаёл. Бўладиганини гапиринг.

— Етти минг, — жавоб бердим мен.

У шартга юзини терс бурди.

— Тўғри келмайди.

— Жаноб Блюменталь, — дедим мен, — мошинани яна бир кўринг.

— Нимасини кўраман? — гапимни бўлди у. — Яқинда кўрдим-ку.

— Ҳар қанча кўрса ҳам арзийди, — дедим мен. — Синчиклаб кўриш керак. «Фоль ва Рурбек» фирмасида тайёрланган олий

навли бӯёқ сурилган, таннархи икки юз эллик марка. Резиналари янги, бу ҳам олти юз марка. Шунинг ўзи саккиз юз эллик марка бўп турипти. Ўриндиқ жилдлари пишиқ матодан...

У боши-боши қилди. Мен сайрашда давом этдим. Ярқираб турган асбоб-анжомларни, кузов тепасига чарм қоплангани, радиаторга хром суртилгани, бир жуфти олтмиш марка турадиган бамперларнинг ўта замонавийлиги — бари-барини санаб ўтдим. Шу тобда мен, худди чақалоқ онасига талпингандай, кадилакка талпинар ва Блюментални ҳам ўзим билан бирга мошинанинг олдига бошлаб чиқишга уринардим. Ташқарида, Антей мисоли, ердан куч-қувват олишимга ишонардим. Одам буюмни ўз кўзи билан кўриб турганда нарх олдидаги мубҳам кўрқув сал камаяди.

Аммо Блюменталь ёзув столи ортида ўтираркан, ўз кучини яхши ҳис қиларди. У кўзойнагини олиб қўйиб, мен билан ҳақиқий жангга киришди. Биз йўлбарс билан бўғма илонга ўхшардик. Бўғма илон Блюменталь. Ҳаш-паш дегунча у нархни бир ярим минг маркага пасайтиришга муваффақ бўлди.

Тиззам қалтирай бошлади. Қўлимни чўнтагимга солиб, Готфриднинг туморини маҳкам қисдим.

— Жаноб Блюменталь, — дедим мен. — Соат бир бўлди, балки овқатлангани борарсиз?

Нарх-наво қордай эриб кетаётган бу хонадан тезроқ чиқиб кетишни ўйлардим.

— Ҳамма вақт соат иккида овқатланаман, — деди у совуқ-қонлик билан. — Дарвоқе, мошинани ҳозир бир синаб кўрмаймизми?

Елкамдан тоғ ағдарилгандай бўлди.

— Кейин яна гаплашаверардик, — қўшиб қўйди у.

Яна нафасим ичимга тушиб кетди.

Блюменталнинг уйига қараб жўнадик. Мени таажжубга солган нарса шу бўлдики, у машинага ўтириши билан тамом ўзгариб кетди ва кулиб-кулиб, қайзер Франц-Иосиф ҳақидаги қадимий латифани гапириб берди. Мен унга трамвай кондуктори тўғрисидаги латифа билан жавоб қайтардим; шундан кейин у йўлдан адашган саксониялик ҳақидаги латифани айтди, мен унга шотландиялик ошиқ-маъшуқлар тўғрисидаги латифани... Фақат уйига яқинлашганда иккаламиз ҳам жиддийлашдик. У менга, кутиб туринг, деди-да, хотинини айтиб чиқиш учун уйига кириб кетди.

— Қадрдоним кадиллак, бақалоғим, — дедим мен мошинанинг радиаторига шапатилаб. — Бу латифаларнинг замирида яна бир шумлик бор. Лекин сен парво қилма, худо хоҳласа, шу одамнинг гаражида кўним топасан. Сени олади, албатта: яҳудий изига қайтдими, демак, харид қилади. Насроний қайтгани билан аччиқ ичакдай чўзаверади. Таксидан тежаш учун беш-ўн марта миниб кўради, охир-оқибатда, унга машина эмас, ошхона жи-

хозлари кераклигини эслаб қолади. Ана шунақа, яхудийлар нима қилишини биледи. Лекин онт ичиб айтаманки, бақалоғим, нархингни яна юз маркага бўлсаям туширсам, қайтиб ичкиликни қўлимга олмайман.

Фрау Блюменталь кўринди. Ленцнинг ўгитларини эслаб, дархол жангчидан хуштор йигитга айландим. Блюменталь буни пайқаб, захарханда қилди. Метин одам-да лекин, у газмол эмас, паровоз сотиши керак.

Бир амаллаб, аёлни ёнимга, эрини орқага ўтқаздим.

— Қаёққа олиб борай, бекам? — сўрадим ипакдай эшилиб.

— Ихтиёрингиз, — жавоб берди у оналарга хос табассум билан.

Гапга тушиб кетдим... Очиқ кўнгил одамлар билан суҳбатлашсанг роҳат қиласан-да. Мен пичирлаб гапирдим. Блюменталь сўзларимни узук-юлуқ эшитаётганди. Шундан хурсанд эдим. Аммо унинг орқамда ўтиргани таъбимни хира қилиб турарди.

Тўхтадик. Мошинадан тушиб, рақибимнинг кўзларига тик қарадим.

— Қалай, юриши ёмонмас, а?

— Ёмонмас, лекин бундан нима фойда, йигитча? — эътироз билдирди у англаб бўлмайдиган хушмуомалалик билан. — Ҳаммасини солиқ еб қўяди. Бу мошинанинг солиғи катта, мен сизга айтсам.

→ Жаноб Блюменталь, — дедим ўзимни йўқотмай, — сиз ишбилармон одамсиз, шунинг учун дангал гапираверишим мумкин. Солиқ эмас, сарф-харажат тинкани қуритади. Ўзингиз айтинг, бугунги кунда ишни юрғизиш учун нима керак? Аввалгидай, сармоя эмас, кредит керак. Буни яхши биласиз. Хўш, кредитни қандай олиш мумкин? Бунинг учун одам ўзини кўрсата билиши зарур. Кадиллак — дабдабали, тезюрар мошина, шинам, лекин урфдан қолган эмас. Айнан соғлом буржуйча турмушининг кўзгуси. Фирма учун тап-тайёр жонли реклама.

Блюменталь кулиб, хотинига мурожаат қилди:

— Калласи яхудийларникидан қолишмайди, а? Йигитча, — кейин менга юзланди, — ҳозирги замонда савлатнинг энг яхши белгиси — эски костюм билан автобусда юриш! Мана сизга реклама! Агар сиз билан менда ёнимиздан ўтиб турган серҳашам мошиналарга тўланмаган маблағ бўлганида, бемалол оёғимизни узатиб ётсак бўлаверарди. Мен сизга айтсам.

Унга ишонқирамай қарадим. Нега бирдан мулоим тортиб қолди? Балки хотини ёнида тургани учун попуги пасайиб қолгандир? Хужумни кучайтиришга қарор қилдим:

— Кадиллакни аллақандай эссексга солиштириб бўладими, бекам? «Мейер ва ўғли» фирмасининг кичик хўжайини, масалан, эссексда юради, мен бунақа шалоқ аравани текинга ҳам олмасдим...

Блюменталь томоқ қириб қўйди, мен давом этдим:

— Дарвоқе, бекам, мошина ичидаги қопламаларнинг ранги сизга жуда ярашди — тўқ кўкранг ва малла сочлар...

Бирдан Блюменталнинг юзига табассум ёйилди. Одам эмас, маймун кулаётгандай эди.

— «Мейер ва ўғли» — зўр! Буни зўр топдингиз! Айниқса, тўқ кўкранг билан малла сочлар тўғрисидаги сафсангиз...

Унга қараб, кўзларимга ишонмасдим: у астойдил куларди. Фурсатдан фойдаланиб, яна авжга чиқдим:

— Жаноб Блюменталь, баъзи бир нарсаларга аниқлик кириштишга рухсат берсангиз. Аёл киши учун бу сафсата эмас. Бу мақтов сўзлари, бизнинг аянчли замонамизда, афсуски, тансиқ бўлиб кетган илиқ сўзлар. Аёл — темир буюм эмас, аёл бамисоли гул. У илиқ-иссиқ гапларни хуш кўради. Унинг учун умри бўйи елкангизни яғир қилиб ишлаганингиздан кўра ҳар куни уч-тўрт оғиз ширин сўз айтганингиз минг марта афзал. Мен сизга айтсам. Дарвоқе, мен бу кишига ҳеч қандай хушомадгўйлик қилганим йўқ, фақат физиканинг оддий қонунларидан бирини эслатдим, холос: кўк ранг малла сочли аёлларга ярашади.

— Булбулигўё бўп кет-э! — деди Блюменталь. — Менга қаранг, жаноб Локамп! Мошинангизнинг нархини бемалол яна минг маркага туширишим мумкин...

Орқага тисландим. «Вой, маккор-ей. Шу зарбани кутгандим-а». Энди оғзимга бир қултум ҳам олмасдан ўлиб кетаман шекилли, деган хаёл билан фрау Блюменталга чавоқланган кўзичоқдай мўлтираб қарадим.

— Дадаси, сал инсоф қилинг, — деди аёл.

— Сен аралашма, ойиси. — Блюменталь уни қайириб ташлади. — Кўлимдан келади... Лекин мен бундай қилмайман. Тадбиркор одам сифатида қандай ишлашингизни қизиқиб кузатдим. Дуруст, лаб-даҳанли йигит экансиз. Айниқса, «Мейер ва ўғли» ни бопладингиз. Онангиз яхудий эмасми?

— Йўқ.

— Тайёр кийимлар дўконида ишлаганмисиз?

— Ҳа.

— Ҳаммаси ана шундан. Қандай кийимлар соҳасида?

— Кўнгил кийимлари, жаноб Блюменталь, — дедим мен. — Мактаб ўқитувчиси бўлмоқчи эдим.

— Жаноб Локамп, — жавоб берди у. — Офарин сизга. Ишсиз қолсангиз, менга кўнғироқ қилинг.

У чек ёзиб, менга узатди. Кўзларимга ишонмасдим. Мўъжиза-ку бу!

— Жаноб Блюменталь, — дедим мен, — рухсат этсангиз, мошинага иккита биллур кулдон билан чиройли резина гиламчани текинга қўйиб берсам.

— Майли, — жавоб берди у, — кекса Блюменталга ҳам совға қиладиган одам бор экан-ку.

Кейин у эртаси кечкурунга кечки овқатга таклиф қилди. Фрай Блюменталь менга оналарча жилмайди:

— Қиймаланган чўртанбалиқ бўлади, — деди аёл мулойим оҳангда.

— Тансиқ овқат, — дедим мен. — Бўлмаса, эртагаёқ мошинани олиб келаман. Эрталабдан расмийлаштирамиз.

Устахонага қалдирғочдай учиб келдим. Ленц билан Кестер овқатлангани кетишган экан. Севинчимни ичимга ютиб туришга мажбурман. Юпп ўз ўрнида эди.

— Сотдингизми? — деб сўради у.

— Ҳамма нарсани билишинг керак-да, а, зумраша? Мана сенга уч марка. Самолёт қурдирволасан.

— Демак, сотибсиз-да, — тиржайди у.

— Мен ҳам овқатланиб келай, — дедим мен. — Лекин қайту-нимча уларга оғзингдан гуллаб қўйсанг, таъзирингни бераман.

— Жаноб Локамп, — у қўлидаги тангани ўйнаб туриб мени ишонтирди. — Оғзимга талқон солволаман.

— Сендан кўнглим тўқ, — шундай деб, газни босдим.

Устахона ҳовлисига қайтиб киришим билан Юпп мени имлаб чақирди.

— Нима гап? Гапириб қўйдингми?

— Йўғ-э, жаноб Локамп. Соқовман. — Фақат... Анови фордни эгаси келди.

Кадиллакни ҳовлида қолдириб, устахонага кирдим. Новвой бўёқ намуналари қўйилган альбомга тикилиб ўтирарди. Эғнида белбоғли катак-катак пальто, билагига мотам белгиси сифатида қора мато боғлаб олган. Ёнида кўзлари қоп-қора, қуён мўйнали пальто кийган хушрўйгина жувон. Локланган туфлиси оёғини қисаётгани шундоқ сезилиб турипти. Қора кўз аёл очиқ қизғиш рангга мойил эди, аммо новвой азадор бўлгани учун сўлғин сарғиш-кулрангни маъқул кўраётганди.

— Топганингни қара-ю! — деб тўнғиллади аёл. — Форд кўзга ташланадиган рангда бўлиши керак, акс ҳолда у ҳеч нарсага ўхшамай қолади.

Новвой альбомни варақлаётган пайтда аёл, менинг таклифимни маъқулланглар, деган маънода бизга кўзларини қисар, елкасини учирай, ҳар хил имо-ишора қиларди. Ниҳоят, улар қалампиргулни эслатувчи зангорига мойилроқ рангда тўхташди. Бундай кузовнинг очилиб-ёпиладиган тепаси, аёлнинг талаби бўйича, очиқ рангда бўлиши керак эди. Аммо новвой бўш келмади: азадорлигини рўкач қилиб, қора тусли чармни танлади. Бундан у ютди ҳам; кузовнинг тепасини текинга қилиб беришни бўйнимизга олгандик, чарм эса брезентдан қиммат турарди.

Улар устахонадан чиқиб, ҳовлида тўхтаб қолишди. Қора кўз аёл кадиллакни кўрди-ю, олдига чопиб борди.

— Мана бунга қараб қўй, — деди у новвойга. — Мошинами-сан-мошина! Менга шунақаси ёқади!

Шу лахзада эшикни очиб, рулнинг олдига ўтирволди.

— Оҳ-оҳ, мана буни ўриндиқ деса бўлади! Зўр! Ҳақиқий ўриндиқ! Сенинг фординг эмас, бу!

— Бўпти, кетдик, — деди новвой энсаси қотиб.

Ленц мени туртди — бу билан, ҳужумга ўт, мошинани новвойга ишқалаб кўр, демоқчи эди. Готтфридга бошдан-оёқ ижирганиб қарадим. У мени яна туртди. Тескари қараб олдим.

Новвой жазманини мошинадан аранг тортиб чиқарди, бир оз букчайганча кайфияти бузилиб жўнаб қолди.

Уларнинг орқасидан қараб турдик.

— Уддабурро одам экан, — дедим мен. — Мошинасини таъмирлатиб олди, манови аёлни ҳам эргаштириб юрипти... Қойил!

— Ҳа, — деди Кестер. — Бу аёл ҳали уни кўп диконглатади.

Улар кўздан ғойиб бўлиши билан Готтфрид менга ташланиб қолди:

— Эсинг жойидами ўзи? Шундоқ мижозни қўлдан чиқазиб ўтирибсан-а! Биринчи синф ўқувчисининг ҳам ақли етадиган иш эди-ку бу.

— Унтер-офицер Ленц! — жавоб бердим мен. — Унвони катталар билан ғоз туриб гаплашиш керак. Сизнингча мен кўш хотинлилик тарафдориману мошинани икки марта эрга бераманми?

Шу дақиқада Ленцнинг башарасини томоша қиладиган эди. Таажжубланганидан кўзлари шокосадай бўлиб кетганди.

— Бунақа нарсалар билан ҳазиллашма, — деди у дудуқланиб.

Мен унга қарамасдан, Кестерга мурожаат қилдим:

— Отто, фарзандимиз кадиллак билан хайрлашавер! У энди бизники эмас. Бундан кейин у иштон фабрикаси эгасига хизмат қилади. Уникида ҳаёти ёмон бўлмаса керак. Тўғри, бу ердагичалик қахрамонона бўлмайди, аммо хотиржам яшаши аниқ.

Чўнтагимдан чекни чиқаздим. Ленц шайтонлаб қолай деди.

— Ахир бу ҳали тўланмаган-ку. Пул йўқ-ку ҳали? — деб тўнғиллади у.

— Сизлар яхшиси қанча пул олишимизни топинглар! — дедим чекни ҳавода силкитиб.

— Тўртта! — кичқирди Ленц кўзларини юмиб.

— Тўрт минг беш юз! — деди Кестер.

— Бешта! — бензоколонка олдидан Юппнинг овози эшитилди.

— Беш минг беш юз! — хитоб қилдим мен.

Ленц чекни қўлимдан тортиб олди.

— Бўлиши мумкинмас! Чек тўланмай қолиб кетса керак!

— Жаноб Ленц, — дедим мағрур туриб. — Сиз қанчалик ишончсиз бўлсангиз, бу чек шунчалик ишончли! Дўстим Блюменталь йигирма баравар кўпроқ тўлашга ҳам қодир. Эртага ўша дўстимникида қиймаланган чўртанбалиқ ейман. Бу сизга ўрناق бўлсин! Дўстлашволиш, закат олиш ва кечки таомга таклиф этилиш — мана сизга мол пуллашнинг ёрқин намунаси! Энди ғоз турмасангиз ҳам бўлавереди.

Готтфрид ҳамон гаранг эди. У охирги далилни ишга солди:

— Газетадаги эълоним-чи? Тумор-чи?

Туморини қўлига тутқаздим:

— Ушла матоҳингни! Эсимдан чиқиб кетипти.

— Робби, мошинани яхши пуллабсан, — деди Кестер. — Хурога шукур, бу дахмазадан қутулибмиз. Пул бизга жуда асқо-тади.

— Хамир учидан патир қилиб эллик марка бериб турасан.

— Юз марка. Хизматинг арзийди.

— Эҳтимол, биратўла кулранг пальтомни ҳам оларсан? — деди Готтфрид кўзларини қисиб.

— Эҳтимол, касалхонага тушгинг келаётгандир? — сўрадим мен ҳам ўз навбатида.

— Йигитлар, бўлди! Бугунга етади, — деди Кестер. — Кўп ишлавордик. Худонинг қаҳрини келтирмайлик. «Карл»га ўтириб, машқ қилишга борамиз. Пойга яқинлашиб қолди.

— Жаноб Кестер, демак, вақтинча мен бу ерда хўжайинманда, а? — деди бензоколонка олдида қўлларини ишқалаб турган Юпп.

— Йўқ, Юпп, — деди кулиб Кестер. — Сен ҳам биз билан кетасан!

Олдин банкка кириб, чекни топширдик. Ленц чекнинг ҳақиқийлигига ишонгандан кейин сал ўзига келди. Банкдан чиқиб, катта йўлдан мошинани учуриб кетдик.

VIII

Уй бекаси қаршисида турардим.

— Нима гап, бирор ерга ўт кетдими? — сўради фрау Залевски.

— Ўт кетгани йўқ, — жавоб бердим мен. — Ижара ҳақини тўламоқчийдим.

Тўлаш муддатига ҳали уч кун бор эди, бинобарин, фрау Залевски ҳангу манг бўлиб қолди.

— Бу ерда бир гап бор, — деди у шубҳаланиб.

— Ҳеч гап йўқ, — дедим мен. — Бугун кечқурунга меҳмон-хонангиздаги иккита кимхоб креслонгизни олиб турсам бўладими?

У хужумга*ҳозирланиб, қўлларини йўғон белига қўйди.

— Ана холос! Хонангиз ёқмай қолдими?

— Ёқади. Лекин кимхоб креслоларингиз ундан ҳам кўпроқ ёқади.

Мен унга холамнинг қизи кеп қолиши мумкинлигини, шунинг учун хонани сал саришта қилиб қўймоқчилигимни айтдим. Фрау Залевски шунақа хохолаб кулдики, кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди.

— Холамнинг қизи, денг, — такрорлади у кулгидан ўзини базўр тўхтагиб. — Қачон келиши керак ўша холаваччангиз?

— Келиш-келмаслиги жудаям аниқ эмас. Мабодо келган тақдирда ҳам кечкурун келади. Дарвоқе, фрау Залевски, нима учун дунёда холаваччалар бўлмаслиги керак?

— Бўлади, албатта, — деди у. — Лекин улар учун бировдан креслони ижарага олишмайди-да.

— Мен бўлсам оламан, — жавоб бердим дадил. — Қон-қариндошлик туйғулари жуда кучли-да менда.

— Бўлмаган гап! Ҳамманглар бодпарракка ўхшайсизлар. Беистисно. Майли, олинг. Меҳмонхонага ҳозирча қизил духоба қопланган креслоларни қўйиб турасиз.

— Э, яшанг. Эртага опчиқиб бераман. Гиламни ҳам.

— Гилам? Қанақа гилам? — деди у ҳайрон бўлиб. — Гилам тўғрисида гап бўлгани йўқ-ку.

— Бўлди. Ҳозиргина гаплашдик.

У менга жаҳл билан қаради.

— Гиламсиз иложи йўқ, — дедим мен. — Ахир, креслоларни гиламнинг устига қўймайманми?

— Жаноб Локамп! — жавоб берди фрау Залевски жиддий қиёфада. — Оширворманг. Ҳамма ишда меъёр бўлиши керак, дер эди марҳум Залевски. Сиз ҳам шунга амал қилинг.

Мен билардимки, марҳум Залевски шундай дегани билан ўзи арақни бўкиб ичиб, бир кечада ўлган-қолган. Буни хотини кўп гапириб берган. Лекин гап бунда эмас. Аёл эридан баъзилар инжилдан фойдалангандай фойдаланарди, яъни кўчирма келтиришни яхши кўрарди. Йил ўтган сайин у эрининг ҳикматли сўзларини тобора кўпроқ эслайдиган бўлиб қолган. Энди марҳум Залевски, худди инжилдай, ҳаётда учрайдиган барча воқеа-ҳодисаларга дахлдор.

Хонамни йгиштириб, ясатган бўлдим. Кундузи Патриция билан телефонда гаплашдим. Тоби қочиб қолгани учун бир ҳафтадан буён кўрмаган эдим. Соат саккизда учрашадиган бўлдик; меникида овқатланиб, кейин кинога тушишни таклиф қилдим.

Кимхоб креслолар билан гилам зўр эди-ю, хира чироқ таасуротни бузиб турарди. Столга қўйиладиган чироқни сўраш учун Хасселар эшигини тикиллатдим. Фрау Хассе дераза олдида маъюс ўтирган экан. Эри йўқ. У ишдан бўшатворишларидан кўрқиб, ҳар кунни бир-икки соат ортиқча ишлаб беради. Хотини негадир касал қушни эслатади. Сўлгин юзида ҳали ҳам гамгин ва ноумид боланинг чеҳрасига хос мулойимлик бор.

Илтимосимни айтдим. У жонланиб, чироқни олиб узатди.

— Ҳа-а, — деди аёл чуқур уҳ тортиб. — Ўша пайтда шу ишлар бўлмаганида...

Бу тарихни биламан. Ўша пайтда Хассега тегмаганимда тақдирим бошқача бўларди, демоқчи. Эри ҳам айнан шу гапни такрорлайди. Баъзан, бўйдоқ ўтганим яхши эди, дейди. Менимча, дунёда энг кўп тарқалган ва, аини пайтда, энг чорасиз армон шу бўлса керак.

Гапларини бир оз эшитиб турдим, ҳеч нарсани англатмайдиган уч-тўрт оғиз сўз билан тасалли берган бўлдим-да, патефонини олиш учун Эрна Бенигникига чиқдим.

Фрау Хассе Эрнага «ёнма-ён яшайдиган бир кимса» деб қарарди. Уни ёмон кўрарди, чунки ҳасад қиларди. Мен бўлсам, ҳурматини жойига қўярдим. Эрна ҳар турли хом хаёллар билан яшамас, бахт деб аталмиш нарсадан жиндай бўлса ҳам юлиб қолиш учун ҳаётга маҳкамроқ ёпишиш керак, деб ҳисобларди. У шуни ҳам билардики, бахт учун икки-уч ҳисса ортиқроқ тўлашга тўғри келади. Бахт — дунёдаги энг мавҳум ва энг қимматбаҳо матоҳ.

Эрна чамадон ёнига чўккалаб, уч-тўртта пластинка олди.

— Сизга фокстрот керакми? — деб сўради у.

— Йўқ, — дедим мен. — Рақсга тушмайман.

У менга ажабланиб қаради.

— Ие, нега? Аёл киши билан бирор жойга борсангиз, нима қиласиз?

— Ичкилик рақсини ташкил қиламан. Ёмон бўлмайди.

Эрна бошини сарак-сарак қилди.

— Рақсга тушмайдиган эркак билан бир кун ҳам турмасдим.

— Сизнинг тартиб-қоидаларингиз жудаям қаттиқ, — эътироз билдирдим мен. — Бошқа пластинкаларингиз ҳам бор-ку. Яқинда эшитувдим — хушовоз бир аёл қўшиғи ёзилган пластинка. Гавайя куйларини эслатади...

— Ҳа-а, зўр қўшиқ! «Сенсиз қандоқ яшайман?» Шуни айт-япсизми?

— Ҳа, худди ўзи! Бунақа қўшиқ муаллифларининг хаёлига нималар келмайди дейсиз! Назаримда, ер юзида шулардан ортиқ хаёлпарастлар бўлмаса керак.

Эрна кулди.

— Эҳтимол, шундайдир. Илгари альбомларга шеър ёзишарди, энди одамлар бир-бирларига альбом совға қилишади. Патефон ҳам альбомдай гап. Бирор нарсани эслагим келса, дарров керакли пластинкани қўяман, қарабсизки, бари кўз ўнгимда жонланади.

Ерда тахланиб ётган пластинкаларга разм солдим.

— Мана буларга қараганда, хотираларингиз беҳисобга ўхшайди, Эрна.

Аёл ўрнидан туриб, пешонасига тушиб қолган малла сочларини орқага силкиди.

— Ҳа, — шундай деб, оёғи билан пластинкаларни четга сурди, — ундан кўра битта, ҳақиқий хотира билан яшаганим маъкул эди.

Кечки таомга харид қилган нарсаларимни столга жойлаштира бошладим. Ошхонадан ёрдам кутиш бефойда — Фрида билан ит-мушукмиз. У қасддан бир нарсани синдиради. Лекин ўзим эпладим. Кўп ўтмай, хонам таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Гилам билан креслолар кўзни қамаштиради, стол бинойидек ясатилган, буларни кўриб, вужудимни кутишнинг бетоқат дақиқалари тимдалай бошлади.

Гарчи ҳали бир соатдан ортиқроқ вақт бўлишига қарамай, уйдан чиқдим. Қаттиқ шамол эсяпти. Кечки чироқлар ёнган. Бинолар оралигида денгиздай кўм-кўк нимтатир қоронғилик осилиб турипти. «Интернациональ» гўё елканлари йиғиштирилган ҳарбий кемадай ана шу денгизда сузиб кетяпти. Бирров кириб чиқмоқчи бўлдим.

— Э, қайси шамол учирди, Роберт? — Роза мени кўриб, суюниб кетди.

— Нима қилиб ўтирибсан? Овга чиқмадингми?

— Ҳали барвақт.

Ёнимизда Алоис шарпадай пайдо бўлди:

— Ромми? — деб сўради у.

— Уч ҳисса.

— Ишга астойдил киришасан, — деди Роза.

— Сал ўқланволмоқчиман.

— Куй чалиб берасанми?

Бош чайқадим.

— Бугун кайфиятим йўқ, Роза. Кўча шамол. Дарвоқе, боланг қалай?

Роза тилла тишларини ялтиратиб кулди.

— Яхши. Илойим, кўз тегмасин. Эртага яна олдига бориб келаман. Бу ҳафта тузуккина пул ишладим: қари айғирларнинг иштаҳаси очилиб кетди — баҳор миясига урган-да. Эртага қизимга янги пальто олиб бораман. Қизил мовутдан тикилган.

— Қизил мовут ҳозир урф бўлган.

— Қандай назокатли йигитсан-а, Робби.

— Янглишайтган бўлмагин тагин. Ичасанми?

У бош силкиди. Уриштирдик.

— Менга айтгин-чи, Роза, муҳаббат ҳақида нима дея оласан? — сўрадим ундан. — Ахир, сен бунақа нарсаларнинг фарқига борасан-ку?

У хандон ташлаб кулди.

— Қўйсанг-чи шунақа гапларни! — деди у ўзини тўхтатиб олгач. — Муҳаббат! О, Артурим! Ўша аблаҳни эсласам, ҳозир ҳам тиззаларим қалтираб кетади. Агар жиддий сўраётган бўлсанг, менинг фикрим шу: битта муҳаббат учун инсон умри узоклик қилади. Артур уйдан чиқиб кетаётиб, шундай деган эди. Тўғри гап. Муҳаббат ажойиб нарса. Аммо икки кишидан бирига ҳаммиса зерикарли бўлади. Иккинчиси эса қуп-куруқ қолаверади. Ниманидир кутади... Телбаларча кутади...

— Тушунарли, — дедим мен. — Лекин муҳаббатсиз инсон — таътилга чиққан марҳумдай гап-ку.

— Сен мендан ибрат ол, — жавоб берди Роза. — Бола асраб ол. Муҳаббатингни ўша болага берасан, кўнглинг хотиржам бўлади.

— Раҳмат, — дедим мен. — Шуниси етмай турувди.

Роза бошини сарак-сарак қилди.

— Оҳ, Артур мени шунақа дўппослардики! Лекин ҳозир телпагини қаншарига кўндириб кириб қолса борми... Э, худойимей! Ҳайласам — эгим жунжикиб кетади!

— Ке, Артурнинг соғлиғи учун ичамиз.

Роза кулиб юборди.

— Майли, омон бўлсин ўша саёқ ҳам!

Ичдик.

— Хайр, Роза. Овинг бароридан келсин!

— Раҳмат. Хайр, Робби!

Эшик очилди.

— Салом, — деди Патриция Хольман. — Нега хомушсиз?

— Йўқ, унақамас! Ўзингиз қалайсиз? Тузалиб қолдингизми? Нима бўлди?

— Ваҳима қиладиган жойи йўқ. Озгина шамоллабман, сал ҳароратим кўтарилди.

Ростдан ҳам у бетобга ўшамасди. Аксинча, кўзлари менга ҳеч қачон бунақа катта-катта ва чақноқ кўринмаганди, икки юзи кип-қизил, ҳаракатлари оҳуларникидай енгил.

— Кўринишингиз яхши, — дедим мен. — Сираям касалга ўшамасиз! Бугун тўйиб сайр қиламиз.

— Қанийди, — жавоб берди у. — Бугун иложим йўқ-да.

Қизга анграйиб қарадим.

— Иложим йўқ?

У бош чайқади.

— Афсуски, шундай.

Мен ҳамон тушунмаётгандим. Патриция меникига келишдан айниган, мен билан бошқа жойда овқатланмоқчи, деган хулоса чиқаздим.

— Кўнғироқ қилсам, йўқ экансиз, — деди у. — Овора бўлманг, деб огоҳлантириб қўймоқчи эдим.

Ниҳоят, тушундим.

— Ростдан ҳам иложингиз йўқми? Бутун оқшом бандмисиз?

— Бугун шунақа бўп қолди. Бир жойга боришим керак. Ўзим ҳам буни ярим соат олдин билдим.

— Бошқа кунга кўчиролмайсизми?

— Афсуски йўқ, — деди у кулиб. — Иш билан боғлиқ учрашув.

Тепамдан биров муздек сув қуйиб юборгандек бўлди. Ҳамма нарсани таҳмин қилишим мумкин эди, лекин буни эмас. Қизнинг сўзларига ишонмаётгандим. Иш билан боғлиқ учрашув — лекин кўриниши унақа эмас! Балки баҳона қилаётгандир. Кеч-қурун қанақа иш билан боғлиқ учрашув бўлиши мумкин? Кундузи бўлади-да. Кейин, ярим соат илгари билганмиш. Ўзи хоҳламаяпти — бор гап шу.

Ёш боладай хафа бўлиб кетдим. Бу оқшом мен учун нақадар азизлигини мана энди ҳис этдим. Лекин сир бой бермадим.

— Майли, — дедим қизга. — Зорим бор, зўрим йўқ. Хайр.

Патриция менга синовчан назар ташлади.

— Ҳали вақт бор. Соат тўққизга келишганмиз. Пича айланишимиз мумкин. Бир ҳафтадан бери уйдан чиққанним йўқ.

— Бўпти, — рози бўлдим истар-истамас. Бирдан руҳимни аллақандай ҳорғинлик ва ҳафсаласизлик чулғаб олди.

Кўчадан шошмасдан кета бошладик. Осмон тиниқлашган, томлар тепасида юлдузлар чарақларди. Биз йўлқадан майсазор бўйлаб борардик. Ичкарироқда бир неча бута қорайиб кўринди. Патриция Хольман шартта тўхтади.

— Сирень, — деди у. — Сиреннинг ҳиди келяпти. Наҳотки! Ҳали эрта-ку.

— Ҳеч қандай ҳидни сезаётганим йўқ, — жавоб бердим мен.

— Йўқ, сиреннинг ҳиди келяпти, — у панжара устига энгашди.

— Бу антиқа дарахт, бекам, — қоронғилиқдан дағал овоз эшитилди.

Сал нарида дарахтга суяниб, сарғиш нишонли фуражка кийган боғбон турарди. У хиёл чайқалиб, ёнимизга келди. Чўнтагидан шишанинг оғзи чиқиб турарди.

— Бугун кўчириб ўтқаздик, — деди у. — Ана.

— Хурсандман, — жавоб берди Патриция, кейин менга қаралди. — Ҳалиям сезмаяпсизми?

— Йўқ, энди сезяпман, — жавоб бердим боягидай беҳафсала. — Тоза бугўйдан қилинган арақнинг ҳидини сезяпман.

— Топдингиз! — Боғбон шундай деб, қаттиқ кекирди.

Турфа гулларнинг сурмаранг қоронғилиқдан сизиб чиқаётган муаттар ҳидини сезиб турардим, албатта, лекин буни тан олгим келмасди.

Қиз кулиб, қоматини ростлади.

— Қандай ажойиб, айниқса, уйда узоқ ўтирганингдан кейин! Аксига олиб, шу бугун иш чиқиб қолганини қаранг! Биндингда! Уники доим шошилинич. Учрашувни эртага қолдирса ҳам бўлаверарди!

— Биндинг? — сўрадим мен. — Биндинг билан учрашасизми?

Қиз тасдиқлаб, бош силкиди.

— Яна бир одам ҳам бор. Ҳаммаси ўшанга боғлиқ. Жиддий бир иш. Тасаввур қияпсизми?

— Йўқ, — дедим мен. — Буни тасаввур қилолмайман.

Қиз яна кулиб, тушунтира бошлади. Аммо мен эшитмасдим. Биндинг! Мени худди чақмоқ ургандай бўлди. Патриция уни мендан кўра яхшироқ билишини ўйламабман. Мен бақалоқнинг жудаям баҳайбат, ярқираб турган мошинасини, қимматбаҳо костюми билан ҳамёнини кўрдим, холос. О, менинг беҳуда ясалган шўрлик хонам! Қаёқдан шу фикр миямга урилди-я! Хассенинг чироғи, фрау Залевскининг креслолари! Бу қиз менинг тенгим эмас! Кимман ўзи? Бир кечага қадиллакни сўраб олган ялангоёқ, ночор пиянистаман, бошқа ҳеч нарса эмас! Менга ўхшаганлар ҳар қадамда учрайди. «Лоза» ресторани эшиги олди-

да турган дарбоннинг Биндингни қандай кутиб олишини, ёп-ёруғ, иссиқ, шинам хоналарни, тамаки тутуни ва башанг кийинган одамларни кўз олдимга келтирдим, мусиқа садолари ва қаҳқаҳалар, менинг устимдаң қулаётган кишиларнинг қаҳқаҳалари қулоғим остида янграгандай бўлди. «Қайт орқангга, — ўйладим ичимда — қайт. Нима қилиясан ўзи? Озгина умид туғилган эди, холос. Бошқа ҳеч нарса бўлгани йўқ. Қадамни ўйлаб босиш керак эди. Энди орқага қайтишдан бўлак чора йўқ!»

— Агар хоҳласангиз, эртага кечкурун учрашишимиз мумкин, — деди Патриция.

— Эртага кечкурун бандман, — жавоб бердим мен.

— Бўлмаса, индинга ёки ҳафтанинг исталган куни. Бошқа ҳамма кунларим бўш.

— Қийин бўлса кераг-ов, — дедим мен. — Бугун шошилиньч буюртма олдик. Ҳафта давомида алламаҳалгача ишлашимизга тўғри келади.

Бу ёлғон гап эди, лекин шундай демасам бўлмасди. Бирдан қонимда ғазаб ва алам ўти ловиллаб кетганини сездим.

Майдонни кесиб ўтиб, қабристон ёнидаги қўчага тушиб олдик. Узоқдан Роза кўринди. У «Интернациональ»дан келаётганди. Қўнжи узун этиги ёғ тушса ялагудек. Мен бурилиб кетишим мумкин эди, эҳтимол, бошқа маҳал бўлганда шундай қилардим ҳам, аммо ҳозир тўппа-тўғри рўпарасига қараб юравердим. Роза, гўё биз бир-биримизни танимайдигандай, тескари қаради. Ёзилмаган қонун шунақа: бу қизлардан бирортаси, ёнингизда одам бўлса, сизни танимайди.

— Салом, Роза, — дедим мен.

У нима қилишини билмай, олдин менга, кейин Патрицияга кўз қирини ташлади-да, бош силкиб, тез-тез юриб кетди. Сал ўтмай, юзига упа-эликни обдан чаплаган Фриццига дуч келдик. У орқасини ўйнатиб, сумкачасини қўлида айлантирганча келарди. Яқинлашганда, менга лоқайд назар ташлади.

— Салом, Фрицци!

У маликалардай бош эгди, аммо таажжубланганини сездирмади; қадами тезлашганини сезиб турибман, биламанки, Розага етиб олиб, бўлиб ўтган ҳозирги воқеани муҳокама қилмоқчи. Ҳалиям ён кўчага бурилиб кетсам бўларди, сабабки, ҳаял ўтмай бошқаларига ҳам дуч келишим мумкин, — ҳозир айни «ов» пайти. Аммо мен қайсарлик билан олдинга қараб юравердим — хўш, нима учун улардан қочишим керак; ахир, бу қизларни ёнимда кетаётган қиздан, унинг Биндинги билан бьююкидан яхшироқ биламан-ку. Майли, кўраверишсин, яхшилаб кўриб қўйишсин.

Дарҳақиқат, ҳаммалари бирин-кетин ёнимиздан ўтишди — башанг кийинган, хушбичим, соҳибжамол Валли, ёғоч оёқли Лина, чорпахил Эрна, «жўжа» лақабли Марион, қизил юзли Марго, хотинчалиш Кики ва ниҳоят, болдир томирлари ўйнаб, ўзи пати юлинган бойкушга ўхшаб қолган Мими буви. Ҳаммалари билан сўрашдим, сарделка солинган қозони олдида ўтирган «онахон» ёнидан ўтаётганимизда эса қўлини астойдил қисиб қўйдим.

— Танишларингиз кўп экан, — деди Патриция анча сукутдан кейин.

— Ҳа энди, кўча кўрган одаммиз-да, — жавоб бердим пинагимни бузмай.

У менга тикилиб қараганини сездим.

— Энди орқага қайтсак ҳам бўлар, — деди у.

— Майли.

Биз Патрициянинг йўлаги олдида тўхтадик.

— Омон бўлинг, — дедим мен, — оқшомни кўнгилдагидай ўтказинг.

Қиз жавоб бермади. Қўнғироқ тугмачасидан нигоҳимни аранг узиб, Патрицияга қарадимиз кўзларимга ишонмадим. Мен уни таҳқирланган деб ўйлагандим, аммо қиз кулиб турар, кўзларидан учкун сачрарди. Бирдан у хохолаб кулиб юборди. Шунақа беғубор кулдики... Қиз менинг устимдан кулаётганди.

— Бола экансиз, — деди у. — Худо ҳаққи, ёш бола экансиз!

Унга жовдираб қарадим.

— Ҳа энди...— дедим дудуқланиб, — ҳар ҳолда...— Бирдан ноқулай аҳволга тушиб қолганимни англадим. — Ҳали мени жинни ҳам дерсиз?

Қиз яна кулди. Уни маҳкам бағримга босдим. Нима деб ўйла-са ўйлар. Сочи ёноқларимга тегди, юзи шу қадар яқин эдики, шафтолининг нафис ҳидини туйдим. Кейин кўзлари яқинлашди ва бирдан у лабларини лабимга босди...

Нима бўлганини англаб улгурмасимдан қиз гойиб бўлган эди.

Қайтишда яна сарделка сотиб ўтирган «онахон» ёнига келдим.

— Бир порси беринг.

— Горчица ҳамми? — сўради у. «Онахон» оппоқ, топ-тоза пешбанд боғлаб олган эди.

— Ҳа, горчицадан кўпроқ солинг.

Қозон олдида тик турволиб, сарделкани иштаҳа билан едим. Алоис «Интернациональ»дан бир кружка пиво опчиқиб берди.

— Инсоннинг табиати қизиқ-да, онахон, нима дедингиз?

— Ҳақ гап, — жавоб берди у жон-жаҳди билан. — Мана, масалан, кеча: бир жаноб сосискани еди-еди, тўлай деса, пули йўқ. Тушуняпсанми? Кеч бўп қолган, теварак-атрофда одам қораси кўринмайди. Хўш, нима қилишим керак эди? Қўйвордим. Ўша одам бугун келиб, ҳисоб-китоб қилди, яна чойчақа ҳам ташлаб кетди. Мана бунақалари ҳам бўлади ҳаётда.

— Унақалар урушдан олдин бўларди, онахон. Умуман савдо қалай кетяпти?

— Ёмон. Кеча атиги етти порси сосиска билан тўққиз порси сарделка сотдим. Агар қизлар бўлмаганда, ҳолимга маймунлар йиғларди.

Қизлар деганда у фоҳишаларни назарда тутаётганди. Улар «онахон»га қўлларидан келганча ёрдам бериб туришарди. Бирорта «куёв»ни илинтиришса, албатта, «онахон»нинг ёнидан

ўтишар, бир порсидан сарделка еб, шу тариқа уни қўллаб-қувватлашарди.

— Ҳадемай кунлар илийди, — давом этди «онахон», — қишда азоб... Ҳар қанча қалин кийинма, совуқ жонингдан ўтиб кетади.

— Яна сарделкадан беринг, — дедим мен, — бугун кайфиятим жудаям яхши. Уйлар тинчми?

У менга кичкина, сувдай рангсиз кўзларини тикди.

— Ўша аҳвол. Яқинда қаравотни опчиқиб сотди.

«Онахон» оилали эди. Ўн йил бурун эри юриб кетаётган метро поездига чиқаман деб остига қулаб тушган, оқибатда иккала оёғидан айрилганди. Бахтсизлик унга ғалати таъсир кўрсатди. Ногирон бўлиб қолгач, хотини билан ётмай қўйди — уялди. Бундан ташқари, касалхонада қорадорига ўрганди. Бора-бора тубанлашиб, баччабозлар гуруҳига қўшилди, эллик йил рисоладагидай эркак бўлиб юрган одам ўғил болалар даврасидан чиқмай қолди. Улардан уялмасди, чунки болалар ҳам эркак жинсидан-да. Аёллар учун у ногирон, назарида, аёллар ундан жирканадигандай. Буни у ҳазм қилолмасди. Эркаклар орасида эса ўзини бошига қулфат тушган кишидай ҳис этади. Болалар ва қорадорига пул топиш учун «онахон»нинг бор бисотини ўғирлаб сота бошлайди. Аммо «онахон», гарчи эри тез-тез дўппослаб турса ҳам индамасди, унга суяниб қолганди. Ўғли билан ҳар кеча эрталаб соат тўртгача кўчада сарделка сотарди. Кундузи кир-чир ювар, зина-пояни супуриб-сидирарди. Хушмуомала эди, гарчи озиб-тўзиб кетган, ичагида яраси бўлса ҳам ҳаётидан нолимасди. Баъзан эрининг тоқати тоқ бўлиб кетар, шунда у хотинининг олдига келиб, йиғларди. Бу «онахон» учун энг яхши дамлар эди.

— Ҳалиям ўша ишингдамисан? — деб сўради у.

— Ҳа, онахон. Топиб-тутишим ёмон эмас.

— Унақа бўлса, маҳкам ушла ўша жойни.

— Ҳаракат қиламан, онахон.

Уйга келдим. Эшик олдида хизматчи Фрида турарди. Худонинг ўзи етказди уни менга.

— Ажойиб қизсиз, Фрида, — дедим унга яхши кўриниш ниятида.

У сирка ичган одамдай, афтини буриштирди.

— Рост, — давом этдим мен. — Қачонгача бир-биримизга ёв бўлиб юрамиз, умр қисқа. Одамнинг бошига ҳар хил кунлар тушади. Ҳозирги замонда аҳил бўлиш керак. Келинг, ярашайлик!

Қиз узатган қўлимга қарамади ҳам, «исқирт пиянисталар» тўғрисида бир нималар деб тўнғиллаганча, эшикни қарсиллатиб ёпиб, ичкарига кириб кетди.

Георг Блокникини тиқиллатдим. Эшик остидан чироқ нури кўришиб турарди. У дарс тайёрлаб ўтирган экан.

— Юр, Жоржи, овқатланамиз, — дедим унга.

Менга ичи ачиб чақиряпти, деб ўйлади шекилли, таклифимни рад этди.

— Қорним тўқ.

— Сен олдин қанақа таомлигини бир кўр, — дедим мен. — Юр, бари бир бузилиб қолади. Ташлаворгандан нима фойда?

Йўлакдан кетаётганимизда Эрна Бенигнинг эшиги қия очиқлигини кўрдим. Шу пайт Хасселарнинг эшиги ҳам бир энлик очилди. Билдимки, ҳамма холаваччамнинг йўлини пойлапти.

Ёп-ёруғ хонамда фрау Залевскининг кимхоб креслолари, Хассенинг серҳашам чироғи. Столда ананас, олий навли ўпка-жигар колбасаси, дудланган чўчка гўшти, бир шиша шерри-бренди... Жоржи икковимиз бу тансиқ егуликларни пок-покиза тушириб бўлган пайтимизда эшик тиқиллаб қолди. Ҳозир нима бўлишини билардим.

— Жоржи, қараб тур! — дедим-да, қаттиқ овоз бердим: — Киринг!

Эшик очилиб, фрау Залевски кириб келди. Унинг ичини синчковлик ўти ёндираётганди. Умрида биринчи марта шахсан ўзи хат олиб кириши — менга хос таомларни танаввул этиш тавсия қилинган аллақандай қоғоз. Кўриниши башанг — кўйлаги устидан попки оқ рўмол ташлаб, кўксига марҳум Залевскининг сурати туширилган тўғнағич қадаб олган. Юзидаги сохта табассум қотдиқолди; довираб қолган Жоржига таажжуб билан қаради. Хохлаб кулиб юбордим. У дарров ўзини ўнглаб олди.

— Ҳа, паттангизни қўлингизга тутқаздими? — деди у аччиқ киноя билан.

— Шунақа бўлди, — жавоб бердим мен ҳамон унинг кийимидан кўз узмай. Яхшиям, Патриция келмади.

Фрау Залевски менга ёвқараш қилди.

— Кулинг, кулинг! Ҳар доим айтардим: бошқаларнинг юраги ўрнашган жойда сизда шнапс шишаси жойлашган.

— Зўр гап! — жавоб бердим унга. — Рухсат этсангиз, озгинадан...

У ўйланиб қолди. Лекин синчковлик ғолиб келди, балки яна бирор нарсани билволар. Мен шерри-бренди шишасини очдим.

Кейинроқ, ҳаммаёқ тинчигач, пальто билан адёлни қўлтиқлаб, йўлакдаги телефон олдига чиқдим. Аппарат турган стол ёнига чўккалаб, бошимни адёл билан пальтога ўраволдим, чап қўлим билан пальтонинг бир четини ушлаб, гўшакни кўтардим. Гапларимни биров эшитмаслиги учун шундай қилдим. Фрау Залевскининг пансионида узунқулоқлар кўп. Омадим келди. Патриция Хольман уйда экан.

— Анча бўлдим сирли учрашувдан қайтганингизга? — сўрадим ундан.

— Бир соатча бўп қолди.

— Аттанг. Билмабман-да...

Қиз кулди.

— Бари бир ҳеч нарса ўзгармасди. Ётибман, яна сал ҳароратим кўтарилди. Барвақт қайтганим яхши бўлган экан.

— Ҳарорат? Нега унақа бўлди?

— Ҳечқиси йўқ. Ўзингиз нима қилдингиз?

— Бекам билан халқаро вазият хусусида суҳбатлашдим. Ўзингиз-чи? Ҳаммаси жойидами?

— Худо хоҳласа, ҳаммаси жойида бўлади.

Бошпанам, худди маймунлар қафасидай исиб кетди. Бинобарин, ҳар гал қиз гапираётганда адёлни кўтариб, муздай ҳаводан нафас олар, жавоб қайтараётганда яна бошимни ўраволардим.

— Танишларингиз орасида Роберт исмли одам йўқми? — сўрадим мен.

Қиз кулди.

— Йўқ шекилли.

— Афсус. Бу исмни қандай талаффуз қилишингизни эшитмоқчи эдим. Эҳтимол, бир уриниб кўрарсиз?

У яна кулди.

— Қизиқчилик учун-да, — дедим мен. — Масалан: «Роберт эшак».

— Роберт болакай...

— Талаффузингиз чиройли, — дедим мен. — Келинг, энди «Робби» деб кўрамиз. Демак, «Робби».

— Робби пианиста... — олисдан майин овоз эшитилди. — Энди ухлайман. Уйқу дори ичувдим, бошим ғувиллаб кетяпти.

— Хўп, яхши ётиб туринг.

Ўшакни қўйиб, бошимдан пальто билан адёлни кўтариб ташладим. Ўрнимдан турдим донг қотиб қолдим. Рўпарамда ошхона ёнидаги хонада яшайдиган нафақадаги кассир турарди. Жоним чиқиб, бир нима деб тўнғилладим.

— Тсс! — деди у тишларини ғичирлатиб.

— Тсс! — жавоб бердим мен ҳам ичимда уни бўралаб сўкиб.

У бармоғини кўтарди.

— Сизни сотмайман. Сиёсий масала, шундайми?

— Нима? — дедим ҳайрон бўлиб.

У кўзини қисди.

— Ташвишланманг. Ўзим ҳам ўта ўнгла тарофидаман. Махфий сиёсий суҳбат, тўғрими?

Уни энди тушундим.

— Юксак даражада сиёсий! — дедим мен ҳам тишларимни ғичирлатиб.

У бош силкиб, пичирлади:

— Жаноби олийларига шон-шарафлар!

— Беадад шон-шарафлар! — жавоб бердим унга. — Менга қаранг, телефонни ким ихтиро қилганини билмайсизми?

У таажжубланиб, тепакал бошини сарак-сарак қилди.

— Мен ҳам билмайман. Аммо-лекин, ким бўлса ҳам зўр одам экан...

IX

Якшанба. Пойга куни. Бир ҳафтадан буён Кестер ҳар куни машқ қилади. Кечкурунлари ярим кечагача «Карл»ни титкилаб чиқамиз: барча қисмларини кўздан кечириб, энг майда мурватларигача ҳафсала билан мойлаймиз. Бугун ҳам эҳтиёт қисмлар омбори олдида ўтириб, Кестернинг старт майдонидан қайтишини кутяпмиз.

Ҳаммамиз жам бўлганмиз: Грау, Валентин, Ленц, Патриция Хольман, энг муҳими Юпп — у комбинезон ва пойгачиларнинг кўзойнакли шлемини кийиб олган. Вазни бизникидан энгил бўлгани учун мусобақа пайтида Кестернинг ёнида ўтириши керак. Тўғри, Ленцнинг озгина хавотири бор. Юппнинг мошина ойнасидан чиқиб турадиган елпиғичдай қулоғи ҳаво қаршилигини кучайтириб, тезликни камида йигирма километрга пасайтириб юборармиш ёки, аксинча, мошина самолётга айланиб кетармиш.

— Дарвоқе, нега исмингиз инглизча? — деб сўраб қолди Готтфрид ёнида ўтирган Патриция Хольмандан.

— Онам инглиз бўлган. Исми ҳам Пат.

— Пат. Бу бошқа гап. Талаффузга ҳам энгил. — У стакан билан шишани қўлига олди. — Мустаҳкам дўстлик учун, Пат. Менинг исмим Готтфрид.

Анқайиб қолдим. Шу пайтгача қизни нима деб аташни билмай юрган эдим, бу бўлса куппа-кундузи бемалол у билан кулишиб, ҳазиллашиб ўтирипти. Пат ҳам уни тортинмасдан Готтфрид деб атаяпти.

Ҳаммасидан ҳам Фердинанд Грау оширворди. У қиздан кўз узмас, нуқул баландпарвоз шеърлар ўқир ва албатта, суратингизни чизишим керак, дерди. Ростдан ҳам яшикка ўтирволиб, қалам билан Патнинг суратини чиза бошлади.

— Менга қара, Фердинанд, қари туя, — дедим қўлидан альбомни олиб. — Сен тирикларга кўз тикма. Сенга ўликлар ҳам етади. Ундан кўра бошқа гаплардан гаплаш. Бу қизга муносабатим жиддий.

— Бўлмаса, ресторан эгасидан менга қолган меросни бирга ичиб тугатасизларми?

— Ҳаммасини эмас. Бир қисмига шерик бўлишимиз мумкин, — дедим мен.

— Майли. Унда сени аяйман, болакайим.

Пойга йўлини моторларнинг кучли шовқин-сурони ларзага келтирди. Ҳаммаёқни куйган мой ва бензин ҳиди тутиб кетди. Мўъжизали, энтиктирувчи ҳид, моторларнинг мўъжизали, энтиктирувчи қуюни.

Ёнгинамизда яхши жиҳозланган хоналарда механиклар куй-маланишарди. Биз омонатгина қуролланган эдик. Уч-тўртта ас-

боб-ускуна, ўт олдириш свечалари, қандайдир фабрика томонидан совға қилинган иккита янги ғилдирак, майда-чуйда эҳтиёт қисмлар — бор-йўғи шу. Кестер бирорта автомобиль заводининг вакили эмас, ўзига ўзи вакил эди, бинобарин, барча харажатларни ўз зиммамизга олгандик. Қўлимизда энг зарур нарса-лар бор эди, холос.

Отто олдимизга пойга кийимини кийиб олган Браумюллер билан бирга келди.

— Хўш, Отто, — деди у, — агар бугун свечаларим дош берса, ҳолингга вой! Лекин дош беролмайди-да.

— Кўрамиз, — жавоб берди Кестер.

— «Қирсилдоқ қўнғиз»дан эҳтиёт бўл! — Браумюллер «Карл»га пўписа қилди.

Унинг янги, оғир мошинаси шундай деб аталарди. Бу мошинани пойгада биринчи ўринни олишга имконияти бор, деб ҳисоблашаётганди.

— «Карл» адабингни бериб қўяди, Тео! — деди Ленц. Браумюллер уни болохонадор қилиб сўкмоқчи эди, Патрицияни кўриб қолиб, дамани ичига ютди. Бир оз талмовсираб турди-да, нарироқ кетди.

— Ғалаба бизда! — деб хитоб қилди Ленц.

Йўлда мотоциклларнинг уввоси эшитилди. Кестер тайёрлана бошлади. «Карл» спорт мошиналари тоифасига киритилганди.

— Сенга ортиқча ёрдам беролмаймиз, Отто, — дедим асбоб-ускуналаримизга ишора қилиб.

У қўл силтади.

— Кераги йўқ. Агар «Карл»га бир гап бўлса, бутун бошли устакхона ҳам ёрдам беролмайди.

— Қайси ўринда кетаётганингни кўрсатиб турадиган асбоб қўйиб берайликми?

Кестер бош чайқади.

— Баравар старт берилади. Ўзим кўраман. У ёғини Юпп кузатиб боради.

Юпп мамнун бош силкиди. У тўлқинланганидан титраб турар, нукул шоколад чайнади. Лекин ҳозир шунақа, старт берилгандан кейин ўзини босволади. Буни яхши биламиз.

— Қани, кетдик бўлмаса. Ишимиз ўнгидан келсин!

«Карл»ни озгина олдинга итардик.

— Стартда депсиниб қолма, суюкли ўлаксам, — деди Ленц радиаторни сийпалаб. — Кекса отангни шарманда қилма, «Карл»!

«Карл» юриб кетди. Орқасидан қараб қолдик.

— Анови тошбақага қаранглар! — деган овоз эшитилди ногаҳон ёнимиздан. — Айниқса, кетинги кўприги... Туяқушнинг ўзи-я!

Ленц қип-қизариб кетди.

— Оқ мошинани айтяпсизми? — сўради у ўзини аранг босиб.

— Албатта-да, — жавоб берди ён бўғида ишлаётган барваста механик. У беписандлик билан шундай деди-ю, шеригига пиво

тўла шишани узатди. Ленцнинг жон-пони чиқиб кетди. Пастак тахта тўсиқдан сакраб ўтмоқчи бўлган эди, базўр ушлаб қолдим. Хайрият, сўқинишга улгурмади.

— Қўйсанг-чи! — дедим унга. — Бизга шу ерда кераксан. Элдан бурун касалхонага тушиб қолишнинг нима кераги бор!

Готтфрид нукул ҳалиги одамга хезланарди. У «Карл» шаънига айтилган бирорта ёмон сўзни ҳазм қилолмасди.

— Кўрдингизми, — дедим Патриция Хольманга. — Бу даканг хўрозни яна хаёлпараст ҳам дейишади. Шуни шеър ёзганига ишонасизми?

Бу гап дарров унга таъсир қилди. Атайлаб нозик жойига теккан эдим.

— Урушдан олдин ёзганман, — деди Ленц, худди гуноҳ иш қилгандай. — Бундан ташқари, болакай, пойга пайтида қизишиб кетиш уятмас. Шунақамасми, Пат?

— Ақлдан озиш ундан ҳам зўр!

— Бебаҳо сўзлар!

Бирдан моторларнинг шовқини ҳаммаёқни босиб кетди. Ҳаво, ер, осмон бараварига титради. Бир тўда мошина олдимиздан ўқдай учиб ўтди.

— Охиридан иккинчи! — деб гўлдиради Ленц. — Бизнинг йўлбарс бари бир стартни яхши ололмаган.

— Ҳечқиси йўқ, — дедим мен. — «Карл» стартга бўшроқ. Жойидан секин қўзғалади, лекин уни кейин тўхтатиб бўлмайди.

Моторлар шовқини сал пасайгач, радиокарнайнинг овози эшитилди. Қулоқларимизга ишонмадик: энг хавфли рақиблардан бири Бургер старт пайтида панд еб қолган.

Яна мошиналарнинг гувуллагани эшитилди. Улар узоқдан далани босган чигирткалардай кўринар, сўнг тез катталашиб, минбар ёнидан шамолдай ўтиб кетишарди. Пойгада олти мошина қолган, «Карл» ҳамон охиридан иккинчи эди. Биз тайёр турардик. Муюлиш ортидан двигателларнинг наъраси ва гулдурак акс садо гоҳ заиф, гоҳо баралла эшитилар, сўнг мошиналар тўғри йўлга тушиб оларди. Олдиндаги биринчи мошина билан иккинчи ва учинчи мошиналар кетма-кет борарди. Уларнинг ортидан Кестер: у қайрилишда рақибдан ўзиб кетиб, тўртинчи ўринга ўтиб олган эди.

Булутлар ортидан қуёш кўринди. Тилим-тилим нур ва соя тасмалари пойга йўлини бир зумда йўлбарс терисига ўхшатдиқўйди. Булутлар кўланкаси томошабинлар устидан сузиб ўтарди. Моторлар сурони қақшаб кетган асабларимизни баттар пармай бошлади. Ленц оғирлигини у оёғидан-бу оёғига солар, оғзидаги сигаретани чайнайвериб, шилта қилиб юборган эди. Патриция эса, эрта тонгдаги қулундай, хавотирланиб-хавотирланиб нафас оларди. Фақат Валентин билан Граугина бепарво. Улар бамайлихотир офтобда исиниб ўтиришибди.

Яна олдимиздан мошиналар ғувуллаб ўтди. Биз Кестердан кўз узмасдик. Отто жавоб тариқасида бош ирғиб қўйди. Баллонларни алмаштиришни хоҳламади. Кейинги айланиб ўтишида у учинчи мошинага етиб олган эди. Шу алпозда яна кўздан ғойиб бўлишди.

— Ёмонмас! — Ленц шишани кўтариб, бир қултум ичди.

— Бу томони зўр, — дедим Патрицияга. — Қайрилишда рақибларини доғда қолдиради.

— Пат, бир қултум ичасизми? — шундай деб, Ленц шишани қизга узатди.

Унга ранжиб қарадим. Аммо Готтфрид бу нигоҳимга киприк қоқмай бардош берди.

— Стакан тузук, — деди Патриция. — Бунақа ичишга ўрганмаганман.

— Яхшимас! — Готтфрид стаканни олди. — Замонавий тарбиянинг қусури бу.

Кейинги давра айланишларида мошиналар оралиғи узайди. Олдинда Браумюллер борарди. Тўртта мошина аста-секин уч юз метр ўзиб кетди. Кестер учинчи пойгачини таъқиб қилганча минбар орқасида ғойиб бўлди. Кейин мошиналар яна бизга яқинлашди. Сапчиб туриб кетдик. Учинчи мошина қани? Отто энди олдиндаги иккита мошинани таъқиб қилаётганди. Ниҳоят, учинчи мошина ҳам кўринди. Орқа баллонлари дабдала бўлиб кетганди. Ленц ичи қоралик билан кулиб қўйди: мошина ёнимиздаги хона олдига келиб тўхтади. Барваста механик сўкинди. Бир зумда мошинани созлашди.

Яна бир неча давра айланишди, аммо вазият ўзгармади. Ленц вақтни кўрсатадиган асбобни бир четга қўйиб, хомчўт қила бошлади.

— Ҳали «Карл»нинг имкониятлари бор, — деди у.

— Бошқаларда ҳам бўлиши мумкин.

— Нафасингни ел олсин! — У менга еб юборгудай қаради.

Ҳали яна битта айланиш бор эди. Кестер тагин бош ирғаб, ўтиб кетди. У тавакқал қилиб, баллонларни алмаштирадиган пойгани тугатмоқчи эди. Ҳаво ҳали салқин бўлгани учун баллонлар охиригача чидаш берса ажабмас.

Кенг майдон ва минбарлар узра кутишнинг асабий дақиқалари бошланди — пойганинг сўнгги босқичи қолганди.

— Ҳамма дарахтга ёпишсин, — дедим болғача дастасини қисиб. Ленц кўлини бошимга қўйди. Итариб ташладим. У илжайиб, тахта тўсиқни чангаллади.

Шовқин гулдуросга, гулдурос наърага, наъра момақалди роққа айланди. Моторлар чинқириб, бор куч-имкониятларини ишга солганди. Браумюллер муюлишга ўқдай учиб кириб кетди. Ортидан иккинчи мошина ўтди. Унинг орқа филдираклари вишилар ва ғийчилларди. Бу мошина Браумюллердан қуйи йўлакда эди. Афтидан, пойгачи пастки ҳалқага тушиб олишни мўлжаллаётганди.

— Овора бўласан! — деб қичқирди Ленц. Шу пайт Кестер кўринди. Унинг мошинаси қаттиқ тезликда энг юқори йўлгага чиқди. Биз қотиб қолдик. Ишқилиб, «Карл» нарёққа учиб кетма-са бўлди. Йўқ, мотор бир маромда ишлар, машина ўз йўлида борарди.

— Қайрилишга охирги тезликда кирди! — дея хитоб қилдим мен.

— Тентак-да, — деди Ленц.

Биз тўсиққа кўксимизни тираб, юрак ҳовучлаб турардик. Нима бўларкин? Мен Патрицияни кўтариб, асбоблар солинган яшик устига кўйдим.

— Шунда яхшироқ кўринади! Елкамдан ушлаволинг. Қараб туринг, бурилишда ундан ҳам ўзиб кетади.

— Ўзиб кетди! — қичқирди у. — Олдинга чиқволди!

— Браумюллерга яқинлашяпти! Ўзинг мадад бер, о Мусо пайғамбар! — деб бақирди Ленц. — У ростдан ҳам иккинчини ортда қолдирди, Браумюллерга хужум қиялпти!

Минбардагилар нафасини ичига ютиб ўтирипти. Муюлишдан уч машина отилиб чиқиб, бизга қараб кела бошлади. Биз тинмай қичқирардик, бизга Валентин билан йўғон овозли Грау ҳам кўшилишди. Кестер шаштидан қайтмади, иккинчи мошинани ҳам қайрилишда қувиб ўтди — рақиб хатога йўл кўйган ва ўзи танлаган кескин бурилишда тезликни пасайтиришга мажбур бўлган эди. Энди Отто Браумюллер билан кетма-кет борарди. Оралиқ йигирма метрча, холос. Афтидан, Браумюллерга свечалар панд берган эди.

— Бўш келма, Отто! Бос! «Қирсилдоқ кўнғиз»ни янчиб ташла! — деб қичқирардик биз қўл силкиб.

Пойгачилар сўнгги бор бурилиб кетишди. Ленц нукул туморини силкитар ва кўмак сўраб, Осие билан Жанубий Американинг жамики худоларига илтижо қиларди. Мен ҳам туморимни кўлимга олдим. Патриция елкамга суянганча, мошиналар йўлини пойларди. Шу тобда у мрамардан ясалган қуйма ҳайкални эслатарди.

Мошиналар кўринди. Браумюллернинг мотори ҳамон тақилларди. Кўзларимни юмиб олдим; Ленц йўлгага орқасини ўтирди — ичимизда фақат «Э, худо!» — дердик. Бировнинг қичқирғидан ўзимизга келдик. Кестер рақибидан икки метр олдинга ўтиб, марра чизигини биринчи бўлиб кесиб ўтган эди.

Ленц жинни бўла ёзди. У асбобни ерга улоқтириб, ҳар эҳтимолга қарши ушлаб турилган гилдирак устида оёғини осмондан қилди.

— Боя нима дегандингиз?! — деб бақирди у барваста механикка шу алпозда турганча. — Тошбақа деганмидингиз?

— Тирғалма менга, овсар! — деди механик энсаси қотиб. Ашаддий саргузашт ишқибози ўз шаънига айтилган ҳақоратли сўзни эшитиб, биринчи марта пинагини бузмади. У фақат куларди.

Биз Оттони кута бошладик. У ҳакамлар ҳайъати аъзолари билан гаплашиши керак эди.

— Готтфрид, — деган бўғиқ овоз эшитилди орқамиздан. Ўгирилиб қарасак, тепамизда жудаям тор йўл-йўл шим ва худди шундай қорамтир костюм кийган одамсимон маймун турибди.

— Альфонс! — бирдан бақириб юборди Патриция.

— Худди ўзи! — деди у.

— Биз ютдик, Альфонс! — хитоб қилди қиз яна.

— Зўр бўпти, зўр бўпти! Демак, мен кечикибман-да?

— Сен ҳеч қачон кечикмагансан, Альфонс, — деди Ленц.

— Сизларга егулик у-бу нарса опкелувдим. Қовурилган гўшт, озгина сур гўшт. Кесиб қўйилган.

У каттакон қоғоз халтани очди.

— Ў-хў, — деди Патриция Хольман, — бутун полкка етади-ку!

— Буни охирида гаплашамиз, — деди Альфонс. — Дарвоқе, аनावиндан ҳам бор!

У иккита шиша чиқазди.

— Очиб, тайёрлаб қўйилган.

— Ўткир ичимлик-ку! — деди Патриция.

Альфонс дўстона кўз қисиб қўйди.

Шу пайт тарақа-туруқ қилиб, «Карл» олдимизга келди. Кестер билан Юпп мошинадан сакраб тушишди. Юпп худди ёш Наполеонга ўхшарди. Қулоқлари қизариб кетган — сурат соладиган рангли ойнанинг айнан ўзи. Қўлида ниҳоятда хунук ишланган каттакон кумуш кубок.

— Олтинчи, — деди Кестер кулиб. — Бу йигитларнинг ўйлаб топгани фақат шу бўлди.

— Сенга шу дахмазани раво кўришдими? — деб сўради Альфонс жиддий оҳангда. — Қуруғи-чи?

— Қуруғи ҳам бор, — Кестер уни тинчлантирган бўлди.

— Маза қиларканмиз-да, — деди Грау.

— Оқшомни яхши ўтказишимиз мумкин.

— Меникидами? — сўради Альфонс.

— Бу биз учун шараф! — деди Ленц.

— Чўққанинг калла-почасидан нўхатли шўрва қилиб бераман.

Шу тобда унинг ҳурмати ошиб кетганини Патриция Хольманнинг юз ифодасидан ҳам сезса бўларди.

— Албатта, текинга, — қўшиб қўйди у.

Мой сачраган бир нечта свечани кўтариб, Браумюллер келиб қолди. У мағлубиятидан хуноб эди.

— Парво қилма, Тео! — деди унга Ленц. — Яқинда бўладиган болалар арвачаси пойгасида биринчи ўринни оласан.

— Ҳеч бўлмаса коньяк ичишда ютиб чиқай.

— Пиво кружкасида ичсанг ҳам майли, — ҳазиллашди Грау.

— Шунда ҳам ютиб чиқишингиз даргумон, жаноб Браумюллер, — деди Альфонс худди ҳакамдай. — Шу пайтгача Кестернинг панд еганини кўрмаганман.

— Мен бўлсам, шу кунгача «Карл»нинг олдинда кетаётганини кўрмаганман, — жавоб берди Браумюллер.

— Худо сабр берсин, — деди Грау. — Ушла мановини. Мошиналар маданиятни маҳв этиши учун ичамиз.

Шаҳарга жўнай туриб, Альфонс келтирган егуликларнинг қолганини олиб кетмоқчи бўлди. Ҳали уч-тўртта одам тўядиган озиқ-овқат бор эди. Бир маҳал қарасак, ердағижимланган қоғоздан бошқа ҳеч нарса йўқ.

— Оббо, азамат-ей! — деди Ленц илжайиб турган Юппни кўрсатиб. Унинг иккала кўлида бир бўлакдан гўшт, қорни дўмбирдай шишиб кетган. — Бу ҳам ўзига хос рекорд!

Альфонснинг пивохонасида давом этган зиёфат пайтида, назаримда, ҳамманинг эътибори Патриция Хольманда бўлди. Грау яна суратингизни чизаманга тушиб қолди. Қиз кулиб, бунга сабри чидамаслигини, ундан кўра расмга тушиш қулайлигини айтди.

— Балки расмингизга қараб чизар, — Фердинандни чимчиб олгим келди. — Бу одам шу соҳага ихтисослашган.

— Жикиллама, Робби, — деди Фердинанд хотиржам оҳангда. У беғубор, мовий кўзларини Патрициядан узмасди. — Арақ сени кутуртиради, мени эса ювош қилиб қўяди. Икки авлод орасидаги фарқ мана шунда.

— Бор-йўғи ўн ёш каттасан, — дедим беписандлик билан.

— Бизнинг замонамизда бу ёш авлодларни иккига ажратиб туради, — давом этди Фердинанд. — Бутун умрга, балки минг йилларга ажратиб туради. Ҳаёт тўғрисида нимани биласизлар? Сизлар ўз туйғуларингиздан чўчийсизлар. Сизлар мактуб ёзмайсизлар — телефонда гаплашиб қўя қоласизлар. Хаёл суриш сизларга бегона — шанба-якшанба кунлари шаҳар ташқарисига чиқсанглар бўлди. Сизлар муҳаббатнинг ҳисоб-китобини қиласизлар, сиёсатнинг ҳисоб-китобини билмайсизлар — ана шунақа ночор авлодсизлар!

Бир қулоғим Фердинандда-ю, наригиси Браумюллерда. У ўтирган жойида хиёл чайқалар, Патриция Хольманга, мошина ҳайдашни сизга ўзим ўргатаман, дерди. Ўргатармиш-а!

Қулай пайт келиши билан уни бир четга тортидим.

— Менга қара, Тео, аёлларга айланишиш спортчи учун жуда зарарли!

— Менга алоқаси йўқ, — деди Браумюллер, — соғлигим жойида.

— Майли. Лекин билиб қўй: мана шу шиша билан бошингга бир туширсам соғлигинг жойида бўлмайди.

У жилмайди.

— Кўйсанг-чи, болагинам. Ҳақиқий назокатли одам қанақа бўлади, биласанми? Ҳазабини тизгинлай олган одам назокатли бўлади. Кимлигимни биласан-а?

— Мақтанчоқсан!

Шу ерда ўтирганлардан бирортаси қизга ёмон кўз билан қарамаслигига ишонардим: орамизда бунақа одат йўқ. Лекин қиздан кўнглим тўқ эмас эди. Чунки биз бир-биримизни яхши билмаймиз. Унга оғайниларимни бирортаси ёқиб қолса-чи? Бунақа бўлмайди, деб ким кафолат бера олади?

— Секин жилмаймизми? — пичирладим Патрицияга.

Қиз ўрнидан турди.

Кўчага чиқволдик. Кўкни булут қоплаган. Шаҳарни кўкимтир-кумушранг туман забт этмоқда. Патрициянинг кафтидан ушлаб, пальтомнинг чўнтагига солдим. Шу алфозда узоқ юрдик.

— Чарчадингизми?

Қиз майин жилмайиб, бош чайқади.

Қаҳвахона ёнидан ўтаётганимизда: «Кирамизми?» — десам:

— Йўқ... Кейин, — деб жавоб берди.

Ниҳоят, қабристонга яқинлашдик. У атрофини кўп қаватли тош бинолар оқими қуршаган осуда оролга ўхшарди. Дарахтлар шовуллар, уларнинг тепа шохлари кўк бағрига сингиб кетганди. Бўш скамейкага бориб ўтирдик.

Рўпарамиздаги йўлка четига ўрнатилган баланд чироқлар атрофида зарҳал доиралар ҳосил бўлган. Қуюқ туман бағрида ғаройиб нур ўйини бошланди. Баҳор ҳидидан маст бўлган тиллақўнгизлар япроқлар остидан вазмин учиб чиқиб, чироқ ёнида айлана-айлана ахийри унинг нам шишасига бориб урилишарди. Туман ҳамма нарсани заминдан узиб олиб, уларга ажабтовур тус берганди. Рўпарадаги меҳмонхона асфальт кўзгусида бамисоли ҳамма чироқлари ёқиб қўйилган уммон кемасидай сузиб кетяпти, меҳмонхона ортидаги черковнинг кулранг кўланкаси синчлари баланд хаёлий елканли қайиққа ўхшайди. Кейин бинолар карвони ҳам ўрнидан кўзғалди...

Биз ёнма-ён чурқ этмай ўтирардик. Туманда ҳамма нарса, жумладан, ўзимиз ҳам омонатга ўхшардик. Патрицияга қарадим, — чироқ нури унинг катта-катта кўзларида жилоланарди.

— Яқинроқ ўтир, — дедим унга, — тагин туман ютиб кетмасин...

Қиз менга бурилиб, кулимсиради. Оғзи ним очик, тишлари йилтирайди, тик қараб турибди... Аммо, назаримда, у мени сезмаётгандай, табассуми ҳам, нигоҳи ҳам ёнимдан сирғалиб ўтиб, кумуш оқимга қўшилиб кетаётгандай; гўё у япроқларнинг сеҳрли титроғи ҳамда дарахтларнинг қорамтир танасидан сирғалиб тушаётган томчиларга омухта бўлиб кетган; бутун жисми кулоққа айлангану аллақандай эшитилмас товушларни илғаб турибди; худди мана ҳозир ўрнидан туриб, замин ва замоннинг олис ҳамда мубҳам даъвати янграётган томонга туман оралаб бемақсад, лекин ишонч билан жўнаб қоладигандай.

Мен бу чехрани ҳеч қачон унутмайман, гўзал ва пурмаъно, нафис ва мулойим, меҳр ва нурга йўғрилган бу чехра қай тариқа мен томон энгашиганини, худо шоҳид, унутолмайман, кейин лаблари яқинлашди, кўзлари бир муддат жовдираб турди, сўнг чўгли бу кўзлар, гўё таслим бўлгандай, аста юмилди...

Теграимзда ҳануз туман айланарди. Унинг увадалари орасидан қабр тошларидаги хочлар гира-шира кўзга ташланарди. Пальтомни ечиб, устимизга ёпдим. Шаҳар фарқ бўлди. Вақт ўлди...

Шу алфозда узоқ ўтирдик. Аста-секин шамол зўрайди. Бирдан рўпарамизда узун соялар пайдо бўлди. Қадам товушлари ва гўнғир-гўнғир гаплар қулоғимга чалинди. Сўнг гитаранинг заиф овози эшитилди. Бошимни кўтардим. Соялар яқинлашиб, қора шарпаларга айландию доира шаклини олди. Кўққисдан кўшиқ бошланди: «Исо Масих чорлайди сени...»

Титраб кетдим. Нима гап ўзи? Мабодо ойга келиб қолганимиз йўқми? Бу аёлларнинг ҳақиқий хор жамоаси эди.

— «Осий банда, қаддингни кўтар...» — қабристон узра ҳарбий марш оҳангида ана шу сўзлар янграрди.

Патга гарангсиб қарадим.

— Тушунолмай қолдим, — дедим унга.

— «Тазарруга шошил, эй гумроҳ...» — кўшиқ давом этарди.

Бирдан ўзимга келдим.

— Ё парвардигор! Ахир бу Қутқариш Армияси-ку!

— «Гуноҳлардан фориг бўл тезроқ...» — яна шарпаларнинг даъвати янгради. Мулойим оҳанг кучайиб боради.

Патнинг кўзлари чақнар, кулгидан ўзини аранг тийиб ўтирарди.

Қабристон тепасида эса кўшиқ қанот қоқарди:

Даҳшатли ўт, дўзах олови —

Гуноҳингга мукофот шудир.

Исо чорлар: «Эй, ғофил банда,

Кечикмасдан Оллоҳга юз бур!»

— Бўлди, бас! Ҳе, яшин урсин сенларни! — туман орасидан кимнингдир қаҳрли овози эшитилди.

Бир лаҳза парокандалик юз берди. Аммо Қутқариш Армияси бунақаларни кўп кўрган. Кўшиқ баттар авжга чиқди.

— «Ёлғиз киши не қилсин, э воҳ?» — дейишди аёллар бара-варига.

— Нима қиларди, ўпишсин! — деб бақирди бояги овоз. — Наҳотки шу ерда ҳам тинчлик бўлмаса?

— «Шайтон йўлдан оздирмиш сени...» — жавоб қайтаришди аёллар.

— Сен, қари мегажинлар, кўпдан буён бировни йўлдан оздиrolмайсанлар! — Шу заҳоти туман орасидан луқма эшитилди.

Кулиб юбордим. Пат ҳам чидаб туролмади. Роса хохоладик. Бу олишув шаклан айтишувга ўхшаб кетарди. Қутқариш Армияси қабристондаги скамейкалар ошиқ-маъшуклар учун қулай маскан эканидан хабардор эди. Севишганлар шаҳар ғала-ғовуридан қочиб, шу ерда ором топишарди. Шунинг учун художўй «Армиячилар» якшанбадан фойдаланиб, бетавфиқларга қақшатғич зарба беришга аҳд қилишганди. Устоз кўрмаган ашулачилар бор овозларини кўйиб, юқоридаги қўшиқ сўзларини айтишар, уларга ҳамоҳанг гитаралар тинғирларди.

Қабристон жонланиб қолди. Туман ичидан пиқир-пиқир кулгилар ва хитоблар эшитила бошлади. Мундоқ қарасам, ҳамма скамейкаларда одам бор экан. Муҳаббат ҳимоясига отланган танҳо исёнкор булар тимсолида кўзга ташланмайдиган, аммо қудратли кучга эга бўлган эди. Норозилик белгиси сифатида зудлик билан қарши ҳужум уюштирилди. Булар орасида, афтидан, собиқ ҳарбийлар ҳам кўп эди. Қутқариш Армиясининг марш мусиқаси уларни илҳомлантириб юборганди. Кўп ўтмай, «Мен Гамбургда бўлганман — чаманзорин кўрганман» деган қадимий қўшиқ янграй бошлади.

Қутқариш Армияси саросимага тушиб қолди. Аёллар шляпаларини силкита бошлашди. Кейин яна ҳал қилувчи ҳужумга ўтишга уриниб кўришди.

— «Ёлворамиз, ўжарликни кўй...» — Авж пардадан олди аёллар хори.

Аммо рақиблар бунга жавобан бошқа қуролни ишга солишди:

Мен исмимни айтмайман, зеро —
Муҳаббатни пулга сотаман...

— Кетдик, — дедим Патрицияга. — Бу қўшиқни биламан. Ичиди уят гаплари кўп. Тура қол!

Яна автомобиллар мўрмалахдай қатнаб турган шаҳарга чиқдик. Аммо шаҳар ҳануз тилсимот оғушида эди. Туман автобусларни баҳайбат махлуқларга, мошиналарни кўзлари ёниб турган мушукларга, дўкон витриналарини ўзиға имлаётган бежама ғорларга айлантириб қўйганди.

Биз қабристон ёнидаги кўчадан юриб, луна-парк майдонини кесиб ўта бошладик. Яна ўша кучли мусиқа садолари остида айланиб турган, чироқлари кўзни қамаштирувчи чархпалак, қий-қириқларга тўла шайтон лаганча, зангори нурга кўмилган арвоқлар қасри.

— Худо сийлаган қаср! — дедим Патта.

— Нима учун?

— Чунки унга иккаламиз кирганмиз.

У бош ирғади.

— Назаримда минг йил бўлгандай.

— Яна кирамизми?

— Йўқ, — дедим мен. — Кеч бўп қолди. Бирор нарса ичсанми?

Қиз бош чайқади.

Қандай гўзал қиз-а! Айниқса, туман унинг ҳуснига ҳусн кўшиб юборганди.

— Чарчамадингми?

— Йўқ ҳали.

Биз ҳалқа отиладиган чодир ёнига бордик. Чодир олдидаги чироқлар кўкиш нур таратиб турарди. Пат менга қаради.

— Йўқ, — дедим унга. — Бугун отмайман. Битта ҳам отмайман. Искандар Зулқарнайнинг ичимлик тўла ертўласини ютсам ҳам отмайман.

Биз боғдан чиқиб кетдик.

— Қаердадир, шу ерда сирень бўлиши керак, — деди Пат.

— Ҳа, ҳиди келяпти. Рост. Сезиб турибман.

— Очилганга ўхшайди, — деди у. — Бугун шаҳарни сирень ҳиди тутиб кетибди.

Бўш скамейка қидириб, атрофга алангладим. Сирень баҳонами ёки яқшанба бўлгани учунми, ёхуд омадимиз келмадими — бўш жой тополмадим. Ҳамма скамейкаларда жуфт-жуфт бўлиб ўтиришарди. Соатимга қарадим. Ўн иккидан ўтиб кетипти.

— Бизникига борамиз, — дедим қизга. — Ҳеч ким халақит бермайди.

Пат индамади, орқага қайтдик. Қабристонда кутилмаган манзарага дуч келдик. Қутқариш Армияси қўшимча кучларни жалб қилган эди. Энди хор жамоаси икки қатор эмас, тўрт қатор бўлиб турар, уларнинг таркибида бир хил кийинган эркаклар ҳам бор эди. Ингичка икки хил овоз ўрнига тўрт овоз омухта бўлиб, қудратли оҳанг осмонга ўрлар, қабр тошлари узра кўшиқ калималари сузиб юрарди: «О, Қуддуси шариф...»

Рақиблардан ном-нишон қолмаганди, улар тор-мор этилгандилар.

Мен ўқиган гимназиянинг директори: «Фосиқлик ва даҳликдан кўра қатъият билан иштиёқ афзал», — деган гапни кўп тақрорларди.

Эшикни очдим. Бир оз тўхтаб, чироқни ёқдим. Қаршимизда йўлакнинг ёқимсиз ҳалқуми аччиқ ичакдай чўзилиб ётарди.

— Кўзингни юм, — деб шивирладим Патга, — бу томоша чиниққан одамларга мўлжалланган.

Уни даст кўтардим-да, худди ёлғиз келаётгандай, йўлакдан битта-битта босиб, хонамга кирволдим.

— Бефайз-а, тўғрими? — дедим Патга ва хонадаги одми жиҳозларга паришон назар ташладим, фрау Залевскининг кимхоб креслолари, гилами, Хассенинг чироғи ҳозир бўлганда эди...

— Нега унақа дейсан?

— Бешайз, бешайз, — шундай деб, дераза олдига бордим. — Аммо манзара чиройли. Креслоларни дераза ёнига сурамизми?

Пат хонада айланиб юрарди.

— Жудаям шинам, энг муҳими — иссиқ.

— Совқотяпсанми?

— Иссиқ бўлгани яхши-да, — деди у елкаларини хиёл қисиб.

— Совуқ билан ёмғирни хуш кўрмайман. Бунинг устига, менга зарарли.

— Э, аттанг... шунча вақт кўчада, туманда ўтирибмиз-а...

— Шунинг учун ҳам бу ернинг қадрига етиш керак.

У бир керишиб, яна хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Ҳаракатлари бирам ўзига ярашади! Ўзимни ноқулай сезиб, яна атрофга кўз ташладим. Хонам унчалик ҳам бесаранжом эмас. Ўртада қўққайиб турган эски туфлимни сездирмай каравотнинг тагига тепиб юбордим.

Пат жавон ёнига келиб, тепага қаради. Жавон устида Ленц совға қилган чамадон турарди. Унинг атрофига дўстимнинг фаройиб мамлакатларга қилган саёҳатидан гувоҳлик берувчи рангбаранг ёрликлар ёпиштириб ташланганди.

Қиз ўқий бошлади:

— «Рио-де-Жанейро... Манаос... Сант-Яго... Буэнос-Айрес... Лас Пальмас».

У чамадонни жойига суриб, ёнимга келди.

— Шунча жойга боришга улгурдингми?

Бир нима деб минғирладим. У тирсагимдан ушлади.

— Гапириб бер, бу шаҳарлар тўғрисида гапириб бер. Олис мамлакатларга саёҳат қилиш қандай яхши-я...

Патга тикилиб қарадим. Ёш, гўзал, қалби орзу-умидларга лиммо-лим қиз бўм-бўш, беазмун ҳаётимга, хувиллаган, фақирона кулбамга бахтли тасодиф туфайли учиб кириб қолган капалакка ўхшарди. Сал ножўя ҳаракат қилсанг — учади-кетди... Майли, мени сўкишсин, уялтиришсин, аммо шу лаҳзада мен «йўқ» деёлмасдим, бу шаҳарларнинг бирортасида ҳам бўлмаганман; деёлмасдим... Ўша пайтда бу гапни айтолмасдим...

Биз дераза олдида турардик. Қуюқлашган туман ойналарга суркалар, туман ортига эса менинг мунғайган, кўримсиз ўтмишим яширинганди... Даҳшат ва совуқ терга қоришиқ кунлар, ноумидлик, исқиртлик, ўлат оралаган дамлар, чорасизлик, бесама ра меҳнат, беҳуда елиб-югуришлар, бемақсад ўтаётган умр — бари-бари дераза ортида эди — бу ерда, ичкарида эса Патнинг оромбахш нафасини, унинг ростдан ҳам мавжудлигини, ҳароратини, мусалфо ҳаётини ҳис қилиб турардим, — мен бу хазинани бой бермаслигим, уни қўлдан чиқазмаслигим керак...

— Рио... — дедим мен. — Рио-де-Жанейро — бамисоли эртакнамо бандаргоҳ. Денгиз етти ёй шаклида кўрфазга туташади, тепада эса нуқрадай оппоқ шаҳар кўкка бўй чўзган...

Мен жазирама шахарлар ва ҳадсиз-худудсиз текисликлар, лойқа сувли дарёлар, узоқдан милт-милт кўзга ташланадиган ороллар ва тимсоҳлар, одам кирса қайтиб чиқолмайдиган ўрмонлар, йўлбарсларнинг тунги наъраси, чирмовуқларнинг хушбўй ва балчиқнинг бадбўй ҳидлари оралаб дим кечаларда сузиб юрадиган дарё кемалари тўғрисида ҳикоя қила бошладим — буларнинг барини Ленздан эшитгандим, лекин ҳозир гапира туриб, ўзимни худди ўша жойларда юргандай ҳис қилардим — хотиралар мана шу нарсаларга ташналик, зимистон ва бсшавқ ҳаётимга жиндай бўлса ҳам шукуҳ киритиш иштиёқи билан ажиб бир тарзда қоришиб кетаётганди; ишқилиб, таърифга сиғмайдиган мана шу гўзал чехрадан, қалбимда ногоҳ барқ урган умид ва ишончдан, менга бахт ҳадя этиб турган ушбу дақиқалардан айрилиб қолмасам бас... Бу қизнинг олдида мен кимман? Кейин, вақт-соати етганда, тўғрисиани айтаман... Атрофимда юз бераётган воқеалар туш эмас, ўнгим эканига ишонч ҳосил қилганимдан сўнг ётиғи билан тушунтираман... фақат ҳозир эмас... кейин... ҳозир эса... «Манаос» дердим, «Буэнос-Айрес» дердим ва ҳар бир калимам афсундай, илтижодай янграрди.

Тун. Ёмғир ёға бошлади. Томчилар бир ой бурунгидай тасиратусур қилмас, энди кўз очган япроқларга майин шивирлаб, ерга бешовқин сингиб кетарди. Бу томчилар дарахт илдиэларидан яна тепага кўтарилиб, баҳор кечалари ёмғирга зор бўлган япроқларга айланиш учун ерга сингиб кетарди.

Жимжитлик. Кўча шовқини ҳам тинган. Йўлкада биттагина чироқ ёниб турибди. Дарахтларнинг нозик барглари шуъла ёғдурида кумушдай ярқирар, кўклам шабадасида энгил тебраниб, жажжи елканларни эслатарди.

— Эшитяпсанми, Пат? Ёмғир...

— Ҳа.

У ёнимда ётарди. Тим қора сочлари оппоқ ёстиққа сочилган. Сал чиқиб турган бир елкаси жилосиз мис каби йилтирайди. Қўлига бир тутам нур тушиб турибди.

— Қара... — деди у кафтини нурга тутиб.

— Кўчадаги чироқ, — жавоб бердим мен.

Пат туриб ўтирди. Нур энди унинг юзи, елкалари, шам алангасидай сарғиш кўксини ёритарди. Шуъла акси ўзгариб, бирдан тўқ сариқ, кейин зангори тусга кирди, бир маҳал боши устида қип-қизил ёғду пайдо бўлди, бу ранг аста-секин тепага кўтарилиб, шифтда айлана бошлади.

— Реклама чироқлари...

— Кўрдингми, хонанг қандай ажойиб!

— Сен борлигинг учун ажойиб. Энди ҳамма вақт шунақа бўлади... чунки бу ерга сенинг қадаминг тегди.

Пат оқ-кўкиш нур остида, тўшакда чўкаллаб ўтирарди.

— Лекин... — деди у, — ҳали жуда кўп келаман-ку... Жудаям кўп келаман...

Мен ширин ҳорғинлик ва бахт оғушида қимир этмай ётар, ундан кўз узмасдим.

— Мунча яхшисан-а, Пат! Бирорта кўйлагингда ҳам бу қадар кўҳли бўлмайсан.

У жилмайиб, устимга энгашди.

— Сен мени севишинг керак, Робби! Севгисиз ҳолим нима кечади?!

Пат менга термулар, ҳаяжонли, эҳтиросга тўла очик чеҳра-си шундоқ тепамда турарди.

— Мени маҳкам ушла, — деб пичирлади у. — Кимдир мени ушлаб туриши керак, бўлмаса йиқиламан. Мен кўрқаман.

— Кўрқадиганга ўхшамайсан.

— Ўзимни шунақага соламан, аслида жуда кўрқоқман.

— Хавотирланма, маҳкам ушлайман, — дедим мен, ҳамон туш кўряпманми ёки бу бахтиёр онлар ўнгимда кечяптими, англаёлмасдим. — Жудаям қаттиқ ушлайман. Ўзинг ҳам ҳайрон қола-сан.

У кафтини юзимга қўйди.

— Ростданми?

Мен бош силкидим. Елкаларини зангори нур ёритаётгани боис у худди тиниқ сув ичида турганга ўхшарди. Қўлидан ушлаб, бағримга тортдим, — вужудимни кучли, айна пайтда, ширин бир титроқ чулғади... Ҳамма нарса сўнди...

Пат бошини билагимга қўйиб ухларди. Мен тез-тез уйғониб, унга қараб-қараб кўярдим. Қанийди, ҳеч қачон тонг отмаса, дердим. Биз вақтнинг нарёғида эдик. Бари шу қадар тез юз бердики, ҳануз эс-хушимни бир жойга жамлаб ололмасдим. Мени ҳам биров севиши мумкинлигига ақлим бовар қилмасди. Тўғри, эркаклар билан дўстлаша олишимни билардим, аммо аёл киши қайси фазилатим учун менга кўнгил қўйиши мумкинлигини тасаввур этолмасдим. Ҳаммаси бир кечага боғлиқ, уйғонгандан кейин бари тугайди, деб ўйлардим.

Тонг ёриша бошлади. Қимир этмай ётардим. Қўлим қизнинг боши устида увишиб қолди. Бир маҳал Пат уйқусида нариги ёнбошига ағдарилди, шундан фойдаланиб, қўлимни аста бўшатволдим. Секин ўрнимдан туриб, соқолимни олдим. Кейин кафтимга атир қўйиб, бўйин ва сочларимга суртдим. Жимжит хонада ҳаёл сурганча дераза ортидаги дарахтларнинг қорамтир суратини томоша қила бошладим. Салдан кейин бурилиб қарасам, Пат кўзларини очиб ётибди. Нафасим ичимга тушиб кетди.

— Бу ёққа ке, — деди у.

Ёнига бориб, каравот четига ўтирдим.

— Тушимми, ўнгимми? — сўрадим ундан.

— Нега унақа деяпсан?

— Қайдам. Тонг отгани учун бўлса керак-да.

— Бўлмаса кийинволай.

Ерда ётган юпқа ички кўйлагини олдим. Пардай енгил. Бошқача. Демак, буни киядиган қиз ҳам бошқача бўлиши керак. Мен уни ҳеч қачон тушунмайман. Ҳеч қачон.

Кўйлакни узатдим. У бошимни ўзига тортиб, юзимдан ўпди.

Кейин уни кузатиб кўйдим. Биз кумушранг тонг палласи ёнма-ён борар, деярли гаплашмасдик. Кўчадан сут ташийдиган мошина ўтиб кетди. Сўнг бирин-кетин газетафуруш болакайлар пайдо бўлди. Йўлка четида бино деворига суянганча бир мўйсафид пинакка кетганди. Ияги нуқул титрайди — худди мана ҳозир узилиб тушадигандай. Бўлка тўла кажавалар ортилган велосипедлар ўта бошлади. Кўчани иссиқ ноннинг хушбўй ҳиди тутиб кетди. Ложувард осмондан самолёт гувиллаб ўтди.

— Бугунми? — сўрадим Патдан йўлаги олдига етганимизда.

У жилмайди.

— Соат еттида, — дедим мен.

Қизнинг чеҳрасида ҳорғинлик аломати сезилмасди, қайтанга юзи тўйиб ухлаган кишиникидай тип-тиниқ эди. У чаккамдан ўпиб, хайрлашди. То хонасида чироқ ёнмагунча кўчада турдим.

Кейин изимга қайтдим. Йўл-йўлакай унга айтишим лозим бўлган қанчадан-қанча чиройли сўзларни эсладим. Менинг ўрнимда бошқа одам бўлганида кўнглида борини тўкиб солган ва қизга кўпдан-кўп эзгуликлар қилган бўларди. Алламаҳалгача кўчаларда тентираб юриб, бозорга кирдим. Сабзавот, гўшт ва гуллар ортилган фургонлар келиб улгурганди. Бу ерда гулни дўкондагига қараганда уч баравар арзонга харид қилиш мумкинлигини билардим. Қолган-қутган пулимга бир даста лола сотволдим. Улар, эндигина узилгани боис, диркиллаб турар, косачаларида шабнам томчилари ярқирарди. Сотувчи аёл лолаларни соат ўн бирга Патрицияга етказишга ваъда берди. Кейин кула-кула, бир тутам бинафша ҳам қўшиб кўйди.

— Аёлингиз бу гуллардан камида икки ҳафта ҳузур қилади, — деди у. — Фақат вақт-вақти билан гулдонга пирамидон ташлаб турсин.

Мен бош силкиб, ҳисоб-китоб қилдим. Кейин аста уйга жўнадим.

Х

Устахонада таъмирланган форд турарди. Бошқа буюртма йўқ эди. Демак, чорасини топиш керак. Кестер иккаламиз аукционга йўл олдик. Кимошди бозоридан такси сотволиш ниятида эдик. Таксини у ёқ-бу ёғига қараб, пуллавориш қийинмас.

Шаҳарнинг шимолий қисмига бордик. Бир ҳовли ичида қурилган иморат кимошди савдосига ажратилган эди. Таксидан ташқари бу ерда ҳар хил лаш-лушлар: каравотлар, шалоқ столлар,

қафас ичидан: «Салом азизим!» — деб гўлдираб турадиган тўти-кушлар, кўполдан-кўпол қадимий соатлар, китоблар, жавонлар, эски кийимлар, ошхона курсилари, идиш-товоқлар — хуллас, хароб ва дабдала бўлган турмуш матоҳлари сотиларди.

Жуда барвақт келган эканмиз, аукцион бошқарувчиси кўринмади.

Териб кўйилган буюмларни оралаб юриб, юнон ва Рим мумтоз адибларининг жўн муқовали арзон китобларини варақдай бошладим. Бу китоблар кўп қўлдан ўтган, ҳошияларига қаламда ҳар хил битиклар ёзиб ташланганди. Саргайган, тўкилай деб турган саҳифалар. Булар энди Горацийнинг шеърлари ёки Анакреонтнинг қўшиқлари эмас, ҳаёти чил-парчин бўлган бир шўрликнинг унсиз фарёдлари эди. Эҳтимол бу китоблар ўз соҳибининг бирдан-бир юпанчи бўлгандир, у буларни шу кунгача кўз қорачиғидай асраб-авайлаб келгандир, мана энди сотиш учун ким-ошди бозорига олиб чиққан экан — демак, бари тугапти.

— Одам эзилади, нима дединг?

Мен беҳисоб буюмларга ишора қилдим.

Кестер менга маъюс нигоҳ ташлади.

— Ҳа, Отто. Одамлар бу нарсаларни ночорликдан олиб чиқишган.

Ҳовли четида турган такси ёнига бордик. Мошинанинг бўёқлари сал кўчган бўлса ҳам кўриниши бинойидек эди. Чорпахил, қўллари бақувват бир киши нарироқдан бизга қараб турарди.

— Ҳайдаб кўрганмидинг? — деб сўрадим Кестердан.

— Ҳа, кеча ҳайдаганман. Анча эскирган, лекин дуруст одамнинг қўлида бўлган.

— Сезилиб турибди. Мошина эрталаб ювилган, аммо бу ишни аукцион хўжайини қилмаган.

Кестер бош силкиб, чорпахил кишига қаради.

— Эгаси анови одам бўлса керак. Кеча эрталаб шу ерда мошинани юваётган эди.

— Кўйсанг-чи! — дедим мен. — Кўриниши жа-а абгор-ку.

Шу пайт белбоғли пальто кийган бир йигит ҳовлини кесиб ўтиб, мошина олдига келди. Турқидан чапани болага ўхшайди.

— Шалоқ арава-ку, — деди у, лекин бизга гапиряптими, мошина сотувчигами — билиб бўлмасди. Кейин қўлидаги таёқча билан капотга уриб қўйди. Такси эгасининг титраб кетганини сездим.

— Ҳечқиси йўқ, — давом этди йигит худди ёш болага тасалли бергандай, — бўёғи бир тийинга қиммат. Ўзи эски тоғора. Музейга топширган маъқулмасми-а? — У ўз пичингидан завқланиб, хохолаб кулди ва мақтов илинжида бизга қаради. Биз чурқ этмадик. — Ҳўш, бу қарияни қанчага пулламоқчисиз? — йигит мошина эгасига беписанд ияк қоқди.

Ҳалиги одам бир ютинди-ю, индамади.

— Темир-терсак баҳосига-да, тўғрими? — у ҳамон кесатиғи-ни қўймасди. Кейин бизга юзланди: — Сизлар ҳам харидормисизлар, жаноблар? — Сўнг пичирлашга ўтди: — Патини юламиз буни. Мошинани олма билан тухумга айирбошлаб, даромадни бўлишволамиз. Бу пандавақиға ортиқча пул беришнинг нима кераги бор? Дарвоқе, танишиб қўяйлик: Гвидо Тисс, «Аугека» пайчилар жамиятидан.

У қўлидаги фаров таёқчасини ўйнатиб, «қалай?» — дегандай, бизга кўз қисиб қўйди, аммо сира паст тушгиси йўқ эди: «Анча пихини ёрган йигит экан», — деб ўйладим ичимда ғижиниб. Ёнимизда лол бўлиб турган мошина эгасига ичим ачиб кетди.

— Фамилиянгизни ўзгартирсангиз бўлар экан. Тисс унчалик жарангламайди, — дедим унга.

— Йўғ-э! — хитоб қилди у гердаийиб. Афтидан, уни учарлиги учун кўп мақташган кўринади.

— Хўп деяверинг, — давом этдим мен. — Сизга Сопляк деган фамилия ярашади. Гвидо Сопляк.

У орқага тисарилди.

— Албатта, — деди у хийла ювош тортиб. — Бир кишига қарши икки кишисизлар-да...

— Агар гап шунда бўлса, бир ўзим сиз билан истаган жойингизга бораман.

— Раҳмат, раҳмат! — Гвидо шундай деб, жуфтақни ростлаб қолди.

Чорпахил киши фаромуш бир аҳволда миқ этмай турар, мошинасидан кўз узмасди.

— Ке қўй, Отто, шу мошинани олмайлик, — дедим мен.

— Биз олмасак анови ҳаромзода олади-да, — эътироз билдирди Кестер, — унда мошина эгасига ёрдам беролмаймиз.

— Бу гапинг ҳам тўғри, — дедим мен. — Лекин нимагадир кўнглим чопмаяпти-да.

— Қизиқсан-а. Шу замонда одамнинг кўнгли нимагаям чопади, Робби. Гапимга ишон: бу одамга бизнинг шу ерда бўлганимиз маъқул. Ҳеч бўлмаса мўлжалидаги пулни олади-ку. Аммо анави аблаҳ оладиган баҳосини айтмагунча индамай туравераман.

Аукциончи келди. У типирчилаб турарди. Иши кўп бўлса керак-да: шаҳарда ҳар куни ўнлаб кимошди савдоси бўлади. У эски-туски лаш-лушларни сотишга киришди. Хатти-ҳаракатлари, ҳазил-мутойибалари, артистона имо-ишораларидан ҳар куни қашшоқликка дуч келадиган ва лекин ўзи бундан буткул йироқ бўлган одамнинг қиёфаси мана-ман деб турарди.

Буюмлар сув текинга сотила бошлади. Уч-тўртта дўкондор харидор деярли ҳамма нарсани олиб қўйди. Аукциончининг маънодор нигоҳига улар бармоқларини тепага кўтаришар ёки бош чайқаб қўйишарди. Аммо бу нигоҳни бошқа кўзлар ҳам таъқиб этиб турарди. Юзларига мунг чўккан аёллар дўкондорларнинг бармоқларига ҳадик ва умид билан боқишарди. Таксига учта хари-

дор чиқди. Биринчи нархни Гвидо айтди — уч юз марка. Бу бориб турган ноинсофлик эди. Мошина эгаси яқинроқ келди. У ўзича бир нималар деб пичирлади. Балки кўнглидаги нархни айтмоқчи бўлаётгандир — ким билади. Аммо овози чиқмади, яна изига қайтди.

Кейинги нарх тўрт юз марка бўлди. Гвидо уни тўрт юз элликка чиқазди. Орага жимлик чўкди.

— Ким ошади?... Тўрт юз эллик — бир, тўрт юз эллик — икки...

Такси эгаси худди бошига тўқмоқ тушишини кутаётгандай ерга тикилганча миқ этмай турарди.

— Минг марка! — деди Кестер. Ҳайрон бўлиб қарасам: — Аслида уч мингга арзийди, — деб шивирлади. — Бечорани хонавайрон қилишларини хоҳламайман.

Гвидонинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди. У бизга минг турли имо-ишоралар қиларди.

— Бир минг бир юз, — деб ғудранди у ноилож. Кейин яна жилпанглаб, иккала кўзини қиса бошлади. Агар орқасида кўзлари бўлганда уларни ҳам қисармиди — мен қайдан билай.

— Бир минг беш юз, — деди Кестер.

Аукциончига жон кирди. У қўлидаги тўқмоқчасини ўйнатиб, ликиллай бошлади. Албатта, бу пул бошқа лаш-лушлар сотилган икки-уч марка эмас-да.

— Бир минг беш юз ўн! — деб бақирди Гвидо. У терга ботиб кетган эди.

— Бир минг саккиз юз! — деди Кестер.

Гвидо Оттога бир оз бақрайиб турди-да, «шап» этиб пешонасига урди. У таслим бўлган эди. Аукциончи бир сакраб қўйди. Шунда бирдан Пат ёдимга тушди.

— Бир минг саккиз юз эллик! — деб юбордим беихтиёр. Кестер анқайиб қолди.

— Эллигини ўзим қўшаман, — дедим унга шоша-пиша, — шундай қилишимиз керак... кейин хурсанд бўласан.

Отто кулиб, бош ирғаб қўйди.

Аукциончи тўқмоқчаси билан мис лаганни урди — мошина бизники бўлди. Кестер шу заҳотиёқ пулни санаб берди.

Гвидо ўзини мағлуб сезишни истамай, худди ҳеч нарса бўлмагандай, ёнимизга келди.

— Бу қанақаси?! — деди у. — Шу шалоқ аравачани минг маркага ҳам олишимиз мумкин эди-ку. Учинчи харидор аллақачон ўйиндан чиққан эди.

Шу пайт Гвидонинг орқасида:

— Салом, азизим! — деган овоз эшитилди.

Бу қафасдаги тўтиқуш эди — унга энди навбат етганди.

— Сопляк! — қўшиб қўйдим мен.

Гвидо елкасини қисди-ю, ғойиб бўлди.

Мен мошинанинг собиқ эгаси олдига келдим. Энди ёнида рангпаргина хотини ҳам турарди.

— Ана, бўлди... — дедим мен.
— Худога шукур.
— Аралашмасак ҳам бўларди-ю, лекин сизни чув туширишарди-да.

У ерга тикилганча бош силкиди.

— Мошина ёмонмас, — у бирдан жўшиб кетди, — яхши мошина... пуларингга ачинманглар... Лекин гап мошинада ҳам эмас, худо ҳаққи, гапимга ишонинг... нима десамикин... муҳтожлик курсин...

— Тушундим, тушундим.

— Бу пулнинг бир марказиниям рўзғорга ишлатолмаймиз, — деди аёл. — Ҳаммаси қарзга кетади.

— Ҳечқиси йўқ, онаси, бу кунлар ҳам ўтади, — деди эркак. — Кўп қуюнаверма.

Аёл индамади.

— Иккинчи тезликка солганда сал шақирлайди, — эркак бизга мурожаат қилди. — Лекин бу нуқсон эмас, янгилигида ҳам шунақа эди. — У мошинаси ҳақида худди ўз фарзандидай гапирарди. — Уч йил миндик, бирор марта бузилгани йўқ. Гап шундаки, аввалига касал бўп қолдим, кейин... дўстим хиёнат қилди...

— Разил одам экан! — деди аёл қизишиб.

— Кўявер, онаси. Бир амаллаб ўзимизни ўнглаб оламиз. Тўғрими, онаси?

Аёл жавоб бермади. Эркакнинг юзини тер қоплади.

— Яшаш жойингизни ёзиб беринг, — деди Кестер, — баъзан бизга ҳайдовчи керак бўп туради.

У залворли, ҳалола қўли билан ўз манзилени ёза бошлади. Мен Кестерга қарадим: бу шўрликни фақат мўъжизагина қутқара олишини иккаламиз ҳам сезиб турардик. Аммо мўъжизалар даври ўтган, мабодо шу нарса юз берган тақдирда ҳам яхшилик эмас, кишига фақат янги кулфатлар келтириши мумкин.

Мошина сотган одам тинмай гапирар, худди алаҳсираётганга ўхшарди. Кимошди савдоси тугагани. Ҳовлида ўзимиз қолгандик. У бизга қишда мошинани қандай ўт олдиришни қайта-қайта тушунтирди. Сўнг таксининг у ёқ-бу ёғини сийпалаб, жим бўлиб қолди.

— Юр энди, кетдик, — деди хотини.

Қўл қисишиб, хайрлашдик. Улар кетишди. Фақат кўздан ғойиб бўлишгандан кейингина моторни юргиздик.

Ҳовлидан чиқаётиб, чуваккина кампирга кўзимиз тушди. У тўтиқуш солинган қафасни кучоқлаб олган, эргашиб келаётган болаларни нари ҳайдарди.

Кестер тўхтади.

— Қаёққа борасиз? — деб сўради у кампирдан.

— Э, болам! Таксига пул менда нима қилсин? — жавоб берди у.

— Пул керакмас, — деди Отто, — бугун туғилган куним, текинга обориб қўяман.

Кампир бизга ишонқирамай қаради, қафасни бағрига маҳкамроқ босди.

— Кейин, тўланг, деб қолсаларинг-чи?

Биз уни юпатиб, мошинага ўтқаздик.

— Тўтиқушни нима қиласиз, бувижон? — деб сўрадим стиб келганимиздан сўнг.

— Кечки пайтларга-да, — жавоб берди у. — Дон қимматмас-микин?

— Йўқ, — дедим мен. — Нима учун кечки пайтларга?

— Гапиришни билади-да. Кечқурунлари гаплашиб ўтирамиз... ёлғизлигим билинмайди...

— Э, шунақа денг...

Тушдан кейин фордини олиб кетгани новвой келди. Кайфияти чатоқ эди. Ҳовлида бир ўзим турган эдим.

— Ранги маъқулми? — сўрадим ундан.

— Ёмонмас, — деди у таажжубланарли лоқайдлик билан.

— Айниқса, тепаси яхши чиқди.

— Ҳа, ҳа...

У бир ерда депсинар, кетишга шошилмасди. Яна бир нарса ундирмоқчиёв, деб ўйладим ичимда. Домкратми, кулдонми...

Аммо гап бошқа ёқда экан. У ёнимда бир оз пишиллаб турди-да, кейин жияклари қизарган нурсиз кўзларини менга қадади.

— Пешонамга сигмади-я: уч-тўрт ҳафта бурун мана шу мошинада соппа-соғ, очилиб-сочилиб ўтирувди-я!..

Новвойнинг бирдан бунақа кўнгилчан бўлиб қолганига сал ажабландим, сўнг ўзи билан бирга охириги марта устахонага келган анови жикиллаган қора аёл қонини ичаётгандир-ов, деган ўйга бордим. Ахир одамлар муҳаббатдан кўра кўпроқ ранж-аламдан ҳассос бўлиб кетишади.

— Яхши аёл эди, — давом этди у, — дили пок аёл эди. Бориға шукур қиларди. Битта пальтони ўн йил киярди. Кўйлаklarини ўзи тикволарди. Рўзгорни хизматкорсиз, бир ўзи эпларди...

«Баттар бўл, — дедим ичимда, — янги топган аёлинг бунақа ишларни қилиб бўпти!»

Новвой дилини бўшатволмоқчи эди. У хотинининг тежамкорлиги ҳақида гапирди, энг қизиги, тежалган пулларни бу одам пивохўрлик ва қиморбозликка сарфларкан. Хотини пулни қизганиб, расмга тушишни ҳам хоҳламаскан. Шунинг учун унинг қўлида никоҳ тўйларида олинган биттагина расм билан кўча-кўйда тушилган ва бир зумда тайёрлаб бериладиган уч-тўртта кичкина расмлар бор экан, холос.

Миямга ярқ этиб, бир фикр келди.

— Хотинингизнинг каттакон суратини ишлатинг, — дедим унга. — Умрбод эсдалик бўлиб қолади. Шунақа иш билан шуғулланадиган бир рассом бор.

Унга Фердинанд Грау ҳақида сўзлаб бердим. У дарҳол хушёр тортиб, жудаям қиммат бўлса керак, деди. Агар мен билан бир-

га борса, арзонроққа тушиши мумкинлигини айтдим. У яна чап беришга уринган эди, бўш келмадим — хотиннинг хотираси ҳамма нарсадан қиммат, дедим. Хуллас, у рози бўлди. Фердинандга кўнғироқ қилиб, огоҳлантириб қўйдим. Кейин новвой билан расмларни олгани жўнадик.

Қора кўз аёл новвойхонадан отилиб чиқиб, форднинг атрофида айлана бошлади.

— Қизил ранг зўр чиқарди-да! Қайсарлик қилиб, айтганингдан қолмадинг.

— Бошимни қотирма! — новвой уни жеркиб берди.

Меҳмонхонага кўтарилдик. Аёл бизга эргашди. Новвой асабийлаша бошлади. Унинг олдида расмларни қидиришни хоҳламаётганди.

— Бизни холи қўй, — деди у ниҳоят сабр косаси тўлиб. Аёл бурнини бир жийирди-да, таранг кўксини олдинга чиқазиб, изига қайтди. Новвой кўк духоба альбомдан бир нечта расмни олиб, менга узатди. Мана, хотинининг келинлик пайти, ёнида ўзи — мўйлови қайрилган йигит; келиннинг чехрасидан нур ёғилади. Бошқа расмдаги аёл озгин, ҳолдан тойган, кўзлари сўник. Стулнинг бир четида омонатгина ўтирипти. Иккитагина расм, лекин уларда бутун умр акс этган.

— Бўлади, — дедим мен. — Шуларга қараб, қойилмақом сурат чизади.

Фердинанд Грау бизни узун белбурма камзулда кутиб олди. Кўриниши пурвиқор. Касби шуни тақозо этади. Аксарият азадорлар учун қайғунинг ўзидан кўра уларнинг қайғусига эҳтиром муҳимроқ эканини Фердинанд яхши билади.

Устахона деворларида зарҳал рамкаларга солинган, мой бўёқда ишланган маҳобатли суратлар осиглик турар, уларнинг остига кичкина расмлар — намуналар ёпиштириб қўйилганди; ҳар қандай буюртмачи ҳатто сарғайиб кетган, хира расмлардан ҳам ажойиб мўъжизалар чиқиши мумкинлигига дарров ишонч ҳосил қиларди.

Фердинанд новвойга ҳамма суратларни кўрсатиб бўлгач, унга қайси услубда ишланган сурат маъқуллигини сўради. Ўз навба-тида новвой ҳам суратнинг катта-кичиклиги нархига таъсир этиш-этмаслиги билан қизиқди. Фердинанд гап ҳажмда эмас, тасвир ижросида эканлигини тушунтирди. Шундан кейин новвой энг катта суратни афзал кўриши маълум бўлди.

— Дидингиз зўр экан, — деб мақтади уни Фердинанд. — Бу малика Боргезенинг сурати. Нархи рамкаси билан саккиз юз марка туради.

Новвой бир сапчиб тушди.

— Рамкасиз-чи?

— Етти юз йигирма.

Новвой тўрт юз марка беришини айтди. Фердинанд бош чайқади.

— Тўрт юз маркага нари борганда ёнламасига чизилган калла суратини буюришингиз мумкин. Лекин зинҳор тик қараб турган ва бошдан оёққача чизилган суратни эмас. Бунақа иш икки баравар кўп меҳнатни талаб қилади.

Новвой, менга ёнламасига чизилган калла сурати ҳам бўлаверади, деди. Фердинанд унга хотинининг иккала расми ҳам рўпарадан олинганини, буларга қараб ҳатто Тицианнинг ўзи ҳам ёнлама сурат чизолмаслигини айтди. Новвой терлаб кетди; шуни олдинроқ ўйламаганига пушаймон бўлаётгани шундоқ сезилиб турарди. Фердинанднинг фикрига қўшилишга тўғри келди. Тушундики, тик қараб турган суратни чизиш учун ёнламасига қараганда ярим башара ортиқча бўёқ чаплаш керак. Демак, Фердинанд айтган нарх тўғри. Новвой ҳамон иккиланарди. Шу пайтгача хотиржам гапирётган Фердинанд энди уни кўндириш йўлига ўтди. Унинг дўриллаган овози устахонада бўғиқ акс садо берарди. Ҳакам сифатида шуни айтишим керакки, дўстим вазифасини аъло даражада бажараётганди. Аста-секин новвой битимга келишишга етила бошлади. Айниқса, Фердинанд ичиқора қўшниларининг дабдабали суратни кўрганда қай аҳволга тушишини тасвирлаб берганида новвой буткул таслим бўлди.

— Бўпти, — деди у, — Фақат пулни нақд санаб берганим учун ўн фоиз чегириб ташлайсиз.

— Келишдик, — рози бўлди Фердинанд. — Мен ўн фоиздан воз кечаман, сиз уч юз марка зақалат берасиз, — бўёқ билан мато учун.

Улар яна хийла вақт баъзи икир-чикирларни муҳокама қилишди. Новвой хотинининг кўксига марварид шодаси билан бриллиант кўзли тўғнағич бўлишини хоҳларди. Расмларда бу нарсалар йўқ эди.

— Ихтиёр сизда, — деди Фердинанд. — Тақинчоқларни чизиш қийин эмас. Фақат ўша қимматбаҳо буюмларни бирор соатга келтириб берсангиз, янаям ишончлироқ чиқарди-да.

Новвой қизариб кетди.

— У нарсалар менда йўқ... Қариндошларда.

— Э, шунақа денг. Ҳа, майли, бир йўлини қиларман. Айтингни, хотинингизни тўғнағичи анави суратдагига ўхшармиди?

— Сал кичикроқ эди.

— Бўпти, кичикроқ қиламиз. Марварид шодасининг кераги йўқ. Ҳамма марваридлар бир-бирига ўхшайди.

Новвой енгил тин олди.

— Қачон тайёр бўлади?

— Олти ҳафтадан кейин.

— Майли.

Новвой хайрлашиб, чиқиб кетди. Фердинанд билан устахонада қолиб, бир оз гаплашиб ўтирдим.

— Суратни олти ҳафта ишлайсанми?

— Қаёқда! Тўрт-беш кунлик иш. Лекин унга бунақа деб бўлмайди. Тўғриси айтсам, соатига нечапул ишлашимни ҳисоб-

лашга тушиб кетади, ўзини алдангандай ҳис этади. Олти ҳафта — унинг учун маъкул муддат, малика Боргезега ҳам шу муддатни айтганман. Инсоннинг табиати шунақа, азизим Робби. Агар новвойга бу аёл малика эмас, шляпадўз десам, унинг назарида хотинининг сурати ўз латофатини ярим барабар йўқотган бўларди. Дарвоқе, олти марта гувоҳ бўлиб турибман, вафот этган аёллар анови суратдагига ўхшаган тақинчоқлар тақишаркан. Мана шунақа тасодифлар ҳам бўлиб туради. Бу сурат ҳеч ким танимайдиган ажойиб аёл Луиза Вольфнинг сурати. Тап-тайёр реклама.

Яна устахонага нигоҳ ташладим. Деворлардан аллақачон қабрларда кўзлари тупроққа тўлган қиёфалар термулиб турарди. Булар қариндошлари томонидан буюртирилган, аммо харид қилинмай, ташлаб кетилган суратлар. Ахир, улар ҳам қачонлардир ўшалар билан бирга юрган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини бирга тотган инсонлар-ку.

— Менга қара, Фердинанд, бунақа муҳитда ишлайвериб, дилгир бўлиб қолмайсанми?

У елкасини қисди.

— Йўқ, лекин сурбет бўлиб қолишим мумкин. Ҳаёт ҳақида ўйлаганингда дилгир бўласан, аммо одамлар ҳаётни нимага айлантириб юборганини кўрганингда сурбет бўлишинг турган гап.

— Тўғри, лекин баъзилар астойдил изтироб чекишади...

— Унақалар сурат буюришмайди.

Фердинанд ўрнидан турди.

— Яхшиямки, Робби, инсониятни ҳаётга боғлаб турадиган икир-чикирлар ҳали тугаган эмас. Ёлғизлик эса — ҳақиқий ёлғизлик — ақлдан озиш ёки ўз жонингга қасд қилиш арафасида бошланади.

Ҳайҳотдай хона ним қоронғилик ичра сузарди. Девор орқасида кимдир у ёқдан-бу ёққа бориб келяпти. Бу биз йиғилганда қорасини кўрсатмайдиган хизматчи аёл. У ҳаммамизни ёмон кўради, сабаби — булар Фердинандни менга қарши қайрайди, деб ўйлайди.

Кўчага чиқиб, худди идиқ ваннага тушгандай, оломонга кўшилиб кетдим.

XI

Биринчи марта Патникига меҳмонга кетяпман. Шу пайтгача у меникига келар ёки мен уни уйининг олдида кутиб олиб, бошимиз оққан томонга қараб жўнардик. Назаримда, Пат мениннг олдимга шунчаки ташриф билан, омонатгина келиб-кетиётганга ўхшарди. Мен у ҳақда, унинг турмуш тарзи тўғрисида кўпроқ нарса билишни хоҳлардим.

Гул олиб бормоқчи бўлдим. Бу қийин иш эмас: луна-паркнинг орқасидаги шаҳар боғи гулга кўмилиб ётипти. Панжарадан сакраб ўтиб, оппоқ сирень шоҳчаларини уза бошладим.

— Нима қияпсиз? — деган овоз эшитилди бехосдан. Қайрилиб қарадим. Ёнбошимда шоп мўйловли бир киши турарди. Полициячи ҳам, қоровул ҳам эмас, кўринишидан истеъфога чиққан кекса зобитга ўхшайди.

— Кўрмаяпсизми, — дедим мулойим оҳангда, — сирень гулларида оляпман.

Истеъфодаги ҳарбий бир лаҳза лол бўлиб турди. Сўнг:

— Бу ер шаҳар боғи эканини биласизми? — деди жаҳл билан. Кулиб юбордим.

— Албатта. Сизнингча, бу ерни Канар ороллари деб ўйлаяпманми?

Зобит кўкариб кетди. Ишқилиб, юрагини чангаллаб қолмаса гўрга эди.

— Ҳозироқ жўнанг бу ердан! — деб бақирди у дўриллаган овозда. — Шаҳар мулкини талон-торож қияпсиз! Ҳибсга олишни буюраман!

Мен анча-мунча сирень шохчаларини узишга улгургандим.

— Олдин тутволиш керак. Қани, қувинг, бобой! — шундай деб, панжарадан сакрадим куёни сурвордим.

Патнинг уйига етганда яна у ёқ-бу ёгимга қарадим. Сўнг зинапоядан кўтарила бошладим. Бу замонавий янги бино бўлиб, менинг хароб кулбамдан фарқ қиларди. Зинапояга қизил пояндоз тўшалган. Фрау Залевскининг пансиониди бу нарса йўқ, лифт ҳақида-ку гап бўлиши мумкин эмас.

Пат тўртинчи қаватда яшарди. Эшикда салобатли мис ёрлиқ: «Подполковник Эгберт фон Гаке». Ёрлиққа бир оз термулиб турдим. Кўнғироқ тугмачасини босишдан олдин галстугимни тўғриладим.

Эшикни пешонасига оппоқ тўр безак, белига чиройли пешбанд боғлаган қиз очди. Уни бизнинг бесўнақай, ғилай Фрида билан қиёслаб бўлмасди. Бир лаҳза довдираб қолдим.

— Жаноб Локамписиз?

Бош силкидим.

Қиз мени кичкина даҳлиздан олиб ўтиб, бир хонанинг эшигини очди. У ерда байрамона ҳарбий кийимда подполковник Эгберт фон Гаке ўтирган бўлса-ю, мени сўроққа тутта бошласа, балки унчалик ажабланмасдим. Чунки даҳлиз деворларига осиглиқ кўпдан-кўп генералларнинг суратини кўриб, шунга тайёр бўлиб қолган эдим. Орден таққан генераллар менинг фуқароча қиёфамга алланечук таққиромуз қарагандай туюлди. Хайрият, шу пайт Пат кириб келди-ю, хона бир зумда ҳарорат ва шодликка тўла оролчага айланди-қолди. Эшикни ёпиб, қизни бағримга босдим. Сўнг янги узилган сиренларни тақдим этдим.

— Мана, — дедим унга. — Шаҳар бошқармасининг саломи ҳам шунинг ичида.

Пат гулларни дераза ёнида, ерда турган каттакон шаффоф гулдонга жойлаштира бошлади. Шу орада мен хонага кўз югуртирдим. Қадимий кўркам жиҳозлар, ҳаво ранг гилам, дераза пардалари худди рассом қалами билан чизилгандай, духоба қопланган ихчам креслолар. Бари беозор, майин тусда.

— Ё алҳазар, бунақа хонани қанаққиб топдинг, Пат, — дедим мен. — Одатда одамлар ижарага жой берганда шалағи чиққан тақир-туқурлар, туғилган кунда олинган ва ҳеч кимга асқотмайдиған совғаларни қолдиришарди-ку:

Қиз энгашиб, гулдонни эҳтиётлик билан девор ёнига сурди. Шунда унинг хиёл эгилган бўйни, бежирим елкаси, нозик кўлларига назарим тушди. Рўпарамда чўккалаб тураркан, у ҳимояга муҳтож ёш болага ўхшарди. Айни пайтда чайир ва ҳуркак жониворни ҳам эслатарди. Аммо ўрнидан туриб, кўлларини бўйнимга ташлаганда кўзлари ва лабларидаги илтижоли интиқлик, сеҳрли бир даъватни кўрдиму андак довдираб қолдим. Бу нопок дунёда бундай манзарага қайтиб дуч келаман, деб ўйламагандим.

Қўлимни елкасига кўйдим. Қиз яна ёнимда турганидан беҳад бахтиёр эдим.

— Буларнинг ҳаммаси ўзимнинг нарсаларим, Робби. Олдин квартира ойимники эди. Қазо қилганларидан кейин икки хонани ўзим эгаллаб, қолганини топширвордим.

— Демак, квартира сеники экан-да? — сўрадим енгил тортиб. — Подполковник Эгберт фон Гаке ижарада туради, шундайми?

Пат бош чайқади.

— Унақа эмас. Квартирани сақлаб қолишга қурбим етмади. Ундан воз кечишга тўғри келди, ортиқча жиҳозларни сотдим. Ҳозир ўзим ижарадаман. Қари Эгбертга намунча қизиқиб қолдинг?

— Шунчаки. Полициячи ва катта офицерлардан чўчиб турман. Ҳарбий хизматдан қолган одат.

Қиз кулди.

— Менинг отам ҳам майор эди.

— Майорга чидаса бўлади.

— Гакени танийсанми? — деб сўради у.

Кўнглим бирдан ғаш бўла бошлади.

— Паст бўйли, юзи қип-қизил, оқ соч, шоп мўйлов, овози йўғон киши-да? Шаҳар боғида кўп сайр қилади?

Пат жилмайиб, сиренга қаради.

— Йўқ, у баланд бўйли, рангпар, кўзойнак тақиб юради.

— Бўлмаса, танимаيمان.

— Таништириб қўяйми? Яхши одам.

— Худо сақласин! Ҳозирча менинг жойим устахона билан фрау Залевскининг пансионни.

Эшик тиқиллади. Оқсоқ қиз пастак столчани ғилдирашиб кирди. Кумуш ликопчада пирожний, нафис оқ чинни идишда бутер-

бродлар, қўл сочиқ, сигарета ва яна алланималар. Анграйиб қолдим.

— Раҳм қил, Пат! — дедим ниҳоят. — Худди кинодагига ўхшайди. Зинапоядан чиқаётгандаёқ сезувдим, иккаламиз жамият пиллапояларининг бошқа-бошқа зиналаридамиз. Мен фрау Залевскининг деразаси ёнида ёки ўзимнинг қадрдон примусим олдида ўтиришга, яғири чиққан дастурхондан тамадди қилишга ўрганганман. Мабодо бирорта идишни қўлимдан тушириб юборсам, ғариб пансионнинг ғариб фуқаросини уят қилмайсан!

Қиз кулиб юборди.

— Йўқ, идишни тушириш мумкин эмас. Автомобилчи деган шарафли ном бундай қилишинга йўл қўймайди. Сен эпчил бўлишинг керак. — Пат чойнакни ушлади. — Чойми, қаҳвами?

— Ёпирай! Иккаласидан ҳам борми?

— Албатта. Мана, қарагин.

— Қойил! Ҳашаматли ресторанлардагидай! Фақат мусиқа етишмайди, холос.

Қиз энгашиб, гажжи приёмник тугмачасини босди, шу пайтгача уни пайқаманган эканман.

— Хўш, чой ичасанми, қаҳвами?

— Қаҳва, Пат, қаҳва ичаман. Деҳқонман-да. Ўзинг-чи?

— Сен билан бирга қаҳва ича қоламан.

— Бошқа пайт чой ичаркансан-да.

— Ҳа.

— Бўлмаса, қаҳва ичиб нима қиласан?

— Секин-секин ўрганияпман. Пирожний ейсанми, бутербродми?

— Иккаласиниям. Фурсатдан фойдаланиб қолиш керак. Кейин чой ҳам ичаман. Ҳаммасидан татиб кўраман.

Қиз кула-кула, ликопчамни тўлдирди бошлади. Ҳай-ҳайладим.

— Бўлди, бўлди! Нариги хонада подполковник ўтирипти! Бошлиқлар унвони кичикларда меъёр бўлишини ёқтиришади.

— Фақат ичкилик масаласида, Робби. Кекса Эгбертнинг ўзи олхўрили пирожнийни хуш кўради.

— Йўқ, Пат, улар унвони кичиклардан маиший қулайлик масаласида ҳам чегарадан чиқмасликни талаб қилишади, — дедим мен. — Ўз вақтида обдан миямизга шуни қуйишган. — Мен резина филдиракли столчани орқа-олдинга суриб, ўйнай бошладим. Заб эрмак топилди-да: столча гилам устида бешовқин у ёқдан-бу ёққа бериб келарди. Шу асно атрофга кўз югуртирдим. Хонадаги ҳамма нарса дид билан танланган эди. — Ҳа, Пат, — дедим унга, — ота-боболаримиз яшашни билишган!

Қиз яна кулди.

— Нималарни ўйлаб топяпсан?

— Ўйлаб топаётганим йўқ. Бор гапни гапиряпман.

— Бу ердаги баъзи буюмлар тасодифан сақланиб қолган.

— Тасодифан эмас. Гап буюмларда ҳам эмас. Гап буюмлар ортида нималар турганида. Ишонч ва хотиржамлик. Сен буни тушунмайсан. Буни шу нарсалардан мосуво бўлганлар тушунади.

Пат менга тикилиб қаради.

— Агар астойдил хоҳласанг, сен ҳам шунга эришишинг мумкин.

Қизнинг қўлини олдим.

— Хоҳламайман. Биласанми, нима учун? Унда ўзимни таваккалчи деб ҳисоблашимга тўғри келади. Мен бор вужудимни сарфлаб яшашим керак. Шунга кўникади одам. Замон шунақа.

— Бундай яшаш қулай ҳам-да.

— Эҳтимол, — дедим кулиб. — Энди чой қуй. Бир татиб кўрай-чи.

— Йўқ, — деди у, — қаҳва ичамиз. У-бу нарса е. Бор вужудингни сарфлаш учун.

— Айни муддао. Лекин анови пирожнийхўр Эгберт, менга ҳам бирор нарса тегармикин, деб ўтиргандир?

— Қайдам. Фақат унвони кичикларнинг қасоскор эканини унутмасан бўлди. Бу ҳам бугунги кунимизга хос нарса-ку. Сен бемалол олавер.

Қизнинг кўзлари чақнаб турар, ўзи бениҳоя сулув эди.

— Қачон боя айтганимдай яшамаслигимни, бунинг учун бировнинг раҳми келиши шарт эмаслигини биласанми?

Пат менга савол назари билан қаради.

— Сен билан бирга бўлганимда! — дедим мен. — Энди Эгбертга қарши шафқатсиз ҳужумга!

Тушда шофёрлар ошхонасида озгина қуруқ шўрва ичган эдим. Шунинг учун столчадаги таомларни паққос туширдим. Патнинг кистови билан қаҳвани ҳам ичиб тугатдим.

Биз дераза олдига ўтирволиб, чека бошладик. Ботаётган қуёш нурлари осмонни қонталаш қилиб юборганди.

— Хонанг яхши, Пат, — дедим унга. — Бу ерда ҳафталаб кўчага чиқмасдан ўтириш, дунёнинг ташвишларини тамом унутиш мумкин.

Қиз кулди.

— Шундай пайтлар бўлганки, қайтиб кўчага чиқишдан умидимни узиб қўйганман.

— Қачон?

— Касал бўлганимда.

— Бу бошқа масала. Нима бўлган эди?

— Ваҳима қиладиган ҳеч нарса. Шунчаки ётишга тўғри келган. Тез ўсаётган пайтларим эди, овқат етишмасди. Уруш йиллари, ҳатто ундан кейин ҳам анча оғир бўлган.

— Тўғри. Қанча ётдинг?

— Бир йилга яқин.

— Шунақа узоқ ётиб қолдингми? — Унга диққат билан разм солдим.

— Кўп вақт бўлди бунга. Аммо ўшанда абадиятдай туюлган эди. Эсингдами, қаҳвахонада дўстинг Валентин ҳақида гапириб берган эдинг? Урушдан кейин у нуқул яшашнинг қандай бахт экани тўғрисида ўйларкан. Бу бахт олдида ҳамма нарса унинг учун ўз аҳамиятини йўқотган экан.

— Ҳа, унутмабсан, — дедим мен.

— Сабаби, бу ҳолатни яхши тушунаман. Ўшандан буён мен ҳам сал нарсага қувониб кетаман. Афтидан, энгилтак одам бўлсам керак-да.

— Ўзларини донишманд ҳисоблайдиганлар энгилтак бўлишади.

— Йўқ, мен ростдан ҳам энгилтакман. Ҳаётнинг жиддий муаммоларига ақлим етмайди. Менга фақат гўзал нарсалар хуш ёқади. Мана, сен сирень опкелдинг — шунинг ўзи менга бахт.

— Бу энгилтаклик эмас, бу олий фалсафа.

— Эҳтимол, лекин мен учун эмас. Мен бари бир энгилтак ва юзаки одамман.

— Мен ҳам.

— Менчаликмас. Боя таваккалчилик ҳақида гапирувдинг. Мен бориб турган таваккалчиман.

— Шунақа деб ўйлагандим.

— Рост. Аллақачон яшаш жойимни ўзгартиришим, бирор касбни эгаллашим, пул топишим керак эди. Лекин бунга орқага суравердим. Маълум вақт кўнглимга ёққандай яшашни ихтиёр этдим. Тўғри қилдимми, нотўғрими — фарқи йўқ. Шундай яшаб келяпман.

— Нега бунчалик жиддий гапиряпсан? — дедим кулиб.

— Бор гапни айтяпман. Одамлар менга, энгилтак бўлма, қўлингдаги арзимаган пулни тежа, бирор ерга ишга жойлаш, дейишарди. Мен бўлсам, эркин, дахлсиз яшашни, кўнглимга келган ишни қилишни хоҳлардим. Бу хоҳиш менда онам вафотидан сўнг, ўзим узоқ ётиб қолганимдан кейин пайдо бўлди.

— Ака-сингилларинг борми?

Қиз бош чайқади.

— Тахминим тўғри экан.

— Сен ҳам мени энгилтаклик қилган, деб ҳисоблайсанми?

— Йўқ, сен мардона йўл тутгансан.

— Бунинг нимаси мардлик? У қадар жасур эмасман. Шунақа кўрқув босган пайтлар бўлганки! Худди театрда бориб, бировнинг жойига ўтириб олган одамнинг аҳволига тушганман.

— Демак, мард экансан, — дедим унга. — Мардлик кўрқувсиз бўлмайди. Қолаверса, сен тўғри иш қилгансан. Пулингни беҳуда совиришинг мумкин эди. Ҳозир эса нимагадир эгасан. Қандай юмуш билан шуғуллангансан?

— Ҳеч қандай. Шунчаки ўзим учун яшаганман.

— Офарин! Бундан зўр иш йўқ.

Қиз кулди.

— Ҳадемай бунга чек қўйилади, ишга кираман.

— Қаерга? Биндинг билан ўша кунги учрашувингга алоқадор эмасми?

— Алоқадор. Биндинг ва «Электрола» патефон компаниясига қарашли дўконлар директори доктор Макс Матушайт билан учрашган эдим. Сотувчи бўлиб ишга кирмоқчиман.

— Биндинг бундан кўра дурустроқ нарса ўйлаб тополмади-ми?

— Топди, лекин мен хоҳламадим.

— Унга маслаҳат бермаган бўлардим... Қачон ишни бошламоқчисан?

— Биринчи августдан.

— Ҳали вақт бор экан. Балки бошқа иш топармиз. Лекин ба-рибир сенинг харидорларинг бўламиз.

— Патефонинг борми?

— Йўқ, лекин дарров харид қиламан. Ростини айтсам, шу ишинг менга ёқмай турибди-да.

— Ўзимга ёқади, — деди у. — Бошқа иш қўлимдан келмайди. Аммо сен билан бирга бўлганимдан бери ўзимни енгил ҳис этаман. Дарвоқе, бу режамни сенга айтмаслигим керак эди.

— Йўқ, айтишинг керак эди. Сен ҳамма вақт менга бор гапни айтишинг керак.

— Хўп, Робби. — Шундай деди-да, ўрнидан туриб, жавон ёнига борди.

— Нима олиб қўйганимни биласанми? Ром. Сен учун. Назаримда яхши ром. У столчага қадаҳ қўйиб, менга тикилди.

— Ёмонмас, узоқданоқ сезилиб турибди, — дедим унга. — Лекин сал тежамкорроқ бўлганинг тузукмиди, Пат? Лоақал патефон масаласини бир оз нарироққа суриш учун ҳам.

— Кераги йўқ.

— Бу гапинг ҳам тўғри.

Ромнинг рангидан билдимки, бир нарса қўшилган. Винофуруш Патни алдаган. Қадаҳни бўшатдим.

— Зўр! — дедим унга, — яна битта қуй. Қаердан олдинг?

— Муюлишдаги дўкондан.

«Хароб бир дўкон бўлса керак-да», — деб ўйладим ичимда. Бирор кун кириб, сотувчини тузлашни кўнглимга тугиб қўйдим.

— Энди мен борай, Пат.

— Яна пича ўтирайлик.

Биз дераза олдида турардик. Кўча чироқлари ёнди.

— Ётоқхонангни кўрсатмайсанми?

У бир эшикни очиб, чироқни ёқди. Остонада туриб хонага кўз ташладим. Кўнглимдан нималар кечмади!

— Демак, бу сенинг каравотинг, Пат, шундайми?

— Кимники бўлмаса?

— Дарвоқе. Мана бу телефон. Буни ҳам билиб олдим... Энди менга рухсат.

Пат кафтини юзимга босди. Қанийди шу ерда қолсам, юмшоқ зангори тўшак ичида у билан бирга бўлсам... Аммо нимадир мени тийиб турарди. Тортинчоқлик, қўрқув ёки эҳтиёткорлик эмас, йўқ, жудаям улкан назокат, ҳар қандай хоҳишни даф этадиган назокат мени тийиб турарди.

— Хайр, Пат, — дедим мен. — Келганимдан ниҳоятда хурсандман. Сен тасаввур қилганингдан кўра ҳам хурсандман. Бунинг устига, ром... Менга кўнглингни очганинг...

— Оддий нарсалар-ку булар...

— Мен учун ундаймас. Бунга ўрганмаганман.

Фрау Залевскининг пансионига қайтиб, хонамда бир оз ўтирдим. Патнинг Биндинг олдида бурчдор бўлиб қолиши ичимни гаш қилаётганди. Йўлакка чиқиб, Эрна Бенигнинг олдида кирдим.

— Зарур иш билан келдим, Эрна. Аёллар меҳнатига талаб қанақа ҳозир?

— Сизга нима кераги бор буни? — ҳайрон бўлди у. — Бунақа саволни кутмагандим. Очигини айтсам, вазият жудаям оғир.

— Сира иложи йўқми?

— Касби нима?

— Котиба, ёрдамчи...

У қўл силтади.

— Юз минглаб ишчилар сарсон бўлиб юрипти... Ўша аёлнинг бирор ихтисоси борми?

— Жудаям гўзал, — дедим мен.

— Нечта ҳижо?

— Лаббай?

— Минутига нечта ҳижо ёза олади? Нечта тилни билади?

— Хабарим йўқ, — дедим мен, — лекин биласизми... ваколат-хоналар учун...

— Азизим, сезиб турибман: аёл ўзига тўқ оиладан бўлган, эмин-эркин яшаган, бугунги кунга келиб... ҳоказо ва ҳоказо. Иложи йўқ, ишонинг. Агар бирорта эркак астойдил киришиб, чорасини топмаса... Аммо бунинг тўлови нима бўлишини биласизми? Сиз буни хоҳламайсиз-ку, тўғрими?

— Саволингиз қизиқ бўлди.

— Сиз ўйлаганчалик қизиқ эмас, — жавоб берди Эрна синиқ табассум билан. — Бир нарсани билмасам гапирмайман.

Эрнанинг бошлиғи билан алоқасини эсладим.

— Сизга дўстона маслаҳатим, — давом этди у. — Ўзингиз шундоқ ишлангки, топганингиз икки кишига етсин. Энг осон йўли шу. Уйланинг.

Кулиб юбордим.

— Э, қойил! Хотинни боқолармикинман?

Эрна менга таажжуб билан қаради. Ниҳоятда ҳаракатчан, тиниб-тинчимас аёл бўлишига қарамай, шу тобда у кўзимга сўлгин, ҳатто кексайиб қолгандай кўринди.

— Ростини айтсам, — деди у. — Тирикчилигим ёмон эмас, керагидан ортиқ тақир-тукурим бор. Аммо бирор киши ёнимга келиб, ҳалол ва покиза турмуш қуришни астойдил таклиф қилса, ҳамма нарсамдан воз кечиб, ўша одам билан ертўлада яшашга ҳам рози бўлардим. — Эرنанинг чехрасига яна олдинги ифода қайтди. — Э-э, нималар деяпман — ҳар бир инсонда маълум даражада ҳиссиёт бор. — У сигарета тутуни орасидан кўз қисиб кўйди. — Ҳатто сизда ҳам.

— Нега энди?

— Ҳа, ҳа... — деди Эрна. — Бу ҳиссиёт кутилмаганда қалқиб чиқади...

— Менда қалқиб чиқмайди, — жавоб бердим унга.

Соат саккизгача хонамда ўтирдим, кейин юрагим сиқилиб, бирортасини учратиб қоларман, деган умидда қаҳвахонага тушдим.

Стол ёнида Валентин ўтирарди.

— Ўтир, — деди у. — Нима ичасан?

— Ром. Шу бугундан бошлаб ромга ихлосим ошиб кетган.

— Ром — аскарнинг сути, — деди Валентин. — Дарвоқе, кўришининг ёмонмас, Робби.

— Наҳотки?

— Ёшариб кетибсан.

— Худога шукур, — дедим унга. — Соғ бўл, Валентин.

— Омон бўл, Робби.

Биз қадаҳларни столга қўйдик-да, бир-биримизга тикилиб, кулиб юбордик.

— Азизим, — деди Валентин.

— Жин урсин сени, дўстим! — хитоб қилдим мен. — Энди нима ичамиз?

— Яна ўзидан.

— Бўпти.

Фред қадаҳларни тўлдирди.

— Ўлмайлик, Валентин.

— Яшаш учун, Робби.

— «Ўлмайлик» — қандай ажойиб сўз, тўғрими?

— Бундан зўр сўз йўқ!

Яна бир неча бор қадаҳ кўтардик. Сўнг Валентин кетди.

Мен қолдим. Қаҳвахонада Фреддан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Деворлардаги эски хариталарни, слканлари сарғайиб кетган кемаларни томоша қиларканман, Пат ҳақида ўйлардим. Ҳозир жон деб қўнғироқ қилардим-у, аммо ўзимни базўр тийиб ўтирдим. Уни ҳадеб ўйлавермаслигим керак. У мен учун кутилмаган туҳфа, бир келиб кетадиган бахт. Мен шундай бўлишини хоҳлардим. Аслида ҳам бошқача бўлиши мумкин эмас. Биладанда: ҳар қандай муҳаббат боқий бўлишни истайди, унинг боқий азоби ҳам шундан. Лекин дунёда интиҳосиз нарсанинг ўзи йўқ.

— Яна битта куй, — дедим Фредга.

Шу пайт қаҳвахонага бир эркак билан аёл кириб келишди. Улар пештахта олдида туриб, бир стакандан шарбат ичишди. Аёлда мажол қолмаган, эркак эса унга ҳамон ҳирс билан тикиларди. Тез чиқиб кетишди.

Қадахни бўшатдим. Балки бугун Патникига бормаганим тузукмиди? Кўз олдимда ҳануз ним қоронғи, серфайз хона, беозор оқшом, ўз ҳаёти, ўз режалари тўғрисида паст ва майин товушда гапираётган соҳибжамол қиз. Ахир шу пайтгача ҳайратомуз саргузаштдай туюлган нарса назокат қаърига сингиб кетмаганмиди? Бу назокат мен ўйлаганим ва хоҳлаганимдан кўра ҳам кучлироқ бир тарзда вужудимни чулғаб олмаганмиди? Бугун, худди шу бугун нақадар ўзгариб кетганимни ҳис этмадимми? Нега кетиб қолдим, нега уникида қолмадим? Хоҳлаб турувдим-ку. Минг лаънат. Бўлар иш бўлди. Ундан айрилганимдан кейин ақлдан озсам ҳам майли, лекин ҳозирча Пат мен билан бирга, бошқа нарса билан ишим йўқ. Одмигина ҳаётимни ўзгартиришга уринишим шартмиди? Ҳамма нарса буюк тўфон остида қоладиган кун бари бир келади-ку.

— Мен билан ичасанми, Фред?

— Қачон «йўқ» деганман.

Икки қадахдан арақ урдик. Сўнг навбатдаги қадахни ким буюришидан куръа ташладик. Мен ютдим, лекин бари бир кўнглим тўлмади. Куръа ташлайвердик, бешинчи мартасида ютқаздим, кейин қаторасига яна уч марта омадим келмади.

— Кайфим ошдими ё ростдан ҳам момақалдироқ гумбурлаптимми?

Фред қулоқ солди.

— Рост, момақалдироқ. Бу йил биринчи марта эшитишим.

Эшик олдида бориб, осмонга қарадик. Қоп-қора булут. Лекин ҳаво илиқ, аҳён-аҳён яшин чақнайди.

— Унақа бўлса, яна биттадан отамиз, — дедим мен.

Фред эътироз билдирмади.

— Расво арақ экан, — шундай деб, қадахни пештахта устига қўйдим. Фред ҳам ўткирроқ нарса, масалан, олча арағи ичиш тарафдори эди. Менга қолса, ром тузук. Баҳшашмаслик учун унисидан ҳам, бунисидан ҳам ичдик. Бира тўла катта бокалларда ичиб қўя қолдик, ҳадеб қуйиб ўтирадимиз! Кайфимиз энди чоғ эди. Бир неча марта кўчага чиқиб, осмонга қарадик. Чақмоқ чақнаганини кўрмоқчи эдик, аммо омадимиз келмади. Нуқул қаҳвахонада ўтирганимизда гумбурлаган овоз эшитиларди. Фред, қайлигим бор, деди. Автомат-ресторан хўжайинининг қизи эмиш. Лекин чол ўлмагунча уйланмоқчи эмас, чунки ресторан қизга мерос бўлиб қоладими-йўқми, шуни аниқ билиши керак. Менимча, Фред ҳаддан ташқари эҳтиёткорлик қиляпти. Унинг айтишича, чол ярамас одам эмиш, сўнгги дақиқаларда ресторани черковга васият қилиб юбориши ҳам ҳеч гап эмас, дейди.

Шундан кейин индаёлмай қолдим. Аммо Фред умидини узмаганди. Чол шамоллаб ётганмиш, Фреднинг фикрича, грипп бўлса ҳам ажабмас, бу оғир дард. Мен унга, ичадиганлар учун грипп писандмас, дедим. Айниқса, сурункасига отадиган одам гриппдан кейин баъзан гул-гул очилиб, ҳатто семириб ҳам кетади. Фред, ҳечқиси йўқ, чол бари бир бирорта мошинанинг тагида қолади. Фред, деди. Шундай бўлиши мумкинлигини тан олдим, айниқса, асфальт ҳўл бўлса. Бу гапимни эшитиб, Фред шартга ўрнидан турди-ю, кўчага қараб югурди: ёмғир бошладими-йўқми, шуни билмоқчи бўлдиёв. Аммо ёмғир ёғмаётганди. Ҳамон момақалдироқ гумбурларди. Унга бир стакан лимон шарбати қуйиб бериб, телефон ёнига бордим. Сўнгги дақиқада қўнғироқ қилмасликка аҳд этганимни эслаб қолдим. Аппаратга қўл силтаб, унинг ҳурмати-га шляпамни ечмоқчи бўлган эдим, қарасам, бошимда шляпам йўқ экан.

Жойимга қайтиб келсам, стол ёнида Кестер билан Ленц туришарди.

— Қани, «куҳ» де-чи! — деди Готтфрид.

Талабни адо этдим.

— Ром, олча арағи ва эрмонли арақ, — деди у. — Эрмон кўшилган арақни ичдингми, галварс?!

— Мени маст деб ўйлаётган бўлсанг, янглишасан, — дедим унга. — Қаёқдан келяпсизлар?

— Сиёсий мажлисдан. Лекин Оттога ёқмади. Фред нима ичяпти?

— Лимон шарбати.

— Сен ҳам бир стакан ичворсанг ёмон бўлмасди.

— Эртага, — дедим мен. — Қорним таталаб кетяпти.

Кестер менга ачиниб қараб турарди.

— Жаҳлинг чиқмасин, Отто. Озгина олдим, лекин хафачиликдан эмас, хурсандчиликдан.

— Унда майли, — деди у. — Юр, бирга овқатланамиз.

Соат ўн бирда яна гижинглаган тойдай эдим, кайфдан асар ҳам қолмаганди. Кестер, Фреддан бир хабар олайлик, деди. Қаҳвахонага қайтдик. Фред пештахта ортида оёқда зўрға турарди.

— Ичкарига олиб киришарди, — деди Ленц. — Мен савдо қилиб тураман.

Кестер иккаламиз Фредга қайноқ сут ичкизиб ўзига келтирдик. Сут дарров таъсир қилди. Кейин уни стулга ўтқазиб, ярим соат дам олишни буюрдик.

Готтфрид бало-да. У ҳамма нархларни билар, коктейль тайёрлашга устаси фаранг, худди умр бўйи буфетчилик қилгандай, ўлчови ёзилган идишни ўйнаб турарди.

Бир соатлардан сўнг Фред чиқиб келди. Ошқозонида спиртан бошқа нарса бўлмагани учун тез ўзига келганди.

— Оширвордик-да, Фред, — дедим мен. — Овқатсиз ичганимиз чатоқ бўлди.

— Ҳечқиси йўқ, — жавоб берди у. — Баъзан шунақа бўп тургани яхши.

— Тўппа-тўғри.

Телефон ёнига бориб, Патни чақирдим. Бояги мулоҳазаларим эсимдан чиқиб кетган эди. Пат гўшакни кўтарди.

— Ўн беш минутда етиб бораман, — шундай дедиму гўшакни қўйиб қўйдим. Чарчаганини баҳона қилишидан кўрқдим. Лекин уни кўрмасам бўлмасди.

Пат пастга тушди. Кўча эшигини очаётган пайтида ойнанинг бу томонидан Патнинг боши теккан ерини ўпдим. У бир нарса демоқчи бўлган эди, гапиртирмадим — лабимни лабларига босдим. Иккаламиз кўча бўйлаб чошиб кетдик. Яшин чақнар, момақалди роқ гумбурларди.

— Ҳозир ёмғир қуяди, — дедим мен.

Таксига ўтирдик. Йирик-йирик томчилар ноғора чала бошлади. Мошина чорқирра тош терилган йўлдан сакраб-сакраб борарди. Олам гўзал эди — такси ҳар силкинганда ёнимда Пат ўтирганини жон-жонимдан ҳис этардим. Ҳа, олам гўзал эди: ёмғир, шаҳар, сархушлик. Буларнинг бари кўшилиб, улкан ва гўзал бир нарсага айланганди! Кайфим чоғ эди, чунки бояги бадмастликдан халос бўлгандим. Минг хил истиҳолалар пардек тўзиб кетган, тун бақувват ва зим-зиё, атрофимда юз бераётган ҳодисалар рост ва табиий эди. Мошинадан тушганимизда жала қуя бошлади. Ҳайдовчи билан ҳисоб-китоб қилаётганимда эса қора асфальтни савалаётган томчилар ҳали қоплон терисидаги доғларга ўхшарди. Аммо пансионга етиб-етмасимиздан кўчада чучвара қайнай бошлади — ёмғир челақлаб қуярди. Чироқни ёқмадим. Чақмоқ хонани ёритиб турарди. Шаҳар тепасида момақалди роқ кўкни ларзага келтирарди.

— Мана энди ҳар қанча бақирсақ ҳам бўлаверади, — дедим мен. — Овозимизни ҳеч ким эшитмайди!

Дераза ёришиб кетди. Қабристондаги дарахтларнинг қоп-қора шарпаси кўзга бир ташланди-ю, яна қоронғилик қаърига яширинди. Дераза олдида, тун билан менинг орамда Патнинг қамчиндай қомати бир тутам нурдай ярқ этиб кўринди. Елкасидан кучдим, у пинжимга қапишди, сўнг лабларини, нафасини туйдим ва бу дунёни буткул унутдим...

XII

Устахонамиз ҳамон, худди ҳосил ўрими арафасидаги омбордай, хувиллаб ётарди. Шунинг учун кимошди бозоридан харид қилинган мошинани сотмасдан, такси сифатида фойдаланишга аҳд этдик. Уни навбати билан Ленц иккаламиз минадиган бўлдик. Янги буюртма тушгунча Кестер Юпп билан бирга устахонани эплаб туради.

Мошинани ким биринчи бўлиб минишини ҳал қилиш учун Ленц билан ошиқ ташлади. Мен ютдим. Чўнтагимни майда пулларга тўлдириб, ёнимга зарур ҳужжатларни солиб, аста шаҳар айлана бошладим. Энг олдин мижозлар кўп бўладиган бекатни топиш керак эди. Бошида ғалати туюлди. Ҳар қандай аҳмоқ тўхтатса, уни истаган жойига олиб бориб қўйишга мажбур эдим. Бунақа ишга ўрганмаганман.

Бешта мошина турган жойни танладим. Бу жой «Вальдекер гоф» меҳмонхонасининг рўпарасида, гавжум мавзеда эди. Кўп туриб қолмасам керак. Мошинани ўчириб, ташқарига чиқдим. Олдинда турган таксиларнинг биридан чарм пальто кийган йигит тушиб, менга қараб кела бошлади.

— Йўқол бу ердан! — деди у қовоғини солиб.

Хотиржам қараб туравердим, мабодо муштлашишга тўғри келса, иягининг остига бир мушт уриб, қулатиш керак, деган ўй кечди кўнглимдан. Кийими кўпол, ўзини дарров ҳимоя қилолмайди.

— Тушунмадингми? — деди у ва оёғининг остига оғзидаги сигаретасини туфуриб ташлади. — Йўқол, деяпман! Ўзимиз етарлимиз! Ортиқча нонхўрнинг кераги йўқ!

Унга яна битта мошина тиркалгани ёқмаётганди. Лекин менинг ҳам ҳаққим бор-ку бу ерда туришга.

— Арақ кўяман, — дедим мен.

«Хўп» дея қолса бўларди. Чунки таомил шунақа: янги кўшилган одам арақ қўйиши керак. Ёнимизга ёшгина бир шофёр келди.

— Майли, ҳамкасб. Тегма унга, Густав...

Аммо Густавга нимамдир ёқмаётганди, аҳтимол, мени ҳаваскор киракаш, деб ўйлаётгандир.

— Учгача санайман...

Бўйи мендан бир қарич баланд, шунга ишоняпти, шекилли.

Муросага кўнадиганга ўхшамайди. Ё кетиш, ёки солишиш керак.

— Бир, — деди Густав ва пальтосининг тугмаларини ечди.

— Кўйсанг-чи, — дедим уни шаштидан қайтариш умидида. — Ундан кўра, озгинадан отайлик.

— Икки... — тўнғиллади у.

Сезиб турибман, пўстагимни қоқмоқчи.

— Яна бирни кўшса...

У фуражқасини орқага сурди.

— Бас қил, тентак! — деб бақирдим бирдан. Густав анграйиб қолди, сўнг бир қадам олдинга ташлаган эди, мен учун қулай жойга келиб қолди. Яшин тезлигида ияги остига мушт солдим. Буни менга Кестер ўргатган эди. Бокс усулларини яхши билмасдим, машқ қилишни ҳам ортиқча даҳмаза деб ҳисоблардим. Ҳаммаси биринчи зарбага боғлиқ. Мўлжални тўғри олган эканман. Густав «гурс» этиб йўлкага ағдарилди.

— Фельлига яраша, — деди ёш шофёр. — Ҳаммага тирғалгани тирғалган. — Биз Густавни мошинаси олдига судраб бориб, ўриндиққа ташлади. — Ҳечқиси йўқ, ҳадемай ўзига кеп қолади.

Кайфиятим бузилган эди. Бунинг устига, бош бармоғимни нотўғри буклаган эканман, урган пайтимда лат епти. Агар Густав ўзини тез ўнглаб олганда, мени дабдала қиларди. Ёш шофёр-га шуларни гапириб, энди мен кета қолай, дедим.

— Парво қилма, — деди у. — Бўлар иш бўлди. Пивохонага кирамиз — озгина эрийсан. Касбинг шофёрлик эмас, тўғрими?

— Тўғри.

— Мен ҳам актёрман.

— Ие. Бу ёғи қандоқ бўлди?

— Яшаб юрибман, — деди у. — Бу ернинг ҳам театрдан қолишадиган жойи йўқ.

Пивохонага беш киши кирдик — икки қария ва уч нафар ёш. Кўп ўтмай, Густав ҳам келди. У бизга ёв қараш қилиб, столга яқинлашди. Чап қўлим билан чўнтагимдаги бир шода калитни пайпаслаб қўйдим: яна тирғалса, охиригача олишаман.

Лекин бундай бўлмади. Густав стулни оёғи билан орқага суриб, ўзини таппа ташлади. Пивохона эгаси унинг олдига қадаҳ келтириб қўйди. Густав бошқаларга қўшилиб, ичворди. Яна қуйилди. Густав менга кўз қирини ташлаб, қадаҳни кўтарди.

— Омон бўл, — деди у афтини бужмайтириб.

— Ўзинг ҳам, — жавоб бердим унга ва қадаҳни бўшатдим.

Густав ёнидан сигарета қутисини чиқазди-да, кўзимга қарамасдан, мен томон узатди. Бир донасини олиб, унга олов тутдим. Кейин яна арақ буюрдим. Ичдик.

— Каллаварам! — деди у менга очиқ юз билан қараб.

— Тўпори! — жавоб қайтардим ўша оҳангда.

— Зарбанг ёмон эмас...

— Тасодиф... — Унга лат еган бармоғимни кўрсатдим.

— Шошгансан-да, — деди у кулиб. — Дарвоқе, исмим Густав.

— Меники — Роберт.

— Бўпти. Ўтган ишга салавот, Роберт. Сени онасининг этаги-га ёпишиб юрадиган бола, деб ўйлабман.

— Унутамиз буни, Густав.

Шу дақиқадан бошлаб дўст бўлиб қолдик.

Мошиналар аста-секин ўрнидан кўзғала бошлади. Актёр, исми Томми, вокзалга қараб жўнади. Густавга сал наридаги ресторанга борадиган мижоз тўғри келди. Унинг роса энсаси қотди. Чунки арзимаган пул олади-да. Бир зумда қайтиб келиб, яна навбатга туриши керак. Менга худо берди — кекса бир инглиз аёли, шаҳарни томоша қилдирасиз, деб қолди. У билан бир соатча айлаңдим. Қайтишда яна икки-учта мижозга хизмат қилдим. Тушликка пивохонага тўпланиб, бутерброд еб ўтирганимизда ўзимни минг йиллик таксичидай ҳис этардим. Ҳайдовчилар орасидаги

муносабат собиқ қуролдошларимнинг меҳр-оқибатини эслатарди. Булар турли касб эгалари эди. Тўпланганларнинг ярми ҳақиқий шофёр бўлса, қолганлари тирикчилик вазидан рулга ўтиришганди.

Кечга яқин ҳориб-чарчаб, устахонага кириб бордим. Ленц билан Кестер кутиб ўтиришган экан.

— Хўш, оғайнилар, қанча пул топдинглар? — деб сўрадим улардан.

— Етмиш литр бензин сотдик, — деди Юпп.

— Бор-йўғи шуми?

Ленц гижиниб осмонга қаради.

— Бир ёмғир қуйсайди! Кейин дарвозамиз олдида мошиналар сирпаниб, тўқнашиб кетса, лекин ҳеч ким жабрланмаса! Роса ишга кўмилиб кетардик-да.

— Кўриб қўйинглар! — Кафтимда турган ўттиз беш маркани кўрсатдим.

— Э, қойил! — деди Кестер. — Йигирма маркаси соф фойда. Бугун шунини ишлатамиз. Биринчи рейсни ювишимиз керакми-йўқми?

— Вино ичамиз, — деди Ленц.

— Вино? — ҳайрон бўлдим. — Нима учун вино?

— Чунки Пат бирга бўлади.

— Пат?

— Нега ажабланасан? — деди ашаддий саргузашт ишқибози, — аллақачон келишиб қўйганмиз. Соат еттида олиб кетишимиз керак. Огоҳлантириб қўйганмиз. Сен ўйламаганингдан кейин биз ўйлаймиз-да. Ахир у билан биз туфайли танишгансан-ку.

— Отто, — Кестерга мурожаат қилдим, — бу сурбетни нима қилса бўлади?

Кестер кулиб юборди.

— Қўлингга нима қилди? Эгиброқ турибсан.

— Чиққанга ўхшайди. — Густав билан бўлган воқеани гапириб бердим.

Ленц бармоғимга кўз ташлади.

— Чиққан! Насроний ва собиқ тиббиёт талабаси сифатида, ўлгудай тўнг бўлишинга қарамай, уқалаб қўяман. Юр, бокс чемпиони.

Устахонага кирдик. Готтфрид ёғ суртиб, қўлимни уқалай бошлади.

— Патга, таксичилик фаолиятимизнинг бир кунлик юбилейини нишонлаймиз, дедингми, тентак? — сўрадим ундан.

У хуштак чалиб қўйди.

— Ҳа, уяласизми, йигитча?

— Ўчир, — жеркиб бердим уни. Аммо Ленц тўғри гапирган эди. — Шунақа дедингми?

— Муҳаббат, — деди у кўзини лўқ қилиб, — гўзал нарса. Лекин одамни бузади.

— Ёлғизлик эса беандиша қилиб қўяди, тушундингми?

— Андиша — бировнинг хатосини айтмаслик ва уни тузатмаслик хусусида ёзилмаган норасмий битим. Жирканч мурса. Немис фахрийси бу йўлга юрмайди, жигаргўшам.

— Мабодо бир аёл телефон орқали таксингни чақирсаю кейин бу аёл Пат экани маълум бўлса, нима қилган бўлардинг? — деб сўрадим ундан.

Ленц илжайди.

— Айтган жойига олиб бориб қўярдим, лекин пул олмасдим.

Уни итариб ташладим.

— Ҳа, ярамас! Шу қилганингга, кечқурун олдига таксида бораман.

— Тўппа-тўғри! — деди Готтфрид бармоғини тепага кўтариб. — Фақат эркингни қўлдан берма! Эрк муҳаббатдан қимматроқ нарса. Аммо инсон бунини кеч тушунади. Таксини эса беролмаймиз. Фердинанд Грау билан Валентин сўраган. Бугун жиддий ва улкан зиёфат бор.

Биз шаҳар четидаги кичкина ресторан чорбоғида ўтирардик. Ўрмоннинг шундоққина тепасида қип-қизил машъаладай бўлиб намиққан ой осилиб турипти. Каштан гулларининг рангсиз чилчироқлари милтиллайди, теварак-атрофни сиреннинг кишини маст қилувчи ҳиди тутиб кетган, стол устида оқ вино тўла каттакон шиша жом. Сўнаётган шафақ жом ичида кўкимтир-садаф рангида товланади. Келганимиздан буён вино идиши тўрт марта тўлдирилди.

Фердинанд Грау раислик қиларди. Унинг ёнида Пат ўтирипти. Кўйлагига Фердинанд тақдим этган оқиш-пуштиранг гулни қадаб олган.

Фердинанд қадаҳига қўнган капалакни тутиб олиб, авайлаб столга қўйди.

— Мана бунга бир қаранглар, — деди у. — Қанотларига разм солинглар! Энг тоза кимхоб ҳам бу қанотлар олдида латтага ўхшаб қолади. Афсуски, шундоқ жонивор бир кунгина умр кўради. — У ҳаммамизга бир-бир қараб чиқди. — Дунёда энг даҳшатли нарса нима, биласизларми?

— Бўш турган стакан, — деди Ленц.

Фердинанд унга ижирганиб қаради.

— Эркак киши учун майнавозликдан ортиқ шармандалик йўқ, Готтфрид. — Кейин яна бизга юзланди: — Энг даҳшатли нарса, бу — вақт, оғайнилар. Вақт. Биз яшаётган ва ўзимиз ҳеч қачон измимизга сололмайдиган дақиқалар.

У чўнтагидан соатини чиқазиб, Ленцнинг кўзига тутди.

— Мана, шилқим дўстим! Дўзах мошинаси бу. Тўхтовсиз чиқиллайди, узлуксиз фано эшигини қоқади. Сен тоғ кўчкисини тўхтатиб қолишинг мумкин, аммо бунини тўхтатолмайсан.

— Тўхтатмоқчи ҳам эмасман, — деди Ленц. — Тинчгина қари-моқчиман. Қолаверса, менга ҳаётдаги ранг-баранглик ёқади.

— Инсон учун бу жудаям оғир, — деди Грау, Готтфридга эътибор бермай. — Чидаб бўлмайдиган даражада оғир. Шунинг учун ҳам одам орзуни, абадият ҳақидаги қадимий, жозибали, аммо икки дунёда ҳам ушалмайдиган орзуни ўйлаб топган.

Готтфрид кулиб юборди.

— Фердинанд, дунёнинг энг оғир дарди — тафаккур! Дарди бедаво бу.

— Агар фақат шу бўлганда, сен ҳеч қачон ўлмасдинг, — жавоб берди унга Грау. — Сен — углеводлар, оҳак, фосфор ва темирнинг ер юзида Готтфрид Ленц деб аталмиш муваққат қоримасисан.

Готтфрид яйраб кулди. Фердинанд ҳурпайган сочини орқага силкиди.

— Оғайнилар, ҳаёт бу — касаллик, инсон туғилиши билан ўлим бошланади. Ҳар нафас олиб — нафас чиқаришда, юракнинг ҳар бир зарбида ўлим зарралари бор — булар бизни муқаррар жаҳаннамга етаклайди.

— Ҳар култум арақ ҳам шу вазифани бажаради, — деди Ленц. — Сенинг соғлигинга, Фердинанд! Аслида ўлимдан осон нарса йўқ.

Грау қадаҳини кўтарди. Унинг патнисдек юзидан, унсиз чақиндай, табассум сирғалиб ўтди.

— Омон бўл, Готтфрид! Сен — вақт чақиртошлари устида сакраб юрган бургасан. Сени яратаётганда қодир эгам нимани ўйладийкин?

— Бу унинг шахсий иши. Дарвоқе, Фердинанд, сал ўйлаб гапирсанг бўларди. Агар одамлар безавод яшайверишса, сен ишсиз қоласан-ку, ўлимнинг кекса ювиндихўри!

Фердинанднинг елкалари силкинди. У куларди. Кейин Патга мурожаат қилди:

— Сув мавжида ёлғиз тебранаётган нилуфар биз вайсақилар устидан кулиб ўтиргандир?

Сўнг Пат билан боғни айландик. Ой энди анча тепага кўтарилган, ўтлоқлар кумушдай товланарди. Дарахтларнинг узун, қоп-қора соялари худди борса келмасга ундаётган йўл кўрсаткичларига ўхшарди. Кўл бўйига тушиб, яна орқага қайтдик. Йўлда Ленцга дуч келдик. У ҳам боғ ичкарасида, сирень тагига қўйилган буклама стулда ўтирарди. Оппоқ жингалак сочлари ва сигарета чўғи ним қоронғиликда яққол кўзга ташланарди. Ёнида вино идиши билан бокал.

— Зўр жойни топибсиз! — хитоб қилди Пат. — Атрофингиз нукул сирень.

— Ҳа, яхши жой. — Готтфрид ўрнидан турди. — Марҳамат.

Пат стулга ўтирди. Гуллар орасида чехраси янаям очилиб кетган эди.

— Сирень жиннисиман, — деди ашаддий саргузашт ишқибози. — Сирень мен учун ватан тимсоли. Минг тўққиз юз йигирма тўртинчи йилнинг баҳорида Германияда ҳадемай сирень гуллашини эслаб, Рио-де-Жанейродан шартта бу ёққа қараб жўнаворман. Кечикканман, албатта. — Готтфрид кулиб қўйди. — Доим кечикиб юраман.

— Рио-де-Жанейро... — Пат сирень шохчасини ўзига тортди. — Робби билан бирга бўлгансизлар-да у ерда?

Готтфрид дудуқланиб қолди. Менинг этим жимирлашиб кетди.

— Ой роса тўлишипти-да! — дедим шошиб ва Ленцнинг оёғини секин босиб қўйдим.

Сигарета чўғининг ёруғида Ленцнинг кулимсираб, менга кўз қисганини пайқадим. Елкамдан тоғ ағдарилгандай бўлди.

— Йўқ, унда бирга эмас эдик, — деди Ленц. — Ёлғиз ўзим эдим. Яна бир хўпладан ичмаймизми?

— Етади, — деди Пат. — Мен бунақа кўп ичолмайман.

Шу пайт Фердинанд чақириб қолди, бинога қайтдик.

У эшик олдида тоғдай бўлиб турарди.

— Киринглар, болаларим, — деди у. — Бизга ўхшаган одамлар тунда табиат билан мулоқотда бўлмаслиги керак. Табиат тунда ёлғизликни хуш кўради. Деҳқон ёки балиқчи бўлганимизда бошқа гап эди. Биз шаҳарликлармиз, ҳис-туйғуларимиз ўтмаслашиб кетган... — У қўлини Готтфриднинг елкасига қўйди. — Тун — табиатнинг цивилизация иллатига қарши исёни, Готтфрид. Ўзини билан одам бу ҳолга узоқ бардош беролмайди. У дарахтлар, ўтўланлар, жониворлар; юлдузлар олампидан ва умуман, онгсиз ҳаётдан қувилганини бари бир сезади. — Фердинанд ғалати жилмайди, аммо бу табассумда дард кўпми, қувонч кўпми — билиб бўлмасди. — Киринглар, жигарларим! Хотиралар чўғида исинамиз. Ҳали биз чувалчанг ва калтакесак бўлган ажойиб пайтларимизни эслаймиз — алқисса, эллик ёки олтмиш минг йиллар муқаддам... Ё парвардигор, ўшандан буён қанчалар тубанлашиб кетдиг-у...

У Патнинг қўлини олди.

— Агар гўзалликни ҳис этиш туйғуси рзгина бўлса ҳам сақланиб қолмаганда ҳамма нарсадан жудо бўлардик. — Фердинанд паншахадай бармоқлари билан қизнинг кафтини авайлабгина ушлаб, ўз тирсаги остидан ўтказди. — Тубсиз жарлик тепасида илиниб турган кумушранг юлдуз, алмисоқдан қолган қария билан озгина ичмайсизми?

— Майли, — деди Пат. — Сиз нима десангиз — шу.

Улар ичкарига киришди. Фердинанднинг ёнида Пат унинг қизига — эртақлар қаъридан чиқиб келган ҳорғин паҳлавоннинг позик-ниҳол, аммо довюрак қизчасига ўхшарди.

Соат ўн бирда шаҳарга қайтдик. Валентин таксида Фердинандни олиб кетди. Қолганларимиз «Карл»га ўтирдик. Тун илиқ эди. Кестер айланма йўлни танлади, биз йўл бўйида мудраб ётган бир неча қишлоқлардан ўтдик. Гоҳида яккам-дуккам чироқлар кўзга ташланар, ёлғиз итнинг вовиллагани эшитилиб қоларди. Ленц олдинда, Оттонинг ёнида ўтириб, хиргойи қиларди. Пат иккаламиз орқа ўриндиққа ястаниб олгандик.

Кестер мошинани беозор ҳайдарди. Муюлишлардан қалдирғочдай силлиқ бурилар; гўё бундан ўзи ҳам роҳат қиларди. Баъзи пойгачиларга ўхшаб, бесаранжом юрмасди. Ҳатто айланма довонларда ҳам мошина қилт этмас, одам бемалол ухласа бўларди. Тезлик ҳам билинмасди.

Гилдиракларнинг овозидан қанақа йўлдан кетаётганимизни сезиб ўтирардик. Асфальт йўл бўлса, гилдираклар шиғиллайди, тош ётқизилган йўлда эса гувуллаган товуш эшитилади. Мошина чироқлари бир жуфт този итдай олдимизда чопиб борар, гоҳ саф тортган қайинзорларни, гоҳ толзорлар ва ағдарилган симёғочларни, гоҳида пастқам уйлар билан шумшайган ўрмон сўқмоқларини қоронғилик қаъридан суғуриб чиқарди. Минглаб юлдузлар бағрида, ақл бовар қилмайдиган баландлиқда эса Сомон йўли гажак бўлволиб, оқиш тутун пуркарди.

Кестер мошинани тезлатди. Патнинг устига пальтомни ёпиб қўйдим. У менга қараб жилмайди.

— Севасанми? — сўрадим ундан.

Қиз бош силкиди.

— Сен-чи?

— Мен ҳам севаман. Қандай бахтиёрмиз-а, тўғрими?

— Албатта.

— Унда бизга жин ҳам урмайди, нима дединг?

— Бало-қазо биздан узоқ юради, — жавоб берди Пат ва қўлимни олди.

Темир йўл ёнидан кета бошладик. Пўлат излар ярқирарди. Олиса қизил чироқ кўринди. «Карл» ўкириб, олдинга ташланди. Бу юмшоқ вагонлари ва ёп-ёруғ ресторани бор тезюлар поезд эди. Ҳаш-паш дегунча унга етиб олдик. Йўловчилар қўл силки бошлашди. Эътибор бермадик. «Карл» поездни қувиб ўтди. Орқага қарасам, паровоз учқун аралаш тутун бурқситиб, бизга ҳамла қилиб келаётгандай туюлди. Поездни қувишга қувиб ўтдиг-у, аммо биз шаҳарга, таъмирлаш устахонаси ва хароб кулбамизга қайтаётгандик. Паровоз эса пишқирганча дарёлар, ўрмон ва далалар оралаб, олис-олисларга — фаройиб ўлкаларга ошиқарди.

Рўпарадан кўчалар ва уйлар чайқала-чайқала бизга қараб сузиб келарди. «Карл» секинлади, аммо ҳамон айиқдай ўкириб борарди.

Кестер қабристон яқинида тўхтади. У Патникига ҳам, меникига ҳам бормади, яқин атрофда тўхтаб қўя қолди. Балки бизни холи қолдирмоқчи бўлгандир. Мошинадан тушдик. Кестер билан

Ленц қайрилиб ҳам қарамай, жұнаворишди. Орқаларидан қараб қолдим. Бирдан ғалати бўлиб кетдим. Дўстларим кетишди, мени ташлаб кетишди...

Бир силкиниб қўйдим.

— Юр, — дедим Патга. У ҳолатимни сезгандай:

— Ўшалар билан кетавермадинг-да, — деб жавоб берди.

— Кетмайман.

— Кетгинг келиб турувди-ку.

— Ана холос, — дедим унинг ҳақлигини билсам-да. — Юр.

Биз қабристон ёнидан аста юра бошладик.

— Робби, — деди Пат, — уйга бора қолай.

— Нега энди?

— Мен туфайли нимадандир воз кечишингни хоҳламайман.

— Нималар деяпсан? Нимадан воз кечибман?

— Ўртоқларингдан.

— Воз кечганим йўқ, эрталаб кўришамиз.

— Нимани назарда тутаётганимни сезиб турибсан, — деди у. —

Илгари улар билан кўпроқ бирга бўлардинг.

— Чунки у пайтда сен йўқ эдинг. — Шундай деб, эшикни очдим.

У бош чайқади.

— Гап унда эмас.

— Албатта, унда эмас. Худога шукур!

Патни йўлакдан кўтариб ўтдим.

— Сенга ўртоқларинг керак, — деди у. Лаблари юзимга қарийб тегиб турарди.

— Сен ҳам кераксан.

— Унчаликмас...

— Кўрамиз ҳали...

Хона эшигини очдим, у мени қўйиб юбормай, ерга сирғалиб тушди.

— Яхши ўртоқ бўлолмайман, Робби.

— Умид қиламан. Менга аёл ўртоқнинг кераги йўқ. Менга маҳбуба керак.

— Маҳбуба ҳам эмасман, — деди у.

— Кимсан бўлмаса.

— Чала ҳам эмасман, бутун ҳам эмасман... Шунчаки... бир парчаман...

— Айни муддао. Хаёлни қитиқлайди. Бунақа аёлларни умрбод севишади. Тугал аёллар тез жонга тегали. Ҳаддан ташқари мукам-маллари ҳам. Аммо «парча»лар ҳамииша ўзига маҳтиё этаверади.

Эрталаб соат тўрт эди. Патни кузатиб қўйиб, уйга қайтардим. Осмон ёриша бошлади. Тонг нафаси уфурарди.

Қабристон, сўнг «Интернациональ» қаҳвахонаси ёнидан ўтдим. Кутилмаганда касабга уюшмалари биносининг биқинида-

ги шофёрлар ошхонаси эшиги очилиб, қаршимда бир қиз пайдо бўлди. Бошида кичкина берет, эгнида эски қизил пальто, оёғида пошнаси баланд ялтироқ ботинка. Бепарво ўтиб кетмоқчи эдим, бирдан таниб қолдим.

— Лиза...

— Сени ҳам кўрадиган кун бор экан-ку.

— Нима қилиб юрибсан?

У ошхонага ишора қилди.

— Ўтиб қоласан деб, ичкарида кутиб ўтирган эдим. Ҳар доим шу пайтда уйингга ўтасан-ку.

— Тўғри.

— Мен билан борасанми?

Дудуқланиб қолдим.

— Иложи йўқ...

— Пул керакмас, — деди у шоша-пиша.

— Гап бунда эмас, — жавоб бердим ўйламай-нетмай. — Пулим бор.

— Э, шунақами... — деди Лиза истеҳзо билан ва кетишга чоғланди.

Кўлидан маҳкам ушладим.

— Йўқ, Лиза...

Озгин, ранги бўздек оқариб кетган қиз хувиллаган, бўм-бўш кўчада хомуш турарди. Бундан кўп йиллар муқаддам, бир ўзим бемақсад, ноумид, чор-ночор юрган кезларимда уни ана шундай қиёфада учратгандим. Аввалига, ўзига ўхшаган бошқа қизлар каби, гумонсираб юрди, аммо уч-тўрт марта гаплашганимиздан сўнг, менга буткул боғланди-қолди. Муносабатларимиз ғалати эди. Баъзан ҳафталаб кўришмасдик. Кейин у мени бирор йўлкада пойлаб турган бўларди. Ўша пайтда иккаламиз ҳам ёлғиз эдик, бир-биримизга ҳада этадиган қиттайгина тафт ҳам биз учун катта давлат эди. Мен унга анчадан буён, тўғрироғи, Пат билан танишганимдан буён дуч келмагандим.

— Нега кўринмай кетдинг, Лиза?

У елкасини қисди.

— Сенга бари бирмасми? Яна кўргим келди... Майли, кетишим мумкин...

— Турмушинг қалай?

— Кўйсанг-чи, — деди у. — Бошингни оғритиб нима қиласан...

Қизнинг лаблари титради. Қорни оч бўлса керак, деган ўй кечди кўнглимдан.

— Бир оз айланайлик, — дедим унга.

Юзидаги фоҳишаларникига хос лоқайдлик бир зумда ғойиб бўлиб, чеҳраси очилиб кетди. Йўл-йўлакай тун бўйи ишлайдиган ошхонадан егулик у-бу нарса харид қилмоқчи бўлдим. Лиза олдиниға кўнмади, ўзимнинг ҳам қорним оч, деганимдан кейингиға рози бўлди. Гўштининг нобоп бўлақларини қўшиб юбор-

масликлари учун кўз узмай қараб турди. Ярим қадоқ оламан, десам, унамади, чорак қадоғи ҳам етади, озгина сосиска кўшиб ола қол, деди. Мен бари бир ярим қадоқ дудланган гўшт билан икки банка сосиска харид қилдим.

Лиза омборхонани эслатувчи чордоқда яшарди. Стол устида керосин чироқ, каравот ёнида шиша оғзига тиқиб кўйилган шам. Деворларга журналлардан қирқиб олинган суратлар ёпиштириб ташланган. Пастак жавон устида уч-тўртта саргузашт романлар билан беҳаё расмлар солинган конверт турипти. Айрим меҳмонлар, айниқса уйланганлари, бу расмларни томоша қилишни хуш кўришади. Лиза конвертни ғаладонга ташлаб, эски, лекин топ-тоза дастурхон олди.

Харид қилинган нарсаларни столга қўя бошладим. Лиза кийимини алмаштирди. Аввал ботинкасини эмас, кўйлагини ечди. Ҳайрон бўлдим. Ахир, доим оёқ оғриғидан шикоят қиларди-ку. Кечалари озмунча югурадими? У хона ўртасида кўнжи қарийб тиззасигача келадиган ялтироқ ботинка ва қоп-қора ички кўйлакда турарди.

— Қалай, оёғим ёқадими? — сўради у.

— Зўр.

Жавобимдан энгил тортиб, каравот четига ўтирди-да, ботинка ипларини еча бошлади.

— Юз йигирма марка туради, — деди Лиза ечилган бир пой ботинкасини кўрсатиб. — Шунча пулни топгунимча, титиғи чиқиб кетади.

У жавондан яхши кунларидан хотира бўлиб қолган энги кенг шойи кўйлаги билан уйда кийиладиган юмшоқ туфлисини олди; шу асно айбдор кишидай кулимсираб қўйди. У менга ёқишга ҳаракат қиларди. Бирдан томоғимга алланима қадалди, худди хароб бу кулбада яқин кишим қазо қилгандай, кўнглим бузилиб кетди.

Тамадди баҳона у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирдик. У мендаги ўзгаришни пайқаганди. Кўзларидаги ҳадик шундан далолат берарди. Орамизда ҳеч нима бўлмаганди. Балки худди мана шу нарсаси одамларни бир-бирига боғлаб, бир-бирининг олдида бурчдор қилиб турар. Ўрнимдан турдим.

— Кетасанми? — деди у, боядан бери шундан хавотирланаётгандай.

— Яна битта учрашувим бор...

У менга таажжубланиб қаради.

— Шу пайтда-я?

— Зарур иш, Лиза. Бир одамни топишим керак. У шунақа пайтда кўпинча «Астория»да ўтирарди.

Лизага ўхшаган қизлар бунақа нарсани тез илғашади. Уларни алдаб бўлмайди. Лизанинг туси ўзгариб кетди.

— Бошқа аёлинг бор...

— Биласанми, Лиза... кўришмаганимизга анча бўлди... қарийб бир йил... Тушунасан-ку...

— Йўқ, йўқ, буни айтмаяпман. Севадиган аёлинг бор, де-моқчиман. Ўзгарибсан. Сезиб турибман.

— Вой, Лиза-ей...

— Ростини айт!

— Ўзим ҳам билмайман. Эҳтимол...

У бир оз жим тургач, бошини силкитди.

— Ҳа... албатта-да... Тентакман-а... Орамизда ҳеч нарса йўқ-ку... — У пешонасини ишқалади. — Нега тирғалаяпман ўзи...

Унинг озгин, пажмурда гавдасига қарадим. Юмшоқ туфли... енгги кенг кўйлак... сўнгсиз кечалар... хотиралар...

— Хайр, Лиза.

— Кетасанми?.. Бирпас ўтирмайсанми? Дарров кетасанми?..

Нимага шама қилаётганини тушуниб турардим. Лекин мен бундай қилолмасдим. Ўлай агар, қилолмасдим бу ишни! Буни бутун вужудим билан сезаётгандим. Илгари сира бунақа бўлмаганди. Садоқат ҳақидаги тасаввурим ҳам ҳаминқадар эди. Аммо ҳозир сира иложи йўқ. Баногоҳ бундай ишлардан нақадар узоқлашиб кетганимни ич-ичимдан ҳис этдим.

Қиз остонада турарди.

— Кетаман, дегин... — деди у ва шу заҳоти жавон олдига чо-пиб борди. — Ма, газета остига пул қистириб қўйганингни би-ламан... кераги йўқ... ма, ушла... энди бор... боравер...

— Унақа қилма, Лиза.

— Энди келмайсан...

— Келаман, Лиза...

— Йўқ, йўқ, бошқа келмайсан, биламан! Келмай кўя қол! Бор, борсанг-чи... — У йиғларди.

Орқамга қарамай, нарвондан пастга тушдим.

Яна анчагача кўчаларда довдираб юрдим. Фалати тун бўлди бу гал.

Қаттиқ чарчагандим, бинобарин, ухлолмаслигимни билардим. «Интернациональ» ёнидан ўтаётиб, Лиза ҳақида, ўтган йиллар ва аллақачон унутилган яна кўп нарсалар тўғрисида ўйладим. Ҳаммаси олис ўтмишга айланганди, гўё буларнинг менга энди дахли йўқдай. Кейин Пат яшайдиган кўчадан ўтдим. Шамол зўрайди, уй деразалари ҳали қоп-қоронғи, тонг йўлак эшикларига бош урарди. Ниҳоят, уйга қайтдим. «Э, худо, — дедим ичимда, — наҳот бахтим очилган бўлса».

XIII

— Доим биздан яшириб юрадиган аёлингизни, — деди фрау Залевски, — яширмай кўя қолинг. Тортинмай, бемалол келаверсин. Менга маъқул бўлди:

— Сиз уни кўрганингиз йўқ-ку, — эътироз билдирдим унга.

— Кўнглингиз тўқ бўлсин, кўрганман, — деди фрау Залевски маънодор оҳангда. — Ҳа, кўрганман, менга ёқди. Жудаям ёқди. Лекин тенгингиз эмас.

— Шунақа денг.

— Ҳа, шунақа. Қанаққиб тузоққа илинтирдингиз, ҳайронман. Дарвоқе, сиздан кутса бўлади.

— Мавзудан четлашяпмиз, — унинг гапини бўлдим.

Фрау Залевски иккала қўлини белига қўйди.

— Бу аёл ўзига тўқ одамга муносиб, яъни бадавлат йигитнинг тенги!

«Ана холос, — дедим ичимда, — бу ёғи қандоқ бўлди? Боплади-ку».

— Ҳар қандай аёл тўғрисида ҳам шундай дейишингиз мумкин, — жавоб бердим жаҳл билан.

У оппоқ жингалак сочларини орқага силкиди.

— Кўрамиз! Ҳақлигимни келажак кўрсатади.

— Э, келажак денг! — Енгимдаги илматугмини чиқазиб, столга отдим. — Ким ҳозир келажак тўғрисида гапиради?! Бу ҳақда бош қотиришнинг нима кераги бор?!

Фрау Залевски улкан бошини сарак-сарак қилди.

— Ҳозирги ёшларга ҳайронман. Ўтмиш сизларга ёқмайди, бугунги кундан нафратланасизлар, келажак билан ишинглар йўқ. Охири бахайр бўлсин-да ишқилиб.

— Бахайр деганда нимани тушунаси? — сўрадим ундан. — То шунгача ҳамма нарса бехайр кечган бўлса, охирини бахайр дейиш мумкин. Ундан кўра охири бехайр бўлгани тузук.

— Буларнинг бари жуҳудча сафсаталар, — эътироз билдирди фрау Залевски виқор билан ва шартта бурилиб, кета бошлади. Аммо эшик қабзасини ушлади-ю, қоққан қозиқдек туриб қолди. — Сизникими? — шивирлади у энтикиб. — Ёпирай!

У Отто Кестернинг жавон эшигида осиглиқ турган қайтарма ёқали қора мовут костюмига бақрайиб қолганди. Костюмни кечқурун Пат билан театрда тушиш учун Оттодан бир кунга сўраб олгандим.

— Ҳа, меники! — дедим зарда билан. — Бехато хулосалар чиқариш қобилиятингизга тан бериш керак, бекам!

У менга бир муддат тикилиб турди. Гўштдор юзидаги фикрлар турғени заҳарханда билан алмашинди.

— Шунақа денг! — Кейин яна қайтарди: — Шунақа денг! — Бунақа кашфиётлар қилганда аёл киши туядиган беадад қувончдан буткул ўзгариб кетган фрау Залевски йўлақдан туриб, кишининг жигига тегадиган оҳангда қичқирди: — Ҳали ишлар шунақа денг!

— Ҳа, ишлар шунақа, шайтоннинг урғочиси! — деб тўнғилладим орқасидан, биламанки, гапимни эшитмайди. Янги туфли солинган қутини жаҳл билан ерга улоқтирдим. Бадавлат йигитнинг тенги эмиш! Худди ўзим билмайдигандай!

Патни олиб кетгани кирдим. У ўз хонасида, аллақачон кийиниб, мени кутаётган экан. Унга қараб, нафасим ичимга тушиб

кетди. Танишганимиздан буён бунақа ясан-тусанда биринчи кўришим эди.

Ялтироқ кимхобдан бежирим тикилган кўйлак кифтидан қарийб ергача тушиб турипти. Торга ўхшаб кўринса ҳам бемалол қадам босишига халақит бермайди. Олди берк, орқа томонида уч бурчак шаклидаги қирқими бор. Шом ғира-ширасида Пат менга кумуш машғалани эслатди, у кутилмаганда ҳайратомуз даражада ўзгариб, байрамона қиёфада турар ва мендан жуда олислаб кетган эди. Фрау Залевскининг шарпаси, худди яна огоҳлантираётгандай, бармоғини кўтарганча Патнинг ортидан арвоҳ янглиғ ўсиб чиқди.

— Яхшиям биринчи учрашган пайтимизда бу кўйлақда эмас эдинг, — дедим унга. — Яқинингга боролмасдим.

— Роса ишондим-да гапингга, Робби. — Пат ширин жилмайди. — Ёқмадимми?

— Даҳшат-ку бу! Тамомила бошқа аёлга айланиб қопсан.

— Нимаси даҳшат! Кўйлақни шунинг учун кийишади-да.

— Эҳтимол, лекин мени адои тамом қилдинг. Бундай кўйлақка бошқа эркак муносиб. Пулдор эркак муносиб.

Пат кулиб юборди.

— Пулдор эркаклар кўпинча жирканч кимсалар бўлишади, Робби.

— Аммо пул жирканч нарсамас-ку?

— Тўғри. Пул ундай эмас.

— Шунақа деб ўйлагандим.

— Сен бошқача фикрдамисан?

— Йўқ, нега энди? Тўғри, пул одамни бахтли қилолмайди, лекин ниҳоятда таскин беради.

— Пул дахлсизликни таъминлайди, азизим, бу ҳазилакам гап эмас. Майли, бошқа кўйлагимни кия қоламан.

— Асло. Жудаям ярашипти. Бугундан бошлаб чеварларни файласуфлардан устун кўяман. Чеварлар ҳаётга гўзаллик бахш этишади. Бу ҳар қандай фикрдан юз карра қимматлироқ, фикр ҳатто тубсиз қудуқдан чуқурроқ бўлган тақдирда ҳам. Эҳтиёт бўл, севиб қолмайин тагин!

Пат кулди. Сездирмай у ёқ-бу ёғимга қараб кўйдим. Кестер мендан новчароқ эди, почаси ерни супуриб юрмаслиги учун шимни тўғнағич билан кўтариб кўйгандим. Хайрият, билинмаяпти.

Такси тутиб, театрга жўнадик. Мендан садо чиқмасди, сабабини билмайман. Йўлкирани тўлаётиб, ҳайдовчига разм солдим. Соқоли ўсиб кетган, кўриниши ҳорғин. Кўзларининг жияги қизариб турипти. Пулни лоқайдлик билан олди.

— Тушум қалай бугун? — сўрадим секин.

У менга бир қараб кўйди. Бекорчи, мирзақуруқ бир йигит, деб ўйлади шкилли:

— Бoriga барака, — деди энсаси қотиб.

Сездимки, гаплашгиси келмаяпти.

Шу тобда унинг ўрнига ўтириб, жўнаворгим келди. Кейин ёнимда сарвдай бўлиб Пат турганини кўрдим. Ялтироқ кўйлаги устидан худди шу рангдаги енглари кенг калта камзул кийиб олган эди. У гўзал эди.

— Бўла қол, Робби, ҳозир бошланади! — деди Пат типирчилаб.

Кираверишда одам гавжум. Бугун катта премьерa. Прожскторлар театр майдонини чароғон қилиб юборган. Бирин-кетин мошиналар келиб турипти. Улардан ажабтовур кийинган, қимматбаҳо тақинчоқлар таққан аёллар, юзидан қон томиб турган, шоду хўррам, беғаму беташвиш эркаклар тушишяпти. Ҳорғин ҳайдовчи ўтирган эски такси олифта кимсалар тўпланган бу ошённи чийиллаганча тарк этди.

— Юра қолсанг-чи, Робби! — қистай бошлади Пат, кўзларимга жовдираб қараб. — Бирор нарсангни унутдингми?

Мен атрофимдаги кишиларга бадхоҳлик билан назар ташладим.

— Йўқ. Ҳеч нарсани унутганим йўқ.

Кейин кассага бориб, чипталарни алмаштирдим. Нархи осмонда бўлса ҳам ложага иккита жой олдим. Ҳамма муаммолари ҳал бўлган бекаму кўст одамлар орасида Патнинг ўтиришини хоҳламасдим. Унинг шулар тоифасига дахлдор бўлишини истамасдим. Пат фақат мен билан бўлиши керак.

Театрга тушмаганимга анча бўлди. Пат қистамаганида бугун ҳам келмасдим. Театрлар, концертлар, китоблар — буларнинг баридан аллақачон қўлимни ювиб, қўлтиққа урганман. Улар замон руҳига мос эмас. Сиёсат ҳар қандай театрнинг, тунги отишмалар ажойиб концертларнинг, одамзот эҳтиёжидан иборат улкан китоб бутун бошли кутубхонанинг ўрнини босади.

Театр томошабинларга лиқ тўла эди. Жойимизга ўтиришимиз билан чироқ ўчди. Фақат саҳна олдидаги чироқлар зални заифгина ёритиб турарди. Оркестр поёнсиз бир куйни бошладию гўё ҳамма нарса ўрнидан қўзғалиб, ҳавода муаллақ туриб қолди.

Кресломни ложанинг бир бурчига сурдим. Бу ҳолатда саҳна ҳам, томошабинларнинг хира чеҳралари ҳам кўринмасди. Фақат куй тинглаб, Патга термулардим.

«Гофманинг эртаклари»га ёзилган мусиқа зални сеҳрлаб қўйганди. Куй жануб шабадаси, илиқ тун, юлдузлар остида сузиб кетаётган слканни эслатарди, ҳаётга буткул ўхшамасди. Бепоён, жозибадор, ёп-ёруғ кенгликлар ўзига чорларди. Гўё бошқа оламга хос қудратли тўлқин гувиллар, ғам-андух чекинган, чегаралар ғойиб бўлганди. Бу ерда фақат нафосат, оҳанг ва муҳаббат ҳукмрон эди. Шундоқ мусиқа бор жойда муҳтожлик, ғам-қулфат ва умидсизлик бўлишига ақл бовар қилмасди.

Саҳна шуъласи Патнинг юзидан нур бўлиб ёғиларди. У куйга маҳлиё бўлиб қолганди. У менга суйкалмас, қўлимни сийпа-ламас, бу томонга қараш у ёқда турсин, мени ҳатто унутиб юборганди. Мен уни шунинг учун севардим. Турли ҳолатларнинг бир-бирига қоришиб кетишини азалдан ёқтирмайман. Нафосат ва буюк санъат асари бўй кўрсатиб турганда одамларнинг бачкана қилиқлари, имо-ишоралари гашимни келтиради. Ошиқ-маъшукларнинг бир-бирларига мужмал кўз сузишлари, ошиқона суйкалиб-ишқаланишларини кўриб, жоним чиқиб кетади. Мен ўз қобиғидан ҳеч қачон нари жилолмайдиган бундай беадаб, пуч бахтдан ҳазар қиламан. Севишганлар қалбининг қўшилиб, бир бутун бўлиб кетиши ҳақидаги сафсаталарни ҳам тан олмайман, зеро бундай кишилар мутлақо омухта бўлиб кетмаслиги керак, янги учрашувларнинг лаззатини туйиш учун илож борица бир-бирларидан нарироқ юрганлари маъқул. Кўп маротаба ёлғиз қолган одамгина суюклиси билан учрашув бахтини ҳис қила олади. Бошқа ҳамма нарсалар иштиёқ ва муҳаббат сеҳрини маҳв этади. Ёлғизлик кишанларини фақат ҳиссиётлар туғени, бу туғённинг қақшатқич зарбаси, жиловсиз қудрат, бўрон, тун, мусиқа ва... муҳаббатгина парчалай олади...

Чироқ ёнди. Бир лаҳзага кўзларимни юмдим. Ҳозиргина нималар ҳақида ўйладим? Пат ўгирилиб қаради. Томошабинлар эшикка қараб талпинаётганини кўрдим. Танаффус бошланган эди.

— Чиқмайсанми? — сўрадим ундан.

Пат бош чайқади.

— Яхши қиласан! Фойега чиқволиб, ўзини бозорга соладиганларни ёмон кўраман.

Патга апельсин шарбати олиб келишга чиқдим. Оломон буфетга ёпирилганди. Мусиқа кўпчиликнинг иштаҳасини очворади-да. Худди очарчилик бошлангандай, ҳамма ўзини иссиқ соискага урарди.

Шарбатни олиб, ложага қайтганимда Патнинг креслоси орқасида бир эркак турарди. Пат у билан қизғин гаплашаётганди.

— Роберт, бу киши жаноб Бройер, — деди Пат.

«Жаноб эшак», — дедим ичимда ва унга сигир қараш қилдим. Пат Робби эмас, Роберт, деди. Стаканни ложа тўсифига қўйиб, нотаниш кишининг кетишини кутдим. Унинг эгнида қора мовутдан қойилмақом қилиб тикилган қайтарма шойи ёқали костюм. Пат менга юзланди:

— Жаноб Бройер, спектаклдан кейин «Шаршара»га бормай-мизми, деб сўраяпти. У ерда рақсга тушиш мумкин.

— Ихтиёринг.

Бройер ўзини баодоб тутар, умуман, менга маъқул бўлган эди. Фақат ундаги ортиқча назокат ёқмаётганди, чунки бу нарса менда йўқ эди. Айнан мана шу фазилат Патни ром этиши мумкин. Бир маҳал қарасам, Патга «сен»лаб гапиряпти. Қулоқларимга

ишонмадим. Уни оркестр устига улоқтиргим келди, дарвоқе, бунга бошқа яна юзлаб сабаблар бор эди.

Қўнғироқ чалинди. Созандалар асбобларини созлай бошладилар.

— Демак, келишдик-а? Ташқарида учрашамиз, — Бройер шундай деб, хайрият, гум бўлди.

— Ким бу дайди? — сўрадим Патдан.

— Дайдимас бу, яхши одам. Эски танишим.

— Эски танишларингга тоқатим йўқ.

— Вой, азизим-ей, мусиқани эшитсанг-чи, — жавоб берди Пат.

«Шаршара», — мени ваҳима босди, чўнтагимдаги пулимни хаёлан чўтга ташладим. — Роса шиладиган жой».

Таваккал, боравераман. Фрау Залевскининг сайрагани етмагандай, бу ёқдан Бройер чиқиб қолди. У бизни пастда, эшик олдида кутиб турарди.

Такси чақирдим.

— Кераги йўқ, — деди у. — Мошинамда жой етарли.

— Хўп, хўп, — дедим. Унинг таклифини рад этиш одобданмас, лекин бари бир жаҳлим чиқди.

Пат Бройернинг мошинасини дарров таниди. Бу дабдабали паккард эди. Мошина рўпарада, бошқа автомобиллар орасида турарди. Пат тўппа-тўғри унинг олдида борди.

— Бошқа рангга бўябсан-да, — деди Пат лимузин олдида тўхтаб.

— Ҳа, кулранг қилдим, — жавоб берди Бройер. — Сенга маъқулми?

— Ёмонмас.

— Сизга-чи? Шу ранг ёқадими? — Бройер менга мурожаат қилди.

— Қайдам. Олдин қанақа эди?

— Қора.

— Қора мошина чиройли кўринади.

— Тўғри. Лекин баъзан ўзгартириб туриш ҳам керак-ку. Ҳеч-қиси йўқ, кузда янгисини оламан.

«Шаршара»га жўнадик. Бу ажойиб оркестри бор ҳашаматли ресторан эди.

Эшикдан киришимиз билан:

— Ҳамма жой банд, шекилли, — дедим хурсанд бўлиб.

— Э, аттанг, — Патнинг тарвузи қўлтиғидан тушди.

— Ҳозир қотирамиз, — Бройер шундай деб, директорнинг олдида кириб кетди. Афтидан, уни бу ерда ҳамма танийди, шекилли. Дарров ичкаридан стол-стулларни олиб чиқишди. Ҳеч қанча вақт ўтмай, қарабсизки, биз қулинг ўргилсин жойда, рақс майдони баралла кўриниб турадиган пастак тўсиқ олдида ўтирардик. Оркестр тангони чаларди. Пат тўсиқ устига энгашди.

— Рақсга тушмаганимга қанча бўлди-ю!

Бройер ўрнидан турди.

— Юринг бўлмаса.

Пат менга савол назари билан қаради.

— Мен у-бу нарса буюриб тураман, — дедим унга.

— Бўпти.

Танго узоқ чўзилди. Пат аҳён-аҳён менга қараб, жилмайиб қўярди. Унга жавобан бош силкирдим-у, аммо таъбим хира эди. Пат рақсга уста экан, бахтга қарши, Бройер ҳам ундан қолишмасди. Икковлари бир-бирларига ярашиб туришарди, назаримда, улар илгари ҳам бу ерга кўп келишган. Каттакон қадаҳда ром буюрдим. Пат билан Бройер қайтиб келишди. Бройер қандайдир танишлари билан сўрашгани кетди. Пат билан бир лаҳзага ёлғиз қолдик.

— Бу болани кўпдан буён танийсанми? — сўрадим мен.

— Ҳа, нега сўраяпсан?

— Шунчаки. Бу ерга тез-тез келиб турармидиларинг?

Пат менга қаради.

— Эсимда ҳам йўқ, Робби.

— Бунақа нарсалар эсда туради, — дедим қайсарлик билан. Лекин унинг нима демоқчилигини яхши билардим.

Пат кулиб бош чайқади. Шу лаҳзада унга яна меҳрим товлашиб кетди. У бу табассуми билан ўтмиш унутилганини англамоқчи бўлганди. Лекин ичимни ит тирнарди. Бу ҳолатим кулгили эканини сезиб турардим, лекин ундан халос бўлолмасдим. Қўлимдаги қадаҳни столга қўйдим.

— Очиғини айтавер. Айб жойи йўқ буни.

Пат менга яна нигоҳини тикди.

— Агар айб иш бўлганда, биргалашиб шу ерга келармидик?

— Тўғри, — дедим ноилож.

Оркестр яна куй бошлади. Бройер қайтиб келди.

— Зўр мусиқа, — деди у менга. — Ажойиб куй. Рақсга тушмайсизларми?

— Йўқ! — дедим мен.

— Афсус.

— Тура қол, Робби, — деди Пат.

— Турмаганим маъқул.

— Нима учун? — сўради Бройер.

— Менга қизиғи йўқ, — жавоб бердим рўйхушсиз. — Қолаверса, рақсни ўрганмаганман. Вақтим бўлмаган. Сизлар бемалол тушаверинглар. Мен зерикмайман.

Пат иккиланарди.

— Боравер, Пат, — дедим унга. — Сенга ёқади-ку.

— Тўғри... лекин зерикиб ўтирасанми?

— Зерикмайман, дедим-ку! — Мен қадаҳга ишора қилдим. — Бу ҳам рақсдан қолишмайди.

Улар кетишди. Ресторан хизматчисини чақириб, қадаҳни бўшатдим. Кейин нима қилишни билмай, стол устидаги шўр

мағизни санай бошладим. Ёнимдан фрау Залевскининг кўланкаси нари жилмасди.

Бройер столимизга кўҳликкина икки аёл билан тепакал бир эркални бошлаб келди. Салдан кейин яна бир одам кўшилди. Уларнинг бари енгилтак, ўзига бино кўйган, тамтам кимсалар эди. Пат тўртовини ҳам таниркан.

Буларнинг орасида тўнмага ўхшаб қолдим. Шу пайтгача Пат иккаламиз холи ўтирардик. У кўпдан буён танийдиган кишиларни биринчи бор кўриб турибман. Ўзимни қандай тутишни билмасдим. Улар бемалол, ҳазил-ҳузул қилиб ўтиришар, гўё ўйдимчуқури йўқ, сип-силлик ҳаётдан, кўргилари келмаган нарсани кўрмасликлари мумкин бўлган бошқа оламдан кеп қолишганди. Бир ўзим, Ленц ёки Кестер билан ўтирганимда уларга эътибор бермасдим. Аммо ёнимда Пат бор эди, у буларни танирди, мана шу ҳол ҳамма нарсани чигаллаштириб, мени довдиратиб кўйган, беихтиёр қиёслашга мажбур қилаётганди.

Бройер бошқа ресторанга боришни таклиф қилиб қолди.

— Робби, — деди Пат ташқарига чиққанимизда, — балки уйга қайтармиз?

— Йўқ, — дедим мен, — нега энди?

— Зерикяпсан-ку.

— Мутлақо. Нима учун зерикаман? Сен роҳатланияпсан-ку.

У менга бир қаради-ю, индамади.

Ичишни бошладим. Илгаригидай эмас, чинакамига ича бошладим. Тепакал киши кузатиб турган экан, нима ичяпсиз, деб сўради.

— Ром, — дедим мен.

— Грогмасми?

— Йўқ, ром.

У лабини теккизиб кўриб, сесканиб кетди.

— Жин урсин, — деди у, — бунга ўрганиш керак экан.

Иккала аёл ҳам менга қизиқиб қолишди. Пат билан Бройер рақс тушишарди. Пат менга тез-тез кўз қирини ташлаб кўярди. Мен қайтиб у томонга қарамадим. Биламан — яхшимас, лекин ўзимни мажбур ҳам қилолмасдим — жиним тутиб қолган эди. Бунинг устига, ёнимдагиларнинг ичишимни томоша қилаётгани ҳам ёқмаётганди. Ёш болага ўхшаб, нимага қодирлигимни кўз-кўз қилиш ниятим йўқ. Ўрнимдан туриб, пештахта олдига бордим. Пат энди бегонадай туюларди. Дўстлари билан кўшмозор бўлмайдами! Унинг ўзи ҳам шулар тоифасидан. Менга алоқаси йўқ. Лекин...

Тепакал изимдан қолмасди. Буфетчи билан бир қадаҳдан арақ ичдик. Буфетчилар одамга тасалли беришни билишади. Барча мамлакатларда улар билан тилмочсиз гаплашиш мумкин. Рўпарамда турган буфетчи ҳам шунақа эди. Аммо тепакал ичолмаскан. Нуқул ҳасрат қилади. Фифи исмли қандайдир аёл юрагидан урганмиш. Сал ўтмай, бу мавзу ниҳоясига етди, шундан кейин,

кутилмаганда Бройер кўп йиллардан буён Патни яхши кўради, деб қолди.

— Ана холос!

У ҳиҳилади. Коньяк, ликёр, вино аралашган суюқликдан бир стаканини ичирвориб, овозини ўчирдим. Аммо сўзлари миямга михланиб қолган эди. Кулгили аҳволга тушиб қолганимдан, иззат-нафсим таҳқирланаётганидан, столга мушт уриб, хумордан чиқа олмаётганимдан хуноб бўлардим. Ҳамма нарсани дабдала қилишга ундаётган совуқ бир эҳтирос ич-ичимдан гупуриб келаётганди. Аммо бу эҳтирос бировга қарши қаратилмаганди, мен ўзимни ўзим ёмон кўриб кетаётганим.

Тепакал пойинтар-сойинтар валдираб, ғойиб бўлди. Шу пайт елкамга бировнинг таранг кўкси текканини сездим. Бу Бройер бошлаб келган аёллардан бири эди. У ёнимга ўтирволди. Аёл менга бошдан-оёқ разм солиб чиқди. Кўз сузишидан изоҳга ҳожат қолмаганди — ҳаракат қилиш керак.

— Ичишга фил экансиз, — деди у бир оздан сўнг.

Индамадим. Қўлини қадаҳимга узатди. Тақинчоқлар ялтираб турган куруқ ва қотма билаги калтакесакни эслатар, худди ўрма-лаётгандай секин ҳаракат қиларди. Гап нимадалигини сезиб турардим. «Сени тезда бир ёқлик қиламан, — ўйладим ичимда. — Мени писанд қилмаяпсан, чунки жаҳлим чиқаётганини кўриб турибсан. Лекин янглишасан. Аёлларга кучим етади, аммо муҳаббат олдида ожизман. Мени чорасизлик абгор қилади».

Аёл гапга тушиб кетди. Овози дардманд, синиқ эди. Патнинг биз томонга қараётганини сездим. Энди менга бари бир эди, ёнимда ўтирган аёлга ҳам лоқайд эдим. Ўзимни тубсиз қудуққа тушиб кетган одамдай ҳис этардим. Бунинг Бройерга ҳам, атрофимдагиларга ҳам, ҳатто Патга ҳам дахли йўқ эди. Бу ҳаётнинг шундай маҳзун сири эдики, у бизда хоҳиш тугдиради-ю, аммо уни буткул қондиrolмайди. Муҳаббат инсон вужудида пайдо бўлади, лекин ҳеч қачон бу вужудда тугамайди. Ҳатто ҳамма нарса: инсон ҳам, муҳаббат ҳам, бахт ҳам, ҳаёт ҳам — бари тўла-тўқис бўлгани билан, аллақандай даҳшатли қонунга кўра, мудом камдай туюлаверади, булар нечоғли кўп кўринмасин, аслида жудаям оз. Мен ўгринча Патга кўз қирини ташладим. У кумуш ранг ялтироқ кўйлақда, очилиб-сочилиб, енгил одимлаб келарди, мен уни севардим, чақирганимда «йўқ» демасди, орамизга ҳеч нарса рахна сололмасди, биз эт билан тирноқ эдик, шу билан бирга, баъзан беармон кунларимизга сирли равишда туман ёпирилар ва бу кунлар буткул азобга айланарди, мен Патни бизга дахлдор ва дахлсиз ҳаётдан суғуриб ололмасдим, бу ҳаёт ўз ҳукмини ўтказарди, ўз нафаси ва бебақолигини, тўхтовсиз йўқлик сари кетаётган борлиқнинг даргумон шукуҳини, ҳис-туйғуларнинг омонат шарпасини кўндаланг қиларди... Бир нарсага эга бўлиш аслида йўқотишдир. Ҳеч қачон ҳеч нарсани тутиб қолиш мумкин эмас, ҳеч қачон! Жаранглаб турган вақт занжирини ҳеч қачон.

узиб бўлмади, ҳеч қачон безовталиқ оромга, изланиш — сукунатга айланмаган, тубанлашиш ҳеч қачон тўхтамаган. Мен Патни ҳатто тасодифий нарсалардан, танишувимизга қадар бўлган воқеа-ҳодисалардан, минглаб ўйлару хотиралардан, менгача уни шакллантирган барча икир-чикирлардан, ҳатто манови одамлардан ҳам айро қўёлмайман...

Овози синиқ аёл ёнимда ўтириб, бетиним гапирарди. Унга бир кечалик ёстиқдош, бировнинг бир парчагина ҳаёти керак эди. Шунда у андак таскин топган, бу дунёда «мен» ҳам, «сен» ҳам, «биз» ҳам — ҳеч нарса қолмаслигидан иборат даҳшатли ҳақиқатни унутган бўларди. Балки у ҳам мен қидираётган нарса-ни излаётгандир? Ёлғизликни, ҳаётнинг бемаънилигини унутиш учун ўзига йўлдош топиш умидида юргандир?

— Юринг, столга борайлик, — дедим унга. — Сиз хоҳлаётган нарса ҳам... мен ўйлаётган нарса ҳам... хомхаёл.

У менга тикилиб турди-да, бирдан бошини орқага ташлаб, хоҳлаб кулиб юборди.

Биз яна бир нечта ресторанга бордик. Бройернинг кайфи чоғ, бир гапириб ўн куларди. Патнинг эса бояги шашти сўнган. У менга савол бермас, мендан ўпкаламас, ҳеч нарсани сўраб-суриштирмасди, орамизда гўё унинг ўзи эмас, фақат сояси ўтиргандай эди. Баъзан рақсга тушганида қўғирчоқнамо, беўхшов қиёфалар оралаб сокин, чиройли, жажжи қайиқча сузиб юрганга ўхшарди; гоҳо у менга қараб жилмайиб қўярди.

Ис-тутунга тўла тунги маишатхоналарнинг деворлари ва одамларнинг башараси, гўё кимдир ифлос кафтини ишқалагандай, кулранг-сарғиш тусга кирганди. Мусиқа ҳам худди тобут қўйилган ойнаванд супача остидан чиқаётгандай. Тепакал қаҳва ичиб ўтирипти. Қўли калтакесакни эслатадиган аёл бир нуқтага тикилиб олган. Бройер ўлгудай ҳориб-чарчаган гулфурушдан бир даста атиргул сотволиб, Пат билан ҳалиги икки аёлга улашди. Энди лаб очган гунчалар қатида тиниқ томчилар йилтирарди.

— Юр, рақсга тушамиз, — деди менга Пат.

— Йўқ, — дедим, бугун унга бировнинг қўли текканини ўйлаб, — йўқ. — Ўзимни ниҳоятда гўл ва ночор сезардим.

— Бари бир тушамиз, — деди у ва кўз ўнги қоронғилашиб кетди.

— Йўқ, — жавоб бердим унга, — йўқ, Пат.

Ниҳоят, ресторандан чиқдик.

— Сизларни олиб бориб қўяман, — деди Бройер менга.

— Майли.

У ўриндиқда ётган қалин жун рўмолни Патнинг тиззасига ёпди. Бирдан Пат кўзимга жудаям рангпар ва ҳорғин кўриниб кетди. Пештахта олдида ёнимда ўтирган аёл хайрлаша туриб, чўнтагимга хат солиб қўйди. Ўзимни сезмаганликка олдим. Йўл бўйи ойнадан кўз узмадим. Пат қимир этмасди. Ҳатто нафаси

ҳам эшитилмасди. Бройер олдин Патникига келди. Яшаш жойи-ни билар экан. Пат мошинадан тушди. Бройер унинг қўлини ўпди.

— Яхши ётиб туринг, — деди у қизга қарамасдан.

— Сиз қаерда тушасиз? — деб сўради у мендан.

— Кейинги муюлишда.

— Унақаси йўқ, уйингизга ташлаб қўяман, — деди у шоша-пиша ва ўта назокат билан.

Бройер Патникига қайтиб келишимни хоҳламаётганди. Башарасига солгим келди. Ўзимни тийдим.

— Бўлмаса, «Фредди» қаҳвахонасига ҳайдай қолинг.

— Шу пайтда сизни у ерга киргизишадими? — сўради у ҳай-рон бўлиб.

— Ташвишланганингиз учун қуллуқ, — жавоб бердим мен. — Лекин кўнглингиз тўқ бўлсин, мени хоҳлаган жойимга киргизишаверади.

Шундай дедим-у, кейин афсусландим. Шу пайтгача у ўзини бас келиб бўлмайдиган майхўрдай сезаётганди. Ана шу таассуротни бузмаслигим керак эди.

Бройер билан Патга нисбатан ҳам илиқроқ хайрлашдим.

Қаҳвахона ҳали гавжум эди. Ленц билан Фердинанд аёллар кийими дўконининг соҳиби Больвис ва яна алақандай одамлар билан қарта ўйнашарди.

— Ўтир, — деди Готтфрид, — бугун қартабоп ҳаво бўляпти.

— Йўқ.

— Кўриб қўй, — деди у бир уюм пулга ишора қилиб. — Ҳалол ютдим. Қўлим кеп турипти.

— Майли, — дедим мен, — бир қўл ўйнаб кўрай-чи.

Иккита қиролга тўртта саллот олдим.

— Қойил! — дедим мен. — Бугун ростдан ҳам фирромларбоп ҳаво бўпти.

— Бунақа ҳаво ҳар доим бўлади, — деди Фердинанд сигарета узатиб.

Бу ерда қолиб кетаман деб ўйламагандим. Аммо энди ўзимни хотиржам сезардим. Гарчи кайфиятим яхши бўлмаса-да, қадр-дон бошпанамда ўтирардим.

— Ярим шиша ром бервор! — қичқирдим Фредга.

— Вино аралаштир, — деди Ленц.

— Йўқ, — эътироз билдирдим унга. — Тажриба қилиб ўтиришга вақтим йўқ. Тўйиб ичмоқчиман.

— Унда ширин ликёр буюр. Уришиб қолдингми?

— Эсимни ебманми!

— Ёлғон гапирма, жигарим. Севги сирларини сўв қилиб ичиб юборган отахонинг Ленцни алдама. «Ҳа» дегину ичавер.

— Аёл киши билан уришиб бўлмайди. Наридан борганда унга зарда қилишинг мумкин.

— Тавба. Кечаси соат учгача зарда қиладиган эркакни биринчи кўришим. Масалан, мен ҳаммаси билан уришиб чиққанман. Уришиб турмасанг, севгининг умри қисқа бўлади.

— Бўпти, — дедим унга. — Ким тарқатади?

— Сен, — деди Фердинанд Грау. — Назаримда, бошингга дунёнинг ғам-ташвиши тушганга ўхшайди, Робби. Парво қилма. Ҳаёт ранг-баранг, лекин мукамал эмас. Бири кам дунё, дейдилар. Иби, шунча ташвиш билан ҳам юлдузни бенарвон уриб кўйибсан-ку: иккита қирол бериш — бориб турган сурбетлик.

— Бир марта иккита қирол билан етти минг франкни босиб олганман, — деди Фред пештахта орқасидан.

— Швейцарияликми ё французларликми?

— Швейцарияликми.

— Бахтинг бор экан, — деди Готтфрид. — Агар французларнинг франки бўлганда ўйинни тўхтатишга ҳаққинг йўқ эди.

Яна бир соатча ўйнадик. Мен кўп ютдим. Больвис нуқул ютқизарди. Тўхтовсиз ичардим, ичганим сайин бошим қаттиқ оғрирди. Кайфим тарқамасди. Ичим ёниб кетаётганди.

— Бўлар энди, бирор нарса евол, — деди Ленц. — Фред, бунга бутерброд билан балиқ-малиқ опке. Пулни соп кўй, Робби.

— Яна бир қўлдан ташлайлик.

— Бўпти. Фақат охиргиси. Икки ҳиссадан отамизми?

— Албатта! — ҳамма барабарига маъқуллади.

Мен ўйлаб ўтирмай ўн чилик билан қирол устига учта қарта олдим: саллот, мотка ва туз. Шу қарталар билан кўлида тўртта саккизликни ушлаб ўтирган ва ганакни осмонга олиб чиқиб кўйган Больвисни ютдим. У сўкина-сўкина пулни санаб берди.

— Кўрдингми? — деди Ленц. — Қартабоп ҳаво мана бунақа бўлади!

Биз пештахта ёнига ўтдик. Больвис «Карл»ни суриштириб қолди. Кестер пойгада уни ортда қолдирганини сира унутолмасди. У «Карл»ни сотволиш фикридан ҳамон қайтмаганди.

— Оттодан сўра, — деди Ленц. — Лекин у ўнг қўлини кесиб сотса сотадики, мошинани сотмайди.

— Жа-а оширвординг! — деди Больвис.

— Сен бунақа нарсани тушунмайсан, йигирманчи асрнинг савдогар бачкиси.

Фердинанд Грау кулиб юборди. Унга Фред қўшилди. Кейин бошқалар ҳам хохолой бошлашди. Йигирманчи аср устидан кулмаган одам ўзини осиши керак. Лекин узоқ кулиб ҳам бўлмайди. Акс ҳолда охири вой бўлиши мумкин.

— Готтфрид, рақсга тушишни биласанми? — сўрадим ундан.

— Албатта. Қачонлардир рақс муаллими бўлганман-ку. Эсингдан чиқдими?

— Унутган... Унутгани яхши, — деди Фердинанд. — Боқий ёшликнинг сири мана шунда. Бизни хотиралар қаритади. Унутишни билмаймиз.

— Йўқ, — деди Ленц. — Биз ҳамиша ёмон нарсаларни унутамиз.

— Мениям ўргатасанми?

— Нимага — рақсгами? Бир кечада, азизим. Бор ташвишинг шуми?

— Ҳеч қанақа ташвишим йўқ, — дедим мен. — Бошим оғрияпти.

— Бу асримиз иллоти, Робби, — деди Фердинанд. — Ундан кўра бошсиз туғилганимиз яхши эди.

Мен «Интернационал» қаҳвахонасига ҳам кирдим. Алоис де-раза пардаларини туширмоқчи бўлиб турган экан.

— Ҳеч ким борми? — сўрадим ундан.

— Роза.

— Юр, қиттай-қиттай отайлик.

— Майли.

Роза пештахта ёнида ўтириб, қизчасига жун пайпоқ тўқирди. У менга кийимлар нухаси босилган журнални кўрсатиб, қизига камзулча тўқиб қўйганини айтди.

— Ишларинг қалай? — сўрадим ундан.

— Унчаликмас. Одамларда пул йўқ.

— Қарз бериб турайми? Мана — қартада ютдим.

— Текин топилган пул бахт келтиради, — деди Роза ва узатган пулимга туфлаб, чўнтагига солиб қўйди.

Алоис олдин учта, Фрицци келганидан сўнг, яна битта қадаҳ келтирди.

— Бўлар, — деди у кейин, — ўлгудай чарчадим.

У чироқни ўчирди. Кўчага чиқдик. Роза эшик олдида хайрлашди. Фрицци Алоиснинг тирсагидан ушлади. Улар ҳам кетишди. Фрицци энгил одимлар, Алоис япасқитавон бўлгани учун оёғини судраб босарди. Орқаларидан бир оз қараб турдим. Фрицци энгашиб, оқсоқланиб бораётган, исқирт қаҳвахона хизматчисини ўпди. Алоис лоқайдлик билан уни ўзидан нари итарди. Кейин бурилиб, узундан-узун, бўм-бўш кўчага, деразалари қорайиб турган уйларга, тунги совуқ осмонга қарадиму бирдан — сабабини билмайман, — Патни кўргим келиб кетди. Бу шунақа соғинч, шунақа интиқлик эдики, гўё биров обдан дўппослагандай, оёқда зўрға турардим. Шу тобда ўзимни ҳам, хатти-ҳаракатимни ҳам, бугунги оқшомни ҳам — ҳеч нарсани идрок этолмасдим.

Деворга суяниб, тош йўлга тикилдим. Нималар бўлди, нега ўзимни бунақа тутдим — тушунмасдим. Аммо ноҳақлигимни ичичимдан ҳис қилиб турардим. Зўрға тартибга солган ҳаётимни ўз қўлим билан чил-парчин қилдим. Мана шу ўй миямни аёвсиз пармаларди. Нима қиларимни билмасдим. Уйга боргим йўқ — борсам, баттар сиқиламан. Бирдан Альфонсни эсладим. Қаҳвахонаси ҳар доим очик. Ўша ёққа қараб кетдим. Эрталабгача қаҳвахонада ўтираман.

Альфонс мени кўриб, миқ этмади. Кўз қирини бир ташладию газетасини ўқийверди. Стол ёнига чўкдим. Қаҳвахонада ҳеч ким йўқ эди. Нукул Пат ҳақида ўйлардим. Қиёфаси кўз олдимдан

нари кетмасди. Кейин ресторандаги ҳар бир хатти-ҳаракатимни ипидан-игнасигача хотирамда тикладим. Ўзимни оқлайдиган бирор далил-исбот тополмадим. Айб буткул менда. Эсимни еб қўйибман. Столдан кўз узмасдим. Икки чаккам лўқилларди. Вужудимни бирдан алам ҳисси чулғаб олди. Ўзимдан нафратланиб кетдим. Ўзим, фақат ўзим ҳамма ишани барбод қилдим.

Кўққисдан шишанинг жаранглагани эшитилди. Олдимда турган қадаҳга мушт солиб, чил-чил қилган эдим.

— Топган эрмагингни қара-ю, — деди Альфонс ўрнидан туриб.

У қўлимдан шиша синиқларини олиб ташлади.

— Кечир, — дедим унга, — нима қилганимни билмайман.

Альфонс момик пахта билан малҳамли мато олиб келди.

— Бориб ухла, — деди у. — Ўзингга келасан.

— Хўп, — жавоб бердим мен. — Мана, ўзимга кеп қолдим.

Негадир ғазабим кўзиб кетди.

— Ғазабни ғазаб билан эмас, кулги билан енгиш керак, — деди Альфонс.

— Тўғри. Лекин айтишга осон.

— Машқ қилиш керак. Сизлар бош билан деворни тешмоқчи бўласизлар. Ҳечқиси йўқ, ўтиб кетадиган нарса.

У патефонни бураб, «Трубадур» операсидан «Мизерере» кўшиғи ёзилган пластинкани қўйди. Тонг отди.

Уйга йўл олдим. Шундан олдин Альфонс бир бокал ром қўйиб берди. Ичимлик дарров миямга урди. Кўча чайқала бошлади. Елкаларим қўрғошиндай зил-замбил эди. Хуллас, кечадан буён ичавериб, бўлганимча бўлган эдим.

Чўнтагимдаги калитни пайпаслаб, аста зинапоядан кўтарилла бошладим. Бирдан ним қоронғиликда бировнинг нафасини эшитдим. Энг тепадаги зинада кимнингдир ғира-шира шарпаси кўринди. Яна икки-уч зина кўтарилдим.

— Пат... — дедим кўзларимга ишонмай. — Пат... нима қилиб ўтирибсан?

У бошини кўтарди.

— Сал кўзим илинипти.

— Майли, лекин қанаққиб кеп қолдинг бу ерга?

— Кўча эшигининг калити бор-ку менда.

— Тўғри. Аммо... — Кайфим тарқаб кетди, мен сийқаси чиққан зинапояга, сувоғи кўчган деворга, Патнинг кумуш ранг кўйлагияю ихчам, ялтироқ туфлисига бир-бир нигоҳ ташладим. — Нима қилиб юрибсан бемаҳалда?

— Ўзим ҳам шунга ҳайронман...

Пат ўрнидан турди-да, худди ҳеч нарса бўлмагандай, тун бўйи зинапояда ўтириб чиқиш табиий ҳолдай, яйраб керишди.

— Ҳозир Ленц бўлганда: «Коньяк, вино, олча арағи, эрман арағи...», — дерди.

— Ромни ҳам қўшиб қўярди, — дедим дарров бўйнимга олиб. — Ўлай агар, бебаҳо қизсан, Пат мен бўлсам — қип-қизил аҳмоқман.

Эшикни очиб, уни йўлакдан кўтариб ўтдим. Пат, гўё ҳолдан тойган оққушдай, иккала қўлини бўйнимга ташлаб олган эди. Мен спирт ҳидини яшириш учун юзимни четга буриб нафас олардим. У кулиб турса ҳам, аъзойи бадани қалтирарди.

Креслога ўтқазиб, чироқни ёқдим, кейин адёлни олдим.

— Агар билганимда, Пат... қаҳвахонама-қаҳвахона изғиб юрмасдан... Эҳ, қандай тўнкаман-а... Альфонсинг олдидан кўнғироқ қилдим, деразанг тагида ҳуштак чалдим... ҳеч ким жавоб бермади... мен билан гаплашгинг йўқ, деб ўйлабман.

— Нега кузатганингдан кейин қайтиб келмадинг?

— Шунини ўйлабман.

— Хонаингнинг калитини ҳам бериб қўйсанг бўларкан, — деди у. — Шунда зинапояда кутиб ўтирмасдим.

Пат кулди, аммо лаблари кутиш титрарди; шунда ярим кечаси қайтиб келиш, эрталабгача зинапояда кутиш унинг учун осон бўлмаганини англаб етдим. Тагин мен билан бемалол, безарда гаплашиб ўтирипти...

Кўнглим изтиробга тўлди.

— Пат, — дедим шоша-пиша. — Пат, совқотибсан, иссиқроқ бирор нарса ичишинг керак. Орловнинг чироғи ёниқ. Ҳозир чиқиб келаман, русларда доим чой бўлади... тез қайтаман... — Мен типирчилаб қолдим. — Сира эсимдан чиқмайди бу сабоғинг, — қўшиб қўйдим чиқиб кета туриб, сўнг йўлакдан йўрғалаб кетдим.

Орлов уйғоқ экан. У хонанинг бурчагига қўйилган Момо Ҳаво сурати олдида ўтирарди. Суратни жинчироқ ёритиб турипти. Орловнинг кўзлари қизариб кетган. Стол устида кичкина самовар шақирляпти.

— Минг бор узр, — дедим мен, — кутилмаган иш бўп қолди, озгина чойингиздан беролмайсизми?

Руслар тасодифларга кўникиб кетишган. У икки стакан чой, қанд ва бир ликопча пирожка берди.

— Бировнинг ҳожатини чиқазсам, енгил тортаман, — деди у. — Сизга яна бир нарсани таклиф этишим мумкин... ўзим ҳам бунақа ҳолга кўп тушганман... уч-тўртта қаҳва донаси... чайнаворасиз...

— Миннатдорман, — дедим унга, — кўпдан-кўп раҳмат. Қаҳвани жон деб оламан.

— Яна бирор нарса керак бўлса... — деди у, шунда Орловнинг олижаноблигига қойил қолдим, — бемалол сўрайверинг, тортинманг...

Йўлакка чиқиб, қаҳва донасини оғзимга ташладим. Спиртнинг ҳидини олади. Пат чироқ ёнида ўтириб, юзига упа суртарди. Бир лаҳзагина остонада тўхтадим. Пат кичкина кўзгуга тикилганча момик пахтани чаккаларига босарди. Тўлқинланиб кетдим.

— Иссиғида ичвол.

У стаканни олди. Мен кузатиб турдим.

— Ҳайронман, Пат, мени нима жин урди...

— Нималигини биламан, — деди у.

— Шунақами? Мен билмайман.

— Шарт эмас, Робби. Шусиз ҳам кўп нарсани биласан, чинакам бахтли бўлиш учун етиб ортади.

— Эҳтимол, — жавоб бердим унга. — Лекин танишганимиздан бери тобора енгилтабиат бўлиб кетяпман. Бунақа бўлиш керакмас-да.

— Йўқ, шунақа бўлиш керак! Бу тобора ақлли бўлиб кетишдан афзалроқ.

— Қайдам, — дедим мен. — Мени қийин вазиятдан олиб чиқиб кетишга устасан. Балки бу масалада ўз нуқтаи назаринг бордир.

Пат стаканни столга қўйди. Мен каравотга суяниб турардим. Назаримда уйга олис, машаққатли саёҳатдан қайтиб келгандай эдим.

Қушларнинг чуғур-чуғури бошланди. Кўча эшиги очилиб-ёпилди. Бу етимхона ҳамшираси фрау Бендер. Ҳадемай ошхонада Фрида пайдо бўлади, ана унда бу ердан сездирмай чиқиб кетишимиз амри маҳол. Пат ухлаб ётипти. Бир маромда чуқур ва силлиқ нафас оляпти. Уйғотишга кўзим қиймаяпти... Лекин бошқа иложи йўқ.

— Пат...

У бир гўлдиради-ю, уйғонмади.

— Пат... — Мен дунёдаги барча ижарахоналарга лаънат ўқидим. — Пат, тура қол. Кийинишингга ёрдамлашвораман?

У кўзларини очиб, жилмайди; ҳали уйқуси тарқамаганди. Уйғонган пайтидаги қувончи ҳамма вақт мени таажжублантирар, айни пайтда, шу ҳолати менга жудаям ёқарди. Ўзим уйғонганимдан ҳеч қачон хурсанд бўлмаганман.

— Пат... фрау Залевски тишини қайраб турипти.

— Бугун сеникида қоламан.

— Шу ерда-я?

— Ҳа.

— Жуда соз... лекин нарсаларинг... туфлинг, кечки кўйлагинг...

— Шунинг учун кечгача қоламан.

— Уйингдагилар...

— Қўнғироқ қилиб қўямиз.

— Яхши. Қорнинг очдими?

— Йўқ ҳали.

— Ҳар эҳтимолга бир қўшалок иссиқ булочка келтириб қўяй. Сотувчи кажавани кўча эшигига илиб кетди. Улгураман.

Қайтиб келганимда Пат дераза олдида турарди. Оёғида фақат ялтироқ туфлиси. Елкасига тушиб турган тонг шуъласи худди майин ипак матога ўхшайди.

— Кечаги кунни унутамиз, Пат, хўпми? — дедим унга.

Пат мен томонга қарамасдан бош силкиди.

— Бошқа одамлар билан учрашмай қўя қоламиз. Шунда дил-сиёҳлик ҳам, рашк талвасаси ҳам бўлмайди. Ҳақиқий севги ёт кишиларни ҳазм қилолмайди. Бройер ўша улфатлари билан биздан нарироқ юраверсин.

— Тўғри, — деди Пат, — шу жумладан, Маркович ҳам.

— Маркович? Ким у?

— «Шаршара»да сенинг ёнингда ўтирган аёл.

— Э-ҳа, — дедиму негадир севиниб кетдим. — Тўппа-тўғри, у ҳам даф бўлсин.

Мен чўнтагимдаги нарсаларни олиб, столга қўйдим.

— Кўриб қўй. Тунги азобларим кўпам бефойда бўлмади. Қартада шунча пул ютдим. Бугун кечқурун бир майшат қиламиз, бўптими? Фақат ўзимиз, бегоналарсиз. Улар биз учун энди йўқ, тўғрими?

Пат бош силкиди.

Қуёш касаба уюшмалари биносининг томига тирмаша бошлади. Дераза ойналари ярқираб кетди. Патнинг сочлари нурга тўлди, елкалари тилла рангига кирди.

— Кеча Бройер ҳақида нима деган эдинг? Яъни, касби тўғрисида.

— У меъмор.

— Меъмор, — такрорладим андак таассуф билан.

Менга қолса, ҳеч ким бўлмагани тузук эди.

— Меъмор бўлса ўзига, шунга ҳам ота гўри қозихонами, нима дединг, Пат?

— Тўғри, азизим.

— Бўлса бўпти-да.

— Ҳақ гап, — деди Пат қатъий оҳангда ва менга қараб кулиб юборди. — Меъмор бўлса бўлар, бизга нима! Ипириқчи бир одам-да!

— Хонам ҳам унчалик ёмонмас, тўғрими, Пат? Албатта, бошқаларники бундан яхшироқ...

— Хонанг зўр! — гапимни бўлди Пат. — Хонанг ажойиб, азизим, бундан зиёд хонани кўрмаганман.

— Ўзим эса... тўғри, камчиликларим бор... ундан ташқари, бор-йўғи таксичиман, аммо...

— Сен мен учун энг суякли одамсан, булочка ўғирлайсан, ром ичасан. Сен — беназирсан!

У бўйнимга осилди.

— Вой, тентаквойим-ей, яшаш қандай яхши!

— Фақат сен билан Пат. Рост... фақат сен билан!

Борлиққа оппоқ, шаффоф тонг ёйилди. Пастда, қабр тошлари устида юпқа туман сузарди. Дарахт таналари қуёш нурига ботган. Уйларнинг мўриларидан тутун ўрляпти. Газетафурушларнинг бақирик-чақириклари эшитила бошлади. Эрталабки

уйқуга ташладик, аммо бу уйқу эмас — ўнгдаги туш эди, бир-биримизни қучиб ётарканмиз, нафасларимиз омухта бўлиб кетган, биз олис-олисларда парвоз қилардик... Кейин, соат тўққизларда, олдин Буркхорднинг махфий маслаҳатчиси сифатида шахсан подполковник Эгберт фон Гакега қўнғироқ қилдим. Сўнг Ленцдан менинг ўрнимга эрталабки рейсга чиқишни сўрадим.

У дарров гапимни бўлди:

— Кўрдингми, бўталоғим, Готтфрид отанг бекорга инсон қалби инжиқликларининг билағони саналмайди. Илтимос қилишингни кўнглим сезувди. Омад тилайман, ҳаваскор ошиқ!

— Ўчир, — дедим энгил тортиб, кейин ошхонага чиқиб, тобим йўқ, тушгача ётаман, деб келдим. Аммо тушгача фрау Залевскининг хужумини уч марта қайтаришга тўғри келди. Бир гал мойчечак қайнатмасини, бир гал аспирини, охири сафар эса яна аллақандай дорини кўтариб, хонамга кирмоқчи бўлди. Патни ваннахонага яшириб қутулдим. Ҳартугул, бошқа ҳеч ким безовта қилмади.

XIV

Бир ҳафтадан сўнг кутилмаганда устахонамизга фордини миниб, новвой келиб қолди.

— Қани, чиқ-чи, Робби, — деди Ленц деразадан хўмрайиб қараб. — Тагин бир ғалвани бошлаб келган бўлмасин.

Новвойнинг авзойи бузуқ эди.

— Мошинага бирор гап бўлдими? — сўрадим ундан.

У бош чайқади.

— Аксинча. Мошина зўр. Янгисидан қолишмайди.

— Албатта, — шундай дедиму савол назари билан қараб туравердим.

— Гап шундаки... — деди у, — гап шундаки... мошинани ўзгартирмоқчиман, каттароғига... У атрофга аланглади. — Шу ерда кадиллакни кўрувдим.

Ниятини англадим. Қора кўз аёл ҳол-жонига қўймаган.

— Э, кадиллакми? — дедим ўйчан қиёфада. — Ўшанда олиш керак эди-да. Зўр мошина эди. Сотвордик етти минг маркага. Ярим баҳосига кетди!

— Жа унчаликмасдир...

— Ишонаверинг, ярим баҳосига кетди, — шундай дедиму бу ёғига нима қилишни ўйлаб қолдим. — Мен бир суриштириб кўрай-чи, — давом этдим кейин. — Балки мошинани харид қилган одам ҳозир пулга муҳтож бўлиб тургандир. Шунақаси ҳам бўлади-ку. Айниқса, бизнинг замонда. Бир минутга.

Устахонага кириб, воқсани гапириб бердим. Готтфрид ўрнидан сапчиб турди.

— Йигитлар, дарров эски кадиллак топишимиз керак.

— Бу ёғини менга қўйиб бер, сен новвойни гапга солиб тур, — дедим унга.

— Бўпти! — Готтфрид чиқиб кетди.

Блюменталга қўнғироқ қилдим. Бирор иш чиқишига кўзим етмасди-ю, лекин бир уриниб кўриш ош-нон сўрамайди. У идорасида экан.

— Кадиллакни сотмайсизми? — дедим дабдурустан.

У кулиб юборди.

— Ҳаридор топдим, — давом этдим мен. — Пулини нақд тўлайди.

— Нақд тўлайди, денг... — такрорлади Блюменталь андак сукутдан сўнг. — Шу кунда бу сўзлар мусаффо шеъриятдай янграйди.

— Мен ҳам шу фикрдаман, — дедим унга ва бирдан тетиклашиб кетдим. — Хўш, гаплашамизми?

— Гаплашсак гаплашаверамиз, — деди Блюменталь.

— Бўпти. Қачон учрашамиз?

— Бугун кундузи вақтим бор. Масалан, соат иккиларда, идорада.

— Келишдик.

Гўшакни қўйдим.

— Отто, — дедим Кестерга, ўпкамни аранг босиб. — Сира кутмагандим, кадиллак қайтиб келадиганга ўхшайди!

— Ростданми? Сотмоқчими?

Бош силкиб, деразадан қарадим: Ленц новвойга бир нималарни уқтираётганди.

— Ишни пачава қилади, — дедим безовталаниб. — Кўп гапиряпти. Новвой шубҳа-гумоннинг уяси. Уни гапирмай ишонтириш керак. Ўзим чиқаман.

Кестер кулди.

— Омад ёр бўлсин, Робби.

Унга кўз қисиб, ҳовлига чиқдим. Чиқдим-у, кулоқларимга ишонмадим. — Готтфрид кадиллакка элдан бурун мадҳия ўқишни хаёлига ҳам келтирмас, у новвойга Жанубий Америка ҳиндуларининг зогора ёпиш усулларини ҳикоя қиларди. Унга миннатдорона кўз ташлаб, новвойга юзландим:

— Афсуски, у одам мошинани сотмоқчи эмас...

— Билувдим, — деди Ленц шоша-пиша, худди иккаламиз келишиб олгандай.

Елкамни қисдим.

— Начора... Лекин уни ҳам тушунса бўлади...

Новвой хомуш тортиб қолди. Ленига қарадим.

— Яна бир гаплашиб кўрмайсизми? — деди у шу заҳоти.

— Чиқмаган жондан умид, — жавоб бердим унга. — Ҳар ҳолда бугун тушдан кейин учрашишга розилигини олдим. Сизни қаердан топаман? — сўрадим новвойдан.

— Соат тўртда шу томонга йўлим тушади. Кириб ўтаман.

— Жуда соз. Унгача аниғини билиб қўяман. Ажабмас ишингиз битиб кетса.

Новвой бош ирғади. Сўнг фордига ўтириб, жўнаб кетди.

— Эсинг жойидами? — жиғибийрон бўлди Ленц, мошина ҳовлидан чиқиши билан. — Мен уни минг машаққат билан ушлаб турувдим, келдингу қўлдан чиқазвординг.

— Мантиқ ва аҳволи руҳия, азизим Готтфрид! — унинг елкасига қоқдим. — Сен бу нарсаларни тушунмайсан.

У қўлимни силтаб ташлади.

— Аҳволи руҳиямиш... — деди у энсаси қотиб. — Энг яхши аҳволи руҳия — қулай фурсат! Сен шундай фурсатни бой бердинг! Новвой энди қайтиб келмайди.

— Соат тўртда шу ерда бўлади.

Готтфрид менга ачингандай қаради.

— Гаров ўйнаймиз, — деди у.

— Бўпти. Лекин ютқизасан. Уни сендан яхши биламан! У парвонадай ўзини оловга уришни хуш қўради. Қолаверса, ҳали қўлимизга тегмаган нарсани сотолмайман-ку.

— Ё тавба! Топган гапинг шу бўлдим, бўталоғим! — хитоб қилди Готтфрид бошини чайқаб. — Ҳеч қачон одам бўлмайсан. Яшайдиган пайтимиз энди келяпти-ку. Юр, ҳозирги замон иқтисодиётидан текинга маъруза ўқиб бераман.

Блюменталнинг идорасига қараб жўнадим. Йўл-йўлакай ўзимни қари бўрини зиёрат қилгани бораётган кўзичоққа ўхшатардим. Офтоб асфальтни қиздириб юборган, ундан кўра ҳам, Блюменталь мени сихга тортмаса гўрга эди, деган ўй кўпроқ азоб берарди. Энг муҳими, ташаббусни қўлдан бермаслик керак.

— Жаноб Блюменталь, — деб гап бошладим кабинет остонасидан ҳатлабоқ, — яхши бир таклиф билан келдим. Сиз кадиллакни беш минг беш юз маркага олгансиз. Мен сизга олти минг бераман, фақат сотолсам. Бу масала кечкурун ҳал бўлиши керак.

Блюменталь ёзув столи ортида олма еб ўтирарди. Шу гапимдан кейин чайнашдан тўхтаб, менга тикилиб қаради.

— Майли, — деди у бир оздан сўнг, кейин яна олмага ёпишди.

Пўчоқни кажавага ташлагунча кутиб турдим.

— Демак, розисиз, а?

— Бир минутга! — У стол ғаладонидан яна битта олма олиб, карсиллатиб тишлади. — Ейсизми?

— Раҳмат, ҳозир эмас.

— Олма еб туриш керак, жаноб Локамп! Олма умрни узайтиради. Кунига уч-тўртта олма есангиз — дўхтирнинг кераги бўлмайди!

— Қўлим синиб қолса-чи?

Блюменталь кулимсиради, иккинчи пўчоқни ҳам кажавага ташлаб, ўрнидан турди.

— Қўлни синдирмаслиқ керак!

— Яхши маслаҳат, — дедиму ўйланиб қолдим: бу ёғи нима бўларкин? Олма мавзуси шубҳали туюлди.

У сигарета қутисини олиб, чекишни таклиф этди. Бу менга таниш «Коронас» эди.

— Чекиш ҳам умримни узайтирадимми? — сўрадим ундан.

— Йўқ, қисқартиради. Кейин олма уни бараварлаштиради. — Блюменталь оғзидан тутун пуркаб, бошини орқага ташлади ва менга, худди ўй сураётган қушдай, ер остидан қаради. — Ҳамма нарса мутаносиб бўлиши лозим — ҳаётнинг сири мана шунда.

— Буни уддалаш керак.

У жилмайди.

— Гап шунда-да, уддалай билиш керак. Тушликдан кейин мана шунақа ҳаёлларга берилиб кетаман.

— Айни ҳаёл сурадиган пайт, — дедим мен. — Демак, кадиллак масаласида ҳам мутаносибликка эришамиз, шундайми?

У қўлини кўтарди.

— Бир дақиқа...

Мен каминани камтарин қабилида бош эгдим. Блюменталь ҳолатимни кўриб, кулиб юборди.

— Йўқ, мени тушунмадингиз! Сизга қойил қолганимни айтмоқчи эдим. Гапнинг пўс калласини гапириб, мени доводиратиб қўйдингиз. Мен нимани кутганимни биласизми?

— Аввалига тўрт минг беш юз марка таклиф қилишимни.

— Тўппа-тўғри! Лекин мен бунга кўнмасдим. Ахир, мошинани етти минг маркага сотмоқчисиз-ку, тўғрими?

Эҳтиёти шарт елкамни қисдим.

— Нима учун айнан етти минг?

— Чунки бошда ҳам менга шу нархни айтгансиз.

— Хотирангиз чаккимас, — дедим мен.

— Рақамларга. Фақат рақамларга. Минг афсус. Хуллас, бор барака: олинг мошинани олти мингга!

Қўл ташлашдик.

— Худога шукур, — дедим мен енгил тортиб. — Узоқ танаффусдан кейинги биринчи битим. Кадиллак биз учун ҳосиятли чиқиб қолди.

— Мен учун ҳам, — деди Блюменталь. — Ахир, мен ҳам беш юз марка ишлаб қоляпман.

— Рост. Дарвоқе, нега мошинани бунчалик тез сотиб юборяпсиз? Ёқмадимми?

— Ирими бор, — деди у. — Озгина бўлса ҳам фойда чиқади-ган ҳар қандай битимни рад этмайман.

— Яхши ирим экан, — дедим мен.

Блюменталь ялтироқ бошини чайқайди.

— Сиз ишонмайсиз, лекин чакки қиласиз. Бошқа ишларга қусури тегмаслиги учун шундай қиламан. Бизнинг давримизда фойдали битимни бой бериш — тақдир билан ўйнашишдай гап. Ҳозир ҳеч ким бунақа нодонлик қилмайди.

Соат тўрт яримда Ленц, менга сигир қараш қилиб, столга бўш шишани қўйди.

— Қани, энди буни тўлдириб қуй, бўталоғим! Гаров ўйнаганимиз эсингдами?

— Эсимда, — дедим мен, — лекин ҳали вақт бор.

У кўзимга соатини тутди.

— Тўрт ярим. Нима қипти? Кечикиши мумкин-ку. Бўпти, гаров шартини ўзгартирамиз — ютқизсам, бир шишанга икки шиша қўяман.

— Розиман, — деди тантанали овозда Готтфрид. — Демак, тўрт шиша жин оламан. Сен бой берилган истеҳқомда қаҳрамонлик қиялсан. Таҳсинга сазовор, лекин ғирт аҳмоқлик.

— Кўрамиз...

Ўзимни дадил тутардим-у, аммо ичимни ит тирнарди. Новвойнинг қайтиб келишига ишонмаётгандим. Боя кеткизмаслик керак эди. У жудаям ишончсиз одам.

Соат бешда ёнимиздаги кўрпа-ёстиқ жилдлари тайёрлайдиган фабрика гудоқ чалди. Готтфрид индамай олдимга яна учта бўш шиша қўйди. Кейин деразага суяниб, кўзини лўқ қилиб тураверди.

— Негадир томоғим тақиллаб кетяпти, — деди у маънодор оҳангда.

Шу пайт кўчада форднинг таниш шовқини эшитилиб, ҳовлига новвойнинг мошинаси кириб келди.

— Томоғинг тақиллаётган бўлса, азизим Готтфрид, — дедим виқор билан, — дарров дўконга чопқиллаб бориб, мен ютган икки шиша ромни олиб кел. Майли, текинга бир қултум қуйиб бераман. Новвойни кўряпсанми? Аҳволи руҳия, болакайим! Энди бўш шишаларни йўқот бу ердан! Кейин таксига ўтириб, овга жўнайвер. Бошқа нозик ишларга ҳали ёшлиқ қиласан. Омон бўл, кўзичоғим!

Новвойнинг олдига чиқиб, иш бунинг фойдасига ҳал бўлаётганини айтдим. Тўғри, собиқ мижозимиз етти ярим минг марка сўраяпти, лекин нақд пулни кўрса, еттитага ҳам бервориши мумкин, дедим.

Новвой гапларимни фаромуш бир ҳолатда эшитди. Шундан хавотирланиб қолдим.

— Соат олтида ўша одамга яна кўнғироқ қиламан, — дедим ниҳоят.

— Олтида? — новвой сергакланди. — Э, соат олтида... — У менга қаради. — Бирга бормаймизми?

— Қаёққа? — сўрадим ҳайрон бўлиб.

— Рассом дўстингизникига. Сурат тайёр бўпти.

— Ҳа-а, Фердинанд Грауникига денг...

У бош силкиди.

— Бирга борайлик. Мошина тўғрисида кейин гаплашаварамиз.

Афтидан, Фердинанднинг олдига менсиз боргиси йўқ эди. Ўз навбатида, уни қўлдан чиқазмасликдан мен ҳам манфаатдор эдим. Шунинг учун таклифини рад этмадим:

— Бўпти, борсак бораверамиз.

Фердинанднинг кўриниши бир аҳволда эди. Ранги сўлгин, юз териси осилиб, бужмайиб кетган. У бизни остонада кутиб олди. Новвой унга рўйхушсиз кўз қирини ташлади. У негадир хаяжонланарди.

— Сурат қани? — деб сўради ичкарига киришимиз биланоқ.

Фердинанд дераза томонга ишора қилди. У ерда дастгоҳга ўрнатилган сурат турарди. Новвой шошиб бориб, суратнинг рўпарасида қотди-қолди. Салдан кейин шляпасини ечди.

Фердинанд икковимиз ҳамон эшик олдида турардик.

— Ишларинг қалай, Фердинанд?

У беҳафсала қўл силкиб қўйди.

— Бирор гап бўлдими?

— Нима бўлиши мумкин?

— Кўринишинг яхшимас.

— Шу холосми?

— Ҳа, — дедим мен, — бор-йўғи шу...

У елкамга вазмин кафтини қўйиб, жилмайди. Шу туришида қари арслонни эслатарди.

Салдан кейин новвойнинг ёнига бордик. Сурат ҳақиқатан ҳам яхши чиққан эди. Сарғайиб кетган, марҳума ғамгин қиёфада тушган хира расмларга қараб, Фердинанд анча ёш, дуркун бир жувоннинг суратини чизганди. Аёл жиддий, андак маъюс нигоҳ билан қараб турарди.

— Ҳа, — деди новвой бизга қарамай, — ўхшатибсиз. — Бу сўзни у ўзига айтгандай туюлди, бинобарин, овозини ўзи ҳам эшитмаган бўлса ажабмас.

— Қоронғилик қилмаяптими? — сўради Фердинанд.

Новвой жавоб бермади.

Фердинанд дастгоҳни дераза томонга сал буриб қўйди. Кейин орқароққа ўтиб, ишора билан мени устахона ёнидаги чоғроққина хонага таклиф қилди.

— Бунақа бўлишини сира кутмагандим, — деди Фердинанд таажжубланиб. — Ўн фоиз чегирма таъсир қилганга ўхшайди. У йиғлапти...

— Ҳар қандай одамга таъсир қилади, — жавоб бердим мен. — Лекин новвойнинг кўзи кеч очилди.

— Анча кеч, — деди Фердинанд, — ҳар дам ҳамма нарса кеч содир бўлади. Ҳаёт шунақа, Робби.

У хонада аста у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

— Майли, новвой бир оз ёлғиз қолсин, биз шоҳмот ўйнаймиз.

— Ажойиб феълинг бор-да, — дедим унга.

Фердинанд тўхтади.

— Ҳозир феълнинг алоқаси йўқ. Унга бари бир ёрдам беролмаймиз. Нуқул маҳзун нарсалар хусусида ўйланадиган бўлса, бу дунёда ҳеч кимнинг кулишга ҳаққи қолмайди.

— Сен ҳақсан, — дедим мен. — Ке, ўйнасак ўйнай қолайлик.

Доналарни тикиб, ўйинни бошладик. Фердинанд осонгина ютди. Шоҳни қимирлатмасдан, фақат рух билан филни ишга солиб, бир зумда мени мот қилди.

— Қойил! — дедим унга. — Кўринишингдан уч кун ухламаган одамга ўхшайсан, лекин ўйиннинг денгиз қароқчисини эслатади.

— Дилгир пайтимда ҳар доим яхши ўйнайман, — жавоб берди Фердинанд.

— Нега дилгирсан?

— Чунки қоронғи тушяпти. Бамаъни одам кечга яқин ҳамиша дилгир бўлиб қолади. Унга бошқа сабабнинг кераги йўқ. Шунчаки... дилгир бўлади-қолади...

— Агар ёлғиз бўлса, шундайми?

— Албатта. Завол пайти. Ёлғизлик онлари. Айниқса, коньяк лаззатли туюладиган дақиқаларда.

У шиша билан қадаҳларни олди.

— Новвойнинг олдига чиқмаймизми? — сўрадим мен.

— Ҳозир. — У коньяк қуйди. — Сенинг соғлигинга, Робби, ҳаммамиз қачонлардир ўлишимиз учун!

— Омон бўл, Фердинанд! Ҳозирча ерни тепкилаб юрганимиз учун!

— Ҳаётимиз қилда осилиб турган пайтлар кўп бўлди, аммо биз омон қолдик. Мана шунинг учун ҳам ичамиз.

— Олдик.

Биз устахонага қайтиб чиқдик. Қоронғи туша бошлади. Новвой қунишганча ҳануз сурат олдида турарди. Уни қайғу шу қадар абгор қилиб ташлагандики, ҳайҳотдай устахонада жуссаси баттар кичрайиб кетгандай туюларди.

— Суратни ўраб берайми? — сўради Фердинанд.

Новвой сесканди.

— Йўқ...

— Бўлмаса, эртага жўнатвораман.

— Ҳозирча шу ерда қолдиришнинг иложи йўқми? — сўради новвой умидворлик билан.

— Нима кераги бор? — деди Фердинанд ажабланиб ва унга яқинроқ борди. — Ёқмадимми?

— Ёқди... Вақтинча шу ерда тура турсин дегандим-да.

— Тушунмадим.

Новвой менга ёлворгандай қаради. Сездимки, суратни қора соч аёл яшаётган уйга осиб қўйишдан чўцияпти.

Эҳтимол, бу марҳума олдидаги қўрқувдир.

— Менга қара, Фердинанд, — дедим унга, — пули тўланса, қаерда турди — нима фарқи бор?

— Ҳа, тўғри...

Новвой енгил тортиб, чўнтагидан чек дафтарчасини чиқазди. Икковлари стол ёнига боришди.

— Сизга яна тўрт юз марка беришим керак, шундайми?

— Тўрт юз йигирма, — деди Фердинанд, — ўн фоиз чегириб ташлаганим учун. Тилхат ёзиб берайми?

— Майли, — деди новвой, кўнгил тўқ бўлади-да.

Фердинанд индамай тилхатни ёзиб бериб, шу заҳоти чекни олди. Мен дераза ёнида турганча беихтиёр хонага яна кўз ташладим. Фира-шира қоронғиликда олиб кетилмаган ва пули тўланмаган чехралар зарҳал рамкаларда осиглиқ турарди. Гўё нариги дунёдан келиб қолган арвоҳлар жонсиз нигоҳ билан ҳадемай ўз сафларига қўшиладиган аёлга мунғайиб қарашарди. Кечки шафақ аёл қиёфасига ҳаётнинг сўнги шуъласини сочарди. Ҳамма нарса — стол устига энгашиб олган икки эркак ҳам, узун-қисқа соялар ва кўпдан-кўп гунгу лол суратлар ҳам бари гайриоддий.

Новвой дераза ёнига қайтди. Жияклари қизарган кўзлари худди шиша соққаларга ўхшайди, оғзи ним очик, пастки лаби осилиб турганидан сарғиш тишлари очилиб қолган. Унга қараб ҳам кулгим қистади, ҳам ичим ачиди. Юқори қаватда кимдир пианинони тингиллата бошлади. Энди ўрганаётган одам шекилли, оҳанглар бетартиб чиқар, қулоқни қоматга келтирарди. Фердинанд стол ёнида туриб, сигара тутатди. Гугурт олови юзини ёритди. Қизғиш шуъладан ним қоронғи устахона бирдан кенгайиб кетгандай бўлди.

— Суратга сал ўзгартиш киритса бўладими? — сўради новвой. Фердинанд яқинроқ борди. Новвой тақинчоқни кўрсатди.

— Шунини олиб ташлашнинг иложи йўқми?

У каттақон тилла тўғнағични айтаётганди. Уни чизишни ўзи илтимос қилганди.

— Иложи бор, — деди Фердинанд, — тўғнағич юзнинг тароватини идрок этишга халал беряпти. Буни олиб ташласак, сурат янаям очилади.

— Мен ҳам шу фикрдаман, — новвой бир оз ўйланиб турди. — Қанча тўлашим керак?

Биз Фердинанд билан кўз уриштириб олдик.

— Кераги йўқ, — деди Фердинанд чин кўнгилдан. — Қайтанга мен сизга пулнинг бир қисмини қайтаришим керак, ахир суратда бир нарса камайяпти-ку.

Новвой иккиланиб қолди. Назаримда, пулни олгиси бордай. Кейин, ҳартугул, инсофга келди:

— Йўқ, олмайман... ахир, сиз уни чизгансиз-ку.

— Бу гап ҳам тўғри...

Биз кетдик. Зинапоядан тушаётганда новвойнинг букчайган қадамини қараб, раҳиман келди. Боя Фердинанд суратдаги тўғнағич масаласида уни қалака қилганида виждони уйғонганидан андак таъсирланган эдим. Кайфияти ёмонлигини сезиб турганим учун

шу тобда кадиллакни ўртага суқишни эп кўрмаётгандим. Аммо кейин ўйлаб қолдим: унинг марҳума хотинига бу қадар обидийда қилиши уйда анови қора соч мегажиннинг яшаётгани важдан, холос. Бу фикр менга далда берди.

— Ҳалиги масалани уйда гаплашамиз, — деди новвой, кўчага чиққанимиздан сўнг.

Индамай бош ирғадим. Менга ҳам шуниси маъқул эди. Тўғри, новвой уйда ўзини дадилроқ сезишини ўйлаётганди, мен бўлсам, ўйнашининг мададидан умидвор эдим.

Аёл бизни эшик олдида кутиб турарди.

— Самимий табригимни қабул қилгайсиз, — дедим мен, новвой оғиз очмасидан.

— Нима гап? — сўради у қарашма билан қараб.

— Кадиллакли бўлдингиз, — дедим пинагимни бузмай.

— Вой, бебаҳо хазинам! — У новвойнинг бўйнига осилволди.

— Лекин ҳали... — У аёлнинг қучоғидан чиқиб, гап нимадалигини тушунтирмоқчи бўлди. Аммо ўйнаши бўш келмади. Оёқларини типирлатиб, новвой билан бир ерда гир айланар, оғиз очгани қўймасди. Кўз ўнгимдан гоҳ аёлнинг муғомбир чехраси, гоҳ ун қуртининг калласи лип-лип ўтиб турарди.

Новвой бир амаллаб ўйнашининг исканжасидан халос бўлди.

— Ҳали келишганимиз йўқ, — деди у ҳансираб.

— Келишганмиз, — дедим ҳеч иккиланмай. — Келишганмиз! Майли, уни беш юзидан кечишга кўндираман, етти минг марка тўласангиз бас, бошқа гап йўқ! Розимисиз?

— Албатта, — деди шоша-пиша. — Қиммат эмас, жонгинам.

— Жим бўл! — Новвой қўлини кўтарди.

— Яна нима бўлди? — ўдағайлади аёл. — Ўзинг, оламиз, деган эдинг-ку, энди нега орқага ташляпсан?

— Олади, — баҳсга аралашдим мен, — ҳаммасини келишиб қўйганмиз...

— Ана кўрдингми, азизим? Нега гапингдан қайтасан? — У новвойга яна ёпишди. Новвой типирчилаб, ўзини қора сочнинг бағридан бўшатишга уринар, типирчилагани сайин ўйнаши таранг кўксини унинг елкасига баттар ишқаларди. Сал ўтмай, новвой бўшаши қолди.

— Форд-чи? — деди у.

— Уни ҳам пулга чақамиз.

— Тўрт минг марка...

— Эди... шундайми? — дедим мулойимлик билан.

— Йўқ, форд тўрт минг маркага баҳоланиб, кадиллакнинг нархидан чегириб ташланиши керак, — деди новвой паст тушмай, у хийла ўзини ўнглаб олган, энди хужумга ўтишни мўлжаллаётган эди. — Мошина яп-янги...

— Янги эмиш... — дедим мен. — Қанақа таъмирланганини биласизми?

— Эрталаб ўзингиз шундай дедингиз-ку.

— Эрталаб шундай деган бўлсам, бошқа нарсани назарда тутганман. Янгидан янгининг фарқи бор. «Янги» деган сўз харид қилаётганингизда бошқа, сотаётганингизда бошқа маъно касб этади. Фордингизни тўрт минг маркага баҳолаш учун қанотлари соф олтидан бўлиши керак.

— Тўрт минг марка — бир тийин ками йўқ, — деди новвой чўрт кесиб. Энди у аввалги ўжар новвойга айланганди; назаримда, боя Фердинанднинг олдида чеккан изтиробларининг ўчини олмоқчига ўхшайди.

— Унда менга рухсат! — дедим, кейин аёлга мурожаат қилдим: — Минг афсус, бекам, лекин мен зарар келтирадиган ишни қилолмайман. Кадиллакдан бизга ҳеч нарса тегмайди, шунинг учун эски фордни бунақа юқори нархга чақиб, пул ўрнида қабул қилолмаймиз. Хайр...

Аёл қўлимга ёпишди. Кўзларидан ўт чақнарди. Кейин новвойни талаб кетди.

— Юз марта айтувдинг-ку форд бир тийинга қиммат деб! — вижиллади у пировардида кўзларига ёш олиб.

— Икки минг марка, — дедим мен. — Икки минг марка, шунда ҳам биз ўз оёғимизга болта урган бўламиз.

Новвой миқ этмади.

— Гапирсанг-чи! Оғзинга талқон солволганмисан?! — деди қорасоч жигибийрон бўлиб.

— Жаноблар! — дедим мен. — Бориб, кадиллакни олиб келай. Унгача икковларинг бир қарорга келарсизлар.

Шу тобда ортиқчалигимни сезиб қолдим. Бу ёғини қорасочнинг ўзи қотиради.

Бир соатдан кейин кадиллакни миниб келдим. Ичкарига кирибоқ, баҳс жўнгина ҳал бўлганини фаҳмладим. Новвой афтодаҳол, эгнига тўшак парлари ёпишган, қорасоч эса, аксинча, боягидан ҳам очилиб кетган, икки кўкраги селкиллар, тўйинган юзида хоинона, сирли табассум ўйнарди. У қоматига ёпишиб турган юпқа шойи кўйлак кийиб олганди. Пайт пойлаб, менга кўзини қисиб қўйди. Сездимки, иш пишган. Энди мошинанинг қандай юришини кўрсатишим керак эди. Пастга тушдик. Қорасоч орқа ўриндиққа ястанволиб, тинмай гапирарди. Мошинадан улоқтириб юборган бўлардим-у, аммо у ҳозирча менга керак эди. Новвой ёнимда хўмрайиб ўтирарди. У ҳали тўламаган пулига мотам тутаётганди — бу мотам бошқа изтиробларига қараганда ҳақиқатга яқинроқ эди.

Қайтиб келиб, яна тепага кўтарилдик. Новвой пул олиб чиққани нариги хонага кириб кетди. Шундагина у кўзимга қари кишига ўхшаб кўринди, бунинг устига, сочи бўялганини пайқаб қолдим. Қорасоч истиғно билан кўйлагини тузатди.

— Қалай, бопладик, а?

— Ҳа, — дедим истамайгина.

— Юз марка чўзасиз...

— Ие, бу ёғи қизиқ бўлди-ку.

— Ўтакетган қурумсоқ, — деди у пичирлаб ва менга яқинроқ келди. — Пули кўп, лекин чиқазгиси келмайди! Ҳатто васиятно-ма ёзиб беришни ҳам хоҳламаяпти. Бир гап бўлса, ҳамма мол-мулкига болалари эгалик қилади, мен икки кўлимни бурнимга тикиб қолавераман. Бу сассиқ чол билан умрим хазон бўлади-ганга ўхшайди.

У яна яқинроқ келди. Кўкси селкиллаб турипти.

— Эртага пулга кираман. Қачон уйда бўласиз? Балки ўзингиз келарсиз? — У ҳиҳилади. — Эртага тушдан кейин ёлғиз ўзим бўламан...

— Юз маркани жўнатаман, — дедим мен.

У ҳамон ҳиҳиларди.

— Ўзингиз кела қолинг. Ё кўрқяпсизми?

Унга кўрқоқдай туюлган бўлсам керак-да, шунинг учун менга далда бераётганди.

— Кўрқмайман, — дедим мен. — Вақтим йўқ. Аксига олиб, эртага дўхтирга боришим керак. Захмдан қутулдолмаяпман! Жонимга тегиб кетди!

Қорасоч жонҳолатда ўзини орқага ташлаган эди, духоба креслога ўтириб қолаёзди. Шу пайт новвой чиқиб келди. У ўйнашига гумонсираб қаради. Кейин пулни санаб, столга қўйди. Аммо жуда секин, қалтираб санади. Сояси деворга ёпиштирилган пуштиранг гулқоғозга тушиб турар, гўё кўланкаси ҳам пулни биргалашиб санаётганга ўхшарди. Тилхатни узата туриб, ўйлаб қолдим: «Бугуннинг ўзида иккинчи тилхат, биринчисини Фердинанд берганди». Гарчи бу тасодифнинг бирон-бир аҳамияти бўлмаса ҳам менга ғалати туюлди.

Кўчага чиқиб эркин нафас олдим. Ҳаво ёздагидай ёқимли эди. Йўлкада кадиллак ярқираб турарди.

— Ҳўп, оғайни, раҳмат, — дедим мен капотни шапатилаб. — Тезроқ қайт — иккаламиз ҳали кўп иш кўрсатамиз!

XV

Ўтлоқлар тонг нурига ғарқ бўлган. Пат иккаламиз ўрмон четидаги ялангликда нонушта қилиб ўтирибмиз. Мен икки ҳафталик таътилга чиқиб, Пат билан денгизга отланганман. Ҳозир йўлдамиз.

Ҳув нарида ситроен маркали кичкина, эски мошина турипти. Бу мошинани новвойнинг фордидан қолган пулга олганмиз, Кестер уни таътил пайтига менга берди. Чамадонлар ортилган мошина юк ортмоқланган чайир хўтикакка ўхшарди.

— Ишқилиб, йўлда сочилиб кетмаса бўлди, — дедим мен.

— Сочилмайди, — жавоб берди Пат.

— Қаёқдан биласан?

— Нега билмайин? Чунки биз дам олгани кетяпмиз-да, Робби.
— Эҳтимол, — дедим мен. — Ҳар ҳолда ортки ўқидан кўнглим тўқ. Лекин кўриниши чатоқ-да. Бунинг устига, шунча юк.
— «Карл»нинг укаси бу — чидайди.
— Чала туғилган укаси-да.
— Ношукур бўлма, Робби. Ҳозирги шароитда мен билган яхши мошина шу.

Биз ўтлоққа чўзилдик. Ўрмондан майин, илиқ шабада эсарди. Қатрон ва ўт-ўланларнинг ҳиди ҳаммаёқни тутиб кетган.

— Айтгин-чи, Робби, — сўраб қолди Пат бир маҳал, — ҳув анови ариқ бўйидаги гулнинг номи нима?

— Айиқтовон, — дедим қарамасдан.

— Нималар деяпсан, азизим? Ҳечам айиқтовон эмас. Айиқтовон кичкина бўлади, қолаверса, у баҳорда гуллайди.

— Тўғри, — дедим унга. — Бу занжабил.

У бош чайқади.

— Занжабилни танийман. Кўриниши бутунлай бошқача.

— Бўлмаса, сув ўти.

— Қизиқмисан, Робби! Сув ўти оқ бўлади, бу қизил-ку.

— Унда билмадим. Ким сўраса, шу пайтгача учта номни айтаман. Биттасига бари бир ишонишади.

Пат кулиб юборди.

— Аттанг. Билганимда, айиқтовонга рози бўп қўя қолардим.

— Сув ўти! — дедим мен. — Кўп ғалабаларга сув ўти орқали эришганман.

У туриб ўтирди.

— Йўғ-э! Сендан кўп сўрашармиди?

— Кўп эмас. Кейин, бутунлай бошқа вазиятларда.

Пат кафтларини ерга тиради.

— Ростини айтсам, ер юзида юриб, у ҳақда ҳеч нарса билмаслик уят. Ҳатто гулларнинг номини ҳам билмаймиз.

— Хафа бўлма, — дедим унга, — ер юзида нима учун юрганимизни билмаслигимиз ундан ҳам уят. Уч-тўртта ортиқча ном ҳеч нарсани ўзгартиролмайди.

— Ҳавойи гаплар булар! Сен, назаримда, ялқовроқсан.

Унга қарадим.

— Тўппа-тўғри. Лекин ялқовлик нималигини аниқлаб олиш керак. Ялқовлик — ҳар қандай бахтнинг ибтидоси ва ҳар қандай фалсафанинг интиҳоси. Яна пича ётайлик. Инсон жуда кам ётади. Доим оёқда туради ёки ўтиради. Бу кайфиятнинг мўътадил бўлишига ҳалал беради. Фақат ётганингда ўзинг билан ўзинг мурсо қиласан.

Мотор шовқини эшитилди, кўп ўтмай ёнимиздан бир мошина на ўтиб кетди.

— Кичкина мерседес, — дедим қарамасдан. — Тўрт цилиндрли.

— Яна биттаси келяпти, — деди Пат.

— Сезиб турибман. Рено. Радиатори чўққанинг тумшуғига ухшайдими?

— Ҳа.

— Демак, рено. Энди эшитиб тур, ҳақиқий мошина келяпти! Лянчия! Мерседесни ҳам, ренони ҳам қувиб ўтса керак. Моторига кулоқ солгин-а! Мусиқа садосига ўхшайди!

Мошина физиллаб ўтиб кетди.

— Бу соҳада учта номдан кўпроқ нарсани биларкансан, — деди Пат.

— Албатта. Бу масалада хато қилмайман.

Пат кулди.

— Яхшими бу ёки ёмонми?

— Яхши-да. Табиий ҳол. Яхши мошина баъзан йигирмата чаманзордан афзал бўлади.

— Йигирманчи асринг боласисан-да! Сенда, афтидан, ҳиссиёт заиф бўлса керак...

— Нега энди? Кўрдинг-ку, мошина бобида ҳиссиётим зўр.

— Меники ҳам, — деди Пат жилмайиб.

Қарағай шохида какку сайрай бошлади. Пат санашга тушди.

— Нега санаяпсан?

— Билмайсанми? Какку неча марта кукуласа — одам шунча йил яшайди.

— Э-ҳа, ёдимга тушди. Бунинг бошқа аломати ҳам бор. Каккунинг овозини эшитган ҳамон пулни чиқазиш керак. Шунда пул кўпаяди.

Мен чўнтагимдан чақаларни олиб, кафтимда тутиб турдим.

— Ана холос! — деди Пат кулиб. — Менинг дардим яшашда, сенинг дардинг — пулда.

— Яшаш учун-да! — эътироз билдирдим мен. — Ҳақиқий хаёл-параст пулга интилади. Пул, бу — озодлик. Озодлик эса — ҳаёт.

— Ўн тўрт, — санади Пат. — Бир пайтлар бошқача фикрда эдинг.

— Нохуш кунлар эди ўшанда. Пулга жирканч назар билан қарамаслик керак. Кўп аёллар пул важидан севиб қолишади. Севги эса аскарият эркакларни очкўз қилиб қўяди. Хуллас, пул юк-сак орзуларга, муҳаббат эса, аксинча, манфаатпарастликка чорлайди.

— Омадинг бор экан, — деди Пат. — Ўттиз бешта.

— Эркак, — давом этдим мен, — фақат аёлнинг хархашалари туфайли манфаатпараст бўлиб қолади. Агар аёл бўлмаса, пул ҳам бўлмасди, бинобарин, эркаклар қахрамонлар қавмига айланарди. Окопларда биз аёлларсиз яшаганмиз, кимнинг қанча мол-дунёси борлиги ҳеч биримизни қизиқтирмаган. Муҳими: қандай аскарсан. Мен окоптаги ҳаётни қўмсаётганим йўқ, шунчаки масалага тўғри нуқтаи назардан ойдинлик киритмоқчиман. Севги эркакларда ҳарислик, жамиятда нуфузли ўринни эгаллаш, кўпроқ пул топиш, ҳузур-ҳаловатга интилиш каби ёмон иллатларни юзага чиқаради. Ҳукмдорлар сафдошларининг оилали бўлишини бе-

корга хуш кўрмаган — шунда улар камроқ хавф туғдиришади. Католик руҳонийларнинг уйланмаслиги ҳам шундан — акс ҳолда улар бу қадар таптортмас ташвиқотчи бўлишмасди.

— Бугун ростдан ҳам омадинг келди, — деди Пат. — Эллик иккита бўлди!

Чақаларни чўнтагимга солиб, сигарета тутатдим.

— Қачон санаб бўласан? — дедим унга. — Етмишдан ошиб кетди-ку.

— Юзгача, Робби! Юз — яхши рақам. Шунча йил яшашни хоҳлайман.

— Журъатингга тан бердим, Пат! Лекин қандай шунча йил яшаш мумкин? У менга бир қараб кўйди.

— Яшаганда биламиз-да. Ҳаётга сенга нисбатан бошқачароқ қарайман-ку.

— Тўғри. Айтишларича, етмишгача қийин бўлармиш. У ёғига ўзи думалаб кетаверармиш.

— Юз! — хитоб қилди Пат. Биз йўлга тушдик.

Денгиз улкан мовий елкан янглиғ биз томон бостириб келарди. Биз унинг шўртаъм нафасини анча олишдан сезиб турардик. Уфқ тобора кенгайиб ва ёришиб борарди, мана, ниҳоят, поёнсиз, қудратли ва асов уммон бор бўй-басти билан намоён бўлди.

Йўл бурилиб, қирғоққача борди. Кейин бир тўп дарахтзор, унинг ортида қишлоқ кўринди. Йўл-йўлакай ўзимиз яшайдиган уйнинг қаердалигини аниқлаб олдик. Яна анча юриш керак эди. Бу манзилни Кестер айтганди. Урушдан кейин у шу ерда бир йил истиқомат қилган экан.

Мўъжазгина бино бир четда ажралиб турарди. Мошинани эшик олдида тўхтатиб, сигнал бердим. Деразадан каттакон, ранг-пар чехра бир мўраладию ғойиб бўлди.

— Ҳар ҳолда бу фрейлейн Мюллер бўлмаса керак, — дедим мен.

— Бизни унинг афт-ангори қизиқтирмайди, — жавоб берди Пат.

Эшик очилди. Хайрият, деразадан қараган фрейлейн Мюллер эмас, хизматкор аёл экан. Салдан кейин уй эгаси фрейлейн Мюллернинг ўзи чиқиб келди. Қари қизга ўхшаган, оқ соч, истараси иссиқ аёл экан. Эғнида кўкси берк қора кўйлак, унга олтин хоч шаклидаги тўғнағич қадаб олган.

— Пат, эҳтиёти шарт, пайпоғингни кўтарвол, — дедим хочга ишора қилиб ва мошинадан тушдим.

— Жаноб Кестер келишимиз тўғрисида огоҳлантириб қўйганга ўхшайди, — дедим аёлга.

— Ҳа, телеграмма олдим, — шундай деб, менга бошдан-оёқ разм солиб чиқди. — Жаноб Кестер яхши юриптими?

— Яхши... агар бу замонда шундай дейиш мумкин бўлса.

Аёл мендан кўз узмай, бош ирғади.

— Кўпдан буён танишмисизлар?

«Тергов бошланди» — ўйладим ичимда ва Кестер билан минг йилдан бери оғайниликимизни айтдим. Жавобимдан қаноатланди, шекилли. Пат олдимизга келди. У пайпоғини кўтаришга улгурганди. Фрейлейн Мюллернинг чеҳраси юмшади. Менга нисбатан Пат унга маъқул бўлди чамаси.

— Бизга хона топиб бероласизми? — сўрадим ундан.

— Жаноб Кестер огоҳлантиргандан кейин йўқ деб бўладими, — деди фрейлейн Мюллер. — Сизларга энг яхши хонани берман, — у Патга қаради.

Пат жилмайди. Фрейлейн Мюллернинг чеҳрасига ҳам табасум югурди.

— Юринглар, кўрсатаман.

Кичкина чорбоғнинг тор йўлкасидан ёнма-ён кетишди. Мен уларга эргашдим — ўзимни ортиқча сезардим — фрейлейн Мюллер фақат Патга мурожаат қиларди.

Аёл бизга кўрсатган хона биринчи қаватда эди. Кенг-мўл, ёп-ёруғ, шинам, айниқса менга маъқул бўлгани — боққа чиқадиган алоҳида эшиги бор. Хонанинг бир томонида тоқча. Иккита каравот қўйилган.

— Хўш, қалай? — сўради фрейлейн Мюллер.

— Жудаям зўр! — деди Пат.

— Ҳашаматли, — қўшиб қўйдим аёлга ёқиш учун. — Иккинчиси қаерда?

Фрейлен Мюллер менга аста бурилиб қаради.

— Иккинчиси? Қанақа иккинчиси? Бошқа хона керакми? Бу ёқмадими?

— Йўқ, нега ёқмайди? Ёқди, лекин...

— Ҳайрон бўп қолдим, — деди фрейлен Мюллер сал истехзо билан. — Афсуски, бундан яхшиси йўқ.

Бизга иккита алоҳида хона кераклигини айтишга улгурмадим, гапни ўзи давом эттирди:

— Хотинингизга жуда маъқул бўлди менимча...

«Хотинингизга»... Гарчи жойимдан жилмаган бўлсам-да, ўзимни бир қадам орқага ташлагандай туйдим. Сездирмай, Патга кўз қирини ташладим. У деразага суянганча кулгидан ўзини аранг тийиб турарди.

— Хотиним, албатта... — дедим фрейлейн Мюллернинг тилла хочига тикилиб. Кейин, сирни очмай қўя қолишга аҳд қилдим. Тағин шайтонлаб қолмасин. — Биласизми, биз алоҳида ётишга ўрганганмиз, — дедим мен. — Яъни, ҳар ким ўз хонасида.

Фрейлейн Мюллер боши-боши қилди.

— Эр-хотин бўла туриб, алоҳида ётиш нимаси!... Тавба... Янгилик!

— Гап бундамас, — дедим шоша-пиша, шубҳаланиб қолишидан чўчиб. — Гап шундаки, хотинимнинг уйқуси енгил. Мен бўлсам қаттиқ хуррак отаман.

— Э, шунақа денг! — деди фрейлейн Мюллер худди буни олдиндан сезгандай.

Бирдан хавотирланиб қолдим: иккинчи қаватдан жой кўрса-тиб қолса-я! Аммо никоҳ унинг учун муқаддас нарса эди. У ён томондаги эшикни очди, бу хонада каравотдан бўлак ҳеч нарса йўқ эди.

— Қойил! — дедим мен. — Айни менбоп хона. Ҳеч кимга халақит бермайманми? — Мен пастки қаватда биздан бошқа одам яшайдими-йўқми — шуни билмоқчи эдим.

— Асло халақит бермайсиз, — деди фрейлейн Мюллер, энди бояги важоҳати сал сўнган эди. — Ундан ташқари, бу ерда сизлардан бошқа ҳеч ким турмайди. Хоналар хувиллаб ётипти. У бир оз сукутдан сўнг, сўради: — Шу ерда овқатланасизларми ёки ошхонадами?

— Шу ерда, — дедим мен.

Аёл бош силкиб, чиқиб кетди.

— Хўш, фрау Локамп! — мен Патга мурожаат қилдим. — Мана, қўлга тушдик. Тўғрисини айтишга юрагим бетламади — диндор аёлга ўхшайди. Ўзим ҳам унча маъқул бўлмадим. Қизиқ, қари аёллар билан ҳар доим тез тил топишиб кетардим.

— Қари аёл эмас, Робби, у жудаям мулойим кекса хоним.

— Мулойим? — Мен елкамни қисдим. — Лекин ўзига бино қўйган аёл. Ҳайронман, хоналари бўш ётипти-ю, нимасига керилади!

— Керилаётгани йўқ.

— Сенга керилаётгани йўқ, тўғри.

Пат кулди.

— Менга ёқди бу аёл. Энди чамадонларни опкириб, чўмилиш кийимларини тайёрлайлик.

Бир соат мириқиб чўмилдим, энди офтобда тобланиб ётибман. Пат ҳалиям сувда. Оппоқ қалпоқчаси гоҳ кўриниб қолади, гоҳ зангори тўлқин ортида ғойиб бўлади. Денгиз тепасида балиқчи қушлар чарх уряпти. Уфқ томонда улкан кема тутун чуватиб, сузиб кетяпти.

Офтоб қаттиқ қиздирыпти. Ёқимли чарчоқдан сўнг жиндай мизғигим келяпти-ю, аммо бу истак қуёш тафтида эриб кетяпти. Кўзларимни юмганча роҳат қилиб керишдим. Остимда иссиқ кум шитирлайди. Қирғоққа урилаётган заиф тўлқиннинг шалоплаши эшитилиб турибди. Қачон, қайси кун шу алфозда ётганимни эслай бошладим...

1917 йилнинг ёзи. Ротамиз ўшанда Фландрияда эди, кутилмаганда бизни бир неча кунга Остендга, ҳордиқ чиқаришга олиб кетишди. Майер, Хольтхофф, Брейер, Лютгенс, мен ва яна кимлардир бор. Кўпчилигимиз денгизни кўрмаганмиз, бинобарин, ўша санокли кунлар, ўлим билан ҳаёт орасидаги жиндайгина танаффус биз учун чинакам роҳатга айланган эди. Кун бўйи кум-

лоққа ястаниб, офтобда тобланардик. Қип-яланғоч, халтасиз, қуролсиз, формасиз юриш — шунинг ўзи тавсифга сиғмайдиган бир олам эди. Биз соҳилда ҳолдан тойгунча шўхлик қилгандан сўнг, яна ўзимизни сувга отиб, тўлқинлар кифтига тўш урардик. Бизни ҳаётга боғлаб турган аъзойи баданимизни, ўз нафасимизни, жамики хатти-ҳаракатимизни бутун борлиғи билан ҳис этардик. Бундай лаҳзаларда ҳамма нарсани унутардик, унутишни хоҳлардик. Аммо кечга бориб, қоронғи тушгач, уфқ ортидан кўтарилган қора булутлар қути ўчган денгиз устига ёпирилган пайтда тўлқинлар шовқинига аста-секин бошқа товуш кўшила бошларди; бу товуш борган сари кучайиб, ниҳоят, момақалдироқдай денгиз шовқинини босиб кетарди. Бу фронтдаги отишманинг гумбур-гумбури эди. Шундай дақиқаларда ҳамма жим бўлиб қолар, орага оғир сукунат чўқар, одамлар бошларини кўтариб, уфқ томон қулоқ тутишарди. Кун бўйи беармон ўйнаб-қувнаган ўспиринларнинг шодон чехралари бир зумда жиддий аскар қиёфасига кирарди. Яна бир муддат уларнинг юзида чуқур ва нохуш ҳайрат билан ғам-ғусса ифодаси зоҳир бўлардики, бу ифода замирида айтилмаган ҳамма нарса: мардлик ҳам, армон ҳам, яшаш иштиёқи ва ўз бурчини адо этиш хоҳиши ҳам, умид ва ноумидлик ҳам, ёшлиқдан ўлимга маҳқум этилганларнинг сирли изтироблари ҳам — бари-бари мужассам эди. Бир неча кундан сўнг қаттиқ хужум бошланиб, учинчи июлдаёқ ротада ўттиз икки киши қолди. Майер, Хольтхофф ва Лютгенс ҳалок бўлишди.

— Робби! — қулоғимга Патнинг овози эшитилди.

Кўзимни очдим. Дабдурустан қаерда ётганимни англаёлмадим. Ҳар гал, уруш хотираларига берилганимда, хаёлим кетиб қолади. Бошқа нарсаларни эслаганимда бундай бўлмайди.

Бошимни кўтардим. Пат сувдан чиқиб келарди. Ортида қизғиш-тиллари кўёш пояндози олисларга чўзилиб кетган. Елкаларидан томчи-томчи шуъла тўкилар, бўй-баста офтоб нурига буткул ғарқ бўлганидан мусаффо осмон остида худди қоп-қора сояга ўхшаб кўринарди. У мен томон битта-битта одим ташларкан, кўёш то уфққа ёнбошлаб, боши теграсида улкан доира ҳосил қилмагунча, қадам-бақадам кўзни қамаштирувчи шуълага омукта бўлиб борарди.

Сакраб туриб кетдим, — бу ҳайратомуз манзара эди, — ҳад-ҳудудсиз ложувард осмон, денгиз узра оқ ёлли тўлқинлар ва мана шу икки мўъжиза орасида — бетимсол, гўзал қадди-қомат. Назаримда, ер юзида ёлғиз ўзимман, сувдан эса биринчи аёл чиқиб келяпти. Гўзалликнинг улкан ва сокин қудрати олдида бир лаҳза лол бўлиб турдим, бу гўзаллик ҳар қандай қонли ўтмишдан кучлироқ эканини ва шундай бўлиши кераклигини, акс ҳолда, рўйи замин ағдар-тўнтар бўлиб, хароботга айланишини ҳис этдим. Ундан кўра ҳам бу дунёда юрганимга, Патнинг борлигига, уруш даҳшатларидан омон қолганимга, кўзларим, оёқ-қўлим бутлигига, миям ишлаб, томирларимда қон айланиб турганига, бу-

ларнинг бари ақл бовар қилмайдиган мўъжиза эканига астойдил имон келтирдим.

— Робби! — қичқирди яна Пат узоқдан қўлини силкитиб.

Халатини олиб, истиқболига юрдим.

— Сувда узоқ туриб қолдинг, — дедим унга.

— Совқотганим йўқ, — жавоб берди у ҳансираб. Ҳўл елкасидан ўпдим.

— Биринчи кунлари ўйлаброқ иш қилиш керак.

— Жуда узоқ муддат ўйлаб иш қилганман.

— Наҳотки?

— Албатта! Керагидан ортиқча! Энди ўйламасдан иш қилмоқчиман! — У кулиб, юзини чаккамга босди. — Ке, ўйламаймиз, Робби! Ҳеч нарсани ўйламаймиз, фақат ўзимизни, куёшни, таътилни ва денгизни ўйлаймиз!

— Бўпти! — дедим мен ва пахмоқ сочиқни олдим. — Ке, артиб қўяй. Қачон бунчалик қорайишга улгурдинг?

Пат халатини кийди.

— «Ўйлаб иш қилган» йилим. Ҳар куни бир соат балконда ўтириб, куёшда товланишим керак эди. Кечкурун соат саккизда уйкуга ётардим. Бугун саккизда эса яна чўмилишга келаман.

— Кўрамиз, — дедим унга, — инсон аҳд қилишга ҳамииша уста. Лекин аҳдини бажаришга эмас. Унинг афсункорлиги ҳам мана шунда.

Кечкурун ҳеч қайсимиз чўмилмадик. Олдин қишлоқни айландик, қоронги тушгач, мошинада сайр қилдик. Бирдан Пат лоҳас бўлиб, орқага қайтишни сўради. Ундаги қувноқ кайфият тўсатдан хомушлик билан алмашинганини олдин ҳам пайқаган эдим. Гарчи кўринишидан сезилмаса ҳам, у ниҳоятда нимжон эди. Ўз кучини ҳамма вақт аямай сарф қилар, ёшлик таровати битмас-туганмасдай туюларди. Аммо кутилмаганда юзи бўздай оқариб, кўзлари ич-ичига ботиб кетарди. Бу ҳол аста-секин эмас, бирданига, бир лаҳзада юз берарди.

— Уйга қайтамиз, Робби, — деди у, овози одатдагидан анча паст эшитилди.

— Уйга? Кўксига тилла хоч қадаб олган фрейлейн Мюллернинг олдигами? Қизик, биз йўқлигимизда шум кампирнинг хаёлига нималар келмадийкин...

— Уйга, Робби, — Пат ҳолсизликдан елкамга суянди. — Энди ўша ер уйимиз.

Бир қўлимни рулдан бўшатиб, елкасидан қучдим. Биз шом гира-ширасида қишлоқ йўлидан кетиб борардик, ниҳоят, сой бўйидаги нишабликка жойлашган уй чироқларини кўриб, ростдан ҳам ўзимизни қадрдон уйимизга қайтаётгандай ҳис этдик.

Фрейлейн Мюллер бизни кутарди. У қора юнг кўйлагини шу рангдаги сипо тикилган шойи кўйлакка алмаштирган, хоч ўрнига энди кўксига черков учун эътиқод, ишонч ва муҳаббат рамзи

бўлмиш юрак, лангар ва хочдан иборат бошқа нишонни қадаб олган эди.

Фрейлейн кетаётган пайтимиздагидан кўра илиқроқ кутиб олиб, тайёрлаган овқати: тухум, яхна гўшт ва дудланган балиққа муносабатимизни сўради.

— Жуда соз, — деди Пат.

— Сизга-чи, маъқулмасми? Яқиндагина дудланган қалқон-балиқ. — У менга ҳадиксираб қаради.

— Яхши, — дедим истар-истамай.

— Янги дудланган қалқонбалиқ ширин бўлиши керак, — деди Пат ва менга ёзғириб қараб қўйди. — Фрейлейн, биринчи куниёқ шунақа таом! Яна нима керак? Чаласига иссиққина чой бўлса бас.

— Албатта-да! Иссиқ чойсиз бўладими? Жоним билан. Ҳозир ҳаммасини опкелишади.

Фрейлейн Мюллер енгил тортиб, шойи кўйлагини шилди-ратганча шошиб чиқиб кетди.

— Ростдан ҳам балиқ егинг йўқми? — сўради Пат.

— Шунақаям егим борки! Қалқонбалиқ бўладию смайманми? Шу кунларда тушимга фақат қалқонбалиқ киради.

— Нега бўлмаса тутун қайтаряпсан? Қизиқ одатларинг бор-да...

— Бугун яхши кутиб олмагани учун шундай қиляпман.

— Тавба! — кулди Пат. — Ҳеч нарсани кечирмайсан-а! Мен аллақачон унутвордим.

— Мен унутганим йўқ. Дарров унутолмайман.

— Унутган яхши...

Хизматкор аёл патнис кўтариб кирди. Қалқонбалиқнинг пўсти тилладай ялтирарди. Ундан денгиз ва тутун ҳиди анқирди. Пат-нисда майда қисқичбақалар ҳам бор эди.

— Энди унутяпман, — дедим кулиб, — ундан ташқари, қор-ним таталаб кетяпти.

— Мен ҳам очикдим. Олдин иссиқ чой бер. Негадир этим жунжикиб кетяпти. Лекин ҳаво илиқ-ку.

Унга қарадим. Рангида қон йўқ, аммо кулиб турарди.

— Энди узоқ чўмилишни хаёлингга ҳам келтирма, — дедим унга ва хизматкор аёлга мурожаат қилдим: — Озгина ром топи-лармикин?

— Нима?

— Ром. Шунақа ичимлик бор.

— Ром?

— Ҳа.

— Йўқ.

Унинг юзи баркашдай юм-юмалоқ эди. Менга маънисиз нигоҳ билан қараб турарди.

— Йўқ, — деди у яна бир марта.

— Ҳа, майли, — жавоб бердим унга. — Бўлмаса ундан нари. Яхши ётиб туринг. Олло паноҳида асрасин.

У кетди.

— Узоқни кўрадиган дўстларимиз бор-да, Пат, — дедим мен. — Эрталаб, жўнашимиздан олдин Ленц мошинага оғиргина қоғоз халта солиб кўйган эди. Қарайлик-чи, нима бор экан...

Мошинадан халтани олиб келдим. Ихчамгина қутида икки шиша ром, бир шиша коньяк ва битта вино турарди. Ромни чироқ ёруғига тутиб, ёрлиғига қарадим.

— «Сейнт Жеймс» роми, э қойил! Зўр йигитлар-да!

Шишани очиб, Патнинг чойига озгина қуйдим. Чойни ичаётганида қўли титраётганини сездим.

— Ҳалиям жунжикяпсанми?

— Сал-пал. Ҳалигидан тузук. Ром яхши экан. Барвақтроқ ётаман.

— Ҳозироқ ёт, Пат, — дедим мен. — Столни каравотнинг ёнига сураμισ.

У бош силкиди. Каравотимдан яна битта аёл опкелиб, столни сурдим.

— Балки мана бу ичимликлардан аралаштириб, шарбат тайёрлаб берганим маъқулмикин? Фойдаси кўпроқ-да. Бирпасда қотираман.

— Йўқ, анча яхшиман.

Ростдан ҳам унинг чеҳраси ёришиб қолганди. Кўзлари яна чақнаб турар, лаблари қип-қизил, жилосиз териси қайтадан тиниқлашганди.

— Худога шукур, отдайсан. Минг қилганда ҳам, ром-ром-да!

Пат жилмайди.

— Тўшакда ҳам гап кўп, Робби. Мен ётганимда яхши дам оламан. Менинг бошпанам — тўшак.

— Қизиқ. Мен бунақа барвақт ётсам, жинни бўп қоламан. Бир ўзим ётсам, албатта.

У кулиб юборди.

— Аёл кишининг йўриғи бошқа.

— Унақа дема. Сен аёлмассан.

— Кимман бўлмаса?

— Билмадим. Фақат аёлмассан. Агар рисоладагидай аёл бўлганимда, севолмасдим.

У менга ғалати қаради.

— Сен умуман сева оласанми?

— У нима деганинг?! — дедим мен. — Овқат пайтида кўп гапирилмайди. Бошқа саволинг йўқми?

— Эҳтимол, бордир. Олдин ҳозирги саволимга жавоб бер.

Ўзимга ром қуйдим.

— Сенинг соғлигингга, Пат. Балки сен ҳақдирсан. Балки иккалаамиз ҳам сева олмасмиз. Яъни, ота-боболаримизга ўхшаб. Лекин бундан бир жойимиз камайиб қолаётгани йўқ-ку. Бизники бошқачароқ, жўнроқ деймизми...

Эшик тиқиллади. Фрейлейн Мюллер кирди. Кўлида аллақандай суюқлик қуйилган шиша кружка.

— Мана, ром опкелдим.

— Миннатдорман, — дедим шиша кружкadan кўз узмай. — Овора бўпсиз-да. Қаловини топдик.

— Ё алҳазар! — Стол устидаги тўртта шишани кўриб, кўзлари ола-кула бўп кетди. — Шунақа кўп ичасизми?

— Азбаройи шифо, — дедим Патга қарамай. — Дўхтир буюрган. Жигарим жудаям куруқ, фрейлейн Мюллер, хўллаб туриш керак. Балки ўзингиз ҳам...

Винони очдим.

— Омад тилайман! Уйингиз тезроқ меҳмонларга тўлсин!

— Ташакур! — У таъзим қилиб, винодан бир хўтлади. — Таътил яхши ўтсин! — Кейин менга қараб, ноз билан жилмайди. — Жа ўткир-ку! Лекин мазаси ёмонмас.

Ундаги ўзгаришни кўриб, қўлимдаги стаканни ташлаворай дедим. Фрейлейннинг юзи бир зумда ловиллаб кетган, кўзлари йилтилларди, сўнг бизга мутлақо қизиги йўқ мавзуда валдирай бошлади. Пат тишини тишига қўйиб, кулоқ соларди. Ниҳоят, у менга мурожаат қилди:

— Демак, жаноб Кестер яхши юрипти денг?

Мен бош ирғадим.

— У пайтда жуда камгап эди, — деди у. — Баъзан кун бўйи бир оғиз ҳам гапирмасди. Ҳозир ҳам шунақами?

— Йўқ, ҳозир аҳён-аҳён гапириб туради.

— Бир йилча шу ерда яшади. Ёлғиз ўзи...

— Ҳа, — дедим мен. — Бунақа шароитда ҳар қандай одам ҳам соқов бўлиб қолади.

У жиддий бош силкиб, Патга қаради.

— Чарчабсиз, а?

— Сал-пал.

— Жудаям, — қўшиб қўйдим мен.

— Унда мен борай, — фрейлейн ўрнидан турди. — Яхши ётиб турунглар!

Яна бир оз ивирсиб тургач, чиқиб кетди.

— Ҳали ўтиргиси бор эди, — дедим мен. — Қизиқ... ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ...

— Бахтсиз аёл-да, — деди Пат. — Кечқурунлари бир ўзи хонасига қамалволиб, ўй сурса керак...

— Албатта-да... Лекин ҳозир унга яхши муомала қилдим назаримда.

— Ҳа, Робби, — деди у қўлимни силаб. — Эшикни сал очиб қўй.

Бориб, эшикни очдим. Осмон тиниқ, катта йўлга тушиб турган ой нури хонамизга қадар пояндоздай чўзилганди. Боғ гўё эшик очилишини кутиб тургандай, — хонага бир зумда шаббўй, қалампиргул ва атиргулларнинг муаттар ҳиди ёпирилиб кирди.

— Буни қара-я! — дедим мен.

Ой тобора равшанлашар, боғ йўлкаси бошдан-охир баралла кўзга ташланарди.

Гул шохлари йўлкага эгилиб турар, барглари қорамтир кумушдай ялтирар, кундузи барқ уриб турган гунчалар энди, худди қаламда чизилган суратдагидай хиралашганди. Ой нури билан тун рангларнинг қувватини тортиб олганди, аммо муаттар ҳид кундузгидан ўткирроқ ва тотлироқ эди.

Патга қарадим. Қўнғир сочлари оппоқ ёстиққа сочилган. У бутқул ҳолдан тойгандай кўринар, аммо унда назокатнинг, тун ғира-ширасида, ой ёруғида очилиб турган гулларнинг сеҳрли таровати бор эди.

Пат хиёл қаддини кўтарди.

— Робби, ростдан ҳам жуда толиқдим. Ёмонми бу?

Каравоти ёнига бордим.

— Ваҳима қилма. Қайтанга яхши ухлайсан.

— Сен-чи? Ётмайсанми?

— Соҳилда бир оз айланаман.

У бош силкиб, яна ўзини ёстиққа ташлади. Ёнида пича ўтирдим.

— Эшик очиқ турсин, — деди у кўзларини юмаркан. — Шунда одам ўзини боғда ётгандай сезади...

Пат чуқур нафас ола бошлади. Ўрнимдан туриб, аста боққа чиқдим, тахта девор олдида тўхтаб, сигарета тутатдим. Бу ердан хона ичи кўриниб турарди. Стулда Патнинг сувдан чиққанда киядиган халати, унинг устига кўйлаги ташлаб қўйилган, ерда, стул ёнида туфлиси. Бир пойи ағдарилиб қопти. Бу нарсаларга қараб, кўнглимдан илиқ бир ҳис кечди: мана энди у меники, ўзимники, бир неча қадам кўйсам, уни кўраман, ёнида бўламан, бугун ҳам, эртага ҳам, эҳтимол, жуда узоқ йиллар бирга бўларман...

Эҳтимол... Эҳтимол... Миямда нуқул шу сўз айланади. Тўла ишонч йўқ. Ҳаммага ҳам мана шу ишонч етишмайди.

Мен соҳилга, шамол чарх уриб, тўлқинлар замбарак овозидай гумбураётган денгиз бўйига тушдим.

XVI

Кумлоқда ўтириб, кун ботишини томоша қилардим. Бугун Пат чўмилишга келмади. Ўзини ёмон ҳис этаётганди. Қоронғи тушгач, ўрнимдан туриб, уйга кетишга чоғландим. Шу пайт дарахтлар орасидан хизматкор аёл чопиб чиққанини кўриб қолдим. У менга қўл силкиб, бир нималар деб қичқирарди. Аммо овози шамол ва денгиз шовқинига сингиб кетаётгани учун ҳеч нарсани тушунмасдим. Унга тўхтаб дегандай ишора қилдим. У чопиб келаверди, сўнг кафтларини оғзида карнай қилиб, қичқирди:

— Фрау Пат... — овозини базўр эшитдим. — Тезроқ...

— Нима бўлди? — бақирдим унга.

У нафасини ростлолмас эди.

— Тезроқ юринг. Фрау Пат... Мусибат.

Ўрмоннинг қумлоқ йўлкасидан уйга қараб югурдим. Тахта эшик ҳадеганда очилавермади. Девордан ошиб ўтиб, хонага отилди кирдим. Пат тўшакда ётарди, кўкраги қон, бармоқлари тугилган. Оғзидан ҳамон қон оқарди. Ёнида фрейлейн Мюллер сочиқ билан сув солинган тос ушлаб турибди.

— Нима бўлди? — уни бир четга итариб юбордим.

Фрейлейн бир нималар деди.

— Дока билан пахта опкелинг! — дедим унга. — Жароҳати қаерда?

У менга қаради, лаблари титрарди.

— Жароҳати йўқ...

Унга кескин бурилиб қарадим.

— Қон кетяпти.

Кўлидан тосни олдим.

— Муз опкелинг, тезроқ... муз топинг.

Сочиқнинг учини ҳўллаб, Патнинг кўксига босдим.

— Уйда муз йўқ, — деди фрейлейн Мюллер.

Унга бир ўқрайган эдим, орқага тисарилди.

— Худо хайрингизни берсин, муз топинг, шу атрофдаги ресторанга одам жўнатинг, дўхтирга қўнғироқ қилинг.

— Телефонимиз ҳам йўқ.

— Ё тавба! Энг яқин телефон қаерда?

— Массманникида.

— Ўша ёққа югуринг. Тезроқ. Дўхтирни топинг. Исми нима? Қаерда яшайди?

У жавоб беришга улгурмасидан эшикдан итариб чиқаздим.

— Тезроқ, тезроқ, чопинг! Узоқмасми?

— Уч минутлик йўл, — деди фрейлейн Мюллер ва физилланганча кетди.

— Муз ҳам опкелинг! — қичқирдим орқасидан.

Сувни янгилаб, яна сочиқни ҳўлладим, аммо Патга қўл теккизишга журъат этмадим. Қулай ётиптими-йўқми, шуни билмасдим. Энг муҳими — бошига яна ёстиқ қўйиш керакми ёки юзтубан ётгани маъқулми, мана шу жумбоқни ечолмай хуноб бўлардим.

Патнинг нафаси қисила бошлади, кейин бирдан бошини кўтарган эди, оғзидан қон отилди. Нафас олиши тезлашиб, кўзларига беадад мунг чўкди, у бетўхтов йўталар ва қон қусарди. Елкасидан ушлаб, гоҳ бағримга босар, гоҳ бўшатарканман, аъзойи бадани титраётганини ҳис этиб турардим. Назаримда бу азобнинг охири йўқдай эди. Салдан кейин у тамом ҳолсизланиб, ёстиққа суюниб қолди.

Фрейлейн Мюллер қайтиб келди. У менга арвоҳга қарагандай тикилди.

— Энди нима қиламиз? — сўрадим ундан.

— Ҳозир дўхтир келади, — пичирлади Фрейлейн. — Мана, муз... кўкрагига қўйиш керак, агар қурби етса, бир бўлагини сўргани тузук.

— Қандай ётқизган яхши?.. Баландми, пастми? Гапирсангизчи?

— Қимирлатманг. Дўхтир ҳозир кеп қолади.

Патнинг кўкрагига муз қўя бошладим, ҳар ҳолда бир нарса қилаётганимдан сал энгил тортдим. Музни майдалаб, тез-тез алмаштириб турардим ва Патнинг чиройли, суюкли, қонга беланган лабларидан кўз узмасдим...

Велосипед гилдиракларининг шитирлагани эшитилди. Сакраб туриб кетдим. Дўхтир кириб келди.

— Ёрдамим керакми? — сўрадим шоша-пиша. Дўхтир бош чайқаб, сумкасини очди. Унинг ёнида каравотга суянганча гарангсиб турардим. У менга қаради. Сал орқага чекиндим. Дўхтир Патнинг қовурғаларини кўздан кечирди. Пат инграрди.

— Дарди оғирми? — сўрадим ундан.

— Хотинингизни ким даволаган?

— Яъни... ким дейсизми? — гўлдирадим мен.

— Қанақа дўхтир? — қайта сўради у бетоқат бўлиб.

— Билмайман... — дедим мен, — хабарим йўқ...

Дўхтир менга таажжубланиб қаради.

— Ахир, сиз билишингиз керак-ку...

— Лекин билмайман. Менга бу ҳақда сира гапирмаган.

У Патнинг устига энгашиб, шу саволни берди. Пат жавоб бериш учун оғиз очган эди, яна йўтал тутиб, қон қуса бошлади. Дўхтир унинг бошини кўтарди. Пат ютақиб нафас олар, ҳаво томоғидан ҳуштак чалиб кириб-чиқарди.

— Жаффе, — деди у ниҳоят минг машаққат билан.

— Феликс Жаффеми? Профессор Феликс Жаффе, шундайми? — сўради дўхтир. Пат тасдиқ ишорасини қилди. Дўхтир менга қаради: — Кўнғироқ қилоласизми? Ўзидан маслаҳат олганимиз маъкул.

— Ҳа, албатта, — дедим мен. — Ҳозироқ кўнғироқ қиламан. Кейин сизни ўзим опкеламан. Жаффе дедингизми?

— Феликс Жаффе. Телефон рақамини аниқланг.

— Тузалиб кетадими? — сўрадим ундан умидворлик билан.

— Қон тўхташи керак, — жавоб берди дўхтир.

Хизматкор аёлни чақирдим, иккаламиз қўпиб кетдик. У менга телефони бор уйни кўрсатди. Йўлақдан кўнғироқ қилдим. Ичкарида бир тўда одам қаҳва билан пиво ичиб ўтирарди. Уларга лоқайд назар ташладим. Тавба, Пат қонга беланиб ётипти-ю, буларнинг пиво ичиб ўтиришига ўласанми! Шошилинч буюртма бериб, аппарат олдида кута бошладим. Ғала-ғовур қулоғимга

эшитилиб турар, парда орасидан ён хонанинг бир бўлаги кўзга ташланарди. У ерда ҳам одамлар ўтиришипти. Ҳамма нарса ғира-шира, айни пайтда, аниқ-равшан кўринарди. Бошига чироқнинг сарғиш нури тушиб турган тепакал одам, кўксида боғичи бор қора кўйлакка қадалган тўғнағич, бағбақа, кўзойнак, тепага турмакланган соч, столни чертаётган ва томирлари бўртиб чиққан қоқсуяк кўл. Шу тобда ҳеч нарса юрагимга сиғмасди, бироқ буларнинг бари ўз-ўзидан кўзимга тикандек қадалаётганди.

Ниҳоят, телефон жиринглади. Профессорни сўрадим.

— Афсуски, профессор Жаффе кетиб бўлди, — деди ҳамшира.

Оёқ-қўлим бўшашиб кетди.

— Қаёққа кетдийкин? Шошилиంచ гаплашишим керак.

— Билмадим. Балки шифохонага қайтгандир.

— Илтимос, кўнғироқ қилинг. Кутиб тураман. Олдингизда бошқа аппарат ҳам бордир.

— Бир минутга. — Яна узун гудок. Бетоқатлик. Бирдан сесканиб кетдим. Парда орқасида, қафасда турган канарейка сайраб юборган эди. Шу пайт ҳамширанинг овози эшитилди: — Профессор Жаффе шифохонадан ҳам чиқиб кетипти.

— Қаёққа?

— Аниқ билмайман, жаноб.

Тамом. Деворга суяниб қолдим.

— Алў! — деди ҳамшира, — гўшакни қўймадингизми?

— Йўқ ҳали. Менга қаранг, ҳамшира, қачон қайтишини билмайсизми?

— Аниқ айтиш қийин.

— Ҳеч нарса демасми? Айтиб кетиши керак-ку. Бирор гап бўлса уни қаердан қидиради одам?

— Шифохонада навбатчи дўхтир бор.

— Ўшандан сўраб кўринг-чи.

— Фойдаси йўқ. У ҳам билмайди.

— Менга қаранг, ҳамшира, — дедим тамом ҳолдан тойиб, — агар профессор Жаффе кеп қолса, илтимос қилинг: дарров бу ёққа кўнғироқ қилсин. — Унга телефон рақамини айтдим. — Фақат зудлик билан! Ёдингиздан чиқмасин, ҳамшира.

— Менга ишонаверинг, жаноб. — У айтган рақамимни такрорлаб, гўшакни қўйди.

Жойимдан жилмадим. Чайқалиб турган бошлар, тепакал, тўғнағич, қўшни хона — бари қаёққадир ғойиб бўлди. Атрофга алангладим. Қўлимдан бошқа ҳеч нарса келмасди. Хўжайиндан кўнғироқ бўлса, қақириб қўйишини илтимос қилишим мумкин, холос. Аммо телефондан нари кетолмасдим, у мен учун бамисоли қутқариш чамбараги эди. Бирдан миямга бир фикр урилди. Гўшакни кўтариб, Кестернинг рақамини тердим. Жойида ўтиргандир, ахир. Қаёққа ҳам борарди.

Мана, тун талотўпи орасидан Кестернинг хотиржам овози эшитилди. Унга воқеани тушунтирдим. Отто жим кулоқ солар ва гапларимни ёзиб борарди.

— Бўпти, — деди у, — ҳозироқ профессорни топаман. Сенга кўнғироқ қиламан. Ташвишланма. Албатта, топаман.

Худога шукур! Қушдай енгил тортдим. Бутун олам тинчланди. Ваҳима ортада қолди. Уйга қараб югурдим.

— Хўш? — деди дўхтир, — кўнғироқ қилолдингизми?

— Йўқ. Лекин Кестер билан гаплашдим.

— Кестерингиз ким? Эшитмаганман. Нима деди? Қанақа даволаган экан?

— У даволамаган. Қидиряпти.

— Кимни?

— Жаффени-да.

— Ё астағуруллоҳ! Ким ўзи Кестер?

— Э, ҳа... узр. Кестер — оғайним. Профессор Жаффени қидиряпти. Телефонда тополмадим.

— Аттанг, — деди дўхтир ва яна Патнинг устига энгашди.

— Албатта, топади, — дедим мен. — Агар профессор тирик бўлса, албатта топади.

Дўхтир менга ғалати қараб, елкасини қисди.

Хонада хира лампочка ёниб турарди. Дўхтирдан, мендан нима ёрдам керак, деб сўрадим. Ёрдამимга зарурат йўқ эди. Дераза ёнига бордим. Пат узук-узук нафас оларди. Деразани ёпиб, эшикдан йўлга қарай бошладим.

Кимдир қичқириб қолди:

— Телефон!

Орқага ўгирилдим.

— Телефон? Мен борайми?

Дўхтир сапчиб ўрнидан турди.

— Йўқ, ўзим бораман. Баъзи нарсаларни сўраволишим керак.

Шу ерда бўп туринг. Ҳеч нарса қилманг. Тез қайтаман.

Каравот ёнига ўтирдим.

— Пат, — дедим секин. — Ҳаммамиз сенинг ташвишингдамиз. Тузалиб кетасан. Сен албатта тузалишинг керак. Профессор телефонда кўрсатма берапти. Нима қилиш кераклигини айтади. Эртага ўзи ҳам кеп қолиши мумкин. Сени даволайди. Яхши бўп кетасан. Нега ҳали мазанг йўқлигини менга айтмадинг? Ҳечқиси йўқ, қон кўп кетмаган, Пат. Қонни яна тиклаймиз. Кестер профессорни топибди. Ҳаммаси яхши бўлади.

Дўхтир қайтиб келди.

— Профессор эмас экан...

Ўрнимдан турдим.

— Ленц деган дўстингиз кўнғироқ қипти.

— Кестер профессорни тополмаптими?

— Топибди. Профессор унга нима қилиш кераклигини тайинлапти. Дўстингиз Ленц менга ҳамма кўрсатмаларини телефонда айтди. Аниқ ва тўғри кўрсатмалар. Дўстингиз дўхтирми?

— Йўқ. Дўхтир бўлмоқчи эди... Кестер қаёқда экан? — сўрадим ундан.

— Кестер бу ёққа қараб йўлга чиқипти. Профессор билан.

— Отто! — дедим мен.

— Ҳа, — давом этди дўхтир, — Ленцнинг гапига қараганда, икки соатда шу ерда бўлишармиш. Битта ёлғон гапи шу бўлди. Масофани биламан. Роса тез юришганда ҳам уч соатдан кўп вақт кетади.

— Дўхтир, — дедим мен. — Кўнглингиз тўқ бўлсин. Икки соат деган бўлса, демак, икки соатда шу ерда бўлишади.

— Мумкин эмас. Қайрилишлар кўп, бунинг устига тун.

— Мана кўрасиз... — дедим мен.

— Нима бўлганда ҳам... тезроқ келгани яхши.

Ташқарига чиқдим. Туман тушипти. Сал нарида денгиз шонуллаяпти. Дарахтлардан шабнам томчилаяпти. Энди ёлғиз эмасман. Ҳозир қаердадир жануб томонда, уфқ ортида мотор гувиллаяпти. Туман яшириб турган оқиш-кулранг йўлдан ёрдам учиб келяпти. Мошина чироқлари ёрқин нур сояпти, филдираклар шифиллаяпти, икки қўл рул чамбарагини маҳкам қисиб олган, бир жуфт кўз совуқ ва ишонч тўла нигоҳ билан тун бағрини пармаламоқда, бу — дўстимнинг кўзлари... Оттонинг кўзлари...

Кейин Жаффе ҳаммасини гапириб берди.

Кестер мен билан телефонда гаплашганидан кейиноқ Ленцга кўнгироқ қилиб, тайёр бўлиб туришни тайинлайди. Кейин у «Карл» ни гараждан олиб чиқади, Ленц икковлари Жаффенинг шифохонасига қараб жўнашади. Навбатчи ҳамшира, профессор овқатлангани кетган бўлиши мумкин деб, у тамадди қиладиган уч-тўртта рестораннынг номини айтади. Кестер профессорни қидиришга тушади. Қизил чироқ демайди, полициячиларга қарамайди. «Карл» ни улоқчи отдай мошиналар тўдасига уради. Профессорни ҳисоб бўйича тўртинчи ресторандан топади. Профессор овқатини столда қолдириб, Кестерга эргашади. Улар зарур нарсаларни олиш учун Жаффеникига жўнашади. Кестер, гарчи тез юрса ҳам, мошинани пойга пайтидагидай учирмаган дақиқалари йўлнинг мана шу қисми бўлади, холос. Сабаби, профессорни элдан бурун чўчитгиси келмайди. Уйига кета туриб, Жаффе Патнинг қаердалигини сўрайди. Кестер шаҳардан қирқ километрлар наридаги қандайдир жойнинг номини айтади. Энг муҳими, профессор боришдан айниб, мошинадан тушиб қолмаса бўлди. Жаффе нарсаларини йиғиштира туриб, Ленцга телефонда айтадиган гапларини тайинлайди. Кейин Кестер билан мошинага ўтиришади.

— Дарди оғирми? — сўрайди Кестер.

— Ҳа, — дейди Жаффе.

Шу заҳоти «Карл» арвоҳга айланди. Жойидан қўзғалиши билан ўқдай учиб кетди. У ҳаммани қувиб ўтар, филдираклари баъзан йўлгага чиқиб кетар, тақиқланган, бир томонлама ҳаракат қилинадиган кўчаларга кириб қоларди. Шаҳардан чиқиб кетиш учун мошина энг яқин йўлни қидирарди.

— Эсингизни ебсиз! — қичқирди профессор. Кестер баҳайбат бир автобуснинг рўпарасидан кесиб чиқди, олдинги баланд филдирагига урилиб кетишига сал қолди, шошиб тезликни пасайтирди, кейин яна газни қаттиқ босди.

— Секинроқ ҳайданг, — дерди нуқул Жаффе, — бир фалокат бўлса, ҳамма уринишларимиз зое кетади.

— Фалокат бўлмайди.

— Агар бу юришингиз бўлса — фалокат юз бериши муқаррар.

Кестер мошинани учирганча, қоидага зид равишда трамвайни чап томондан қувиб ўтди.

— Фалокат бўлмайди.

Олдинда тўппа-тўғри, узун кўча кўринди. Кестер дўхтирга қаради.

— Биламан, сизни эсон-омон олиб боришим керак. Менга ишонаверинг.

— Бунақа тез юришдан нима фойда! Бир неча минут ютасиз, холос.

— Йўқ, — деди Кестер тош ортилган машинага чап бериб. — Яна икки юз қирқ километр йўл босишимиз керак.

— Нима-а?

— Ҳа... — «Карл» почта машинаси билан автобуснинг орасидан ўтиб кетди. — Боя айтмаган эдим.

— Бари бир! — деди Жаффе ҳафсаласи пир бўлиб. — Мен одамларга масофадан қатъи назар ёрдам бераман. Вокзалга ҳайданг. Поездда тезроқ борамиз.

— Йўқ. — Кестер энди шаҳар ташқарисига чиқиб олган эди. Шамол сўзни оғиздан юлиб кетарди. — Суриштирдим... Поезд жуда кеч жўнаркан...

У яна Жаффега қаради, профессор тақдирга тан берган эди.

— Худо паноҳида асрасин! — гўлдиради у. — Бемор маҳбубангизми?

Кестер бош чайқади. Қайтиб жавоб қайтармади.

Шийпончали полизлар ортда қолди. Кестер катта йўлга чиқди. Энди мотор бор кучи билан ишларди. Дўхтир пешойна олдида қунишиб ўтирарди. Кестер унга чарм қалпоғини узатди. Сигнал бетиним чалинар, ўрмонлар унинг чинқирғини шу заҳоти орқага улоқтирарди. Кестер фақат қишлоққа кирганда, сира иложи бўлмаган пайтлардагина хиёл секинларди. Мошинанинг шовқин сўндиргичи йўқ эди. Мотор товуши шамолда ҳилпираб турган матодай ортда қолаётган уйларнинг деворларига урилиб, момақалди роқ янглиғ акс садо берарди. «Карл» илгарилаб бораркан, унинг чироқлари йўлида дуч келган яккам-дуккам биноларни «лип» этиб бир ёритардию яна тун кўксини ўйиб, олға интиларди.

Филдираклар гоҳ гичирлар, гоҳ вишиплар, бир гувиллаб, бир чийилларди — тезлик шу даражада баланд эди. Кестер рулга ёпи-

шиб олган, бутун вужуди қулоққа айланиб, мотор ва филдиракларнинг товушини зийраклик билан эшитиб борарди, зеро ҳар бир шубҳали овоз қаърига фалокат ва ўлим яширинган бўлиши мумкин.

Тупроқ йўл нам тортган эди. Мошина у ёқдан-бу ёққа чайқала бошлади. Кестер секинлашга мажбур бўлди. Шу сабабли муюлишлардан тез ўтишга ҳаракат қилди. У энди ақлга бўйсунмас, буткул сезгининг домига тушиб қолганди. Мошина чироклари муюлишларни яхши ёритолмасди. Қайрилишга етганда йўлнинг бир томони кўринмай қоларди. Прожектор-қидиргичдан фойда йўқ — унинг нури ниҳоятда энсиз. Дўхтирдан садо чиқмасди. Бирдан чироқ олдидаги ҳаво гир-гир айланиб, оқиш рангга кирди. Булутга ўхшаган тўп-тўп лахтаклар кўзга чалина бошлади. Жаффенинг айтишича, ана шу дақиқаларда Кестер бир мартагина сўкинган. Сал ўтмай, улар қуюқ туман оралаб боришарди.

Кестер чироқни кичкинасига ўтказди. Мошина момиқ пахта ичида сузиб борар, соялар, дарахтлар, сут денгизидаги бенур шарпалар лип-лип ўтиб турар, йўл ғойиб бўлган, фақат тасодиф ва тусмол, мотор шовқинида гоҳ катталашиб, гоҳ кичраяётган арвоҳларгина қолганди.

Ўн минутлардан сўнг мошина туман қўйнидан отилиб чиққанда Кестернинг рангига қараб бўлмасди. У Жаффега қайрилиб, бир нималар деди. Кейин рулга қапишганча газни яна охиригача босди. Кестер аввалги ҳолатига қайтганди...

Хонага кўрғошиндай оғир, ёпишқоқ ҳарорат таралган.

— Тўхтамадими? — сўрадим дўхтирдан.

— Йўқ, — деди у.

Пат менга қаради. Жилмайиш ўрнига юзим буришди, холос.

— Ярим соат қолди, — дедим мен.

Дўхтир бошини кўтарди.

— Бир ярим соат, агар икки соат бўлмаса. Ёмғир ёғяпти.

Томчилар боғдаги дарахт ва бута япроқларини бир маромда чертарди. Қоронғилик қаърига тикиламан. Тунлари уйқудан туриб, шабгул ва қалампиргуллар оралаб юрганимизга, Пат шўх-шўх болалар қўшиқларини куйлаганига қанча бўлди? Боғ йўлкасининг ой нурида ярқираб туриши ва Патнинг гул туплари орасида абжир охудай чопиб-ўйнагани тушимми, ўнгимми?

Юзинчи марта зинапояга чиқдим. Бефойдалигини билардим, лекин кутиш дақиқалари қисқаради-ку. Ҳавони туман қоплаган. Унга лаънат ўқирдим, чунки Кестернинг аҳволини тасаввур қиляпман-да. Илиқ тун қаъридан қандайдир қушнинг қичқириви эшитилди.

— Ўчир! — деб тўнғилладим. Бирдан башорат қилувчи қушлар ҳақидаги ҳикоялар ёдимга тушди. — Беҳуда гап! — дедим овозимни баралла қўйиб.

Этим жунжика бошлади. Қаердадир қўнғиз гўнғиллар, лекин яқинлашмасди... негадир яқинлашай демасди. У аста ва бир маромда гўнғилларди; кейин жимиб қолди; бир оздан сўнг яна овози чиқди... ана, яна гўнғиллади. Қўққисдан титраб кетдим... бу қўнғиз эмас, мошина эди; қаердадир олисда у катта тезликда муюлишлардан бурилаётганди. Нафасимни ичимга ютиб, кулоқ сола бошладим: яна ўша... ғазабланган арининг гўнғиллашига ўхшаган овоз. Энди қаттиқроқ эшитиляпти... Компрессорнинг товушини биламан-да! Бирдан беҳад таранглашган уфқ тарс ёрилиб, тубсиз жаҳаннамга қулади ва тунни ҳам, қўрқуву даҳшатни ҳам ўзи билан бирга олиб тушиб кетди. Мен эшик олдига чопиб бориб, кесакини ушлаганча қичқирдим:

— Келишяпти, дўхтир! Пат, улар келишяпти. Эшитяпман!

Шу пайтгача дўхтир мени жинни деб ўйлаётганди. Энди ўзи ҳам кулоқ сола бошлади.

— Бошқа мошина бўлиши керак, — деди у салдан кейин.

— Йўқ, моторидан танияпман.

У менга ижирғаниб қаради. Ўзини автомобилларнинг билангани деб ҳисобласа керак. Пат билан худди онасидек, мулойим гаплашади; аммо мен мошинадан оғиз очсам, кўзларидан учқун сачраб, бирорта фикримга қўшилмайди.

— Мумкин эмас, — у шундай деб, хонага кириб кетди.

Мен жойимдан жилмадим, ҳаяжоним ортиб борарди.

— «Карл», «Карл!» — такрорладим мен.

Мошинанинг шовқини бир кучайиб, бир пасаярди. Афтидан у қишлоққа кирган, уйлар орасидан учиб келаётганди. Мана, моторнинг овози сал пасайиб, ўрмон орқасидан эшитила бошлади, энди яна авжга чиқди... дарахтларнинг шоҳлари ёришиб кетди... Довдираб қолган дўхтир ёнимда турарди. Бир жуфт чироқ бизга томон шиддат билан яқинлашиб келарди. Тормозлар чийиллаб, мошина эшик олдида тўхтади. Чопиб бордим. Профессор мошинадан тушди-да, менга эътибор бермай, тўппа-тўғри дўхтиргача қараб юрди. Орқасидан Кестер келарди.

— Пат қалай? — сўради у.

— Қон тўхтамаяпти.

— Шунақа бўлади, — деди у. — Кўп ташвишланма.

Мен индамай, унга қарадим.

— Сигаретанг борми?

Сигарета узатдим.

— Келганинг яхши бўлди, Отто.

У сигаретани қаттиқ-қаттиқ тортди.

— Мен ҳам шуни ўйладим-да.

— Тез юрибсан.

— Ҳа, анча тез. Туман бир оз халақит берди.

Зинага ўтириб, профессорнинг чиқишини кута бошладик.

— Тузалиб кетармикин?

— Албатта. Бунақа қон кетиши хавфли эмас.

- Илгари менга сира гапирмаганди.
- Кестер бош ирғади.
- Албатта, тузалиши керак, Отто! — дедим мен.
- У менга қарамади.
- Яна битта чекишдан ол, — деди у, — ўзимники қоп кепти.
- У тузалиши керак, — дедим мен, — акс ҳолда ҳамма нарса бир пул бўлади.
- Профессор чиқди. Ўрнимдан турдим.
- Мошинангизни елкамнинг чуқури кўрсин, — деди у Кестерга.
- Мени кечиринг, бу аёл дўстимнинг хотини бўлади.
- Ана холос! — деди Жаффе.
- Тузалиб кетадими? — сўрадим ундан.
- У менга тикилиб қаради. Кўзимни олиб қочдим.
- Аҳволи оғир бўлганда ёнингизда бемалол турармидим? — деди у.
- Тишимни тишимга босиб, муштларимни қисдим. Мен йиғлардим.
- Узр, — дедим унга, — бирдан бўп қолди.
- Бунақа нарсалар бирдан бўлади, — жавоб берди Жаффе кулиб.
- Ўпкам тўлиб кетди, Отто, кечир.
- У елкамни буриб, эшик томон итарди.
- Ичкарига кир. Агар профессор рухсат берса.
- Энди йиғламайман, — дедим мен. — Хонага кирсам майлими?
- Фақат бир минутга, — жавоб берди Жаффе, — лекин гапга солманг. У ҳаяжонланмаслиги керак.
- Кўзим жиққа ёш бўлганидан қалқиб турган хира доғдан бошқа нарсани кўрмасдим, қовоқларим титрарди, аммо кўз ёшларимни артишга журъат қилолмасдим. Мени бу аҳволда кўриб, Пат қўрқиб кетиши мумкин. Ичкарига киришдан аввал қилмайишга уриндим. Кейин Жаффе билан Кестерга бурилиб қарадим.
- Ҳар ҳолда келганингиз яхши бўптими? — сўради Кестер.
- Ҳа, — деди Жаффе, — сал энгил тортиди-ку.
- Эртага эрталаб олиб бориб қўяман.
- Кераги йўқ, — деди профессор.
- Секин юраман.
- Раҳмат, яна бир кунга қоламан, Патни назорат қилиб тураман. Каравотингиз бўшми? — У менга мурожаат этди.
- Мен бош силкидим.
- Яхши. Шу ерда тунайман. Сизлар қишлоқдан ётгани жой топасизларми?
- Албатта. Тиш чўткази билан пижама тайёрлаб қўяйми?
- Ташаккур. Ҳамма нарсам бор. Бунақа юришларга кўникиб кетганман, фақат ановнингга ўхшаган мошинада эмас.

— Мени кечиринг, — деди Кестер, — биламан, мендан ха-
фасиз.

— Йўқ, хафа эмасман.

— Унақа бўлса, мошинанинг феълени бошдаёқ айтардим.
Жаффе кулиб юборди.

— Сиз дўхтирлар ҳақида нотўғри фикрдасиз. Энди боравен-
ринглар, ташвиш тортманглар. Мен қоламан.

Тезгина кўрпа-ёстиқларни йиғиштирдим. Кестер билан қиш-
лоққа жўнадик.

— Чарчадингми? — сўрадим ундан.

— Йўқ, — деди Отто, — ке, бирор жойда пича ўтирайлик.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, яна бетоқат бўла бошладим.

— Профессор бекорга қолмагандир, Отто, — дедим мен. —
Ҳали хавф аримаган, шекилли. Бўлмаса қолармиди...

— Эҳтиётти шарт қолган-да, — жавоб берди Кестер. — Патни
жуда яхши кўради. Йўлда гапириб берди. Онасини ҳам даволаган
экан.

— Онасининг ҳам шунақа касали бор эканми?

— Билмадим, — деди Кестер шоша-пиша, балки бошқа
касалдир. Ётамизми?

— Боравер, Отто. Уни яна бир кўрмасам бўлмайди... шунча-
ки... узоқдан.

— Бўпти. Бирга борамиз.

— Бунақа илиқ ҳавода очиқ жойда ётишни яхши кўраман.
Сен ташвишланма. Кейинги пайтда кўп қилдим бу ишни.

— Зах-ку.

— Зарари йўқ. Мошинанинг тепасини кўтариб қўйиб, ичида
бир оз ўтираман.

— Яхши. Мен ҳам очиқ ҳавода бир маза қилай.

Сездимки, ундан қутулолмайман. Яна бир-иккита адёл би-
лан ёстиқ кўтариб, «Карл»нинг олдига қайтиб келдим. Камар-
ларни ечиб ташлаб, олдинги ўриндиқ суянчиқларини орқага
ётқиздик. Энди бемалол чўзилса бўларди.

— Фронтдагидан яхши-ку, — деди Кестер.

Деразадан тушаётган нур ғира-шира қоронғиликка сингиб
кетаётганди. Бир неча бор Жаффенинг сояси кўринди. Биз бир
қути сигаретани чекиб ташладик. Кейин хонадаги катта чироқ
ўчирилиб, кичкина тунги чироқ ёқилди.

— Худога шукур, — дедим мен.

Мошинанинг брезент томига япроқларда илиниб турган ём-
ғир томчилари туша бошлади. Майин шабада эсарди. Ҳаво му-
саффо.

— Адёлимнинг биттасини ол, — дедим Кестерга.

— Кераги йўқ, совқотмаяпман.

— Жаффе зўр йигит экан, тўғрими?

— Зўр, уддабуронга ҳам ўхшайди.

— Албатта.

Нотинч уйқудан кўзларимни очдим. Тонг ёриша бошлапти. Кестер уйғоқ экан.

— Ухламадингми, Отто?

— Ухладим.

Мошинадан чиқиб, дераза ёнига бордим. Тунги чироқ ҳали ёниб турарди. Пат тўшакда кўзларини юмиб ётипти. Қон тўхтаган, лекин ранги оппоқ. Бирдан юрагим орқага тортиб кетди: у менга ўлиб қолгандай туюлди. Кейин ўнг қўли сал қимирлаганини пайқадим. Шу пайт нариги каравотда ётган Жаффе кўзларини очди. Кўнглим хотиржам бўлиб, деразадан нари кетдим, — демак, у Патни кузатиб турипти.

— Бу ердан кетайлик, — дедим Кестерга, — тагин профессор, мени текширишяпти, деб ўйламасин.

— Ичкарида тинчликми?

— Шунақага ўхшайди. Жаффе рисоладагидай ухлар экан: бунақа одам қулоғининг тагида замбарак отсанг ҳам пинагини бузмайди, аммо юк халтасига сичқон яқинлашса — дарров уйғонади.

— Чўмилгани борамиз, — деди Кестер. — Ҳавони қара! — У мириқиб керишди.

— Бора қол.

— Бирга борамиз.

Кулранг осмон ёришди. Булутлар орасидан қизғиш нур тара-ла бошлади. Уфқ тепасидаги булут пардаси кўтарилиб, мовий сув кўзга ташланди.

Ўзимизни денгизга отиб, сузиб кетдик. Сув кулранг-қизғиш тусда товланарди.

Кейин орқага қайтдик. Фрейлейн Мюллер ҳовлида экан. У полизидан кашнич қирқарди. Овозимни эшитиб, чўчиб тушди. Кечаги қўполлигим учун узр сўрадим. У хўнграб юборди:

— Шўрлик. Бирам бамаъни... ҳали жудаям ёш-а.

— Пат юз йил яшайди, — дедим мен, худди Пат жон бераётгандай кўз ёши қилганидан ранжиб. — Йўқ, у ўлмайди... Салқин тонг, шамол, денгиз бор экан, вужудимда ҳаёт гупуриб турган экан — Пат ўлмайди... Фақат мен бўш келмасам бас. Унинг ёнида дўстим Кестер бор, мен борман. Олдин биз ўлишимиз керак. Модомики биз тирик эканмиз, уни ўлим чангалига ташлаб қўймаймиз. Ҳамма вақт шундай бўлган. Кестер тирик экан, мен ўлмайман. Иккаламиз тирик эканмиз — Пат ўлмайди.

— Тақдирга тан бериш керак, — деди фрейлейн Мюллер. Унинг сўзларида таъна оҳанги бор эди. Афтидан, мени кечирмаганга ўхшайди.

— Тан бериш керак? — сўрадим ундан. — Нега энди? Бундан фойда йўқ. Ҳаётда биз ҳамма нарса учун икки-уч ҳисса ортиқ гўлов тўлаймиз. Яна тан бериш нимаси?

— Ҳа, ҳа... шунда яхши бўлади.

Тақдирга тан бериш, ўйладим мен. Нима ўзгаради шу билан? Курашиш керак, гарчи бу ахлатхонада охир-оқибат мағлуб бўлсанг ҳам курашиш керак. Ўзингга азиз бўлган қиттайгина нарса учун курашиш лозим.

Тақдирга етмишга кирганда тан берса ҳам бўлаверади.

Кестер фрейлейн Мюллерга бир нималар деди. Аёл жилмайиб, кўнгли қандай таом тусаётганини сўради.

— Кўрдингми, — деди Отто, — ёшда гап кўп: гоҳ йиғи, гоҳ табассум, — одам бир зумда ўзгаради. Қариганда биз ҳам шунақа бўлсак керак, — қўшиб қўйди у.

Уй атрофини айландик.

— Бир минут кўпроқ ухласа, шунга хурсандман, — дедим мен.

Биз яна боққа ўтдик. Фрейлейн Мюллер нонушта тайёрлаб қўйипти. Қайноқ қаҳва ичдик. Қўёш чиқди. Бир зумда ҳаво илиди. Дарахт барглари нур ва намдан ярқирарди. Денгиз томондан балиқчи қушларнинг қийқириғи эшитилиб турипти. Фрейлейн Мюллер столга бир даста атиргул келтириб қўйди.

— Кейин Патга берамиз, — деди у.

Гул ҳиди болаликни, боғ панжарасини ёдга солди...

— Биласанми, Отто, — дедим мен, — худди ўзим касал бўлгандайман. Ҳар ҳолда илгаригидай эмасмиз. Ўйлаб, хотиржам иш тутиш керак эди. Қанча хотиржам бўлсанг, бошқаларга фойданг шунча кўпроқ тегади.

— Ҳар доим бунинг иложи йўқ, Робби. Менда ҳам шундай бўлган. Яшаганинг сайин асабларинг ҳам бузила боради. Зарар устига зарар кўраётган сармоядорнинг асаблари каби.

Шу пайт эшик очилиб, пижамада Жаффе чиқиб келди.

— Яхши, яхши! — деди у столни ағдариб юборишимга сал қолганини кўриб. — Нисбатан яхши.

— Кирсам бўладими?

— Йўқ ҳали. Хизматкор аёл бор. Хонани йиғиштиряпти.

Унга қаҳва қуйиб бердим. Профессор кўзларини қисиб, офтобга қаради, кейин Кестерга мурожаат қилди:

— Аслида сизга раҳмат айтишим керак. Бир кунга бўлса ҳам денгиз бўйига келдим-ку.

— Тез-тез келиб турсангиз бўлади, — деди Кестер. — Бугун кечқурун йўлга чиқсангиз, эртасига кечки пайт қайтаверасиз.

— Бўлади, бўлади... — жавоб берди Жаффе. — Инсон ўзини ўзи афтода қилаётган замонда яшаётганимизни ҳали пайқамасиз, шекилли? Қилиш мумкин бўлган кўп ишларни қилмаймиз, сабабини ҳам билмаймиз. Иш ҳамма нарсадан муҳим бўлиб қолди: қанча одам иш қилириб юрипти, кўзига бошқа нарса кўринмайди. Бу ернинг ажойиблигини қаранг! Қанча йилдан бери энди кўриб турибман. Иккита мошинам, ўн хонали уйим, етарлича пулим бор. Лекин булардан нима фойда? Мана шу фарахбахш тонгга уларни қиёслаб бўладими! Иш аянчли васвасага айланиб

қолди. Ўлиб-тирилиб ишлаймиз, худди бир нарса ўзгарадигандай. Ҳеч қачон ҳеч нарса ўзгармайди. Одамлар ҳаётларини дўзахга айлантириб юборишди. Қараб туриб, ёқа ушлайсан!

— Менимча, дўхтир — нима учун яшаётганини биладиган камдан-кам одамлар тоифасига киради, — дедим мен. — Сиз шундай десангиз, алақандай ҳисобчидан нима кутиш мумкин?

— Азизим, — эътироз билдирди Жаффе, — шунини унутмангки, ҳис этиш қобилияти ҳаммада бир хил эмас.

— Тўғри, — деди Кестер, — аммо одамлар ана шу қобилиятларига қарамасдан касб танлашган-ку.

— Начора, — жавоб берди Жаффе. — Бу мураккаб масала. — У менга юзланди: — Энди кираверинг. Фақат оҳиста, уни кўзгатманг, гапиришга мажбур қилманг...

Пат, худди биров уни зарб билан уриб қулатгандай, қимир этмай ётарди. Юзи ўзгариб кетган: кўзларининг ости кўм-кўк, лабларида қондан асар йўқ. Аммо кўзлари илгаригидай катта-катта ва чақноқ. Жудаям катта, жудаям чақноқ.

Кўлини олдим — муз-муз, оппоқ.

— Пат, дўстгинам, — дедим энтиқиб, кейин каравот четига ўтирмақчи бўлдим. Шунда дераза олдида турган хизматкор аёлни кўриб қолдим. У менга синчковлик билан қараб турарди. — Чиқиб кетинг, — дедим унга жаҳл билан.

— Парда тутишим керак.

— Бўпти, тезроқ тута қолинг, кейин бизни холи қўйинг.

У деразага сарғиш парда торта бошлади, ҳадеганда уддалаёлмади, сўнг шошмасдан тўғнағич қадашга тушди.

— Менга қаранг, — дедим унга, — театр эмас бу ер. Чиқа қолинг!

У аста ўгирилди.

— Биринглар, парда тут, дейсизлар, биринглар, чиқиб кет, дейсизлар.

— Сен илтимос қилганмидинг? — сўрадим Патдан.

У бош силкиди.

— Кўзингга нур тушяптими?

— Бугун менга ёп-ёруғ хонада қарамаганинг маъқул...

— Пат, — дедим безовталаниб, — сенга ҳали гапириш мумкинмас! Агар шу шарт бўлса...

Эшикни очдим, хизматкор аёл зипиллаб чиқиб кетди. Каравот ёнига қайтдим. Бояги паришонлигим тарқалганди. Ичимда хизматкор аёлни алқадим. Ўша туфайли сал дадиллашгандим. Ҳар ҳолда Патни бу аҳволда кўриш оғир эди.

Стулга ўтирдим.

— Пат, — дедим унга, — ҳадемай тузалиб кетасан.

Унинг лаблари титради.

— Эртагаёқ...

— Эртага эмас, уч-тўрт кундан кейин. Оёққа туришинг билан уйга қайтамыз. Келмасак бўлар экан, бу ернинг ҳавоси сенга ёқмади.

— Ҳечқиси йўқ, — пичирлади у. — Касалмасман-ку. Шунчаки кутилмаган тасодиф бу.

Унга қарадим. Наҳотки касаллигини билмаса? Ёки тан олгиси келмаяптими? Кўзлари жовдираб турарди.

— Кўрқма... — пичирлади у яна.

Нега унақа деяпти? Нимадан кўрқмаслигим керак? Кўриб турибман, безовталаняпти. Кўзларида мунг ва аллақандай илтижо бор. Бирдан миям ишлаб қолди. Унинг нимани ўйлаётганини фаҳмладим. Касали юқади, деб кўрқма демоқчи.

— Ё, тавба, — дедим мен, — шунинг учун индамаганминдинг?

Пат жавоб бермади, сездимки, сабаби шу.

— Сени қара-ю. Мени ким деб ўйлаяпсан?

Устига энгашдим.

— Бир дақиқа жим ёт... қимирлама... — лабларидан ўпдим. Дудоғи куруқ ва қайноқ эди. Қаддимни ростлаб, йиғлаётганини кўрдим. Унсиз йиғларди. Юзида бирор ифода йўқ, катта-катта кўзларидан ёстиққа ёш қуйиларди.

— Кўйсанг-чи, Пат...

— Яхшиям борсан, — деди у.

Тик турганча ундан кўз узмасдим. Икки оғиз сўз айтди. Аммо бундай талаффузни ҳеч қачон эшитмаганман. Кўп аёлларни билман, улар билан учрашувлар ҳамиша тасодифий юз берган, шунчаки вақт ўтқазиш, жиндай саргузашт, жиндай шодмонлик билан якун топган, кейин яна ёлғизлик, бўм-бўшлик, ўзингдан нафратланиш, умидсизлик — мана шунақа ҳолатларни бошдан кечирганман. Бошқа ҳеч нарсани қидирмаганман ҳам: чунки ўзимдан, нари борганда оғайнимдан бўлак кимсага суянолмаслигимни билардим-да. Бирдан кимгадир кераклигимни, ёнида бўлганимдан у одам ўзини бахтиёр ҳис этишини англаб етдим. Бундай сўзлар оғиздан осонгина чиқиб кетавериши мумкин, лекин астойдил мағзини чақсанг, ушбу калиманинг нақадар бебаҳолигига имон келтирасан. Бу нарса инсон қалбини ларзага солиб, уни тамом ўзгартириб юбориши мумкин. Бу муҳаббатдан бошқачароқ нарса. Фақат шунинг учунгина яшасанг арзийдиган нарса. Эркак киши ёлғиз муҳаббатга суяниб яшай олмайди. У азбаройи бошқа одамни деб яшашга қодир.

Патга бир нималар дегим келарди-ю, аммо айтолмасдим. Қизиқ-да, ростдан ҳам айтадиган гапинг бор пайтда сўз тополмай қийналасан. Ҳатто топганингда ҳам оғиз очишга ийманасан. Бундай сўзлар ўтган асрларга тааллуқли. Бизнинг давр туйғуларни ифода этадиган сўзларни ҳали топмаган. Бу замона фақат одобсизликни биледи, холос, қолган барчаси — сунъий.

— Пат, — дедим унга, — ўктам дўстгинам...

Шу пайт Жаффе кириб келди. У дарров вазиятни пайқади.
— Билувдим! Боплабсиз! — тўнгиллади у. — Шундай бўлиши-
ни кўнглим сезувди.

Бир нималар демоқчи бўлган эдим, кулоқ солмай, хонадан
чиқариб юборди.

XVII

Орадан икки ҳафта вақт ўтди. Пат анча ўзига келиб, шаҳар-
га қайтиш имкони туғилди. Нарсаларимизни йиғиштириб, Ленц-
нинг келишини кута бошладик. У мошинани олиб кетиши керак
эди. Пат иккаламиз поездда жўнайдиган бўлдик.

Кун илиқ ва дим эди. Кўкда булут увадалари осилиб турар,
қумтепалар устида иссиқ ҳаво жимирлар, қўрғошиндай денгиз
сатҳи оппоқ ҳовурга бурканганди.

Готтфрид тушдан кейин келди. Узоқданоқ ҳурпайган, жинг-
лак сочларига кўзим тушди. Фрейлейн Мюллер уйи томон бурил-
гандагина унинг ёлғиз эмаслигини пайқадим. Ёнида автопойга-
чига ўхшаган миттигина одам пилдираб келарди: бошида айвони
орқага сурилган лагандай катак кепка, кўзида каттакон қора кўзой-
нак, оқ комбинезон, қип-қизил, супрадай баҳайбат кулоқлар.

— Ёпирай, Юппмисан?! — дедим таажжуб билан.

— Шахсан ўзлари, жаноб Локамп, — жавоб берди Юпп.

— Пўрим бўп кетибсан-ку! Нима бўлди?

— Э, сўрама, — деди кулиб Ленц мен билан сўрашаркан. —
Пойгачи бўлмоқчи. Саккиз кундан бери машина ҳайдашни ўрга-
таман. Эргашди. Биринчи шаҳарлараро пойга учун қулай фур-
сат-да.

— Қотираман, жаноб Локамп! — деди Юпп виқор билан.

— Қотирганинг қурсин! — Готтфрид кулди. — Бунақа ким-
ўзарга ишқибоз ҳайдовчини сира кўрмаганман. Биринчи кунидеъ
эски таксимизда мерседесни қувиб ўтмоқчи бўлди. Бориб турган
шумтака бу.

Юпп гурурланиб, Ленцга меҳр билан қараб қўйди.

— Ўзи олифтагарчилик қилди-да, жаноб Ленц! Худди жаноб
Кестердай, муюлишда қисиб қўймоқчи бўлдим-у, тагин қўй де-
дим.

Мен хохолаб кулиб юбордим.

— Бошланиши ёмонмас, Юпп.

Готтфрид ўз шогирдига оталарча фахр билан қаради.

— Энди чамадонларни олиб, вокзалга жўна.

— Бир ўзимми? — Юпп ҳаяжондан энтикиб кетди. — Бир
ўзим боришимга рухсат берасизми, жаноб Ленц?

Готтфрид бош силкиди. Юпп ичкарига чопиб кириб кетди.

Юкларни топширдик. Кейин орқага қайтиб, Патни олдик-
ла, яна вокзалга келдик. Поезднинг жўнашига чорак соат вақт
қолган эди.

Бўм-бўш перронда уч-тўртта сут бидонлари турарди.

— Кетаверинглар, — дедим мен, — бемаҳалга қолманглар.

Рулда ўтирган Юпп менга ўпқаланиб қаради.

— Бунақа гап сенга ёқмайди, а? — деди Ленц.

Юпп қаддини ростлади.

— Жаноб Локамп, — деди у таъна билан. — Йўлнинг ҳисоб-китобини қилиб қўйганман. Соат саккизда устахонага кириб бо-рамиз.

— Тўппа-тўғри! — Ленц унинг елкасига қоқди. — Гаров ўйна, Юпп. Бир шиша сельтер сувидан.

— Сувни нима қиламан, — эътироз билдирди Юпп. — Бир кути сигаретадан бўлса, майли.

У менга такаббуруна қаради.

— Йўл ёмонлигини биласанми? — сўрадим ундан.

— Ҳаммаси ҳисобга олинган, жаноб Локамп.

— Муюлишлар-чи?

— Муюлишлар менга чўтмас. Менда асаб йўқ.

— Бўпти, Юпп, — дедим жиддий оҳангда. — Гаров ўйнаганим бўлсин. Фақат жаноб Ленц манзилга етгунча рулга ўтирмаслиги керак.

Юпп кафтини юраги устига қўйди.

— Сўз бераман!

— Яхши, яхши. Қўлингдаги нима?

— Вақт ўлчагич. Вақтни ҳисоблаб бораман. Шалоқ аравангиз нимага қодирлигини билмоқчиман.

Ленц жилмайди.

— Ҳа, дўстларим. Юпп пухта қуроолланган. Шўрлик машина-миз кўрққанидан тутдай тўкилиб кетса керак.

Юпп кинояга парво қилмади. У ҳаяжонланиб, кепкасини чер-тарди.

— Хўш, кетдикми, жаноб Ленц? Гаров ўйнаб қўйганман-а.

— Албатта, жажжи пойгачим! Хайр, Пат! Яхши боринглар, Робби! — Готтфрид машинага ўтирди. — Қани, Юпп, энди бу хонимга ҳақиқий йигит ва бўлажак жаҳон чемпиони ўрнидан қандай кўзғалишини бир кўрсатиб қўй!

Юпп кўзойнагини туширди, бизга бир кўз қисиб, худди чинакам пойгачилардай, машинани бамайлихотир биринчи тезликка солди-да, тош йўлдан дадил юриб кетди.

Биз вокзал олдидаги узун курсида яна пича ўтирдик. Жазира-ма офтоб перрондаги тахта тўсиқни қиздириб юборганди. Кат-рон ва туз ҳиди анқирди. Пат бошини орқага ташлаб, кўзларини юмиб олган. Юзини қуёшга тутганча қимир этмай ўтирипти.

— Чарчадингми?

У бош чайқади.

— Йўқ, Робби.

— Ана, поезд келяпти, — дедим мен.

Кичкина қора паровоз жимирлаб турган беҳудуд сароб бағридан сузиб чиқиб, пишқирганча вокзал олдида тўхтади. Вагонга чиқдик. Деярли бўм-бўш эди. Кўп ўтмай, поезд жойидан жилди. Паровознинг қоп-қора тутуни ҳавода муаллақ туриб қолди. Таниш манзара — жигарранг похол томли уйлар, от ва сигирлар ўглаб юрган яйловлар, ўрмон ва фрейлейн Мюллернинг қумтепа ёнидаги шинам, осуда уйи аста-секин орқага чекина бошлади.

Пат ёнимда, дераза олдида турар ва уйдан кўз узмасди. Поезд бурилаётганда уйга жуда яқин келиб қолдик. Деразамиз баралла кўриниб турарди. Ланг очиқ. Дераза остига кўрпа-ёстиқ жилдларни ёйиб қўйилган.

— Ана фрейлейн Мюллер! — деди Пат.

— Худди ўзи!

Фрейлейн эшик олдида турволиб, қўл силкирди. Пат рўмолчасини олиб деразадан чиқазди.

— Кўрмаяпти, — дедим мен, — рўмолчанг жудаям кичкина. Ма, меникини ол.

Пат менинг рўмолчамни силкита бошлади. Фрейлейн Мюллер пайқаб, қизғин жавоб қайтарди.

Поезд очиқ далага чиқди. Уй ҳам, қумтепа ҳам ортда қолди. Қоп-қора ўрмон нарёғида ярқираб турган денгиз яна бир муддат биздан бедор нигоҳини узмади. Сўнг сарғиш-кўкимтир кенгликлар, уфққа қадар чўзилиб кетган ғаллазорлар бошланди.

Пат рўмолчамни бериб, купе бурчагига ўтирди. Дераза ойнасини кўтардим. «Тугади! — ўйладим мен. — Худога шукур, ҳаммаси тугади! Буларнинг бари туш эди! Машъум, бадният туш эди».

Соат олтида шаҳарга етиб келдик. Такси тутиб, чамадонларни юкладим.

— Уйга кирасанми? — сўради у.

— Албатта.

Олдин уни тепага кузатиб қўйдим, кейин шофёр билан чамадонларни олиб чиқиш учун қайтиб тушдим. Яна чиққанимда Пат ҳамон йўлакда турарди. У подполковник фон Гаке ва хотини билан гаплашарди.

Хонага кирдик. Намозгар пайти эди. Столдаги гулдонда бир даста қип-қизил атиргул. Пат дераза олдида бориб, кўчага қаралди. Кейин менга юзланди:

— Сафарда қанча бўлдик, Робби?

— Роппа-роса ўн саккиз кун.

— Ўн саккиз кун? Назаримда бир йил юргандаймиз.

— Менга ҳам шундай туюляпти. Шаҳардан бирор жойга чиқсанг, ҳамма вақт шунақа бўлади.

У бош чайқади.

— Мен бошқа нарсани айтяпман...

Пат балкон эшигини очиб, ташқарига чиқди. У ерда оппоқ энгил кресло турарди. Уни ўзига тортиб, бирпас термулиб қолди.

Хонага кайфияти ўзгариб, кўзлари нурсизланиб кирди.

— Қара, қанақа атиргул, — дедим мен. — Кестер жўнатипти. Мана ташрифномаси.

Пат ташрифномани олиб, столга қўйди. Атиргулга лоқайд назар ташлади. Ҳайрон бўлдим. Кўринишидан хаёли ҳамон балкондаги креслода эди. Энди қутулдим деганда, наҳотки яна унга миxlаниб қолса — Пат шуни ўйларди.

Унга ҳалал бермадим. Шундай қилиш керак эди. Майли, ўзига келволсин. Бу ҳолати тез ўтиб кетади, чунки ёнида мен борман. Ҳозир тасалли бериш бефойда. Бирор нарса десам, номига хотиржам бўлади-ю, кейин яна нохуш ўйлар гирдобида қолади, қайтанга баттар изтироб чекади.

У бошини ҳам қилганча столга суяниб турарди. Кейин менга қаради. Индамадим. Айланиб ўтиб, елкамга қўлини қўйди.

— Дўстим, — деди у.

Пешонасини кўксимга босди. Аста кучдим.

— Энди ишга киришамиз.

Пат сочини орқага силкиди.

— Негадир хаёл босди... бир лаҳзага...

— Ҳечқиси йўқ.

Эшик тиқиллади. Хизматкор қиз столчани филдиратиб кирди.

— Бу бошқа гап, — деди Пат.

— Чой ичасанми?

— Йўқ, қаҳва.

Ярим соатча ўтирдим. У толиқа бошлади. Кўзларидан пайқадим.

— Озгина ухлавол, — дедим унга.

— Сен-чи?

— Уйга бориб, мен ҳам жиндай мизғийман. Икки соатдан кейин келаман, овқатлангани борамиз.

— Чарчагансан-ку? — деди у келишимга ишонқирамай.

— Сал-пал. Поезд иссиқ экан. Устахонага ҳам бирров кириб ўтаман.

Бошқа гап сўрамади. Ўзи оёқда зўрға турарди. Каравотга ётқизиб, устини ёпиб қўйдим. Шу заҳотиёқ кўзлари юмилди. Олдига атиргул билан Кестернинг ташрифномасини қўйдим — уйфонганида фақат шуни ўйласин. Кейин оёқ учида юриб, чиқиб кетдим.

Кўчада телефон-автомат олдида тўхтадим. Жаффе билан гап-лашмоқчи бўлдим. Уйдан қўнғироқ қилиш қийин: пансиондагилар қулоқ солиб туришади.

Гўшакни кўтариб, шифохона рақамини тердим. Аппаратга Жаффенинг ўзи келди.

— Локампман, — дедим шоша-пиша. — Бугун келдик. Бир соатча бўлди.

— Мошинада келдингларми? — сўради профессор.

— Йўқ, поездда.

— Хўш... Ишлар қалай?

— Ёмонмас, — дедим мен.

У жим бўлиб қолди.

— Эртага фрейлейн Хольманнинг олдига кираман. Эрталаб соат ўн бирда. Айтиб қўёлмайсизми?

— Йўқ, — дедим мен. — Сиз билан гаплашганимни билмагани тузук. Балки ўзи қўнғироқ қилар. Ўшанда айтиб қўя қоласиз.

— Бўпти. Шунақа қиламиз. Ўзим айтаман.

Мен қўл тегавериб кир бўлиб кетган қалин телефон китобини беихтиёр бир четга сурдим. У тахта токчада турарди. Деворга телефон рақамлари ёзиб ташланганди.

— Эртага олдингизга кирсам бўладими? — сўрадим Жаффедан.

Жаффе жавоб бермади.

— Соғлигини билиб қўймоқчи эдим-да.

— Эртага сизга аниқ бир нима деёлмайман, — деди профессор. — Камида бир ҳафта кузатиш керак. Ўзим хабар қиламан.

— Раҳмат. — Токчадан кўз узолмасдим. Унга кимдир каттакон похол шляпа кийган семиз қизчанинг суратини чизиб қўйипти. Остида «Элла — жинни» деган ёзув.

— Бирор даво тадбирларини қўллаш керак бўладими? — сўрадим мен.

— Эртага маълум бўлади. Менимча, уйида парвариш ёмонмас шекилли.

— Билмадим. Эшитишимча, қўшнилари кейинги ҳафта қаёққадир кетишармиш. Хизматкор қиз билан қоладиганга ўхшайди.

— Шунақами? Майли, буни ҳам суриштираман.

Мен токчадаги суратни телефон китоби билан тўсдим.

— Сизнингча... касали яна хуруж қилиши мумкинми?

Жаффе жавоб беришга шошмади.

— Албатта, такрорланмайди, дейиш қийин, — деди у салдан кейин. — Аммо эҳтимолдан йироқ. Яхшилаб текширганимдан сўнг анигини айтишим мумкин. Сизга қўнғироқ қиламан.

— Майли, раҳмат.

Гўшакни қўйдим. Кўчага чиқиб, яна бир оз гарангсиб турдим. Ҳаво дим эди. Сўнг уйга қараб кетдим.

Йўлакда фрау Залевски билан тўқнашиб кетдим. У фрау Бендернинг хонасидан отилиб чиқди. Мени кўриб, таққа тўхтади.

— Ҳа, келдингизми?

— Кўриб тўрганингиздай. Нима янгиликлар?

— Янгилик йўқ... Битта янгилик — фрау Бендер кўчиб кетди.

— Ие. Нега энди?

Фрау Залевски қўлларини белига тиради.

— Ҳамма ерда ғаламислар бор. Мушугини қўлтиқлаб, йигирма олти маркасини чўнтагига солдию боқиб турадиган насронийлар уйига кетди-ворди.

Унинг айтишича, фрау Бендер ишлайдиган етимхона касодга учраган. Етимхона раҳбари бўлмиш руҳоний биржада олди-сотдига араллашиб, чув тушган. Фрау Бендерни икки ойлик иш ҳақини ҳам тўламасдан, ишдан бўшатишган.

— Бошқа иш топибдими? — сўрадим ундан.

Фрау Залевски менга бир қараб қўйди.

— Ҳа-да, топмаган, албатта, — дедим мен.

— Кетманг, ижара ҳақини кейинроқ тўларсиз, десам ҳам кўнмади.

— Камбағал одамларнинг аксарияти орийтли бўлади, — дедим фрау Залевскига. — Унинг хонасида энди ким яшайди?

— Хасселар оиласи. Арзонроқ-да.

— Уларнинг хонаси нима бўлади?

У елкасини қисди.

— Кўрамиз. Янги ижарачилардан умидим йўқ.

— Қачон бўшайди?

— Эртага. Хасселар кўчишяпти.

Миямга бир фикр келди.

— Қанча туради ўша хона? — сўрадим ундан.

— Етмиш марка.

— Қиммат.

— Эрталаб нонуштага қаҳва, иккита булочка, сарёғи бор.

— Бари бир қиммат. Фрида тайёрлайдиган қаҳвадан воз кечаман. Нонуштанинг нархини чегириб ташлайсиз. Эллик марка, бир тийин ҳам кўп эмас.

— Ижарага олмоқчимисиз? — сўради фрау Залевски.

— Эҳтимол.

Хонамга кира туриб, Хассенинг эшигига разм солдим. Пат пансионда яшайди! Йўқ, пухта ўйланмаган. Шунга қарамай, эшикни тақиллатдим.

Фрау Хассе хувиллаган хонада юзига упу суртиб ўтирарди. Бошида шляпа.

Хол-аҳвол сўраб, хонага кўз югуртирдим. Ўйлаганимдан кўра каттароқ экан. Жиҳозларнинг бир қисми олиб чиқиб кетилгани учун яққол кўзга ташланиб турипти. Деворга ёпиштирилган гулқоғоз деярли янги, эшик-ромлар яқинда бўялган, бунинг устига, кенг-мўл балкони бор.

— Эримнинг қилаётган ишини қаранг, — деди фрау Хассе. — Рўпарадаги анови манжалақи яшаган хонага кўчиряпти! Қандай шармандалик!

— Нимаси шармандалик? — сўрадим ундан.

— Бундан ортиқ шармандалик бўладими? — давом этди у. — Бир-биримиз билан ит-мушуклигимизни биласиз. Энди эрим

ушанинг хонасида яшашга мени мажбур қиляпти. Балкони йўқ, деразаси битта. Азбаройи арзонлиги учун шундай қиляпти! Энди ашови танноз овқати тайёр уйда ўтирволиб, устимдан роса кулади!

— Йўғ-э, қулмаса керак.

— Кулади! Касби болалар ҳамшираси бўлгани билан ўзи кирмаган тешиги йўқ бир мегажин! Бу ҳам етмагандай, энди суюқоёқ Эрна Бенигга қўшни бўламан! Мушугининг ҳидига тоқатим борми!

Унга таажжуб билан қарадим. Кирмаган тешиги йўқ бир мегажин! Тавба: одамлар уришиб қолишганда қанақа сўзларни топишмайди дейсиз! Фақат муҳаббатга дахлдор сўзларгина абадий ва ўзгаришсиз қолаверади. Ҳақорат луғати эса ранг-баранг ва битмас-туганмас!

— Мушуклар озода, чиройли жонворлар-ку, — дедим унга. — Ҳозиргина хонасига кирдим, ҳид-пид деган нарса йўқ.

— Ҳо-о! — деди у чўзиб ва шляпасини тўғрилади. — Бу ҳид сезиш қобилиятига ҳам боғлиқ. Нима бўлганда ҳам кўч-кўчга аралашмайман, зарил кептими! Ашқол-дашқолни ўзи ташисин! Бориб, сайр қилиб келаман! Турмушим ит ётиш-мирза туриш бўлгандан кейин, лоақал шуни ўзимга раво кўрсам-кўрибманда!

Фрау Хассе ўрнидан турди. Ҳазабдан юзлари пир-пир учар, суртган упаси эгнига тўкиларди. Лабларига беармон бўёқ чаплаган ва умуман ўзига шу қадар зеб берган эдики, кўйлагини шилдиратиб ёнимдан ўтаётганида ундан бутун бошли упа-элик дўконининг ҳиди анқиб кетди.

Орқасидан анграйиб қараб қолдим. Кейин яна хонага назар ташладим, Патнинг жиҳозларини қандай жойлаштиришни мўлжалладим. Аммо дарров бу фикрдан қайтдим. Патнинг ҳар доим шу ерда, кеча-кундуз ёнимда бўлишини тасаввур қилолмасдим! Соғ бўлганида бундай фикр хаёлимга келмасди. Лекин ҳар ҳолда... Балкон эшигини очиб, чамалаб кўрдим, сўнг ниягимдан воз кечиб, хонамга қайтдим.

Патнигикига кирганимда у ҳалиям ухлаб ётарди. Аста каравот ёнидаги креслога чўқдим, аммо Пат уйғониб кетди.

— Уйғотвордим-а?

— Боядан бери шу ердამидинг? — сўради у.

— Йўқ. Ҳозир келдим.

У чўзилиб, қўлини юзимга босди.

— Яхши бўпти. Ухлаб ётганимда бировнинг тикилиб туришини ёқтирмайман.

— Тушунаман. Мен ҳам ёқтирмайман. Тикилиб ўтириш ниятим йўқ эди. Уйғотгим келмади. Балки яна пича ухларсан?

— Йўқ, уйқуга тўйдим. Ҳозир тураман.

Пат кийиниб бўлгунча қўшни хонага чиқиб турдим. Кўча қопқоронғи эди. Рўпарадаги уйнинг қия очиқ деразасидан ҳарбий

марш оҳанги қулоққа чалинарни. Патефон ёнида тепакал бир одам уймаланяпти. У дастани айлантириб бўлгач, куй оҳангига мос равишда хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Боши сарғиш ойдайд ярқиради. Уни лоқайд кузатиб турдим. Вужудимни аллақандай бешавқ, дилгир туйғулар чулғаб олди.

Пат кириб келди. У гўзал ва тетик эди. Ҳорғинликдан асар ҳам қолмаган.

— Кўринишинг зўр, — дедим унга.

— Ўзимни яхши сезяпман, Робби. Гўё тун бўйи ухлагандайман. Ўзи жуда тез ўзгараман.

— Ҳа, худо шоҳид. Баъзан шу даражада тезки, одам илғашга ҳам улгуролмайди. У елкамга суяниб, кўзларимга қаради.

— Шунақа тезми, Робби.

— Йўқ. Ўзим сусткашман. Кўпинча ҳаддан ташқари сусткашлик қиламан, тўғрими?

Пат кулди.

— Шошмаслик — пухталиқ. Пухта нарса эса ҳамиша яхши бўлади.

— Сувдаги пўкакдай пухтаман.

У бош чайқади.

— Сен ўзинг ўйлагандан кўра ҳам пухтасан. Қанақалигингни билмайсан. Сенчалиқ ўзи тўғрисида нотўғри фикрда юрган одамни кам учратганман.

Елкасидан қўлимни олдим.

— Ҳа, азизим, — деди у, — ростдан ҳам шунақа. Энди овқатлангани кетдик.

— Қаёққа борамиз?

— Альфонсинг олдига. Кўнглим ўша ёққа чопяпти. Бормаганимга худди минг йил бўлгандай.

— Бўпти! — дедим мен. — Иштаҳанг қалай? У ерга қорин оч холда бориш керак.

Пат кулди.

— Иштаҳам аждаҳоникидай.

— Унда кетдик!

Бирдан енгил тортдим.

Кириб боришимиз Альфонс учун чинакам тантанага айланди. Биз билан сўрашгач, шошиб ичкарига кириб кетди, сал ўтмай, оқ кўйлак устидан хол-хол кўк галстук тақиб чиқди. Ҳатто император шарафига ҳам бунақа кийинмасди. Кўз кўриб, кулоқ эшитмаган бу тубанликдан ўзи ҳам сал довдираб қолди.

— Хўш, Альфонс, тузукроқ нимангиз бор бугун? — сўради Пат қўлларини столга қўйиб.

Альфонс оғзининг таноби қочиб, кўзларини қисди.

— Омадинлар бор экан! Бугун қисқичбақа бор!

Бу хабар бизга қандай таъсир этганини билиш учун бир қадам орқага ташлади. Табиийки, биз ҳангу манг бўлиб қолган эдик.

— Бунинг устига, янги мозел виноси ҳам топилади, — шундай деб, у яна бир қадам орқага чекинди. Бунга жавобан гулдуюс қарсақлар янгради, қарсақ овози эшик томондан ҳам эшилиди. Остонада сочларини ҳурпайтирганча, бурнини носқовоқтай қилиб, ашаддий саргузашт ишқибози тиржайиб турарди.

— Готтфрид! — қичқириб юборди Альфонс. — Ў... чгмисан? Қанақа кун бугун! Ке, бағримга бир босай!

— Қанақа кунлигини кўрсатади, — шипшидим Патга.

Улар бир-бирларининг бағирларига отилишди. Альфонс Ленцнинг елкасига шапатилар, худди сандонга болға тушгандай бўлаётганди.

— Ганс, — қичқирди у хизматчига, — «Наполеон»ни опчиқ!

Альфонс Ленцни пештахта олдига судради. Хизматчи чанг босган каттакон шишани кўтариб чиқди. Альфонс иккита қадаҳни тўлдирди.

— Соғ бўл, Готтфрид, фирт чўчка экансан!

— Омон бўл, Альфонс, заҳматкаш қария!

Улар қадаҳларни бир кўтаришда бўшатишди.

— Зўр! — деди Готтфрид. — Фаришталар ичадиган коньяк!

— Бирдан ичвориш уят, — деди Альфонс.

— Хурсанд бўлиб кетганингдан кейин қандай қилиб секин ичасан! Яна биттадан отамиз! — Ленц тагин куйиб, қадаҳини кўтарди. — Вой, ошқовоғ-ей! — хохолади у. — Вой, қадрдон дўстим-ей!

Альфонснинг кўзларига ёш келди.

— Чала бўп қолди, Готтфрид! — деди у энтикиб. — Оламиз яна!

— Доим тайёрман! — Ленц қадаҳини тутди. — Бунақа коньякдан йиқилиб қолмагунимча бош тортмайман!

— Қойил! — Альфонс учинчи марта куйди.

Ленц олдимизга келиб, соатини чиқазди.

— Ўн минути кам саккизда устахонага кириб келдик. Бунга нима дейсизлар?

— Рекорд! — деди Пат. — Юппга шон-шарафлар! Мен ҳам бир қути сигарета тақдим этаман.

— Эвазига бир ликопча ортиқча қисқичбақа оласан! — деди Готтфриддан бир қадам ҳам нари жилмаётган Альфонс. Кейин ҳаммамизга сочиқчалар улашди. — Пиджакни ечиб, сочиқни бўйнига боғлаволинглар. Хоним эътироз билдирмайдилар, шундайми?

— Аксинча, жудаям соз бўлади, — деди Пат.

Альфонс севиниб кетди.

Ақли аёлсиз, биламан. Қисқичбақани мириқиб, кийим ифлос бўлишидан ҳайиқмай ейиш керак. — У яйраб кулди. — Сизга бошқа нарса бераман.

Ганс оппоқ халат опкелди. Альфонс уни Патга кийдириб куйди.

- Жудаям ярашди, — деди у мамнун бўлиб.
- Ўткир, ўткир! — жавоб берди Пат кулиб.
- Сўзларим ёдингизда экан, — Альфонс гурурланиб кетди. — Кўнглимни кўтардингиз.
- Альфонс! — Готтфрид сочиқни беўхшов боғлаб олган эди. — Сартарошхонага ўхшаб қолди-ку.
- Ҳозир ҳаммаси жойига тушади. Олдин пича санъатдан баҳраманд бўламиз.
- Альфонс патефон ёнига борди. «Тангейзер» асаридан хор кўшиғи янгради. Жим қулоқ солдик.
- Кўшиқ тугаши билан ошхонадан каттакон тоғора кўтариб, Ганс чиқиб келди. Қисқичбақа тўла тоғорадан буғ кўтариларди. Ганс уни инқиллаб столга қўйди.
- Менга ҳам сочиқ опке, — деди Альфонс Гансга.
- Биз билан овқатланасанми? Ўзим ўргилай! — деди Ленц. — Бу биз учун шараф!
- Агар хоним эътироз билдирмаса.
- Хурсанд бўламан, Альфонс!
- Пат стулини сурди. Альфонс унинг ёнига ўтирди.
- Ёнингизга ўтирганим яхши бўлди, — деди у. — Гап шундаки, буни майдалашга устаси фаранг бўлиб кетганман, аёл киши қийналади.
- У тоғорадан битта қисқичбақани олиб, чаққонлик билан бўлақларга ажрата бошлади. Гурзидай қўллари шунақа тез ҳаракат қилардики, Пат Альфонс узатган луқмаларни оғзига солишга аранг улгурарди.
- Мазаси қалай? — сўради у.
- Беқиёс! — Пат қадаҳини кўтарди. — Сиз учун, Альфонс.
- Альфонс у билан уриштириб, винони аста симирди. Патга қарадим. Ичишини хоҳламасдим. У нигоҳимни пайқади.
- Сен учун, Робби.
- Пат мамнун, очилиб-сочиблиб ўтирарди.
- Сен учун, Пат, — шундай деб, қадаҳни бўшатдим.
- Ажойиб жой, а? — сўради у ҳамон мендан кўз узмай.
- Мўъжиза! — Ўзимга яна қуйдим. — Омон бўл, Пат.
- Унинг чехраси ёришиб кетди.
- Омон бўл, Робби! Омон бўл, Готтфрид!
- Ичдик.
- Тенги йўқ вино! — деди Ленц.
- Азиз меҳмонлар учун олиб қўювдим, — жавоб берди Альфонс. — Қадрига етганингдан хурсандман!
- У яна битта қисқичбақани олиб, оёғини ажратди-да, Патга узатди.
- Пат бош тортди.
- Ўзингиз снг, Альфонс, бунақада оч қоласиз.
- Кейин. Мен овқатни тез ейман. Етволаман.

— Ҳа, майли. — Пат оёқни олди. Альфонс қилаётган меҳрибончилигидан роҳатланарди. Шу тобда у уясида палапонини боқайтган баҳайбат, қари бойқушга ўхшарди.

Кетишдан олдин бир қадаҳдан «Наполеон» ичдик. Кейин Альфонс билан хайрлашдик. Патнинг кайфи чоғ эди.

— Яхши ўтирдик! — деди у Альфонсга қўлини узатиб. — Миннатдорман, Альфонс. Рост, жудаям яхши ўтирдик!

Альфонс бир нималар деб, Патнинг қўлини ўпди. Таажжубланганидан Ленцнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди.

— Кеп туринглар, — деди Альфонс. — Жим бўп кетма, Готтфрид.

Кўчада, чироқ остида ҳамманинг ёдидан кўтарилган кичкина мошинамиз турарди.

— О! — хитоб қилди Пат. — Ёлғиз қоп кетипти-ку шўрлик.

— Бугунги сафардан кейин унга Геркулес деб ном қўйдим, — деди Ленц. — Уйингизга ташлаб қўяйми?

— Йўқ, — деди Пат.

— Билувдим. Қаёққа борамиз?

— Қаҳвахонага. Ёки бормаймизми, Робби? — У менга юзланди.

— Борамиз, — жавоб бердим мен. — Албатта қаҳвахонага ҳам борамиз.

Йўлга тушдик. Тун илиқ, ҳаво мусаффо эди. Қаҳвахона олдидаги йўлкада одамлар ўтиришарди. Мусиқа садоси эшитилиб турипти. Пат ёнимда. Касал бўлиши мумкин эмас — негадир кўнглимдан шу ўй ўтди. Бу фикр таскин бердим, у менга сопна-соғдай туюлди.

Қаҳвахонада Фердинанд билан Валентин ўтиришган экан. Фердинанд ширакайф. Ўрнидан туриб, Патга пешвоз чиқди.

— Ўрмонлардан ўз паноҳига қайтган Диана...

Пат жилмайди. Фердинанд унинг елкасидан кучди.

— Кумуш камонли жасур сайёд! Нима ичамиз?

Готтфрид Фердинанднинг қўлини Патнинг елкасидан олиб ташлади.

— Эҳтиросли одамлар беандиша бўлишади, — деди у. — Хонимга икки эркак ҳамроҳлик қияпти. Сезмадингми шуни, мункайган жоҳил?!

— Саргузашт ишқибозлари думдан бошқа нарса эмас. Улар фақат эргашади, ҳамроҳлик қилолмайди, — жавоб берди Фердинанд пинагини бузмай.

Ленц кулиб, Патга мурожаат қилди:

— Ҳозир сизга ажойиб ичимлик тайёрлаб бераман. «Колибри» коктейли, рецепти Бразилиядан келган.

У пештахта олдига бориб, ҳар хил ичимликларни узоқ аралаштирди. Сўнг ҳалигини кўтариб келди.

Маъқулми?

— Бразилия учун бўшроқ, — деди Пат.

Готтфрид кулиб юборди.

— Аксинча, ўткир нарса бу. Ром билан арақ қўшилган.

Кўриб турибман, унда ром ҳам, арақ ҳам йўқ.

Готтфрид мева, лимон ва помидор шарбатини аралаштирган, эҳтимол, бир томчи вино қўшгандир. Топ-тоза, спиртсиз ичимлик. Хайрият, Пат сезмади.

Унга «колибри» коктейлидан уч бокал келтириб беришди, Пат ўзига соппа-соғ одамдай муомала қилинаётганидан хурсанд эди. Бир соатдан сўнг кўзгалдик. Қаҳвахонада фақат Валентин қолди. Бу ҳам Ленцинг иши. Ўзи машинада Фердинандни олиб кетди. Хуллас, Патга биз бошқалардан олдин жўнаворгандай туюлмади. Ленцинг олижаноблигидан гоят таъсирландим, аммо кўнглимнинг бир чети бари бир ғаш эди.

Пат тирсагимдан ушлади. У ёнимда чиройли, ўктам одим ташлар, қўлининг тафтини сезиб турардим. Чироқларнинг шуъласи кўркам чеҳрасида йилтилларди — йўқ, унинг бетоблигига ақлим бовар қилмайди, кундузи ишонишим мумкин, аммо ҳаёт ширин ва мурувватли бўлиб турган, кўп нарсаларни ваъда қилаётган мана бундай оқшомда...

— Уйга керамизми? — сўрадим ундан.

Пат эътироз билдирмади.

Пансионимиз йўлагига чироқ ёниб турарди.

— Оббо, палакат-ей! — дедим мен. — Тагин нима бўлдийкин? Бир минут кутиб тур.

Эшикни очиб, ичкарига назар ташладим. Бўм-бўш йўлак шаҳар четидаги тор кўчани эслатарди. Фрау Бендер хонасининг эшиги ланг очиқ. Хассе қизил қалпоқли, ерга қўйиладиган баҳайбат чироқни инқиллаб кўтариб келарди. Қадди букчайиб кетган. Худди қора чумолига ўхшайди. У кўчмоқда эди.

— Ҳорманг, — дедим мен. — Намунча бемаҳалда...

У ипакдай силлиқ мўйловини йилтиратиб, бошини кўтарди.

— Ишдан келганимга бир соат бўлди. Кечаси кўчишдан бошқа иложим йўқ.

— Хотинингиз қани?

У бош чайқади.

— Дугонасиникида. Худога шукур, дугона топволди, энди ўша билан андармон.

Хассе бу гапни безарда, кулиб гапирди, кейин оёғини таптап босганча йўлига равона бўлди. Патни тезгина йўлақдан олиб ўтдим.

— Чироқни ёқмаганимиз маъкул, нима дединг? — сўрадим ундан.

— Йўқ, ёқа қол, азизим. Бирпасдан кейин ўчирасан.

— Сен нима десанг — шу, — шундай деб, хонамдаги аянчли дабдабани бир лаҳзага ёритдим дарров яна ўчирдим.

Ташқаридан хонага дарахтларнинг муаттар ҳиди кириб турарди.

— Қандай ажойиб! — деди Пат дераза тоқчасига ўтирволиб.

— Сенга ростдан ҳам ёқадими бу ер?

— Ҳа, Робби. Худди каттакон боққа ўхшайди. Ташқарига қарасанг, баҳри-дилинг очилади.

— Йўлақдан келаётганимизда чап томондаги очиқ хонага кўзинг тушмадими?

— Йўқ, нимади?

— Ўша хонадан анови балконга чиқилади. Икки ёни тўсилган, рўпарасида бино йўқ. Агар шу ерда яшаганингда чўмилиш кийимисиз ҳам бемалол офтобда тобланган бўлардинг.

— Ҳа, шу ерда яшаганимда...

— Бунинг қийин жойи йўқ, — дедим бепарво оҳангда. — У ердан кўчишяпти. Хона эрта-индин бўшайди.

Пат менга қараб кулди.

— Сенингча, шундай қилсак тўғри бўладими? Ҳар доим бирга бўламизми?

— Ҳар доим эмас, — дедим мен. — Кундузи ишдаман. Кечкурунлари ҳам кўпинча алламаҳалда келаман. Агар бирга бўлсак, ресторанма-ресторан юрмасдик, худди омонат меҳмонлардай, апил-тапил хайрлашмасдик.

Пат ўрнашиброқ ўтирди.

— Гўё ҳаммасини ипидан-игнасиғача ўйлаб кўйгандай гапирасан-а, азизим?

— Ўйлаганман-да, — дедим мен. — Кун бўйи шу ҳақда ўйлادим.

У қадини ростлади.

— Ростдан ҳам жиддий гапиряпсанми, Робби?

— Албатта, — дедим мен. — Наҳот сезмаётган бўлсанг?

Пат ўйланиб қолди.

— Робби, — деди у кейин паст, хотиржам оҳангда. — Нима учун айнан шу бугун бу ҳақда гап очиб қолдинг?

— Гап очгим келди-да, — овозим баландлаб кетганини сезмай қолдим. Бўш хонадан кўра ҳам муҳимроқ нарсани ҳал қилволиш пайти келганини бирдан англаб етдим. — Шунинг учун гапиряпманки, кейинги бир-икки ҳафта ичида ҳар доим бирга бўлишимиз зарурлигини ҳис этдим. Омонат учрашувлар жонимга тегди! Менга сендан кўпроқ нарса керак! Ҳар доим ёнимда бўлишингни хоҳлайман. Қачонгача ошиқона бекинмачоқ ўйнаймиз?! Менга бунинг кераги йўқ, менга сен кераксан, фақат сен кераксан, ҳеч қачон сенга тўймайман ҳам, бирор дақиқа кўзимдан нари кетишингни ҳам истамайман.

Патнинг нафасини илғаб турардим. У дераза тоқчасида тизиларини кучоқлаганча чурқ этмай ўтирарди. Рўпарадаги, дарахтлар ортидаги рекламаларнинг қизил чироқлари юқорига ўрма-лаб чиққанда Патнинг ялтироқ туфлиси, кўйлаги ва қўлларига хира шуъла ташларди.

— Майли, устимдан кулсанг кулавер, — дедим мен.
— Нега куламан? — ажабланди у.
— Чунки уни хоҳлайман, буни хоҳлайман, деганим деган.
Ахир сен ҳам хоҳлашинг керак-ку.

Пат менга қаради.

— Ўзгариб қолганингни биласанми, Робби?

— Йўқ.

— Ўзгаргансан. Сўзларингдан кўриниб турипти. Сен хоҳлайсан. Сўраб ўтирмайсан. Хоҳлайсан — вассалом.

— Э, бу катта ўзгариш эмас. Мен ҳар қанча хоҳлаганим билан сен «йўқ» дейишинг мумкин-ку.

У устимга энгашди.

— Нега «йўқ» дейишим керак, Робби, — деди у ҳароратли, майин овозда. — Мен ҳам шуни хоҳлайман-да...

Шошиб қолдим, сўнг елкасидан кучдим. Сочлари юзимни сийпалади.

— Ростданми, Пат?

— Албатта, азизим.

— Буни қара-я. Менга мушкулотдай туюлган эди.

У бош чайқади.

— Ҳаммаси ўзингга боғлиқ, Робби.

— Мен ҳам шу фикрдаман.

Пат бошимни кўксига босди.

— Баъзан ҳеч нарса тўғрисида ўйламасанг, бирон ишга қўл урмасанг, кимгадир суянишинг мумкинлигини ҳис этсанг — ўзингни қушдай енгил сезасан. Эҳ, азизим, оддий нарсалар булар, фақат ҳаётимизни ўзимиз мураккаблаштирмасак бас!

Тишимни тишимга босдим. Ундан шу гапларни эшитиш!

— Тўғри, Пат. Тўппа-тўғри! — дедим сўнг шоша-пиша.

Аслида сираям тўғри эмас эди.

Яна бир оз дераза олдида турдик.

— Нарсаларингни бу ёққа опкеламиз, — дедим мен. — Токи ҳеч нимага зорикмагин. Ҳатто гилдиракли столча ҳам оламиз. Фрида ундан қандай фойдаланишни ўрганади.

— Унақа столча бор, азизим. Ўзинг кўрган ўша столча меники.

— Жуда соз. Эртадан бошлаб Фридани машқ қилдиришга киришаман.

Пат елкамга бошини қўйди. Сездимки, толиққан.

— Кузатиб қўяйми?

— Шошма, яна бир оз ётай.

У каравотда уйқуга кетгандай чурқ этмай ётарди. Аммо кўзлари очик эди, шимол ёғдусидай шифт ва деворларда сирғанаётган реклама чироқлари баъзан унинг нигоҳида йилтирарди. Кўча жимжит. Девор ортида аҳён-аҳён оёқ товуши эшитилади — Хас-се собиқ хонасида ўз умидлари, илк никоҳи ва, эҳтимол, бутун ҳаётининг қолдиқлари орасида депсиняпти.

- Шу ерда қола қол.
- Бугун эмас, азизим.
- Кетишингни сираям хоҳламаяпман.
- Эртага...

Пат ўрнидан туриб, қоронғи хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Биринчи марта қолганида ҳам тонг ғира-ширасида кийиниш учун худди мана шундай мақомда хонани айланган эди. Нимагалигини билмайман-у, аммо бунда аллақандай табиийлик, кўнгилни тўлқинлантирадиган бир нарса — вақт харобалари остида қолган олис ўтмишнинг акс-садоси, ҳозир ҳеч ким эсламайдиган мубҳам қонунга сўзсиз итоат этишдек ғалати бир ҳолат мужассам эди. Пат қоронғилик қўйнидан чиқиб келиб, кафтини юзимга босди.

— Яхши бўлди, азизим. Жудаям яхши бўлди. Борлигиндан хурсандман.

Мен жавоб бермадим. Жавоб беролмасдим.

Уни уйига кузатиб қўйиб, яна қаҳвахонага йўл олдим. У ерда Кестер ўтирарди.

— Ўтир, — деди у. — Ишларинг қалай?

— Унчаликмас, Отто.

— Ичасанми?

— Йўқ. Ҳозир бошласам, уланиб кетади. Буни хоҳламайман. Чарчадим. Бошқа иш қилганим тузук. Готтфрид таксидами?

— Йўқ.

— Яхши бўпти. Уч-тўрт соат айланаман.

— Сен билан бораман гаражга, — деди Кестер.

Гаражда Отто билан хайрлашиб, мошинага ўтирдим-да, бекатга келдим. Олдинда иккита мошина бор эди. Кейин Густав билан актёр Томми пайдо бўлишди. Олдиндаги мошиналар жўнаб кетди, кўп ўтмай менга ҳам йўловчи топилди. Ёшгина бир қиз «Винета»га олиб бориб қўйишни сўради. Бу рақс майдончаси бор, столларига телефон қўйилган, хатлар сиқиқ ҳаволи қувурда жўнатиладиган ва шунга ўхшаш қулайликларга эга бўлган, асосан, четдан келадиганларга мўлжалланган ресторан эди. «Винета» бошқа тунги қаҳвахоналардан олисда бўлиб, овлоқ бир тор кўчага жойлашганди.

Этиб келдик. Қиз сумкасини титкилаб, эллик марка узатди. Елкамни қисдим.

— Бунга майдам йўқ.

Эшикбон келди.

— Қанча беришим керак? — сўради қиз.

— Бир марка етмиш пфенниг.

У эшикбонга юзланди:

— Мен учун тўлавормайсизми? Сиз билан касса олдида ҳисоб-китоб қиламан.

Эшикбон машина эшигини очиб, қизни кассагача кузатиб борди. Сўнг қайтиб келди.

— Мана...

Пулни санадим.

— Бир маркаю эллик.

— Кўп валдирама... сўтаксан ҳали... Қайтиб келганим учун йигирма пфенниг меники бўлади! Қондаси шунақа! Жўна!

Шундай ресторанлар борки, ҳақиқатан ҳам эшикбонга чойчақа беришади, фақат мижозни ўзи топса. Лекин ҳозир меҳмонни мен олиб келдим-ку.

— Кўпам сўтак эмасман, — жавоб бердим унга, — мен бир маркаю етмиш пфенниг олишим керак.

— Калтак егинг келяптими?... Қани, йигитча, туёғингни шиқиллат. Бу ернинг тартиб-қондасини сендан кўра яхши биламан.

Йигирма пфеннигга қўл силтаб қўя қолишим ҳам мумкин эди. Лекин эшикбоннинг чув туширишини хоҳдамасдим.

— Бошимни қотирма, чўз қолганини, — дедим мен.

Эшикбон яшин тезлигида мушт туширди, рулда ўтирганим учун чап беролмадим, ҳатто қўлимни кўтаришга ҳам улгурмадим, бошим руль чамбарагига қарсиллаб урилди. Аранг қаддимни ростладим. Каллам ноғорадай ғувуллар, бурнимдан қон оқарди. Эшикбон шопдай бўлиб тепамда турипти.

— Етадим, галварс?

Унга бас келолмаслигимни дарров фаҳмладим. Чидаш керак. Эшикбон мендан бақувват эди. Унга жавоб қайтарадиган вазиятда эмасман. Мошинада ўтириб мушт отолмайман — зарбанинг кучи бўлмайди. Мошинадан тушгунимча у мени дабдала қилади. Аста кўз қирини ташладим. Нафаси юзимга урилиб турар, оғзидан пиво ҳиди анқирди.

— Яна бир туширсам — хотининг бева қолади.

Унинг гўштдор, лагандай юзига тикилдим. Қайси жойига мушт солишни чамаладим у иложсизлигимдан бўғилиб кетдим. Қилт этмай ўтирарканман, башараси, худди катта қилиб кўрсатадиган ойнада кўриңгандай, кўз олдимдан нари кетмас, юзидаги ҳар бир мўй, ҳар битта пужмоқ асабимни кўзгарди.

Полициячининг темир қалпоғи ярқиради.

— Нима гап?

Эшикбон ялтоқланиб қаддини ростлади.

— Тинчлик, жаноб полициячи.

У менга қаради.

— Ҳечқиси йўқ, — дедим мен.

— Юзингиз қон-ку.

— Урволдим.

Эшикбон орқага тисарилди. Кўзлари мунофиқона йилтирарди. У мени сотишдан кўрқади, деб ўйлаётганди.

— Кетаверинг, — деди полициячи.

Газни босиб, бекатга қайтдим.

— Башарангни қара, — деди Густав.

— Фақат бурним, — шундай деб, бўлган воқеани гапириб бердим.

— Ҳозир бирга борамиз ўша ресторанга, — деди Густав. — Қачонлардир санитария ефрейтори бўлганман. Ўтирган одамни уриш ғирт ҳайвонлик-ку! — У мени ошхонага бошлаб кириб, муз сўради ва ярим соатча юзимни эпақага келтириш билан овоза бўлди.

— Бошинг қалай? Лат емаганми? Бўлмаса вақтни кеткизмайлик.

Томми кириб келди.

— «Винета»нинг эшикбоними? Отнинг қашқаси-ку у. Нуқул муштлашгани муштлашган. Шу пайтгача биров мушугини пишт демаган-да, шундан қутуриб кетган.

— Ҳозир «пишт» деб қўямиз, — деди Густав.

— Фақат ўзим, — дедим мен.

Густав менга ёвқараш қилди.

— Мошинадан тушгунингча...

— У ёғини ўйлаб қўйганман. Агар уддалай олмасам, ёнимда-сан-ку.

— Бўпти.

Густавнинг фуражқасини кийволдим, эшикбон ниятимизни пайқаб қолмаслиги учун унинг мошинасига ўтирдик. Дарров илғаши ҳам қийин — тор кўча қоронғи.

Етиб келдик. Ресторан олдида ҳеч ким йўқ эди. Густав йигирма маркани ушлаганча мошинадан чиқди.

— Аксига олиб, майдам йўқ экан! Мана шуни майдалаб беролмайсизми? Бир маркаю етмиш. Илтимос, тўлаворинг.

У ўзини касса томонга юргандай қилиб кўрсатди. Эшикбон ёнимга келиб, бир йўталди-да, қўлимга бир маркаю эллик пфеннингни қистирди. Қўлимни чўзиб туравердим.

— Жўна! — тўнғиллади у.

— Қолганини чўз, итвачча! — дедим мен.

У ҳангу манг бўлиб қолди.

— Менга қара, — эшикбон тишларини гичирлатди, — шу гапинг учун бир йилгача пушаймон бўлиб юрасан! — Шундай деб, бирдан мушт кўтарди. Бу зарбадан ҳушдан кетишим мумкин эди. Аммо мен ҳушёр турардим. Ўзимни ўнгга ташладим, кучининг борича отган мушти чап қўлимда сездирмай ушлаб турган қиррали темирга тегди. У вой-войлаганча ўзини орқага ташлади. Огриқнинг зўридан тинмай биғиллар, ўзини ҳимоя қилишни ҳаёлига ҳам келтирмасди.

Мошинадан учиб чиқдим.

— Танияпсанми? — ўшқирдим унга ва қорнига мушт солдим.

Гурс этиб йиқилди. Густав эшик олдида турарди. У, худди рингдаги ҳакамдай, санай бошлади.

— Бир, икки... уч...

«Беш» деганда эшикбон ўрнидан турди — турқи одамга ўхшарди, холос. Олдинги галгидай, яна унинг юзига — каттакон, гўштдор, бефаришта, жирканч башарасига кўзим тушди. Рўпарамда ўпка касали нималигини билмайдиган соғлом, бақувват, чўчка сифат йигит турарди. Бирдан кўзим қонга тўлди, унга ташланиб, ура кетдим. Кейинги кунларда ичимга йиғилиб қолган алам ништарларини унинг каттакон ва гўштдор юзига ботира бошладим. Сўнг Густав мени четга тортди...

— Эсинг жойидами, ўлдириб қўясан-ку! — деди у.

Эшикбонга ўгирилиб қарадим. У деворга суяниб турарди. Афти қонга беланган. Кейин аста букчайди-да, худди улкан махлуқдай, ерга қулади ва заррин уқали кийимида эмаклаганча ичкарига кириб кетди.

— Энди сал ўйлаб мушт қўтаради, — деди Густав, — қани, жилдик, ҳеч ким йўқлигида қуённи суриш керак. Бу қилмишинг оғир тан жароҳатига киради.

Биз пулни йўлга ташладик-да, мошинага ўтириб, жўнаб қолдик.

— Мендан ҳам қон кетяптими? — сўрадим ундан. — Ёки ановиндан суркалдимикин?

— Бурнингдан яна томчилаяпти, — деди Густав. — Чап юзингга тушириб қопти-да.

— Сезганим йўқ.

Густав кулди.

— Биласанми, — дедим унга, — ҳозир анча енгил тортдим.

XVIII

Таксимиз қаҳвахона олдида турарди. Ленц билан ўрин алмаш-шиш, ундан калит ва ҳужжатларни олиш мақсадида ичкарига кирдим. Готтфрид мен билан бирга чиқди.

— Даромад қалай бўлди? — сўрадим ундан.

— Ўртача, — жавоб берди у. — Гоҳ такси кўпайиб кетади, гоҳ йўловчи учрамайди... Ўзингда-чи?

— Ёмон. Кечаси билан юриб, йигирма марка ҳам ишламадим.

— Шароит оғир бўп қолди! — Готтфрид қошларини чимирди. — Ҳозир шошмаяпсанми?

— Йўқ, нимайди?

— Бир жойга ташлаб ўт. Узоқ эмас.

— Майли.

Мошинага ўтирдик.

— Қайси томонга?

— Черковга.

— Нима? — қайта сўрадим ундан. — Черковга? Ё нотўғри эшитдимми?

— Йўқ, тўғри эшитдинг, болам, черковга!

Унга таажжубланиб қарадим.

— Хайрон бўлма. Юравер, — деди у.

— Юрсак юраверамиз-да.

Йўлна тушдик.

Черков эски шаҳар томонда, атрофи диндорлар яшайдиган уйлар билан қуршалган очиқ майдонда жойлашганди. Улкан пештоқ остида тўхтадим.

— Юравер, — деди Готтфрид. — Орқасига айланиб ўт.

Орқа эшикка яқинлашганда у тўхташни ишора қилиб, мошинадан тушди.

— Ибодатинг қабул бўлсин! — дедим унга. — Шунинг учун келгандирсан, ахир.

— Мен билан юр.

Кулиб юбордим.

— Бугун эмас. Эрталаб ибодат қилганман. Кечгача етади.

— Кўп валдирама, чироғим! Юр! Сенга ҳиммат қилиб, баъзи нарсаларни кўрсатаман.

Қизиқиб қолиб, унга эргашдим. Кичкина эшикдан киришимиз билан ибодатхонанинг усти берк улкан айвонига рўпара бўлдик. Боғнинг гир айланаси тош устунли қатор равоқлардан иборат. Ўртада Исо Масиҳ миҳлангаң эски чорчўп. Деворлар сатҳида Оллоҳ висолига мушарраф бўлиш йўлидаги азоб-уқубатлар акс эттирилган бўртма суратлар. Ҳар бир сурат қаршисига ибодатчилар учун узун курсилар қўйилган. Ташландиқ боғ гулга бурканиб ётипти.

Готтфрид шохлаб кетган оқ ва қизил атиргул буталарига ишора қилди.

— Қарагин, танияпсанми?

Тўхтаб, анграйиб қолдим.

— Албатта танияпман, — дедим мен. — Демак, ҳосилни шу срдан кўтарган экансан-да, черков ўғриси!

Пат фрау Залевскининг пансионига кўчиб ўтмасидан бир ҳафта олдин Ленц Юпп орқали унга бир кучоқ атиргул жўнатади. Гул ниҳоятда кўп бўлгани сабабли Юпп уларни икки марта ташиб чиқади. Готтфрид шунча гулни қаердан олдийкин, деб роса бошим қотди. Одатини биламан — ўла қолса бозордан сотиб олмайди. Шаҳар боғида эса атиргул йўқ.

— Қойил! — дедим унга тан бериб. — Шу пайтгача эсга келмаганини қара!

Готтфрид кулди.

— Боғ эмас, олтин хазина бу!

У тантанавор қиёфада қўлини елкамга қўйди.

— Сени шерик қиламан! Менимча, бу жой ҳали кўп асқогади.

— Нега олдинроқ айтмадинг? — сўрадим мен.

— Чунки шаҳар боғи энди қуриди-да. Сенинг бирдан-бир ишонган тоғинг ўша ер эди, шекилли.

Мен бош силкидим.

— Ундан ташқари, — давом этди Готтфрид, — сен буржуй билан ҳақиқий йигит орасидаги фарқ кўзга ташланадиган паллага киряпсан. Буржуй аёл билан қанча узоқ яшаса, унга бўлган эътибори кун сайин сусая боради. Ҳақиқий йигит эса, аксинча, тобора меҳрибон бўлаверади. — У қулочини ёзиб, гулзорга ишора қилди. — Мана бундай боғ мавжуд экан, сен йигитларнинг йигити бўласан.

Кулиб юбордим.

— Яхшику-я, Готтфрид, — дедим мен. — Кўлга тушиб қолсам-чи? Бу ердан чиқиб кетиш осонмас, тақводорлар, муқаддас жойни оёқости қилдинг, деб мени дўппослашлари мумкин.

— Боласан-да ҳалиям, — жавоб берди Ленц. — Кўрмаяпсанми, тирик жон йўқ-ку? Урушдан кейин одамлар черковга эмас, сиёсий мажлисларга борадиган бўлиб қолишди.

Унинг гапида жон бор эди.

— Черковда ишлайдиган руҳонийлар-чи?

— Э, уларнинг гул билан иши йўқ, бўлмаса боғ шу аҳволга тушармиди? Сен бировнинг кўнглини олиш учун қиласан-ку бу ишни. Худонинг ўзи қўллайди.

— Тўғри! — шундай деб, дарахтга ўхшаб кетган гул буталарига қарадим. — Уч-тўрт ҳафтага етади.

— Кўпга етади. Омадли йигитсан-да. Булар атиргулнинг чидамли, узоқ гуллайдиган навлари. Камида сентябргача ошиғинг олчи. Ундан кейин астра билан хризантемалар очилади. Юр, кўрса-таман.

Боғни айланишга тушдик. Ҳамма ёқни атиргулнинг ҳиди тугиб кетган. Асаларилар жонли булутдай гулдан гулга кўчади.

— Асалариларга қара, — дедим тўхтаб. — Шаҳар марказида нима қилиб юришипти? Яқин-атрофда уялари йўқ-ку. Ёки руҳонийлар уйларининг томида боқишармикин?

— Йўқ, жигарим, — жавоб берди Ленц. — Бирорта деҳқоннинг ҳовлисида учиб келишган. Йўлни билишади-да, — у кўзларини қисди. — Лекин биз билмаймиз...

Мен елкамни қисдим.

— Балки билармиз? Ҳеч бўлмаса қисқагина бир бўлагини биламиз-ку. Имкон қадар. Нима, сен билмайсанми?

— Йўқ. Билишни ҳам хоҳламайман. Олдинга мақсад кўйсанг, ҳаёт чекланиб қолади.

Мен черков минорасига қарадим. Сип-силлиқ, зангори гумбаз ложувард осмон остида кўҳна ва сукутга чўмгандай кўринарди.

— Тинчлигини қара, — дедим мен.

Ленц бош силкиди.

— Ҳа, оғайни, мана шунақа жойда яхши одам бўлиш учун фақат бир нарса — вақт етишмаганини англаб қоласан. Ё гапим нотўғрими?

— Вақт билан осойишталик, — жавоб бердим мен. — Осойишталик ҳам етишмаган.

Готтфрид кулди.

— Энди кеч! Ҳозир осойишталикка тоқат қилиб бўлмайдди. Юр, кетдик! Ўзимизни яна шовқин-суронга урамиз.

Ленцни олиб бориб қўйиб, бекатга қайтдим. Йўлим қабристон ёнидан ўтарди. Патнинг балконда, енгил креслода ястаниб ётганини билардим, икки-уч марта сигнал бердим. Жавоб бўлмади, кейин йўлимга равона бўлдим. Сал юрмай, фрау Хассени кўриб қолдим. У слкасига ташлаб олган шоҳи рўмолини ҳилпиратганча кўчани кесиб ўтди-ю, чапга бурилди. Борадиган жойини сўраш ниятида орқасидан юрдим. Аммо чорраҳага етганда унинг муюлишда турган бир лимузинга ўтирганини кўрдим. Бу йиғирма учинчи йилда чиқарилган эски мерседес эди. Мошина шу заҳоти ўрнидан қўзғалди. Рулда ўрдакбурун бир киши ўтирарди. Эғнида катак-катак костюм. Узоқлашаётган мошина орқасидан анча қараб турдим. Аёл киши ёлғиз ўзи уйда ўтираверса оқибати нима бўлишини кўриб, ичимдан зил кетдим. Кейин бекатга келиб, яна навбатга турдим.

Офтоб мошинани қиздирворганди. Навбат сурилай демасди. Уйқу элита бошлади, жиндай мизгиволай дердим-у, аммо фрау Хассенинг қиёфаси кўз олдимдан нари кетмасди. Тўғри, тақдиримиз бошқача, лекин барибир Пат ҳам кун бўйи уйда ўтирадику.

Йўлгага чиқиб, олдинга, Густавнинг мошинасига қараб юрдим.

— Ма, ич, — деди у термосни узатиб. — Бебаҳо яхна ичимлик! Ўзим ихтиро қилганман — муз солинган қаҳва. Ҳар қандай иссиқда ҳам бир хил тураверади. Билиб қўй, Густав — ишбилармон одам.

Бир стакан яхдек қаҳва ичдим.

— Ишбилармон бўлсанг, қани айт-чи, — дедим унга. — Уйда ўтирадиган аёлни нима билан банд қилиш керак?

— Бундан осони борми! — Густав менга виқор билан қаради. — Фирт нодонсан, Роберт! Ё фарзанд керак, ё кучук! Шу ҳам муаммо бўлди-ю! Мендан қийинроқ нарсани сўра-да.

— Кучук?! — такрорладим ажабланиб. — Рост, кучук керак! Тўғри айтдинг. Кучук билан ҳеч қачон зерикмайди одам!

Унга сигарета узатдим.

— Менга қара, қаердан топамиз кучукни? Шу кунда унчалик қиммат бўлмаса керак.

Густав таъна билан бош чайқади.

— Эҳ, Роберт, сен учун қанақа хазина эканимни ростдан ҳам билмас экансан! Бўлажак қайнотам итбоқарлар уюшмасининг иккинчи котиби. Ўшандан оламиз, ҳатто текинга оламиз. Зоти тозасидан. Бизда олтига кучуквачча бор. Уларнинг бувиси медаль олган, Герта фон дер Тоггенбург.

Густав омадли йигит эди. Қайлиғининг отаси фақат исковуч боқмасди, айни пайтда «Янги ҳужра» деган ресторанининг эгаси ҳам эди. Келиннинг эса аёллар кийимига бурма соладиган устaxonаси бор эди. Густав фароғатда яшарди. Қайнотасининг ресторанида текинга овқатланар, уст-бошини эса келин ювиб, дазмоллаб берарди. Густав уйланишга шошилмасди, чунки тўйдан кейин ола хуржун бўйнига тушишини биларди.

Унга исковуч керакмаслигини айтдим. Исковуч катта, бунинг устига, феъл-атвори ҳам яхши эмас. Густав андак ўйланиб турди-да:

— Мен билан юр, — деди. — Кўз остига олиб қўйганим бор. Фақат мен гапираман, сен жим турасан.

— Бўпти.

У мени кичкина дўконга бошлаб борди. Витринада сув ўтлари ўсиб ётган аквариумлар турарди. Яшиқда бир жуфт денгиз чўчқаси маъюс бош эгиб ўтирипти. Икки ёндаги деворга осилган қафасларда турли-туман қушлар чуғурлайди.

Истиқболимизга оёқлари қийшиқ, жигарранг камзул кийган паст бўйли одам пешвоз чиқди. Кўзлари шилпиқ, ранги заҳил, бурни қип-қизил. Қисқаси, пиво билан шнапсга муккасидан кетган киши.

— Аста қалай, Антон? — сўради Густав.

— Иккинчи соврин, Кёльнда фахрли мукофот олди, — жавоб берди Антон.

— Бу қандай қабиҳлик! — Густав дарғазаб бўлди. — Нима учун биринчи эмас?

— Биринчи ўринни Удо Бланкенфельсга беришди.

— Фирт сурбетлик! Муттаҳамлик!

Орқада, пештахта остида кучукваччалар винғилларди. Густав пештахта ортига ўтиб, майда ҳайвонларни овлайдиган иккита кучук боласини кўтариб келди. Чап кўлида оқ-қора, ўнгида эса қизғиш-жигарранг кучук. Сездирмай ўнг кўлидагини силкитиб қўйди. Тикилиб қарадим: ҳа, менга маъкул.

Чиройли, кўғирчоқдай кучук эди. Оёқлари узун-узун, танаси чорпахил, боши думалоқ, кўзлари маъноли. Густав уни ерга қўйди.

— Ғалати дурагай, — деди у. — Қаердан олдинг?

Антон Жапубий Америкага кетган қандайдир аёлдан олганини айтди. Густав ҳақоратомуз хохолади. Антон ҳафта бўлиб, қарийб Нуҳ кемасигача бориб қадаладиган шажара дафтарини кўрсатди. Густав бепарво кўл силтаб, ола-була кучукка разм сола бошлади. Антон жигарранг кучукка юз марка сўради. Густав беш марка таклиф қилди. Унга кучукнинг катта буваси ёқмаганмиш, думи билан қулоқларида ҳам қусури бор эмиш. Ола-буласи дуруст, чидаса бўлади, деди Густав.

Мен бир четда туриб, қулоқ солардим. Бирдан кимдир шляпамни тортди. Бундай қарасам, сап-сарик маймун боласи штанганинг бир четида мунғайиб ўтирарди. Кўзлари қоп-қора, кам-

нирдаҳан. Қорнига боғланган чарм камарнинг бир учи занжирга уланган. Қоп-қора қўлчалари одамникига ўхшайди.

Қимир этмасдим. Маймун штангадан аста олдимга эмакляб келди. У мендан кўз узмас, нигоҳида аллақандай умидворлик бор эди. Кейин ҳадиксираброқ бир қўлини узатди. Мен бармоғимни кафтига тутдим. Аввалига ўзини орқага ташлади, сўнг ҳайиқибгина ушлади. Бармоғимни ёш боланинг муздай қўли қисиб тургандай бўлди. Назаримда, мурғаккина танага озодликка чиқишнинг хоҳлаётган бахтсиз, соқов одамча кириб олгандай эди. Унинг мунг тўла кўзларига узоқ қараб туролмадим.

Ниҳоят, Густав шажара чангалзоридан ҳарсиллаб чиқиб келди.

— Демак, келишдик, Антон! Шу кучугинга исковуч бераман, Гертанинг авлоди. Ҳаётингдаги энг омадли битим шу бўлади! — Кейин менга юзланди: — Ҳозир опкетасанми?

— Қанча туради?

— Ҳеч қанча. Сенга совға қилмоқчи бўлганим исковучга алмашяпти. Бунақа ишларни менга қўйиб беравер! Густав — мард эркак, тилла одам!

Кучукни ишдан кейин олиб кетадиган бўлдим.

— Қандай хазинани қўлга киритганингни биласанми? — сўради у қўчага чиққанимиздан сўнг. — Камдан-кам учрайдиган кучук бу! Ирландияники! Бирорта нуқсони йўқ. Зоти тоза. Кўзига тик қарашга ҳам ботинолмайсан. Бу билан гаплашишдан олдин икки букилиб салом беришинг керак.

— Густав, — дедим унга, — мен учун катта иш қилдинг. Юр, озгинадан коньяк отайлик.

— Бугун иложим йўқ! — жавоб берди у. — Бугун қўлим қалтирамаслиги керак. Кечкурун спортчилар уюшмасида кегли ўйнайман. Бирор кун сени ҳам олиб бораман. Бамаъни одамлар йиғилишади, ҳатто катта амалдорлар ҳам келишади.

— Бўпти, — дедим мен. — Катта амалдорлар келмаса ҳам беравераман.

Соат олтиларда устахонага қайтдим. Кестер мени кутиб ўтирган экан.

— Жаффе қўнғироқ қилди, сени сўради.

Нафасим ичимга тушиб кетди.

— Бирор нарса дедими?

— Йўқ. Соат бешгача ўз шифохонасида беморларни қабул қиларкан, кейин Муқаддас Доротей шифохонасига бораркан. Ўша ёққа қўнғироқ қилармишсан.

— Маъқул.

Ичкарига кирдим. Ҳаво иссиқ, ҳатто дим бўлишига қарамай, мени титроқ босганди. Қўлимдаги телефон гўшаги ҳам силкинарди.

— Яхшиликка бўлсин-да, ишқилиб, — стол четини маҳкамроқ ушладим.

Жаффенинг овози эшитилгунча анча вақт ўтди.

— Бўшмисиз? — сўради у.

— Ҳа.

— Унда тез келинг. Яна бир соатча шу ерда бўламан.

Патга бирор гап бўлди, деб сўрамоқчи эдим-у, аммо тилим айланмади.

— Хўп, ўн минутда етиб бораман.

Гўшакни қўйдим, кейин яна уни кўтариб, уйга қўнғироқ қилдим. Телефонга Фрида келди. Патни чақиритишни илтимос қилдим.

— Билмадим, уйдамикин, — деди у энсаси қотиб. — Ҳозир қараб кўраман.

Кутиб турдим. Бошим ғувуллар, юзим қизиб кетган эди. Кутишни охири йўқдай туюларди. Кейин Патнинг овози эшитилди:

— Робби!

Бир лаҳза кўзимни юмдим.

— Аҳволинг қалай, Пат?

— Яхши. Балконда китоб ўқиб ўтирибман. Жудаям қизиқ китоб.

— Ҳа, дуруст, қизиқ китоб дегин... Жуда соз. Бугун кечроқ бораман, шуни айтиб қўймоқчи эдим. Ўқиб бўлдингми китобингни?

— Йўқ ҳали. Ярмага келдим. Уч-тўрт соатда тугатаман.

— Бўпти, бемалол улгураман. Ўқийвер.

Устахонада яна пича ўтирдим. Кейин ўрнимдан турдим.

— Отто, — дедим мен. — «Карл»ни бериб турасанми?

— Албатта. Хоҳласанг, бирга борамиз. Ҳозир қиладиган ишим йўқ.

— Шартмас. Тинчлик экан. Уйга қўнғироқ қилдим.

«Қандай ажойиб ранг, — ўйладим ичимда «Карл» кўчага отилиб чиққач. — Томлар тепасидаги кунботар шафағи нақадар жозибали! Ҳаёт бунчалар ширин!»

Жаффени бир оз кутиб қолдим. Ҳамшира мени эски журналлар қўйилган кичкина хонага бошлаб кирди. Дераза тоқчасида чирмовиқ ўсиб ётган гулдонлар. Хуллас, таниш манзара: жигарранг муқовали ўша-ўша журналлар, чирмовиқли ўша-ўша гулдонлар; қайси дўхтирнинг қабулхонасига кирма, қайси шифохонага борма — шуларни кўрасан.

Жаффе кириб келди. Эгнида оппоқ халат. Рўпарамга ўтирганида ўнг енгининг ички томонидаги кичкина қизил доғга кўзим тушди. Ҳаётимда қонни кўп кўрганман, аммо бу тангадеккина доғ илгари мен кўрган жиққа қон боғичлардан кўра юз чандон қаттиқ таъсир қилди. Бир зумда кайфиятим бузилди.

— Сиз билан фрейлейн Хольманнинг саломатлиги тўғрисида гаплашмоқчи эдим, — деди Жаффе.

Мен бош силкиб, гулдор духоба дастурхонга тикилдим. Дастурхоннинг жимжимадор безакларидан кўз узмай ўтирарканман, шундай қилсам, гўё мушкуллим енгиллашадигандай туюларди.

— Икки йил муқаддам у олти ой санаторийда бўлган. Шундан хабарингиз борми?

— Йўқ, — дедим бошимни кўтармай.

— Ўшанда анча яхши бўп қолган эди. Бу гал жудаям синчиклаб кўздан кечирдим. Қишда тагин ўша санаторийга бормаса бўлмайди. Шаҳарда қолмагани тузук.

Нигоҳим ҳамон дастурхонда эди. Бирдан унинг олти бурчакли нақшлари чаплашиб, айқаш-уйқаш бўлиб кетди.

— Қачон?

— Кузда. Октябрнинг охиридан кечикмай.

— Демак, бежиз қон қусмаган экан-да?

— Албатта. Ўзингиздан қолар гап йўқ, — давом этди Жаффе.

— Бу шундоқ дардки, олдиндан бир нарса деб бўлмайди. Бир йил бурун касалликнинг зўрайиши тўхтаб, хасталик чашмаси қуригандай туюлган эди менга. Аммо яқинда, ўзингиз гувоҳ бўлдингиз, қутилмаганда дард яна кўзиди, худди шундай пихосдан тўхтаб қолиши ҳам мумкин. Буни бекорга гапирётганим йўқ, — ростдан ҳам шунақа касаллик бу. Дарддан буткул фориг бўлиб кетганларни ҳам кўрганман.

— Аммо бунинг аксини ҳам кўргансиз-да?

У менга тикилиб қаради.

— Албатта, шунақаси ҳам бўлган.

Жаффе менга тафсилотларини тушунтира бошлади. Ўпканинг иккала томони жароҳатланган — ўнги камроқ, чапи кўпроқ. Кейин кўнгироқ тугмачасини босди. Ҳамшира кирди.

— Портфелимни опкелинг, — деди у.

Ҳамшира портфелни олиб кирди. Жаффе шилдироқ конвертлардан иккита рентген суратини олиб, ёруққа тутди.

— Шунда яхшироқ кўринади.

Силлиқ, кулранг тасмада умуртқа, курак, ўмров, елка суяклари ва ёйдай эгилган қовурғалар кўзга ташланарди. Лекин мен кўпроқ нарсани — бутун бошли скелетни кўраётгандим. У тасмадаги хира соялардан бутунлай фарқ қиларди. Мен Патнинг скелетини кўриб турардим. Патнинг скелети.

Жаффе пинцет билан айрим чизиклар ва қора доғларни кўрсатиб, тушунтира бошлади. Гапларига энди қулоқ солмаётганимни пайқамади. Ҳозир мен учун у далил-исботни хуш кўрадиган олим эди, холос. Ниҳоят, менга бурилиб қаради.

— Тушундингизми?

— Ҳа, — дедим мен.

— Нима бўлди сизга?

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ. Негадир кўзим яхши кўрмаяпти.

— Э, шундайми! — У кўзойнагини тўғрилади. Сўнг рентген суратларини конвертга солиб, менга синовчан назар ташлади. — Бехуда хаёлларга берилманг.

— Хаёлга берилганим йўқ. Лекин қандай кўргилик бу! Миллионлаб одамлар соппа-соғ юрипти-ку! Келиб-келиб Пат касал бўладими?

Жаффе андак сукут сақлаб турди.

— Бу саволингизга ҳеч ким жавоб беролмайди, — деди у ниҳоят.

— Ҳа! — хитоб қилдим бирдан жазавам тутиб, — ҳеч ким жавоб беролмайди! Ҳеч ким! Ўлим ва азоблар учун ҳеч ким жавоб бермайди! Қандай даҳшат! Қанийди бирор чораси топила қолса!

Жаффе менга узоқ тикилди.

— Узр, — дедим мен. — Ўзимни алдаёлмайман. Бутун фожиа шунда.

У ҳамон мендан кўз узмасди.

— Озгина вақтингиз борми? — сўради у.

— Бор. Вақтим кўп.

Жаффе ўрнидан турди.

— Ҳозир кечки кўрик ўтказаман. Сиз ҳам ёнимда бўлсангиз. Ҳамшира халат беради. Беморлар учун менинг ёрдамчимсиз.

Унинг мақсадига тушунмадим. Лекин ҳамшира узатган халатни олдим.

Узун йўлақдан юриб кетдик. Катта-катта деразалардан ботаётган қуёшнинг пуштиранг нури тушиб турарди. Бирам майин, бирам беозор, парқудай енгил нур эди бу. Йўлак арғувон ҳидига тўлиб кетганди.

Жаффе эшиклардан бирини очди. Димоққа бадбўй ҳид урилди. Кечки шафақ чиройли, тилларанг сочларида жилоланаётган бир аёл аранг қўлини кўтарди. Кўзларининг остидан озгига қадар доқа боғланганди. Жаффе эҳтиётлик билан боғични ечди. Аёлнинг бурни йўқ эди. Бурун ўрнида қасмоқ боғлаган қип-қизил яра, яранинг ўртасида бир жуфт тешик. Жаффе докани яна боғлаб қўйди.

— Яхши, — деди у очиқ чехра билан ва изига қайтди.

Йўлақда бир лаҳза тўхтаб, осмонга қарадим.

— Юринг, — деди Жаффе навбатдаги эшикка йўл оларкан.

Иситмалаб ётган беморнинг калта-калта нафас олиши эшитилди. Эркакнинг бўғриқиб кетган юзи қизил доғлар билан қопланганди. Оғзи очиқ, кўзлари ўйнаб чиққан, қўллари тинимсиз адёлни пайпаслайди. У беҳуш эди. Каравоти ёнида ҳамшира китоб ўқиб ўтирипти. Жаффени кўриб, ўрнидан турди. Профессор ҳарорат варақасига қаради. Нукул қирқ даража ёзилганини кўриб, бош чайқаб қўйди.

— Иккала ўпкаси яллиғланган, бунинг устига зотилжам. Бир ҳафтадан буён ўлим билан олишади. Дарди қайта қўзиган. Соғайиб кетган эди. Ишга барвақт чиққан. Хотини, тўртта боласи бор. Тузалиши даргумон.

Жаффе беморнинг юрагини эшитиб кўрди, томир уришини текширди. Ҳамшира ёрдамлаша туриб, китобни тушириб юборди. Дарров олдим — пазандалиқ ҳақидаги китоб экан. Беморнинг бармоқлари хануз адёлни тимдаларди. Хонада фақат шунинг шарнаси эшитиларди, холос.

— Кечаси ёнида қолинг, ҳамшира, — деди Жаффе.

Ташқарига чиқдик. Шафақ шуъласи қуюқлашиб, йўлакни бутунлай қоплаб олган эди.

— Шуълани қаранг! — дедим мен.

— Нима қипти?

— Файритабий манзара. Бир томонда чиройли шафақ, бир томонда азоб-уқубат.

— Лекин булар бор нарсалар-да, — деди Жаффе.

Навбатдаги хонада кундузи келтирилган аёл ётарди. У уйқу доридан қаттиқ заҳарланган. Хириллаб, базўр нафас оляпти. Бир кун олдин бахтсиз ҳодиса юз берган — эри умуртқасини синдирган. Уйга олиб келишганда эс-ҳуши жойида бўлган, шўрлик роса додлаган. Кечаси жони узилган.

— Аёл тузалиб кетадими? — сўрадим мен.

— Эҳтимол.

— Нима кераги бор?

— Кейинги йилларда бешта шунақа ҳодисага гувоҳ бўлиб турибман, — деди Жаффе. — Шулардан биттаси иккинчи марта жонига қасд қилган. Иккитаси эса қайтадан турмушга чиққан.

Яна бир хонада ўн икки йилдан буён фалаж бўлиб ётган эркакка дуч келдим. Юзи заъфарон, сийрак соқоли қоп-қора, катта-катта кўзлари тамомила хотиржам.

— Қалайсиз? — сўради Жаффе.

Бемор мавҳум ишора қилди. Кейин деразани кўрсатди.

— Осмонга қаранг! Ёмғир ёғади, сезиб турибман. — У жилмайди. — Ёмғир пайтида яхши ухлайди одам.

Кўксида, адёл устида чармдан ясалган шоҳмот тахтаси, доналарнинг ўзаги темирдан. Шу ернинг ўзида бир даста газета ва китоблар.

Хонама-хона юришда давом этдик. Ҳар бир хонада даҳшатли манзарага дуч келардим: туғиш азобидан лаблари кўкариб, кўзларига ваҳима чўккан ёшгина жувон; ингичка оёқлари акашак бўлиб кўкариб қолган мечкай бола; ошқозони олиб ташланган эркак; тезроқ ўла қолмагани учун яқинлари юз ўгирган бойқушбашара кампир; яна кўзи очилишидан умидвор ожиз аёл; афтини захм тошмаси қоплаган бола билан унинг ёнида ўтирган ота; эрталаб иккинчи кўкраги ҳам кесиб ташланган она; бўғим бодидан қадди букилиб қолган аёл; тухумдонидан маҳрум бўлган яна бир хотин; буйраклари лат еган ишчи.

Шу тариқа хонама-хона юравердик, ҳамма ерда шу аҳвол — оҳ-воҳ, титраб-қақшаётган таналар, чангак бўлиб қолган ва деярли ҳаёт чироғи сўнган кўланкалар, азоб-уқубат, кўрқув, итоат-

корлик, оғриқ, тушкунлик, умид ва эҳтиёжнинг адоқсиз халқалари. Ҳар гал йўлакка чиққанимизда бизни яна ўша шафақ ёғдуси, майин тилларанг булут қарши оларди. Бир нарсага тушунолмасдим: нима бу — табиатнинг бешафқат масхарасими ёки инсон иродасидан кучлироқ, ақл бовар қилмайдиган тасаллими? Жаффе жарроҳлик хонаси олдида тўхтади. Эшикнинг хира ойнасидан ёруғ тушиб турарди. Икки ҳамшира пастак аравагани гилдиратиб ўтишди. Унда аёл киши ётарди. Нигоҳини илғадим. У менга қарагани ҳам йўқ. Аммо бу кўзларда шу қадар журъат, шайлик ва хотиржамлик мужассам эдики, беихтиёр эгим жунжикиб кетди.

Жаффенинг чехрасида ҳорғинлик аломатларини сездим.

— Билмадим, тўғри қилдимми-йўқми, — деди у, — лекин сизни қуруқ сўзлар билан юпатиб бўлмасди. Менга ишонмасдингиз. Мана энди, ётган одамларнинг аҳволи Хольманникидан оғирроқ эканини ўз кўзингиз билан кўрдингиз. Уларнинг умид қилишдан бошқа чоралари йўқ. Лекин кўплари тузалади. Ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетади. Сизга мана шуни англаймоқчи эдим.

— Тўғри иш қилдингиз, — дедим мен.

— Тўққиз йил муқаддам хотиним вафот этган. Йигирма беш ёшда эди. Соғлиғидан шикоят қилмасди. Гриппдан кетди. — У бир оз жим бўлиб қолди. — Буни нима учун гапираётганимни тушундингизми?

Мен бош силкидим.

— Айтмоқчиманки, олдиндан бир нима деб бўлмайди. Ўлим тўшагида ётган бемор соппа-соғ одамдан узоқроқ яшаши мумкин. Ҳаёт — ғалати нарса. — Унинг юзидаги ажинлар яққолроқ кўзга ташланди. Ҳамшира кириб, қулоғига бир нарсалар деди. У қаддини ростлаб, жарроҳлик хонасига ишора қилди. — У ёққа боришим керак. Ташвишланаётганингизни Патга сездирманг. Энг муҳими шу. Қўлингиздан келадими?

— Келади, — дедим мен.

Жаффе мен билан хайрлашиб, ҳамшира ҳамроҳлигида ойнаванд эшикдан ёп-ёруғ жарроҳлик хонасига кириб кетди.

Зинапоядан аста пастга туша бошладим. Тушганим сайин қоронғилаша борар, иккинчи қаватда электр чироқлари ёқилганди. Кўчага чиққач, яна уфқдаги шафақ учкунларини кўрдим. Гўё осмон чуқур нафас олгандай эди. Кейин қизғиш ранг ғойиб бўлиб, уфқ кулранг тусга кирди.

Мошинада бир нуқтага тикилганча анча пайт ўтирдим. Хаёлимни бир ерга жамлаб олгач, устахонага қараб жўнадим. Кестер дарвоза олдида кутиб турган экан. Мошинани ҳовлига қўйиб, қайтиб чиқдим.

— Шу гапдан хабаринг бормиди? — сўрадим ундан.

— Ҳа. Жаффе, ўзим айтаман, деганди.

Кестер юзимга тикилди.

— Отто, ёш бола эмасман, ноумид — шайтон, деган гап бор. Лекин бугун Пат билан ёлғиз қолсам, ҳолатимни сездириб кўяманми, деб кўрқаман. Эртагача сал ўзимга келволаман. Кеч-қурун биргалашиб бирор жойга борайлик, нима дейсан?

— Жуда соз, Робби. Ўзим ҳам шуни ўйлаб, Готтфридни огоҳ-лаштириб қўйган эдим.

— Бўлмаса, «Карл»ни яна бериб турасан. Уйга бориб, Патни оламан-да, бирор соатлардан кейин шу ерга келаман.

— Бўпти.

Уйга қараб жўнадим. Николайштрассега етганда кучук эсимга тушиб қолди. Орқага қайтдим.

Дўкон қоп-қоронғи, лекин эшик очиқ эди. Антон дўконнинг ичкарисида, буклама каравотда ўтирарди. Қўлида шиша. Ундан арақ заводининг ҳиди келарди.

— Густав мени лақиллатиб кетди, — деди у.

Кучук олдимга чопиб келиб, қўлимни ҳидлади, сўнг ялай бошлади. Мовий кўзларида кўчадан тушиб турган нур йилтилларди. Антон ўрнидан турди. Бешиктебратардай чайқаларди. Бирдан йиғлаб юборди.

— Кучуккинам, овунчоғим... энди сен ҳам кетасанми? Ҳаммангиз мени тарк этиясиз... Тильда ўлди... Минна кетди... Айтинг-чи, нимага яшаб юрибмиз ўзи?

Оббо, шуниси етмай турувди! У хира, кичкина лампочкани ёқди. Қафасдаги тошбақа ва қушлар, дўкон ичидаги юзи салқинган, паст бўйли киши ғира-шира кўзга ташланди.

— Бели бақувватлар нима учун яшаётганини биледи, лекин биз нима қилиб юрибмиз? Гапиринг, жаноб... биздақа шўрпешоналар яшаб нима қилади?

Маймун чийиллаб, штанганинг у бошидан-бу бошига бориб келарди. Деворга тушиб турган баҳайбат сояси гоҳ у ёққа ўтади, гоҳ бу ёққа.

— Коко, — ҳиқиллади кайфи ошиб қолган Антон, — бу ёққа кел, ёлғизим! — Кейин маймунга шишани узатди. Маймун шишанинг бўғзидан чангаллади.

— Ичирсангиз, жонворни нобуд қиласиз, — дедим мен.

— Нобуд бўлса бўлар, — тўнғиллади у. — Занжирда бир йил кўпроқ турди нимаю камроқ турди нима... Барибирмасми... э, жаноб...

Кучук оёғимга ёпишиб олганди. Изимга қайтдим. У ёнимда пилдираганча машина олдига келди.

Уйга қайтиб, аста тепага кўтарилдим. Кучукнинг бўйнига арқон боғлаб олгандим. Йўлакда тўхтаб, кўзгуга қарадим. Юзимда ўзгариш йўқ. Патнинг эшигини тиқиллатдим, сўнг қия очиб, кучукни қўйиб юбордим. Ўзим эса арқоннинг бир учини ушлаганча йўлакда қолдим. Аммо Патнинг овози эмас, фрау Залевскининг эркакшода товуши эшитилди:

— Ё алҳазар!...

Анча энгил тортиб, хонага мўраладим. Пат билан дастлабки дақиқаларда ёлғиз қолишдан қўрқаётгандим. Энди бундан чўчимасам ҳам бўлади. Яхшиям, фрау Залевски бор. У стол ёнида савлат тўкканча қаҳва ичиб ўтирарди. Олдида қаргалар бетартиб сочилиб ётипти. Пат унинг пинжига кириб, башоратларига киприк қоқмай кулоқ соляпти.

— Салом, — дедим хуррам оҳангда.

— Ана, ўзлари ҳам келдилар, — деди виқор билан фрау Залевски. — Оқшом чоғи яқин йўл билан... Ёнларида қора қирол.

Кучук оёғим тагида бир оз пилдиради-да, вовуллаганча хонанинг ўртасига чошиб борди.

— Во-ой! — қичқириб юборди Пат. — Ахир бу Ирландиянинг овчи кучуги-ку!

— Билимингга қойилман! — дедим мен. — Бир неча соат олдин бунга ўзим ҳам билмасдим.

У энгашган эди, кучук олдига чошиб борди.

— Исми нима, Робби?

— Билмайман. Собиқ хўжайинига қараб тусмолласак, «Арак» ё «Коньяк» бўлиши керак.

— Энди бизникими?

— Ҳа. Бир тирик жонга иккинчиси қанчалик эғалик қилиши мумкин бўлса, шу даражада бизники.

Пат суюниб кетди.

— Исмини Билли қўямиз, майлими, Робби? Ойим ёшлик пайтида Билли деган кучуги бор экан. Раҳматли, кўп гапирарди.

— Демак, опкелиб яхши қипман-да?

— Зоти тозамикин? — деди фрау Залевски ташвишланиб.

— Шажараси князларникидан қолишмайди, — жавоб бердим мен. — Князлар покдомон бўлишади-ку.

— Ёшлик пайтида... Ёши неччида?

— Саккиз ойлик. Одамзотнинг ўн олти ёшига тўғри келади.

— Менимча, тозага ўхшамайди, — деди фрау Залевски.

— Чўмилтириш керак, вассалом.

Пат ўрнидан туриб, фрау Залевскини елкасидан кучди. Оғзим очилиб қолди.

— Кўндан буён кучукни орзу қилардим, — деди у. — Қолдирамиз, а? Қаршимасмисиз?

Онахон Залевски уни таниганимдан бери биринчи марта додираб қолди.

— Майли... қолса қолар... — деди у. — Қарта ҳам шуни кўрса-тиб турувди. Ахир қирол уйга кутилмаган совға опкелади-да.

— Қарта бугун бир жойга боришимизни кўрсатмадимиз? — сўрадим мен.

Пат кулиб юборди.

— Бунга ҳали аниқлаганимизча йўқ, Робби. Биз сен ҳақингда фол очаётган эдик.

Фрау Залевски ўрнидан туриб, қарталарни йиғиштирди.

— Бунга ишонса ҳам бўлади, ишонмаса ҳам. Марҳум Залевскига ўхшаб, тескарисига ишониш ҳам мумкин. Унинг сув солинган стакани устида ҳар доим тўққизлик қарға бўларди... бу ёмонлик аломати-да. Шунинг учун, сувдан эҳтиёт бўлиш керак, дерди нукул. Ҳамма гап шнапс билан пивога бориб тақаларди.

Фрау Залевски чиқиб кетгач, Патни бағримга босдим.

— Уйга келганда сени кўриб хурсанд бўлиб кетаман. Ҳар гап бу мен учун кутилмаган янгиликдай туюлаверади. Зинапоядан кўтарилиб, эшикни очгунча юрагим пўкиллаб туради: ишқилиб, рост бўлсин, дейман ўзимга ўзим.

У менга жилмайиб қаради. Бу хилдаги гапларимга ҳеч қачон жавоб қайтармаган. Дарвоқе, мен ҳам ундан жавоб кутмаганман. Бир нарса деса, қайтанга менга ёқмасди. Аёл киши эркакка севги изҳор этмаслиги керак. Бу ҳақда унинг чақнаб турган бахтиёр кўзлари гапирсин. Кўз иқрори ҳар қандай сўздан афзалроқ.

Уни ҳадеганда бағримдан бўшатмадим, баданининг ҳарорати ва сочларининг муаттар ҳидидан роҳатланардим. Ҳа, бўшатмадим, зеро шу тобда менга ундан кўра азизроқ кимса йўқ эди, у шу ерда, яшаяпти, нафас олаяпти, демак, ҳеч нарса йўқотилгани йўқ.

— Ҳозир кетамизми, Робби? — сўради у мендан кўзларини узмай.

— Ҳаммамиз, — жавоб бердим унга. — Кестер билан Ленц ҳам. «Карл» пастда турипти.

— Билли-чи?

— Опкетамиз, албатта. Қолган овқатни нима қиламиз? Ёки тамадди қилиб бўлдингми?

— Йўқ, ҳали. Сени кутдим.

— Мени кутмаслигинг керак. Ҳеч қачон. Кутишдан ёмони йўқ. У бош чайқади.

— Сен бунга тушунмайсан, Робби. Кутадиган одамнинг бўлмагани ёмон.

У кўзгү ёнидаги чироқни ёқди.

— Энди кийинволай, кечикмайлик тагин. Сен ҳам кийинасанми?

— Кейин, — дедим унга. — Меники осон-ку. Яна бир оз шу ерда ўтирай.

Кучукни олдимга чақириб, дераза ёнига қўйилган креслога ўтирдим. Патнинг кийинишини томоша қилишни хуш кўрардим. Аёл кишининг кўзгү рўпарасида оҳишта ивирсиши, унга ўйчан тикилиб, ўз аксига сингиб кетиши, ўз жинсини ғайришуурий бир тарзда ҳис этиб туриши — галати манзара. Худди мана шу лақиқаларда аёл зотининг беадад, англаб бўлмас сир-синоати яққол намоён бўлади. Аёлнинг жавраб ёки хохолаб туриб кийинишини тасаввур қилолмайман. Агар шундай қилса, демак, унда

афсункорлик ва назокат етишмайди. Патнинг кўзгу олдидаги нафис ва силлиқ ҳаракатларини ёқтирадими. Сочини ораста қилиши ёки қаламни, худди камон ўқидай, авайлабгина қошига теккизишини мароқ билан кузатардим. Шундай пайтда у оҳуга ҳам, абжир қоплонга ҳам, жангга шайланаётган чавандозга ҳам ўхшаб кетарди. Теварак-атрофидаги ҳамма нарсани унутарди. Фикрини бир нуқтага жамлаб, ўз аксига диққат билан тикилар, кўзгуга юзини яқин олиб борганда эса ойнада акс эмас, балки бир-бирини яхши тушунадиган икки аёл рўпарама-рўпара турволиб, ўзаро қаттиқ ва синовчан кўз уриштираётганга ўхшарди.

Очиқ деразадан хонага кечки шабада кириб турарди. Қимир этмай ўтирадими. Жаффе билан учрашувимизнинг бирон тафсилотини унутмагандими, бари ёдимда эди, аммо Патга қараб туриб, юрагим тубига чўккан андуҳ аллақандай умид билан қоришиб, бутун вужудимни қайтадан забт этаётганини, қайғу, ишонч, шамол, оқшом ва чароғон кўзгуда акси намоён бўлиб турган сулув қиз — бари айқаш-уйқаш бўлиб кетаётганини равшан ҳис этардим; эҳтимол ҳаёт, чинакам ҳаёт ва бахт шудир, балки ғам-ғусса, кўрқув ва унсиз иқрор омухта бўлган муҳаббат мана шунинг ўзидир...

XIX

Мен бекатда, такси ёнида турардим. Густав келиб, мошинасидан тушди.

— Кучугинг қалай, Роберт? — сўради у.

— Михдай.

— Ўзинг-чи?

Мен қўл силтадим.

— Дурустроқ пул топганимда ўзим ҳам михдай бўлардим. Афсуски, кун бўйи иккита мижоз чиқди, холос, улар ҳам эллик пфенниглик жойга боришди. Тасаввур қиялпсанми?

У бош силкиди.

— Ҳа, кун сайин баттар бўляпти. Бу ёғига нима қиламиз, хайронман.

— Мен пул ишлашим керак, — дедим унга. — Айниқса, ҳозир! Кўп пул керак менга!

Густав чаккасини қашлади.

— Шунақа дегин... Ҳозир кўп пул ишлаш осонмас, Роберт. Хом хаёл бу. Фақат чайқовчилик қилиш мумкин. Отларга пул тикиб, бахтимизни синаб кўрмаймизми? Бугун пойга бор. Аидага пул тикиб, ютволдим.

— Менга фарқи йўқ. Пул топсам бўлди.

— Ҳеч борганмисан ўшанақа жойга?

— Йўқ.

— Унда омадинг келади. — У соатига қаради. — Кетдикми? Улгурамиз.

— Майли! — кучук воқеасидан кейин Густавга ихлосим ор- ган эди.

Гаров шарти тузиладиган бюро каттакон бинога жойлашган экан. Ўнг томонда тамаки дўкончаси, чап ёқда отларга пул ти- киб ўйнашни уюштирадиган бюро. Витрина кўк ва пуштиранг спорт газеталари ҳамда пойгалар тўғрисидаги эълонларга тўла. Деворнинг бир томони бошдан охиригача пештахта. Унга ёзув анжомлари қўйилган. Пештахта ортида уч эркак. Уларнинг бош қашишга вақти йўқ. Бири телефонга бақиряпти, бири аллақан- дай қоғозларни кўтарволиб, у ёқдан-бу ёққа йўрғалайди, яна биттаси, енги шимариелик оч бинафшаранг кўйлак кийган ва қаншарига декчасимон қалпоқ қўндириб олган эркак эса тик турганча тикилган пулларни ёзаяпти. Оғзида обдан чайналган, қоп- қора «Бразиль» сигараси.

Бино ичи гавжум. Бари «кичкина одамлар» — ҳунармандлар, ишчилар, майда амалдорлар, фоҳиша ва кўшмачилар. Остонадан ҳатлашимиз билан бизни оёғига исқирт гамаш, эгнига эски бел- бурма камзул кийган бир одам тўхтатди.

— Фон Билинг. Қайси отга пул тикишни маслаҳат беришим мумкин. Тўла кафолати бор, жаноблар!

— У дунёда маслаҳат берасан, — жавоб берди Густав. У бу срга келиб, тамом ўзгариб кетган эди.

— Эллик пфенниг кифоя, — деди Билинг хиралигини кўймай. — Тренерлар билан шахсан танишман. Эски замонлардан бери та- нишман, — қўшиб қўйди менга қараб.

Густав отлар рўйхатини ўқишга киришди.

— Отейлдаги пойга тўғрисидаги ахборотнома қачон чиқади?

— Соат бешда, — жавоб берди ёзув-чизув қилиб ўтирган одам.

— Филомена — зўр бия, — деди Густав. — Айниқса, чопиш авжига чиққан пайтда. — У ҳаяжонланиб терлаб кетганди. — Кейинги пойга қаерда?

— Хоппегартенда, — деди кимдир.

Густав рўйхатни варақлашда давом этди.

— Олдинига Тристанга икки чақадан тикамиз. Шу от маррага биринчи бўлиб келади.

— Отни отдан ажратоласанми? — сўрадим ундан.

— Бўлмасам-чи! — деди Густав. — Туёғини кўрибоқ, қанақа- лигини айтиб бераман.

— Наҳотки Тристанга тиксангиз? — ажабланди шу ерда тур- ганлардан бири. — Фақат Тиришқоқ Лизхенга умид боғлаш мум- кин! Жонни Бэрнс билан шахсан танишман.

— Мен бўлсам, — жавоб берди Густав. — Тиришқоқ Лизхен гурадиган отхонанинг эгасиман. Сиздан яхши биламан.

Густав пештахта ортида турган одамга қанча пул тикиши- мизни айтди. Паттани олиб, стол-стуллар қўйилган жойга бор- дик. Атрофдан отларнинг ҳар хил лақаблари эшитилиб турарди. Уч-тўртта ишчи Ниццадаги чопқир отлар хусусида баҳслашар-

ди, иккита почта хизматчиси Парижнинг об-ҳавоси билан қизиқпти, қандайдир извошчи қачонлардир ўзининг чавандоз бўлганини айтиб, оғиз кўпиртиряпти. Сочлари тиканак семиз бир одам стол ёнида ўтириб, оғзига кетма-кет булочка тиқяпти. Атрофидагиларга парвойи фалак. Иккита одам деворга суянганча ундан кўз узмайди. Иккаласининг ҳам қўлида патта, кўринишидан бир ҳафтадан буён туз тотмаганга ўхшайди.

Телефон жиринглаб қолди. Ҳамма нафасини ичига ютди. Пештахта ортидаги одам отларнинг лақабини айтиб қичқира бошлади. Тристанни тилга олмади.

— Соломон биринчи бўп кепти, — деди Густав қип-қизариб. — Лаънати! Ким ўйлапти дейсан! Сизмасми? — у «Тиришқоқ Лизхен»га зарда билан қаради. — Ҳар турли ипириски отларга пул тикишни сиз маслаҳат бераётган эдингиз шекилли...

Фон Билинг ёнимизга келди.

— Менга қулоқ солмадинглар-да, жаноблар... Мен Соломонни айтган бўлардим. Фақат Соломонни! Агар хоҳласанглар...

Густав бу гапга эътибор бермади. Икковлари отлар хусусида гурунглаша бошлашди.

— Отларнинг фарқига борасизми? — сўради Билинг мандан.

— Йўқ.

— Унда тикаверинг. Қўрқманг. Фақат бугун, — қўшиб қўйди у пичирлаб, — қайтиб бу ўйинга аралашманг. Ҳозир тикаверинг. Хўп денг! Қирол Лиргами, Кумуш Куягами, Самовий Фурсатгами — фарқи йўқ. Менга пулингиз керакмас. Ютсангиз, атаганингизни берарсиз... — У ўйинга қизиқиб кетган, ияги титраб турарди. Қарта ўйинидан биламанки, янги қўшилган одам ютади.

— Бўпти, — дедим мен. — Қайсинга тикай?

— Хоҳлаганингизга... Фарқи йўқ...

— Самовий Фурсатга кўнглим чопяпти, — дедим мен. — Шунга ўн марка тикаман.

— Эсинг жойидами? — деди Густав.

— Жойида.

— Аллақачон гўштга топширилиши керак бўлган қирчанғига ўн марка тикасанми?

«Тиришқоқ Лизхен» ҳозиргина Густавни жаллод деб турган эди, негадир бу гал унинг ёнини олди:

— Э, қўйинг-э! Шунга пул тикасизми? Сигир нимаю у нима! Май Уйқуси ундан икки оёқлаб ўзиб кетади! Биринчи ўринга тикмоқчимисиз?

Билинг менга афсунгардай қаради.

— Албатта, — жавоб бердим мен.

— Эсизгина пул! — «Тиришқоқ Лизхен» менга ижирганиб қаради.

— Тентак! — деди Густав худди рўпарасида ёввойи одам тургандай. — Жипси II га тикиш керак. Бу ёш болага ҳам кундай равшан.

— Гапим гап. Самовий Фурсатга тикаман, — дедим мен. Орқага қайтиш омадли янги ўйинчиларнинг сирли қонунларига гўгри келмаслигини биламан-да.

Бинафшаранг кўйлак кийган киши патта ёзиб берди. Густав билан «Тиришқок Лизхен» менга худди ўлат теккан беморга қарагандай қарашди. Улар намойишқорона мендан узоқлашиб, ўзаро қизгин баҳслашаётган бир тўда одамлар сафига қўшилишди. Густав Жипси II га, Билинг эса Май Уйқусига пул тикди.

Шу пайтда кимдир гурс этиб йиқилди. Бу стол ёнида деворга суяниб турган озгин икки кишининг бири эди. У ҳолдан тойиб, қулаганди. Почта хизматчилари уни кўтариб, стулга ўтқазишди. Рангига қараб бўлмасди. Оғзи ним очиқ.

— Ё парвардигор! — деди сочи силлиқ таралган бугдойранг фоҳиша. — Сув опкелинглар!

Ҳалиги одам ҳушидан кетди, аммо бу ҳеч кимни ташвишга солмади. Кўпчилик унга бепарво бир назар ташлардию яна пештахта томонга қарарди.

— Бунақа ҳодиса тез-тез бўлиб туради, — деди Густав. — Ишсизлар булар. Охирги чақаларини тикишади. Ўрни тикиб, мингни орзу қилишади. Пул ўлсин-а!

Извошчи тамаки дўконидан бир стакан сув келтирди. Қора соч фоҳиша рўмолчасини ҳўллаб, унинг пешонаси ва чаккаларига босди. Бемор чуқур хўрсиниб, кўзларини очди. Фалати бўлиб кетдим: мурданикидай қонсиз юз ва катта-катта очилган кўзлар, — гўё кулранг ниқоб кертигидан аллақандай номаълум мавжудот қараб тургандай.

Қиз стаканни олиб, унга сув ичирди. Худди болани авайлагандай, бир қўли билан бошини кўтариб турди. Кейин столдан тиканак сочли очофатнинг булочкасини олди.

— Ма, е... фақат шошма... шошма... бармоғимни тишлавола-сан... ҳа, яхши, энди сув ичвор...

Стол ёнида ўтирган одам булочкасига бир қарадию, ҳартугул индамади. Бемор аста-секин ўзига кела бошлади. Юзига қон югурди. Салдан кейин бир амаллаб ўрнидан турди. Қиз уни эшиккача кузатиб борди. Сўнг атрофига бир аланглаб, сумкачасини очди.

— Ма... энди жўна... Сен овқатланишинг керак, гаров ўйнашга бало борми...

Қизга орқа ўгириб турган қўшмачилардан бири бурилиб қаради. Қулоқлари катта, қирғийбурун. Оёғида ялтироқ туфли, бошида спортчилар кепкаси.

— Нечпул бердинг? — деди у қизга.

— Ўн пфенниг.

У тирсаги билан қизнинг кўксига туртди.

— Кўпроқ берган бўлсанг кераг-ов! Кейинги гал мендан бечўроқ иш қилма.

— Кўйсанг-чи, Эде, — деди шериги.

Фоҳиша лаб бўёғини олиб, лабларига суртди.

— Нима, нотўғри гапирдимми? — деди Эде.

Фоҳиша индамади.

Яна телефон жиринглади. Эдени кузатиб турганим учун эълони эшитмабман.

— Мана буни омад деса бўлади! — бирдан Густавнинг дўриллаган овози қулоғимга урилди. — Жаноблар, омаддан ҳам кучлироқ нарса бу! Бунақаси камдан-кам учрайди! — У елкамга қоқди. — Юз саксон марка ютдинг! Тушундингми, тентак? Қирчанғинг ҳамма отни орқада қолдирди!

— Ростданми?

Бинафшаранг кўйлакли киши қовоғини осилтириб, паттамни олди.

— Ким маслаҳат берган эди?

— Мен, — деди Билинг шоша-пиша оғзининг танобини бўшатиб ва пинжимга суқилди. — Мен, агар ижозат этсангиз... ҳалигидай алоқаларим...

— Нари тур... — Бошлиқ унга ҳам қарамай, пулни санаб берди. Бино ичи жимжит бўлиб қолди. Ҳамма менга қарарди. Ҳатто очофат киши ҳам бошини кўтарди.

Пулни киссага урдим.

— Бошқа ўйнаманг! — пичирлади Билинг. — Бошқа ўйнаманг! — Унинг юзи бўғриқиб кетган эди.

Ўн марка узатдим. Густав жилмайиб, кўкрагимга йўлига мушт уриб қўйди.

— Ана кўрдингми? Нима деган эдим! Густавга қулоқ солсанг, пулни супуриб оласан!

Собиқ санитар хизмати ефрейторига Жипси II ни эслатмадим. Ўзи ҳам шу ҳақда ўйлаётган бўлса керак.

— Кетдик, — деди у. — Бугун ҳақиқий билафонларнинг куни эмас экан.

Эшик олдида кимдир енгимдан тортди. Қарасам, «Тиришқоқ Лизхен».

— Кейинги пойгада қайси отга пул тикишни маслаҳат бера-сиз? — сўради у ялтоқланиб.

— Фақат Танненбаумга эмас, — жавоб бердим унга. Сўнг Густав икковимиз Самовий Фурсатнинг соғлиғига ичиш учун ресурранга қараб кетдик.

Бир соатдан кейин қайтиб келганимизда пулим ўттиз маркага камайган эди. Яна пул тикким келди. Ҳартугул, ўзимни тийдим. Хайрлаша туриб, Билинг бир парча қоғоз узатди.

— Мабодо бирор нарса керак бўлиб қолса! Ёки танишларингизга. Мен ижара маҳкамасининг вакилиман. — Қўлимдаги қоғоз уйда томоша қилиш учун ижарага бериладиган беҳаё фильмларнинг рекламаси эди. — Эски кийимлар олди-сотдисига воситачилик ҳам қиламан, — қичқирди у орқамдан. — Нақд пулга!

Соат еттида устахонага қайтдим. «Карл» ҳовлида, мотори ишлаб турипти.

— Келганинг яхши бўлди, Робби! — деди Кестер. — Мошинани санаб кўрмоқчимиз. Ўтир!

Ҳамма йўлга шай. Кейинги кунларда Отто «Карл»ни обдан титкилаб, барча қисмларини мойлаган, айримларини эса алмаштирган эди, — икки ҳафтадан сўнг тоғ пойгаси бўлади. Энди Кестер «Карл»ни синаб кўрмоқчи.

Ўтирдик. Спортчиларнинг каттакон кўзойнагини тақиб олган Юпп Кестернинг ёнида. Уни ташлаб кетсак, ўзини осиб қўйиши мумкин. Ленц иккаламиз орқадамиз.

«Карл» ўрнидан қўзғалдию ўқдай учиб кетди. Шаҳардан чиққач, соатига юз қирқ километр тезликда юра бошладик. Ленц иккаламиз олдинги ўриндиқларнинг суянчиғини маҳкам ушлаб олганмиз. Шамол шунақа зўрки, калани учираб кетай дейди.

Йўл четидаги толлар лип-лип ўтиб турипти, филдираклар чийиллайди, моторнинг бир маромдаги овози худди озодлик наърасидай вужудимизни тешиб ўтапти. Чорак соатлардан сўнг олдинда қора нуқта кўринди. У тобора катталашиб борарди. Нуқтага ўхшаб кўринган нарса саксон-юз километрлар чамаси тезликда кетаётган оғир мошина эди. У мувозанатини сақлолмасдан йўлнинг у четидан-бу четига бориб келарди. Йўл тор эди, бинобарин, Кестер тезликни пасайтиришга мажбур бўлди. Мошинага яқинлашиб, энди сигнал берамиз деб турганимизда ўнг томондаги йўлда мотоциклчи кўринди, кўриндию чорраҳа олдидаги чакалак девор панасига ўтиб кетди.

— Оббо! — деди Ленц, — бир ишқал чиқазмаса гўрга эди!

Худди шу лаҳзада мотоциклчи олдинда кетаётган қора мошинанинг рўпарасида пайдо бўлди. Оралиқ атиги йигирма метр, афтидан, мотоциклдаги йигит мошинанинг тезлигини тўғри чамалай олмай, муюлишдаёқ уни қувиб ўтмоқчи бўлган. Мошина ўзини кескин чапга олди, аммо мотоциклчи ҳам чапга бурди. Чорасиз қолган мошина шартта ўнгга бурилган эди, қаноти билан мотоциклни туртиб юборди. Мотоциклчи руль устидан умбалоқ ошиб тушди. Мошина йўл четига қоқилган ҳаракат белгисини ағдариб, дарахтга бориб урилди.

Бари кўз очиб-юмгунча содир бўлди. Орқадан катта тезликда биз бостириб борардик. Филдираклар чийиллади. Кестер «Карл»ни мотоциклчи, мотоцикль ва қийшайганча тутаб турган мошина орасидан учқур отдай олиб ўтди; чап филдирак билан чўзилиб ётган мотоциклчининг қўлини босиб кетишига, ўнги билан эса қора мошинанинг орқа қанотини пачоқ қилишига сал қолди. Мотор ўкириб, «Карл» яна тўғри йўлга қиқиб олди-ю, таққа тўхтади; бирдан ҳамма ёқ жимжит бўлиб қолди.

— Қойилман, Отто! — деди Ленц.

Орқага югуриб, ҳалиги мошинанинг эшикларини очдик. Мотор ишлаб турарди. Кестер ўт олдирадиган калитни шартта суғуриб олди. Мотор ўчгач, ингроқлар эшитилди.

Мошинанинг ойналари чил-чил бўлган эди. Ним қоронғиликда юзи қонга беланган аёл кўринди. Унинг ёнида руль билан ўриндиқ орасига қисилиб қолган эркак бор эди. Олдин аёлни

кўтариб, йўл четига ётқиздик. Юзига қараб бўлмасди. Тери орасидан шиша синиқлари кўриниб турарди. Қон оқиб ётипти. Айниқса ўнг қўли жудаям чатоқ. Оқ камзулининг энги жиққа қон. Ленц энги қирққан эди, қон фавворадай отилди. Кўктомир кесилган эди. Ленц рўмолчаси билан билакни бўғиб боғлади.

— Эркакка қаранглар, буни ўзим эплайман, — деди Ленц. — Тезроқ шифохонага олиб бориш керак.

Эркакни сугуриб олиш учун ўриндиқ мурватларини чиқариш керак эди. Хайрият, асбоб ёнимизда эди, бу ёғи тез кетди. Эркак ҳам қонга бўккан. Қовурғалари синганга ўхшайди. Тиззаси ҳам лат еган. Уни тортиб олаётганимизда ўзини таппа қўлимизга ташлади, аммо унга ёрдам беролмадик.

Кестер «Карл»ни орқага, фалокат юз берган жойга тисара бошлади. Гарчи машина пиёда тезлигида келаётган бўлса ҳам, унинг яқинлашаётганини кўриб, аёл қичқириб юборди. Олдинги ўриндиқлардан бирини тушириб, унга эркакни ётқиздик. Аёл орқага ўтирди. Мен зинапоёга турволдим. Ленц ярадор эркакни ушлаб кетиш учун нариги зинапоёга чиқди.

— Юпп, сен шу ерда машинага кўз-қулоқ бўлиб тур, — деди Ленц.

— Мотоциклчи қани? — сўрадим мен.

— Куённи сурворипти, — деди Юпп.

Секин йўлга тушдик. Кейинги қишлоқдан сал нарида кичкина санаторий бор эди. Ўтган-кетганда тепалик устидаги оппоқ пастак бинога ҳар гал кўзимиз тушарди. Билишимизча, бу бадавлат мижозларга мўлжалланган, руҳий хасталикка чалинганлар даволанадиган хусусий шифохона эди. Бу ерда оғир беморлар ётмасди. Ҳарқалай, дўхтир билан жароҳат боғланадиган хонаси бордир, деган умидда эдик.

Тевага кўтарилиб, қўнғироқни босдик. Эшикни ёш бир ҳамшира очди. Қонни кўриб, югурганча изига қайтди. Сал ўтмай, ёши каттароқ бошқа ҳамшира келди.

— Афсус, — деди у шу заҳоти, — бизда бахтсиз ҳодисага учраганларга ёрдам кўрсатиш имконияти йўқ. Вирхов номидаги шифохонага боришларингга тўғри келади. Узоқ эмас.

— Камида бир соатлик йўл, — деди Кестер.

Ҳамшира унга хўмрайиб қаради.

— Бундай ёрдамга мослашмаганмиз. Бунинг устига, дўхтир ҳам йўқ...

— Сиз қонунни бузаяпсиз, — деди Ленц. — Сизникига ўхшаган хусусий даволаш муассасаларида доимий дўхтир бўлиши шарт. Телефонингиздан фойдалансам майлими? Полиция билан газета таҳририятига қўнғироқ қиламан.

Ҳамшира иккиланиб қолди.

— Ташвишланманг, — деди Кестер вазмин оҳангда. — Хизмат ҳақи яхши тўланади. Ҳозир бизга замбил керак. Дўхтирни топасиз деб ўйлайман.

Аёл ҳамон бир қарорга келолмасди.

— Қонунга кўра, — тушунтирди Ленц, — сизда замбил ҳам, старли миқдорда жароҳат боғланадиган нарсалар ҳам бўлиши зарур...

— Тўғри, тўғри, — деди «закончи»нинг гапларидан довдираб қолган ҳамшира. — Ҳозир бирортасини жўнатаман.

У қайтиб кетди.

— Шаҳар шифохонасига борсанг ҳам шу-да, — деди Кестер шинагини бузмай. — Олдин пул, кейин расмиятчилик, ана ўшан-дан кейин ёрдам.

Мошина ёнига қайтиб, аёлнинг тушишига ёрдамлашдик. У гапирмас, нуқул қўлига қарарди. Уни биринчи қаватдаги бир хонага олиб кирдик. Кейин замбил беришди. Эркакни ётқизиб, бино ёнига кўтариб келдик. У тинмай оҳ-воҳ қиларди.

— Бир минута... — деди у базўр. Биз унга қарадик. Эркак кўзларини юмди. — Ҳеч ким билмаслиги керак.

— Сизнинг айбингиз йўқ, — жавоб берди Кестер. — Ҳаммасини ўз кўзимиз билан кўрдик. Гувоҳлик беришимиз мумкин.

— Гап бунда эмас, — деди эркак. — Бошқа сабаби бор. Тушунадиган йигитларга ўхшайсизлар... — У аёл ўтиб кетган эшикка қаради.

— Унда хотиржам бўлинг, ишончли жойдасиз, — деди Ленц. — Бу хусусий шифохона. Фақат полиция кўриб қолмасидан мошинани йўқотиш керак.

Эркак хиёл гавдасини кўтарди.

— Бу юмуш ҳам ўзларингга. Илтимос, таъмирлаш устахонасига қўнғироқ қилинглар, кейин яшаш жойларингни ёзиб қолдиринглар. Яхшиликларингни унутмайман... рози қиламан...

Кестер қўл силтади.

— Йўқ, — деди эркак, — ҳар ҳолда манзилингизни билиб қўйишим керак.

— Парво қилманг, — жавоб берди унга Ленц. — Ўзимизда устахона бор, худди сизникига ўхшаган мошиналарни таъмирлаймиз. Агар хўп десангиз, олиб кетиб, тузатиб беришимиз мумкин. Сизга ҳам яхши, бизга ҳам.

— Барака топинг, минг марта розиман, — деди эркак. — Мана менинг яшаш жойим... Мошина битгандан кейин ўзим олиб кетаман ёки бирортасини юбораман.

Кестер ташрифномани чўнтагига солди, сўнг эркакни ичкарига олиб кирдик. Шу орада дўхтир келиб қолди. Ёшгина йигит экан. У аёлнинг юзидаги қонни ювди. Кесилган жойлари шундоқ кўриниб турарди. Аёл соғ қўлига тиралиб, қадини ростладию индиракли столча устида турган ялтироқ идишдаги қонга бўккан локаларга бир зум тикилиб қолди.

— О! — деди сўнг ва ўзини таппа ёстиққа ташлади.

Қишлоққа қайтиб, шу ерлик темирчини қидириб топдик ва ундан мошинани шатакка олиш учун пўлат арқон билан бошқа керакли нарсаларни сўрадик.

Эвазига йигирма марка таклиф қилдик. Аммо темирчи, мошинани ўз кўзим билан кўришим керак, деб оёқ тираб туриб олди. Уни воқеа содир бўлган жойга олиб бордик.

Юпп йўл ўртасига чиқволиб, узоқдан бизга қўл силтади. Аммо гап нимадалигини аллақачон фаҳмлаб бўлгандик. Йўл четида баланд кузовли эски мерседес турарди. Тўрт эркак пачоқ мошинани олиб кетишга келганди.

— Вақтида келдик, — деди Кестер.

— Булар ака-ука Фогтлар, — тушунтирди темирчи. — Хавфли тўда. Хў анови ерда, рўпарадаги тепалик ёнида яшашади. Кўзлари тушган нарсани олмагунча тинчишмайди.

— Кўрамиз, — деди Кестер.

— Бор гапни айтдим, жаноб Кестер, — шивирлади Юпп. — Қулоқ солишмаяпти. Мошинани ўзларининг устахоналарида таъмирлашмоқчи.

— Бўпти, Юпп. Ҳозирча шу ерда тура тур.

Кестер ака-укалардан энг новчасининг олдига бориб, гаплаша бошлади. Мошинани биз олиб кетишимиз кераклигини тушунтирди.

— Ёнингда қаттиқроқ нарса борми? — сўрадим Ленцдан.

— Бир шода калит бор, ўзимга керак бўлади. Темир-пемир ола қол.

— Арзимаиди, — дедим мен, — майиб қип қўйиш мумкин. Енгил туфлида кепман-да, э аттанг! Бунақа пайтда қон чиқмас жойига теписдан яхшиси йўқ.

— Ёрдамлашасизми? — сўради Ленц темирчидан. — Шунда тўрттага тўртта бўлардик.

— Э, нималар деяпсиз! Эртага уйимга ўт қўйишади. Мен бетарафман.

— Бу гап ҳам тўғри, — деди Готтфрид.

— Солишаман, — деб қолди бир маҳал Юпп.

— Сен жим тур! — дедим мен. — Атрофга кўз-қулоқ бўлиб турсанг бас. Ёрдаминг шу бўлади.

Темирчи бетарафлигини намоёйиш этиш учун биздан нарироққа кетди.

— Бошимни қотирма! — Тўнғич аканинг овози эшитилди. — Ким олдин келган бўлса, ўшаники! — бақирди у Кестерга. — Гап тамом! Энди жўнаб қолинглар.

Кестер машина бизникилигини яна тушунтирди. Санаторийга бориб, эгасидан суриштириш мумкинлигини айтди. Бунга жавобан у истеҳзо билан ишшайди. Ленц иккаламиз яқинроқ бордик.

— Сизлар ҳам касалхонага тушмоқчимисизлар? — сўради Фогт.

Кестер индамай, автомобиль ёнига борди. Четроқда турган уч ака-ука гимираб қолишди.

— Пулат арқонни узатинглар, — деди Кестер.

— Овора бўласан! — ўдағайлади тўнғич Фогт. У Кестердан бир бош дароз эди.

— Иложи йўқ, — деди Кестер, — мошинани олиб кетамиз.

Кўлимизни чўнтакка солиб, Ленц билан яна ҳам яқинроқ бордик. Кестер машина устига энгашди. Шу пайт Фогт Оттони тениб қолди. Шуни кутиб турган Отто унинг оёғига чанг солиб, ерга қулатди. Айни пайтда домкрат темирини кўтарган иккинчи Фогтнинг қорнига мушт солди. У ҳам ағдарилди. Ленц икковимиз қолган икки ака-укага ташландик. Шу заҳоти юзимга мушт тушди, зарба кучли бўлмаса ҳам бурним қонади. Қарши ҳужумим ўхшамади — муштим ияги остидан ўтиб кетди. Кейин кўзимга мушт тегиб, Отто қорнига уриб қулатган Фогтнинг устига йиқилдим. У мени ерга ағдариб, бўға бошлади. Мен типирчилаб, гомогимни унинг чангалидан бўшатишга тиришдим. Қорнига тизза урмоқчи бўлган эдим, удалай олмадим, чунки Ленц билан яна битта Фогт оёғим устида ётишарди. Нафасим қисила бошлади, бурним қонагани учун ҳаво яхши ўтмасди. Кўз ўнгим жимирлашиб, Фогтнинг башараси титраётгандай кўринди. Ҳушдан кета бошладим. Бирдан ёнимда Юпп пайдо бўлганини пайқадим. У йўл четидаги ариқ ичида чўккалаганча мендан кўз узмасди. Юпп пайт пойлаб туриб, рақибим иккалаамиз қимирлолмай қолган лаҳзада, унинг билагига болға билан туширди. Иккинчи зарбадан кейин Фогт мени қўйиб юбориб, ўтирган жойида газаб билан Юппга қулоч отди, аммо у ўзини орқага ташладию, ҳалигидай совуққонлик билан Фогтнинг бармоқларига болға урди, кейин бошига туширди. Қаддимни хиёл кўтардим-да, Фогтнинг устига чиқволиб, энди мен уни бўға бошладим. Шу пайт «Кўйвор!», «Кўйвор!» деган фарёд эшитилди. Бу тўнғич Фогт эди. Кестер унинг кўлини орқасига қайириб, тепага кўтараётганди. Фогт юзтубан ерга ағдарилди. Кестер рақибининг белига тиззасини тираганча кўлини қайираверди. Айни пайтда тиззасини унинг елкаси томон суриб борарди. Фогт тинимсиз додларди. Аммо ҳозир таъзирини бериб қўймаса, Фогтнинг попуги пасаймаслигини Кестер биларди! У бир силтов билан Фогтнинг кўлини чиқариб, кейин қўйиб юборди. Атрофга алангладим. Укаларидан бири оёқда турарди-ю, аммо акасининг ноласи уни тамом қарахт қилиб қўйган эди.

— Йўқолинглар, бўлмаса ҳаммаси бошқатдан бошланади, — деди Кестер.

Кетар жафосига менга ёпишган Фогтнинг бошини асфальтга яна бир урдим. Ленц Кестернинг ёнида турарди. Пиджаги йиртиқинги. Оғзининг четидан қон оқяпти. Буларнинг олишувида ора очик бўлмаганди. Гарчи Ленцнинг рақибни қонга беланган бўлса ҳам яна муштлашишга тайёр эди. Аммо акасининг мағлубияти масалани ҳал қилганди. Уч ака-ука сўлжайиб туришарди. Улар икаларини икки ёнидан суяб, ўз машиналарига қараб юришди.

Соғ қолган Фогт ёнимизга келиб, домкратини олди. Изига қайтаётиб, Кестерга бир ёв қараш қилди. Салдан кейин мерседес жўнаб кетди.

Бир маҳал қаёқдандир темирчи пайдо бўлиб қолди.

— Буни эсларидан чиқазишмайди, — деди у. — Кўпдан буён калтак ейишмаганди. Каттаси одам ўлдириб, ўтириб чиққан.

Унга ҳеч ким жавоб қайтармади. Аммо Кестер сесканиб кетди.

— Малъун, — деди у. Сўнг бизга қаради. — Бўла қолинглар.

— Ҳозир, — шундай деб, Юпп пўлат арқонни судраб келди.

— Бу ёққа кел, — дедим унга. — Бугундан бошлаб кичик зобитсан. Бемалол сигара чекишинг мумкин.

Мошинанинг олдинги ўқини кўтариб, «Карл»нинг орқасига уладик.

— Тортолармикин? — сўрадим Кестердан. — Ҳар ҳолда «Карл» зотдор пойгачи от, юк ортиладиган эшак эмас.

— Ҳечқиси йўқ, ораси яқин, йўл текис, — деди Кестер.

Ленц пачоқ бўлган мошинага ўтирди, аста жойимиздан кўзгалдик. Рўмолчамни бурнимга босиб, ботаётган куёшга қарайдим. Поёнсиз далалар тинч-осуда эди, дарвоқе, инсоният деб аталмиш чумолилар уясида нималар бўлаётгани билан лоқайд табиатнинг неччи пуллик иши бор! Энг муҳими, булутлар аста-секин олтин тоғларига айланаётган, уфқ томондан ғира-шира қоронғиликнинг бинафшаранг кўланкаси шовқинсиз бостириб келаётган, сўфитўрғайлар ҳадсиз-худудсиз осмон бўшлиғидан сузиб чиқиб, кўз илғамас экинзорларга бирин-кетин қўнаётган ва борлиққа бебилиска оқшом чўқаётган дақиқалар эди.

Устахона ҳовлисига кириб бордик. Ленц мошинадан тушиб, унинг қаршисида тантанали равишда шляпасини ечди.

— Салом сенга, эй ҳожатбарор! Бахтсиз ҳодиса туфайли бу ерга келиб қолдинг, аммо сенга меҳр билан термуламан, зеро ниҳоятда инсоф билан хомчўт қилинганда ҳам бизга камида уч минг, ҳатто уч ярим минг марка даромад келтирасан. Энди олча арағидан қуйинглар, кейин менга совун беринглар — Фогтлар хонадони қолдирган изларни ювиб ташлай.

Бир стакандан арақ ичиб, дарҳол ишга киришдик. Чунки мошина эгаларидан таъмирга буюртма олиш осонмас: суғурта компанияларининг вакиллари буюртмани ўзлари шартнома тузган устахоналардан бирига топширишни талаб қилишади. Бинобарин биз дарров таъмирни бошлаб юборамиз. Суғурта вакили келгунча қанча кўп иш қилсак, шунча яхши: таъмир харажатлари ошган сайин компания мошинани бошқа устахонага олиб беришдан манфаатдор бўлмай қолади.

Қоронғи тушганда ишни тўхтатдик.

— Таксига чиқасанми бугун? — сўрадим Ленцдан.

— Э, йўқ, — жавоб берди Ленц. — Беш қўлни баравар оғизга тиқиш керак эмас. Менга бугунгиси ҳам етади.

— Менга етмайди, — дедим унга. — Сен чиқмасанг, мен чиқаман. Соат ўн бирдан иккигача тунги ресторанларни айланиб, кира қиламан.

— Қўйсангчи! — кулди Готтфрид. — Ойнага бир қара. Кейинги пайтларда бурнингга кўз тегди. Башарасига қизил лампочка кўндириб олган шофёрнинг машинасига бирорта йўловчи ўтирмайди. Ундан кўра уйга бориб, юзингни дазмолла.

У тўғри гапираётганди. Бунақа бурун билан йўлга чиқиб бўлмайди. Оғайниларим билан хайрлашиб, уйга жўнадим. Йўлда Хассени учратиб қолдим, биргалашиб кетдик. Кўриниши бир аҳволда эди.

— Озиб кетибсиз, — дедим унга.

У бош силкиб, сўнгги пайтларда кўпинча овқатланмай уйкуга ётаётганини айтди. Хотини ҳар куни аллақандай эски танишлариникида ўтириб, уйга кеч қайтармиш. Ўзига эрмак топганидан хурсандман, дейди. Аммо ишдан кейин овқат пиширишга хоҳиши бўлмаскан. Қаттиқ чарчаганидан қорни очганини ҳам сезмасмиш. Унинг салқиган елкаларига кўз қирини ташладим. Эҳтимол, гапираётган гапларига ўзи ишонар, лекин эшитиш оғир эди. Оиласи, фақирона турмуши барбод бўлди: эртанги кундан умид йўқ, топгани зўрға учма-уч бўлади. Бунақалар миллионлаб, уларга ҳам мудом ишонч ва маблағ етишмайди. Ҳаёт ҳаддан ташқари майдалашиб кетди. Яшаш жон сақлаш учун аёвсиз курашдан иборат бўлиб қолди. Бугунги муштлашувни, кейинги кунларда кўрган-кечирганларим, қилган ишларимни эсладим... Кейин Пат ҳақида ўй суриб, «зўри беҳуда» деган гап хаёлимга келди. Қулочни катта отвордим, ҳаёт эса бахт учун жирканч масканга айланиб қолди, бу бахтнинг умри қисқа, унга ишониб бўлмайди... Ҳозирги аҳволим ишончли бандаргоҳда кўним топиш эмас, йўл-йўлакай нафасни ростлаб олиш, холос.

Зинапоядан кўтарилиб, эшикни очдик. Хассе йўлакда тўхтади.

— Хўп, хайр...

— Бир нарса еволинг, — дедим унга.

У бош чайқаб, гуноҳқорона жилмайди-да, ҳувиллаб ётган қоронғи хонасига йўл олди. Орқасидан бир муддат қараб турдим. Сўнг узундан-узоқ йўлакдан юриб кетдим. Бирдан кимнингдир хиргойиси эшитилди, тўхтаб, қулоқ солдим. Бу, менга туюлгандай, Эрна Бенигнинг патефони эмас, Патнинг овози эди. У хонасида ёлғиз ўзи ўтириб, кўшиқ айтарди. Беихтиёр бармоқларим мушга айланди. Минг лаънат! Майли, бу бандаргоҳ эмас, нафас ростлаш бўлсин, майли, бу ақлга сиғмайдиган хом ҳаёл бўлсин. Аммо шу тобда бахт қайтадан бўй кўрсатгандай, сарҳадларига сиғмай, қайтадан тўлиб-тошгандай туюлди менга...

Пат кирганимни сезмади. У кўзгу қаршисига, ерга ўтирволиб, бошига шляпани ўлчарди. Чироқ гилам устида. Хона ғирашира, фақат Патнинг юзига нур тушиб турипти. Стулни ёнига кўйиб олган, суянчиғида шоҳи қийқимлари, ўриндиқда қайчи.

Остонада туриб, бир оз кузатдим. Пат ерда, ўтиришни ёқтирарди. Ишдан кеч қайтганимда қўлида китоб билан бирор бурчакда, кучукнинг ёнида ухлаб қолганини кўп кўрганман.

Ҳозир ҳам кучук унинг ёнида чўзилиб ётипти, ҳар замонда гингшиб қўяди. Пат бошини кўтариб, кўзгуда мени кўриб қолди. Ширин жилмайган эди, олам мунаввар бўлиб кетди. Хона ўртасига бориб, орқасига чўккаладим ва бугунги барча нохушликлардан сўнг унинг илиқ бўйнига лабларимни босдим.

Пат шляпасини кўтарди:

— Бошқатдан қилдим. Сенга маъқулми?

— Жудаям чиройли, — дедим мен.

— Қарамаёпсан-ку! Орқа соябонини қирқиб ташлаб, олд томонини тепага қайирдим.

— Кўриб турибман, — жавоб бердим юзимни сочларига ишқалаб. — Бун кўрган Париж чеварлари ҳам ҳасаддан куйиб кул бўлишади.

— Робби! — У кулиб, мени ўздан нари итарди. — Бунга ақлинг етмайди. Умуман қандай кийинишимга ҳеч қачон эътибор берганмисан?

— Икир-чикиригача эътиборимда. — Шундай деб, ёнига ўтирдим, лекин пачоқ бўлган бурнимни кўрсатмасликка ҳаракат қилдим.

— Шунақа дегин? Кеча кечқурун қанақа кўйлақда эдим?

— Кечами? — Эслашга уриндим-у, эслаёлмадим.

— Билувдим, азизим! Мен тўғримда деярли ҳеч нарса билмайсан.

— Тўғри, — дедим унга. — Ҳамма назокат шунда-да. Одам бир-бирини қанчалик кўп билса, англашилмовчилик шунча кўп бўлади. Қанчалик яқинлашса, шунчалик бегоналашади. Мана, Хасселар оиласини олайлик: улар бир-бирларини яхши билишади, аммо ораларидаги адоват ҳар қандай душман одамларникидан юз чандон ортиқ.

Пат шляпасини кийиб, кўзгуга қаради.

— Робби, гапинг қисман тўғри, холос.

— Бу ҳамма ҳақиқатларга хос нарса, — эътироз билдирдим унга. — Ярим ҳақиқатлардан нарига ўтолмаймиз. Ожиз бандалигимиз шунда. Фақат ярим ҳақиқатлардан огоҳ бўлиб, қанча номаъқул ишларни қиламиз. Агар ҳақиқатни тўлалигича фаҳм этсак, ер юзида яшаш мумкин бўлмай қолади.

У шляпани ечиб, бир четга қўйди. Кейин менга бурилиб, бурнимга кўзи тушиб қолди.

— Нима бўлди? — сўради у хавотирланиб.

— Ҳеч нарса. Сенга шундай кўриняпти. Мошина остини кавлаштираётган эдим, юзимга бир нарса тушиб кетди.

У менга ишонқирамай қаради.

— Қасрда юрганингни ким биледи? Менга айтмайсан. Сенга ўхшаб, мен ҳам сени яхши билмайман.

- Қайтанга яхши, — дедим мен.
- Пат тоғорада илиқ сув билан сочиқ келтириб, юзимни ювди. Яна башарамга синчиклаб қаради.
- Биров урганга ўхшайди. Бўйнинг ҳам тирналган. Саргузашт-чаринг қачон тугайди, азизим?
- Бугунги энг зўр саргузашт ҳали олдинда, — дедим унга.
- Пат менга таажжубланиб қаради.
- Бемаҳалда-я? Яна нима қилмоқчисан, Робби?
- Шу ерда қоламан! — дедим мен ва уни бағримга босдим. — Ғрталабгача сен билан бирга бўламан.

XX

Августда кунлар иссиқ, осмон мусаффо эди, сентябрь ҳам ёзни эслатиб турди. Аммо ойнинг охирларига бориб, ёмғирли кунлар бошланди, шаҳар тепасини зил-замбил қора булут қоплаган, томларнинг бўғотидан чак-чак сув томчилар, кузнинг аччиқ изгирини эсарди. Якшанба кунларининг бирида барвақт уйғониб, дераза олдига бордим. Қарасам, қабристондаги дарахтларнинг барги сарғайган, айрим шохлар эса қип-яланғоч.

Анча туриб қолдим. Сўнгги ойларда, хусусан, денгиздан қайтганимиздан бери кайфиятим бошқача: нуқул кузда Патнинг даволанишга кетиши ҳақида ўйлайман, аммо бу ўйлар бошқа кўп нарсалар, масалан, йиллар тез ўтаётгани, кундан-кунга қариётганимиз ва умрнинг боқий эмаслиги ҳақидаги хаёлларга қоришиб кетади. Тирикчилик ташвишлари ҳар қандай фикрни четга суриб ташлайди. Ҳозирча Пат ёнимда, дарахтлар кўм-кўк, куз, айрилиқ деган сўзларга бало борми, дейман. Шундай дейману яқинлик бахтини, ҳамон бирга яшаётганимиз лаззатини равшанроқ ҳис этаман.

Ёмғирга бўкиб ётган қабристонга, сап-сариқ япроқлар тўшалган қабр тошларига термулдим. Туман очофат махлуқдай, тун бўйи баргларнинг зангори шарбатини сўриб чиққан. Мана энди ҳолдан тойиб, дийдираб, новдаларга осилиб турипти, шамол ҳар дапқир ҳамла қилганида бир парчасини юлиб кетади. Бу манзарага қараб туриб, кўнглим бузилди ва бирдан айрилиқ яқинлигини, худди дарахтлар орасидан пусиб келиб, япроқларда қаҳрабо изларини қолдирган куздай муқаррарлигини бутун вужудим билан туйдим.

Девор ортидаги хонада Пат ухлаб ётипти. Эшикка яқин келиб, кулоқ солдим. Тинчгина ухлаяпти, йўталмаяпти. Тўсатдан кўнглимда умид учқуни йилтиллади — бугунми, эртами Жаффе кўнғироқ қилиб, санаторийга бориши шарт эмас, деб қолса-я! Аммо... Патнинг кечалари баъзан йўталиб чиқинши, хириллаб нафас олиши, баъзан дами ичига тушиб, кейин яна арра овозидай чийиллаб эшитилишини эслаб, бутун умидларим чил-парчин бўлди.

Яна дераза олдига қайтиб, ёмғирга қарадим. Кейин ёзув столи ёнига ўтириб, пулларимни санай бошладим. Патга қанча кетиши мумкинлигини чамалаб кўриб, кайфиятим бузилди.

Соатимга қарасам, сал кам етти. Патнинг уйғонишига камида икки соат бор. Озгина кира қилиш ниятида апил-тапил кийиндим. Хонада оғир хаёлларга берилиб, бетоқат бўлгандан кўра шу яхши-да.

Устахонага бориб, мошинага ўтирдим-да, шаҳарга чиқиб кетдим. Одам сийрак эди. Ишчилар яшайдиган туманларда казармага ўхшаган узундан-узоқ бир қаватли хароб уйлар. Файзсиз, қаровсиз бу бошпаналар худди бозори касод бўлган қари фоҳишалардай, ёмғирда мунғайиб турипти. Деворларнинг сувоғи кўчган, дераза ойналари хира.

Эски шаҳарни кесиб ўтиб, черковга келдим. Орқа эшик олдида тўхтаб, мошинадан тушдим. Ичкаридан органнинг вазмин оҳанги эшитиларди. Эрталабки ибодат бошланганди. Оҳанг пардасидан сездимки, ибодат тугашига ҳали йигирма минутча вақт бор.

Боққа кирдим. Гулзор кулранг нурга фарқ бўлган. Атиргуллар ҳануз очилиб турипти, баргларидан ёмғир дурлари томчилаяпти. Плашим кенггина эди, бинобарин, узилган гулларни бемалол бегона кўздан яшира олардим. Яқинба бўлишига қарамай, боғда ҳеч ким йўқ. Бир кучоқ гулни мошинага ташлаб, изимга қайтдим. Яна анча-мунча узиб, энди кўйнимга тикқанимни биламан, орқамда қадам товушлари эшитилди. Гулни бағримга босганча девордаги бўртма суратлардан бирининг олдида тўхтаб, ўзимни ибодат қилаётганга солдим.

Оёқ шарпаси яқинлашди, лекин ўтиб кетмай, таққа тўхтади. Баданимда чумоли ўрмалагандай бўлиб, бошимни ликиллатганча ибодатга зўр бердим, кейин бармоқ учларида чўқиниб, навбатдаги сурат олдига ўтдим. Шарпа ҳам изимдан келаверди. Нима қилишимни билмасдим. Шартта жўнаворишнинг иложи йўқ. «Шодлан, Биби Марям»ни ўн марта, «О, Исо Масих»ни бир марта айтиш керак, акс ҳолда сирим очилиб қолади. Шунинг учун жойимдан жилмай, худди илоҳий туйғулари таҳқирланган кишидай, норози қиёфада бошимни орқага бурдим.

Думалоқ юзларидан нур ёғилиб турган руҳонийни кўриб, энгил тортдим. Ибодатимга ҳалақит бермаслигини билганим учун ўзимни таъқибдан халос бўлгандай сездим, аммо охириги сурат рўпарасида турганимни ҳам пайқаб қолдим. Ҳар қанча секин ўқиганим билан бари бир тугайди-ку. Руҳоний ҳам шуни кутиб турган, шекилли. Чўзишдан фойда йўқ. Бинобарин, ҳеч нарса бўлмагандай, аста эшик томон юрдим.

— Боракалло! — деди руҳоний. — Исо Масих мадаккор бўлсин.

— Айтганингиз келсин, омин! — дедим шоша-пиша. Католикларнинг сўрашиш таомили шунақа.

— Каллайи саҳарлаб бу ерга келган кишини биринчи кўришим, — деди у мулойимлик билан, болаларникидай беғубор, кўм-кўк кўзларини менга тикиб.

Бунга жавобан бир нималар дедим.

— Афсуски, сизга ўхшаганлар камайиб кетди, — давом этди у ачиниб. — Оллоҳ висолига мушарраф бўлиш йўлидаги машаққатлар акс эттирилган суратлар қаршисида ибодат қилаётган эркакларни учратиш амри маҳол. Сизни кўриб, суюниб кетганим шундан. Бундай барвақт, шамолу ёмғирга қарамай бу ерга келибсиз, демак, Оллоҳга бир илтижонгиз бор-да...

Калламни қимирлатдим-у, ичимда: «Тезроқ шу ердан чиқиб кетсам бўлди», — дедим. Қўйнимда гул борлигини сезмаганга ўхшайди. Шубҳа туғилмаслиги учун руҳонийдан тезроқ қутулиш керак. У яна жилмайди:

— Айтинг, бўтам, ҳозир ибодатга кираман, сизнинг илтижонгизни ҳам Оллоҳга етказаман.

— Миннатдорман, — дедим саросималаниб.

— Қазо қилган яқинларингизнинг гуноҳини сўраб берайми?

Бир лаҳза донг қотиб қолдим: назаримда, қўйнимдаги гул сирғалиб тушиб кетаётгандай бўлди.

— Куллуқ, — дедим қўлимни плашга қаттиқроқ босиб.

У мендан садо чиқишини кутиб, ҳамон тикилиб турарди.

Афтидан, руҳоний Оллоҳга нима илтижом борлигини тушунтиришимни кутаётганди. Аммо унга нима дейишимни билмасдим, ҳадеб ёлғон гапириш ҳам ноқулай. Шунинг учун ишдамай туравердим.

— Демак, бошига кулфат тушган нотаниш одамга Оллоҳдан нажот сўрайман, — деди у ниҳоят.

— Тўғри. Раҳмат сизга.

Руҳоний жилмайиб, қўл силтади.

— Раҳматнинг кераги йўқ, Бари Оллоҳнинг инон-ихтиёрида. — У менга бўйинини хиёл чўзиб қараган эди, юз териси пир-пир учгандай бўлди. — Энг муҳими — ихлос, — деди у. — Оллоҳнинг даргоҳи кенг. У бандаларига меҳрибон, фақат биз бунини тушунмаймиз. — Руҳоний шундай деб, черков ичкарасига қараб юрди.

Гулларни уйга ташлаб, мошинани устахонага олиб бориб қўйдим, кейин изимга қайтдим. Ошхонадан эндигина қайнатилган қаҳванинг хушбўйи ҳиди келар, Фриданинг шарпаси эшитиларди. Қаҳва ҳидидан кайфиятим кўтарилди. Уруш кезларидан биламан: муҳим, салмоқли нарсалар унчалик таъсир қилмайди... Ҳамма вақт арзимаган икир-чикирлар кишига тасалли беради.

Кўча эшиги ёпилиши билан йўлакка Хассе отилиб чиқди. Кўпчиган юзи захил, ҳорғин кўзлари қизариб кетган. Ечинмасдан ётганга ўхшайди. Мени кўрдию негадир ҳафсаласи пир бўлди.

— Э, сизмидингиз...

Унга ҳайратланиб қарайдим.

- Каллаи саҳарлаб бировни кутаётганмидингиз?
 - Ҳа, — деди у. — Хотинимни кутяпман. Кечадан бери йўқ.
- Кўзингиз тушмадим, мабодо?
- Мен бош чайқадим.
 - Бир соат олдин кетувдим.
 - Кўча-пўчада кўриб қолган бўлишингиз мумкин-ку.
- Елкамни қисдим.
- Кеп қолар. Кўнғироқ қилмадингизми?
- У менга ҳадиксираб қаради.
- Кеча кечкурун танишлариникига кетувди. Уларнинг яшаш жойини билмайман.
 - Фамилиясини-чи? Телефонда суриштирса бўларди.
 - Суриштирдим. Маълумот берадиган бюрода бунақа фамилия йўқ.
- У буткул довдираб қолган эди.
- Танишлари тўғрисида гапиришни ёқтирмайди, сўрасам, жаҳли чиқади. Борадиган жой топганига хурсанд эдим. Бир нарса десам, менга шуни ҳам раво кўрмайсиз, деб оғзимга урарди.
 - Кеп қолади, — дедим мен. — Келмай қаёққа ҳам борарди.
- Ҳар эҳтимол, тез ёрдам билан полицияга кўнғироқ қилиб кўриш керак.
- Қилдим. Уларда ҳам ҳеч қанақа маълумот йўқ.
 - Унда хавотир олмасангиз ҳам бўлади. Эҳтимол, тоби қочиб, ўша ерда тунаб қолгандир. Шунақа ҳам бўлиши мумкин-ку. Ҳали-замон кеп қолади.
 - Келармикин?
- Ошхона эшиги очилиб, Фрида патнис кўтариб чиқди.
- Кимга бу? — сўрадим ундан.
 - Фрейлейн Хольманга, — жавоб берди у мени кўриши билан энсаси қотиб.
 - Уйқудан турдимми?
 - Пешингача ётадим сизга ўхшаб? — деди у захрини сочиб.
- Турмаганда менга кўнғироқ қилармиди?
- Худо хайрингизни берсин, Фрида, — дедим мен. — Эрта-лаблари баъзан жуда очилиб кетасиз-да! Менга ҳам қаҳва қайнаиб беролмайсизми?
- У бир нималар деб ғўлдирадио зарда билан думбасини ликиллаганча йўлакдан юриб кетди. Бундай рафторга у уста эди. Юрганда бисотини Фридачалик кўз-кўз қила оладиган аёлни умримда кўрмаганман.
- Хассе ҳамон менга термулиб турарди. Беозор ва итоаткор бу одамга қараб, уялиб кетдим.
- Бир-икки соатдан кейин ўзингизга кеп қоласиз, — шундай деб, унга қўлимни узатдим, аммо у қўл бермай, мўлтираб тураверди.
 - Биргалашиб қидириб кўрсакмикин? — деди у ниҳоят.
 - Қардалигини билмайсиз-ку.

Таваккал-да. Мошинангизни олиб чиқсангиз... Йўл ҳақини гуллардим, — қўшиб қўйди у.

— Гап бунда эмас, — дедим мен. — Билмасдан қаёққа борамини. Фойдаси йўқ. Бунақа барвақт кўчада санқиб юрмайди-ку.

— Қайдам. Чиқмаган жондан умид, дейишади-ку. Балки учратиб қолармиз.

Фрида бўш патнисни кўтариб ўтди.

— Ҳозир кетолмайман. Хавотир олаверманг. Сиз билан боришим мумкин эди-ю, аммо фрейлейн Хольманнинг ёнида бўлишим керак. У яқинда жўнаб кетади, эҳтимол, охириги якшанба ўтиришидир бу ерда. Мени тўғри тушунинг.

Хассе бош силкиди.

Унга ичим ачирди, лекин тезроқ Патнинг ёнига кирмасам ҳам бўлмасди.

— Агар сабрингиз чидамаётган бўлса, такси ола қолинг, — дедим мен. — Бироқ бунга маслаҳат бермайман. Яхшиси, кутинг. Дўстимга кўнғироқ қиламан, сизга ҳамроҳ бўлади.

Хассе, назаримда, гапларимни эшитмаётганди.

— Бугун эрталаб кўрмадингизми? — деб қолди у яна.

— Йўқ, — жавоб бердим таажжубланиб. — Кўрган бўлсам, боядан бери айтардим-ку.

У бошини ликиллатди-да, индамай хонасига кириб кетди.

Пат хонамдан гулларни опчиқиб кетипти. Олдига кирсам, кулиб юборди.

— Робби, — деди у. — Ҳалиям соддаман-да. Якшанба куни, бунинг устига, кун чиқмасидан атиргулларнинг пайдо бўлиб қолиши ўғирликдан бошқа нарса эмаслигини Фридадан билволдим. Бунақа навли атиргул яқин атрофдаги дўконларда сотилмасмиш. Бунга ҳам Фрида айтди.

— Нима деб ўйласанг, ўйлайвер, — жавоб бердим унга. — Энг муҳими, сенга ёққан бўлса бас.

— Жудаям хурсандман, азизим. Ахир бу гулларни ўзингни хавфда қолдириб топиб келгансан-ку!

— Э, нимасини айтасан! — дедим руҳонийни эслаб. — Нега барвақт турволдинг?

— Уйқум қочиб кетди. Бунинг устига, ёмон туш кўрдим.

Унга тикилиб қарадим. Чехраси ҳорғин, кўзларининг ости кўкарган.

— Қачондан бери ёмон тушлар кўрадиган бўлиб қолдинг. Шу пайтгача бунақа нарсалар фақат менинг чекимга тушган, деб юрардим-ку.

У бош чайқади.

— Куз келганини сезмадингми?

— Ҳали кузга эрта. — эътироз билдирдим унга. — Атиргуллар очилиб турипти. Фақат ёмғир ёғяпти, холос.

— Неччи кундан бери ёғяпти, азизим. Баъзан кечалари уйғоғиниб кетиб, ўзимни ёмғир остига дафн қилингандай ҳис этаман.

— Кечалари менинг олдимга чиқишинг керак. Шунда бунақа фикрлар хаёлингга келмайди. Аксинча, хона қоп-қоронги, таш-қарида ёмғир, иккаламиз ёнма-ён бўлсак — қандай яхши!

— Эҳтимол, — деди у аста ва бошини кўксимга қўйди.

— Масалан менга якшанбада ёмғир ёққани маъқул, — дедим мен. — Руҳият бошқача бўлди. Иккаламиз биргамиз, хонамиз иссиқ, шинам, олдинда узоқ кун, менимча, бундан зўри йўқ.

Патнинг чеҳраси ёришди.

— Бирга бўлсак яхши, а, тўғрими?

— Албатта-да. Илгариги аҳволимни эсласам, эзилиб кетаман. Шундай кунлар келишини тасаввур ҳам қилолмасдим.

— Сендан бу гапларни эшитиш менга ҳузур бағишлайди. Тез-тез гапириб тур.

— Кам гапираманми?

— Албатта.

— Эҳтимол, — дедим мен. — Назаримда, менда назокат етишмайди. Сабабини билмайман-у, лекин мен сираям назокатли бўлолмайман. Қанийди қўлимдан келса...

— Кераги йўқ, азизим, шундоқ ҳам сени яхши тушунаман. Лекин баъзан ширин сўзларни кўнгил тусаб қолади.

— Бугундан бошлаб бетўхтов гапираман. Ўзимга ўзим аҳмоққа ўхшаб кўринсам ҳам гапиравераман.

— Унақа дема. Муҳаббат бор жойда аҳмоқлик бўлмайди.

Бирга нонушта қилдик, кейин Пат яна тўшакка кирди. Жаффе тайинлаганди.

— Шу ерда қоласанми?

— Агар хоҳласанг...

— Қанийди, лекин шарт эмас...

Каравот ёнига ўтирдим.

— Тушунмадинг. Илгари ухлаётганингда биров тикилиб туришини ёқтирмасдинг. Шуни эсладим.

— Тўғри, илгари шунақа эди... кейинги пайтларда ёлғиз қолишга... кўрқадиган бўп қолдим...

— Менда ҳам шунақа бўлган, — дедим унга. — Ҳарбий шифохонада, операциядан кейин. Кечаси ухлашга кўрқардим. Китоб ўқирдим ёки хаёл суриб ётардим, фақат тонгга яқин кўзим илинарди... Ўтиб кетади...

Пат юзини қўлимга босди.

— Бари бир кўрқаман, Робби, худди қайтиб уйғонмайдигандай.

— Шунақа бўлади. Лекин уйғонасан. Бари унутилади.

— Менга кўз-қулоқ бўлиб турипсан-ку, тўғрими?

— Албатта, — шундай деб, бошини силадим, сочларида ҳам негадир қувват қолмагандай туюлди.

У чуқур-чуқур нафас ола бошлади, кейин ёнбошига ағдарилди. Бир оздан сўнг қаттиқ уйкуга кетди.

Яна дераза ёнига ўтириб, ташқарига қарадим, ёмғир челақ-
лаб қурди. Уйимиз худди оролга ўхшаб қолганди. Ичим ғаш эди.
Эрданабдан Патнинг нохуш ҳаёлларга берилганини кам учрат-
ганман. Икки-уч кун олдин ўйнаб-кулиб юрган эди, балки уйқу-
дан турса кайфияти яна жойига тушар. Нима бўлганда ҳам, касал-
чи ҳақида кўп ўйлаяпти, Жаффенинг гапига қараганда, дарди
ҳали аримаган. Лекин шу ёшимгача ўлимни шу қадар кўп кўрган-
манки, ҳар қандай касаллик мен учун бари бир ҳаёт ва умиддан
бошқа нарса эмас; биламанки, жароҳатдан ўлиш мумкин, ammo
етти мучали соғ одамнинг касали хавfli бўлишини тасаввур
қилолмайман. Шунинг учун ҳам Патга қараб туриб, ҳар қандай
гам-андуҳни тез унутиб юбораман.

Эшик тиқиллади. Остонада Хассе турарди. Бармоғимни ла-
бимга босиб, секин йўлакка чиқдим.

— Мени кечиринг, — деди у.

— Юринг, меникига кирайлик, — шундай деб, хонамнинг
ёшигини очдим.

Хассе йўлакда тураверди. Юзи кичрайиб, бўздек оқариб кет-
ганди.

— Хотинимни қидиришдан фойда йўқ. Шунга айтиб қўймоқ-
чи эдим, — деди у лабларини аранг қимирлатиб.

— Ичкарига кирайлик, фрейлейн Хольман ухлаяпти, мени-
кида бемалол гаплашиш мумкин, — таклиф қилдим яна.

Хассе бир парча қоғозни ушлаб турарди. У ҳозиргина ўқ еган-у,
лекин оғриқни ҳали сезмаётган одамга ўхшарди.

— Ўзингиз ўқинг, — деди у хатни узатиб.

— Қаҳва ичдингизми?

У бош чайқади.

— Ўқинг...

— Бўлмаса, сиз қаҳва ичиб туринг...

Ошхонага кириб, Фридадан хонамга қаҳва келтиришни ил-
тимос қилдим. Кейин хатни ўқидим. Қисқагина бу мактубни фрау
Хассе ёзганди. Унинг маълум қилишича, ҳали яшашдан умиди
бор, бинобарин, энди бу даргоҳга қадам босмайди. Уни Хассе-
дан кўра яхшироқ тушунадиган одамни топган. Овора бўлиш-
нинг кераги йўқ — бари бир қайтмайди. Шунда Хассега ҳам яхши
бўлади. Маошим етадими-йўқми, деб бош қотириб юрмайди.
Нарсаларининг бир қисмини олиб кетган, қолганига одам жўна-
тади.

Мактуб лўнда ва жиддий эди. Буклаб, Хассега узатдим. У менга
халоскорига қарагандай, жовдираб турарди.

— Энди нима қиламан?

— Олдин қаҳва билан бир нарса еволинг, — дедим мен. —
Ваҳима қиладиган жойи йўқ. Кейин ўйлаб кўрамиз. Ҳаяжонлан-
манг, шунда бир қарорга келишингиз осонроқ бўлади.

У қахвани бир амаллаб ичди. Аммо қўли титраётгани учун тамадди қилолмади.

— Нима қиламиз? — сўради у яна.

— Ҳеч нарса. Кутиш керак.

У турган жойида бир ғимирлаб қўйди.

— Нима қилмоқчи эдингиз? — сўрадим мен.

— Ҳайронман. Бошим қотиб қолди.

Индамим. Нима ҳам дердим. Фақат тасалли беришим мумкин, холос. У ёғини ўзи ҳал қилсин.

Менимча, бу аёлни севмайди, шунчаки кўникиб қолган, бухгалтер учун тарки одат — амри маҳол.

Салдан кейин пойинтар-сойинтар гўлдирай бошлади. Гапларига тушуниб бўлмасди. Нуқул ўзини койирди. Хотинини ёмонламас, ҳаммасига ўзим айбдорман, дерди.

— Хассе, — эътироз билдирдим унга, — нотўғри гапиряпсиз. Бунақа ишда айбдорлар бўлмайди. Сиз эмас, хотинингиз кетганку. Нега ўзингиз гуноҳкор деб ҳисоблайсиз?

— Йўқ, мен айбдорман, — такрорлади у қўлларига қараб. — Ҳаётда ҳеч нарсага эришолмадим,

— Нимага эришолмадингиз?

— Ҳеч нарсага. Эришолмадимми, демак, айбдорман.

Қизил духоба креслога чўкиб ўтирган ғариб жуссага таажубланиб қарадим.

— Жаноб Хассе, — дедим унга вазмин оҳангда. — Бу нари борганда сабаб бўлиши мумкин, оқибат эмас. Ҳар ҳолда нимагадир эришгансиз-ку.

— Йўқ, йўқ, нуқул ишдан бўшатворишларидан кўрқиб, хотинимга тузук қараёлмадим. Маъна оқибати. Кўнглини кўтариш учун нима иш қилдим? Ҳеч нарса...

У сукутга чўмди. Жавондан коньяк шишасини олдим.

— Озгинадан ичайлик. Парво қилманг, ҳали ҳеч нарса йўқотилгани йўқ.

У бошини кўтарди.

— Йўқотилгани йўқ, — такрорладим мен. — Инсонни фақат ўлганидан сўнг йўқотасан.

Хассе қадаҳни қўлига олди-ю, дарров яна жойига қўйди.

— Кеча мени ёзишмалар бўлимига бошлиқ этиб тайинлашди, — деди у. — Энди мен бош ҳисобчи ва бўлим бошлиғиман. Бунга сабаб, кейинги ойларда ишдан кейин ҳам сурункасига меҳнат қилдим. Икки бўлимни қўшиб юборишди. Олдинги бошлиқни бўшатишди. Маошимга эллик марка қўшилди. — Унга бирдан жон кирди. — Сиз нима дейсиз, хотиним бунга эшитганда кетмаган бўлармиди?

— Кетарди, — дедим мен.

— Олдингидан эллик марка кўп маош оламан. Ўша эллик маркани унга берардим. Ҳар ой ўзига бирор нарса харид қиларди. Омонат дафтарчамда ҳам бир минг икки юз марка пулим бор!

Нега йиғиб ётган эканман-а? Ишдан ҳайдалсам, хотинимга асқолди. деганман-да. Мана, кетди-қолди... Тежамкорлик қиламан деб шу аҳволга тушдим.

У яна бир нуқтага тикилганча жим бўлиб қолди.

— Хассе, — дедим унга. — Менимча, бу нарсаларнинг бири-бирига алоқаси йўқ. Бекорга бош қотирманг. Узингизни қўлга олишг. Икки-уч кундан кейин қандай йўл тутиш кераклиги маълум бўлиб қолади. Балки хотинингиз кечкурун ёки эртага эрта-лаб кеп қолар. У ҳам сизга ўхшаб ўйлаб ётгандир, ахир.

— Келмайди, — деди у.

— Қаёқдан биласиз?

— Қанийди маошим ошганини унга айтолсам, таътилга чиқиб, тежалган пулларга иккаламиз саёҳатга жўнасақ...

— Айтасиз. Шунча йил яшаб, ҳе йўқ-бе йўқ ажрашиб кетмасанлар керак.

Хассенинг бошқа эркак тўғрисида ўйламаётгани мени тааж-жубга соларди. Балки хаёлига келмаётгандир; балки фақат хотинидан айрилиб қолгани ҳақида ўйлаётгандир. Маълум вақт ўтган-дан кейин кетганига хурсанд бўласиз, дегим келарди-ю, айтолмасдим: «ўлганнинг устига тепган» бўлмасин деган истиҳолага бораётгандим.

Кўнглини бўшатволсин деб, у билан яна пича ўтирдим. Аммо Хассе бир қарорга келолмас, ҳадеб бир гапни такрорларди. Лекин боягидан кўра сал ўзини тутволганди. Бир қадаҳ коньяк ичди. Кейин мени Пат чақириб қолди.

— Узр, — деб, ўрнимдан турдим.

— Бемалол, — ёш боладай у ҳам менга эргашди.

— Ўтира тулинг, ҳозир келаман...

— Кечирасиз...

— Дарров қайтаман, — шундай деб Патнинг хонасига кирдим. У каравотда ўтирар, уйқудан сўнг хийла тетиклашиб қолганди.

— Мириқиб ухладим, Робби! Пешин бўлгандир?

— Бир соат ухладинг, холос, — дедим соатимни кўрсатиб.

— Қайтанга яхши, демак, вақтимиз анча экан. Ҳозир тураман.

— Бўпти. Ўн минутдан кейин кираман.

— Хонангда ким бор?

— Хассе, — дедим мен. — Ҳозир жўнатаман.

Қайтиб келсам, Хассе йўқ. Йўлакда ҳам кўринмади. Эшигини тикиллатдим. Жавоб бўлмади. Шартта эшикни очсам, жавон ёнида турипти. Ғаладонлари тортиб ташланган.

— Хассе, — дедим унга. — уйқу дори ичиб, ётинг. Тўйиб ухланг. Жудаям чарчагансиз.

У менга ер остидан қаради.

— Ҳар оқшом ёлғиз қолиш! Кечагидай ҳамма вақт сўлпайиб ўтириш! Узингиз ўйланг...

Унга ҳаёти ўзгариб кетишини, дунёда ёлғиз одамлар кўплигини айтдим. У бир нималар деб гўлдиради. Ётиб ухланг, хотиниңиз кечгача қайтиб келиши ҳам мумкин, дедим унга яна тасалли бериб. Ҳассе бош силкиб, қўлини узатди.

— Кечқурун тагин кираман, — шундай деб, анча енгил тортган ҳолда изимга қайтдим.

Пат газета ўқиб ўтирарди.

— Робби, музейга бормаймизми? — деб қолди у тўсатдан.

— Музейга?

— Ҳа. Эрон гиламлари кўрғазмасига. Музейларга кам борган бўлсанг керак-а?

— Ҳеч қачон бормаганман! — жавоб бердим унга. — Музейда нима қиламан?

— Бу гапинг ҳам тўғри, — деди у кулиб.

— Борсак бораверамиз. Бунинг ёмон ери йўқ. Мана бунақа ҳавода билимимизни оширишга бир ҳафсала қилиб кўйсақ, гуноҳга ботмасмиз, ахир.

Кийиниб, йўлга тушдик. Ҳаво беназир эди. Атрофни ўрмон ва зах ҳиди тутиб кетганди. «Интернациональ» ёнидан ўтаётиб, очиқ эшикдан пештахта олдида ўтирган Розага кўзим тушди. Якшанба баҳона суюқ шоколад ичяпти. Стол устида қоғоз халта. Афтидан, нонуштадан сўнг, одатдагидай, қизининг олдига борса керак. Қаҳвахонага кирмаганимга анча бўлди, бинобарин, Розанинг у ерда бемалол ўтириши менга эриш туюлди. Ҳаётимда кўп нарса ўзгарди, назаримда, ҳамма ерда ҳамма нарса ўзгариши зарурдай.

Музейга етиб келдик. Ҳеч ким бўлмаса керак, деб ўйлагандим, таажжубки, одам тирбанд эди. Қоровулдан нима гаплигини суриштирдим.

— Ҳеч гап йўқ, — деди у, — кириш бепул кунларда ҳар доим шунақа бўлади.

— Ана кўрдингми! — деди Пат. — Музейга қизиқадиганлар ҳали кўп.

— Унақамас, бекам, — жавоб берди қоровул фуражқасини қаншарига суриб. — Буларнинг аксарияти ишсизлар. Улар санъатдан баҳраманд бўлиш учун эмас, вақт ўтказиш учун келишади. Бекор юргандан кўра текинга суратларни томоша қилиб кетиш яхши-да.

— Бу гапингизга қўшиламан, — дедим мен.

— Бу ҳали ҳолва, — давом этди қоровул. — Қиш кунлари кўрсангиз! Одам сиғмай кетади. Ичкари иссиқ-да.

Биз гиламлар осилган, бошқа заллардан олисроқдаги танобий хонага кирдик. Баланд деразалар ортида қулоч етмас чинор бўйи чўзиб турган шинам боғ. Чинор барглари сап-сарик бўлгани учун залдаги хира ёруғлик ҳам сарғиш кўринади. Намойишга қўйилган буюмлар ақлни шоширади. Ўн олтинчи асрда тўқил-

ган, ҳайвонот олами акс этган иккита гилам, бир нечта исфаҳон гиламлари, Польшанинг жияги шишаранг ипак палослари. Вақт ва қуёш бўёқлар жилосини мўътадиллаштирган, шу боис, гиламлар худди рангдор юмшоқ қаламларда чизилган улкан ҳаёлий суратларга ўхшар ва ташриф буюрганларга ранг-тасвир икки дунёда ҳам удалай олмайдиган ажойиб мутаносибликни кўз-кўз қилаётгандай эди. Кулранг осмон, чинорнинг заъфарон япроқлари ҳам, гўё қадимий гилам янглиғ, кўрғазмага қўйилган буюмлар орасига жойлашиб олганди.

Бу ерда бир оз айлангач, музейнинг бошқа залларига ўтдик. Одам кўпайиб борарди, шундан сездимки, буларнинг кўплари тасофидан кириб қолишган. Ранглари синиқ, юпун кийинган бу кишилар кўлларини орқага қилиб, кўрқа-писа залдан залга ўтишар, уларнинг бирортаси Уйғониш даврининг асарлари ёки антик даврга оид салобатли ҳайкалларга қарамас, нигоҳлари бутунлай бошқа нарсалар устида сирғаларди. Келганларнинг аксарияти қизил духоба қопланган диванларга ўтирволган. Оёқларида мадор йўқ, лекин музей хизматчисининг бир ишораси билан ўринларидан туриб, чиқиб кетишга тайёр.

Юмшоқ диванларда текин ҳордиқ чиқариш мумкинлигини улар тушунишмайди. Пулсиз бирор нарсага эга бўлишни тасаввур қилишолмайди.

Барча заллар тинч, осуда. Одам кўп бўлишига қарамай, тиқ этган овоз эшитилмайди. Аммо ўзимни руҳан синган, лекин ҳали таслим бўлишни хоҳламаётган кишиларнинг беаёв, аини пайтда, унсиз жангида иштирок этаётгандай сезардим. Ҳаёт бу одамларни четга суриб ташлаган, ишидан маҳрум қилган, касбкорини тортиб олган, шўрликлар нимагаки талпинган бўлса, баридан мосуво этган, мана шунинг учун ҳам улар мурдага айланмаслик ва тушкунликка банди бўлмаслик учун санъатнинг мана шу сокин гўшасидан паноҳ топишган. Улар нон ҳақида, фақат нон ва иш ҳақида ўйлашади; лоақал бир неча соатга бўлса ҳам, руҳларини эзиб-янчиб ётган ўйлардан халос бўлиш учун бу ерга келишади. Мана, букчайиб, оёқларини судраб, римликларнинг силлиқ бюстлари, қадимий юнон аёлларининг бетакрор, оппоқ ҳайкалчалари орасида бемақсад айланиб юришипти — қандай даҳшатли, кишини ларзага соладиган зиддият! Минг йиллар давомида одамзот нимага эришди-ю, нимага эришолмади — буни фақат мана шу ерда яққол англаш мумкин: инсоният ўлмас санъат обидаларини яратди, аммо ўз қавмига дахлдор кимсаларнинг ҳар бирини лоақал нонга тўйғазишга қурби етмади.

Пешиндан кейин кинога тушдик. Уйга қайтаётганимизда ҳаво очилиб кетган эди. Осмон тил-тиниқ. Кўча ва дўконлар чароғон. Биз шошмасдан, йўл-йўлакай витриналарни томоша қилиб борардик.

Мен каттакон мўйна дўконининг ярқираб турган ойнаси олдида тўхтадим. Кечқурунлари салқин эди. Витриналарда мўйна ёқали пальто ва антиқа қишки пўстинлар осиглиқ турарди. Патга қарадим. Эгнида ҳалиям ўша-ўша енгил, ёзги камзул. Бу либоснинг мавсуми аллақачон ўтиб кетди.

— Фильм қаҳрамони бўлганимда ичкарига кириб, пўстинни олиб чиқардим, — дедим мен.

Пат жилмайди.

— Қайси бирини?

— Ановини! — Менга энг иссиқ туулган пўстинни кўрсатдим.

У кулиб юборди.

— Дидинг чаккмас, Робби! Бу ноёб Канада норкаси.

— Шунга хоҳлайсанми?

У менга таажжубланиб қаради.

— Қанча туришини биласанми, азизим?

— Йўқ, — жавоб бердим мен, — билишни ҳам истамайман.

Ундан кўра хоҳлаган нарсамни сенга қай тарзда совға қилиш ҳақида ўйлаганим яхши. Нега бошқалар суюклисига совға қила олади-ю, мен қилолмайман?

Пат менга тикилиб қаради.

— Робби, менга бунақа пўстин керак эмас.

— Йўқ, — дедим унга. — Керак! Бу ҳақда бошқа гаплашмаймиз. Эртага одам жўнатамиз.

— Раҳмат, азизим, — у юзимдан ўпди. — Энди менга навбат. — Биз эркаклар кийимлари сотиладиган дўкон олдида тўхтадик. — Манови костюмни оламиз! Менинг пўстинимга жудаям мос тушади. Манови цилиндр ҳам, қизик, цилиндрда қанақа кўринаркинсан?

— Оркестрдаги сурнайчига ўхшаб қоламан-да. — Мен костюмга разм солдим. Ёқаси кулранг духобали ажойиб костюм. Витринани диққат билан кўздан кечирдим. Пат билан биринчи марта қаҳвахонага бориб, кайфим ошиб қолган кунни галстукни худди мана шу дўкондан харид қилган эдим. Томоғимга бир нима қадалгандай бўлди. Баҳор эди ўшанда... У пайтда Пат ҳақида ҳеч нарса билмасдим...

Нозик кўлини олиб, кафтини юзимга босдим.

— Пўстиннинг ёнига яна бирор нарса оламиз, — дедим мен. — Битта пўстиннинг ўзи — моторсиз мошинадай гап. Икки-учта кечки кўйлак ҳам харид қиламиз.

— Кечки кўйлак... — шундай деб, каттакон витрина олдида тўхтади. — Кечки кўйлак... Гапинг тўғри, бунга рад этолмайман...

Учта антиқа кўйлакни танладик. Бу ўйин Патга ёқиб қолади. Ростдан ҳам у кийинишни яхши кўрарди. Бира тўла кечки кўйлакка нимаки лозим бўлса, барини танладик. Пат бу ишга иштиёқ билан киришиб кетган, кўзлари чақнарди. Мен бир четда туриб, уни кузатар, гапларига қулоқ солардим. Айни пайтда, аёлни севиш ва қашшоқ бўлиш нақадар оғирлиги хусусида ўйлардим.

Юр, — дедим унга жўшиб-тошиб, — модомики шу ишга қуд урдикми, охирига етказишимиз керак! — Қаршимизда заргарчиқ дўконининг витринаси турарди. — Ана зумрад кўзли билан узук! Худди шунақа узук билан исирга! Баҳслашмаймиз! Зумрад сенга ярашади.

— Бунинг эвазига сен тилла соат билан дурни оласан.

— Бутун дўкон сеники. Бундан камига кўнмайман.

Пат қотиб-қотиб қолди. сўнг ҳарсиллаб кўксимга суяниб қолди.

— Бўлди, азизим, бўлди. Энди уч-тўртта чамадон сотволиб, саёҳатлар бюросига борамиз, кейин нарсаларимизни жойлаб, бу шаҳардан, бу кузак ва ёмғирдан олисларга кетворамиз...

«О, қанийди, — дедим ичимда. — Шунда тезроқ тузалиб кетармиди!»

— Қаёққа? — сўрадим ундан. — Мисргами? Ёки ундан ҳам узокроққа — Ҳиндистон ва Хитойгами?

— Куёшга, азизим, куёш бор ерга, илиқ-иссиқ жанубга. Хурмолар ўсиб ётган, баланд қоялари, оппоқ уйлари бор денгиз соҳилига. Балки у ерда ҳам ёмғир ёғаётгандир, балки ҳамма жойда шу аҳволдир.

— Бўлмаса, ундан ҳам нарига кетамиз, — дедим мен. — Ёмғир йўқ жойга, тропик мамлакатларга, жанубий денгизларга кетамиз.

Биз «Гамбург — Америка» саёҳатлар бюросининг чароғон витринаси рўпарасида туриб, пароход нусхасини томоша қилардик. Пароход қоғоздан ясалган кўм-кўк тўлқинлар узра сузиб борар, унинг ортида эса Маиҳэттэндаги осмонўпар биноларнинг расмлари кўзга ташланарди. Бошқа витриналарга пароход тўхтаб ўтадиган манзиллар кўрсатилган хариталар осиб қўйилган.

— Америкага ҳам борамиз, — деди Пат. — Кентуккига ҳам, Техасга ҳам, Нью-Йоркка ҳам, Сан-Францискога ҳам, Гавай оролларига ҳам борамиз. Кейин Жанубий Америкага ўтамиз. Мексика ва Панама канали орқали Буэнос-Айрес, сўнг Рио-де-Жанейрога бориб, ана ўшандан кейингина уйга қайтамиз.

— Ҳа-а...

Унинг кўзлари порлаб турарди.

— У ёқларда бўлмаганман, — дедим мен. — Ўшанда сенга ёлғон гапирган эдим.

— Биладан.

— Қаёқдан биласан?

— Биладан-да, азизим! Албатта биладан! Дарров сезганман!

— У пайтларда тентак эдим. Қип-қизил нодон эдим. Шунинг учун сени алдаганман.

— Ҳозир-чи?

— Ҳозир ундан баттарман, — жавоб бердим мен. — Кўрмаяпсанми? — Мен витринадаги пароходга ишора қилдим. — Бунга ўтириш бизга насиб этмайди. Пешонамиз қурсин!

Пат кулиб, тирсагимдан ушлади.

— Вой, азизим-сй, нима учун камбағалмиз-а? Бой бўлганимизда пулни қандай ишлатишни билардик. Шунақа бадавлат кишилар борки, ўз маҳкамалари ва банкларида тухум босиб ўтиришдан бошқа нарсани билишмайди.

— Шунинг учун ҳам улар бадавлат-да, — дедим мен. — Мабодо биз ҳам бойиб кетсак, кеккайишимиз узоққа чўзилмасди.

— Гапинг тўғри. Ҳаш-паш дегунча йиққанимизни кўкка совардик.

— Эҳтимол, азбаройи пулни тез сарфлаганимиздан тузук-қуруқ роҳат ҳам қилолмасдик. Бизнинг давримизда бой бўлиш касбга айланиб қолди. Машаққатли касбга айланиб қолди.

— Қашшоқ бойлармиз! — деди Пат. — Шунинг учун, яхши-си, ўзимизни қачонлардир бой бўлган-у, кейин қашшоқлашган кишилардай тутишимиз керак. Айтайлик, ўтган ҳафта сен сингансан, шу сабабли уйни ҳам, менинг тақинчоқларимни ҳам, мошинани ҳам сотишга тўғри келган. Нима дейсан?

У кулиб юборди.

— Унда кетдик! Иккаламиз ҳам синганмиз. Кулбамизга бориб, бадавлат кунларимизни эслаймиз.

— Яхши фикр.

Яна аста йўлга тушдик. Ёниб турган чироқлар ёнига янгилари қўшилди. Қабристонга яқинлашганда осмонда учиб кетаётган кабинаси ёп-ёруғ самолётга кўзимиз тушди. У, худди эртактлардаги афсонавий семурғдай, бепоён кўкда тобора ердан йироқлашиб борарди. Тўхтаб, то кўздан ғойиб бўлгунча унга термулиб турдик.

Қайтганимиздан сўнг, орадан ярим соат ўтар-ўтмас биров эшикни тикиллатди. Хассе деб ўйладим. Туриб эшикни очсам, фрау Залевски. Рангида ранг йўқ.

— Юра қолинг, — шивирлади у.

— Тинчликми?

— Хассе.

Унга савол назари билан қарадим. Фрау елкасини қисди.

— Ичкаридан бекитволиб, жавоб бермаяпти.

— Ҳозир.

Патнинг олдига кириб, Хассе билан гаплашиб чиққунимча дам олиб туришни илтимос қилдим.

— Бўпти, Робби. Ростдан ҳам яна чарчадим.

Фрау Залевскига эргашдим. Хассенинг эшиги олдида қарийб бутун пансион тўпланганди: энги кенг ола-була қўйлак кийган малла соч Эрна Бениг; ҳарбийча камзулли марка йиғувчи кассир; ҳозиргина қаҳвахонада аёллар билан беармон рақсга тушиб келган Орлов; Хассени чақиравериб овози хириллаб қолган Жоржи ва ниҳоят, ҳаяжон, қўрқув ва синчковликдан кўзлари олакула бўлиб турган Фрида.

Анча бўлдими очмаётганига? — сўрадим Жоржидан.

Чорак соатдан ошди, — бидирлади қисқичбақадай қип-қизариб кетган Фрида. — Ичкарида ўтирипти, тушдан кейин ҳеч ёлсққа чиққани йўқ, хонасида обдан у ёқдан-бу ёққа юрди, кейин жим бўлиб қолди...

Калит ичкарида, — деди Жоржи, — эшик қулф.

Фрау Залевскига қарадим.

— Калитни итариб ташлаб, эшикни очиш керак. Хонанинг бошқа калити борми?

— Ҳозир ҳамма калитни опкеламан, — деди Фрида фавқулодда жонсарақлик билан. — Бирортаси тушиб қолар.

Менга бир бўлак сим узатишди. Калитни бураб, қулф ичидан чиқаздим. Жиринглаб эшик орқасига тушди. Фрида кафтларини юзига босиб, қийқириб юборди.

— Йўқолинг бу ердан, — дедим унга ва калитларни қулфга солиб кўра бошладим. Битгаси тушди. Эшикни очдим. Хона ним қоронғи бўлгани учун аввалига ҳеч ким кўринмади. Каравот теп-текис, стуллар бўш, жавон эшиклари берк.

— Ана турипти! — деди Фрида яна олдинга суқулиб ўтиб. Юзимга унинг иссиқ нафаси, димоғимга пиёз ҳиди урилди. — Ана, дераза олдида турипти.

— Йўқ, — Орлов шундай дедию хонага кириб, тез қайтиб чиқди. Мени четга суриб, эшикни ёпди, кейин йўлакда турганларга мурожаат қилди: — Боринглар. Кўришинглар шарт эмас, — деди у вазмин рус лаҳжасида. Ўзи эшик олдидан жилмади.

— Ё парвардигор! — фрау Залевски орқага тисарилди. Эрна Бениг ҳам бир неча қадам нари кетди. Фақат Фрида олдинга талпинган эди, Орлов уни тўхтатди.

— Қўйинг, кераги йўқ... — деди у яна.

— Жаноб! — бирдан кассир хезланиб қолди. — Нима ҳаққингиз бор? Муҳожир бўлсангиз!..

Орлов унга хотиржам қаради.

— Муҳожир денг... — деди у. — Муҳожир... ҳозир бунинг аҳамияти йўқ. Гап бунда эмас...

— Ўлганми? — Фрида сира тинчимасди.

— Фрау Залевски, — дедим мен. — Майли, сиз қолинг, Орлов иккаламиз қолайлик.

— Дарров дўхтирга қўнғироқ қилинг, — деди Орлов.

Жоржи гўшакни кўтарди. Бари бир неча дақиқа ичида юз берди.

— Мен ҳам қоламан! — деди кассир қип-қизариб. — Немис фуқароси сифатида ҳаққим бор...

Орлов елкасини қисиб, эшикни очди. Кейин чироқни ёқди. Аёллар қичқириб, ўзларини орқага ташлашди. Деразада юзи қорайиб, оғзидан тили чиқиб қолган Хассе осилиб турарди.

— Чилвирни қирқинглар! — деб бақирдим мен.

— Фойдаси йўқ, — деди Орлов совуққонлик билан. — Бунақа воқеани кўрганман... юзига қаранг... аллақачон жони узилган.

— Бир уриниб кўрайлик...

— Тегмаган маъкул. Олдин полиция келсин.

Шу пайт эшик жиринглади. Кўшни уйда турадиган дўхтир келган эди. У озгин, букчайган гавдага қарадию:

— Кечикибмиз, — деди. — Майли, бир сунъий нафас олдириб кўрайлик. Пичоқ беринглар, дарҳол полицияга қўнғироқ қилинглар.

Хассе эшилган ипак чилвирга ўзини осган эди. Бу хотинининг қизил халатидан қолган боғич бўлиб, дераза тепасидаги илгакка боғланганди. Боғичга совун суртилган. Афтидан, Хассе дераза тоқчасига чиққану кейин ўзини пастга ташлаган. Кўллари чангак бўлиб қолган, афтига қараб бўлмайди. Энг қизиғи, ясанвопти. Эгнида тоза матодан тикилган кўк костюм, оҳори тўкилмаган кўйлак, соқоли олинган. Столи устида паспорт, омонат дафтари, тўртта ўн маркалик пул, озгина кумуш ва иккита хат — бири хотинига, биттаси полицияга. Хотинига ёзилган хатнинг ёнида хумиш тамакидон билан никоҳ узуги.

Назаримда у жонига қасд қилишдан олдин ҳамма нарсани пухта ўйлаган. Хона саришта. Пастак жавон устида турган пул билан бир варақ қоғозга кўзимиз тушиб қолди. Унга: «Жорий ой учун тураржой тўловининг қайтими», — деб ёзилган. Бу пул алоҳида кўйилган, шу билан гўё бу нарсаларнинг ўлимимга дахли йўқ, демоқчи бўлган.

Фуқароча кийинган икки мансабдор келди. Жасадни сиртмоқдан бўшатиб олишга улгурган дўхтир ўрнидан турди.

— Ўлган, — деди у. — Жонига қасд қилган. Бунга шубҳа йўқ.

Мансабдорлар чурқ этишмади. Эшикни ёпиб, хонани синчиклаб кўздан кечиришди, кейин жавон ғаладонидан бир неча хатни олиб, столдаги иккита дастхатга солиштиришди. Ёшроқ мансабдор маъноли бош силкиб кўйди.

— Сабабини ҳеч ким биладимми?

Билганларимни гапириб бердим. У яна бош силкиб, манзилимни ёзиб олди.

— Жасадни олиб кетса бўладими? — сўради дўхтир.

— Шаритэ шифохонасининг санитар мошинасига буюртма берганман. — жавоб берди ёш мансабдор. — Ҳозир кеп қолади.

Кута бошладик. Хонага сукунат чўкди. Дўхтир Хассенинг устига энгашиб, тугмаларини ечди ва сочиқ билан кўкрагини ишқалай бошлади, кейин кўлларини бир неча марта кўтариб-туширди. Ҳаво жонсиз ўпкага чийиллаб кириб-чиқарди.

— Шу ҳафтада ўн иккинчиси, — деди ёш мансабдор.

— Сабаби бир хилми? — сўрадим ундан.

— Йўқ. Асосан ишсизликдан. Иккита оила газдан заҳарланган. Биттасида учта фарзанд бўлган. Оилалар ҳамма вақт газни очиб кўйиб, ҳаёт билан видолашди.

Санитарлар замбил кўтариб киришди. Уларга қўшилиб Фрида ҳам хонага кирдию Хассенинг жасадига тикилиб қолди.

— Нима керак сизга? — сўради ундан ёши улуғ мансабдор.

Фрида чўчиб тушди.

— Гувоҳлик беришим керак-ку, ахир, — деди у дудуқланиб.

— Йўқол бу ердан!

Санитарлар Хассенинг устига адёл ташлаб, олиб чиқиб кетишди. Кейин иккала мансабдор ҳам кетишга тараддудланди. Улар хужжатларни олволишди.

— У дафнга пул қолдирипти, — деди ёш мансабдор. — Керак-ли жойга топширамиз. Хотини келса, айтинглар — полицияга кирсин. Эри жамғармасини унга васият қилган. Бошқа буюмлари ҳозирча шу ерда турса бўладими?

Фрау Залевски бош силкиди.

— Бу хонани энди ижарага беролмайман.

— Яхши.

Мансабдор хайрлашиб, чиқиб кетди. Биз ҳам тарқалдик. Орлов эшикни қулфлаб, калитни фрау Залевскига берди.

— Бу воқеани дoston қилиб юриш шарт эмас, — дедим мен.

— Гапингиз тўғри, — маъқуллади фрау Залевски.

— Сизни назарда тутяпман, Фрида, — қўшиб қўйдим мен.

Фриданинг кўзларидан учкун сачраб кетди-ю, лекин индамади.

— Агар фрейлейн Хольманга гапириб қўйсангиз, мендан яхшилик кутманг.

— Ўлибманми касал хотинга гапириб! — деди у гажирлик билан.

Юзига тарсаки тортгим келди-ю, ўзимни тийдим.

— Шўрлик Хассе, — деди фрау Залевски.

Йўлак қоп-қоронғи эди.

— Граф Орловга қўполлик қилдингиз, — дедим кассирга. — Кечирим сўраб қўйсангиз бўлармиди?

Қария кўзларини пирпиратди, сўнг бирдан томоққа зўр берди:

— Немиснинг эркаги кечирим сўрамайди! Айниқса, осийликдан! — Шундай дедию эшигини қарсиллатиб ёпиб, хонасига кириб кетди.

— Оташин марка йиғувчимизга нима бўлди? — сўрадим таажубланиб. — Мусичадай ювош эди-ку.

— Кейинги пайтларда сайловолди йиғилишларининг бирор-тасидан қолмаяпти, — қоронғиликдан Жоржининг овози эшитилди.

— Э, гап бу ёқда экан-да!

Орлов билан Эрна Бениг кетишди. Фрау Залевски бирдан ўнграб юборди.

— Қўйинг, йиғламанг, — дедим унга. — Энди ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди.

— Қандай даҳшат! — пиқиллади у. — Бу ердан кўчиб кетишим керак, чидаёлмайман!

— Чидайсиз, — дедим мен. — Газдан заҳарланиб ўлган бир неча юз инглизни кўрганман. Чидаганман...

Жоржининг қўлини қисиб, хонамга кирдим. Чироқни ёқишдан олдин беихтиёр деразага қарадим. Кейин кулоқ солдим. Пат ухлаб ётарди. Жавондан коньякни олиб, қадаҳни тўлдирдим. Тоза коньяк эди, яхшиям борлиги. Шишани столга қўйдим. Охири марта Хассе шу коньякдан ичган эди. Уни ёлғиз қолдирмасам бўлар экан. Ким билипти бунақа бўлишини? Ўзимдан ўпкалашим ноўрин. Ҳаётда нималарни кўрмадим, қандай кунларни бошдан кечирмадим! Шуни биламанки, ё қилган ҳамма ишингдан ўпкаланшинг керак, ёки ҳеч нарсадан ўпкаланмаслик лозим. Бу ҳодиса якшанбага тўғри келгани чатоқ бўлди. Агар бегим кунлари бўлганда у ишига кетарди, эҳтимол, фожиа ҳам юз бермасди.

Яна коньяк хўпладим. Энди ўйлашдан фойда йўқ. Қолаверса, эртага ким нима бўлишини Оллоҳ билади. Балки, вақт-соати келиб, бугун ичинг ачиётган одамнинг дунёда энг бахтли инсон бўлиб туюлар?

Патнинг шарпаси эшитилди. Олдига кирдим. У кўзларини очиб ётарди.

— Менга нима бўлди ўзи, Робби? — деди у. — Яна тошдай қотиб ухлабман.

— Яхши-да.

— Йўқ, — у ёстиққа суянди. — Бунақа ухлашни хоҳламайман.

— Нега? Баъзан уйқуга ётганда эллик йил уйғонмасам дейман.

— Шунча йилга қаришингни ўйламайсан-да.

— Қайдам. Бу уйғонганингдан кейин маълум бўлади.

— Бир нарсадан хафамисан?

— Йўқ, — дедим мен. — Аксинча. Ҳозир кийиниб, бирор жойга борсак-да, тузукроқ овқатлансак. Сен яхши кўрадиган таомларнинг баридан татиб кўрамиз. Қиттай-қиттай отамиз.

— Зўр таклиф, — жавоб берди у. — Бу ҳам шармандаларча синганимиз шарафигами?

— Албатта.

XXI

Октябрнинг ўрталарида мени Жаффе чақиртирди. Соат ўн бўлишига қарамай, ҳавонинг авзойи бузуқлигидан шифохонадаги чироқлар ёниқ эди. Электр нури ташқаридан тушиб турган заиф ёруғликка қоришиб, баттар равшанлашиб кетгандай туюларди.

Жаффе каттакоп кабинетида бир ўзи ўтирарди. Кирганимда тепакал бошини кўтарди-да қовоғини солиб, ёмғир савалаётган деразага имо қилди.

— Падарлаънат ҳавога қаранг.

Елкамни қисдим.

— Очилиб кетар.

— Очилмайди.

У менга бир қаради-ю, индамади. Кейин қаламни олиб, бир-мунча вақт столни тиқиллатиб ўтирди, сўнг уни жойига қўйди.

— Нима сабабдан чақиртирганингизни сезиб турибман, — дедим унга.

Жаффе бир нима деди.

Бир оз кутдим. Сўнг яна ўзим гап бошладим:

— Пат даволанишга кетиши керак, шундайми?

— Ҳа.

Жаффе столдан кўз узмасди.

— Октябрнинг охирларига мўлжаллагандим. Лекин ҳавони кўряпсиз-ку... — У яна қаламни қўлига олди.

Шамол эпкини ёмғир томчиларини дераза ойналарига келтириб урди. Пулемётнинг оний тариллашига ўхшаб кетди.

— Сизнингча қачон жўнаши керак? — сўрадим ундан.

— Эртага.

Бир дақиқа қарахт бўлиб қолдим. Сал ўзимга келганимдан кейин юрагимни ҳовучлаб сўрадим:

— Соғлиғи шу даражада ёмонлашганми?

Жаффе бош чайқаб, ўрнидан турди.

— Ёмонлашганда умуман боролмасди, — деди у. — Лекин жўнаб кетгани маъқул. Бунақа ҳаво унга тўғри келмайди. Шамоллаб қолиши бор, кейин...

У столдан бир неча хатни олди.

— Ҳаммасини тайёрлаб қўйдим. Борволсанглар бўлди. Санаторийнинг бош дўхтирини талабалигидан биламан. Яхши одам. Фрейлейн ҳақида батафсил ёздим.

Жаффе менга иккита хат берди. Уларни олдим-у, аммо чўнтагимга солмадим. Профессор ўрнидан туриб келиб, қўлини елкамга қўйди. Қўли қушнинг қанотидай енгил эди.

— Биламан, қийин, — деди у ағлақандай паст, маънос оҳангда. — Тушунаман... Шунинг учун ҳам бу ишни орқага суриб келаётган эдим.

— Қийин жойи йўқ... — дедим мен.

У қўл силтади.

— Қўйсангиз-чи...

— Рост, — эътироз билдирдим мен. — У маънода эмас... Фақат бир нарсани билмоқчиман: омон-эсон қайтиб келадими?

Жаффе жавоб қайтаришга шошмади. Қоп-қора, қисик кўзлари чироқ нурида йилтираб турарди.

— Ҳозир сизга бунинг нима кераги бор? — деди у ниҳоят.

— Агар қайтиб келмайдиган бўлса, бормай қўя қолгани яхши.

— Нималар деяпсиз?

— Шу ерда қолгани тузук.

У менга тикилиб қаради.

— Оқибати нима бўлишини биласизми?

— Ҳа, — жавоб бердим унга. — Ўлади, лекин ёлғизликда эмас.

Бунинг нималигини мен ҳам яхши тушунаман.

Жаффе, худди эти увишаётгандай, елкасини кўтарди. Кейин дераза олдига бориб, хийла вақт ёмғир ёғишини кузатиб турди. Менга қайрилиб қараганда юзини танимай қолдим.

— Ёшингиз неччида?

— Ўттизда, — жавоб бердим унинг ниятини илғамай.

— Ўттизда, — такрорлади у худди ўзи билан ўзи гаплашаётгандай. — Ўттиз, э-ҳа! — Кейин ёзув столининг ёнига борди. Каттакон, ялтироқ стол олдида зиғирдайгина бўлиб қолди. — Мен ҳадемай олтмишга кираман, — деди у менга қарамай. — Лекин мен бундай қилолмасдим. Фойдаси йўқлигини билиб турсам ҳам уриниб кўрардим, қайта-қайта уринаверардим.

Индамадим. Жаффе ҳам ўша жойда тураверди. Гўё бу дунёни унутганди. Кейин худди уйқудан уйғонгандай бўлди-ю чехраси ҳам асл ҳолига қайтди:

— Тоғда қишни яхши ўтказди. Бунга ишончим комил.

— Фақат қишними?

— Менимча, баҳорда қайтиб келиши мумкин.

— Менимча... Буни қандай тушуниш керак?

— Ҳаммасини айтишим керакми?! — деди Жаффе. — Қизиқсиз-а... Ҳозир аниқ бир гапни айтолмайман. Ким билади у ёғини? Баландликда ўзини қандай ҳис этади, кўрамиз. Лекин умид қиламанки, баҳорда қайтиб келади.

— Умид қиламан?

— Ҳа. — У столни айланиб ўтиб, чиқиб турган ғаладонни шунақа тепдики, стаканлар жиринглаб кетди. — Тушунсангизчи, азизим, уни жўнатиш менга ҳам осонмас!

Ҳамшира кирди. Жаффе унга чиқиб туришни ишора қилди. Аммо оппоқ сочлари ҳурпайган, бесўнақай, япасқи юз ҳамшира қаққайиб тураверди.

— Кейин, — деди Жаффе. — Кейин кирасиз!

Ҳамшира зарда билан қайрилиб, эшик томон юрди. Чиқиб кета туриб, чироқ тугмачасини босди. Хона бирдан сутранг нурга тўлди. Жаффенинг юзи тупроқ тусига кирди.

— Алвасти! — деди у. — Йигирма йилдан буён бўшатаман дейман-у, бўшатомайман. Ишига пухта-да. Кейин менга юзланди: — Ҳўш?

— Бугун кечқурун жўнаймиз, — дедим мен.

— Бугун?

— Ҳа. Башарти бориш керак экан, эртани кутиб нима қиламиз. Ўзим олиб бориб қўяман. Бир неча кунга ишдан рухсат сўрайман.

Жаффе мен билан қўл қисишиб хайрлашди.

Эшиккача бўлган масофа жудаям узоқ туюлди.

Кўчага чиққанимда хатлар ҳамон қўлимда эканини пайқадим. Ёмғир конвертларга тасирлаб тушарди. Артиб, ён киссамга соғдим. Кейин атрофга алангадим. Бино олдига автобус келиб тухтади. Одам тирбанд эди. Бир талай йўловчилар тушишди. Қора рангли ялтироқ ёмғирпўш кийган уч-тўртта қиз кондукторга ҳазил қилди. У ёш йигит эди, буғдойранг, тишлари садафдай. «Ё алҳазир, — дедим ичимда. — Бунақа бўлиши мумкин эмас. Атрофда ҳаёт қайнаб турипти, Пат нега ўлиши керак?»

Кондуктор қўнгироқни босди, автобус жойидан қўзғалди. Ғилдираклар остидан йўлкага лой сачради. Тез жўнадим. Кестерини огоҳлантиришим ва чипта олишим керак эди.

Кундузи соат ўн иккида уйга келиб, йўл тадоригини кўрдим, ҳатто санаторийга хабарнома жўнатишга ҳам улгурдим.

— Пат, — дедим хонасига кира солиб. — Кечгача нарсаларингни йиғиштиришга улгурасанми?

— Кетишим керакми?

— Ҳа, Пат.

— Бир ўзим-а?

— Йўқ. Бирга кетамиз. Сени олиб бориб қўяман.

Унинг ранги хиёл ўзгарди.

— Қачонга тайёр бўлишим керак?

— Поезд кечқурун соат ўнда жўнайди.

— Ҳозир бирор ерга кетасанми?

— Йўқ. Шу ерда бўламан.

У оғир тин олди.

— Бўпти, Робби. Бошлайверамизми?

— Вақтимиз ҳали кўп.

— Йиғиштиравераман. Тайёр тургани яхши.

— Майли.

Ярим соатда ўзимга керакли нарсаларни тахт қилдим. Кейин фрау Залевскининг олдига кириб, кетаётганимизни айтдим. Патнинг хонасини биринчи ноябрдан, ҳатто ундан олдинроқ ҳам бирорта одамга ижарага бериши мумкинлиги ҳақида келишиб олдик. Бека гапни узоқдан бошлаётган эди, хонадан тез чиқиб кетдим.

Пат кийим солинадиган чамадон олдида чўкаллаб ўтирар, кўйлаклари очиқ жавонда осилиб турарди. Ички кийимлари каравот устида ётипти. У пойабзалларини жойлаштираётганди. Бу ерга кўчиб келганида ҳам шу алфозда ўтириб, нарсаларини битта-битталаб чамадондан олгани ёдимга тушди, назаримда, бунга минг йил бўлган, аини пайтда, худди кечагина юз бергандай эди.

— Ялтироқ кўйлагингни ҳам оласанми?

У бош силкиди.

— Робби, ортиқча нарсаларни нима қиламиз? Тақир-туқурларни, масалан?

— Фрау Залевски билан келишиб кўйдим. Сиққунича хонамга опкириб қўяман, қолганларини омонатхонага топширамиз. Келганингдан кейин қайтариб оламиз.

— Қачон келаман-у...

— Баҳорда-да. Тоғ офтобида кип-қизариб келасан.

Кечгача ҳамма нарсани тайёрлаб кўйдик. Қизик: жавон, каравот, стол-стуллар — бари жой-жойида турарди-ю, назаримда, хона бўм-бўш бўлиб, хувиллаб қолгандай эди. Пат каравотга ўтирди. Анча толиққан эди.

— Чироқни ёқайми?

У бош чайқади.

— Сал туриб.

Ёнига ўтирдим.

— Сигарета берайми?

— Йўқ, Робби. Сал дам оловлай.

Туриб, дераза ёнига бордим. Кўча чироқлари ёмғир остида милтираб турипти. Дарахт шохлари орасида шамол чарх уради. Йўлкадан Роза ўтди. Кўнжи узун этиги ярқирайди. Қўлтиғига қоғоз халтани қистирволиб, «Интернациональ»га кетяпти. Афтидан, қизига яна бирор нарса тўқиган бўлса керак. Кейин Фрицци билан Марион ўтишди, иккови ҳам гавдасига ёпишиб турган оқ ёмғирпўш кийиб олган. Бир оздан сўнг оёғини судраб Мими ўтди, қариб кетган, уст-боши эски, ҳорғин.

Юзимни бурдим. Хона қоп-қоронғи, Пат ҳатто кўринмасди. Фақат нафасини эшитардим. Қабристондаги дарахтлар ортидан реклама чироқлари аста юқорига ўрлай бошлади. Машхур сигаретанинг номи худди ола-була орден тасмасидай томларга тирмашди, вино ва ликёрлар кўк ҳамда яшил тусда ҳалқа-ҳалқа бўлиб кўпирди, ички кийимлар дўконининг рекламаси ярқиради. Рангбаранг нурлар олдин шифт ва деворларга ястаниб, сўнг чор атрофга таралиб кетар. хона денгиз тубидаги гаввослар қалпоғига ўхшарди. Унинг теграсида ёмғир тўлқинлари мавж урар, тепадан, сув қатлами орасидан, олис дунёнинг заиф шуъласи базўр ўтаётгандай туюларди.

Соат саккиз эди. Кўчада мошина сигнал берди.

— Таксида Готтфрид келди, — дедим Патга. — Бизни овқатлангани олиб боради.

Деразадан қараб, ҳозир чиқамиз, дедим. Кейин стол чироғини ёқиб кўйиб, хонамга чиқдим. Кўзимга жудаям совуқ кўринди. Ром шишасини очиб, апил-тапил бир хўплам ютдим. Кейин креслога ўтириб, деворга тикилдим. Тагин ўрнимдан туриб, сочимни тараш учун ойна олдига бордим. Афтимни кўриб, соч тараш ҳам эслан чиқди. Юзимга совуқ нигоҳ билан тикиларканман, лабларимни қисиб илжайдим. Кўзгудаги жиддий ва қонсиз аксим ҳам менга қараб кулди.

— Сени қара-ю! — дедим ичимда. Сўнг яна Патнинг олдига кирдим.

— Кетдикми, дўстим?

— Кетдик, — деди Пат, — олдин хонангга бир кириб чиқмоқчиман.

— Нега? Шу эски ҳужрада нима қиласан?

— Сен тура тур. Ҳозир чиқаман.

Бир оз кутиб, изидан кирдим. Мени кўриб, Пат сесканиб кетди. Бунақа аҳволда сира учратмагандим. У хонанинг ўртасида мунгайиб турарди. Бу ҳол бир лаҳзагина давом этди, чеҳрасига яна табассум югурди.

— Кетдик, — деди у. — Готтфрид кутиб қолди.

Ошхона ёнида фрау Залевскига дуч келдик. Унинг оппоқ гажаклари титрарди. Қора шойи кўйлагига марҳум Залевскининг акси туширилган тўғнағични қадаб олган.

— Бардам бўл! — шивирладим Патга. — Ҳозир сени бағрига босади.

Шу он Пат аёлнинг улкан қучоғига фарқ бўлди. Фрау Залевски йиғларди. — Яна бирпас турса, унинг кўз ёшларидан шалаббо бўларди. Онахон Залевски йиғлаганда кўз косалари қайнарбулоққа айланарди.

— Узр, — дедим унга. — Шошиб турибмиз! Кетишимиз керак!

— Шошиб турибмиз? — фрау Залевски менга еб юборгудай қаради. — Поезд икки соатдан кейин жўнайди! Шундан фойдаланиб, қиз шўрликни араққа бўқтирмақчимисиз?

Пат кулиб юборди.

— Йўқ, фрау Залевски. Дўстларимиз билан хайрлашишимиз керак.

Фрау Залевски ишонқирамай бош чайқади.

— Фрейлейн Хольман, сизнинг назарингизда бу одам — тилла йигит, аслида эса тилла сувига чайилган арақнинг шишаси.

— Ўхшатишни бопадингиз, — дедим мен.

— Болагинам!.. — фрау Залевски яна обидийда қила бошлади. — Тезроқ қайтинг! Хонангиз сизни кутади. Ҳатто шахсан кайирининг ўзи ижарада турган бўлса ҳам, келишингиз билан чиқиб юбораман.

— Раҳмат, фрау Залевски! — деди Пат. — Мингдан-минг раҳмат. Қартада очган фолларингиз учун ҳам ташаккур. Сираям унутмайман.

— Баракалла. Тезроқ соғайиб, отдай бўп кетинг!

— Ҳаракат қиламан. Хайр, фрау Залевски! Хайр, Фрида!

Жўнадик. Зинапоя қоронғи эди — лампочкаларнинг анча-мунчаси куйган. Пат зиналарни авайлаб босиб, эҳтиётлик билан настига туша бошлади. Ундан садо чиқмасди. Назаримда, уйга бориб келиш муддати тутагану мана энди яна фронтга жўнаш учун вокзалга кетаётгандаймиз.

Ленц такси эшигини очди.

— Эҳтиёт бўлинглар! — деди у. Машина атиргулларга тўла эди. Оқ ва қизил гунчалардан боғланган иккита катта-катта гулдаста орқа ўриндиқда ётарди. Дарров пайқадим — черков боғидан. — Охиргисини узиб келдим, — тушунтирди Ленц гурур билан. — Лекин бу гал қийин бўлди. Руҳонийга рўпара келиб қолдим.

— Кўзлари болаларникидай кўм-кўкми? — сўрадим ундан.

— Э, ўша сенмидинг, бўталоғим! — хитоб қилди Готтфрид. — Демак, у сен ҳақингда гапирипти-да. Кетганингдан кейин боғнинг аҳволини кўриб, роса хафа бўпти шўрлик. У, эркаклар орасида художўйлар яна кўпая бошлади, деб ўйлаган экан.

— Сенга индамадими?

— Гаплашишни билиш керак-да, оғайни. Охирида ўзи ҳам узишворди.

Пат кулиб юборди.

— Ростданми?

Готтфрид айёрона жилмайди.

— Бўлмасам-чи! У сакраб-сакраб, энг баланд шохлардаги гулларни ҳам узди. Худди спортчининг ўзи, дейсан. Гапига қараганда, гимназияда ўқиб юрган пайтларида футбол ўйнаган экан. Ўнг қанотда, шекилли.

— Сен тақводор одамни ўғирликка бошлабсан, — дедим унга. — Энди дўзахга тушасан. Дарвоқе, Отто қани?

— Альфонсининг қаҳвахонасида кутяпти. Ўша ерга борамизку, тўғрими?

— Албатта, — деди Пат.

— Кетдик.

Бизга орасига қизил карам билан олма тиқиб пиширилган кўён гўшти беришди. Овқатланиб бўлганимиздан сўнг, Альфонс патефон кўйди. Дон казаклари хорини тингладик. Ниҳоятда сокин кўшиқ эди. Хорнинг паст оҳанги узра биттагина тиниқ овоз янграрди. Гўё эшик шовқинсиз очилиб, ичкарига кекса ва ҳорғин киши киргану стол ёнига ўтириб, ўз ёшлиги тўғрисидаги кўшиққа жимгина қулоқ тутаётгандай эди.

— Болаларим, — деди Альфонс кўшиқ оҳанги аста-секин пасайиб, ахийри ҳавога сингиб кетганидан сўнг. — Болаларим, ҳар гал шу кўшиқни эшитганимда нима ҳақда ўйлашимни биласизларми? Ипрни, минг тўққиз юз ўн еттинчи йилни эслайман. Март оқшоми, Бертельсман ёдингдами, Готтфрид?

— Албатта, ёдимда, — деди Ленц. — Ўша оқшомни, олча дарахтларини сира унутолмайман.

Альфонс бош силкиди.

Кестер ўрнидан турди.

— Энди кўзғаламиз. — У соатига қаради. — Вақт бўп қолди.

— Бир қадаҳдан коньяк ичайлик, — деди Альфонс. — Ҳақиқий «Наполеон». Сизларга атаб олиб қўйган эдим.

Қадаҳларни бўшатиб, ўрнимиздан турдик.

— Хайр, Альфонс! — деди Пат. — Ҳамма вақт бу ерга жондон деб келганман. — У қўлини узатди.

Альфонс қип-қизариб, Патнинг кафтини қисди.

— Мабодо бирор нарса керак бўлиб қолса... тортинманг, хабар қилинг. — У Патга саросималаниб қаради. — Энди сиз ўзинишиқисиз. Аёл кишининг бу қадар улфат бўлиб кетишини тасаввур қилолмасдим.

— Раҳмат, — деди Пат. — Раҳмат сизга. Менга шу гапингизнинг ўзи кифоя. Хайр, яхши қолинг.

— Хайр! Ой бориб, омон келинг!

Кестер билан Ленц бизни вокзалга кузатиб қўйишди. Йўл-йўлакай уйимиз олдида тўхтаб, кучукни олиб чиқдим. Юпп чамадонларни олиб кетган эди.

Вокзалга сўнги дақиқада етиб келдик. Вагонга чиқишимиз билан поезд ўрнидан қўзғалди. Готтфрид чўнтагидан қоғозга ўроғлик шишани чиқазиб, менга узатди.

— Ушла. Йўлда керак бўлади.

— Раҳмат, — дедим мен, — ўзинглар ичинглар, йигитлар. Менда бор.

— Олсанг-чи! Бу нарса ортиқчалик қилмайди! — У юриб кетаётган поездга шишани отди. — Хайр, Пат! — қичқирди у. — Бу ерда ишимиз касод бўлса, олдингларга борамиз. Отто тоғ спорти бўйича мураббий, мен рақс муаллими бўламан. Робби рояль чалади. Сайёр гуруҳ тузиб, меҳмонхонама-меҳмонхона юрамиз.

Поезд тезлашиб, Готтфрид орқада қолиб кетди. Пат бошини деразадан чиқазиб, вокзал муюлишида кўздан ғойиб бўлгунча, уларга рўмолчасини силкитиб турди. Кейин мен томонга бурилиб қараган эди, кўзларида жиққа ёш кўрдим. Дарров тирсагидан ушладим.

— Юр, — дедим унга. — Бирор нарса ичайлик. Бугун ўзингни мардона тутдинг.

— Сиртдан шунақа кўринган, — деди у жилмайишга уриниб.

— Менга ҳам ҳеч нарса татигани йўқ. Шунинг учун ичайлик даяпман-да.

Шишани очиб, унга озгина коньяк қуйиб бердим.

— Яхшими?

Пат бош силкиб, елкамга бошини қўйди.

— Охири нима бўларкин, азизим?

— Йиғламагин, — дедим мен. — Кун бўйи кайфинг чоғ эди, энди нега бунақа қиялсан?

— Йиғлаётганим йўқ, — у шундай дегани билан икки юзидан ёш думаларди.

— Яна қиттай ичвор, — шундай деб, уни бағримга босдим. — Олис йўлга чиққанда дастлаб кўнгил бузилади, кейин одам кўникиб қолади.

— Тўғри, сен бунга эътибор берма. Ҳозир ўтиб кетади. Пича мени ёлғиз қолдир, сал ўзимга келволай.

— Нега энди? Кундузи жасур эдинг, майли, энди хоҳлаганинча йиглайвер.

— Жасур эмас эдим, Робби. Сен пайқамагансан.

— Эҳтимол. Лекин аслида жасурлик шу-да.

У жилмайишга уринди.

— Нимаси жасурлик, Робби?

— Жасурлигинг шундаки, сен таслим бўлмагансан. — Патнинг сочларини силадим. — Инсонки таслим бўлмадим, демак, у ўз қисматидан кучлироқ.

— Менда жасурат йўқ, азизим, — деди у. — Менда фақат сўнги ва энг улкан қўрқув қаршисида қалтираб турган аянчли ҳадик бор, холос.

— Мана шунинг ўзи ҳақиқий жасурат, Пат.

У пинжимга кирди.

— Эҳ, Робби, қўрқув нималигини сен билмайсан.

— Биламан.

Эшик очилди. Проводник кириб, чипталаримизни сўради. Узатдим.

— Ухлаб кетиладиган ўрин хонимга тегишлими?

Мен бош силкидим.

— Унда ўшанақа вагонга ўтишингизга тўғри келади, — деди у Патга. — Бу чипта бошқа вагонларга ўтмайди.

— Майли.

— Кучукни эса юк вагонига топшириш керак. У ерда кучуклар учун махсус хона бор.

— Бўпти, — дедим мен. — Ухлаб кетиладиган вагон қаерда?

— Ўнгдан учинчи. Юк вагони поезднинг бошида.

У кетди. Кўксига кичкина чироқ чайқалиб турипти. Худди ер остида, шахтада юрганга ўхшайди.

— Кўчамиз, Пат. Биллини бир амаллаб ёнингга олиб кираман. Юк вагонига топширмаймиз.

Ўзимга ухлаб кетиладиган вагонга чипта олмаган эдим. Бир кеча — минг кеча эмас. Бир бурчакда ўтиравераман. Қолаверса, унақа чипта жуда қиммат.

Юпп Патнинг чамадонларини ўша вагонга қўйган эди. Кичкина, шинам купеннинг қизил деворлари ярқирарди. Патнинг ўрни пастда эди. Проводникдан, тепадаги ўрин ҳам бандми, деб сўрадим.

— Ҳа, — деди у. — Франкфуртда йўловчи чиқади.

— Қачон етамиз у ерга?

— Икки яримда.

Унга чойга пул бердим. Проводник ўз хонасига кетди.

— Ярим соатдан кейин кучукни олиб, ёнингга келаман, — дедим Патга.

— Опкелолмайсан. Проводник кўриб қолади.

— Йўлини қиламан. Эшик очик турсин.

Орқага қайта туриб, проводникнинг ёнидан ўтдим, у менга ниқилиб қаради. Кейинги бекатда кучукни кўтариб, перронга тушдим, ухлаб кетиладиган вагоннинг охирига бориб кута бошладим. Проводник зинапоядан пастга тушиб, бош проводникка бир нималарни тушунтиришга киришди. Фурсатдан фойдаланиб, вагонга яна лип этиб чиқволдим. Ҳеч ким сезмади. Патнинг купесига кирдим. У оқ пахмоқ халатда очилиб-сочилиб ўтирар, кўзиари чақнарди.

— Худога шукур, ўзимни яхши сезяпман, Робби, — деди у.

— Хайрият. Чўзилиб, дамингни олмайсанми? Мен ёнингда утираман.

— Қайдам... — У тепадаги ўринга ишора қилди. — Бирдан эшик очилиб, йўлдан озган аёлларни қутқариш уюшмасининг вакили кириб қолса нима бўлади?

— Франкфуртгача ҳали анча бор, — дедим унга. — Ҳушёр утираман. Ухламайман.

Франкфуртга яқин қолганда ўз вагонимга ўтиб, дераза ёнига ўтирдиму жиндай мизғимоқчи бўлдим. Аммо Франкфуртда купега мўйлови тюленникига ўхшаган бир одам кириб келди, апилтапил чамадонини очиб, овқатланишга тушди. Очофатдай оғзини шунақа чапиллатардики, сира ухлаёлмадим. Тановвул бир соатча давом этди. Ниҳоят, у мўйловини артди-да, ўрнига таппа ташлаб, шунақа бир куйни бошлаб юбордики, умримда бунақасини эшитмаганман. Бу хуррак эмас, бўрининг увлашига ўхшаган нола, узуқ-узуқ хўрсиниш ва бетўхтов қулқуллашдан иборат ажабтовур бир куй эди. Унда на бир тартиб бор, на оҳанг. Хайрият, мўйлов соат беш яримда поезддан тушиб кетди.

Эрталаб кўзимни очсам, дераза орти оппоқ. Гупиллатиб лайлак қор ёғарди. Купе ичи ғира-шира. Поезд энди тоғ оралаб борарди. Соат тўққиз. Ювингани чиқдим. Қайтиб келсам, купеда Пат турипти. Ранг-рўйи тиниқ.

— Яхши ухладингми?

У бош силкиди.

— Тепадаги ўринга келган йўловчи ким экан?

— Ёшгина, бамаъни бир қиз. Хельга Гутман, у ҳам ўша санаторийга кетаётган экан.

— Ростданми?

— Ҳа, Робби. Лекин сен ухламабсан, сезилиб турипти. Яхшилаб нонушта қилишинг керак.

— Қаҳва, — дедим мен, — қаҳва билан озгина олча арағидан ичворсам бас.

Вагон-ресторанга бордик. Бирдан кўнглим равшан тортди. Кечаги ғашликдан асар ҳам қолмаганди.

Хельга Гутман аллақачон стол ёнида ўтирарди. У хушбичим, жанубликларга хос тийрак қиз эди.

— Тасодифни қаранг-а, — дедим мен, — битта санаторийга бораётган эканмиз.

— Тасодиф эмас, — жавоб берди у. — Бу пайтда барча кўчманчи қушлар ўша ёққа қараб учади. Рўпарадаги столни кўряпсизми? — Қиз вагоннинг бурчагига ишора қилди. — Бари ўша санаторийга кетяпти.

— Қаёқдан биласиз?

— Ўтган йили танишганмиз. У ёқда, тепада, ҳамма бир-бирини танийди.

Хизматчи қаҳва келтирди. Бир стакан олча арағидан ҳам буюрдим. Бир нарса ичмасам бўлмасди. Салдан кейин анча тетиклашдим. Ресторанда ўтирганларнинг аксарияти санаторийга кетяпти, баъзилари иккинчи марта, демак, бу саёҳат улар учун сайрга чиққандай гап. Ваҳима қилмасам ҳам бўларкан. Мана шу одамлар сингари Пат ҳам бир куни қайтади. У ёққа иккинчи марта бориш тўғрисида ҳозир ўйлаётганим йўқ. Санаторийдан қайтиб, яна бир йил яшаш мумкинлигини билволдим, шунинг ўзи кифоя. Бир йилгача худо пошшо. Ўтмиш бизни узоқни кўзламлиққа ўргатган.

Кечга яқин етиб келдик. Офтоб қор босган далаларда ярқирар, осмон шунақа мусаффо эдики, бунақа манзарани кўпдан буён кўрмагандик. Вокзалда одам гавжум. Кутиб олувчилар билан поезддан тушганлар қизгин сўрашишяпти. Хельга Гутманни хохолаб турган малла соч аёл билан оқ шим кийган икки эркак кутиб олди. Хельга, узоқ айрилиқдан сўнг қадрдон уйига қайтган кишидай, қаттиқ ҳаяжонда эди.

— Хайр, тепада кўришамиз! — қичқирди у бизга ва ҳамроҳлари билан чанага ўтирди.

Йўловчилар тез тарқалиб кетишди, кўп ўтмай перронда фақат иккаламиз қолдик. Ёнимизга ҳаммол келди.

— Қайси меҳмонхонага?

— «Ўрмон ороми» санаторийсига, — жавоб бердим мен.

У бош ирғаб, извошчини чақирди. Икковлари юкларни қўш отли ҳаворанг чанага юклашди. Оқ отларнинг бошларига олабула патдан жиға қадалган, уларнинг бурунларидан чиқаётган буғ чана олдини булутдай қоплаб олганди.

Ўтирдик.

— Юқорига осма йўлдан чиқасизларми ёки чанадами? — сўради извошчи.

— Чанада узоқ юриладими?

— Ярим соат.

— Унда чанада кетаверамиз.

Извошчи жиловни силкитди. Йўлга тушдик. Қишлоқдан чиққач, йўл буралиб тепага кўтариларди. Санаторий қишлоқдан анча баландда эди. Бу деразалари катта-катта, узун оппоқ бино эди. Бино тепасида байроқ ҳилпираб турарди. Касалхонага ўхшаган бир жой бўлса керак, деб ўйлагандим. Йўқ, санаторий кўпроқ меҳмонхонани эслатарди. Айниқса, биринчи қавати. Бу ерда камин ловиллаб турарди. Пастак столчаларга чой идишлари қўйилган.

Идорага кирдик. Кекса бир аёл Патга 79-хона ҳозирлаб қўйилганини айтди. Хизматчи юкларни олиб чиқиб кетди. Бир теча кунга менга ҳам жой топиладими, деб сўрадим. Аёл бош тайқади:

— Йўқ. Санаторийда ҳамма хона банд. Сиз қўшимча бинога жойлашишингиз мумкин.

— Қаерда у?

— Шу ерда, ёнма-ён.

— Майли, — рози бўлдим мен. — Битта хонани ажратинг, юкларимни ҳам ўша ерга олиб боришсин.

Шовқинсиз лифтда учинчи қаватга чиқдик. Бу ер ростдан ҳам касалхонага ўхшарди. Тўғри, анча шинам, лекин бари бир касалхонани эслатади. Йўлак ҳам, эшиклар ҳам оппоқ, ҳаммаёқ топ-тоза. Бизни катта ҳамшира қарши олди.

— Фрейлейн Хольманмисиз?

— Ҳа, — деди Пат. — 79-хона шекилли?

Ҳамшира бош силкиди-да, бизни бошлаб бориб, эшикни очди.

— Хонангиз мана шу.

Бу чоғроққина, ёп-ёруғ хона эди. Баланд деразага ботаётган қуёш шуъласи тушиб турипти. Столда қизил ва сариқ гуллар солинган гулдон. Дераза ортида қишлоқни тўшакдай қоплаган оппоқ қор кўзни қамаштиради.

— Қалай, сенга маъкулми? — сўрадим Патдан.

— Ёмонмас, — деди у бир оз сукутдан сўнг.

— Дўхтирга қачон учрашишим керак? — сўради Пат ҳамширадан.

— Эртага эрталаб. Бугун барвақтроқ ётинг, яхшилаб дамингизни олинг.

Пат пальтосини ечиб, оппоқ каравот устига ташлади. Деворга ҳарорат варақаси осилиб қўйилган.

— Хонада телефон борми? — сўрадим мен.

— Розетка бор, — деди ҳамшира. — Аппарат қўйса бўлади.

— Мен яна нима қилишим керак? — сўради Пат.

— Бугун ҳеч нарса. Кун тартибини эртага айтишади. Соат ўнда дўхтирга кирасиз. Ўзим опкираман.

— Раҳмат сизга, ҳамшира, — деди Пат.

Ҳамшира кетди. Хона бирдан жимжит бўлиб қолди. Пат дераза олдига бориб, ботаётган қуёшга қаради. Қонталаш бўлиб ётган осмон аксида унинг гавдаси қора шарпага ўхшарди.

— Чарчадингми?

У менга бурилди.

— Йўқ.

— Ҳорғин кўринасан, — дедим мен.

— Бошқача ҳорғинлик, Робби. Дарвоқе, ҳоришга ҳали улгурман.

— Кийинасанми? — сўрадим ундан. — Бирор соат айлашиб келсакмикин? Олдин пастга тушайлик-чи.

— Майли, — деди у, — қайтанга яхши бўлади.

Лифтда биринчи қаватга тушиб, столлардан бирининг ёнига ўтирдик. Сал ўтмай, Хельга Гутман дўстлари билан келиб қолди. Улар ҳам бизнинг столимиз атрофига ўтиришди. Хельганинг кайфи чоғ, тинчмай ҳазил-мутойиба қиларди. Мен Патнинг янги ташишлар орттирганидан хурсанд эдим. Бу ерда биринчи кунни ўтказиш қийин, холос.

XXII

Бир ҳафтадан сўнг шаҳарга қайтдим, вокзалдан тўппа-тўғри устахонага жўнадим. Кечки пайт эди. Ҳамон ёмғир қуярди. Тоққа кетганимизга бир йил бўлгандай эди назаримда.

Устахонада Кестер билан Ленц ўтиришган экан.

— Вақтида келдинг, — деди Готтфрид.

— Тинчликми?

— Олдин нафасини ростлаб олсин, — деди Кестер.

Ўтирдим.

— Патнинг соғлиғи қалай? — сўради Отто.

— Тузук. Нисбатан яхши. Айтинглар, нима гап ўзи?

Ҳамма гап ўзимиз судраб келган анови пачоқ мошина устида экан. Уни таъмирлаб, икки ҳафта бурун эгасига топширган эдик. Кеча Кестер пулни олгани борипти. Маълум бўлишича, мошина эгаси синган, унинг бошқа буюмлари қатори мошина ҳам кимошди савдосига қўйилган.

— Ваҳима қиладиган жойи йўқ, — дедим мен. — Суғурта идорасига мурожаат қиламиз.

— Биз ҳам шуни ўйлагандик, — жавоб берди Ленц. — Аксига олиб, мошина суғурта қилинмаган экан.

— Оббо! Ростданми, Отто?

Кестер бош силкиди.

— Бугун билдим.

— Бировга яхшилик қилсанг шу-да. Тагин ўша пачоқ тоғорани деб, муштлашиб юрибмиз, — тўнғиллади Ленц. — Тўрт минг марканинг ҳиди келиб турувди-я!

— Ким билиб ўтирипти? — дедим мен.

Ленц хохолаб кулди.

— Роса чув тушдик-ку!

— Бу ёғи нима бўлади, Отто?

— Аукцион хўжайинига эътирознома ёздим. Лекин бир иш чиқишига қўзим етмаяпти.

— Устахонани ёпишга тўғри келади. Бошқа иложимиз йўқ — деди Ленц. — Бусиз ҳам молия бошқармаси солиқ тўламаганимиз учун тишини қайраб турипти.

— Шунақага ўхшайди, — деди Кестер.

Ленц ўрнидан турди.

— Аскар оғир вазиятларда совуққон ва бардошли бўлиши керак. — У жавондан коньяк шишасини олди.

— Бунақа коньякдан сўнг одам ҳатто ботир бўлиб кетади, — дедим мен. — Охирги шиша бўлса керак ўзиям.

— Ботирлик, бўталоғим, фавқуллода ҳолатларда асқотади, деди Ленц. — Аммо биз тушкунлик даврида яшайпмиз. Бундай лароитда фақат ҳазил-мутуйиба жонга ора киради. — У қадаҳини бўшатди. — Ана, энди жафокаш тақсимизга ўтириб, озгина юйчақа ишлайман.

У қоп-қоронғи ҳовли четида турган таксига ўтирди-да, жўнаб кетди. Кестер иккаламиз яна бир оз гурунглашдик.

— Ҳайрон бўп қолдим, Отто, — дедим унга. — Кейинги пайтларда омад биздан юз ўғирди.

— Ўзимни керагидан ортиқ ўйламасликка ўргатганман, — жавоб берди Кестер. — Тоғлар қалай?

— Агар сил касали билан оғриган беморларни демаса, нақд жаннатнинг ўзи. Оппоқ қор ва чарақлаган офтоб.

Кестер бошини кўтарди.

— Қор ва офтоб. Файритабий туюлади, тўғримасми?

— Ҳа. Файритабий. У ёқда, юқорида, ҳамма нарса гайритабий.

— Ҳозир нима қилмоқчисан?

Елкамни қисдим.

— Олдин чамадонимни уйга олиб боришим керак.

— Мени бир соатлик ишим бор. Қаҳвахонага келасанми?

— Албатта. Бошқа нима ҳам қилардим.

Вокзалдан чамадонимни олиб, уйга келдим. Хонамга беби-лиска кирволишимга ҳаракат қилдим — биров билан гаплашишни хоҳламасдим. Фрау Залевски ҳам пайқамай қолди. Хонада бир оз ўтирдим. Столда хат ва газеталар ётарди. Конвертларда нуқул реклама эълонлари. Менга кимдан ҳам хат келарди? «Энди Пат ўзиб турса керак», — ўйладим ичимда.

Кейин ювиниб, кийимларимни алмаштирдим. Чамадонга тегадим — қайтганимдан сўнг эрмак қиламан. Йўлакдан оёқ учиди юриб, кўчага чиққандан кейингина енгил тин олдим.

«Интернациональ» га қараб кетдим. Эшик олдида Алоисга дуч келдим. У менга таъзим қилди.

— Хайрият, унутмабсиз.

— Албатта. От айланиб қозигини топади-да.

Роза дугоналари билан каттакон стол ёнида ўтирарди. Ҳамма жамулжам: биринчи ва иккинчи «ов» оралиғидаги танаффус эди.

— Ёпирай, Робертмисан?! — хитоб қилди Роза. — Қайси шамол учирди?

— Сўрама, — дедим унга. — Энг муҳими, яна шу ердан.

— Энди тез-тез келиб турасанми?

— Эҳтимол.
— Хафа бўлма. Ҳаммаси жойига тушиб кетади.
— Тўғри, — дедим мен. — Дунёдаги энг ишончли ҳақиқат мана шу.

— Рост, Лилли ҳам бу гапингни тасдиқласа керак.
— Лилли? — Розанинг ёнида ўтирганини энди кўрибман. — Нима қилиб ўтирибсан бу ерда? Турмушга чиқувдинг-ку, сен водопровод лаш-лушлари сотиладиган дўконда ўтиришинг керак эди-ку.

Лилли индамади.

— Дўкон эмиш! — заҳарханда қилди Роза. — Пули борлигида ҳамма ҳам азиз. Лилли ёш эди, чиройли эди шунинг учун ўтмишининг у қадар аҳамияти йўқ эди. Аммо бу бахт ярим йилга чўзилди, холос! Эри бунинг бор пулини сарфлаб, бойвачча бўлиб олганидан кейин Лилли «пуф, сассиқ»қа чиқди-қолди — нима эмиш: фоҳиша унга муносиб хотинмасмиш! — Розанинг ғазаби қайнаб кетди. — Унинг кимлигини билмаганмиш. Мана, энди, билганидан сўнг, у билан яшай олмасмиш. Ажралиш ҳақида судга ариза берипти. Шунча пул қулоғини ушлаб кетди-ку.

— Қанча эди?

— Тўрт минг марка! Ҳазилакам пул эмас! Шунча пулни топиш учун қанча тўнғиз билан ётиб чиққанини биласанми?

— Тўрт минг марка! — дедим мен. — Яна тўрт минг марка. Бехосият чиқиб қолди-да шу рақам.

Роза менга ҳайрон бўлиб қаради.

— Ундан кўра, бизга куй чалиб бер, — деди Роза. — Сал кўнгил чигили ёзилсин.

— Бўпти, яна учрашганимиз шарафига чалсам чала қолай.

Пианино ёнига ўтириб, ўша пайтда урф бўлган рақс куйларидан чала бошладим. Бармоқларим клавишда-ю, ҳаёлим Патда: санаторийга тўлаш учун пули январнинг охиригача етади, холос. Демак, мен илгаригидан ҳам кўпроқ пул ишлашим керак. Қўлларим пианино устида беихтиёр у ёқдан-бу ёққа бориб келар, Роза диванда ўтириб, мириқиб тингларди. Мен ундан ва умидсизликка тушиб, ҳаётдан буткул кўнгли қолган Лиллидан кўз узмасдим. Унинг чеҳраси мурданикидан фарқ қилмасди.

Бирдан қийқириқ эшитилди. Ҳаёлим жойига келди. Роза ўрнидан сапчиб туриб кетди. Бояги паришон ҳолатидан асар ҳам қолмаганди. У стол олдида кўзларини чақчайтириб турар, шляпаси қийшайиб кетган, ағдарилган идишдан столга тўкилган қаҳва эчиқ сумкачасига чакиллаб томар, аммо у буни сезмасди.

— Артур! — Розанинг овози аранг чиқди. — Артур, ўзингмисан?

Чалишдан тўхтадим. Қаҳвахонага дегча нусха қалпоғини қаншарига кўндирган пирпирак бир нусха кириб келди. Юзи захил, бурни тошбақадай, калласи сапчага ўхшайди.

- Артур, — деди яна Роза. — Наҳотки сен бўлсанг?
- Мен-да. Ким бўларди? — тўнғиллади Артур.
- Тавба, қаждан пайдо бўлиб қолдинг?
- Қаждан бўларди? Эшиқдан кириб келдим.

Гарчи Артур узоқ айрилиқдан сўнг қайтган бўлса ҳам хотини-на совоқ муомала қиларди. Унга синчиклаб разм солдим. Розанинг афсонавий авлиёси, қизининг отаси мана шу кимса эканлиги. Худди ҳозиргина турмадан чиқиб келганга ўхшайди. Унда Розани эс-ҳушидан жудо қилган бирон-бир аломатни кўрмадим. Балки бутун сир шундадир. Эркакларни ипидан-игнасигача биладиган тош-метин аёл зоти нималарга маҳлиё бўлмайди-я.

Артур Розанинг олдида турган стакан тўла пивони сўрамасдан шартта кўтариб, ичиб юборди. Ҳар ютинганда ингичка бўйнидаги кекирдаги пастдан-юқорига ликиллаб чиқиб-тушарди. Роза уни энтиқиб кузатарди.

— Яна ичасанми?

— Албатта, — деди у. — Кўпроқ келтирсин!

— Алоис! — қичқирди Роза пештахта томонга қараб. — У яна шиво ичмоқчи!

— Кўриб турибман, — Алоис лоқайд бир қиёфада шундай деб, стаканни тўлдирди.

— Артур, жажжи Эльвирани ҳали кўрганинг йўқ, а?

— Менга қара! — Артур келганидан буён энди сергак тортди.

Худди ўзини ҳимоя этгандай, иккала қўлини кўксига қалқон қилди. — Болани орага суқма! Менга алоқаси йўқ! Бу ҳаромзодали ийқот, деб ўшанда айтганман сенга. Ўзим бўлганимда-ку... — Унинг қовоғи солинди. — Энди озмунча пул керакми?!

— Ваҳима қилма, Артур. Қиз бола-ку.

— Нима қипти? Қиз болага пул сарф бўлмайдими? — У иккинчи стакандаги пивони ҳам бўшатди. — Балки асраб оладиган бирорта тентак бойвуччани топармиз. Катта пулга берамиз, албатта. Бошқа иложи йўқ.

Кейин бирдан гапни бошқа ёққа бурди:

— Ёнингда пулинг борми?

Роза шоша-пиша қаҳва тўкилган сумкачасини олди.

— Атиги беш марка, Артур, келишингни билганим йўқ-да, уйда бор.

Артур пулни султонларга хос ҳаракат билан нимчасининг чўнтагига солди.

— Кетингни диванга ишқаб ўтираверсанг, пул осмондан тушадими? — тўнғиллади у зарда билан.

— Ҳозир бораман, Артур. Овқат пайти тугасин. Барибир кўчала одам йўқ.

— Эчкининг қумалоғи ҳам гўнг, — деди Артур.

— Ҳозир, ҳозир...

— Бўпти... — Артур ўрнидан турди. — Соат ўн иккиларда яна кираман.

У жилпанглаб ташқарига қараб юрди. Роза орқасидан суқла-
ниб қараб қолди. Артур чиқиб кетди, эшик очиқ қолди.

— Ҳайвон! — деди Алоис.

Роза бизга гурур билан кўз ташлади.

— Зўр йигит, а? Унга панд бериш қийин. Қизик, шунча
пайтгача қаерда юрдийкин?

— Кўрмайсанми, башарасидан? — деди Валли. — Ишончли
жойда бўлган. Зўр йигит эмиш! Ҳе, ўргилдим!

— Сен уни билмайсан.

— Жудаям яхши биламан, — жавоб берди Валли.

— Йўқ, билмайсан. — Роза ўрнидан турди. — Ҳақиқий эркак
у! Унақа-бунақа мижғовлардан эмас. Бўпти, мен кетдим. Омон
бўлинглар.

Кутилмаган учрашувдан ёшариб, руҳи кўтарилган Роза ор-
қасини ўйнатиб қаҳвахонадан чиқиб кетди. Унга яна бунинг пу-
лига ичиб, шукронасига дўппослаб турадиган одам топилди. Роза
бахтиёр эди.

Ярим соатдан кейин бошқалар ҳам кетишди. Фақат Лилли
ўрнидан кўзғалмасди. Афти ҳамон ўша-ўша — қонсиз, ифодасиз.

Яна бир оз пианинони тинғиллатиб ўтирдим, сўнг бутерброд
еб, қаҳвахонадан чиқиб кетдим. Лилли билан ортиқ ёлғиз қолиб
бўлмасди.

Шилта, қоронғи кўчаларда анча маҳалгача айланиб юрдим.
Қабристон ёнида Кутқариш Армиясининг бўлинмаси саф торт-
ган. Улар пуфлаб чалинадиган чолғулар жўрлигида муқаддас Куд-
дус ҳақидаги кўшиқни айтишарди. Беихтиёр тўхтаб, кулоқ сола
бошладим. Бирдан Патсиз яшай олмаслигимни ҳис этдим. Совуқ
қабр тошларига тикилганча ўйга толдим: бир йил олдин буткул
ёлғиз эдим, чунки унда Патни танимасдим. Энди эса ёнимда Пат
бор, гарчи ҳозир олисда бўлса ҳам... Аммо бу хаёллардан кўнглим
таскин топмади — баттар бетоқат бўлавердим. Туриб-туриб, уйга
бир кириб ўтмоқчи бўлдим, балки Патдан хат келгандир. Бироқ
бу ҳам хомхаёл эди: ўзи кечагина кетди-ю, дарров хат ёзармиди!
Бари бир иккинчи қаватга, хонамга кўтарилдим.

Қайтишда Орловга дуч келдим. Тугмалари ечиқ пальтоси ос-
тидан қора мовут костюми кўриниб турарди. У рақс тушадиган-
ларга шерикликка ёлланиш мақсадида меҳмонхонага кетаётган
экан. Фрау Хасседан дарак бор-йўқлигини суриштирдим.

— Йўқ, — деди у. — Бу ерга келгани йўқ. Полицияга ҳам бор-
мапти. Майли, қорасини кўрсатмасин. Кимнинг кўзи учиб турип-
ти...

Биргалашиб кетдик. Муюлишда кўмир ортилган юк машина-
си турарди. Шофёр капотни кўтариб қўйиб, моторни титкиларди.
Кейин кабинага ўтирди. Мошинага яқинлашганимизда у мотор-
ни ўт олдириб, тезликка солмасдан газни қаттиқ босди. Орлов
сесканиб кетди. Ҳайрон бўлиб қарадим. Ранги доканинг ўзи.

— Мазангиз қочдими?

У аранг жилмайиб, бош чайқади.

— Йўқ. Мошинанинг шовқинидан баъзан чўчиб кетаман. Россияда отамни отаётган пайтларида ўқ овози эшитилмаслиги учун юк мошинасининг моторини юргизиб қўйишган. Лекин биз бари бир эшитганмиз. — У узр сўрагандай, яна жилмайди. — Онамга навбат келганда, бундай қилиб ўтиришмаган. Эрта тонгда ертўлада отиб ташлашган. Укам иккаламиз қочганмиз. Озгина бриллиантимиз бор эди. Укам йўлда совуқдан ўлди.

— Ота-онангизни нима учун отишган? — сўрадим ундан.

— Отам урушга қадар исённи бостиришда иштирок этган казаклар полкининг командири эди. У қисмати шундай бўлишини олдиндан билган, парво ҳам қилмаган. Аммо онам бошқача фикрда эди.

— Сиз-чи?

У маъносиз қўл силкиди.

— Э-э, ўшандан бери қанча воқеалар ўтмади дейсиз...

— Тўғри, — дедим мен, — ҳамма гап шунда-да. Инсоннинг ақли бовар қилмайдиган воқеалар юз берди.

Меҳмонхонага етиб келдик. Эшик олдида буюик тўхтади. Ундан бир аёл чиқиб, Орловни кўрдию оғзининг таноби қочиб, унга томон кела бошлади. Башанг кийинган, дуркун, қирқ ёшлардаги малла соч аёл эди. Туриш-турмушидан ғам-ташвиш нималигини биладиган жувонга ўхшамайди.

— Узр, — деди Орлов менга маъноли кўз ташлаб, — тирикчилик...

У аёлга таъзим қилиб, қўлини ўпди.

Қаҳвахонада Валентин, Кестер, Ленц ва Фердинанд Грау ўтиришарди. Даврага қўшилиб, ўзимга яримта ром буюрдим.

Диваннинг бир четига паҳлавон келбатли, юзи ҳорғин, аммо мовий кўзлари жонсарак Фердинанд ястанволган. У олдидаги арақни ичиб бўпти.

— Хўш, укагинам Робби, — деди у елкамга қоқиб. — Ишларинг қалай?

— Бир нави, Фердинанд, — жавоб бердим мен, — ҳамма бало шунда-да.

— Бир нави? — У менга тикилиб қаради. — Бир нави, дегин? Яъни, пачава, демоқчисан-да! Майли, пачавада ҳам гап кўп! Пачава бу — кўзгу, бутун дунё акс этиб турган кўзгу.

— Офарин! — хитоб қилди Ленц. — Теша тегмаган гап қилдинг, Фердинанд!

— Сен жим ўтир, Готтфрид! — У гумбаздай бошини Ленц гомон бурди. — Сенга ўхшаган саргузашт ишқибозлари — ҳаётнинг сиртида сакраб юрадиган ўпкаси йўқ ҳакалакнинг айнан ўзи. Сендақалар ҳаётни сохта идрок этишади, улар учун ҳамма нарса ҳайратомуз кўринади. Сен пачава нималигини тушунар-мидинг, енгилтак махлуқ!

— Бундан кейин ҳам енгилтак бўлиб қолиш даражасида тушунаман, — деди Ленц. — Баъмани одамлар сен айтган ўша пачавани ҳурмат қилишади, Фердинанд. Каламушга ўхшаб ковлаштириб юришмайди.

Грау унга қараб, бақрайиб қолди.

— Сенинг соғлигингга! — деди Готтфрид.

— Омон бўл! — деди Фердинанд ҳам. — Омадингни берсин, пўкаквой!

Улар бараварига қадаҳларини бўшатишди.

— Мен ҳам жон деб пўкакликка рози бўлардим, — шундай деб, қадаҳни кўтардим. — Қанийди, асло хато қилмайдиган ва шу тариқа нуқул ошиғи олчи турадиган пўкакка айланиб қолсам. Вақтинча бўлса ҳам майли эди!

— Куфр кетма! — Фердинанд ўзини орқага ташлаган эди, диван суянчиғи гичирлаб кетди. — Қочмоқчимисан? Қавмингга хиёнат қилмоқчимисан?

— Йўқ, — дедим мен, — ҳеч кимга хиёнат қилмоқчи эмасман. Лекин ишимиз нуқул орқага кетишини ҳам хохламайман-да.

Фердинанд олдинга энгашди, бир лаҳзада қаҳр чулғаган кетмондай юзи титраб кетди.

— Сен шунинг учун ҳам битта қавмга — омадсизлар ва уқувсизлар қавмига мансубсан-да, жигарим. Бу қавмнинг қисмати ушалмаган орзулар, туганмас армон, кслажаги йўқ муҳаббат ва бешафқат чорасизликдан иборат. — У жилмайди. — Сен шундай бир сирли қавмга мансубсанки, бу қавмга дахлдор кишилар мансабга интилишдан кўра ўлимни афзал билишади. Улар азоб чекишади, қийма-қийма бўлиб кетишади, ёруғ дунё билан видолашишади, аммо ширин турмуш кетидан қувиб, беқиёс тимсолни ўзгартиришга ёки уни унутишга журъат этишмайди — бу тимсол, жигарим, уларнинг қалбига муҳрланган, ер юзида ҳали яланғоч ҳаёт ва яланғоч ўлимдан бўлак ҳеч нарса бўлмаган дақиқалар, кунлар ва тунларда уларнинг дилига абадулабад ўрнашиб қолган. — У қадаҳини кўтариб, пештахта олдида турган Фредга юзланди.

— Ичадиган нарса опке.

Фред шиша кўтариб келди.

— Патефон қўйиғлиқ тураверсинми? — сўради у.

— Йўқ, — деди Ленц. — Патефонингни йиғиштир, катта бокаллардан келтир. Чироқни пасайтир, столга уч-тўрт шиша ичимлик қўйгин-да, хужрангга кириб ухлайвер.

Фред тепадаги чироқни ўчирди. Қалпоғи эски жуғрофий хариталардан ясалган лампочкаларгина ёқиғлиқ қолди. Ленц бокалларни тўлдирди.

— Ичамиз, йигитлар! Тирик юрганимиз, нафас олаётганимиз учун ичамиз! Ахир ҳаётнинг лаззатини бутун вужудимиз билан ҳис этамиз-ку! Ҳатто бу ҳаётни нима қилишни ҳам билмаймиз.

Ҳақ гап, — деди Фердинанд. — Фақат бахтсизларгина бахтнинг нималигини билишади. Бахтли одам ҳаёт қувончини кўтирчоқ қаби туяди: у бу қувончни кўз-кўз қилади, холос, аслида бундан бебаҳра. Ёруғ пайтда чироқнинг нури кўринмайди. У қоронғида кўринади. Қоронғилик учун ичамиз! Умрида бир марта бўлса ҳам момақалдироқда қолган одамга электрнинг нималигини тушунтиришга ҳожат йўқ. Минг лаънат момақалди-роққа! Бизга насиб этган жиндайгина нур омон бўлсин! Биз уни шунақа севамикки, фойда ҳисобига гаровга қўёлмаймиз! Яшаш керак — эртага худо пошшо! Бундан ўн минг ёруғлик йили муқалдам парчаланиб кетган юлдузлар борки, улар ҳамон нур таратиб туради! Вақт борида ичиб қолинглар! Яшасин бахтсизлик! Яшасин зулмат!

У бокалига тўлдириб коньяк қуйди-да, бир кўтаришда ичиб юборди.

Ромдан бошим ғувулларди. Аста туриб, Фреднинг хонасига кирдим. Ухлаб ётган экан. Уйғотиб, телефонга санаторийни улаб беришни сўрадим.

— Ҳозир, — деди у. — Бунақа пайтда тезгина улашади.

Беш минутдан кейин телефон жиринглади. Гўшакни кўтардим. Санаторий.

— Фрейлейн Хольман билан гаплашмоқчи эдим.

— Сабр қилинг, ҳозир навбатчига улайман.

Менга катта ҳамшира жавоб қайтарди:

— Фрейлейн Хольман ухлаб қолди.

— Хонасида телефон йўқми?

— Йўқ.

— Уйғотолмайсизми?

— Йўқ. Бугун у ўрнидан турмаслиги керак, — деди ҳамшира шундай сукутдан сўнг.

— Тинчликми?

— Тинчлик. Дастлабки кунлари камроқ ҳаракат қилиши керак.

— Хотиржам бўлаверайми?

— Албатта. Бошда ўзи шунақа бўлади. Тўшакда ётиб, вазиятга аста-секин кўникиши зарур.

Гўшакни қўйдим.

— Бемаҳалда кўнғироқ қилдингиз-да, — деди Фред.

— Нега бемаҳал бўларкан?

У соатини кўрсатди.

— Ўн иккига яқинлашиб қолди.

— Э, шунақами? Чакки қипман-да.

Жойимга қайтиб бориб, яна ичдим.

Соат иккида тарқалишдик. Ленц Валентин билан Фердинандни олиб, таксида кетди.

— Ўтир, — деди Кестер «Карл»нинг моторини ўт олдириб.

- Уйим бир қадам, Отто. Яёв кета қоламан.
- Ўтир. Шаҳар ташқарисига чиқамиз.
- Майли.
- Рулга ўтир, — деди Кестер.
- Жиннимисан, Отто. Кайфим баланд.
- Ўтиравер. Ўзим жавоб бераман.
- Ихтиёринг... — шундай деб, рулга ўтирдим.

Мотор гувуллар, руль титрарди. Кўчалар чайқалар, бинолар тебранар, ёмғирда қолган кўча чироқлари қийшайиб турарди.

— Йўқ, Отто, ҳайдолмайман, — дедим мен. — Бир жойга урволаман.

— Урсанг, уравер.

Ҳайрон бўлиб қарадим. Бир туки ўзгармади. Нигоҳи тўғрига, йўлга қадалган. Ўриндик суюнчиғига елкамни тираб, рулни маҳкамроқ ушладим. Аста-секин кўча аниқроқ кўрина бошлади.

— Қаёққа, Отто?

— Ҳайдайвер.

Шаҳардан чиқиб, тўғри йўлга тушиб олдик.

— Катта чироқларни ёқ, — деди Кестер.

Қорамтир асфальт ялтирарди. Ёмғир тина бошлаган, аммо томчилар юзимга дўлдек уриларди. Шамол ғувуллайди. Ўрмон тепасида булут лахтаклари осилиб турипти. Бошимни айлантираётган сархушлик тумани тарқаб кетди. Мотор уввоси қўлларим, бутун вужудимга титроқ бўлиб киярпти. Мошинанинг қудратини ҳис этиб турибман. «Карл» ўқдай учиб борарди. Газни қаттиқроқ босдим.

— Бос, бос, — деди Кестер.

Ғилдираклар чийилларди. Дарахт ва симёғочлар лип-лип ўтиб турибди. Қандайдир қишлоқ гулдураганча орқада қолиб кетди. Кайфдан асар ҳам қолмаганди.

— Босавер, — деди яна Кестер.

— Қўйсанг-чи. Йўл нам.

— Қўрқма. Муюлишларда учинчи тезликка сол, лекин газни камайтирма.

Мотор баттар ўкирди. Шамол юзимга қуюндек урилди. Бошимни ойна панасига олдим. Шунда мотор шовқинига сингиб кетгандай бўлдим, машина билан вужудим яхлит бир нарсага айланиб, оёғим остидаги бетон йўлни, ғилдиракларни, тезликни янада равшанроқ ҳис эта бошладим. Бирдан миям тиниқлашди. Тун увиллаб ва чийиллаб, танамдаги жамики ортиқча нарсаларни суғуриб олаётганди. Лабларим маҳкам қимтилган, бармоқларим рулга қапишиб қолганди, мен буткул ҳаракатга, даҳшатли тезликка айланиб, ўзимни унутгандим, айни пайтда, ниҳоятда хушёр эдим.

Қандайдир муюлишда орқа ғилдираклар сурилиб кетди. Рулни икки-уч марта тескари томонга буриб, газни босдим. Бир лаҳзага мувозанат йўқолиб, бўшлиқда осилиб қолгандай бўлдик, кейин ғилдираклар яна қаттиқ ерга тирмашди.

— Яхши, — деди Кестер.

— Ҳўл япроқлар, — изоҳ бердим мен. Баданимдан энгил мавж сирғалиб ўтди, бирдан энгил тортдим, хавф ариганда шундай бўлади ўзи.

Кестер бош ирғаб қўйди.

— Кузда ўрмон йўлларида юриш мушкул. Чекасанми?

— Майли, — дедим мен.

Тўхтаб, сигарета тутатдик.

— Энди орқага қайтамиз, — деди Кестер.

Шаҳарга қайтиб келгач, мошинадан тушдим.

— Сайр қилганимиз яхши бўлди, Отто. Ўзимга кеп қолдим.

— Келаси сафар сермуолиш йўлда юришнинг бошқа усулини ўргатаман. Рулни кескин буриб, бараварига тормозни босасан. Йўл қуруқ бўлса, албатта.

— Бўпти, Отто. Яхши ётиб тур.

— Омон бўл, Робби.

«Карл» жўнаб кетди. Уйга кирдим. Роса толиққан, аммо хоғиржам эдим. Кўнглимдаги ғашлик тарқагани.

XXIII

Ноябрнинг бошларида ситроенни сотдик. Унинг пулига маълум муддат устахонани ишлатиб турса бўларди, аммо аҳволимиз ҳафта сайин оғирлашиб борарди. Қиш кириб, аксарият автомобиль эгалари бензин ва солиқдан тежаш мақсадида мошиналарини гаражга қантариб қўйишди. Таъмир ишлари камайиб кетди. Тўғри, таксидан тушган пулга бир амаллаб кун кўраётгандик, бироқ бу пул уч кишига етмасди, бинобарин, «Интернациональ» наси декабрдан бошлаб қаҳвахонада кечқурунлари яна пианино чалишни таклиф қилганида, рости, жуда хурсанд бўлдим. Кейинги пайтларда унинг иши юришиб кетгани: бўрдоқчилар уюшмаси ўзининг ҳафталик йиғинини «Интернациональ»нинг орқа томонидаги хоналаридан бирида ўткази бошлади, унга жаллоблар уюшмаси билан «Жамият манфаати йўлида мурдани куйдириш учун кураш жамияти» қўшилди. Энди таксини Ленц билан Кестерга қолдиришим мумкин эди, қайтанга менга шуниси маъқул, чунки кечқурунлари баъзан ўзимни қўйгани жой тополмасдим.

Пат мунтазам хат ёзиб турарди. Мактубларини кутардим-у, аммо унинг қандай яшаётганини тасаввур қилолмасдим, гоҳида, декабрнинг рутубатли ва серёғин кунларида, ҳатто пешинда ҳам ҳаво ёришмайдиган диққинафас онларда ҳаёл мени минг қўйга соларди: тамом, дердим, Пат аллақачон мени тарк этди, бари тугади, деб ўйлардим. Назаримда, ажралишганимизга минг йил бўлгандай, у энди ҳеч қачон қайтиб келмайдигандай туюларди. Сўнг юракни эзидиган, узундан-узоқ, соғинчга тўла тунлар бошланарди, шунда бошқа чорам қолмасди — фоҳишалар

ва бўрдоқичилар даврасига қўшилволиб, сурункасига майхўрлик қилардим.

«Интернациональ» эгаси Рождество арафасида қаҳвахонани беркитмасликка рухсат олди. Барча уюшмаларнинг сўққабошлари бир ёқадан бош чиқазиб, катта зиёфат уюштирмоқчи бўлишди. Бўрдоқичилар уюшмасининг раиси, чўчкафуруш Стефан Григоляйт зиёфатга иккита чўчка боласи билан анча-мунча гўшт ҳадея этди. Икки йил бурун хотини ўлиб, сўппайиб қолганди. Ўзи юмшоқ табиат, киришимли одам эди, шунинг учун ҳам байрамни яхшилаб нишонлашга аҳд қилганди.

Қаҳвахона хўжайини тўрт метрли арча топиб келди. Уни пештахта ёнига ўрнатишди. Саришталикда устаси фаранг ва тантаналарга суяги йўқ Роза арчани ясатишга киришди. Унга Марион билан Кики ёрдам беришди. Кики ҳам табиатига кўра гўзалликни ҳис қиладиганлар тоифасидан. Улар арчага сон-саноксиз рангбаранг пуфаклар, шамлар ва зарҳал ўйинчоқларни илишди. Пировардида арча кўзни қамаштирадиган қиёфага кирди. Григоляйтга алоҳида ҳурмат белгиси сифатида шохчаларга ҳамирдан ясалган пуштиранг чўчкалар ҳам осиб қўйилганди.

Тушдан кейин уйқуга ташлаб, анча кеч уйғондим. Кўзимни очиб, дабдурустдан тунми, тонгми — англаёлмай қолдим. Фалати тушлар кўрдим, аммо бирортасини ҳам эслолмадим. Туш мени олисларга олиб кетган эди, орқамдан қора эшик ёпилганини эшитгандай ҳам бўлдим. Шу пайт қулоғимга тикиллаган овоз чалинди.

— Ким у?

— Мен, жаноб Локамп.

Фрау Залевскининг товушини дарров танидим.

— Кираверинг, эшик очиқ.

Эшик ғийчиллаб, йўлакдан тушиб турган сарғиш нур ёруғида фрау Залевскининг гавдаси кўринди.

— Фрау Хассе келди, — пичирлади у. — Тезроқ юринг. Ўзингиз бир нима денг.

Қимирламадим. Эс-хушимни бир жойга тўплаб олишим керак эди.

— Полицияга жўнатиинг, — дедим бир оз ўйлаб туриб.

— Жаноб Локамп! — Фрау Залевски бармоқларини қисирлатди. — Сиздан бошқа ҳеч ким йўқ. Ёрдам беринг. Христиансизку, ахир.

У йўлак билан хона оралиғида рақсга тушаётган қора шарпага ўхшарди.

— Қўйсангиз-чи, — дедим унга энсам қотиб. — Ҳозир бораман.

Кийиниб, ташқарига чиқдим. Фрау Залевски мени йўлакда кутиб турарди.

— Воқсадан хабари борми? — сўрадим ундан.

Аёл бош чайқаб, рўмолчасини лабига босди.

Қани у?

Олдинги хонасида.

Ошхона олдида ҳаяжондан терлаб кетган Фрида турарди.

Бошида туяқушнинг пати қадалган шляпа, бриллиант тўғнағич, — шивирлади Фрида.

Қараб туринг, манови тентак қулоқ солмасин, — дедим Фрау Залевскига ва хонага кирдим.

Фрау Хассе дераза олдида турарди. Қадам шарпасини эшитиб, ўгирилиб қаради. Афтидан, бошқа одамни кутаётган шеклини. Қанчалик бемаъни бўлмасин, энг аввал беихтиёр туяқушнинг пати қадалган шляпа билан тўғнағичга эътибор бердим. Фрида тўғри айтган экан: шляпа антиқа эди. Тўғнағич одмироқ. У қандий яхши яшаётганини кўз-кўз қилиш ниятида ўзига ҳаддан ташқари оро берган эди. Ростдан ҳам афт-ангори ёмон эмас, ҳар ҳолда, илгаригидан яхши.

— Хассе арафада ҳам ишлаётган экан-да? — сўради у истехзо билан.

— Йўқ, — дедим мен.

— Қани бўлмаса? Таътилдами?

У жилпанглаб ёнимга келди. Димоғимга атир-упа ҳиди урилди.

— Ундан яна нима керак сизга? — сўрадим мен.

— Нарсаларимни олишим керак. Ора очиқ қилмоқчиман. Ҳар ҳолда бу ерда менга тегишли буюмлар ҳам бор.

— Ора очиқ қилиш шарт эмас, — дедим унга. — Хонадаги ҳимма нарса сизники.

У менга гарангсиб қаради.

— Хассе ўлди.

Бу гапни бошқачароқ тарзда айтишим ҳам мумкин эди. Шошмасдан, ётиғи билан. Аммо ҳали уйқум яхши тарқамгани учун тилимга келгани шу бўлди.

Фрау Хассе хона ўртасида турарди, бу гапимни эшитиб, гупна ағдарилса керак, деб ўйлагандим. Ўлай агар, бошқа нарса хаёлимга келмагани.

Аммо у йиқилмади. Кўзимга тик қараб тураверди. Фақат серқашам шляпасидаги патлар хиёл титрарди.

— Шунақа денг... — деди у бир оздан сўнг, — шунақа денг...

Бирдан — нима бўлаётганини дарров идрок қилолмадим — башанг кийинган, упа-эликка беланган бу аёл кўз ўнгимда қарий бошлади, гўё вақт ёмғири бошига челақлаб қуйилиб, ҳар бир лақиқа йилларга айланаётганди. Бояги таранглик йўқолди, даб-лаба сўнди, юзи бужмайди. Ажинлар чувалчанг янглиғ сиртига ўрмалаб чиқди. Гўё бир нарсани синдириб қўйишдан қўрққандай, стул суянчиғини пайпаслаб топиб, базўр ўтирганида рўпарамда бутунлай бошқа — ҳориган, кўнгли вайрон, кекса бир аёл турарди.

— Нимадан ўлди? — сўради у лабларини аранг қимирлатиб.

— Тўсатдан шунақа бўп қолди.

Гапим қулоғига кирмади, у қўлларига тикилиб олганди.

— Энди нима қиламан? — гўлдиради у. — Энди нима қиламан?

Бир оз жим турдим. Кайфиятим бузилган эди.

— Дардлашадиган одамингиз бордир, ахир, — дедим ниҳоят.— Кетганингиз маъқул. Бу ерда яшамоқчи эмасдингиз-ку...

— Энди ҳаммаси чаппасига кетди, — деди у бошини кўтармай. — Нима кўргилик бу?

— Бирортаси кутаётгандир, ахир. Ўшанинг олдига бориб, маслаҳатлашинг. Байрамдан кейин полицияга учрашинг. Барча ҳужжатларингиз, банк чеклари ўша ерда. Албатта, учрашинг. Кейин банкдан пул олишингиз мумкин бўлади.

— Пул денг, — гўлдиради у яна. — Қанча экан?

— Кўп. Бир минг икки юз маркага яқин.

Фрау Хассе бошини кўтарди. Бирдан кўзларида қаҳр ифодаси пайдо бўлди.

— Йўқ! — деб қичқирди у. — Ёлғон!

Индамадим.

— Ёлғон денг, — пичирлади у. — Ёлғон. Балки мендан яшириб, қора кунига асраб юргандир?

У ўрнидан турди. Тўсатдан кескин ўзгариб кетди. Шитоб билан ёнимга келди.

— Ҳа, тўғри. — деди у тишларини гичирлатиб, — сезиб турибман, ҳақ гап! Вой, ярамас-ей! Вой, ғаламис-ей! Мени шу ишни қилишга мажбур этиб, кейин ўзи... Пулни оламану кўчага улоқтираман, майда-майда қилиб, сочиб юбораман. Кераги йўқ менга! Кераги йўқ!

Миқ этмадим. Айтадиганимни айтиб бўлдим. Биринчи зарбани олди, Хассенинг ўлганини билди, энди ўз ёғига ўзи қоврилаверсин. Уни иккинчи зарба ҳам кутяпти — Хассе ўзини осганини ҳам эшитади, албатта. Бу ёғи билан ишим йўқ. Эрини энди ҳеч ким тирилтириб беролмайди.

Фрау Хассе йиғлашга тушди. У ёш боладай ўксиб-ўксиб йиғлар, кўз ёшлари билан ичидаги дардини тўкмоқда эди. Бу ҳолат анча давом этди. Шу тобда бир дона сигарета қанча пул турса ҳам олган бўлардим. Кўз ёшига бардош беролмайман.

Ахийри у йиғидан тўхтади, юзини артиб, кумуш упадонини олди ва ойнага қарамасдан афтига упа сурта бошлади. Кейин упадонни жойига солди-ю, сумкачасини ёпмади ҳам.

— Ҳайрон бўп қолдим, — деди у синиқ товушда. — Бошим қотиб қолди. Эҳтимол, яхши одам бўлгандир.

— Ҳа, шундай.

Унга полиция идорасининг манзилини тушунтириб, бугун иш вақти тугаганини айтдим. Ҳозир бормагани маъқулдай кўринди менга. Бугунга етади.

У биюдан чиқиб кетиши билан фрау Залевски пайдо бўлди.
— Мендан бошқа одам қуриб қолганмиди? — дедим унга зарда билан.

— Фақат жаноб Жоржи бор. Хўш, нима деди?

— Ҳеч нарса.

— Яхши бўпти.

— Айтишга осон. Баъзан яхши бўлмай қолади.

— Унга ачинмайман, — деди фрау Залевски кескин оҳангда.
— Асло ачинмайман.

— Раҳмдиллик дунёдаги энг бефойда нарса, — жавоб бердим унга истеҳзо билан. — У ичиқораликнинг бир тури, шуни билиб қўйинг. Соат неччи бўлди?

— Чорак кам етти.

— Еттида фрейлейн Хольманга кўнғироқ қилмоқчи эдим. Фақат гапимизни биров эшитмаслиги керак. Иложи бўлармикин?

— Жаноб Жоржидан бошқа ҳеч ким йўқ. Фридани жўнатвордим. Хоҳласангиз, ошхонадан кўнғироқ қилишингиз мумкин. Аншаратнинг сими узун, етади.

— Бўпти.

Жоржининг эшигини тикиллатдим. Анчадан буён кўришмагандик. У ёзув столи ёнида ўтирар, кўриниши бир аҳволда эди. Стол устида йиртилган қоғозлар.

— Салом, Жоржи, нима қилиб ўтирибсан?

— Столни сал тозалаб қўяй, — деди у жилмайишга уриниб. — Байрам арафасида бундан яхши машғулот йўқ.

Мен бир парча қоғозни қўлимга олдим. Бу кимёвий формулалар ёзилган дафтар саҳифаси эди.

— Нега йиртдинг?

— Энди кераги йўқ, Робби.

Унинг рангида қон йўқ, қулоқлари шамдан ясалганга ўхшарди.

— Бугун овқат едингми?

— Аҳамияти йўқ. Гап бунда эмас. Овқатда эмас. Ортиқ бардошим етмайди. Йиғиштириш керак бу ишни.

— Шунақа қийинми?

— Бўлмасам-чи.

— Жоржи, — дедим унга хотиржам оҳангда. — Менга бир қарагин. Мен ҳам қачонлардир анови ж.хонада пианиночи эмас, одам бўлишни орзу қилгандим. Ёки ишонмайсанми гапимга?

У бармоқларини қисирлатди.

— Биладан, Робби. Лекин бундан менга фойда йўқ. Ўқиш мен учун асосий нарса эди. Энди тушундимки, чучварани хом санаб юрган эканман. Бунда ҳеч қандай маъно йўқ экан. Умуман ҳаётда маъно йўқ экан. Хўш, шундай бўлгач, яшашнинг нима қизиғи бор?

Унинг руди буткул тушиб кетган, аянчли бир аҳволда ўтирарди. Шунга қарамай, кулиб юбордим.

— Ҳалиям бола экансан! — дедим унга. — Кашфиёт қилгандай гапирасан-а! Назарингда сендан донишманд одам бўлмаса керак-да, а? Албатта, маъно йўқ. Биз қандайдир маънони деб ҳам яшайганимиз йўқ. Мураккаб жумбоқ бу. Тур, кийин. «Интернациональ»га борамиз. Ҳақиқий эркакка айланганингни ювамиз. Шу пайтгача ўқувчи эдинг. Ярим соатдан кейин олдингга кираман.

— Йўқ, — деди у.

— Борамиз. Раъйимни қайтарма. Шундай кунда ёлғиз ўтиришни хоҳламайман.

У менга иккиланиб қаради.

— Майли. Борсак, бораверамиз. Менга энди фарқи йўқ.

— Ҳа, баракалла, — дедим унга. — Ҳозирча мана шу шаштинг ҳам чакки эмас.

Соат еттида Пат билан телефонда гаплашиш учун буюртма бердим. Еттидан кейин телефон ҳақи эллик фоизга камаярди, бинобарин, мен икки баравар узоқроқ гаплашишим мумкин эди. Даҳлиздаги столга ўтириволиб, кута бошладим. Ошхонага киргим келмади. У ерда доим кўк нўхотнинг ҳиди анқиб ётади, шу ҳам Пат билан суҳбатимизга халақит берадигандай туюлди. Чорак соатдан сўнг санаторий билан улашди. Пат дарров телефонга келди. Унинг илик, паст, андак синик овозини яқиндан эшитиб, шу қадар тўлқинланиб кетдимки, дабдурустан гапиролмай қолдим. Аъзойи баданим қалтирар, икки чаккам лўқиллар, ўзимни сира қўлга ололмасдим.

— Тушимми, ўнгимми, — дедим ниҳоят, — ростдан ҳам сенмисан, Пат?

У кулиб юборди.

— Қаердасан, Робби? Устахонадамисан?

— Йўқ, фрау Залевскининг столида ўтирибман. Ўзинг қалайсан?

— Тузукман, азизим.

— Уйқудан турганмидинг?

— Ҳа. Оқ халатда дераза тоқчасида ўтирибман. Ташқарида қор ёғпти.

Қиёфаси шундоқ кўз ўнгимга келди. Сон-саноқсиз капалакдай гужгон ўйнаб тушаётган оппоқ қорни, Патнинг қўнғир сочларини, хиёл букик елкалари ва бугдойранг терисини кўриб тургандай бўлдим.

— Ўлай агар, Пат, — дедим мен. — Пул масаласи чатоқ-да. Бўлмаса, ҳозироқ самолётга ўтириб, ҳузурингга етиб борган бўлардим.

— Вой, азизим-ей...

У жим бўлиб қолди. Фақат симнинг гувуллагани эшитилиб турарди.

— Эшитяпсанми, Пат?

Ҳа, Робби. Фақат бунақа гапларни гапирма. Бошим айланмо кетди.

Менинг ҳам бошим айланаяпти. Гапир, нималар қилипсан?

У сўзга тушиб кетди, кўп ўтмай мен Патнинг нима деяётганини идрок этмай қўйдим, фақат овозини тинглардим, холос. Шим қоронғи даҳлизда, тўнғиз боши остида ўтирарканман, ошқондан кўк нўхотнинг ҳиди уфуриб турарди. Назаримда, бирдан эшик очилдию, мени ёшлик, соғинч ва орзулар омухта бўлиб кетган илиқ ва мулойим тўлқин қуршаб олди. Оёғимни стол харишига тираб, кафтимни юзимга босганча тўнғиз бошига, ошқоннинг очиқ эшигига термулардим-у, ҳеч нарсани кўрмасдим — ёз, шабада, буғдойзор устига ёйилаётган оқшом ва кўм-кўк ўрмон сўқмоқлари кўз олдидан нари кетмасди. Овоз тинди. Чуқур нафас олдим.

— Сен билан гаплашиш қандай роҳат, Пат. Бугун кечқурун нима қиласан?

— Бугун кичкина байрамимиз бор. Саккизда бошланади. Ҳозир киийниб, ўша ёққа бормоқчиман.

— Нимани киясан? Ялтироқ қўйлагингними?

— Ҳа, Робби. Ўша қўйлақда мени йўлақдан кўтариб ўтган эдинг.

— Ким билан борасан?

— Ўзим. Тантана санаторийда бўлади. Пастда, биринчи қаватда. Ҳамма бир-бирини танийди.

— Менга хиёнат қилишдан ўзингни тиёлмасанг керак, — дедим мен. — Айниқса, ялтироқ қўйлақда.

Пат кулиб юборди.

— Фақат бу қўйлақда эмас. У билан ажойиб хотиралар боғлиқ.

— Менда ҳам. Ўша қўйлагинг одамда зўр таассурот қолдиради. Дарвоқе унчалик инжиқ эмасман. Майли, хиёнат қилавер, фақат мен билмасам бас. Кейин, қайтганингдан сўнг, барини тушга йўйиб, унутиб борамиз.

— Нималар деяпсан, Робби?! — деди у бўғиқ овозда. — Бу ишни қилолмайман. Нуқул сен ҳақингда ўйлайман. Бу ердаги ҳаётни билмайсан. Жимжимадор, гўзал турманинг ўзи. Бир амаллаб ўзимни алаҳситиб юрибман. Сенинг хонанг ёдимга тушиб, ўзимни қўйгани жой тополмайман. Шундай пайтларда вокзалга бориб, пастдан чиқиб келаётган поездларни кузатаман, вагонларга чиқиб кўраман ёки ўзимни бировни кутаётган кишидай қилиб кўрсатаман. Шунда ўзимни сенга яқинроқ ҳис этаман.

Лабимни тишладим. Илгари ҳеч қачон мен билан бунақа гаплашмаганди. Ҳамиша тортиниб турарди, муносабатини сўз билан эмас, нигоҳи билан изҳор этарди.

— Боришга ҳаракат қиламан, Пат.

— Ростданми?

— Албатта. Январнинг охириларини мўлжаллаяпман.

Лекин бунга ишончим комил эмасди: февралнинг охирида санаторийга яна пул тўлаш керак. Унга тасалли бериш мақсадида шундай деб қўя қолдим. Кейин яна бир нарсани баҳона қилиб, боришни чўзавераман. Унгача тузалиб, ўзи қайтиб келса ажабмас.

— Хайр, Пат, — дедим мен. — Тезроқ тузал. Сиқилма. Шунда мен ҳам хотиржам бўламан. Бугунги оқшомни ҳам яхши ўтказ.

— Бўпти, Робби. Бугун бахтиёрман.

Жоржини олиб, «Интернациональ»га кирдим. Эски, ис босиб кетган зални таниб бўлмасди. Арча чироқлари кўзни қамаштирар, уларнинг ранго-ранг шуъласи ичимлик шишалари, бокаллар, пештахтанинг мис ва ялтироқ қопламаларида гужгон ўйнардди. Ясан-тусан қилиб, қалбаки тақинчоқларга бурканиб олган фоҳишалар бир стол атрофига жам бўлиб, ниманидир интиқлик билан кутишарди.

Роппа-роса соат саккизда залда бўрдоқичиларнинг бирлашган хори пайдо бўлди. Улар овозларига қараб, эшик олдида саф тортишди: ўнг томонда — энг баланд овозли эркак, чапда — энг паст овозлиси. Сўққабош чўчқафуруш Стефан Григоляйт ўртача овоздаги хонанда сифатида қўшиқни бошлаб берди:

Аё фўлак, муқаддас тун,
Раҳматингни эт инъом,
Бу бесабр банданг учун
Бир зум бахш айла ором.

Олисида ой ёғду сочар,
Юлдузлар рўйин очар,—
Улар мени олиб қочар
Кўрсатмасанг гар икром¹.

— Нақадар таъсирчан, — деди Роза кўз ёшларини артиб.

Кўшиқ тугади. Гулдурос қарсақлар янгради. Хор иштирокчилари таъзим қилишди. Стефан Григоляйт пещонасидаги терни артиди.

— Бетховен Бетховен-да! — деди у. Унга ҳеч ким эътироз билдирмади. Стефан рўмолчасини чўнтагига солди. — Энди асосий ишга ўтамиз!

Уюшма аъзолари тўпланадиган каттакон хонада стол яса-тилганди. Ўртада, спиртда ишлайдиган ихчам примуслар устига қўйилган иккита кумуш патнисда қип-қизил қилиб қовурилган бир жуфт чўчқа боласи турарди. Уларнинг оғзида лимон бўлак-лари, белларига ёниб турган арча шохчалари суқиб қўйилган. Жонворлар энди ҳеч нарсага ажабланишмасди.

¹ Шеърлар Абдулла Шер таржимасида берилмоқда.

Қаҳвахона хўжайини совға қилган қоп-қора фракда Алоис тиллаб хизмат қиларди. У каттакон сопол кўзалардаги винони бокалларга қуйиб чиқди. Мурдани куйдириш учун кураш қамиятидан Поттер кириб келди.

Олам тинч бўлсин! — деди у донишмандларча ва Розанинг қўлини қисиб, ёнига ўтирди.

Стефан Григоляйт Жоржини столга таклиф қилиб, ҳаётидан энг қисқа ва энг сермазмун нутқини ирод этди. У вино жимирлаб турган қадаҳини баланд кўтариб, ўтирганларга бир-бир навар ташлаб чиққач, хитоб қилди:

— Соғ бўлайлик!

Шундай деб, яна жойига ўтирди. Алоис пиширилган чўчка оёқларини, тузланган қарам билан картошкани келтирди. Қаҳвахона хўжайини тилларанг пиво тўла кружжалар терилган патини кўтариб кирди.

— Шошмасдан егин, Жоржи, — дедим мен. — Ошқозонинг бунақа таомларга кўникмаган.

— Мен олдин ҳамма нарсага кўникишим керак, — жавоб берди у менга маъноли қараб.

— Бунинг йўли осон, — дедим унга. — Ҳеч нарсани таққослама. Шунда тез кўникасан.

У бош силкиб, яна лycopча устига энгашиди.

Тўсатдан столнинг нариги бурчида жанжал бошланди. Поттернинг дағал овози қулоғимга чалинди. У сигарафуруш Буш билан қадаҳ уриштирмоқчи бўлган, у эса, менга ичкиликдан кўра овқат маъқул, деб таклифни рад этган.

— Бемаъни гап! — шанғиллади Поттер. — Овқатдан олдин ичиш керак! Ичган одам овқатни ҳам кўпроқ ейди.

— Сафсата! — тўнғиллади Буш. У япасқибурун, кўзойнак таққан, бўйи дароз, озғин киши эди.

Поттер сапчиб ўрнидан турди.

— Сафсата?! Шу гап сендан чиқдим, тамакихўр бойўғли!

— Бас қилинган! — деди Стефан Григоляйт. — Улуғ айём арафасида фикллашиш яхшимас.

Унга гап нимадалигини тушунтиришган эди, чўчкафуруш баҳсини ҳал қилишнинг осон йўлини топди — амалда синаб кўриш керак. Баҳслашувчиларнинг олдига бир неча лycopда гўшт, картошка ва қарам келтириб қўйишди. Поттерга хоҳлаган ичимлигини ичишга рухсат берилди. Буш эса ичмасдан, фақат тановул қилиши керак эди. Мусобақага қизғин тус бериш мақсадида Григоляйт гаров ташкил қилди, меҳмонлар бирин-кетин пул тика бошлашди.

Поттер рўпарасига ярим доира шаклида пиво тўла стаканларни териб, уларнинг орасига арақ қўйилган қадаҳларни жойлаштирди. Қадаҳлар марвариддай ялтирарди. Гаров Поттер фойдасига 3:1 нисбатда белгиланди.

Буш ликопча устига энгашганча шиддат билан ўзини овқатга урди. Поттер ўтирган жойида қаддини ростлаб, очикчасига жангга киришди. Поттер ҳар қадаҳ кўтарганда бадхоҳлик билан Бушга саломатлик тилар, рақибни эса унга нафрат тўла нигоҳ билан қараб кўярди.

— Кўнглим озиб кетяпти, — деди Жоржи.

— Юр, чиқиб кетамиз.

Жоржи билан ҳожатхона томонга ўтиб, у чиққунча йўлакда пойлаб ўтирдим. Шамларнинг чучук ҳиди чирсиллаб ёнаётган арча игналарининг хушбўй исига қоришиб кетаётганди. Бирдан таниш қадам товушларини эшитаётгандай, илиқ нафас димогимга урилиб, бир жуфт қоп-қора кўзни кўриб тургандай бўлдим...

— Ё, алҳазар! — шундай деб, ўрнимдан туриб кетдим. — Нималар бўляпти, ўзи?

Шу пайт ичкаридан қийқирик эшитилди:

— Поттер!

— Офарин, Алоизиус!

Мурдани куйдириш тарафдори голиб чиққан эди.

Меҳмонлар ўтирган хонада сигара тутуни бурқсирди. У ёққа коньяк олиб ўтишди. Мен ҳамон пештахта ёнида ўтирдим. Ичкаридан қизлар чиқиб келишди. Улар сал нарида гўж бўлиб, жиддий тусда пичирлаша бошлашди.

— Тинчликми?

— Сизларга совға тайёрланган, — деди Марион.

— Э, шундайми...

Бошимни пештахтага тираб, Патнинг шу тобда нима қилаётганини тасаввур этишга уриндим. Меҳмонхонанинг биринчи қаватдаги кутиш хонаси, олов ловуллаётган камин ва Хельга Гутман ҳамда яна қандайдир кишилар билан дераза ёнида турган Пат кўз олдимга келди. Қанча бўлдию бунга... Баъзан ўйлаб қоламан: бир куни уйқудан уйғонганимда ҳамма нарса ўтган, унутилган ва йўқликка сингиб кетган бўлади. Гўё орамизда арзирли бирор дақиқа ҳам бўлмаган, ҳатто эслашга арзийдиган нарсанинг ўзи йўқ.

Кўнғироқ чалинди. Қизлар, худди ҳуркитилган товуқ галасидай, саросимага тушиб, биллиардхонага қараб югуришди. У ерда Роза кўнғироқ ушлаб турарди. У мени ҳам имлаб чақирди. Биллиард столидаги кичкина арча остида устига шилдироқ қоғоз ёпилган ликопчалар териблиб турарди. Ҳар бир ликопчада совға солинган халтача, ёнида совға эгасининг исм-шарифи ёзилган қоғоз. Қизлар бир-бирларига совға тайёрлашганди. Бари Розанинг иши. Совғалар унга ўралган ҳолда топширилган. Роза эса уларни ликопчаларга тақсимлаб чиққанди.

Ҳаяжонланган қизлар бир-бирларига гап бермай, бидирлашар, совғаларини тезроқ кўриш ниятида ёш боладай типирчилашарди.

Нега ликопчангни олмаяпсан? — Роза менга мурожаат қилди.

— Қанақа ликопча?

— Ўзингнинг ликопчанг-да. Сенга ҳам совға бор.

Қоғозга қора ва қизил рангларда чиройли қилиб исмим ёзилган эди. Олма, ёнғоқ, апельсин, Розадан — ўзи тўқиган свитер, қадраҳона бекасидан — баргранг галстук, Кикидан — қизғиш сунбый ипак пайпоқ, соҳибжамол Валлидан чарм камар, хизматчи Алоисдан — бир шиша ром, Мариан, Лина ва Мимидан умумий совға — бир даста рўмолча, хўжайиндан — икки шиша коньяк.

— Дўстларим, — дедим мен, — дўстларим, кутилмаган иш бўлди-ку.

— Ажабланияпсанми? — деди Роза.

— Албатта.

Мен уларнинг қуршовида турарканман, ростини айтсам, жуда тўлқинланиб кетгандим.

— Дўстларим, охирги марта қачон совға олганимни биласизларми? Ўзим ҳам эслолмайман. Эҳтимол, урушдан олдин бўлгандир. Лекин менда сизларга берадиган ҳеч нарса йўқ.

Совға мени довдиратиб қўйганидан ҳамма шод эди.

— Сен бизга ҳар доим пианино чалиб бергансан, — деди Лина.

— Дарвоқе, ҳозир чалиб бермайсанми? Шу сенинг совғанг бўлади, — деди Роза.

— Жоним билан, — жавоб бердим мен. — Хоҳлаган куйларингни чалиб бераман.

— «Менинг ёшлигим»ни чал, — илтимос қилди Марион.

— Йўқ, шўхроғидан бўлсин! — эътироз билдирди Кики.

Лескин унинг таклифи ғала-ғовурга сингиб кетди. Ҳеч ким уни тўрақак қаторига қўшмасди. Пианино ёнига ўтирдим. Бараварига қўшиқ бошлашди.

Бағри бутун, лим-лим эди
Кетганимда бу дунё,
Қайтганимда энди, эвоҳ,
У бўм-бўшу мосуво!

Бека чироқларни ўчирди. Энди фақат арчадаги шамлар лишиллаб, атрофга майин нур таратарди. Бочка жўмрагидан, олисдаги ўрмон жилғасини ёдга солиб, тўхтовсиз пиво қуйилар, инаскитовон Алоис қора шарпадай залда ивирсиб юрарди. Мен кўшиқ куйининг давомини чалдим. Кўзлари чақнаб кетган қизлар пианинони қуршаб олишганди. Шу пайт — во дариг! — кимдир хўнграб йиғлаб юборди. Бу она шахри Люкенвальдни соғинган Кики эди.

Аста эшик очилди. Лабига Бразилиянинг қора сигарасини қисгириб олган Григоляйтга эргашиб, шу қўшиқни хиргойи

қилганча хор жамоаси залга кириб келди. Улар қизларнинг орқасига саф тортишди.

Бир қадимий қўшиқ ошно,
Ибтидодан менга ёд, —
Ёшлигимдан берар нидо,
Ёшликкинамдан, бот-бот.

Бирлашган хор овози аста сўнди.

— Зўр! — деди Лина.

Роза бенгал чироқларини ёқди. Улар вишиллаб, учқун сачрата бошлади.

— Энди шўхроғидан чал! — хитоб қилди у. — Кикини хурсанд қилайлик.

— Мени ҳам, — қўшиб қўйди Стефан Григоляйт.

Соат ўн бирда Кестер билан Ленц келишди. Ранги оқариб кетган Жоржи иккаламиз пештахта ёнидаги стол четига ўтирдик. Жоржига овқат опкелишди, у оёқда зўрға турарди. Ленц ҳаял ўтмай бўрдоқичилар даврасига қўшилиб кетди. Чорак соатдан сўнг уни пештахта ёнида Григоляйт билан бирга кўрдик. Улар бир-бирларининг елкаларига қўл ташлаб, ўзаро сансирашга ўтиш учун чўқиштириб ичишмоқда эди.

— Стефан! — хитоб қилди Григоляйт.

— Готтфрид! — жавоб берди Ленц. Икковлари қадаҳларини бўшатишди.

— Готтфрид, эртага сенга қондан ва ўпка-жигардан тайёрланган колбаса жўнатаман. Келишдикми?

— Келишдик! Жуда соз! — Ленц унинг елкасига қоқди. — Ўзимнинг қадрдон дўстим!

Стефан терисига сиғмасди.

— Жуда чиройли куларкансан, — деди у ҳавас билан. — Чиройли куладиган одамларни яхши кўраман. Ўзим сал нарсага хафа бўлиб кетаман, камчилигим шу.

— Мен ҳам, — жавоб берди Ленц. — Шунинг учун кулишга ҳаракат қиламан-да. Бу ёққа кел, Робби, дунёда кулгу ҳеч қачон тўхтамаслиги учун ичамиз!

Уларнинг олдига бордим.

— Анови йигитга нима бўлди? — сўради Стефан Жоржини кўрсатиб. — Бир нарсадан хафага ўхшайди.

— Уни хурсанд қилиш қийинмас, — дедим мен. — Бирорта иш топилса бас.

— Шу замонда иш топиб бўларканми?

— У ҳар қандай ишга рози.

— Ҳозир ҳамма ҳам рози. — Стефаннинг кайфи сал тарқагандай бўлди.

— Унга ойига етмиш беш марка бўлса — етади.

— Хомхаёл. Бу пулга кун кўролмайди.

— Кўради. — деди Ленц.

— Готтфрид, — жавоб берди Григоляйт, — дўстим, мен ота-данган одамман. Лекин иш масаласи — жиддий масала. Ишни бугун бериб, эртага қайтариб олиб бўлмайди. Бу бир йигитни уйлантириб, эртасига хотинини тортиб олгандан ёмон. Агар бу йигит ҳалол бўлса, етмиш беш маркага яшай олишига ишонса, лемак, омади бор экан. Сешанба куни эрталаб соат саккизда олимпга келсин. Менга уюшманинг майда-чуйда ишларини бажарадиган ёрдамчи керак. Маошдан ташқари ора-орада гўшт ҳам бериб тураман. У ўзини сал парвариш қилмаса бўлмайди — озиб-гўзиб кетипти.

— Рост гапми шу? — сўради Ленц.

— Стефан Григоляйт битта гапиради.

— Жоржи, бу ёққа кел, — чақирдим уни.

Жоржи хушxabарни эшитиб, титраб кетди. Кестернинг ёнига қайтдим.

— Отто, агар қўлингдан келса, ҳаётингни бошқатдан бошлармидинг?

— Ҳозиргидай яшаш учунми?

— Ҳа.

— Йўқ, — деди Кестер.

— Мен ҳам.

XXIV

Бу воқеа уч ҳафтадан сўнг, январнинг совуқ оқшомларидан бирида содир бўлди. Мен «Интернациональ» да ўтириб, хўжайин билан «йигирма бир» ўйнардим. Қаҳвахонада ҳеч ким, ҳатто фоҳишалар ҳам йўқ эди. Шаҳар нотинч эди. Кўчадан кетма-кет намоийшчилар ўтиб турарди: бир гуруҳи ҳарбий марш билан, бошқаси «Байналмилал» ни куйлаб ўтарди. Сўнг яна сукутга ботган узундан-узоқ одамлар сафи пайдо бўларди. Улар иш ва нон талаб этилган лавҳаларни кўтариб олишган. Сон-саноксиз оёқлар дупури улкан соатнинг занг уришига ўхшарди. Кечга яқин намоийшчилар билан полиция ўртасида биринчи тўқнашув юз берди. Ўн икки киши яраланди. Бутун полиция алақачон жанговар ҳолатга келтирилганди. Физ-физ ўтиб турган полиция мошиналарининг чинқириғи қулоқни тешворай дерди.

— Ҳаловат йўқолди, — деди хўжайин менга ўн олти очкони кўрсатиб. — Уруш тугаганига анча бўлди-ю, ҳамон тинчлик йўқ, бизга ҳозир фақат тинчлик керак. Ақлдан озди бу дунё!

Менинг очком ўн еттита эди. Банкни кўтардим.

— Дунё ақлдан озганмас, — дедим мен. — Одамлар ақлдан озган.

Алоис хўжайинининг орқасидан қарталарни кузатиб турарди. У эътироз билдирди:

— Одамлар ақлдан озганмас. Улар очкўз, холос. Бири иккинчисига ҳасад қилади. Бўлмаса дунёда эзгуликлар тўлиб-тошиб.

ётипти, аммо аксарият кишиларда ана шу эзгуликни кўрмайсиз. Ҳамма гап тақсимотда.

— Тўппа-тўғри, — шундай деб, бошқа қарта олмадим. — Минг йиллардан буён ҳамма гап мана шунда.

Хўжайин қарталарини очди. Ўн беш очко бўлган эди, бинобарин, у менга синовчан назар ташлади. Кейин яна битта қарта олди. Туз чиқди. Шу билан адои тамом бўлди. Қарталаримни кўрсатдим. Мен ўн икки очкода тўхтаган эдим. У ҳам ўн бешда қолганида ютган бўларди.

— Минг лаънат, бошқа ўйнамайман! — тўнғилади у. — Сеҳргар экансиз! Сизники ўн саккиздан кам бўлмаса керак, деб ўйлабман.

Алоис бир нималар деб гўлдиради.

Пулни олиб, чўнтакка урдим. Хўжайин эснаб, соатига қаради.

— Ўн бир бўп қопти. Ёпсак ҳам бўлар. Энди ҳеч ким келмайди.

— Ана, биров келяпти, — деди Алоис.

Эшик очилиб, Кестер кўринди.

— Бирор янгилик борми, Отто?

У бош силкиди.

— «Боруссия» заларида ўтирганларни калтаклашди. Икки киши оғир яраланди, ўнлаб одам энгил жароҳат олди, юзга яқини ҳибсга олинди. Шаҳарнинг шимолий қисмида икки марта отишма бўлди. Бир полициячи ўлдирилди. Қанча одам яраланганини билмайман. Катта йиғинлар тугаши билан ҳар доим шунақа бўлади. Бу ерда ишинг йўқми?

— Йўқ, — дедим мен. — Кетмоқчи бўлиб турувдик.

— Унда мен билан юр.

Хўжайинга савол назари билан қарадим. У бош ирғади.

— Хўп, хайр.

— Хайр, — деди хўжайин истар-истамас. — Эҳтиёт бўлинглар.

Кўчага чиқдик. Қор ҳиди уфурарди. Йўлда оппоқ варақалар сочилиб ётипти. Худди ўлган капалакларга ўхшайди.

— Готтфриддан дарак йўқ, — деди Кестер. — Бирор йиғинда ўтирган бўлса керак. Айтишларича, уларни тарқатиб юборишармиш. Бирор кор-ҳол бўлмасин тагин. Тезроқ топганимиз маъкул. У муштлашишдан ҳам тоймайди.

— Қаердалигини биласанми?

— Аниқ билмайман. Лекин учта катта йиғиндан бирида бўлиши мумкин. Ҳар учаласига ҳам бориб кўрамиз. Готтфриднинг пахмоқ сочи мана-ман деб туради.

— Бўпти.

Кестер моторни юрғизди, биз йиғинлардан бири ўтаётган манзилга қараб жўнадик.

Кўчада полициячилар ўтирган юк мошинаси турарди. Фуражаларининг қайишлари туширилган. Милтиқларининг мили чироқ нурида совуқ йилтирайди. Деразалардан ҳар турли байроқлар осилиб турипти. Эшик олдида форма кийган одамлар уймаланшяпти. Бари ёш йигитлар.

Кириш учун чипта олдик. Узатилган китобчани рад этдик, гирқишли қутичага бир пфенниг ҳам ташламадик, партиявий мансублигимизни рўйхатдан ўтказмадик — тўппа-тўғри залга кириб бордик. Зал лиқ тўла ва ёп-ёруғ эди. Ўтирган жойидан луқма ташлаган одам баралла кўриниб турарди. Ичкарига кирибоқ гўхтадик, нигоҳи ўткир Кестер ўриндиқларга назар ташлай бошлади.

Саҳнада чорпахил, бақувват бир киши нутқ сўзларди. Овози кучлилигидан залнинг охирида ўтирган одам ҳам унинг сўзларини бемалол эшитарди. Гарчи халойиқ унинг гапларига кулоқ солмаётган бўлса-да, бу одам ишонтиришга уринарди. Аслида унинг пиятини пайқаш қийин эмасди. Нотиқ саҳнада қўлларини силкитиб, у ёқдан-бу ёққа бориб келар, аҳён-аҳён сув хўплаб, ҳазил-мутойиба қиларди. Сўнг бирдан тошдай қотиб қолар, залга кескин бурилиб, яна баландпарвоз нутқини давом эттирарди. Унинг сўзлари муҳтожлик, очлик ва ишсизлик тўғрисидаги ҳаммага маълум ҳақиқатлардан иборат эди. Нотиқ тобора авжга чиқар, пировардида жазавага тушиб: «Бу аҳвол қачонгача давом этади?! Ортиқ чидаёлмаймиз!» — дея хитоб қиларди. Оломон, худди шу билан бир нарса ўзгариб қоладигандай, унинг сўзларини маъқуллаб бақириб-чақирар, ер тепиниб, қарсак чаларди. Нотиқ кутиб турарди. Сўнг саҳнадан бири биридан ажойиб, бири биридан фусункор ваъдалар янгрардики, гўё ўтирганлар тепасида жаннатнинг сержило палаги ёйилгандай бўларди. Бу ваъдалар лотеряга ўхшарди. Гўё унинг ҳар биттасига энг катта ютуқ чиққану энди залдагиларнинг ҳар бири шахсий бахтга, шахсий ҳақ-ҳуқуққа эга бўлиб, шахсий адоватини рўёбга чиқариши мумкин эди.

Тингловчиларга разм солдим. Бу ерга барча касб эгалари тўпланишганди — бухгалтерлар, майда хунармандлар, мансабдорлар, ишчилар ва кўпдан-кўп аёллар. Диққинафас залда биров ўриндиққа суяниб, биров энгашиб, биров олдинма-кетин, биров шериғига елкасини тираб ўтирипти. Саҳнадан эса сўз шалоласи куйилиб турипти. Қизиғи шундаки, башаралар турли-туман бўлишига қарамай, барида бир хил лоқайдлик, паришонлик, мудроқ нигоҳлар сароб жимирлаётган олис-олисларга қадалган; бу нигоҳлар бўм-бўш, айни пайтда, уларда аллақандай буюк ўзгаришга умидворлик бор. Бу умидворликда ҳамма нарса — эътироз, шубҳа, зиддият, долзарб муаммолар, турмуш ташвишлари, ҳозирги кун, мавжуд воқелик — бари-бари мужассам. Саҳнадаги одам ҳар қандай саволга жавоб беради, ҳар қандай кулфатни даф этади. Унга ишониш қандай яхши! Сен ҳақингда ўйлайлиган одам борлигини кўриб туриш нақадар соз! Ишончга нима етсин!

Ленц бу ерда йўқ эди. Кестер мени туртиб, боши билан ташқарига ишора қилди. Чиқдик. Эшик олдида турган йигитлар бизга хўмрайиб, шубҳа билан қараб қўйишди. Вестибюлда залга ки-

риш учун оркестр саф тортган, унинг ортида турфа хил байроқлар, лавҳалар.

— Пухта ташкил қилинган, нима дединг? — сўради Кестер кўчада.

— Зўр. Реклама бўлимнинг кекса раҳбари сифатида буни тан олмай иложим йўқ.

Бир неча мавзе нарида яна бир сиёсий йиғилиш ўтаётганди. Ўзгача байроқлар, ўзгача кийим, бошқа зал, аммо қолгани ўша-ўша. Нигоҳларда ўша мавҳум умид, ишонч ва лоқайдлик. Тўрда оқ дастурхон ёпилган ҳайъат столи. Стол ортида партия котиблари, ҳайъат аъзолари, уч-тўртта ҳовлиқма, ёши ўтган қиз. Мансабдорга ўхшаб кетадиган нотик олдингисидан бўшроқ эди. У ғализ немис тилида гапирар, далил ва рақамларни қалаштириб ташлаётганди, бари тўғри эди, аммо анови нотикникидай ишончли эмас. Нариги нотик ҳеч нарсани исботлашга уринмас, фақат даъво қиларди. Ҳайъат столи ортида ўтирган ҳорғин партия котиблари бошларини осилтириб, пинакка кетишганди; улар бунақа мажлислардан юзтасида қатнашиб, кейин бу ерга келишган.

— Кетдик, — деди Кестер салдан кейин. — Бу ерда ҳам йўқ.

Яна йўлга тушдик. Лиқ тўла залларнинг бузуқ ҳавосидан сўнг энтикиб нафас олдик. Мошина кўчама-кўча учиб борарди. Канал ёқалаб кета бошладик. Чироқларнинг сарғиш нури бетон соҳилдан чўлп-чўлп бўса олаётган қорамтир сувда жилва қиларди. Рўпарамиздан таги ясси баржа аста сузиб кела бошлади. Уни огоҳлантирувчи қизил ва кўк чироқлари ёниб турган кичкина кема шаттакка олганди. Кема сатҳида кучук вовуллади, бир одам чироқ остидан ўта туриб, қопқоқли туйнукдан пастга тушиб кетди, тилларанг нур лоп этиб бир кўриндию яна сўнди. Нариги соҳил бўйлаб шаҳарнинг ғарбий қисмидаги чароғон бинолар қад кериб турарди. У томонга кенг равоқли кўприкдан ўтиларди. Ундан ҳар икки соҳилга қатнаётган автомобиль, автобус ва трамвайларнинг кети узилмасди. Эринчоқ қора оқим устидаги кўприк учкун сачратиб турган олачипор илонга ўхшарди.

— Мошинани шу ерда қолдириб, бир оз яёв юрамиз, — деди Кестер. — Кўзга ташланганимиз маъқул.

«Карл» ни пивохона ёнидаги чироқ олдида тўхтатдик. Мошинадан тушаётганимда оёғим остидан лип этиб оқ мушук ўтди. Пешбоғ тутган уч-тўртта фоҳиша сал нарида, дарвоза пештоқи остида турарди. Уларнинг ёнидан ўтаётганимизда жим бўлиб қолишди. Муюлишда бир шарманкачи деворга суянганча уйкуга кетганди. Аллақандай кампир йўлка четидаги ахлатни титкиляпти. Биз кўпдан-кўп пастқам уйларни, ҳовлилари ва йўлақлари бўлган каттакон исқирт казармага яқинлашдик. Биринчи қаватда ҳар турли дўкончалар, унинг ёнида латта-путта ва темир-терсак қабул қиладиган бино. Кўчада, дарвоза олдида полициячиларга тўла иккита юк мошинаси турипти.

Биринчи ҳовлининг бир бурчагига ўрнатилган тахтага юлдуз ёки акс эттирилган хариталар осиб қўйилган. Қоғозлар қалашиб ётган стол ортида салла ўраган бир одам турипти. Боши тешасида мана бундай лавҳа: «Илму нужум, дастхатга қараб башораг қилиш. 50 пфенниг тўлаб, келажагингизни билиб оласиз!» Бир тўда одам уни қуршаб олган. Карбид чироқнинг ўткир нури мунажжимнинг сарғиш, бужмайган юзига тушиб турипти. У ўз тингловчиларини зўр бериб бир нарсага ишонтирмоқчи бўларди. Мўъжизага интиқ одамларнинг ўша-ўша бўм-бўш, маъносиз нигоҳлари. Сербайроқ ва оркестрли йиғилишлардаги нигоҳлардан фарқ қилмайди.

— Отто, — дедим олдинда кетаётган Кестерга. — Бу одамларнинг нимани хоҳлаётганини энди тушундим. Уларга сиёсатнинг кераги йўқ. Уларга диннинг ўрнини босадиган бошқа бир этиқол керак.

Кестер ўгирилиб қаради.

— Албатта. Улар нимагадир ишонишини исташади. Нимагалигининг фарқи йўқ. Чунки мутаассиб кишилар улар.

Пивохонага кириладиган иккинчи ҳовлига ўтдик. Ҳамма деразалардан чироқ тушиб турипти. Бирдан ичкарида шовқин кўтарилди, шу заҳоти ҳовлига чиқиладиган ён томондаги қоронғи йўлакдан сув ўтмайдиган калта камзул кийган йигитлар отилиб чиқишди. Улар деворга қапишганча йиғилиш ўтаётган залга қараб талпинишарди. Олдинда бораётган йигит шиддат билан эшикни очди, ҳаммалари ўзларини ичкарига уришди.

— Зарбдор гуруҳ, — деди Кестер. — Бу ёққа кел, пиво бочкаларининг орқасига турволамиз.

Залда қий-чув бошланди. Лаҳза ўтмай, дераза ойнаси чил-чил бўлиб, кимдир ташқарига улоқтирилди. Эшик очилиб, одамлар бараварига ҳовлига ташланишди. Олдинги қатордагилар кулатилгач, орқадан келаётганлар уларнинг устига йиқилишди. Бир аёл дошлаганча ёрдамга қақриб, дарвоза томон югурди. Пивохонадан иккинчи гуруҳ чопиб чиқди. Улар стул оёқлари ва пиво кружкалари билан қуролланишганди; ола-тасир бошланиб кетди. Барваста бир дурадгор муштлашаётганлар орасидан сирғалиб чиқди-да, қулай жойга турволиб, жангни давом эттирди: у рақибининг калласини мўлжалга олиб, қулочкашлаб бир мушт туширар ва уни яна оломонга қўшиб юборарди. У бу ишни ниҳоятда хотиржам, худди ўтин ёраётгандай бажарарди.

Эшик олдида тагин бир тўда одам пайдо бўлди, шу пайт биз турган жойдан уч метрлар нарида қутурган бир мўйловдорнинг қўлига тушган Готтфриднинг ҳурпайган оппоқ сочини кўриб қолдик.

Кестер ўзини тўдага урди. Бир печа дақиқадан сўнг ҳалиги киши Готтфридни қўйиб юборди. У интиҳосиз бир ҳайрат билан иккала қўлини юқорига кўтардию, шартта кесилган дарахтдай, одамлар устига қулади. Шу пайт Ленгни ёқасидан судраб келаётган Кестерга кўзим тушди.

Ленц ўзини орқага ташларди.

— Отто, қўйвор... қўйвор, бир минутда қайтаман, — дерди у хансираб.

— Тентаклик қилма! — бақирди Кестер, — ҳозир полиция келади! Қочдик! Бу ёққа!

Биз ҳовлидан қоронги йўлакка қараб югурдик. Вақтида қочган эканмиз. Шу заҳоти ҳовлида қаттиқ хуштак овозлари янграб, қора фуражка кийган кишилар пайдо бўлди ва полиция ҳовлини бир зумда қўраб олди. Биз полициянинг қўлига тушмаслик учун зинапоядан тепага чопиб чиқдик. Кейинги воқеаларни зинапоя деразасидан кузатиб турдик. Полициячилар ўз вазифаларини қўйилмақом қилиб бажараётганди. Улар ҳамма йўлларни берки-тиб, оломон устига ташланишди, ҳаш-паш дегунча тўдани пардай тўзитиб, одамларни битта-битталаб юк мошинасига улоқтира бошлашди. Биринчи бўлиб дурадгор қўлга тушди, унинг дийёсига биров қулоқ солмади.

Бирдан орқамиздаги эшик очилди. Тунги қўйлак кийган, озгин оёқлари шир яланғоч, шам кўтарган бир аёл ичкаридан бошини чиқазди.

— Сенмисан? — сўради у ҳадик билан.

— Йўқ, — деди ўзини тутиб олган Ленц. Аёл эшикни беркитди. Ленц ўгирилиб, чўнтак чироғи билан эшикдаги лавҳани ёритди. Бу ерда гишт терувчи Герхард Пешкени кутишаётганди.

Ҳовли жимжит бўлиб қолди. Полиция жуфтакни ростлаган эди. Яна бир оз кутиб, пастга тушдик. Қайсидир бир деразадан ёш боланинг йиғиси эшитиларди.

Биз пеш ҳовлидан ўтдик. Танҳо қолган мунажжим юлдузлар акс эттирилган харита олдида турарди.

— Бир фол очиб қўяйми? — деди у ёнидан ўтаётганимизда. — Ё кафт чизиқларига қараб башорат қилайми?

— Қани, бир башорат қил-чи, — деди Готтфрид қўлини узатиб.

Мунажжим унинг кафтига диққат билан тикилди.

— Юрагингиз чатоқ, — деди у қатъий оҳангда. — Ҳис-туйғу бисёр, лекин ақл чизиғи жуда калта. Мусиқани севасиз. Хаёлпарастсиз, аммо эр сифатида мақтаб бўлмайти. Шунга қарамай, уч фарзандни кўриб турибман. Фейл-атворингиз дипломатларникига ўхшайди, сирингизни ҳар кимга айтмайсиз, саксон йил умр кўрасиз.

— Тўппа-тўғри, — деди Готтфрид. — Ойим раҳматли, ёвуз одам узоқ яшайди, деган гапни қўп такрорлардилар. Одоб-ахлоқ — инсониятнинг уйдирмаси, асло ҳаётини хулосаси эмас.

У мунажжимга пул берди, биз ҳовлидан чиқиб кетдик. Кўча бўм-бўш эди. Олдимиздан қора мушук чопиб ўтди. Ленц таққа тўхтади.

— Орқага қайтамыз.

— Ҳечқиси йўқ, — дедим мен. — Олдин оқ мушукни кўрган-миш. Бири иккинчисининг таъсирини кесади.

Йўлда давом этдик. Рўпарамизда бир тўда одам кўзга ташланди. Улар бизга қараб келишарди. Орадаги масофа қисқарганда қарасак — тўрт йигит экан. Бири қўнжи тугмали сарғиш этик кийган, бошқалари ҳарбийча этикда. Улар тўхтаб, бизга тикилиб қолишди.

— Ана у! — бақирди бирдан сарғиш этикли йигит ва олдинизга чопиб келди. Икки марта ўқ узилди, йигит шу заҳоти ўзини четга олди, сўнг тўртовлари ура қочиб қолишди. Кестер уларнинг орқасидан бир талпинди-ю, аммо шартта тўхтаб, ички бир ингроқ билан қўлларини Ленц томонга узатди, лекин уни ушлаб қололмади. Готтфрид гурсиллаб тош йўлга қулади.

Аввалига у шунчаки йиқилгандай туюлди, кейин қонга кўзим тушди. Кестер Ленцнинг пиджагини очиб, кўйлагини йиртиб ташлади.

Қон тизиллаб отилди. Жароҳат устига рўмолчамни босдим.

— Ёнидан жилма, мошинани опкеламан, — Кестер шундай деб, чопиб кетди.

— Готтфрид, мени эшитяпсанми?

Унинг юзи бўзга ўхшаб қолганди. Кўзлари чала юмуқ. Қовоқлари қилт этмайди. Бир қўлим билан бошидан тутиб, иккинчиси билан жароҳатига рўмолчани қаттиқроқ босдим. Ёнида тиз чўкиб турарканман, лоақал нафас олиши ёки хириллаганини илғаб қолишдан умид қилардим; аммо тирикликдан нишон йўқ эди, теварак-атрофда оғир сукунат, адоғи йўқ кўча, адоғи йўқ бинолар, адоғи йўқ тун — мен фақат қоннинг тошга чакиллаб томаётганини эшитардим, холос. Дарвоқе, Ленц бунақа фалокатга кўп мартаба дуч келиши мумкинлигини билардим, аммо ҳозир содир бўлган аччиқ ҳақиқатга ишонмаётгандим.

Кестер мошинани учириб келди. Чап ўриндиқнинг суянчиғини орқага туширди. Готтфридни аста кўтариб, ўриндиққа ётқиздик. Мошинага сакраб чиқволдим. Кестер тез ёрдамнинг энг яқин пунктига қараб сурди. Етиб келганимиздан сўнг эшик олдида аста тўхтади.

— Қараб чиқ-чи, дўхтир бормикин. Бўлмаса бошқа жойга олиб боришга тўғри келади.

Ичкарига чопиб кирдим. Мени санитар қарши олди.

— Дўхтир борми?

— Бор. Бирортасини опкелдингларми?

— Ҳа. Юринг мен билан. Замбилни олинг.

Готтфридни замбилга ётқизиб, бинога олиб кирдик. Дўхтир снг шимариб кутиб турарди. Замбилни столга кўйдик. Дўхтир чироқни пастга тушириб, жароҳатга яқинлаштирди.

— Нима гап?

— Ўқдан яраланган.

У бир бўлак пахта олиб, қонни артди, сўнг Ленцнинг томирини ушлаб кўрди, юрагига қулоғини андак тутиб тургач, қаддини ростлади.

— Иложи йўқ.

Кестер ундан кўз узмасди.

— Ўқ четдан ўтган-ку. Нега иложи бўлмаскан?

— Иккита ўқ теккан, — деди дўхтир.

У яна қонни артди. Биз Готтфриднинг устига энгашиб, ҳамон қон билқиллаб оқиб турган яранинг пастроғидаги қоп-қора тешикчани кўрдик. Бу тешик юракнинг ёнгинасида эди.

— Афтидан, ўша заҳоти жони узилганга ўхшайди, — деди дўхтир. Кестер бошини кўтариб, Готтфридга қаради. Дўхтир жароҳатларга пахта тикиб, устидан пластирни ёпиштириб қўйди. Сўнг: — Ювинасизми? — деб сўради мendan.

— Йўқ.

Энди Готтфриднинг юзи сарғая бошлаганди. Оғзи сал қийшайган, кўзлари хиёл очиқ, лекин биттаси юмуқроқ. У бизга қараб турарди. Тўхтовсиз қарарди.

— Нима бўлди ўзи? — сўради дўхтир.

Жавоб бермадик. Готтфрид биздан кўз узмасди. Киприк қоқмай қараб турарди.

— Жасадни шу ерда қолдириб кетаверинглар, — деди дўхтир.

— Йўқ, — эътироз билдирди Кестер. — Олиб кетамиз!

— Мумкин эмас, — деди дўхтир. — Полицияга қўнғироқ қилиш керак. Жиноят қидирув бўлимига ҳам. Жиноятчини иссиғида қўлга олиш зарур.

— Жиноятчи дейсизми? — Кестер унга савол назари билан қаради. Сўнг қўшиб қўйди: — Бўпти, полицияни ўзим опкеламан.

— Қўнғироқ қила қолинг. Қайтанга тезроқ келишади.

Кестер бош чайқади.

— Йўқ, ўзим бораман.

У чиқиб кетди, кўчадан «Карл» моторининг гувиллагани эшитилди. Дўхтир менга стулни суриб қўйди.

— Утиринг.

— Раҳмат, — шундай деб, жойимдан жилмадим. Чироқ нури ҳамон Готтфриднинг қонга беланган кўксига тушиб турарди. Дўхтир чироқни тепага кўтариб қўйди.

— Нима воқса бўлди? — сўради у яна.

— Билмайман. Уни бировга ўхшатишди шекилли.

— Фронтда бўлганми?

Мен бош силкидим.

— Чандиқларидан пайқадим, — деди дўхтир. — Кўлига ҳам ўқ теккан. Бир неча жойидан яраланган.

— Ҳа. Тўрт марта жароҳат олган.

— Аблаҳлар, — деди санитар. — Битлиқилар. Ўшанда булар йўрғакла бўлса керак.

Индамадим. Готтфрид менга қараб турарди. Кўз узмай қараб турарди.

Кестердан анча пайтгача дарак бўлмади. Кейин бир ўзи келди. Дўхтир ўқиб турган газетасини бир четга қўйди.

— Полиция вакиллари келишдими?

Кестер жавоб бермади. У дўхтирнинг сўзларини эшитмаганди.

— Полиция шу ердами? — қайта сўради дўхтир.

— Ҳа, — деди Кестер. — Полиция. Қўнғироқ қилиш керак. Майли, келишсин.

Дўхтир унга бир қаради-ю, индамай телефонга қараб кетди. Бир неча минутдан сўнг полицияда ишлайдиган иккита мансабдор келди. Улар стол ёнига ўтириб, Готтфрид тўғрисида маълумотнома ёза бошлашди. Ўлиб кетган одамнинг исми, қачон тузилгани, қаерда яшагани ҳақида гапириш, тўғриси, менга бемаъни ишдай туюлди. Саволларга ғайриихтиёрий равишда жавоб қайтарарканман, полициячи тўхтовсиз тупуклаб юмшатаётган қалам учидан кўз узмасди.

Иккинчи полициячи протокол тузишга киришди. Кестер унга керакли маълумотларни айтиб турди.

— Қотилнинг ташқи қиёфасини тахминан бўлса ҳам тасвирлаб бероласизми?

— Йўқ, — деди Кестер, — эътибор бермадим.

Унга кўз қирини ташладим. Қотилнинг сарғиш этиги билан махсус кийими кўз ўнгимдан ўтди.

— Қайси партияга мансублигини биласизми? Кийимида бирор белгиси бормиди?

— Билмайман, — деди Кестер. — Ўқ узилгунга қадар ҳеч нарса кўрганим йўқ. Кейин эса... — У дудуқланиб қолди, — кейин эса оғайним билан овора бўлиб кетдим.

— Ўзингиз бирор сиёсий партияга мансубмисиз?

— Йўқ.

— Буни шунинг учун сўраяпманки, марҳум сизнинг оғайнингиз экан.

— Фронтда бирга бўлганмиз, — деди Кестер.

Мансабдор менга мурожаат қилди:

— Қотилни сиз тасвирлаб бероласизми?

— Йўқ, — дедим унга. — Мен ҳам эслолмайман.

— Қизиқ...

— Биз гаплашиб кетятувдик. Бари кўз очиб-юмгунча содир бўлди.

Полициячи уҳ тортди.

— У ҳолда қотилни топишимиз қийин бўлади.

У протоколни ёзиб тугатди.

— Жасадни олиб кетсак бўладими? — сўради Кестер.

— Начора... — Мансабдор дўхтирга қаради. — Ўлим сабаби аниқми?

Дўхтир тасдиқ ишорасини қилди.

— Акт ёзиб қўйганман.

— Ўқ қани? Уни олиб кетишим керак.

— Ўқ иккита. Иккаласи ҳам танада қолган. Агар керак бўлса...

Дўхтир у ёғини гапирмади.

— Менга иккала ўқ ҳам керак, — деди полициячи. — Улар битта қуролдан отилганми-йўқми — шуни билишим шарт.

— Битта қуролдан, — деди Кестер дўхтирнинг савол назарига жавобан.

Санитар чироқни яна замбил тепасига сурди. Дўхтир асбобларини олиб, қисқични ярага сурди. Биринчи ўқни тез топди, у чуқур кирмаган экан. Иккинчи ўқни олиш учун кўкракни кесишга тўғри келди. Дўхтир резина қўлқопини тирсагигача кўтариб, тигни қўлига олди. Кестер замбил олдига чошиб келиб, Готтфриднинг кўзларини беркитди. Тигнинг кирт-кирт овозини эшитиб, юзимни четга бурдим. Қани энди дўхтирнинг устига ташланиб, уни замбилдан нарига итариб ташласам — назаримда, Готтфрид атиги хушдан кетгану, дўхтир уни мана энди ростдан ҳам ўлдираётгандай эди, — кейин ўзимни тутволиб, тақдирга тан бердим. Урушда ўлимни кўп кўрганмиз...

— Мана, — деди дўхтир қаддини ростлаб. У ўқни артиб, полициячига узатди.

— Бир хил. Иккаласи ҳам битта қуролдан отилган.

Кестер энгашиб, кичкина тўмтоқ ўқларга диққат билан разм солди. Улар полициячининг кафтида совуқ йилтирарди.

— Ҳа-а, — деб қўйди Отто.

Полициячи ўқларни қоғозга ўраб, чўнтагига солди.

— Умуман бунга рухсат этилмайди, — деди у кейин. — Агар уйга олиб кетмоқчи бўлсаларинг... истисно тариқасида, майли. Чунки масала равшан, шундай эмасми, жаноб дўхтир? — Дўхтир бош силкиди. — Бунинг устига, сиз суд дўхтирисииз, — давом этди полициячи, — бинобарин... ихтиёр ўзларингда... шуниси ҳам борки, эртага бошқа терговчилар кеп қолиши ҳам мумкин...

— Биладан, — деди Кестер. — Биз бор гапни айтдик.

Полициячилар кетишди. Дўхтир Готтфриднинг яраларини бошқатдан беркитиб, пластир ёпиштирди.

— Энди нима қилдик? — сўради у. — Замбилни бериб туришимиз мумкин. Фақат эртага ташлаб кетасизлар.

— Раҳмат, — деди Кестер. — Юр, Робби.

— Ёрдамлашвораман, — деди санитар.

Мен бош чайқадим.

— Ўзимиз эплаймиз.

Замбилни кўчага кўтариб чиқдик. Иккала сўл ўриндик суянчиғини ётқизиб, теп-текис жой тайёрладик, сўнг замбилни авайлаб машинага жойлаштирдик. Дўхтир билан санитар изимиздан чиқиб, тепамизда кузатиб туришди. Готтфриднинг устига пальтосини ёпиб, жўнаб кетдик. Бир оздан сўнг Кестер менга юзланди:

— Ўша кўчадан яна бир ўтамыз. Ҳозиргина келиб кетдим, ҳеч ким кўринмади. Балки бу гал учратиб қолармиз.

Гупиллатиб қор ёғарди. Кестер мошинани оҳиста ҳайдаб борар, гоҳо-гоҳо лаппакни босиб, моторни ўчириб кўярди. У бизни пайқаб қолишларини истамасди. Аммо биз излаётган одамлар мошинамиз борлигини билишмайди. Биз, худди оқ кўланкадай, қор бўрони оралаб шовқинсиз сирғалиб борардик.

Асбоблар солинган қутидан болгани олиб, ёнимга қўйдим. Қотил кўриниши билан мошинадан отилиб чиқиб, қўққисдан зарба бермоқчи эдим. Биз воқеа юз берган кўчадан борардик. Готтфрид қулаган жойда ҳамон қон изи қоп-қорайиб турарди. Кестер мошина чироқларини ўчирди. Биз йўлка четидан ўрмалаб, кўчани кузатардик. Ҳеч ким кўринмасди. Фақат чироғи ёниқ бир пивохонадан ғала-ғовур эшитиларди.

Кестер муюлишда тўхтади.

— Сен қол, — деди у. — Мен пивохонани қараб чиқаман.

— Бирга бораман.

У менга шундай тикилдики, жим бўлиб қолдим. Унинг бу қараши бир ўзи разведкага йўл олган пайтларни ёдимга солди.

— Пивохонада ҳеч нарса қилмайман, — деди Кестер. — Сезиб қолса, қуённи сурвориши мумкин. Бор-йўқлигини билиб чиқаман. Агар ўтирган бўлса, пойлаб турамыз. Сен Готтфрид билан қол.

У чопиб кетди. Қор учқунлари юзимда эрирди. Готтфриднинг усти ёпиб қўйилганидан, у энди бизга тегишли эмаслигидан юрагим зирқираб кетди.

Пальтони пастроққа тортдим. Энди қор унинг ҳам юзига, кўзи ва лабларига тушар, лекин эримасди. Рўмолчам билан қорни сидириб ташлаб, яна пальтони кўтариб қўйдим.

Кестер қайтиб келди.

— Ҳўш?

— Йўқ, — деди у.

Тагин рулга ўтирди.

— Бошқа кўчаларни ҳам қараймиз. Юрагим сезиб турипти, ҳар дақиқада рўпарамиздан чиқиб қолишлари мумкин.

Мотор бир гувилладию шу заҳоти овози пасайди. Биз оппоқ тун қўйнида ўғри мушукдай пусиб, бир кўчадан иккинчисига ўтардик. Баъзан бирор пивохонадан берироқда тўхташимиз билан Кестер мошинадан тушарди-да, ўша ёққа қараб чопиб кетарди. Уни алам ва ғазаб васвасаси жинни қилиб қўйганди. Готтфридни ташлаб кетиш учун икки марта мошинани уйи томон ҳайдади, аммо иккала сафар ҳам, гўё бояги тўрт йигит шу атрофда юргандай, орқасига қайтди.

Бирдан олисда қора нуқталар кўзга ташланди. Кестер дарҳол чироқларни ўчирди, биз бебилиска уларнинг изидан тушдик. Йўловчилар ҳеч нарсадан беҳабар, бемалол гаплашиб кетишарди.

— Улар тўрт киши, — дедим мен Кестерга.

Шу заҳоти мотор қаттиқ ўкириб, машина сўнгги икки юз метрни қуюндай босиб ўтди, кейин ўнг томондаги йўлгага учиб чиқиб, тўрт йўловчининг ёнгинасида чийиллаб тўхтади. Ҳалигилар қўрқувдан бақириб юборишди.

Кестер ойнадан бошини чиқазди. Гавдаси пўлат пружинадай, ташқарига отилишга тайёр турар, кўзларида қасос ўти ёнарди.

Йўловчилар беозор, кекса одамлар экан. Биттасининг кайфи бор. Улар бизни сўкиб беришди. Кестер индамади. Яна йўлга тушдик.

— Отто, — дедим мен. — Бугун уларни тополмаймиз. Қилар ишни қилиб қўйиб, кўчада бемалол юришармиди?

— Бу гапинг ҳам тўғри, — шундай деб, у мошинани орқага бурди. Кестерникага жўнадик. Унинг хонасига алоҳида эшикдан кирилар, биров безовта қилмасди. Мошинадан тушганимиздан сўнг ундан сўрадим:

— Нега полициячиларга қотилнинг белгиларини айтмадинг? Ахир, башарасини аниқ кўрувдик-ку. Балки уни топиш осонлашармиди?

Кестер менга тикилиб қаради.

— Шунинг учун айтмадимки, бу ишни полициясиз, ўзимиз қойил қиламиз. Нима деб ўйлаган эдинг?.. — У энди бутунлай хотиржам гапирарди. — Қотилни полицияга топшириб қўярканманми? Бир неча йил қамоқ жазоси билан қутулиб кетсинми? Бунақа ишлар нима билан тугашини биласан-ку: улар раҳмдил судьяларни топишади! Мабодо полиция қотилни қўлга туширган тақдирда ҳам, бу эмас, деган бўлардим! Уни ўзим бир ёқлик қиламан! Готтфрид ўлиб кетаверармиш-у, у яшаб юрармишми! Йўқ, унақаси кетмайди!

Замбилни кўтариб, изғирин ва қор қуюни орасидан ичкарига олиб кирдик, гўё биз Фландрияда жанг қиляпмизу ҳалок бўлган дўстимизни олдинги маррадан беҳавф жойга олиб ўтган эдик.

Тобут билан қабристондан жой сотволдик. Готтфридни дафн этиш маросими офтоб чарақлаб турган кунга тўғри келди. Тобут қопқоғини ўзимиз миҳлаб, зинапоядан пастга олиб тушдик. Дўстимизни сўнгги йўлга кузатишга тўпланганлар кўп эмас эди. Фердинанд, Валентин, Альфонс, Фред, Жоржи, Юпп, Фрау Штосс, Густав, Стефан Григоляйт ва Роза. Қабристон дарвозаси олдида бир оз кутиб қолдик. Олдинда яна икки тўп дафн иштирокчилари кетаётганди. Бир гуруҳи қора автомобилга, иккинчиси мотам жияклари билан безатилган қўш отли извошга эргашган. Извош ортидагилар сон-саноксиз бўлиб, сафнинг бош-кеги кўринмас, кузатувчилар бир-бирлари билан бемалол чақчақлашиб боришарди.

Тобутни машинадан олиб, ўзимиз уни арқонда қабрга туширдик. Гўрков хурсанд бўлди, чунки унинг иши бошидан ошиб ётарди. Руҳонийни чақирдик. Тўғри, Готтфриднинг ўзи бунга нима

деган бўларди — билмайман, лекин Валентин, таомили шунақа, деди. Руҳонийдан қабр тепасида ваъз айтмасликни, библиядан бир парча ўқиб қўя қолишни илтимос қилдик. Руҳоний кекса, узоқни кўролмайдиган киши эди. Қабрга яқинлашганда кесакка қоқилиб, чуқурга қулаб тушишига сал қолди, Кестер билан Валентин аранг ушлаб қолишди. Аммо қўлидаги библия билан кўзойнаги пастга тушиб кетди. Авзойи бузилган руҳоний кўзларини қисганча чуқурга тикилиб турарди.

— Ҳечқиси йўқ, отахон, — деди Валентин, — зарарни тўлаймиз.

— Китоб-ку майли, — жавоб берди руҳоний синиқ оҳангда, — аммо кўзойнак...

Валентин қабристонни ихота қилиб турган бута ғовдан бир шохчани синдирди-да, қабр четига чўккалаб, тобут устидаги гулчамбарга илиниб қолган кўзойнакни тортиб олди. Кўзойнакнинг гардиши тиллодан эди. Руҳонийнинг авзойи бекорга бузилмаган экан. Библия эса қабр четидан сирғалиб тушиб, тобут остига кириб кетипти; уни олиш учун тобутни кўтариш керак эди. Бунини руҳоний ҳам хоҳламасди. У тамом гарангсиз қолган эди.

— Ҳеч бўлмаса уч-тўрт калима тиловат қилай, розимисизлар? — сўради у ниҳоят.

— Ҳожати йўқ, отахон, — деди Фердинанд. — Энди дўстимизнинг тобути остида бутун бошли Қадимий аҳд билан Янги аҳд ётипти.

Янги қавланган тупроқ ҳиди димоққа уриларди. Бир қулалада энди тухумдан чиққан оппоқ курт гимирляпти. Ўйга толдим: «Ҳозир қабрга тупроқ ташланади, курт ҳам ер остида яшай бошлайди; кейин ғумбакка айланади, бир йилдан кейин яна тепага ўрмалаб чиқади. Готтфрид эса ўлган. У бежон». Қабр ёнида турарканмиз, унинг танаси, кўзлари ва сочлари борлигини, туси ўзгарган бўлса ҳам, бари бир ҳамон мавжудлигини, шунга қарамай, у энди абадул-абад қайтмаслигини ҳаммамиз яхши билардик. Бунга чидаб бўлмасди. Бизнинг танамиз иссиқ, миямиз ишлаяпти, юрагимиз томирларга қонни гупиллатиб ҳайдаб турипти, кеча қандоқ бўлсак, ҳозир ҳам шундаймиз, иккала қўлимиз бутун, кўзимиз соғ, соқов эмасмиз, бари ҳар вақтдагидай... Аммо энди биз кетишимиз керак. Готтфридни ташлаб кетишимиз керак. У энди бизни ҳеч қачон қидирмайди. Мана шунга чидаб бўлмасди.

Тобут қопқоғига гупиллаб тупроқ туша бошлади. Гўрков бизга тўртта белкурак берди, — Валентин, Кестер, Альфонс ва мен — қабрни тўлдиришга тушдик — қачонлардир ўртоқларимиздан бир нечтасини мана шу тариқа кўмганмиз. Бирдан ёнгинамда Готтфрид яхши кўрадиган кўҳна аскарний кўшиқ, кўҳна ва мунгли аскарний кўшиқ янграгандай бўлди:

О, Аргон ўрмони, Аргон ўрмони,
Сен мисоли қабр кўрғони...

Альфонс ёғочдан ясалган хоч, юз минглаб қабрлар устида турадиган оддий ёғочдан ясалган хоч келтирди. Уни Готтфриднинг бош томонига ўрнатдик.

— Кетдик, — деди Валентин ўксик овозда.

— Ҳозир, — Кестер шундай деди-ю, жойидан жилмади. Бошқалар ҳам қимирламади. Валентин ҳаммамизга бир-бир қараб чиқди.

— Ё парвардигор, — деди у аста. — Дунёйи бевафо!

Ҳеч кимдан садо чиқмади.

Валентин ҳорғин қўл силтади.

— Юринглар!

Биз шағал тўкилган йўлқадан дарвоза томон юрдик. У ерда бизни Фред, Жоржи ва бошқалар кутиб туришарди.

— Қандай чиройли куларди-я, — деди Стефан Григоляйт. Мотамсаро юзидан ёш думалаб тушди.

Атрофга қарадим. Ҳеч ким йўқ эди.

XXV

Февралда Кестер билан охирги марта устахонада ўтирдик. Уни сотишга тўғри келди, ҳозир кимошди савдосини бошқарадиган одамни кутаётгандик. У барча асбоб-ускуна билан таксини савдога қўйиши керак эди. Кестер баҳорга чиқиб, кичкина бир автомобиль фирмасига пойгачи сифатида ишга жойлашишдан умидвор эди. Мен ҳалиям кечқурунлари «Интернациональ» қаҳвахонасида пианино чалар ва айни пайтда, кўпроқ пул топиш мақсадида кундузига ҳам иш топиш ҳаракатида юрардим.

Ҳовлига анча-мунча одам тўпланганди. Аукциончи келди.

— Чиқасанми, Отто?

— Нима қиламан? Ҳамма нарса териб қўйилган, баҳосини ўзи билади.

Кестернинг кўриниши ҳорғин эди. Буни бегона кишилар пайқамаслиги мумкин, аммо уни яхши биладиганлар бир қарашдаёқ сезишлари турган гап. Кестер кечалари ҳамон фожиа юз берган жой атрофида изғирди. У Готтфридни отган йигитнинг исм-шарифини аллақачон билиб олган, лекин уни тополмаётганди. Қотил полиция таъқибидан кўрқиб, бошқа уйга яширинганди. Бу тафсилотни Альфонс аниқлади. У ҳам шай турарди. Тўғри, жиноятчи шаҳардан чиқиб кетган бўлиши ҳам мумкин. Кестер билан Альфонс изига тушишганини у билмайди. Булар эса унинг хавф аригандан сўнг қайтиб келишини кутишарди.

— Бўлмаса ўзим чиқаман, — дедим мен.

— Майли.

Ташқарига чиқдим. Станок ва бошқа асбоб-ускуналаримиз ҳовли ўртасига териб қўйилганди. Ўнг томондаги девор ёнида таксимиз турипти. Уни яхшилаб ювганмиз. Ўриндик ва филдиракла-

рига кўз ташладим. Готтфрид уни «соғин сигиримиз» дерди. Бу мошинадан айрилиш биз учун осонмас.

Кимдир елкамга қоқди. Ўгирилиб қарасам, рўпарамда бел-боёли пальто кийган чапанинамо йигит турипти. У ғаров ҳассасини айлантириб, кўзини қисди:

— Танияпсизми?

Эслай бошладим.

— Гвидо Тисс, «Аугека» жамиятидан!

— Ана, кўрдингизми? — деди Гвидо виқор билан. — Ўшанда ҳам маъна шунақа қақир-қуқурлар тепасида учрашган эдик. Тўғри, ёнингизда турқи совуқ бир одам ҳам бор эди. Яна жиндай турсак, башарасига солардим.

Елвизак бу олифтанинг Кестерга қўл кўтаришини кўз олдига келтириб, беихтиёр афтим буришди. Буни кулгига йўйиб, Гвидо ҳам сўйлоқ тишларини кўрсатди.

— Бўпти, ўтган ишга салавот! Кекчи эмасман. Ўшанда анови шалоқ мошинага каттагина пул тўлаган эдинглар. Қалай, фойдаси бўлдими?

— Албатта, — дедим мен. — Ёмон мошинамас.

Тисс сайраб кетди:

— Гапимга қулоқ солганингларда мўмайгина пул ишлаб қолардинглар. Менга ҳам яхши бўларди. Майли, ўтди-кетди! Лекин бугун боплашимиз мумкин. Беш юз маркадан оширмаймиз. Мошина бизники бўлади. Оладиган бошқа одам йўқ ўзи. Келишдикми?

Дарров тушундим. У, булар ўшанда мошинани устига қўйиб сотворишган, деб ўйлаётгани, ҳозир ўзи оёқ босиб турган устахона бизга қарашли эканини ҳам билмасди. Аксинча, булар таксини қайтадан сотиб олишмоқчи, деган хулосага келганди.

— Бу мошинанинг нархи ҳозир ҳам бир ярим минг маркадан кам эмас, — дедим унга. — Ундан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги патент харажати бу ҳисобга кирмайди.

— Албатта, — гапимни илиб кетди Гвидо куйиб-пишиб. — Шунинг учун нархни беш юздан оширмаймиз, деяпман-да. Буни мен қиламан. Агар шу баҳога мошинани қўлга киритсам — сизларга уч юз эллик марка нақд санаб бераман.

— Тўғри келмайди, — дедим унга. — Менга пул эмас, мошина керак.

— Ўйлаб кўринг...

— Йўқ, овора бўлманг, — шундай деб, ҳовли ўртасига қараб юрдим. Биламанки, энди у нархни бир минг икки юзгача кўтаради.

Аукциончи ишга киришди. Аввал станок қисмлари сотилди. Даромад яхши бўлмади. Асбоб-ускуналар ҳам арзон-ғаровга кетди. Навбат таксига келди. Кимдир уч юз марка таклиф қилди.

— Тўрт юз, — деди Гвидо.

— Тўрт юз эллик, — эълон қилди узоқ иккиланишдан сўнг кўк коржома кийган харидор.

Гвидо нархни беш юзга кўтарди. Аукциончи ҳаммага бир-бир қараб чиқди. Коржомали киши жим тураверди. Гвидо менга кўз қисиб, тўрт бармоғини кўрсатди.

— Олти юз, — дедим мен.

Гвидо таассуф билан бош чайқаб, етти юз таклиф қилди. Мен нархни кўтаравердим. Гвидо ҳам кўшаверди. Нарх мингга етганда у менга мўлтираб қараб, бармоғи билан яна юз марка ишлаб қолишим мумкинлигига ишора қилди. Шундан кейин нархни бир минг ўн маркага кўтарди. Мен бир минг бир юз марка деганимда юзи лавлаги бўлиб кетди:

— Бир минг бир юз ўн, — деди у чийиллаб.

Мен бир минг бир юз тўқсон таклиф қилдим. Гвидо ўзининг охирги нархи — бир минг икки юзни эълон қилади, деб ўйлагандим. Шундан кейин ўйиндан чиқиб кетмоқчи эдим.

Аммо Гвидо қутуриб кетди. Уни суриб чиқаришимдан кўрқиб, кутилмаганда бир минг уч юзни таклиф қилди. Ўйланиб қолдим. Агар унга ростдан ҳам мошина керак бўлганда, бир минг икки юзда тўхтарди. Йўлига нархни ошириб, жиғимга тегмоқчи. Бояги суҳбатимиздан биладики, менинг охирги мўлжалим — бир минг беш юз, демак, ҳозирча «мушук-сичқон» ўйнаса бўлаверади.

— Бир минг уч юз ўн, — дедим мен.

— Бир минг тўрт юз, — деди шоша-пиша Гвидо.

— Бир минг тўрт юз ўн, — овозим аранг чиқди, чунки панд еб қолишдан кўрқа бошладим.

— Бир минг тўрт юз тўқсон! — Гвидо менга тантанавор ва масхаромуз нигоҳ билан қаради. У мени тузлаганига юз фоиз ишонган эди.

— Ким ошади? — сўради аукциончи.

Жим туравердим.

— Ким ошади? — сўради у иккинчи марта. Ксйин болғачани кўтарди. Ниҳоят, мошина Гвидого насиб этгани эълон қилинганда юзидаги таңтана ўрнини аянчли бир таажжуб ифодаси эгаллади. Бир оздан сўнг сўлжайиб олдимга келди.

— Мен ўйловдимки... сиз олмоқчи эдингиз-ку...

— Йўқ, — дедим мен.

Чув тушганини англаган Гвидо бошини қашлади.

— Оббо сиз-ей! Бу даҳмазани фирмага қанаққиб ўтказаман? Бир ярим мингга чиқасиз, деб ўйлагандим. Аммо бу гал уни сиздан юлиб олдим-ку!

— Шунақа қилишингиз керак эди! — дедим мен.

Гвидо кўзларини пирпиратди. Ичкаридан Кестер чиқиб келганида бошини чангаллаб қолди.

— Ие! Ие! Мошина ўзингларникимиди? Вой, мен тентак! Вой, мен эшшак! Шунақаям алдапаманми?! Шунақаям лақма бўламанми?! Оддийгина қармоққа илиниб ўтирибман-а! Ҳа, май-

ни, бўлар иш бўлди! Уччига чиққан абжирлар ҳар доим қопқонга тушади! Кейинги гал ҳиссасини чиқазаман! Ҳақимни бировга берадиган йигит эмасман!

Гвидо мошинага ўтириб, жўнаб кетди. Орқасидан қараб турарканмиз, ичимизда бир нарса узилиб кетгандай бўлди.

Кундузи Матильда Штосс келди. Кейинги ой учун у билан ҳисоб-китоб қилишимиз керак эди. Кестер Матильдага иш ҳақини тўлади, кейин устахонанинг янги хўжайинидан ишда қолдиришни илтимос қилишни маслаҳат берди. Юппни опқолишга хўжайинни бир амаллаб кўндирган эдик. Аммо Матильда маслаҳатни рад этди.

— Йўқ, жаноб Кестер, етади. Суякларим зирқираб оғрийдиган бўп қолди.

— Бу ёғига нима қиласиз? — сўрадим мен.

— Қизимнинг олдига кетаман. Бунцлауда яшайди. Оилали. Бўлганмисиз Бунцлауда?

— Йўқ, Матильда.

— Лекин жаноб Кестер бу шаҳарни билади, тўғрими?

— Мен ҳам бормаганман у ерга, фрау Штосс.

— Қизиқ, — деди Матильда. — Бунцлауни ҳеч ким билмайди-я. Қизим ўша шаҳарда ўн икки йилдан буён яшайди-ку. Маҳкама котибига турмушга чиққан.

— Демак, Бунцлау деган шаҳар бор. Шубҳа бўлиши мумкин эмас. Модомики маҳкама котиби яшар экан...

— Албатта-да. Лекин ҳеч ким билмагани қизиқ.

— Шу пайтгача ўзингиз нега бормадингиз? — сўрадим ундан. Матильда кулимсиради.

— Тарихи узун буни. Лекин энди невараларимнинг олдига бормасам бўлмайди. Тўртта бўлишди.

— Эшитишимча, ўша томонларда зўр шнапс тайёрлашаркан, — дедим мен. — Олхўриданми-сй...

Матильда қўл силтади.

— Ҳамма гап шунда-да. Лекин куёвим ичмайди.

Кестер бўшаб қолган тўкчадан сўнгги шишани олди.

— Келинг, фрау Штосс, хайрлашиш олдидан бир қадаҳдан ичайлик.

— Бажонидил.

Кестер қадаҳларни тўлдирди. Матильда ромни худди ғалвирдан ўтказгандай тез қуритди. Тепа лаби пирпираб кетди.

— Яна битта қуяйми? — сўрадим ундан.

— Кўлингизни қайтармайман.

Каттакон қадаҳга тўлдириб қуйдим. Кейин у биз билан хайрлашди.

— Янги жойда омадингизни берсин, — дедим мен.

— Мингдан-минг раҳмат. Сизларга ҳам омад тилайман. Лекин Бунцлауни ҳеч ким билмагани қизиқ бўлди-да, а?

У хиёл чайқалганча чиқиб кетди. Биз ҳувиллаб ётган устахонада яна пича турдик.

— Биз ҳам жиламиз, — деди Кестер.

— Тўғри. Нима ҳам қиламиз бу ерда.

Эшикни беркитиб, «Карл»ни олгани кетдик. Уни сотмагандик, мошина кўшни гаражда турарди. Йўл-йўлакай почта билан банкка кирдик, Кестер кимошди савдо бошқармасининг мудирига марка солиғини тўлади.

— Бориб ухлайман, — деди у. — Уйда бўласанми?

— Бугун кечкурун бўшман.

— Бўпти, саккизда олдингга кираман.

Шаҳар четидаги кичкина ресторанда овқатланиб, орқага қайтдик. Сал юрмасимиздан олдинги филдиракнинг дами чиқиб кетди. Уни алмаштирдик. «Карл» анчадан буён ювилмаган эди, ҳамма ёғим ифлос бўлди.

— Қўлни ювмасам бўлмайди, Отто, — дедим мен.

Йўл бўйида каттагина қаҳвахона бор эди. Ўша ерга кириб, эшик ёнидаги столга ўтирдик. Таажжубки, ҳамма жой банд. Аёллар ансамбли кўшиқ айтар, ўйин-кулги авжида эди. Ансамбль ижрочилари бошларига ола-була қоғоз кулоҳ кийиб олишган, меҳмонларнинг аксарияти маскарад кийимида, столлар тепасида ранг-баранг қоғоз жияклар, шифтга бирин-кетин ҳаво пуфаклари отиляпти, қаҳвахона хизматчилари патнис тўла таомларни кўтариб, залда у ёқдан-бу ёққа ўтиб туришипти. Ҳамма нарса ҳаракатда, меҳмонлар хохолаган, чуғурлаган.

— Нима бўляпти, ўзи? — сўради Кестер.

Кўшни столда ўтирган ёшгина малла соч қиз бизга бир ҳовуч рангли қоғоз тангачаларни отди.

— Нима бало, ойдан тушганмисизлар? — деди у кулиб. — Хабаринглар йўқми, бугун қишни кузатиш байрами бошланди-ку?

— Э, шунақами? — дедим мен. — Бўлмаса қўлимни ювиб келай.

Ҳожатхонага бориш учун залнинг нариги томонига ўтишга тўғри келди. Бир стол олдида тўхтаб қолдим — уч-тўртта кайфи ошган меҳмон қандайдир бир қизни кўшиқ айттириш учун столга кўтариб чиқаришга уринарди. Қиз чийиллаб, қаршилик кўрсатарди. Бирдан стол ағдарилиб кетди, бадмаст меҳмонлар ҳам қулади. Йўл очилишини кутиб турдим. Шунда... бирдан мени электр токи ургандай бўлди. Мурдадек қотиб қолдим, қаҳвахона қасққадир ўпирилиб тушди, ғала-ғовур ҳам, мусиқа ҳам тинди. Атрофда чаплашиб кетган, ноаниқ кўланкалар сузиб юрар, фақат битта стол, яккаю ягона стол аниқ-равшан кўриниб турарди. Унинг ортида масхарабозлар кулоҳини кийган бир йигит ёнидаги ширакайф қизни белидан кучоқлаб ўтирибди. Кўзларида маъно йўқ, лаблари юпқа. Стол остидан чиқиб турган қўнжи тугмали сарғиш ранг этиги ялтирайди...

Мени хизматчи туртди. Маст одамдай уч-тўрт қадам ташлаб, яна тўхтадим. Ичкари иссиқ бўлса ҳам аъзойи баданим қалтирарди. Энди стол атрофида ўтирган бошқа одамларни ҳам илгандим. Улар пиво кружкасини столга уриб, бараварига бўкириб кўшиқ айтишарди. Мени яна туртишди.

— Йўлда турманг.

Беихтиёр тўғрига қараб кетавердим, ҳожатхонани топиб, кўлимни юва бошладим, қаттиқ оғриқни сезганимдан кейингина қайноқ сувни очиб кўйганимни англадим. Кейин Кестернинг олдига қайтиб келдим.

— Нима бўлди?

Тилим айланмади.

— Мазанг қочдимми?

Бош чайқаб, малла соч қиз ўтирган кўшни столга қарадим. Қиз биздан кўз узмасди. Бирдан Кестернинг ранги оқариб кетди, кўзлари қисилиб, олдинга энгашиди.

— Ростданми? — сўради у шивирлаб.

— Ҳа.

— Қаерда?

Мен Готтфриднинг қотили ўтирган стол томонга ишора қилдим.

Кестер аста ўрнидан турди. Назаримда, кўзойнакли илон қаддини ростлагандай бўлди.

— Эҳтиёт бўл, — пичирладим унга. — Бу ерда эмас, Отто.

У кўл силтаб, ўша ёққа қараб юрди. Орқасидан югургим келди. Шу пайт қандайдир аёл унинг бошига кўк-қизғиш қоғоз кулоҳ кийгизиб, бўйнига осилволди. Отто буни сезмади ҳам. Аёл ўзини четга олиб, орқасидан анграйиб қараб қолди. Отто зални айланиб чиқиб, стол ёнига қайтиб келди.

— У ерда йўқ, — деди у.

Ўрнимдан туриб, залга назар ташладим. Кестер ҳақ эди.

— Мени таниб қолдимикин?

Кестер елкасини қисди. Шундагина бошида қоғоз кулоҳ турганини сезиб, улоқтириб юборди.

— Ҳайронман, — дедим унга. — Ҳожатхонада бир-икки минут бўлдим холос-ку.

— Чорак соатдан кўп бўлдинг.

— Йўғ-э?.. — Мен яна стол томонга қарадим. — Бошқалари ҳам ғойиб бўлишибди. Бир қиз ҳам бор эди, у ҳам йўқ. Мендан шубҳаланганида бир ўзи кетарди-ку.

Кестер хизматчини чақирди.

— Кириб-чиқиладиган бошқа эшик ҳам борми?

— Ҳа, нариги томонда, Гарденбергштрассега чиқилади.

Кестер чўнтагидан танга чиқазиб, хизматчига берди.

— Афсус, — деди кўшнн столдаги малла соч қиз. — Шундоқ йингитлар...

Кўчага чиқдик. Юзимизга шамол урилди. Иссиқ жойдан чиққаннимиз учунми, бизга изғириндай туюлди.

— Сен кетавер, — деди Кестер.

— Улар кўпчилик, — шундай деб, ёнига ўтирдим.

Мошина жойидан кўзгалди. Қаҳвахона атрофидаги ҳамма кўчага кириб чиқдик, аммо ҳеч кимни учратмадик. Ниҳоят Кестер тўхтади.

— Қочиб қолди, — деди у. — Ҳечқиси йўқ. Бари бир эртамикечми кўлимизга тушади.

— Отто, — дедим мен. — Қайт шу ниятингдан.

У менга тикилиб қаради.

— Готтфрид ўлди, — шундай дедиму сўзларимга ўзим ажабландим. — Нима қилганингда ҳам қайтиб тирилмайди...

Кестер ҳамон тикилиб турарди.

— Робби, — деди у ниҳоятда вазмин оҳангда. — Фронтда қанча одам ўлдирганимни эслолмайман. Аммо ёш бир инглиз учувчисини уриб туширганим ҳамон ёдимда. Пулемётининг ўқлари тишлашиб, отилмай қолди, минг типирчиламасин, ҳеч нарса қилолмади. Мен бир неча метр нарида уни нишонга олиб, кўзлари кўрқувга тўла норасида чехрани яққол кўриб турардим; кейин маълум бўлишича, бу унинг биринчи парвози бўлиб, ёши ўн саккизга тўлиб-тўлмаган экан. Ана шу чўчиб турган, ночор, беғубор чехрага қаратиб пулемётдан тариллатиб ўқ уздим. Миясининг қопқоғи тухум пўчоғидай учиб кетди. У йигитчани танимасдим, у менга ёмонлик қилмаганди. Анча пайтгача эзилиб юрдим, кейин: «Уруш уруш-да!» — деб, виждонимга тасалли бердим. Мабодо Готтфридни бекордан-бекорга итдай отиб ташлаган аблаҳни ўлдирмасам, демак, инглиз ўспириинининг руҳи олдида ашаддий жиноятчи бўламан. Тушунасанми шуни?

— Тушунаман.

— Энди, жўна. Ишни охирига етказишим керак. Гап тамом. Уни қулатмагунча ҳеч қасққа бормайман.

— Кетмайман, Отто. Қолсак, бирга қоламиз.

— Бошимни қотирма, — деди у шошиб. — Сени керагинг йўқ. — Эътироз билдиришга чоғланаётганимни сезиб, кўлини кўтарди. — Кўнглинг тўқ бўлсин! Бир ўзини пойлайман! Ёлғиз ўзини! Хавотир олма.

У мени ўриндиқдан итариб тушириб юборди-да, газни босди. Биламанки, уни ҳеч нарса тўхтатолмайди. Мени нима учун жўнатганини ҳам биламан. Патни ўйлаяпти. Готтфридни ҳайдамаган бўларди.

Альфонсининг қаҳвахонасига йўл олдим. Энди фақат у билан гаплашишим мумкин эди. Аксига олиб, Альфонс йўқ экан. Ухлайвериб қовоғи салқинган қиз бир соат бурун унинг мажлисга кетганини айтди. Стол ёнига ўтириб, кута бошладим.

Қаҳвахона хувиллаб ётарди. Пиво пештахтаси тепасида кичкина чироқ ёниб турипти. Қиз яна жойига ўтириб, уйкуга кетди. Мен деразадан ой нурига ғарқ бўлган кўчага тикилганча Отто билан Готтфрид тўғрисида, ёғоч хоч ўрнатилган қабр ҳақида ўнтардим. Бир маҳал йиғлаётганимни пайқаб, кўз ёшимни сидириб ташладим.

Ҳаял ўтмай, қадам товушлари эшитилди. Альфонс орқа эшикдан кирди. Юзи тердан йилтирарди.

Альфонс, бу менман!

Бу ёққа юр, тезроқ!

Орқасидан эргашиб, пештахтанинг ўнг томонидаги хонага кирдим. Альфонс жавондан уруш вақтидан қолган иккита санитар қоғозхалтасини олди.

— Боғлашни биласанми? — сўради у аста иштонини тушираркан.

Белида қон силқиб турган тиртиқ бор эди.

— Ялаб ўтибди, — дедим мен.

— Тўғри, — пинғиллади Альфонс. — Боғла!

— Отто қани?

— Қаёқдан биламан қаердалигини? — деди у жароҳатидаги қонни ситиб ташлаб.

— Биргамасмидинглар?

— Йўқ.

— Кўзинг ҳам тушмадимми?

— Ўйлаганим ҳам йўқ. Анови халтани очиб, тепароғини боғла. Тирналган, холос.

— Альфонс, — дедим мен. — Уни кўрдик... анови... Готтфриднинг қотилини... биласан-ку... кечқурун кўрдик, Отто изига тушган.

— Нима? Отто? — Альфонс сергак тортди. — Қаерда у? Энди кераги йўқ! Айланишмасин у атрофда!

— У кетмайди.

Альфонс қайчини улоқтирди.

— Тез бор! Қаердалигини биласанми? Қорасини кўрсатмасин. Готтфриднинг ўчини олиб бўлдим. Сизлардан олдин билган эдим қаерда ўтирганини! Кўриб турибсан-ку, яраландим! Тепкини босишга улгурмасидан қўлига тушириб қолдим. Кейин мен отдим. Отто қаерда?

— Менкештрассе атрофида.

— Хайрият. Анчадан буён у ерда яшамайди. Бари бир у ердан опкет Оттони.

Телефон ёнига бориб, одатда Густав навбатда турадиган такси бекатига қўнғироқ қилдим. Ўша ерда экан.

— Густав, — дедим мен. — Визенштрассе билан Бельвю майдонига тез етиб кел. Ҳаяллама! Кутаман!

— Ўн минутда етиб бораман.

Гўшакни кўйиб, Альфонснинг олдига қайтдим. У шимини кияётган экан.

— Шаҳарни айланиб юрганларингни билмабман, — деди у. Юзидаги тер ҳамон қотмаган эди. — Ундан кўра бир жойда ўтирганинглр маъқул эди. Айбдор эмасликларингга далил бўларди. Суриштириб қолишлари мумкин-да. Билиб бўладими...

— Яхшиси, ўзинг ҳақингда ўйла.

— Менга нима! Ҳеч ким кўргани йўқ. Юзма-юз келдик. Бир хонада кутиб ўтирдим. Кўққисдан пайдо бўлди. Қолаверса, қонунда ўз-ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқи бор. Остонадан ўтибоқ ўқ узди. Менга далилнинг кераги йўқ. Хоҳласам ўнтасини қалаштириб ташлашим мумкин.

У стулда пишиллаб ўтирарди. Сочлари бошига ёпишган, кат-такон оғзи сал қийшиқ, нигоҳига шу қадар буюк алам ва армон, шу қадар буюк оғриқ ва меҳр жо бўлган эдики, бу кўзларга тик қараш осон эмасди.

— Мана энди Готтфрид гўрида тинч ётади, — деди у паст, бўғиқ овозда. — Шу пайтгача менга у безовтадай туюларди.

Рўпарасида миқ этмай турардим.

— Энди бора қол, — деди у.

Зал оралаб ўтдим. Қиз ҳамон пишиллаб ухларди. Ой тепага кўтарилган, кўча ёп-ёруғ эди. Бельвю майдонига қараб кетдим. Уйларнинг деразалари ой нурида кумуш кўзгудай ярқирарди. Шамол тўхтапти.

Атроф жимжит эди.

Бир неча дақиқадан сўнг Густав етиб келди.

— Тинчликми, Роберт?

— Мошинамни кечкурун ўғирлаб кетишди. Ҳозиргина айтишди — Менкештрассе томонда кўришипти. Бориб келмаймизми?

— Бўпти, борамиз! — Густав қизишиб кетди. — Ўғриларнинг сон-саногии йўқ. Ҳар куни бир нечта мошина ўғирланади. Кўпинча ҳайдаб-ҳайдаб, бензин тугаганда ташлаб кетишади.

— Бизникини ҳам шунақа қилишса керак.

Густав яқинда уйланишини айтди. Қайлиғи ҳомиладор бўп қопти, уйланмаса бўлмасмиш. Менкештрассе ва бошқа кўчаларни айланиб чиқдик.

— Ана! — бақириб юборди Густав. Мошина қоронғи бир тор кўчада турарди. «Карл»га ўтириб, моторни ўт олдирдим.

— Худога шукур, Густав, — дедим унга. — Яхшиям бор экансан.

— Арзимаиди, — жавоб берди у. — Бир жойда қиттай-қиттай отмаймизми?

— Бугун эмас. Эртага. Шошиб турибман.

Уни рози қилиш учун чўнтагимни кавладим.

— Эсинг жойидами? — деди у.

— Раҳмат, бўлмаса. Бора қол. Хайр.

— Бирор жойда пойлаб туриб, ўғрини қўлга туширамизми?

Фойдаси йўқ, у аллақачон жуфтакни ростлаб қолган, — бирдан бетоқат бўла бошладим. — Омон бўл, Густав.

Бензин қоптими?

Етади. Қарадим. Кўришгунча.

У жўнаб кетди. Бир оздан сўнг мен ҳам йўлга тушдим. Мен-гештрассега етганда секин юрдим, кўчанинг охирига бориб, орқага қайтдим. Кестер муюлишда турарди.

— Бу нима қилганинг?

— Ўтир, — дедим унга шошиб. — Бу ерда қиладиган ишинг қолмади. Альфонсинг олдидан келяпман. У... топибди.

— Хўш?

— Масала ҳал.

Кестер индамай ўзини ўриндиққа ташлади. Рулга ўтирмади. Сал букчайганча ёнимга чўкди. Жўнадик.

— Бизникига борамизми? — сўрадим мен.

У бош силкиди. Мошинани канал ёқасидаги йўлга бурдим. Сув кумушдай ялтирайди. Нариги соҳилдаги пастқам уйлар қоп-қора-йиб кўринар, черковнинг оқиш-зангори гумбазлари савлат тўкиб турарди. Улар ой нурига фарқ бўлган осмон остида ажабтовур чирой касб этишганди.

— Отто, шундай бўлганига хурсандман.

— Мен хурсанд эмасман, — деди у.

Фрау Залевскининг чироғи ёниқ турарди. Кўча эшигини очим билан йўлакка югуриб чиқди.

— Сизга телеграмма бор.

— Телеграмма? — қайта сўрадим таажжубланиб. Хаёлим ҳануз кечаги воқеа билан банд эди. Кейин эс-хушимни йиғиб, хонамга югурдим. Телеграмма стол устида ётарди. Апил-тапил очдим. Юрагим гупиллар, ҳарфлар титраб, айқаш-уйқаш бўлиб кетар, сўнг яна ўз ўрнига жойлашарди. Ниҳоят, кўнглим тинчиб, уни Кестерга узатдим.

— Худога шукур. Ўтакам ёрила ёзди.

Бор-йўғи тўртта сўз эди: «Робби, тез етиб кел».

Телеграммани қайтариб олдим. Бирдан ичим яна ғаш бўла бошлади.

— Нима бўлдийкин, Отто? Нега кўнғироқ қила қолмади? Бир гап бор!

Кестер телеграммани кўлимдан олиб, столга қўйди.

— Охирги марта қачон гаплашувдинг?

— Бир ҳафта бўлди... Йўқ, кўпроқ.

— Телефонга буюртма бер. Агар вазият жиддий бўлса, йўлга тушамиз. Мошинада. Темир йўл маълумотномаси ёзилган китоб борми?

Санаторий билан телефонда гаплашишга буюртма бериб, фрау Залевскининг меҳмонхонасидан маълумотномани олиб чиқдим. Кестер китобни очди.

— Энг қулай поезд эртага тушда жўнаркан, — деди у. — Яхшиси, мошинага ўтириб, санаторийга яқинроқ жойга етволиш керак. У ерда олдин келган биринчи поездга чиқволамиз. Шунда бир неча соат ютишимиз мумкин. Нима дейсан?

— Яхши таклиф. — Поездда бир неча соат қандай чидаб ўтиришимни тасаввур қилолмасдим.

Телефон жиринглади. Кестер маълумотномани кўтариб, менинг хонамга кетди. Санаторийни улашган эди. Патни чақиринларини сўрадим. Салдан кейин навбатчи ҳамшира, Пат телефонга келмагани яхши, деди.

— Нима бўлди, ўзи?

— Уч-тўрт кун аввал озгина қон қусди. Ҳозир иситмаси бор.

— Айтиб қўйинг, мен боряпман. Кестер ва «Карл» билан. Ҳозир жўнаймиз. Гапимга тушундингизми?

— Кестер ва Карл билан дейсизми?

— Ҳа. Албатта етказинг. Ҳозир йўлга чиқамиз.

— Бўпти, айтиб қўяман.

Хонамга қайтиб келдим. Кестер стол ёнида поездлар қатнови жадвалини ёзиб ўтирарди.

— Чамадонингни ҳозирла, — деди у. — Мен ҳам йўлга у-бу нарса олволишим керак. Ярим соатдан кейин келаман.

Жавон устидан чамадонни олдим. Бу Готтфрид совға қилган, турли мамлакатларнинг суратлари ёпиштирилган ўша эски чамадон эди. Нарсаларини тез жойлаштириб, кетаётганимни фрау Залевски билан «Интернациональ» хўжайинига маълум қилиб қўйдим. Кейин дераза тоқчасига ўтириб, Кестерни кута бошладим. Ҳаммаёқ жимжит эди. Эртага кечқурун Патни кўришимни тасаввур этишим билан вужудимни бетоқатлик ҳисси чулғаб олди. Бу туйғу кўрқув, хавотирлик, ғам-андух ва тушкунликни четга суриб ташлади. Эртага кечқурун уни кўраман — бу ақл бовар қилмайдиган, шуурга сиғмайдиган бахт эди, мен бу бахтдан умидимни узиб қўйган эдим. Учрашмаганимиздан буён қанча нарсаи йўқотдим-у...

Чамадонни олиб, хонадан чиқдим. Бирдан ҳамма нарса кўзимга азиз ва серфайз бўлиб кўринди: зинапоя ҳам, зах ҳиди ўрнашиб қолган йўлак ҳам, «Карл» физиллаб келиб тўхтаган қорамтир, совуқ асфальт ҳам.

— Иккита аёл олволдим, — деди Кестер. — Ҳаво салқин. Яхшилаб ўранвол.

— Навбат билан ҳайдаймиз, хўпми?

— Бўпти. Ҳозир ўзим ҳайдайман. Тушдан кейин тўйиб ухлаганман.

Ярим соатдан сўнг шаҳар ортада қолди, бизни ойдин туннинг беадад сукунати комига тортиб кетди. Оппоқ йўл биздан қочиб, ўзини уфққа урарди. Шу қадар ёруғ эдики, бемалол чироқларни ёқмай юрса бўларди. Мотор товуши мусиқа садосини эслатарди, бу овоз сукунатни бузмас, аксинча, унга салобат бахш этиб борарди.

- Ухласанг-чи, — деди Кестер.
- Ухлолмайман, Отто.
- Бўлмаса, ёнбошла. Эрталаб тетикроқ бўласан. Ҳали бутун Германияни босиб ўтишимиз керак.
- Шундоқ ҳам дам олиб кетяпман.

Кестернинг ёнида ўтирардим. Тўлин ой кўкда вазмин сузиб юрарди. Далалар садафдай товланади. Аҳён-аҳён қишлоқлар, баъзан мудроқ, бўм-бўш шаҳар ёнимиздан лип этиб ўтиб кетади. Бинолар оралиғидаги кўчалар ойнанинг хаёлий нурига фарқ бўлган дарааларни эслатар, бу ёғду тунни аллақандай фантастик фильмга айлантириб юборганди.

Тонгга яқин совуқ зўрайди. Ўтлоқларни қоплаган шабнам учқун сачратар, оқара бошлаган осмон остидаги дарахтлар кўрғошидан ясалганга ўхшарди. Урмонларда шамол кўзгалди, айрим гомлар тепасидан тутун ўрлай бошлади. Кестер билан ўрин алмашдик. Соат ўнгача мошинани мен ҳайдадим. Йўл бўйидаги қаҳвахонада наридан-бери тамадди қилиб, яна йўлга тушдик. Соат ўн иккида Кестер рулга ўтирди. Отто мошинани мендан тезроқ ҳайдарди, шунинг учун бу ёғини ўзига қўйиб бердим.

Тоққа яқинлашганимизда қоронғи тушиб қолган эди. Филдиракка ўраш учун занжир, ҳар эҳтимолга қарши, белкурак олволган эдик. Шароитни сўраб-суриштирдик.

— Ҳозир занжир боғлаш шарт эмас, — деди автомобиль клубининг котиби. — Бу йил қор кам тушди. Лекин тепада аҳвол қанақалигини билмайман. Вазиятга қараб иш тутасизлар.

Биз поезддан анча ўзиб кетган эдик, бинобарин, манзилга мошинада етволишга аҳд қилдик. Совуқ кучайиб борарди, демак, туман тушиш хавфи йўқ. «Карл» илонизи йўлдан шиддат билан юқорига ўрмаларди. Ярим йўлни босиб ўтганимиздан сўнг филдиракларга занжир ўрадик. Йўл қордан тозаланган, аммо кўп жойлари яхлаган эди. Мошина у ёқдан-бу ёққа сурилиб кета бошлади. Баъзан тушиб уни итаришга мажбур бўлдик. Икки марта қорга ботиб қолдик, белкурак билан филдиракларга йўл очишга тўғри келди. Охириги қишлоқдан бир челақ қум топдик. Энди биз довоннинг энг чўққисидан турардик, пастга тушарканмиз, яхлаган муюлишлардан кўрқардик. Атроф зимзиё, қоп-қора, яланғоч қоялар кўкка бўй чўзган, йўл торайиб борар, биринчи тезликка солинган мотор инграрди. Биз қадам-бақадам, муюлишма-муолиш пастлайвердик. Бирдан мошина чироқлари тош деворни тешиб ўтиб, сўнгсиз бўшлиққа йўналди, қоялар икки томонга сурилиб, олисда қишлоқ чироқлари кўринди.

Мошина катта кўчадаги дўконларнинг ранго-ранг витриналари орасидан гумбурлаб ўта бошлади. Ногаҳоний манзарадан чўчиб кетган йўловчилар шоша-пиша ўзларини четга олишарди. Отлар ҳурқиб, баъзи чаналар йўл четидаги ариқча ағдарилди. «Карл» айланма йўлдан шитоб билан санаторийга кўтарилиб, эшик олдида тўхтади. Мошинадан отилиб чиқдим. Яккам-дуккам

одамлар, синчков нигоҳлар, идора, лифт, оппоқ йўлак гўё хира парда ортида тургандай кўринди... Эшикни шахт билан очиб, Патга кўзим тушди. Уни тушимда ва орзуларимда худди мана шу қиёфада юз маротабалаб кўрганман, мана энди у мен томон отилди. Патни, ҳаётни кучгандай, бағримга босдим. Йўқ, бу ҳаётдан кўра улканроқ нарса эди...

— Худога шукур, — дедим енгил тин олиб. — Тўшақда бўлсанг керак, деб ўйлагандим.

У бош чайқади, сочлари юзимга тегди. Кейин қаддини ростлади-да, кафтлари билан чакагимни қисиб, кўзимга тикилди.

— Келдингми, а?! — шивирлади у. — Келдингми?!

Сўнг юзимдан ўпди, худди синдириб қўядигандай, авайлаб ўпди. Лаблари танамга титроқ солди. Бу ҳол шу қадар тез юз бердики, нима бўлаётганини ҳадеганда идрок қилолмадим. Мен ҳали ростакамига бу ерда эмасдим; миямда ҳали мотор шовқини гувулар, кўз ўнгимда уфққача чўзилиб кетган йўл турарди. Изғирин ва қоронғилкдан иссиқ ҳонага кирган киши ўзини дабдурустдан ана шундай ҳис этади — ҳароратни териси, кўзлари билан сезиб туради-ю, аммо танасига ҳали иссиқ ўтмаган бўлади.

— Тез юрдик, — дедим мен.

Пат индамади, кўзимга тик қараганча тураверди, назаримда, муҳим бир гапни айтмоқчи-ю, ўшанга мос сўз қидирарди. Елкасидан қучиб, нигоҳимни олиб қочдим.

— Энди кетмайсанми? — сўради у ниҳоят.

Мен бош силкидим.

— Ростини айт. Қоласанми, кетасанми?.. Мен буни билишим керак.

Буни ҳали ўзим ҳам билмаслигимни, эҳтимол, бир неча кундан кейин кетишга тўғри келишини, тоғда қолиш учун ёнимда пул йўқлигини айтмоқчи бўлдим. Лекин бундай деёлмадим. Унинг илтижо тўла кўзларига қараб туриб, бундай деёлмасдим.

— Қоламан, — дедим унга. — Иккаламиз бирга кетамиз.

Патнинг бир туки ўзгармади. Кейин юзига ичкаридан нур балқиди.

— Вой, хайрият, — деди у. — кетсанг, тамом бўлардим.

Каравотишининг тепасида, деворда осиглиқ турган ҳарорат варақасига елкаси оша разм ташлашга уриндим. У буни сезиб, варақани юлиб олди-да, гижимлаб каравот тагига улоқтирди.

— Энди бунинг аҳамияти йўқ.

Варақанинг думалаб кетган жойини кўз остига олиб қўйдим, кейин сездирмасдан уни олиб, чўнтагимга солиб қўйишга аҳд қилдим.

— Мазанг қочдимми? — сўрадим ундан.

— Сал-пал. Ўтиб кетди.

— Дўхтир нима деяпти?

У кулиб юборди.

Дўхтирларни сўрама. Умуман ҳеч нарсани сўрама. Сен шу сўрасан, шунинг ўзи кифоя!

Назаримда у сал ўзгаргандай эди. Эҳтимол, кўпдан буён кўрмаганим учун шундай туюлаётгандир, лекин бари бир илгаригидан эмас. Ҳаракатлари янада майинлашган, бадани иссиқроқ, ҳатто юриши, масалан ҳозиргина истиқболимга одим ташлаши ҳам — бошқача... У энди авайланиши лозим бўлган шунчаки чиройли қиз эмас эди, унга яна нимадир қўшилганди, агар илгари мени севишига кўпинча иккиланган бўлсам, ҳозир бунга асло шубҳа қилмайман. У энди ҳеч нарсани яширмасди; яшаш тавқига лиммо-лим, менга ҳар қачонгидан кўра ҳам яқинроқ маҳрамга айланган бу гўзал рўпарамда битмас-туганмас бахт атолиб турарди... Аммо унда аллақандай безовталиқ бор эди.

— Пат, — дедим унга. — Тезроқ пастга тушишим керак. Кестер кутиб турибди. Ижарага ётадиган жой топишимиз керак.

— Кестер? Ленц-чи?

— Ленц... Ленц келолмади.

Пат ҳеч нарсани пайқамади.

— Пастга ўзинг тушасанми ё биз чиқайликми?

— Фарқи йўқ. Тушсам тушавераман. Озгинадан ичамиз. Сизларнинг ичишингизни томоша қиламан.

— Бўпти. Бўлмаса сени биринчи қаватда кутамиз.

У кийимини ўзгартириш учун жавон ёнига борди. Фурсаддан фойдаланиб, каравот тагидан гижимланган ҳарорат варақасини олдим у дарров чўнтагимга солдим.

— Демак, пастда учрашамиз.

— Робби! — У ёнимга келиб, мени кучди. — Айтадиган гапларим шунақа кўпки...

— Менинг ҳам гапларим йиғилиб қолган, Пат. Энди вақтимиз кўп. Кун бўйи тўйиб гаплашамиз. Масалан, эртага. Маъқулми?

У бош силкиди.

— Ҳа, бир-биримизга ҳамма гапни айтамыз, шунда кўришмаган кунларимиз ҳам айрилиқдай туюлмайди.

— Биз айрилганимиз йўқ, Пат.

У жилмайди.

— Мен унақа деёлмайман, чунки ёлғиз қолганимда орзулар билан ўзимни овутолмайман. Менга қийин. Бировни севмайди-ганлар учун ёлғизликка бардош бериш осонроқ.

У ҳамон жилмайиб турар, аммо бу дардчил табассум эди.

— Пат, дўстгинам!

— Бу сўзни эшитмаганимга қанча бўлди-ю! — деди у ва шу заҳоти кўзлари жиққа ёшга тўлди.

Кестернинг олдига тушдим. У чамадонларни мошинадан ерга олиб қўйипти. Бизга қўшимча бинодан иккита туташ хона ажратилди.

— Мана бунга қара, — дедим унга варақани кўрсатиб. — Ҳарорати нуқул паст-баланд.

Биз кўшимча бино томон кетдик. Оёғимиз остида қорғижирларди.

— Бу ҳали ҳеч нарсани билдирмайди, — деди Кестер. — Эртага дўхтирга учраш.

— Албатта учрашаман, — шундай деб, қоғозни яна чўнтагимга солиб қўйдим.

Ювиндик. Кестер менинг хонамга кирди. У эндигина уйқудан тургандек тетик эди.

— Кийин, Робби.

— Ҳозир. — Хаёллар домидан аранг қутулиб, чамадонимни очдим.

Санаторийга қайтиб келдик. «Карл» ҳамон эшик олдида турарди. Кестер радиатор устига адёл ташлади.

— Қачон қайтамиз, Отто?

— Мен эртага кечқурун ёки индинга эрталаб қайтсам керак. Сен қоласан-ку.

— Қанаққиб қоламан? — дедим жигибийрон бўлиб. — Пулим ўн кунга етади, холос. Пат учун санаторий ҳақи атиги ўн бешинчига қадар тўланган. Пул ишлаш учун қайтишга тўғри келади. Буларнинг менга ўхшаган чала мулла пианиночига кўзи учиб турмагандир.

Кестер радиатор устига энгашиб, адёлни кўтарди.

— Сенга пул топиб бераман. — Шундай деб, қаддини ростлади. — Бемалол қолавер.

— Отто, — дедим мен. — Кимошди савдосидан қанча пул қолганини биламан-ку. Уч юз маркага ҳам етмайди.

— У ёғини қўявер. Пул топаман. Ташвишланма. Бир ҳафтадан кейин оласан.

Ҳазиллашган бўлдим:

— Мерос қутяпсанми?

— Шунга ўхшашроқ. Менга ишонавер. Ҳозир кетиб қолсанг бўлмайди.

— Тушуниб турибман.

Кестер радиатор устини қайтадан ёпиб, капотни сийпалаб қўйди. Кейин ичкарига кириб, камин олдига ўтирдик.

— Соат неччи бўлди? — сўрадим мен.

Кестер соатига қаради.

— Олти ярим.

— Қизиқ. Назаримда алламаҳал бўлганга ўхшайди.

Зинапоядан мўйна камзул кийган Пат тушиб келди. У Кестер билан илиқ сўрашди. Офтобда роса тобланганини эндигина пайқадим. Қизғиш-қорамтир териси ҳинду қизларини эслатарди. Аммо анча озган, кўзларидан иситмаси борлиги билиниб турибди.

— Иссиғинг борми? — сўрадим мен.

— Кўп эмас, — деди у шоша-пиша аниқ жавобдан қочиб. — Кечга яқин бу ерда ҳамманинг иссиғи чиқади. Меники сизларнинг келганингиз туфайли. Чарчадингларми?

— Нега чарчаймиз?

— Бўлмаса қаҳвахонага кирамиз, бўптимиз? Биринчи меҳмонимсизлар, ахир...

— Қаҳвахона ҳам борми?

— Кичикроқ. Номигагина. Бу ҳам «даволаш жараёни»га киралди. Санаторий касалхонани эслатмаслиги учун очиб қўйишган. Беморга маъ этилган нарсаларни шундоқ ҳам беришмайди.

Қаҳвахона мижозларга лиқ тўла эди. Пат бир неча киши билан саломлашди. Уларнинг орасида италиялик ҳам бор эди. Бўшаган бир стол ёнига ўтирдик.

— Нима ичасан?

— Ромли коктейль. Қаҳвахонада доим шуни ичардик. Қандай гайёрланишини биласанми?

— Қийин эмас, — дедим бизга хизмат қилаётган қизга. — Ямайка роми билан портвейн баравар миқдорда аралаштирилади.

— Икки порси, — деди Пат. — Битта «шифобахш» коктейли.

Қиз иккита «порто-ронко» билан пуштиранг ичимлик келтирди.

— Бу менга, — шундай деб, Пат қадаҳларни олдимизга суриб қўйди. — Қани, олдик!

У бокалини оғзига олиб борди-ю, бир қултум ҳам ичмай, жойига қўйди. Кейин атрофига бир аланглади-да, менинг қадахимни олиб, ичиб юборди.

— Оҳ-оҳ, қандай маза! — деди у.

— Нима бу? — сўрадим мен пуштиранг суюқликни ичиб бўлганимдан кейин. Бу спиртсиз, лимон қўшилган малина шарбати эди. — Жудаям яхши нарса экан.

Пат менга кулимсираб қаради.

— Чанқоқни босади, — қўшиб қўйдим мен.

У қулиб юборди.

— Яна битта «порто-ронко» буюр. Ўзингга. Менга беришмайди.

Қизни чақирдим.

— Битта «порто-ронко» билан битта «шифобахш», — дедим унга. Ўтирганларнинг кўпчилиги «шифобахш» ичаётганди.

— Бугун менга мумкин, тўғрими, Робби? — деди Пат. — Фақат бугун! Олдинги пайтларни эслаб. Майлими, Кестер.

— «Шифобахш» ёмонмас, — шундай деб, иккинчи бокални ҳам ичиб юбордим.

— Менга ёқмайди! Мени деб, шу бўтанани ичиб ўтирибсан-а!

— Хатони тўғрилашга улгураман!

Пат кулди.

— Кечки овқат олдидан бирор нарса ичаман. Масалан, қизил вино.

Яна бир неча «порто-ронко»ни қуритиб, ошхонага ўтдик. Патнинг кайфи чоғ, гул-гул очилиб кетганди. Дераза ёнидаги столга ўтирдик. Пастда қорга бурканган қишлоқ ястаниб ётарди.

— Хельга Гутман кўринмайди?

— Кетди, — деди Пат бир оз сукутдан сўнг.

— Кетди? Вақти тугамасдан-а?

— Ҳа, — деди Пат. Гап нимадалигини дарров тушундим.

Тўқ қизил вино келтиришди. Кестер бокалларни тўлдириб қуйди. Ҳамма стол банд эди. Одамлар гурунглашиб ўтиришарди. Пат кўлимга кафтини қўйди.

— Азизим, — деди у ниҳоятда майин, паст овозда. — Сабрим чидамади.

XXVI

Бош дўхтир хонасидан чиқдим, Кестер ресторанда кутарди. Мени кўриб, ўрнидан турди. Қайтиб чиқиб, санаторий олдидаги узун курсига ўтирдик.

— Иш чатоқ, Отто, — дедим мен. — Мен ўйлагандан кўра ҳам чатоқ.

Олдимиздан бир тўда чанғичилар ўтишди. Уларнинг орасида офтобда қорайган таранг юзларига мойупа чаплаган, садафдек тишларини ярқиратиб, қаҳқаҳа отиб бораётган аёллар ҳам кўзга ташланарди. Улар, итдай очмиз, деб бақирарди...

Ўтиб кетишларини кутиб турдик.

— Мана бунақалар ўлмайди, — дедим мен. — Ҳаммасининг тўрт мучали соғ, уларга жин ҳам урмайди. Эҳ, бири кам дунё...

— Бош дўхтир билан гаплашдингми?

— Ҳа. Мужмал жавоб берди. Хулоса шуки, Патнинг соғлиғи ёмонлашган. Лекин у, тузук бўп қолди, дейди.

— Тушунмадим.

— Агар санаторийга келмаганида ундан умидни узиш керак эди, дейди. Бу ерда дарднинг зўрайиши секинлашганмиш. Шунини у, тузук бўп қолди, деяпти.

Кестер пошнаси билан қорга ҳар хил шакл чизиб ўтирарди. Кейин бошини кўтарди.

— Демак, тузалишидан умиди бор экан-да?

— Дўхтир ҳар доим умид қилади, касби шунақа. Лекин менда ишонч қолмади. Ўпкага ҳаво юборингизми, деб сўрасам, энди мумкинмас, дейди. Бир неча йил олдин бу усул Патга қўлланган экан. Ҳозир иккала ўпкаси ҳам зарарланипти. Дунё кўзимга қоронғи бўлиб кетди, Отто!

Эски калиш кийган бир кампир рўпарамизга келиб тўхтади. Озгин юзи кўм-кўк, кулранг кўзларида нур йўқ. Бўйица алми-соқдан қолган пар шарф ўраб олган. У кўзойнагини кўтариб, бизга бир қаради-да, йўлга равона бўлди.

Арвоҳга ўхшайди-я!

Яна нима деди дўхтир? — сўради Кестер.

Хасталикнинг келиб чиқиш сабабларини тушунтирган бўлди. Шу ёшдаги беморларга кўп дуч келган экан. Бари урушнинг оқибати, дейди. Болалик ва ўсмирлик йилларида тўйиб овқат емасликдан эмиш. Лекин менинг нима ишим бор? Пат тузалиши керак. — Мен Кестерга қараб кўйдим. — Тўғри, дўхтирнинг танига қараганда, истиснолар ҳам бўлиб турармиш. Бу дард-га чалинганларда баъзан хасталик жараёни тўхтаб, энг оғир беморлар ҳам тузалиб кетармиш. Жаффе ҳам шундай деган эди. Лекин мен мўъжизаларга ишонмайман.

Кестер индамади. Бир муддат чурқ этмай ўтирдик. Нимани ҳам ташлашардик? Икковимизнинг бошимиздан шунақа ишлар ўтган-ки, бир-биримизга тасалли бериш бефойдалигини биламиз.

— Ўзи сезмаслиги керак, Робби, — деди Кестер ниҳоят.

— Албатта.

Шу тобда ҳеч нарса ҳақида ўйламасдим; қайғуриш ёки тушқунлик ҳиссини ҳам туймасдим. Мен карахт бўлиб қолган эдим.

Биз Патни кутардик.

— Ана, — деди Кестер.

— Ҳа-а.

— Салом! — Пат ёнимизга келди. У сал чайқалар ва куларди. — Сархушман. Офтобдан. Қуёш нурида тобланиб бўлганимдан кейин ҳар гал кекса денгизчидай бир оз чайқалиб тураман.

Унга қараб, руҳиятим ўзгариб кетди. Дўхтирга ишонмай кўйдим; мен мўъжизага инона бошладим. Мана у: соппа-соғ, ёнимда жилмайиб, очилиб-сочилиб турипти — бошқа яна нима керак.

— Авжинглар пастроқми? — сўради Пат.

— Шаҳарнинг авжи бу ерга тўғри келмас экан, — деди Кестер. — Офтобга сира кўниколмаяпмиз.

Пат кулиб юборди.

— Мен учун кун яхши бошланди. Иссиғим йўқ, шунинг учун сайр қилишга рухсат беришди. Қишлоққа тушиб, айланиб келмаймизми?

— Яхши бўлади.

— Кетдик.

— Чанада борсак-чи? — таклиф қилди Кестер.

— Анча тетикман, — деди Пат.

— Биламан, — жавоб берди Кестер. — Сира чанага ўтирмаганман. Бир синаяб кўрмоқчиман.

Извозчини чақириб, илонизи тоғ йўлидан қишлоққа тушдик. Офтобрў пешайвонли кичкина бир қаҳвахона олдида тўхтадик. Ичкарида одам кўп эди, санаторийда истиқомат қилувчилар ҳам анча-мунча. Италиялик ҳам шу ерда эди. Исми Антонио, у Пат билан саломлашиш учун биз ўтирган стол ёнига келди. Ўтган

куни кечаси ҳазилкашлар ухлаб ётган бир ҳамхонасини каравот-паравоти билан мункайган бир муаллиманинг хонасига опчиқиб қўйишганини гапириб берди.

— Нега ундай қилишди? — сўрадим мен.

— У одам тузалди, яқинда уйига кетади, — жавоб берди Антонио. — Бундай ҳолларда ҳар доим шунақа ҳазил қилишади.

— Аслида дор тагида турган одамларнинг хунук ҳазили бу, санаторийда қолаётганлар шу билан ўзларини овутишади, — қўшиб қўйди Пат.

— Ҳа, у ердагилар ёш болага ўхшайди, — деди Антонио узрли оҳангда.

«Тузалипти-ку, — ўйладим ичимда. — Кимдир тузалиб, уйига қайтаркан-ку».

— Нима ичасан, Пат? — сўрадим мен.

— Бир қадаҳ мартини, спиртсиз мартини.

Радиони бурашди. Вена вальслари янгради. Мусиқа садолари офтоб илитган ҳавода ҳарир байроқлардай майин ҳилпирарди. Қаҳвахона хизматчиси мартини келтирди. Муздек қадаҳлар қуёш нурида шудринг томчисидай йилт-йилт товланарди.

— Мана шундай вазиятда ўтириш яхши-я, тўғрими? — сўради Пат.

— Нимасини айтасан!

— Лекин баъзан кўнгилга сиғмайди, — деди у.

Қаҳвахонада тушгача қолиб кетдик. Пат шуни хоҳларди. Кейинги пайтларда у санаторийда қамалиб ўтиришга мажбур бўлган, бугун биринчи чиқиши эди. Қишлоққа тушсам, ўзимни ўн чандон яхши ҳис қиламан, дейди. Антонио ҳам биз билан овқатланди. Кейин санаторийга қайтдик, Пат хонасига кириб кетди. Икки соат ётиши шарт эди. Кестер билан «Карл»ни гараждан олиб чиқиб, у ёқ-бу ёғига қарадик. Синган иккита рессор бўлагини алмаштирмаса бўлмасди. Гараж эгасидан асбоб-ускуналарни олиб, ишга киришдик. Кейин моторга мой қуйдик, филдиракларни созладик. Ҳамма ишни тугатиб, мошинани санаторийга олиб келдик. «Карл» оппоқ қор устида лойга беланган, исқирт бир аҳволда мунгайиб турарди.

— Ювмаймизми?

— Йўқ, — деди Кестер, — йўлга чиқиш олдидан мумкинмас. «Карл» бунга ёқтирмайди.

Пат чиқиб келди. Уйқудан кейин яна тетиклашиб қолганди. Оёғи остида кучук пилдирарди.

— Билли!

Кучук менга ётсираб қаради. Танимади. Пат менга ишора қилгандан кейингина думини ликиллатди.

Майли, — дедим мен. — Яхшиям, одамларнинг хотираси ойнақамас. Кеча қасрда эди?

Пат кулди.

— Кун бўйи каравотнинг тагидан чиқмади. Олдимга биров кечса, рашк қилади. Авзойи бузилиб, бирор ерга яшириниб олаш

— Очилиб кетибсан.

Пат менга миннатдор нигоҳ ташлади. Кейин «Карл»нинг олдинга борди.

— Шу мошинага яна бир марта ўтириб, озгина сайр қилмоқчи эдим.

— Бўпти, — дедим мен. — Сен нима дейсан, Отто?

— Бажонидил. Сиз иссиқ кийинвописиз. Дарвоқе, бизда ҳам адёл бор.

Пат олдинга, Кестернинг ёнига ўтирди. «Карл» гувиллади. Орқадан чиқаётган тутун совуқ ҳавода оқиш-кўкимтир булут янглиғ мошина устига ёпирилди. Мотор ҳали қизимаганди. Занжир ўралган филдираклар қорни гичирлатиб, ўрнидан кўзгалди. «Карл» гоҳ пишқириб, гоҳ ванғиллаб, гоҳ гулдураб қишлоққа тушиб борди, катта кўчани, гўё отлар дупури ва ноғора овозидан думи қисилган бўридай, аста босиб ўтдик.

Шу алфозда қишлоқдан чиқиб кетдик. Кечки пайт эди, қор босган далалар ботаётган қуёш нурида қизғиш шуълага бурканганди. Қияликка жойлашган яккам-дуккам уйлар томигача қорга ботган. Охирги чанғичилар, худди вергул белгисига ўхшаб, пастга — водийга тушиб кетишди. Улар қиялик ортидан яна юз кўрсатган қуёшнинг улкан, қонталаш доираси ичида учиб боришарди.

— Кеча шу ердан ўтдингларми? — сўради Пат.

— Ҳа.

Биз биринчи довон тепасига чиқдик. Кестер тўхтади. Бу ердан ажойиб, улуғвор манзара кўзга ташланарди. Кеча кечаси шу ердан ўтганимизда ҳеч нарсани пайқамагандик. Унда биз фақат йўлга қараганмиз.

Тепаликлар ортида баланд-паст водий ястаниб ётарди. Оқиш-кўкимтир осмонга бош тираган олисдаги чўққилар ял-ял ёнади. Чўққиларнинг ён бағрига бамисоли зарҳал палак тўшалган. Садафдек қоялар лаҳза сайин улғайиб, салобат касб этиб борар, кигизранг соялар тобора қуюқлашарди. Қуёш икки чўққи оралигида турганидан бутун водий, ундаги барча тепалик ва қоялар хайрлашаётган жаҳонгир шарафига унсиз сафга тизилганга ўхшарди. Бинафшаранг йўл тасмаси тепаликлар оралаб, гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай, муюлишларда қорайиб, қишлоқларга чап бериб, яна қаддини ростлар ва уфқдаги довонга тирмашарди.

— Қишлоқдан бу қалар олисга энди чиқишим, — деди Пат. — Бу йўл уйимизга олиб боради-ку, тўғрими?

— Ҳа.

У индамай пастга назар ташлади. Кейин мошинадан чиқиб, кафтини кўзига соябон қилганча, гўё шаҳар миноралари кўринадигандай, шимол томонга қаради. — Бу ердан узоқми?

— Ҳа, минг чақиримча. Майда ўша ёққа кетамиз. Отто бизни олиб кетади.

— Майда, — такрорлади у. — Майгача қанча бор-у!

Қуёш аста фарқ бўла бошлади. Водий жоңланди, шу пайтгача пана-панада пусиб ётган кўланкалар турган жойидан сирғалиб чиқиб, улкан ўргимчаклардай тепага ўрмалаб қолди. Совуқ турди.

— Қайтамиз, Пат, — дедим мен.

У менга қаради, юзида бирдан оғриқ пайдо бўлди. Дарров тундирдим: Пат ҳамма гапдан хабардор. У уфқда қорайиб турган анови бешафқат тоғ ўрқачидан ҳеч қачон нариги томонга ошиб ўтолмаслигини билади; билади-ю, биздан яширади, худди биз ундан яширганимиздай; аммо шу тобда у ўзини идора қилолмади, дунёнинг буткул дарду алами кўзларига жам бўлди.

— Яна бир оз пастроққа тушайлик, — деди у.

— Майли, — Кестер билан кўз уриштириб олдик.

Пат орқа ўриндиққа, ёнимга ўтирди. Елкасидан кучиб, устимизга адёлни тортдим. Мошина водийга туша бошлади.

— Робби, азизим, — шивирлади у елкамга бошини қўйиб. — Мана энди худди ўз уйимизга, аввалги ҳаётимизга қайтаётгандаймиз.

— Ҳа, — шундай деб, адёлни тепароққа тортдим.

Қош қорайди. Пастга тушганимиз сайин қоронғилашиб борарди. Пат кўлини кўксимга қўйди, кафтининг ҳароратини, нафасини, лабларини, сўнг — кўз ёшларини туйдим.

Кестер кейинги қишлоқдаги бозор майдонидан мошинани Патга сездирмай, кенг доира ташлаб айлантриб олди-да, орқага қайтди.

Довон тепасига чиққанимизда қуёш ботиб кетган, шарқ томонда, булутлар орасида тип-тиниқ ой жилва қиларди. Биз яна санаторийга қараб жўнадик. Атроф жимжит. Мен қимир этмай ўтирардим. Патнинг кўз ёшлари юрагимга томчилар ва ундан қон бўлиб чиқаётганди.

Бир соатдан сўнг ресторанда ўтирардим. Пат хонасида ҳордиқ чиқарар, Кестер эса шу кеча-кундузда қор ёғиш-ёғмаслигини аниқлаш мақсадида об-ҳавони ўрганиш станциясига кетганди. Ой нурига фарқ бўлган оқшом барқутдай майин эди. Бир оздан сўнг Антонио кириб келиб, ёнимга ўтирди. Нарироқдаги стол ёнида инглиз тивитидан тикилган костюм ва тиззадан пастроққа тушиб турадиган калта шим кийган бир одам ўтирарди. Юзи но-

расида болаларникидай лўппи, лаблари бўрсилдоқ, кўзлари совуқ. Бир туки йўқ қип-қизил боши биллиард соққасидай ялтирайди. Ҳамроҳи тарашадай қотма, кўзларининг ости кўқарган, нигоҳи ғам-андухга тўла аёл. Соққабош тинмай гапирар, қўллари ҳам, боши ҳам баравар ҳаракат қиларди.

— Бу ер — зўр жой. Тенги йўқ жой. Ажойиб манзара, тоза ҳаво, яхши таомлар. Айнан сенбоп жой.

— Бернгард, — деди аёл беҳолгина.

— Ўлай агар, қабул қилишса, мен ҳам яшардим. Ҳамма атрофингда гирдикапалак бўлиб турса — бунга нима етсин! — У тиржайди. — Сен шунга муносибсан.

— Эҳ, Бернгард, — деди аёл яна.

— Тўғри-да, — давом этди соққабош жўшиб-тошиб. — Инсонга яна нима керак? Сен жаннатда яшаяпсан. Пастда, шаҳарда нима бўлаётганини тасаввур қилолмайсан. Эртага мен яна ўша тўс-тўполонга шўнғиб кетаман. Турмуш ташвишларидан йироқ-далигинга шукур қил. Бундан яхши жойни тополмайсан.

— Бернгард, мен учун яхши эмас, — деди аёл.

— Ана холос! — Бернгард тутоқиб кетди. — Вой, ношукур банда-ей! Унда мен нима дейишим керак? Нуқул югур-югур, ҳамма ерда иш юришмаган, солиқ устига солиқ. Кечасию кундузи тиним йўқ.

Аёл индамади.

— Зўр йигит экан, — дедим мен.

— Зўрлиги қурсин! — жавоб берди Антонио. — Ўтган куни келувди. Хотини бир нима деса, «бундан яхши жойни тополмайсан» деб оғзига уради. Аёл шўрликнинг касали, хавотири, ёлғизлиги билан иши йўқ. Ҳеч нарсани ҳис этмайди, тушуняпсизми? Балки Берлинда бошқа аёл билан яшаётгандир. Ҳар ярим йилда бир марта келади-ю, бидир-бидир қилиб жўнаворади. Хотини миқ этолмайди, оғиз очиши билан ё ҳазил-мутуйбага ўтади, ёки ўзининг дардини дастурхон қилади. Ишқилиб, хотини нолимаса бас. Э-э, унақалар кўп бу ерда.

— Аёлнинг келганига анча бўлганми?

— Икки йилча.

Бир тўда йигит-қизлар залдан ҳиринглашиб ўтиб кетишди. Антонио кулиб юборди.

— Почтадан келишяпти. Ротга телеграмма жўнатишган.

— Ким у Рот?

— Яқинда кетадиган йигит. Улар, бу ёққа кела кўрма, грипп касаллиги тарқалган, ҳозирча санаторийда яшаб тур, деб хабар қилишган. Ҳазиллашиб-да. Чунки ўзлари қолишади-да бу ерда, тушундингизми?

Деразадан пурвиқор тоғларга қарадим. «Бари ёлғон, — ўйладим ичимда. — Бескорга ваҳима қилишади. Бундай бўлиши мумкин эмас. Санаторий ўлим ҳақидаги томоша ўйналадиган сахна,

холос. Ҳақиқий ўлим ҳазил-хузулдан даҳшатлироқ». Кейин ҳалиги ёшларнинг олдига бориб, слкаларига қоқиб: «Бу ердаги ўлим ёлғондакам ўлим, сизлар фақат ўлиш-ўлиш ўйнаяпсизлар, холос. Кейин яна ўрнинглардан туриб, таъзим қиласизлар, тўғрими? Одам арзимаган иситмаю ўқтин-ўқтин йўталдан ўлиб кетмайди-ку. Бунинг учун ўқ узилиши ва киши оғир жароҳат олиши керак-ку. Ахир мен бунинг яхши биламан...» — дегим келди.

— Сиз ҳам бетобмисиз? — сўрадим Антониодан.

— Албатта, — деди у жилмайиб.

— Зўр қаҳва экан, — дерди соққабош киши. — Биз томонда бунақа нарса йўқ. Бу ер жаннат!

Кестер станциядан қайтиб келди.

— Жўнамасам бўлмайди, Робби, — деди у. — Ҳавонинг авзойи бузуқ, кечаси қор ёғиши мумкин. Унда эрталаб бу ердан чиқиб кетолмайман. Бугун тоғдан ошволишим керак.

— Майли. Бирга овқатланишга улгураимизми?

— Ҳа. Бориб, нарсаларимни йиғиштирай.

— Ёрдамлашвораман, — дедим мен.

Кестернинг лаш-лушларини чамадонга жойлаб, гаражга олиб тушдик. Кейин ресторанга қараб кетдик.

— Агар бирор нарса керак бўлса, қўнғироқ қил, Робби.

Мен бош силкидим.

— Пулни уч-тўрт кунда жўнатаман. Вақтинча амаллаб тураман. Керагича ишлатавер, тежаб ўтирма.

— Бўпти, Отто. — Мен ўйланиб қолдим. — Уйда бир неча ампула морфий бор. Шунинг жўнатвормайсанми?

Кестер менга савол назари билан қаради.

— Морфийни нима қиласан?

— Бу ёғи қандоқ бўлади — билмайман. Эҳтимол, кераги бўлмас. Ҳали умидимни узганим йўқ. Ҳар гал уни кўрганимда умид туғилаверади. Ёлғиз қолганимда ваҳимага тушаман. Лекин унинг қийналиб, оғриқдан бошқа нарсани сезмай жон беришини хоҳламайман, Отто. Балки зарур пайтда ўзлари беришар. Ҳар эҳтимолга қарши ёнимда турса, азобини енгиллаштирган бўлардим-да.

— Фақат шунинг учунми, Робби?

— Фақат шунинг учун, Отто. Гапимга ишон. Бўлмаса айтиб ўтирмасдим.

У бош силкиди.

— Энди фақат иккаламиз қолдик: Ёдингда тут, — деди у салдан кейин.

— Биламан.

Йўл-йўлакай Патни олиб чиқдим. Тезгина овқатландик, чунки осмонни булут қоплаётганди. Кестер «Карл»ни санаторий ёнига ҳайдаб келди.

— Омон бўл, Робби. -- деди у.

— Ўзинг ҳам.

— Хайр, Пат, — Кестер қўлини узатиб, унга мулойим нигоҳ ташлади. — Баҳорда олиб кетаман.

— Яхши боринг, Кестер, — Пат унинг қўлини маҳкам қисди. — Сизни кўрганимдан хурсандман. Готтфрид Ленцга салом айтинг.

— Бўпти, — деди Кестер.

Пат ҳамон унинг қўлини ушлаб турар, лаблари титрарди. Бирдан ўзини Отгонинг бағрига отиб, юзидан ўпди.

— Хайр! — деди сўнг бўғиқ овоз билан.

Кестернинг юзи ловуллаб кетди. Бир нима демоқчи бўлди-ю, гапиролмади, шартта мошинага ўтирди-да, орқасига қарамай, газни босди. Ортидан термулиб қолдик. Мошина вағиллаганча икки тутам нурни олдига солиб, тиллақўнғиздай учиб борарди. Энг яқин тепаликка чиққанда тўхтади, Кестер мошинадан тушиб, бизга қўл силкиди. Кейин кўздан ғойиб бўлди, аммо «Карл»нинг гўнғиллаши анча пайтгача эшитилиб турди.

Пат ҳамон ўша томонга қараб, олисларга кулоқ тутарди. Кейин менга юзланди.

— Мана, охирги кема ҳам жўнаб кетди, Робби.

— Охиргиси эмас, — эътироз билдирдим мен. — Охирги кема менман. Биласанми, нима қилмоқчиман? Лангар ташлаш учун бошқа бандаргоҳ топмоқчиман. Қўшимча бинодаги хона жонимга теги. Нима учун бирга турмаслигимиз керак? Сенга яқинроқ жойдан хона олишга уриниб кўраман.

Пат жилмайди.

— Беришмайди. Овора бўласан.

— Беришса-чи? Хурсанд бўларминдинг?

— У нима деганинг? Албатта-да, азизим. Худди фрау Залевскининг пансионида яшаётгандай яшайверардик.

— Бўпти. Бўлмаса менга ярим соатга рухсат берасан.

— Яхши. Антонио билан шохмот ўйнаб тураман. Ўрганволдим.

Мен идорага кириб, бу ерда узоқ муддат туришимни, бинобарин, Пат яшаётган қаватдан хона олмоқчилигимни айтдим. Кексагина аёл менга бошдан-оёқ жирканиб разм солди-да, ички тартиб-қондани рўқач қилиб, илтимосимни рад этди.

— Тартиб-қондани ким жорий этган?

— Раҳбарият, — деди у менга қарамай.

Кейин истар-истамай, бу масалани истисно тариқасида фақат бош дўхтир ҳал қилиши мумкинлигини айтди.

— Лекин у киши кетди, — қўшиб қўйди у. — Кечқурунлари иш масаласида безовта қилиш ман этилган.

— Жуда соз! — дедим унга. — Мен бир безовта қилиб кўраман. Ички тартиб-қонда масаласида.

Бош дўхтир санаторий ёнида, чоғроққина уйда яшаркан. У мени очик чеҳра билан кутиб олиб, дарров рухсат берди.

— Бунчалик осон ҳал бўлади, деб ўйламагандим, — дедим унга.

У қулди.

— Сиз кампиршо Рексротга рўпара келган бўлсангиз керакда. Ҳозир қўнғироқ қилиб қўяман.

Идорага қайтдим. Рексрот юзимдаги кишининг жиғига тегадиган ифодани кўриб, қадр-қимматига муносиб тарзда виқор билан ғойиб бўлди. Ишни котиба билан битирдим. Эшиқбонга нарсаларимни олиб келишини ва хонага икки шиша ром киритиб қўйишни буюрдим. Кейин ресторанга, Патнинг олдига бордим.

— Хўш, иш битдими? — сўради у.

— Ҳозирча йўқ, лекин тез кунда ҳал бўлади.

— Афсус. — У шоҳмот доналарини ағдариб, ўрнидан турди.

— Нима қиламиз, қаҳвахонага борамизми?

— Кечқурунлари кўпинча қарта ўйнаймиз, — деди Антонио. Ҳадемай шамол бошланади — сезилиб турипти. Бундай ҳавода қартадан яخشиси йўқ.

— Қарта ўйнашни биласанми, Пат? — ҳайрон бўлдим мен. — Қанақа ўйинларни биласан? Беш кўтарарними ёки фол очишними?

— Қиморни, азизим.

Кулиб юбордим.

— Рост, қиморга уста, — деди Антонио. — Жон-жаҳди билан ўйнайди. Панд беришнинг ҳадисини олган.

— Мен ҳам, — жавоб бердим унга. — Қани, бир ўйнаб кўрайлик-чи.

Биз бир бурчакка ўтириб, ўйинни бошладик. Пат ростдан ҳам яхши ўйнарди. Панд беришга шунақа устаки, пешонангга шапатайла қоласан. Бир соатдан сўнг Антонио деразага ишора қилди. Гупиллатиб қор ёғарди.

— Шамол йўқ, — деди у. — Демак, кўп ёғади.

— Ҳозир Кестер қаерда кетаётганикин? — сўради Пат.

— Асосий довондан ошиб ўтди, — жавоб бердим мен.

Қор ва тун қўйнида бораётган «Карл» билан Кестер бир лаҳза кўз ўнгимда намоён бўлди. Бирдан Кестернинг ёлғиз ўзи йўлда-ю, мен бу ерда ўтирганим, ёнимда Пат борлиги ақлга сиғмайдиган ҳолдай туюлди. Пат қарта тутган қўлини столга қўйганча менга жилмайиб қараб турарди.

— Юриш сендан, Робби.

Соққабош киши бутун зални босиб ўтиб, тепамизга келдида, ўйинни қизиқиб кузата бошлади. Хотини ухлаб қолган бўлса керак, энди у ўзига суҳбатдош қидирарди. Қартани столга қўйиб, то кетмагунча унга ўқрайиб туравердим.

— Хафа қилдинг, — деди Пат кулиб.

— Нима, илтифот қилишим керакмиди?

Кейин қаҳвахонага ўтиб, коктейль ичдик. Патнинг ётадиган пайти бўлган эди. Ўша ерда хайрлашдим. Пат зинапоядан аста кўтарилиб, йўлакка бурилишдан олдин орқасига қаради. Бир оз кутиб, хонамнинг калитини олиш учун идорага кирдим. Котиба қиз кулди.

— Етмиш саккизинчи хона.

Бу Патга қўшни хона эди.

— Наҳотки мадемуазель Рексротнинг марҳамати бўлса? — сўрадим қиздан.

— Йўқ. Мадемуазель Рексрот ибодатхонага кетди, — жавоб берди котиба қиз.

— Ибодатхоналар ростдан ҳам баъзан кишига хузур бахш этади, — шундай деб, шошиб тепага кўтарилдим. Нарсаларимни хонага келтириб қўйишипти. Ярим соатдан сўнг Патнинг эшигини тикиллатдим.

— Ким у?

— Ахлоқ полициясидан, — жавоб бердим мен.

Калит шиқирлаб, эшик очилди.

— Робби, сенмисан? — деди Пат таажжубланиб.

— Ҳа, ўзимман — мадемуазель Рексротни мағлуб этган ва коньяк билан порто-ронкони қўлга киритган каминаи камтарин бўламан. — Халатимнинг чўнтагидан иккала шишани олдим. — Энди тез жавоб бер: шу пайтгача бу ерга қанча эркак кириб чиқди?

— Битта футбол командаси билан филармония оркестридан бошқа ҳеч ким, — деди кулиб Пат. — Вой, азизим-ей, яна олдинги ҳаётимиз бошланди.

Пат елкамга бошини қўйиб ухлаб қолди. Анча пайтгача кўз юмолмадим. Бурчакда кичкина чироқ ёниб турарди. Қор учқунлари дераза ойнасига урилар, гўё сарғиш-жигарранг ним қоронгиликка фарқ бўлган бу масканда вақт тўхтаб қолгандай эди. Хона иссиқ эди. Аҳён-аҳён марказий иситиш қувурлари чирсиллаб қўяди. Пат уйқусираб типирчилаган эди, адёл сирғалиб ерга тушиб кетди. «Эҳ, — дедим ичимда. — Офтоб йилтиратган бадан! Бежирим тиззалар! Кўкракдаги сир-синоат! — Сочлари елкамга тўкилган, лабларим билан қўл томирининг уришини ҳис қилиб турибман. — Сен ўлишинг керакми? Сен ўлмайсан. Ахир, сен — бахтсанку».

Адёлни кўтариб, яна аста устига ёпиб қўйдим. Пат тушида бир нималар деди, кейин кўзини очмасдан, бўйнимдан беозор кучоқлади.

XXVII

Кейинги кунлари сурункасига қор ёғди. Патнинг иситмаси кўтарилиб кетди, энди унга туриш мумкин эмас эди. Бу ердагиларнинг аксарияти иситмалаб ётарди.

— Бари об-ҳаводан, — деди Антонио. — Иссиқ, қуруқ шамол эсяпти. Иситма қўзғайдиган иқлим.

— Азизим, ташқарига чиқиб, айланиб кел, — деди Пат. — Чанғи учишни биласанми?

— Йўқ, ким ўргатипти менга? Ҳеч қачон тоғда бўлмаганман.

— Антонио ўргатади. У сени ҳурмат қилади.

— Менга шу ер маъқул.

У хиёл қаддини кўтариб, тўшакка ўтирди. Тунги кўйлаги сирғалиб тушди. Ё алҳазар! Елкалари қоқ суяк! Ё алҳазар! Бўйни ҳам чўпдай бўп қопти-я!

— Робби, — деди у. — Мени десанг, гапимга хўп де. Уззу кун каравотим ёнида ўтиришинг менга ёқмаяпти. Кеча ҳам, ўтган куни ҳам ёнимдан жилмадинг.

— Шу ерда ўтириш менга ёқади, — жавоб бердим унга. — Ташқарида қор кечиб нима қиламан?

У чуқур нафас олди, хириллаган товуш эшитилди.

— Бу масалада тажрибам сеникидан кўпроқ, — деди у ёстиққа ёнбошлаб. — Шунда иккалаамизга ҳам яхши бўлади. Кейин ўзинг хурсанд бўласан. — У базўр жилмайди. — Тушдан кейин ёки кечқурун ўтирганинг ҳам етади. Эрталаблари шарт эмас, азизим. Эрталаб, иситма чиққан пайтда одам хунук бўлиб кетади. Кечқурун унақамас. Енгилтакман-да, сенга хунук кўринишни хоҳламайман.

— Қизиқсан-а, Пат... — мен ўрнимдан турдим. — Бўпти, Антонио билан бир оз айланиб келаман. Лекин тушда шу ерда бўламан. Ишқилиб, чанғи учаман деб қовурғамни синдирмасам бас.

— Тез ўрганасан, Робби. — Унинг чеҳраси сал ёришди. — Мана кўрасан, уч-тўрт кунда бемалол чанғида юрадиган бўласан.

— Кейин бемалол бу ердан даф бўлишимни хоҳлаяпсан-да, — шундай деб, уни ўпдим. Қўллари иссиқ ва нам, лаблари қуруқ ва ҳароратли эди.

Антонио учинчи қаватда яшарди. У менга ботинка билан чанғи берди. Бўйимиз барабар бўлгани учун лоппа-лойиқ келди. Қишлоқ яқинидаги ялангликка жўнадик. Йўлда у менга синовчан назар ташлади.

— Ҳароратнинг кўтарилиши одамни ташвишга солиб қўяди, — деди у. — Шунақа пайтларда кўнгилсиз ҳодисалар ҳам кўп бўлган. — У чанғини қорга қўйиб, ботинкасига ўриата бошлади. — Энг ёмони, қараб тураверсан, ёрдам беролмайсан. Жинни бўп қолиш ҳеч гапмас.

— Соғ одамга ундан ҳам қийин, — жавоб бердим мен. — Ёнида турсанг-у, қўлингдан ҳеч нарса келмаса.

У бош силкиди.

— Айримларимиз ишлаймиз, — давом этди у. — Баъзилар кутубхонадан чиқмайди, қўплари ёш болага ўхшаб қолган, худди

бадантарбия дарсидан қочган ўқувчидай, даволанишдан қочишади. Тасодифан дўхтирга дуч келиб қолишса, ўзларини панага уришади. Яшириб чекишади, яшириб ичишади, қимор ўйнашади, ғийбат қилишади, ҳар турли бемаъни ўйинларни ўйлаб топишади — шу тариқа бўшлиқни тўлдирмоқчи, ҳақиқатдан қочиб қутулмоқчи бўлишади. Албатта, бу хатти-ҳаракатлар гўллик ва подонликдан бошқа нарса эмас, лекин айна пайтда ўлимга қарши мардона исённинг ўзига хос кўринишлари булар. Нафсиламрини айтганда, бошқа нима ҳам қилишсин?

«Ҳа, — дедим ичимда. — Ҳаммамиз ҳам, мундоғ олиб қараганда, бошқа нима ҳам қилардик».

— Хўш, бир уриниб кўрамизми? — деди Антонио таёқларни қорга суқиб.

— Майли.

У менга чанғини қандай қилиб ўрнатишни ва мувозанатни қай тариқа сақлашни тушунтирди. Бу қийин эмасди. Олдинига йиқилавердим, кейин аста-секин ҳадисини олиб, қўрқмасдан юрадиган бўлдим. Бир соатча машқ қилдик.

— Етади, — деди Антонио. — Кечаси билан мушакларингиз зирқираб чиқади.

Оёғимдан чанғини ечдиму томирларимда қон гупураётганини ҳис қилдим.

— Яхши бўлди, Антонио, — дедим унга.

У бош силкиди.

— Ҳар куни эрталаб шу ишни қилишимиз мумкин. Шунда одам сал чалғийди, ҳадеб ўйлайвермайди.

— Бирор жойда қиттай-қиттай отмаймизми?

— Майли. Форстернинг қаҳвахонасига кирамиз.

Бир қадахдан ичиб, яна санаторийга қайтдик. Котиба қиз рўпарамдан чиқиб қолиб, почталён келганини ва почтага киришимини тайинлаб кетганини айтди. Менинг номимга пул келган эмиш. Соатимга қарадим. Ҳали вақт бор эди, кишлоққа қайтдим. Почтада икки минг санаб беришди. Кестердан хат ҳам бор экан. Ташвиш тортма, яна пул бор, деб ёзган эди у. Керак пайтда хабар қилармишман.

Кўлимдаги бир даста пулга қарадим. Шунча пулни қаердан олдийкин? Тағин бу қадар тез. Ҳамма манбаларимизни биламан. Улардан чиқиши даргумон. Бирдан миям ишлаб қолди. Пойга ишқибози Больвисни эсладим. Ўшанда пойгада ютқазганида қаҳвахона эшиги олдида турган бир тўда одам кўзи олдида «Карл»ни шапатилаб: «Шу мошинани олмагунча тинчимайман», — деган эди. Демак, Кестер «Карл»ни сотган. Лаънати! Мана, қаердан келган шунча пул! Кўлимни кесиб берсам бераманки, бу мошинани бировга бермайман, деб юарди-я. Энди «Карл» йўқ. Энди у кийим-кечак фабрикаси хўжайинининг ихтиёрида. Кестер овозини минг чақиримдан танийдиган «Карл» энди дайди итдай кўча-

даги сон-саноксиз мошиналар орасида елкасини қисиб, мунгайиб юради.

Хат билан морфий солинган кичкина қоғоз халтачани чўнтагимга яширдим. Почта деразаси олдида ўйга ботиб, узоқ туриб қолдим. Пулни шу заҳоти қайтариб юборишга тайёр эдим, лекин бундай қилиб бўлмасди. Бизга пул керак эди. Бинобарин, ноилож кўчага чиқдим. Минг лаънат! Энди ҳар қандай мошинани анча наридан четлаб ўтаман. Автомобиллар ҳамма вақт ҳамроҳимиз бўлган, аммо «Карл» ҳамроҳдан кўра яқинроқ эди. У бизнинг жанговар дўстимизга айланиб қолганди! «Карл» — йўлдаги шарпа. Бизни бир-биримиздан ажратиб бўлмасди: «Карл» ва Кестер, «Карл» ва Ленц, «Карл» ва Пат. Нима қиларимни билмай, қор устида депсинардим. Ленц ўлди. «Карл» сотилди. Патнинг қисмати нима бўларкин? Мен бошимни кўтариб, тубсиз осмонга — кўнгил хушлиги учун ҳаёт билан ўлимни ўйлаб топган Оллоҳнинг даргоҳига тикилдим.

Кечга яқин шамоқ йўналиши ўзгарди, ҳаво очилиб, совуқ турди. Пат ҳам ўзини яхши ҳис қила бошлади. Эрталаб туриб юришга рухсат беришди. Бир неча кундан сўнг, соғайиб уйига кетаётган Ротни кузатишга вокзалга ҳам чиқди.

Ротни бир тўда одам кузатди. Бу ерда шундай анъана бор эди. Лекин Ротнинг ўзи унчалик хурсанд эмасди. Иши юришмаган йигит экан. Икки йил бурун қандайдир тиббиёт даҳоси унинг саволларига жавоб бера туриб, агар ўзингизни эҳтиёт қилсангиз, яна икки йил яшашингиз мумкин, депти. Бу гапга ишонч ҳосил қилиш учун бошқа дўхтирдан тўғриси айтишни сўраган экан, у яшаш муддатини яна ярим йилга қисқартирипти. Шундан кейин Рот бор бисотини икки йилга тақсимлаб, ялло қилиб юрaverипти. Иш қон тупуришга етганда, ниҳоят, санаторийга олиб келишган экан. Аммо бу ерда ўлиш ўрнига кун сайин аҳволи яхшиланиб борaverипти. Келганида оғирлиги 45 килограмм бўлса, ҳозир 75 килограмм эмиш. Мана, соппа-соғ уйига кетяпти. Аммо бир тийин ҳам пули қолмаган.

— Энди нима қиламан? — деб қолди у менга малла сочли бошини қашлаб. — Сиз шаҳардан яқинда келгансиз, у ёқда аҳвол қанақа?

— Кўп нарса ўзгарган, — дедим киприкларим рангсиз, дум-думалоқ юзига тикилиб. Ё тавба, аллақачон жанозаси ўқиб қўйилган одам тузалиб кетди-я, мени мана шу нарса ҳайратга соларди.

— Бирорта иш қидиришга тўғри келади, — деди у. — Иш масаласи қанақайкин?

Елкамни қисдим. Иш топиш қийин, деганимдан нима фойда? Ҳалемай ўзи бунга ишонч ҳосил қилади.

— Алоқаларингиз, дўстларингиз борми?

— Дўстлар дейсизми? — у заҳарханда қилди. — Пулинг қолмаганда дўстлар тум-тарақай бўлиб кетишади.

— Унда қийналасиз.

У пешонасини тириштирди.

— Бундан кейинги ҳаётимни мутлақо тасаввур қилолмайман. Уч-тўрт юз марка пулим қолган. Бунинг устига, бирон-бир ҳунарим йўқ, фақат пул сарфлашни биламан. Назаримда, профессор тўғри гапирганга ўхшайди: икки йилдан кейин ўламан. Касалликдан ўлмасам, ўқдан ўламан.

Бирдан вайсақи бу тентак кўзимга хунук кўриниб кетди. Наҳотки ҳаётнинг қадрига етмаса? Патга қарадим — у олдинроқда Антонио билан гаплашиб борарди, дарддан бармоқдай бўлиб қолган бўйнига кўзим тушди. У ҳаётни нақадар севади, мабодо Ротнинг ўлими унга саломатлик бахш этса, ҳеч иккиланмай бу ношукурни ўлдирган бўлардим.

Поезд жўнади. Рот шляпасини силкитди. Кузатувчилар бақириб-чақириб қолишди. Бир қиз қоқила-суқила поезд кетидан югуриб, қичқира бошлади:

— Хайр, хайр! — кейин изига қайтиб, хўнграб юборди.

Ҳамма ҳайрон.

— Ҳой, қиз! — деди Антонио. — Ким вокзалда йиғласа, жарима тўлайди. Санаторийнинг қонуни шунақа. Навбатдаги байрам харажати учун касса фойдасига жарима тўлайди.

У қизга кўлини узатди. Атрофдагилар кулиб юборишди. Кўзлари жиққа ёш қиз ҳам жилмайиб, пальтосининг чўнтагидан ҳамёнини чиқазди.

Юрагим эзилди. Бу чеҳраларда кулгу эмас, ғайриихтиёрий, безовта, оғриқ тўла шодмонлик бор эди, улар афтларини буриштиришарди, холос.

— Кетдик, — дедим Патга тирсагидан маҳкам ушлаб.

Биз қишлоқ кўчасидан ўтдик. Ширинлик дўконига кириб, бир қути конфет олдим.

— Қовурилган бодом мағзи, — дедим унга қутини узатиб. — Сен яхши кўрасан-ку, тўғримми?

— Робби, — Патнинг лаблари титради.

— Ҳозир, — шундай деб, гул дўконига югурдим, сал ўзимни босиб олгач, у ердан бир даста атиргул кўтариб чиқдим.

— Робби, — деди яна Пат.

Зўрма-зўраки жилмайдим.

— Кўрасан ҳали, қариганда бундан ҳам сермулозамат бўламан.

Нега бунақа қилаётганимни билмасдим. Эҳтимол ҳозиргина жўнаб кетган лаънати поезд сабаб бўлгандир. Гўё бошимиз узразил-замбил булутлар тўпланган, гўё биз аранг тутиб турган ишонч тиргагини аёвсиз шамол учириб кетгандай эди. Шу юришимизда қаёққа боришини билмаётган, лекин ўзини довюрак қилиб кўрса-тишга уринаётган дайди болаларга ўхшамаймизми, ахир?

— Юр, тезроқ бирор нарса ичворайлик.

Пат эътироз билдирмади. Кўча бўйидаги қаҳвахонага кириб, бўш стол ёнига ўтирдик.

— Нима ичасан?

— Ром, — деди Пат ва менга бир қараб қўйди.

— Ром, — такрорладим мен ва стол остидан кафтини ушладим. У қўлимни қаттиқ қисди.

Ром келтиришди. Бу лимонли баккарди эди.

— Сенинг соғлигинга, азизим, — деди Пат бокални кўтариб.

— Омон бўл, қадрдон дўстгинам!

Биз яна бир оз ўтирдик.

— Баъзан кайфият ғалати бўлади, а? — деди Пат.

— Ҳа. Кейин тез ўтиб кетади.

У бош силкиди. Бир-биримизга суянганча йўлга равона бўлдик. Ҳориган, терга ботган отлар чана судраб ўтишарди. Офтобда қорайган, оқ-қизил свитер кийган чанғичилар ҳам ўтиб кетишди — бу сершовқин ҳаётнинг тимсоли бўлмиш хоккей команди си эди.

— Ўзингни қандай сезяпсан, Пат?

— Яхши, Робби.

— Бизга ҳеч нарса писандмас, тўғрими?

— Албатта. — У қўлимни кўксига босди.

Кўча ҳувиллаб қолди. Шафақ қорли тоғлар устига қизил чойшаб тортди.

— Пат, — дедим унга, — ҳали хабаринг йўқ, бир талай пулимиз бор. Кестер жўнатипти.

У тўхтади.

— Зўр бўпти-ку, Робби. Демак, яна бир марта битимиз тўкиларкан-да.

— Ҳеч шубҳасиз, — дедим мен. — Хоҳлаганимизча айш-ишрат қиламиз.

— Бўлмаса шанба куни концерт залига борамиз. У ерда бу йилнинг сўнги, катта базм кечаси бўлади.

— Сенга мумкинмас-ку?

— Бу ердагиларнинг кўпига мумкинмас, лекин бари бир боришади.

Мен ўйланиб қолдим.

— Робби, — деди Пат. — Сен йўқлигингда ҳамма кўрсатмаларни бекаму кўст бажардим. Дориларнинг итоаткор қулига айландим. Аммо фойдаси бўлмади. Соғлиғим қайтапга ёмонлашди. Гапимни бўлма, нима демоқчи эканингни сезиб турибман. Охири нима билан тугашини ҳам биламан. Энди қолган умримни, сен билан бирга кечадиган онларимни кўнглим буюрганидай ўтказмоқчиман.

Унинг юзига ботаётган қуёшнинг қизғиш шуъласи тушиб турарди. Нигоҳи жиддий, хотиржам ва ниҳоятда мулоим эди. «Ё алҳазар, нималарни гаплашяпмиз? — ўйладим мен. Оғзим қуруқ-

шаб кетди. — Бемалол турволиб, юз бериши эҳтимолдан йироқ ва мутлақо истисно нарсалар ҳақида гаплашяпмиз-а! Шу сўзлар Патнинг оғзидан чиқяпти-я — тагин беписанд, афсус-надоматсиз, худди энди ҳеч нарса қилиб бўлмайдигандай, худди алдамчи умиддан жиндайгина илинж ҳам қолмагандай сўзляпти. Ахир бу Пат-ку — мен асраб-авайлашим керак бўлган гўдак-ку! Наҳотки у бирдан мендан олислашиб, ҳаётнинг нарёғидаги беному нишон оламга дахлдор кимсага айланиб қолса?!»

— Бунақа гапларни қўй, — дедим ниҳоят. — Дўхтир билан яна маслаҳатлашамиз.

— Ҳеч ким билан маслаҳатлашмаймиз. — У кичкина, чиройли бошини орқага силкиб, кўзларимга термулди. — Ҳеч нарсани билишни хоҳламайман. Мен фақат бахтли бўлишни истайман.

Кечкурун сапаторийнинг йўлаклари жонланиб қолди; ҳамма шивир-шивир қилар, у ёқдан-бу ёққа югурарди. Антонио келиб, таклифнома тутқазди. Бир ўриснинг хонасида зиёфат бор экан.

— Сен билан кириб борсам, ноқулай бўлмасмикин? — сўрадим Патдан.

— Нега энди? — деди у.

— Бу ерда ҳамма нарса мумкин, бошқа жойларда ман этилган ишларни ҳам қилиш мумкин, — деди Антонио кулиб.

Ўрис — бугдойранг, кекса ёшдаги одам эди. У гиламлар тўшалган иккита хонани эгаллаганди. Хоналар ним қоронғи. Фақат шамлар ёниб турипти. Меҳмонлар орасида чиройли, ёшгина бир испан қизи ҳам бор. Маълум бўлишича, бугун унинг туғилган куни экан.

Шамлар липиллаб турган хоналарда ўзгача кайфият ҳукрон эди. Ним қоронғилик ва битта қисмат бошларини қовуштирган одамларнинг иноқлиги фронтдаги блиндажни эслатарди.

— Нима ичасиз? — сўради ўрис. Унинг йўғон, кучли овози қулоғимга жудаям илиқ эшитилди.

— Нима таклиф қилсангиз, ичавераман.

У бир шиша коньяк билан бир графин арақ келтирди.

— Касалмасмисиз? — сўради у.

— Йўқ, — дедим съл хижолат тортиб.

У папирос узатди. Ичдик.

— Бу ердаги кўп нарсалар сизга ғалати туюлаётгандир, а?

— Унчаликмас, — жавоб бердим мен. — Рисоладагидай ҳаётга ўрганмаганман.

— Ҳа, — деди у испан қизига кўз қирини ташлаб. — Бу ернинг ўзи бир олам. Одамларни ўзгартириб юборади.

Мен бош силкидим.

— Касаллик ҳам ўзига хос. — қўшиб қўйди у ўйчан бир қиёфада. — Бу дард туфайли ҳаётни чуқурроқ ҳис этасан. Одамлар ҳам илгаригидан олижанобрёқ бўлиб қолишади. Ғалати дард бу. Ғуборлардан фориг этади.

У ўрнидан қўзғалиб, менга бош ирғади-да, ўзига жилмайиб қараб турган испан қизининг олдига кетди.

— Серзавқ сафсатабоз, тўғримасми? — деди кимдир орқамда. Ўғирилиб қарадим. Ияги йўқ, пешонаси гурра, кўзлари безовта бир одам.

— Мен меҳмонда ўтирибман, — дедим унга. — Сиз меҳмон-масмисиз?

— Мана шунақа қилиб аёлларни илинтиради, — давом этди у гапимга қулоқ солмай. — Ҳа, бунақа ишга устаси фаранг. Анови қизни ҳам авраб, ўзиники қилиб олди.

Индамадим.

— Ким бу? — сўрадим Патдан у сал нари кетгач.

— Скрипкачи. Испан қизига ошиқи беқарор. Бу ердагиларнинг ҳаммасига ўхшаб, жон-жаҳди билан яхши кўради. Лекин қиз унга бепарво. У ўрисни севади.

— Мен ҳам шундай қилган бўлардим.

Пат кулиб юборди.

— Менимча, бу киши шунга муносиб, — дедим мен. — Ёки арзимайдими?

— Йўқ, — деди у.

— Ўзинг бирортасига кўнгил қўймадингми?

— Унчаликмас.

— Мен бунга лоқайд қараган бўлардим, — дедим мен.

— Эътирофинг учун раҳмат. — Пат қаддини ростлади. — Лекин лоқайд қарашинг сираям мумкинмас.

— Мен у маънода айтганим йўқ. Шу пайтгача ақлим бовар қилмайди: нима сенга маъқул бўлдийкин?

— Бу ёғини қўявер, — деди Пат.

— Ўзинг биласанми?

— Ўзим ҳам билмайман, — жавоб берди у кулиб. — Билганимда, буни севги деб бўлмасди.

Ўрис келтирган шишалар столда турарди. Босиб-босиб ичдим. Таъбим хира эди. Патни ҳаста одамлар даврасида кўриб, ичичимдан эзилардим.

— Бу ер ёқмадими сенга? — сўради Пат.

— Қайдам. Кўникмаганман-да.

— Вой, бечора-ей, — у қўлимни силади.

— Сен ёнимдасан, демак, бечорамасман.

— Ритани кўряпсанми? Чиройли, а?

— Йўқ, — дедим мен. — Сен чиройлисан.

Испан қизининг тиззасида гитара турарди. Аста тинғиллатди. Кейин кўшиқ бошлади, гўё тепамизда қора қузғун парвоз қилгандай бўлди. У ҳаста аёлнинг паст ва титроқ овози билан куйларди. Нимагалигини билмадим: бегона юртнинг дилгир оҳанги бўлгани учунми, қизнинг фавқулодда синиқ ва дардчил овози туфайлими, креслолар ва гилам устида ўтирган меҳмонларнинг қўланқалари боисиданми, бошини ҳам қилиб олган ўриснинг

каттакон бугдойранг чехраси таъсир этдими, — хуллас, бу қўшиқ дераза ортида пусиб, тиш қайраб турган қисматнинг мунгли жодусидай, дорулфанонинг зимдан кемирувчи кучлари қарши-сида танҳо қолган ваҳмининг илтижоси, ноласидай туюлди.

Эртасига эрталаб Пат қушдай енгил ва шод-хуррам эди. Обдан кўйлак танлади.

— Кенг бўп қопти, кенг бўп қопти, — деди у ўзини кўзгуга солиб. Кейин менга ўгирилди. — Қора костюмингни олиб келганмисан?

— Йўқ. Бу ерда керак бўлишини ўйламабман.

— Майли, Антонио бериб туради. Бўйларинг баравар.

— Балки ўзига керакдир?

— У фрак кияди. — Пат сочига тўғнағич қадади. — Кейин чанғи учгани бор. Мен пардозимга қарайин. Сенинг олдингда ҳеч нарса қилолмайман.

— Антониога ҳам ортиқча юк бўлдим-да, — дедим мен. — Роса шиялпман-ку шўрликни. Усиз ҳолимиз нима кечарди?

— Яхши бола, тўғрими?

— Ҳа. Энг муносиб таъриф — яхши бола.

— У бўлмаганда ёлғизликдан сиқилиб ўлардим.

— Бу ҳақда ўйламаймиз, — дедим мен. — Ҳаммаси ўтиб кетди.

— Тўғри. — Пат юзимдан ўпди. — Энди бора қол.

Антонио мени кутарди.

— Қора костюмингиз йўқлигини кўнглим сезувди, — деди у. — Қани, мана бунни кийиб кўринг-чи.

Костюм сал торроқ бўлса ҳам, умуман лойиқ келди. Антонио енгил тортди.

— Эртага қиёмат бўлади, — деди у. — Толсимизга, кечкурун котиба қиз навбатчилик қилади. Кампиршо бўлганда кўймасди. Тартиб шунақа. Расман ман этилган. Расман... лекин биз ёш бола эмасмиз-ку.

Биз чанғи сайрига кетдик. Чанғида учишни аллақачон ўрганиб олган эдим, бинобарин, машқ майдонига боришга зарурат йўқ эди. Йўлда бармоқларига бриллиант кўзли узук таққан, йўл-йўл шимли, ёқасига рассомларникига ўхшаш капалак нусха бант боғлаган кишига дуч келдик.

— Антиқа кимсаларни учратасан бу ерда, — дедим мен.

Антонио кулиб юборди.

— Нуфузли одам бу. Мурда кузатувчи.

— Нима?

— Мурда кузатувчи, — такрорлади у. — Санаторийда дунёнинг ҳамма бурчидан беморлар бор. Кўпчилиги Жанубий Америкадан. У ёқдаги оилалар яқинларини ўз ватанига дафн этишга одатланишган. Анови одам кўрғошин тобутга солинган мурдани катта пул эвазига керакли жойга элтиб беради. Шунинг орқаси-

дан ҳам бойлик орттиради, ҳам саёҳат қилади. Мурда хизматида бўлгани билан юриш-туришини кўрдингиз-ку.

Тоққа чиқиб бордик. Кейин оёғимизга чангини боғлаб, пастга қараб учдик. Оппоқ тепаликлар гоҳ юксалар, гоҳ пасаяр, орқамиздан эса қорга беланиб, қизғиш-жигарранг коптокка ўхшаб, Билли чопиб юрарди. У энди яна менга ўрганиб қолган, лекин баъзан йўлда келаётиб, бирдан орқасига шартта буриларди-да, қулоқларини чимирганча санаторийга қараб югурарди.

Тик қияликдан пастга учиб тушгач, кескин қайрилишни ўрганарканман, ҳар гал тепадан сакраётганимда: «Агар йиқилмасам, Пат тузалиб кетади», — дердим ўзимга ўзим. Шамол юзмига игнадай санчилар, қор зил-замбил ва елимшак эди, аммо мен тагин ўрнимдан туриб, янада баландроқ, янада тикроқ қияликни излардим ва йиқилмаганимдан теримга сиғмай: «Пат омон қолди», — деб ўйлардим. Бу илинж хомхаёллигини билардим, аммо мен бари бир севиардим. Узоқ вақтдан буён бу қадар севиинмаганман.

Шанба куни кечқурун оммавий, хуфия қочиш бошланди. Антонионинг саъйи ҳаракати билан санаторийга терс тепалик этагига чаналар ҳозирлаб қўйилганди. Унинг ўзи шўх бир қўшиқни хиргойи қилганча тепадан сирғалиб тушди. Оёғида ялтироқ ботинка, олди очиқ пальто остидан оппоқ қўйлак кийган.

— Эринмаган йигит экан, — дедим мен.

— Бунақа ишни кўп қилади, — жавоб берди Пат. — Жудаям тоши енгил. Шу йўсин ўзини овутиб юради-да. Бу ернинг шароитига чидаш осонми?

— Бўлмаса сени яхшилаб ўраб-чирмаймиз.

Патнинг елкасига қалин жун рўмол ташлаб, бўйнига шарф ўрадим. Чаналар пастга қараб учди. Узундан-узоқ тантанали карвон ҳосил бўлганди. Қурби етган борки, санаторийдан қочган эди. Отларнинг бошидаги ранг-баранг жигалар ой нурида дабдабали силкинар, чанада ўтирганлар оламни бошларига кўтариб қий-чувлашар, гўё водийга дугонаю жўралари билан келин-куёв ўтирган тўй поезди тушиб бораётганга ўхшарди.

Зал дид билан безатилганди. Етиб келганимизда рақс бошланган экан. Санаторийдан келган меҳмонлар учун шамолдан пана алоҳида жой тайёрлаб қўйишипти. Ичкари иссиқ, зални гул, атир-упа ва вино ҳиди тутиб кетганди.

Биз ўтирган стол атрофига бир талай одам жам бўлганди. Ўрис, Рита, скрипкачи, қандайдир кампир, қоқсуяк юзига пала-партиш бўёқ чаплаган аёл, унинг ёнида ёлланма раққосга ўхшаб кетадиган олифта бир йигит, Антонио ва яна аллакимлар.

— Юр, Робби, — деди Пат. — Бир рақсга тушиб кўрайлик-чи.

Рақс майдони атрофимизда вазмин айланар, оркестрнинг бўғиқ овози узра скрипка ва виолончелнинг майин ва оҳангдор

садоси янграрди. Рақсга тушаётганларнинг шип-шип қадам товушлари эшитилиб турарди.

- Рақсга уста экансан-ку, азизим, — деди Пат таажжубланиб.
- Унчаликмас...
- Рост айтяпман. Қаерда ўргангансан?
- Готтфрид ўргатган, — дедим мен.
- Устахонадами?

— Ҳа. «Интернациональ» қаҳвахонасида ҳам. Бунинг учун бизга аёллар ҳам керак эди. Роза, Марион ва Валли холис хизмат қилишди. Балки шунинг учун ҳам у қадар силлиқ чиқмаётгандир.

— Аксинча. — Патнинг кўзлари чақнарди. — Иккаламиз биринчи марта рақсга тушяпмиз-ку, тўғрими, Робби.

Ёнимизда ўрис испан қизи билан рақсга тушарди. У жилмайиб, бош ирғади. Қизнинг рангида қон йўқ. Қоп-қора сочлари қарғанинг икки қанотидай пешонасига тушиб турипти. Кўзлари тўла мунг. Билагида чорбурчак зумрад кўзли билагузук. У ўн саккиз ёшда эди. Скрипкачи ўтирган жойидан унга суқ билан тикиларди.

Стол ёнига қайтдик.

- Энди сигаретадан ол, — деди Пат.
- Чекмай қўя қол.
- Бир-икки тортаман, холос. Чекмаганимга анча бўлди. Робби. — У сигаретани олди-ю, бир тортиб, кулдонга қўйди. — Бемаза. Ёқмади.

Мен кулиб юбордим.

- Узоқ вақт қилмаган ишинг ҳар доим шунақа туюлади.
- Сен ҳам мени узоқ вақт кўрмадинг-ку? — деди Пат.
- Бу заҳарга — арақ билан тамакига алоқадор гап.
- Одамлар баъзан арақ билан тамакидан хавфлироқ бўлишади, азизим.

— Ақлли қизсан, Пат.

У тирсагини столга тираб, менга қаради.

— Умуман олганда, сен менга ҳеч қачон жиддий муносабатда бўлмагансан-ку, тўғрими?

— Умуман олганда, ўзимга ҳам ҳеч қачон жиддий муносабатда бўлмаганман, Пат.

— Менга-чи? Ростини айт.

— Ростини айтсам, билмайман. Лекин иккаламизга ҳамма вақт жудаям жиддий муносабатда бўлганман. Буниси аниқ.

Пат кулди. Антонио уни рақсга таклиф қилди. Улар ўртага тушишди. Кўз узмай кузатиб турдим. Столга яқинлашишганда Пат ҳар гал менга жилмайиб қўярди. Ялтироқ туфлиси ерга тегиб-егмас, ҳаракатлари оҳуни эслатарди.

Ўрис яна испан қиз билан ўртага чиқди. Икковлари ҳам чурқ этишмасди. Ўриснинг йирик буғдойранг юзида поёнсиз назокат бор эди. Скрипкачи қизни рақсга таклиф қилган эди, у бош чайқаб, майдонга ўрис билан кетди.

Скрипкачи қўлидаги сигаретани синдириб, узун, ингичка бармоқлари билан эзгилай бошлади. Унга раҳмим келди. Сигарета узатдим. У рад этди.

— Ўзимни асрашим керак, — деди чертиб-чертиб.

Индамай қўя қолдим.

— Лекин анови, — деди ўрисга ишора қилиб. — Кунига элликта сигарета чекади.

— Нима қипти, биров ундоқ, биров бундоқ, — жавоб бердим энсам қотиб.

— Майли, рақсга тушмаса тушмас, лекин у бари бир меники бўлади.

— Ким?

— Рита.

У яқинроқ сурилди.

— Илгари яқин эдик. Бирга сайр қилардик. Анови ўрис пайдо бўлдию маҳмаданалик қилиб илди-кетди. Аммо пировардида ўзимники бўлади.

— Бунинг учун ҳаракат қилиш керак-да, — дедим мен. Ундан кўнглим қолган эди.

Скрипкачи маърагандай кулди.

— Ҳаракат қилиш керак? Вой, покдомон фаришта-ей! Ҳаракат қилмайман, мен кутаман.

— Майли, кутинг.

— Элликта сигарета, — пичирлади у. — Ҳар куни. Кеча ўриснинг рентген суратини кўрдим. Ўпкаси илма-тешик. Етилиб турипти. — У яна кулди. — Илгари иккаламизники бир хил эди. Рентген суратларимизни ажратиб бўлмасди. Ҳозирги фарқни кўргангизда эди. Мен бир неча килога семирдим. Йўқ, азизим. Мен кутишим ва ўзимни асрашим керак. Кейинги рентген суратини кутиб турибман. Ҳамшира ҳар гал кўрсатади. Бу ёғи фақат кутиш қолди. У ўлса, навбат меники.

— Начора, бу ҳам бир восита, — дедим мен.

— Восита дейсизми? — қайта сўради у. — Бирдан-бир восита, уагинам! Агар ўриснинг йўлига тўғаноқ бўлсам, ҳамма имкониятни бой бераман. Сиз янги одамсиз, бунақа нарсаларга ақлингиз етмайди. Йўқ, мен сабр қилишим ва хотиржам кутишим керак.

Залдаги ҳаво оғирлашди. Патни йўтал тутди. У менга ҳадик билан қараб қўйганини пайқадим. Бўйнига марварид осган кампир индамай, ўй суриб ўтирарди. Аҳён-аҳён қаҳқаҳа отиб қўяди. Кейин яна миқ этмай ўтираверади. Юзи қоқсуяк аёл ёнидаги олифта билан гижиллашиб олди. Ўрис кетма-кет сигарета туттарди. Скрипкачи унга ҳар гал шоша-пиша олов тутади. Қандайдир қиз қаттиқ йўталиб, оғзига рўмолчасини босди, кейин унга қарадию ранги оқариб кетди.

Залга кўз югуртирдим. Спортчиларнинг столи алоҳида, нарироқда соппа-соғ тубжойи кишилар ўтиришипти. Бир ёқда инглиз-

лар, бир ёқда французлар, бир ёқда голландияликлар, гап-сўзларидоги чўзиқ ҳижола ва денгизни ёдга салади; буларнинг орасига хасталик ва ўлимнинг бир парча ошёни суқилиб кириб қолган. «Яйлов ва денгиз, — мен Патга қарадим, — яйлов ва денгиз — пўртаналар, олтин қумлоқ, тўлқинларга тўш уриш... Эҳ, — дедим ичимда, — менинг нозик-ниҳол дўстгинам! Мен суйган пешона! Менинг суюкли қўлларим! Менинг севгилим, сен ҳаётнинг ўзисан, мен сени фақат севишим мумкин, аммо кутқариб қололмайман».

Ўрнимдан туриб, залдан чиқиб кетдим. Чорасизликдан шундай қилдим. Шошмасдан кўчаларда айланиб юрдим. Уйларнинг оралиғидан отилиб чиқаётган изғирин жон-жонимдан ўтиб кетди. Муштларимни қисиб, лоқайд, оппоқ тоғларга тикилдим, ичимда эса алам ва оғриқ исён кўтарарди.

Пастдаги йўлдан кўнғироқларини чалиб, чаналар ўтиб кетди. Изимга қайтдим. Пат рўпарамдан келарди.

— Қаерда юрибсан?

— Пича айландим.

— Бирор нарсадан хафамисан?

— Йўқ.

— Азизим, чехрангни оч! Бугун хушчақчақ бўл! Мен учун. Бу ерга яна қайта келоламанми-йўқми!

— Ҳали кўп келасан.

Пат бошини елкамга қўйди.

— Агар сен шундай десанг, демак, ишонишим керак. Юр, рақсга тушамиз. Ахир бугун иккаламиз биринчи марта рақсга тушяпмиз-ку.

Биз ўртага чиқдик. Юмшоқ беозор нур таралиб турарди. Бу нур одамларнинг чеҳрасидаги тундликни эритиб юбораётганди.

— Қалайсан, Пат?

— Яхши, Робби.

— Гўзалсан.

Унинг кўзларидан учқун сачради.

— Бу сўзни сендан эшитсам, ҳар гал бир қоп семираман.

Юзимда Патнинг қайноқ, қуруқ лабларини туйдим.

Санаторийга алламаҳалда қайтдик.

— Аҳволига қаранг! — ҳиҳилади скрипкачи ўрисни кўрсатиб.

— Сиз ҳам ундан қолишмайсиз, — дедим жаҳл билан.

— Вой, соғлом тўнка-ей!

Ўрис билан қўлини маҳкам қисиб, хайрлашдим. У испан қизининг тирсагидан авайлаб ушлаганча зинапоядан тепага кўтарила бошлади. Тунги чироқларнинг заиф ёғдусида ўриснинг кенг, сал букик кифтига ва қизининг бир тутам нозик елкасига дунёнинг жамики ташвишлари ортилгандай туюларди. Қоқсуяк аёл йўлакдан олифта йигитни диконглатиб судраб ўтди. Антонио ҳам

хайрлашди. Бу эшитилар-эшитилмас шивирлаб хайрлашишда аллақандай хаёлий нарса бор эди.

Пат кўйлагини бошидан чиқазиб еча бошлади. Энгашиб туриб, қаттиқ тортган эди, кўйлак елкасидан сўкилиб кетди. У сўкилган жойга бир муддат тикилиб турди.

— Эскирган-да, — дедим мен.

— Аҳамияти йўқ. Бу кўйлак энди менга керак бўлмайди.

Пат уни жавонга осмасдан, беҳафсала тахлади-да, чамадонга солиб қўйди. Бирдан унинг қаттиқ толиққанини пайқадим.

— Мана буни кўриб қўй, — дедим шоша-пиша чўнтагимдан бир шиша шампанни чиқазиб. — Энди ўзимиз байрам қиламиз.

Бокалларни олиб, тўлдирдим. Пат жилмайди.

— Иккаламиз учун, Пат.

— Бўпти, азизим, антиқа ҳаётимиз учун.

Хона ҳам, сукунат ҳам, бизнинг қайғумиз ҳам ғалати, сирли эди. Ташқарида эса дарё ва ўрмонлар ястанган нотинч ҳаёт давом этар, нафас олар, томирлари гупиллаб уриб турарди. Оппок тоғлар ортига аллақачон кўклам ўрмалаб кириб, кўз ишқалаётган заминни сабрсизлик билан турткиламоқда эди.

— Кечаси мен билан қоласанми, Робби?

— Ҳа. Тўшакка кирамиз. Одам бир-бирига қанчалик яқинлашиши мумкин бўлса, шунчалик яқин бўламиз. Бокалларни тўшакка қўйволиб, ҳузур қилиб ичамиз.

Май. Тилларанг-қорача бадан. Интиқлик. Бедорлик. Сукунат ва суюкли кўкракнинг оҳиста хириллаши.

XXVIII

Яна иссиқ, қуруқ шамол турди. Водийга пилчиллаган, нам ҳарорат таралди. Қор юмшади. Бўғотлардан чакка томчилай бошлади. Беморларнинг иссиғи кўтарилиб кетди. Патга тўшакдан турмасликни буюришди. Дўхтир ҳар икки-уч соатда кириб турарди. Киргани сайин чехраси тундлашиб борарди.

Бир куни, овқатланиб ўтирсам, Антонио ёнимга келди.

— Рита ўлди, — деди у.

— Рита? Ўрис, демоқчимисиз?

— Йўқ, Рита. Испан қизи.

— Бўлиши мумкинмас, — дедим аъзойи баданим музлаб — Ританинг аҳволи Патникидан яхши эди.

— Бу ерда ҳамма нарса бўлиши мумкин, — жавоб берди Антонио хомуш тортиб. — Эрталаб ўлди. Ўзининг касали етмагандай. зотилжам ҳам қўшилган.

— Зотилжам? Ҳа, унда бошқа гап, — дедим негадир енгил тортиб.

— Ўн саккиз ёш-а. Даҳшат! Қийналиб жон берипти.

— Ўрис-чи?

— Э, сўраманг. Ўлганига ишонмаяпти. Қаттиқ ухлаб қолган, дейди нуқул. Тўшагининг ёнида ўтирипти, ҳеч ким хонадан чиқаролмаяпти.

Антонио кетди. Деразага тикилиб қолдим. Рита ўлди. Лекин миямда бошқа фикр айланарди: бу Пат эмас. Бу Пат эмас.

Ойнаванд эшикдан скрипкачини кўриб қолдим. Чиқиб кетишга улгурмасимдан ўзи кириб келди. Кўриниши абгор эди.

— Чекасизми? — сўрадим, нима дейишимни билмай.

У кулди.

— Албатта! Нега чекмас эканман? Энди менга бари бир.

Елкамни қисдим.

— Сизга кулгили-да, а, саховатли галваре! — деди у таҳқиромуз оҳангда.

— Эсингизни еб қўйибсиз!

— Эсингизни еб қўйибсиз? Йўқ, мен панд едим. — У стол ёнига ўтирди, димоғимга коньяк ҳиди урилди. — Ҳа, панд едим. Ўшалар менга панд беришди. Тўнғизлар. Ҳамма тўнғиз. Сиз ҳам тўнғизсиз.

— Агар касал бўлмаганингизда деразадан улоқтириб юборардим.

— Касал? Касал, дейсизми? — у яна жикиллади. — Мен соғман, деярли соппа-соғман. Шунинг учун келдим-да. Бундан кейин отдай бўлиб кетаман. Қалай?

— Шукур қилинг, — дедим мен. — Бу ердан кетганингиздан кейин айрилиқ доғини унутасиз.

— Шунақами? Шунақа деб ўйлайсизми? Вой, донишманд-ей! Вой, соғлом тентаг-ей! Ҳе ўргилдим сиздақа ўпкаси бутун инсондан! — У гандираклаганча нари кетди, кейин яна қайтиб келди.

— Юринг мен билан! Ёнимда бўлинг, биргалашиб отайлик. Пулини ўзим тўлайман. Ёлғиз қолмасам бас.

— Вақтим йўқ, — жавоб бердим унга. — Бошқа одам топинг. Мен яна Патнинг олдига чиқдим. У ёстиққа суянганча оғир-оғир нафас оларди.

— Чанғи учиб келмайсанми?

Мен бош чайқадим.

— Қор ҳўл. Ҳамма ёқ билч-билч.

— Унда Антонио билан шоҳмот ўйна.

— Йўқ, шу ерда ўтираман.

— Шўрлик Робби! — У қимирлашга урниб кўрди. — Бўлма-са, ичадиган бирор нарса топ, эрмак қиласан.

— Бу бошқа гап, — шундай деб, хонамдан бир шиша коньяк билан бокал олиб чиқдим. — Қиттайгина ичасанми? — сўрадим ундан. — Сенга мумкин-ку.

У озгина ҳўплади, салдан кейин яна тоғниди. Сўнг бокални менга узатди. Тўлдириб қўниб, бир кўтаришда бўшатдим.

— Робби, бундан кейин мен билан бир идишдан ҳеч нарса ичма, — деди Пат.

— Шуниси камлик қилиб турувди! — бокални яна тўлдириб, нафас олмай ичиб юбордим.

Пат бош чайқади.

— Бунақа қилма, Робби. Мени ўпмаслигинг ҳам керак. Умуман мендан узоқроқ юришга ҳаракат қил. Сен касал бўлмаслигинг лозим.

— Ўпавераман, ҳаммасига тупурдим, — эътироз билдирдим мен.

— Йўқ, бу ишинг ярамайди. Энди менинг тўшагимда ётишинг ҳам нотўғри.

— Бўпти. Унда сен менинг тўшагимда ёта қол.

Пат лабларини қисди.

— Қайсарлик қилма, Робби. Сен ҳали узоқ яшашинг керак. Хотининг, фарзандларинг бўлишини хоҳлайман.

— Менга сендан бошқа ҳеч қанақа хотин, ҳеч қанақа фарзанд керак эмас. Менинг хотиним ҳам, фарзандим ҳам сенсан.

У бир муддат жим ётди.

— Сендан фарзанд кўришни жудаям хоҳлардим, — деди у ниҳоят, елкамга юзини босиб. — Илгари бу ҳақда ўйламаганман. Ҳатто тасаввур ҳам қилолмасдим. Кейинги пайтда эса шу ўй тез-тез ҳаёлимдан ўтади. Ўзингдан кейин бирор ёдгорлик қолдириш қандай яхши! Болага қараб туриб, баъзан мени ҳам ёдга олардинг. Шунда яна иккаламиз бирга бўлардик.

— Ҳали фарзанд ҳам кўрамиз, — дедим унга. — Тузалволгин. Фарзанд туғиб беришингни жудаям хоҳлайман, Пат. Фақат қиз туғишинг керак, исмини Пат қўямиз.

Қўлимдан бокални олиб, бир ҳўплади.

— Эҳтимол, фарзандимиз йўқлиги яхшидир, азизим. Майли, мендан сенга ҳеч нарса қолмасин. Мени унутгин. Мабодо эслаганингда ҳам бирга ўтказган энг яхши кунларимизни эслагин, бошқасини унутвор, арзимамайди. Сен хафа бўлмаслигинг керак.

— Шунақа гапларни эшитсам, хафа бўламан.

Пат менга узоқ тикилиб қолди.

— Биласанми, мана шундай шифтга тикилиб ётган пайтларингда ҳақлинг минг кўчага кириб чиқади. Илгари эътибор бермаган нарсаларинг ҳаддан ташқари қабариқ ҳолда кўз ўнгингда намоеъ бўлади. Бир нарсага сира тушунмайман. Икки одам бизга ўхшаб бир-бирини яхши кўради, лекин пировардида биттаси ўлади.

— Бас қил, — дедим мен. — Ҳамма вақт кимдир биринчи бўлиб ўлади. Ҳаётнинг ўзи шунақа. Бизга ҳали анча бор.

— Менимча, фақат ёлғиз кишилар ўлиши керак. Ёки бир-бирини ёмон кўрадиганлар. Зинҳор севишганлар эмас.

Ўзимни зўрлаб-жилмайдим.

— Ҳа, Пат, — дедим қизиб кетган қўлини олиб. — Бу дунёни иккаламиз яратганимизда, бутунлай бошқача бўларди.

— Тўғри, азизим. Бунақа нарсаларга йўл қўймасдик. Фақат кейин нима бўлишини билиш қийин-да. Келажакда яна нимадир борлигига ишонасанми?

— Ҳа. Ҳаёт шунақа бемаъни қурилганки, шу йўсинда тугаши мумкин эмас.

Пат кулди.

— Ҳа, бу ҳам бир далил. Лекин мана булар ҳам бемаъними?

У каравоти ёнидаги кажавага солинган атиргулларга ишора қилди.

— Ҳамма гап шунда-да, — жавоб бердим унга. — Ҳаётнинг айрим жиҳатлари гўзал, умуман олганда эса бутунлай бемаъни. Гўё бу оламни ҳаётнинг ранг-баранглигига маҳлиё бўлган бир савдойи яратиб қўйган-у, сўнг уни яксон этишдан бўлак тадбирни ўйлаб тополмаган.

— Яна қайта яратиш учун-да, — деди Пат.

— Бунда ҳам маъни йўқ, — эътироз билдирдим мен. — Шу билан ҳаёт яхши бўлиб қолганида майли эди.

— Тўғримас, азизим. Биз ёмон яшамадик-ку. Бундан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Фақат узоққа чўзилмади, жудаям қисқа бўлди.

Бир неча кундан сўнг кўкрагим санчиб, йўтала бошладим. Йўлақда ўтиб кетаётган бош дўхтир эшитиб қолиб, хонамга бошини сукди.

— Қани, кабинетга юринг-чи.

— Ваҳима қиладиган жойи йўқ, — дедим мен.

— Бари бир. Бу йўтал билан мадемуазель Хольманга яқинлашмаслигингиз керак. Юринг мен билан.

Кабинетга кириб, мамнуният билан кўйлагимни ечдим. Соғлиқ бу ерда қандайдир ғайриқонуний устунликдай туюларди; ўзимни гуноҳкордай, олибсотар ёки қочоқдай сеза бошладим.

Бош дўхтир менга таажжубланиб қаради.

— Нимагадир хурсандсиз? — деди у пешонасини тириштириб.

Кейин обдан эшитиб кўрди. Мен деворга осиглиқ аллақандай ялтироқ нарсаларни томоша қилган кўйи гоҳ чуқур, гоҳ қисқа, гоҳ секин нафас олардим. Ҳар гал кўкрагим санчганида суюнардим. Энди Пат билан бирор нима бўйича мусобақалашим мумкин.

— Шамоллабсиз, — деди дўхтир, — бир-икки кун ётишингиз керак, ҳеч бўлмаса, хонадан чиқманг. Мадемуазель Хольманга зинҳор яқинлашманг. Бу сиз учун эмас, унинг учун хатарли.

— Эшик орқасидан гаплашсам бўладими? Ёки балконданми?

— Балкондан мумкин, лекин бир неча минутдан ортиқ эмас. Томоғингизни яхшилаб чайиб, остонадан гаплашсангиз ҳам

бўлади. Шамоллашдан ташқари нафас йўллари ҳам яллиғланган. Кашандаларда кўп учрайди бу.

— Ўпкам-чи? — Ўпкангиз ҳам чатоқ, дейишини хоҳлардим. Шунда Патнинг олдида ўзимни сал енгил сезардим.

— Ҳар битта ўпкангиздан учта ўпка яшаш мумкин. — деди бош дўхтир. — Кейинги пайтларда мен дуч келган энг соғлом одам сизсиз. Лекин жигарингиз бироз кичрайган. Кўп ичасизми?

— Ҳа энди... ёшликда бўлади-да.

У менга нималарнидир ёзиб берди. Мен чиқиб кетдим.

— Робби, — қичқирди Пат ўз хонасидан. — Дўхтир нима деди?

— Бир-икки кун олдинга кирмай турармишман. Қатъиян ман этди. Касалингизни юқтирасиз, дейди.

— Ана кўрдингми? — деди у ҳафсаласи пир бўлиб. — Узоқроқ юр, деб неча марта айтдим сенга.

— Менга эмас, сенга юқармиш.

— Опқочма, — деди у. — Ростини айт.

— Рост. Ҳамшира! — Ҳамшира менга дори кўтариб келди. — Мадемуазель Хольманга айтинг, қайси биримизнинг касалимиз юқимлироқ.

— Жаноб Локампники, — деди ҳамшира. — Бу киши олдингизга кирмаслиги керак, касали юқади.

Пат ишонқирамай, гоҳ ҳамширага, гоҳ менга қарарди. Остонадан дорини кўрсатдим. У ишонч ҳосил қилиб, кулиб юборди. Шунақа кулдик, кўзларидан ёш чиқиб кетди, сўнг қаттиқ йўтал тутди, ҳамшира ёнига чопиб бориб, елкасидан ушлади.

— Ё парвардигор, — шивирлади Пат, — кулгили ҳол-ку бу, азизим. Кўринишинг отдай-ку.

Бутун оқшом кайфияти яхши бўлди. Табиийки, ундан узоқлашмадим. Пальтонни елкамга ташлаб, бўйнимга шарф ўраб, ярим кечагача балконда ўтирдим — бир қўлимда сигарета, бир қўлимда — бокал, оёқларим орасида — коньяк шишаси. Кўрган-кечирганларимдан гапириб бердим, унинг қўнғироқдай кулгуси ҳикоямни тез-тез бўлиб қўяр ва мени баттар илҳомлантирарди. Чехрасидан лоақал йилт этган табассум сирғаниб ўтиши учун жонжаҳдим билан ёлғон-яшиқ воқеаларни тўқирдим. Ўҳ-ўҳлаб йўталганимда эса хурсанд бўлиб кетардим, шу тариқа шишани бўшатдим, эрталаб турганимда шамоллашдан асар ҳам қолмаганди.

Яна қуруқ шамол кўзгалди. Деразалар зириллади, булутлар пастрлади, қор силжий бошлади, кечалари тоғда кўчкилар гумбурларди; беморлар бетоқат бўлиб, ухлаёлмас, нукул ташқарига қулоқ тутишарди. Шамолдан пана ёнбағирларда аллақачон заъфарлар гуллаган, йўлдаги чаналар орасида баланд филдиракли аравалар пайдо бўлганди.

Пат кун сайин мадордан кета бошлади. Охири туролмайд қолди. Тушлари тез-тез нафаси қисиларди. Шундай пайтларда ўлим

ваҳмидан юзи кўкариб кетарди. Мен унинг намиққан, беҳол кўлларини уқалардим.

— Шунисидан ўтволсам бас, — дерди у хириллаб. — Фақат мана шу соатдан, Робби. Айнан шунақа пайтда ўлишади...

У субҳидам арафасидаги соатдан кўрқарди. Туннинг худди мана шу сўнгги соатида ҳаёт деб аталмиш сирли оқимнинг шиддати сусайиб, батамом сўнади, деб ишонарди. Шунинг учун ҳам фақат шу соатдан кўрқар ва ёлғиз қолишни истамасди. Бошқа пайтларда эса ўзини шу қадар дадил тутардики, қараб туриб ҳайрон қолардим.

Ҳар гал уйқудан уйғониб, кўзларида сўнгсиз илтижо пайдо бўлганида қаравотимни хонасига опчиқиб, ёнида ўтирардим. Шундай пайтларда чамадонимдаги морфийни эслардим; агар Пат ҳар бир янги кунни нақадар қувонч билан қарши олишини кўрмаганимда уларни ҳеч иккиланмай ишлатган бўлардим.

Тўшаги четиди ўтирарканман, миямга нимаики келса, бари-ни ҳикоя қилиб берардим. Унга кўп гапириш мумкин эмасди, бинобарин, сўзларимга жон деб қулоқ соларди. Патга ҳаммасидан ҳам мактабдаги ҳаётим қизиқ туюларди. Дард хуружидан эндигина қутулган, обдан силласи қуриб, ёстиққа беҳол суяниб қолган бўлишига қарамай, ўқитувчиларимдан бирортасига тақлид қилиб беришни талаб этарди. Мен кўлларимни силкитиб, инқиллаб-синқиллаб, ора-сира тасаввурдаги соқолни силаб-сий-палаб, хонада у ёқдан-бу ёққа юрар ва хириллаган овоз билан педагогикага доир турли-туман сирли ҳикматларни қалаштириб ташлардим. Ҳар куни янги бир нарса ўйлаб топардим. Аста-секин Пат бу соҳани аъло даражада таҳлил қиладиган ва ўқитувчиларни қон-қақшатадиган уришқоқ ва тўполончи синфдошларимни беш бармоғидай танийдиган бўп қолди. Бир гал тунги навбатчи ҳамшира мактаб директорининг гумбураган овозини эшитиб, хонага бостириб кирди. Ярим кечада бақириб-чақирсам ҳам, ақлдан озмаганимни унга базўр тушунтирдим. Гап шундаки, Патнинг каттакон жун рўмолини елкамга ташлаб, бошимга юмшоқ шляпани кийволиб, ўқитувчининг столини арралаб қўйган Карл Оссеге деган ўқувчига мактаб директори қиёфасида овозимни баралла қўйиб, танбеҳ бераётгандим. Пат қотиб-қотиб қуларди.

Сўнг аста-секин дераза ёриша бошларди. Тоғ чўққилари қора кўланкаларга айланарди. Уларнинг ортидаги совуқ ва рангпар осмон тобора олисга чекинарди. Столча устидаги тунги чироқ нури хиралашиб, тонг ёғдусига қоришиб кетар ва Пат нам юзини кафтимга босарди.

— Мана ўтди-кетди, Робби. Олдинда яна бир кун бор.

Антонио радиоприёмник келтириб берди. Уни электр тармоғига улаб, бир симини иситиш батареясига боғладим. Кечқурун

Пат ёқтирадиган тўлқинга тўғриладим. Хириллаган овоз эшитилди, кейин шовқин орасидан тиниқ, майин куй сизиб чиқди.

— Нима бу, азизим? — сўради Пат.

Антонио радиожурнал ҳам берган эди. Ўшани varaқлаб ўтиргандим.

— Римга ўхшайди.

Бирдан аёл кишининг дона-дона, вазмин овози янгради:

— Рим — Наполи — Фиренце радиоси...

Приёмник қулоғини бурадим: рояль ижросида яккахон хонанда учун ёзилган қўшиқ.

— Буни кўрмасам ҳам бўлади, — дедим мен. — Бу Бетховеннинг сонатаси. Қачонлардир бу куйни чалишни мен ҳам билардим. Педагог, профессор ёки композитор бўлишимга ишониб юрган кезларимда. Энди чалолмасам керак. Бошқа куйни қидирганимиз маъқул. У пайтларни эслашни ҳам хоҳламайман.

Паст овозли бир аёл силлиқ ва мулойим куйларди: «Менга севгидан сўзланг».

— Париж бу, Пат.

Кимдир узум ширасига қарши кураш усуллари тўғрисида гапира бошлади. Радио қулоғини бурайвердим. Тижорат эълонлари. Сўнг торли тўрт соз учун ёзилган мусиқа эшитилди.

— Нима бу? — сўради Пат.

— «Прага. Бетховеннинг торли чолғу кватрети».

Куй тугагач, яна приёмник қулоғини бурадим, бирдан скрипка, тиниқ скрипка овози янграб кетди.

— Будапештга ўхшайди, Пат. Лўлича куй.

Аста-секин оркестр жўрлигидаги скрипканинг ўткир ва нозик садоси авж пардаларга чиқди.

— Қандай ажойиб, Пат, тўғрими?

Пат индамади. Бурилиб қарадим. У йиғларди, кўзлари катта-катта очиқ. Дарров приёмникни ўчирдим.

— Нима бўлди, Пат? — Озғин елкасидан кучдим.

— Ҳеч нарса, Робби. Тентакман-да. Париж, Рим, Будапешт сўзларини эшитиб, кўнглим бузилиб кетди. Яна бир марта бўлса ҳам лоақал пастдаги қишлоққа тушиб чиқа олганимда бошим осмонга етарди.

— Кўйсанг-чи, Пат...

Уни чалғитиш мақсадида ҳангомалардан сўзлай бошладим. Аммо Пат эътибор бермади.

— Мен сиқилаётганим йўқ, азизим. Бунақа деб ўйлама. Йиғлаганимда асло сиқилмайман. Мабодо шундай бўлган тақдирда ҳам тез ўтиб кетади. Мен кўп ўйлайман.

— Нималарни ўйлайсан? — сўрадим сочларини ўпиб.

— Ҳозир ўйлашим мумкин бўлган бирдан-бир нарса — ҳаёт ва ўлим ҳақида хаёл сураман. Жудаям сиқилганимда ва ҳеч нарсани идрок этолмай қолганимда, ўлгинг келгунча яшагандан

кўра, яшагинг келаётган пайтда ўлганинг маъқул, дейман ўзимга ўзим. Ё гапим нотўғрими?

— Билмадим.

— Рост-да, — у бошини елкамга қўйди. — Яшагинг келаётган бўлса, демак, ҳали нимадир бор, демак, ҳали севасан. Бу ҳолат оғир, айни пайтда, енгил ҳам. Мен бари бир ўлишим керак эди. Энди эса ёнимда сен борлигингдан миннатдорман. Ахир бу дунёда танҳо, бебахт бўлиб қолишим мумкин эдику. Унда жон деб ўлиб кетаверардим. Ҳозир менга қийин. Аммо қалбим кечкурун уясига қайтган асаларидай, муҳаббатга лиммо-лим. Башарти икки нарсдан бирини танлашга тўғри келса, мен ўйланиб ўтирмай, қайта ва қайта ҳозирги қисматимни танлаган бўлардим.

— Қўйсанг-чи бунақа гапларни, Пат, — дедим мен. — Ўзингни қўлга ол, руҳингни туширма. Шамол тўхтаса, яхши бўп қоласан. Шу заҳоти бу ердан кетамиз, шаҳарга қайтамиз.

Пат менга узоқ тикилиб турди.

— Сендан хавотирдаман, Робби. Мендан кўра сенга қийинроқ бўлади.

— Бу ҳақда гаплашмайлик.

— Мени сиқияпти деб ўйламаслигинг учун гапиряпман.

— Унақа деб ўйлаётганим йўқ.

Пат қўлини елкамга ташлади.

— Лўлича куйни яна бир қўймайсанми?

— Эшитгинг келяптими?

— Ҳа, азизим.

Мен яна приёмникни бурадим, хонага скрипка, чанг ва чўпон сурнайнинг садоси аввал секин, кейин тобора баланд авжларда тарала бошлади.

— Яхши, — деди Пат. — Шамолга ўхшайди. Кишини кифтида аллақасқларга олиб кетаётган шамолга ўхшайди.

Бу Будапешт боғларининг биридаги ресторанда бўлаётган оқшом концерти эди. Мусиқа садолари орасидан аҳён-аҳён стол атрофида ўтирган одамларнинг овозлари, хитоб ва қийқириқлари эшитилиб қоларди. Гўё у ёқда, Маргарита оролида, каштанлар барг ёзгану митти япроқчалар ой ёғдусида йилтираб, скрипка оҳангига тебранаётгандай эди. Эҳтимол, у ерда оқшом илиқдир, одамлар очиқ ҳавода ўтиришгандир — табиийки, столда қаҳрабо тусдаги венгер винолари, оқ камзулли хизматчилар слиб-югурган, лўлилар рақсга тушишяпти; сўнг баҳорнинг яшил ғира-ширасида ҳориб-чарчаб уйга қайтасан; бу ерда эса Пат жилмайганча мусиқа тинглаб ётипти, энди у ҳеч қачон бу хонадан чиқолмайди, ҳеч қачон бу тўшакдан туролмайди.

Бу ёғи бирданига тезлашиб кетди. Юз териси тортишиб, ёноқлари туртиб чиқди, икки чаккасидан бош суяги кўриниб қолди. Қўллари ёш боланикидан фарқ қилмасди, қовурғаларини сана-

са бўларди, иситма қоқ-қуруқ вужудини бетиним ларзага соларди.

Ҳамшира дам-бадам ҳаво тўлдирилган ёстиқ келтирар, дўхтир ҳар соатда кириб турарди.

Бир куни кечга яқин ҳарорати кескин пасайиб кетди. Пат ўзига келиб, менга узоқ тикилди.

— Кўзгуни олиб бер, — шивирлади у.

— Кўзгуни нима қиласан? Дамингни ол, Пат. Энди яхши бўл кетасан. Иситманг тушиди.

— Йўқ, — шивирлади у яна синиқ товушда. — Кўзгуни бер.

Каравотни айланиб ўтиб, деворда осиглиқ турган кўзгуни олдим у жўртгага қўлимдан тушириб юбордим. Кўзгу чил-чил бўлди.

— Оббо! — дедим мен. — Кечир, эпсизлигим курсин.

— Сумкачамда бошқаси бор, Робби.

Бу хром суртилган кафтдеккина металл кўзгуча эди. Сал бўлса ҳам хиралаштириш мақсадида унга зўр бериб бармоғимни ишқаладим. Сўнг Патга узатдим. Пат кўзгуни базўр тозалаб, юзига тутди.

— Сен кетишинг керак, азизим, — шивирлади у.

— Нега кетаман? Энди севмай қўйдингми?

— Менга бошқа қарамаганинг тузук. Бу энди менмасман.

Кўзгуни қўлидан олиб олдим.

— Шу бир парча темирга ишониб ўтирибсанми? Менинг аксимга бир қара. Қандай хунук, озгин кўринаман. Аслида соппасоғ, бақувват одамман-ку. Ишонма бунга.

— Хотиранда бошқача бўлиб қолишим керак, — деди Пат. — Кета қол, азизим. Бу ёғини ўзим эплайман.

Унга тасалли бердим. Пат яна сумкачаси билан кўзгуни сўраб олди. Кейин ҳорғин, қонсиз юзига, қуруқшаган лаблари, ичига ботиб кетган кўзлари остига упа сурта бошлади.

— Энди сал одамга ўхшадим, азизим, — деди у жилмайишга уриниб. — Мени хунук қиёфада кўришингни истамайман.

— Нима қилсанг, қилавер, — жавоб бердим унга. — Сен ҳеч қачон хунук бўлмайсан. Мен учун сен дунёдаги энг гўзал аёлсан.

Кўзгу билан упадонни тортиб олиб, иккала қўлимни авайлабгина боши остига суқдим. Салдан кейин у безовта тўлғанди.

— Нима бўляпти, Пат?

— Жудаям қаттиқ чиқилляпти.

— Соатимми?

У бош силкиди.

— Гумбурлаётганга ўхшайди.

Билагимдан соатни ечдим.

Пат ҳадик билан унинг милларига қаради.

— Йўқот буни.

Соатни деворга отдим.

— Мана энди бошқа чиқилламайди. Вақт тўхтади. Уни парчалаб ташладик. Энди фақат иккаламиз — сену мен қолдик.

У менга қаради. Кўзлари янада катгалашиб кетганди.

— Азизим, — шивирлади у.

Нигоҳига бардош беролмадим. Жудаям олисдан бошланган бу нигоҳ вужудимни тешиб ўтиб, қаёққадир номаълум бўшлиққа интиларди.

— Дўстим, гўлдирадим мен. — Менинг суюкли, довюрак дўстгинам.

У тонг отишидан бир соат илгари узилди. Ниҳоятда қийналиб, узоқ жон таслим қилди, унга ҳеч ким ёрдам беролмади. Қўлимни қаттиқ қисиб олган, лекин энди мени танимасди.

Олисдан бир товуш келди:

— У ўлди.

— Йўқ, — эътироз билдирдим мен. — Ҳали ўлган эмас. Қўлимни маҳкам ушлаб турипти.

Нур. Кўзни қамаштирувчи нур. Одамлар. Дўхтир. Аста бармоқларини ажратаман. Қўли тўп этиб, кўрпага тушади. Қон. Нафас қисилишидан ўзгариб кетган чеҳра. Оғриқ тўнғиб қолган кўзлар. Ипақдай майин қўнғир сочлар.

— Пат, — дейман унга. — Пат!

Биринчи бор у менга жавоб қайтармайди.

— Мени холи қўйинглар, — дейман зўр-базўр.

— Балки олдин... — дейди аллаким.

— Йўқ, — эътироз билдираман унга. — Кетинглар, тегманглар.

Кейин бўйни ва кўксидаги қонни ювдим. Карахт бўлиб қолдим. Сочларини тарадим. Танаси музлаб борарди. Тўшагимга олиб ўтиб, устига адёлни ёпиб қўйдим. Стулда ўтирганча унга тикилар ва ҳеч нарсани идрок қилолмасдим. Кучук кириб, ёнимга чўкди. Лаҳза сайин Патнинг юзи ўзгараётганини кўриб турардим. Қўлимдан ҳеч нарса келмасди. Кўнглим вайрон бўлиб, унга термилиб ўтиришдан бошқа ҳеч нарса келмасди қўлимдан. Кейин тонг отди, энди Патдан абадул-абад жудо бўлгандим.

Эрих Мария Ремарк (1898—1970) немис адабиётининг йирик намояндаларидан биридир. Унинг «Ғарбий фронтда ўзгариш йўқ», «Қайтиш», «Уч оғайни», «Зафар дарвозаси» каби қатор романлари дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган.

Ўзбек тилида илк бор чоп этилаётган ушбу асарда биринчи жаҳон урушидан сўнг Германияда юзага келган ижтимоий муҳит катта маҳорат билан тасвирланган.

Адабий-бадиий нашр

ЭРИХ МАРИЯ РЕМАРК

УЧ ОФАЙНИ

Роман

Тошкент «Маънавият» 2002

Муҳаррир *Ҳ. Аҳмедова*
Рассом *А. Богданова*
Техн. муҳаррир *Т. Золотилова*
Мусаҳҳиҳ *Ш. Илҳомбекова*

Теришга 29. 07. 2002 й. да берилди. Босишга 07. 11. 2002 й. да рухсат этилди. Бичими 84×108 1/32. Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли б.т. 17,64. Шартли кр.-отт. 18,06. Нашр т. 22,47. 5000 нусха. Буюртма № К-9382. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти. Тошкент, Буюк Турон, 41-уй. Шартнома 32—02.

Ижарадаги Тошкент матбаа комбинатида чоп этилди. Тошкент, Навоий кўчаси. 30-уй. 2002.